

125.2  
336  
P-44



Ўзбекистон Республикаси  
Молия вазирлиги



Uzbekistan

# Ўзбекистон Республикаси Бюджет тизими

Тошкент 2010

4-92  
БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ  
ТАРАҚҚИЁТ ДАСТУРИ  
(БМТТД)  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИА ВАЗИРЛИГИ  
ЎҚУВ МАРКАЗИ

C-99

Срожиддинова З.Х.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БЮДЖЕТ ТИЗИМИ

### ДАРСЛИК

B-15501

Тошкент - 2010  
infoCOM.UZ МЧЖ ~~нашриёти~~

## **Такризчилар:**

**Ли А.Н.** – Иқтисод фанлари номзоди, Банк-молия Академияси “Молия” кафедраси доценти

**Усмонов Ш.** – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари – Бюджет сиёсати ва жамланган бюджетни прогноллаштириш бўлими бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими: Дарслик / З.Х.Срождиддинова.** – Тошкент, 2010. – 500 б.

Таржимон – Н.Г. Муминов



**Uzbekistan**

Барча ҳуқуқлар БМТ Тараққиёт дастурига тегишли. Ҳар қандай шаклда қайта чоп этиш ёки ундан кўчирмалар олиб фойдаланиш фақатгина Ўзбекистон розилик орқали амалга оширилиши зарур, манбага ҳавола қилиш мажбурийдир. Қайта босиб чиқариш, таржима қилиш ва босма нашрларни сотиб олиш масалалари бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 4-уй.

© Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт дастури, 2010 йил.  
Ўзбекистон, 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 4-уй.

Тел.: (+998 71) 120-34-50

Факс: (+998 71) 120-34-85

Интернет-сайт: [www.undp.uz](http://www.undp.uz)

© БМТТД «Ўзбекистонда давлат молияси ислоҳоти» лойиҳаси, 2010 йил.  
Ўзбекистон, 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй.

Тел.: (+998 71) 259-21-52

Факс: (+998 71) 259-20-51

Интернет-сайт: [www.publicfinance.uz](http://www.publicfinance.uz)

infoCOM.UZ МЧЖ нашриёти

ISBN 9789943-392-01-4

## МУНДАРИЖА

### СЎЗБОШИ ..... 6

### 1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БЮДЖЕТ ТУЗИЛИШИ, БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ..... 8

- 1.1. Давлат бюджети: тушунчаси, моҳияти, функциялари, такрор  
ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрни ва аҳамияти, ҳолати ва тарихи ..... 8
- 1.2. Бюджет тузилиши, бюджет тизими: методологияси ва  
Ўзбекистон амалиёти ..... 17
- 1.3. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг бюджетлари ..... 24
- 1.4. Бюджетлараро муносабатлар: методологияси ва  
Ўзбекистон Республикасидаги амалиёти ..... 30
- 1.5. Бюджет қонунчилиги: жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон амалиёти ..... 44

### 2-БОБ. БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ ..... 53

- 2.1. Вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг бюджет  
тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари ..... 53
- 2.2. Бюджет таснифи ..... 58
- 2.3. Бюджетни прогнозлаштириш ва режалаштириш ..... 70
- 2.4. Бюджет жараёни методологияси ..... 76
- 2.5. Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёни ..... 82

### 3-БОБ. БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ЖАРАЁНИДА ЎЗГАРИБ БОРИШИ ..... 123

- 3.1. Ўзбекистон Республикаси суверенитети эълон қилиниши арафасида  
бюджет тизими ва унинг бозор ислохотлари жараёнида ўзгариб бориши ..... 123
- 3.2. Ўзбекистон Республикаси суверенитети эълон қилиниши арафасида  
Давлат бюджети ..... 128
- 3.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг  
ривожланишида фискал босқич ..... 134
- 3.4. Давлат бюджетининг макроиктисодий ҳолатни барқарорлаштиришга  
йўналтирилган ноинфляциян ривожланиш босқичи ..... 141
- 3.5. Давлат бюджетининг давлат молиясини бошқаришни ислох  
қилиш доирасида ривожланиши ..... 151

<b>4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ</b> .....	<b>171</b>
4.1. Давлат бюджети даромадлари тушунчаси ва таркиби .....	171
4.2. Ўзбекистон давлат бюджетининг солиқли даромадлари: таркиби ва тавсифи.....	176
4.3. Давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловлар: таркиби ва тавсифи ...	213
4.4. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари ва уларнинг тавсифи ....	223
<b>5-БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ</b> .....	<b>227</b>
5.1. Бюджет харажатлари, бюджетдан молиялаштириш усуллари, принциплари ва шакллари .....	227
5.2. Бюджет ташкилотларнинг молиялаштириш, бюджет маблағларини сарфлаш, бюджет ташкилотини ривожлантириш фондини шакллантириш ва бюджет ташкилотлари харажатлари ижросини назорат қилиш тартиби....	232
5.3. Давлат бюджетининг ижтимоий-маданий тадбирларга харажатлари ..	240
5.4. Давлат бюджетининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга харажатлари...	307
5.5. Давлат бюджетининг иқтисодиётга харажатлари.....	320
5.6. Марказлаштирилган инвестицияларга харажатлар .....	335
5.7. Давлат бюджетининг бошқарувга ва бошқа харажатлари.....	342
<b>6-БОБ. ДАВЛАТНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ</b> .....	<b>358</b>
6.1. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари: моҳияти, тарихи, таснифи .....	358
6.2. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджети ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари.....	360
6.3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси .....	367
6.4. Жамғариб бориладиган пенсия тизими.....	379
6.5. Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси.....	381
6.6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси. ....	388
6.7. Давлат мулкни бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат кўмитасининг махсус ҳисоби.....	398

<b>7-БОБ. ДАВЛАТ ҚАРЗИ:</b>	
<b>МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА БОШҚАРИШ.....</b>	<b>406</b>
7.1. Давлат қарзи тушунчаси, иқтисодий мазмуни ва таркибий тузилиши ....	406
7.2. Давлат қимматли қоғозлари ва уларнинг таснифи .....	413
7.3. Давлат қарзини бошқариш .....	427
<b>8-БОБ. БЮДЖЕТ НАЗОРАТИ.....</b>	<b>436</b>
8.1. Бюджет назоратининг мазмуни, аҳамияти, элементлари ва принциплари .....	436
8.2. Бюджет назоратининг таснифи.....	440
8.3. Ўзбекистон Республикасида бюджет назорати.....	454
<b>ГЛОССАРИЙ .....</b>	<b>485</b>

## СЎЗБОШИ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури (БМТТД) уч йил давомида Ўзбекистонда давлат молиясини бошқаришни ислох этишни кўллаб-қувватлаб келмоқда. Хусусан, “Ўзбекистонда давлат молияси ислохоти” лойиҳаси доирасида БМТТД Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази учун бир қатор ўқув модуллари ишлаб чиқилди. Бу модуллар бир неча махсус курслар бўйича дарсликлар ва ўқув кўлланмаларини ўз ичига олади. Ушбу “Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими” курси бўйича дарслик ҳам шулар жумласидандир.

Дарслик саккиз бобдан иборат бўлиб, уларда Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг назарияси, ташкил этиш ва фаолият юритиш амалиёти акс эттирилган.

“Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилиши, бюджет тизими” деб номланган биринчи бобда давлат бюджети иқтисодий категориясининг тушунчаси ва моҳияти очиқ берилган. Бюджет тузилиши, бюджет тизимларининг методологияси ва амалиёти ёритилган, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси бюджет қонунчилиги бўйича маълумотлар келтирилган.

“Бюджет жараёнини ташкил этиш асослари” деб номланган иккинчи бобда вақиллик ва ижроия органларининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари, бюджет таснифи, бюджетни прогностлаштириш ва режалаштириш, бюджет жараёни методологияси, Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёни масалалари ёритилган.

“Бюджет тизими ва Ўзбекистон бюджет тизими бюджетларининг бозор ислохотлари жараёнида ўзгариб бориши” деб номланган учинчи бобда Ўзбекистоннинг бюджет тизими суверенитет эълон қилиниши арафасида ва бозор ислохотлари жараёнида, шу жумладан давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш доирасида ўзгариб бориши кўрсатиб берилган.

Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари ва харажатлари бирлаштирилган жамланма бюджетини намён этади. Шу сабабдан, бюджет тизими бюджетларининг даромадлари ва харажатлари дарсликда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети контекстида тадқиқ этилган.

“Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг даромадлари” деб номланган тўртинчи бобда Ўзбекистон давлат бюджетининг солиқли ва солиқсиз даромадларига батафсил тавсиф берилган.

“Давлат бюджети харажатлари” деб номланган бешинчи бобда Ўзбекистонда амалда бўлган бюджет ташкилотларини молиялаштириш, бюд-

жет маблағларини сарфлаш, бюджет ташкилотини ривожлантириш фондини шакллантириш ва бюджет ташкилотлари харажатлари ижросини назорат қилиш тартиби кўрсатилган. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг харажатлари, шу жумладан таълим ва соғлиқни сақлаш тизимидаги бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларини режалаштириш ва молиялаштириш замонавий амалиёти ва унинг хусусиятлари батафсил ёритилган.

“Давлат бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари” деб номланган олтинчи бобда Ўзбекистоннинг давлат бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларига тавсиф берилган. Шу билан бирга, ушбу бобда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Жамғариб бориладиган пенсия тизими, Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика Йўл жамғармаси, Давлат мулкани бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат Қўмитаси махсус ҳисобининг асосий вазифалари, шаклланиш манбалари ва хусусиятлари, маблағларининг сарфланиш йўналишлари, даромадлар ва харажатлар истикболларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби кўрсатилган. Ўзбекистон Республикасида жамғариб бориладиган пенсия тизимини ташкил этиш хусусиятлари ёритилган.

“Давлат қарзи: мазмуни, таркиби ва бошқариш” деб номланган еттинчи бобда давлат қарзининг тушунчаси, иқтисодий мазмуни ва таркибий тузилиши, давлатнинг қимматли қоғозлари ва уларнинг таснифи келтирилган.

“Бюджет назорати” деб номланган саккизинчи бобда Ўзбекистон Республикасида бюджет назоратини ташкил этиш назарияси ва амалиёти, амалдаги қонунчилик доирасида бюджет назорати органларининг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари таҳлил этилган.

Дарсликнинг ҳар бир боби сўнгида назорат саволлари ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати мавжуд. Дарслик охирида глоссарий ва иловалар келтирилган.

Муаллиф БМТТД лойиҳаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Ўқув маркази раҳбариятига тегишли ўқув материалларини тақдим этганлиги, шу жумладан, куйидаги дарсликни тайёрлашга ишонч билдирганликлари учун чуқур миннатдорчилик билдиради ҳамда тақризчиларга ва Молия вазирлигининг етакчи мутахассисларига ушбу дарсликни ёзиш жараёнида ҳисобга олинган қимматли маслаҳатлари ва тавсиялари учун алоҳида миннатдорчилик изҳор этади.



# 1-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING БЮДЖЕТ ТУЗИЛИШИ, БЮДЖЕТ ТИЗИМИ

## 1.1. Давлат бюджети: тушунчаси, моҳияти, функциялари, такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрни ва аҳамияти, ҳолати ва тарихи

1. Бюджет – даромадлар ва харажатларнинг ҳисоб-китоб ва чегараловчи сметалари ҳамда уларнинг маълум бир муддатга тузилган рўйхатини англатувчи умумий терминнинг номидир. Бюджет тегишли қарор билан тасдиқланиб, индивидуал ёки жамоа субъекти томонидан ижро қилинади.<sup>1</sup>

Давлат бюджети молия иқтисодий категориясининг таркибий қисми ҳисобланади. Шу сабабли давлат бюджети иқтисодий категория – давлатнинг ўз вазифа ва функцияларини бажариши учун зарур бўлган марказлашган пул маблағларининг тўпланиши, тақсимланиши ва сарфланишида юзага келадиган объектив пул муносабатлари йиғиндиси сифатида тавсифланиши мумкин.

Давлат бюджетининг иқтисодий категория сифатидаги хусусиятлари унинг шакли, моддий мазмуни ва моҳияти (иқтисодий табиати)да намоён бўлади.

**Шакл жиҳатидан** давлат бюджети – бу давлатнинг асосий молиявий режаси бўлиб, унда бюджет пул муносабатлари тизими сифатида микдор жиҳатидан ифодаланади. Бинобарин, айнан бюджет режаси мамлакатнинг муҳим молиявий ҳужжати сифатида тузилади, кўриб чиқилади, тасдиқланади ва ижро этилади. Унда пул маблағларининг марказлаштирилган жамғармасини шакллантириш, тақсимлаш ва ундан фойдаланишга доир иқтисодий муносабатлар акс этади.


**Моддий мазмун жиҳатидан** давлат бюджети – давлатнинг бюджет режасини ижро этиш жараёнида ташкил топадиган ва фойдаланиладиган асосий марказлаштирилган пул маблағлари жамғармасидир.

**Моҳият жиҳатидан** давлат бюджети – давлат бошқарувининг муҳим воқитаси бўлиб, унинг ёрдамида давлат такрор ишлаб чиқариш жараёنларига таъсир кўрсатади, инсон иродасига бўйсунмайдиган бозор қучларининг салбий таъсирини бартараф этади.

Давлат томонидан тартибга солиш, солиқлар, бюджет маблағлари ва молиявий ёрдам, ижтимоий кафолатлар, бюджет маблағлари ҳисобига махсус жамғармалар ва иқтисодиётнинг ривожланишидаги номутаносибликнинг олдини олиш захиралари ташкил этиш ёрдамида амалга оширилади.

<sup>1</sup> Қаранг: Толковый словарь современных бюджетных терминов. – М., 1999. – 15-б.

1-схема. Давлат бюджети тушунчаси



**Хукукий категория сифатида** давлат бюджети – бу давлатнинг вазифа ва функцияларини молиявий таъминлаш учун мўлжалланган пул маблағлари жамғармасини ташкил этиш ва сарфлашнинг конун билан белгиланган шаклидир.

Бюджет хукукий акт шаклига эга бўлиб, ваколатли ҳокимият органи томонидан қабул қилинади ва шу сабабдан конуний кучга эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларига мувофиқ **Давлат бюджети**<sup>2</sup> – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

2. Ҳар қандай иктисодий категориянинг моҳияти унинг функцияларида намоён бўлади. Давлат бюджети молия иктисодий категориясининг таркибий бўлинимаси ҳамда бюджет муносабатлари молиявий муносабатларнинг таркибий қисми ҳисоблангани учун уларга пул шакли ҳосидир ва улар тақсимлаш (қайта тақсимлаш) ва назорат функцияларини бажаради.

**Тақсимлаш функциясини** солиқ, заём, давлат мулкидан тушган даромадлар, қоғоз пуллар эмиссиясидан тушган даромадларни ўз ичига олувчи бюджет даромадлари амалга оширади. Бунда бюджет жамғармаси хўжалик субъектлари (юридик ва жисмоний шахслар) даромадлари ҳисобига шаклланади. Бу даромадлар соф миллий маҳсулотнинг бирламчи тақсимоти (ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи, ёлланма ишчиларнинг даромадлари, тадбиркорлик фойдаси, рента, фониз) натижасида юзага келади.

Бюджет даромадлари таркиби доимо бир хил эмас, у ҳар бир мамлакатнинг иктисодий шарт-шароитларига боғлиқдир. Бюджет даромадлари таркибининг ўзгариши иктисодий жараёнлар динамикаси билан боғлиқ ўзгаришларни акс эттиради. Шундай қилиб, солиқлар ва заёмлар ўртасидаги нисбатнинг заёмлар улуши ошиб бориши томонга ўзгариши ишлаб чиқаришнинг пасайганлиги, жамиятда истеъмол ва жамғариш ўртасидаги нисбат ўзгарганлигидан далолат беради.

Бюджетнинг қайта тақсимлаш функцияси аниқ мақсадли бюджет харажатларига тегишлидир. Давлат умумий хўжалик субъекти сифатида фаолият юритиб, такрор ишлаб чиқариш жараёни барча иштирокчиларининг иктисодий манфаатларини ҳисобга олади, шунинг учун ҳам бюджет харажатлари


<sup>2</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-Илсон Қонуни 3-моддаси.

хўжаликнинг ҳамма тармоқлари ва соҳаларини камраб олади. Миллий иқтисодиётда макроиқтисодий муносабибликларга риоя қилишга эҳтиёж алоҳида тармоқлар, ижтимоий соҳа, иқтисодий ҳудудлар, мулкчиликнинг турли шакллари, алоҳида хўжалик субъектларини бюджетдан молиялаштириш ҳажмларини бошқаришни тақозо этади.

Бюджетнинг **назорат функцияси** бюджет маблағларининг ўз вақтида ва тўлиқ тушиши ва уларнинг мақсадли ишлатилиши устидан давлат назорати ўрнатилишини назарда тутади.

Шундай қилиб, тақсимлаш функцияси бюджет жамғармаси (бюджет даромадлари)нинг вужудга келишини таъминлайди; қайта тақсимлаш – бюджет жамғармасининг сарфланишига (бюджет харажатларига); назорат – бюджетга маблағлар тушиши ва ундан фойдаланиш устидан назорат олиб борилишига шароит яратади.

2-схема. Давлат бюджети функциялари



3. Давлат бюджети такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларига фаол таъсир кўрсатади, миллий даромадни миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари ўртасида, шу жумладан моддий ишлаб чиқариш соҳасидан номоддий соҳага (ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш, жамиятнинг jisмоний ва маънавий ривожланишига, аҳолининг кам таъминланган катлами – пенсионер-

лар, талабалар, ишсизлар, кўп болали кам таъминланган оилалар ва бошқаларнинг турмуш даражасини барқарор ушаб туриш учун шароитлар яратида) қайта тақсимланишини таъминлайди; маҳсулотлари ва хизматлари жамият учун жуда муҳим ва зарур бўлган, лекин барқарор паст даромадли тармоқлар (энергетика, транспорт, алоқа ва бошқалар)ни молиявий кўллаб-қувватлашни амалга оширади.

Давлат бозор иқтисодиёти шароитида бюджет даромадини шакллантиришнинг асосий манбан ҳисобланган солиқлар ёрдамида алоҳида тармоқларнинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг ва жисмоний шахсларнинг иқтисодий фаоллигини улар ихтиёрида қоладиган пул маблағлари улушини кўпайтириш ёки камайитириш орқали, тийиб туриш ёки рағбатлантириш сиёсатини амалга ошириш йўли билан тартибга солади ва шу тариқа, иқтисодий мувозанатни таъминлайди.

Шу билан бирга, бюджет орқали бюджет тизимининг даражалари ўртасида даромадлар қайта тақсимланади (субвенциялар, трансфертлар), ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаларини тенглаштириш имконияти яратилади (3-схема).


Шундай қилиб, давлат бюджети иқтисодиётни самарали тартибга солиш воситаси бўлиб, у давлатга зарур бўлган молиявий ресурслар ҳажминини акс эттиради, мамлакатда солиқ сиёсатини белгилайди, маблағларни сарфлаш, миллий даромад ва ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлашнинг аниқ йўналишларини кайд этади.

Тарихнинг турли давларида давлат бюджети миллий иқтисодиётга турлича таъсир кўрсатади. Капиталистик тараққиёт даврида давлат иқтисодиётга фаол аралашмас эди – давлат бюджети орқали миллий даромаднинг 19% қайта тақсимланарди. XX асрнинг иккинчи ярмига келиб, давлат бюджети макроиқтисодий жараёнларни бошқарувчи кучли воситага айланди – ҳозирги вақтда давлат бюджети орқали миллий даромаднинг 30-50% қайта тақсимланмоқда.

4. Давлат бюджетининг фаолиятини алоҳида иқтисодий шакллар ҳисобланган даромадлар ва харажатлар таъминлайди.

**Бюджет даромадлари** – қонунчиликда белгиланган тартибга биноан давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий бошқарув органлари ихтиёрига бегараз ва қайтариб бермаслик шартлари бўйича келиб тушаётган пул маблағларидир.

3-схема. Ялпи миллий махсулотни бюджет оркали қайта тақсимлаш



Жахон амалиётида бюджетга пул тушумларининг уч асосий йўналиши мавжуд:

- юридик ва жисмоний шахслардан қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган солиқлар ва йиғимлар кўринишида ундирилаётган мажбурий тўловлар;
- фойдаланиш эвазига тўловлар ва бадаллар ундирилаётган давлат мулки ва умумдавлат ресурслари;
- давлат заёмлари, бошқа қимматли қоғозлар, лотереялар сотишдан тушган даромадлар, давлат банкларига қўйилган омонатларнинг қисмлари ва бошқалар кўринишида жалб қилинган ресурслар.

Бюджет даромадларининг ҳажми солиқ солишнинг белгиланган солиқ ставкалари билан аниқланадиган ЯИМнинг ўсиши ва солиқ юкига боғлиқдир. Даромадларнинг асосий вазифаси бюджет харажатларини таъминлашдир.

**Бюджет харажатлари** – бу давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқарув органларининг вазифа ва функцияларини бажариш учун йўналтирилаётган пул маблағлари; давлат пул маблағлари фондини тақсимлаш ва уни тармоқ, мақсадли ва ҳудудий йўналишларда фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир.

Бюджет харажатлари категорияси аниқ харажатлар турлари орқали намоён бўлади ва уларнинг ҳар бири сон ва сифат жиҳатидан тавсифлаб берилиши мумкин. Сифат тавсифи бюджет харажати ҳар бир турининг иқтисодий табиати ва ижтимоий мақсадини белгилаш имконини берса, сон тавсифи уларнинг ҳажмини белгилайди.

**5. Бюджетнинг уч асосий ҳолати фарқланади:** тақчиллик, профицит ва мутаносиб ҳолат.

#### 4-схема. Давлат бюджетининг ҳолати



Бюджет харажатларининг даромадлардан ошиб кетиши (бюджетнинг салбий сальдоси) бюджет **тақчиллигини** англатади.

Бюджет даромадларининг харажатлардан ошиб кетиши (бюджетнинг ижобий сальдоси) бюджет **профицитини** англатади.

**Мутаносиб** бюджет – харажатлар ва даромадлар суммаси бир-бирига тенг бўлади.

Иктисодий назарияда бюджет тақчиллиги ёки профицити умумий харажатлар хажмидан 1 фоизга ошиб кетмаса, бундай бюджет мутаносиб деб ҳисобланади.

Бюджет тақчиллиги – давлат учун номақбул бўлган ҳол. Шундай бўлса ҳам, бюджет тақчиллигини фавқулодда, фожиали ҳолатга йўйиш нотўғридир. Чунки тақчиллик табиати турлича бўлиши мумкин.

Давлат бюджети тақчиллиги назорат остида ва иктисодиёт учун хавфли эмас деб унинг хажми ЯИМга нисбатан 3 фоиздан ошмаганда (Маастрихт мезонлари) таъкидлаш мумкин. Акс ҳолда у пул, кредит тизими ва умуман иктисодиётнинг фаолиятига таъсир кўрсатиши мумкин.

**Бюджет тақчиллигининг** куйидаги **шакллари** фаркланади:

**таркибий бюджет тақчиллиги** – ҳукуматнинг иктисодий ривожланишни амалга ошириш мақсадида давлат харажатларини ошириш ва солиқларни пасайтириш чораларининг қўлланилиши натижасида юзага келадиган тақчиллик бўлиб, у ижтимоий жараёнларнинг инкирозини ифодаси эмас, балки давлатнинг ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш таркибида прогрессив силжишларни амалга ошириши натижасидир.

**циклли бюджет тақчиллиги** – ишлаб чиқаришнинг цикли пасайиши натижасида келиб чиқадиган ва иктисодиётдаги инкироз ҳолатларини, ҳукуматнинг молиявий ҳолатни назорат қила олмаслигини ифода этадиган тақчиллик.

Бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбалари бўлиб ихтиёрдаги ва қарз маблағлари намоён бўлиши мумкин. Ихтиёрдаги маблағлар – қайтармаслик характериға эға бўлган, давлат ва маҳаллий ҳокимият тасарруфидаги мол-мулкдан тушган ресурслар. Ички ва ташқи молия бозорларида қарз олиш қайтарилиш характериға эға ва давлат қарзининг ошишиға олиб келади, уларға хизмат кўрсатишға фоиз харажатлари талаб қилинади.

6. Бюджет давлатнинг амал қилиши заруратидан келиб чиқади, чунки давлат амал қилиши ва фаолият юритиши учун маълум бир маблағларға эға бўлиши керак. Феодализм даврида давлат харажатлари икки турға бўлинган эди: доимий (кироллик саройи, давлат муассасаларини сақлаш) ва вақтинча (йўллар ва иншо-



отлар куриш ва бошқалар), унинг даромадлар ва харажатлар қисмини акс эттирувчи ва мужассамлаштирувчи ягона ҳужжат мавжуд эмас эди. Харажатнинг ҳар бир турига тегишли даромад тури пул ёки натурал кўринишда топилиб бириктириллар эди. Харажатлар ва уларга бириктирилган даромадлар мустақил сметалар кўринишида расмийлаштирилиб, жуда кўп ҳажмда тўпланар эди. Ҳамма харажатлар ҳужжатлаштирилмас эди. Давлат раҳбари давлатнинг барча маблағларини назоратсиз идора қилар, бунинг натижасида исрофгарчилик юзага келар эди. Буржуазия даври монархларнинг молиявий ҳуқуқларини чегаралаш, давлат харажатлари устидан назорат ўрнатиш ва солиқларни тайинлаш ва бекор қилиш ҳуқуқини чегаралаш билан характерланади. Шуларнинг барчаси бюджетнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига сабабчи бўлди.

Давлатнинг харажатлар ва даромадларини ягона умумий сметага (бюджетга) бирлаштиришга биринчи уриниш Англияда XVII аср охирида амалга оширилди. «Budget» термини Англияда ўрта асрларда “сумка, ҳамён, пулли қоп” мазмунини англатар эди. Шу ном билан Англия ғазначилиги вазирининг пул ва ҳисоботлари солинган портфели номланар эди. Вазир доимо лордлар палатаси олдида чиқиш қилаётганда шу портфели ёнида бўларди. Вакт ўтиши билан бу термин билан “ғазначилик вазирининг парламент олдидаги ҳисоботи” номлана бошланди. XVI-XVII асрларда Англияда қуйи палата киролга субсидияларни тасдиқлашда, мажлис тугаши арафасида ғазначилик канцлери тегишли қонун лойиҳаси сакланаётган портфелни очар эди ва бу бюджетнинг очилиши деб номланган эди, кейинчалик портфелнинг номи ҳужжатнинг ўзига ҳам берилди.

**XIX** аср бошига келиб, дунёнинг қўлгина мамлакатлари давлатнинг даромадлари ва харажатлари акс эттириладиган бюджетларни шакллантира бошладилар.

Ўзбекистонда давлат бюджети **1868** йилда пайдо бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Бунда хоннинг шахсий харажатлари давлатникидан ажратилган эди. Бу билан Туркистон худудида мустақил давлат бюджетининг ташкил топишига асос солинди. Россия Чор ҳукумати Туркистон генерал-губернаторлиги худудида Туркистоннинг давлат даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги низомни (давлат бюджети тўғрисидаги низомни) ишлаб чиқиш ва ижро этиш вазифасини бажарувчи молиявий кўмитани таъсис этди.

**1924** йилда Ўзбекистон ССР ташкил топиши билан бирга, Совет ҳукумати қарори билан Ўзбекистон ССРнинг биринчи давлат бюджети шакллантирилди. Ушбу бюджет 1924 йилдан 1991 йилга қадар, СССР давлат бюджети таркибига кирган.

1991 йилда Ўзбекистон суверенитетни эълон қилди ва 1992 йилдан бошлаб мустақил Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетни шакллантириш бошланди.

## **1.2. Бюджет тузилиши, бюджет тизими: методологияси ва Ўзбекистон амалиёти**

**1. Бюджет тузилиши** – бу бюджет тизимини ташкил этиш, уни тузиш принциплари. Бюджет тузилиши давлат бюджетни ва мамлакат бюджет тизимининг ташкил этилишини, унинг алоҳида бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бюджет тизимига қирувчи бюджетларнинг фаолият юритиши ҳуқуқий асосларини, бюджетларнинг таркиби ва тузилишини, бюджет маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиб-тамоқларини ва ҳоказоларни белгилайди. Бюджет тузилиши давлат бюджетни ва мамлакат бюджет тизимининг ташкил этилишини, уларнинг алоҳида бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бюджетларнинг таркибини белгилайди.

Бюджет тузилиши давлат тузилиши билан белгиланади. Мамлакатнинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши бюджет тизимлари бўғинлари сонини белгилайди, ҳар бир даражадаги давлат ҳокимияти органига тегишли бюджет конституциявий йўл билан бириктирилган бўлади.

Мамлакатларнинг давлат тузилишидаги, ҳокимият турли даражаларининг бюджет ҳуқуқларидаги фарқлар турли шаклдаги ва моделдаги бюджет тизимларини мавжудлигини белгилайди.

**2. Бюджет тузилишининг марказлаштирилган, марказлаштиришдан чиқарилган ва аралаш моделлари** мавжуд.

**Марказлаштирилган** модель барча бюджетлар ягона давлат бюджетнида марказлаштирилиши билан тавсифланади, бунда ҳар бир юқори бюджетга бошқарувчилик роли бириктирилган бўлади (Франция, Италия, Қозоғистон, Ўзбекистон).

**Марказлаштиришдан чиқарилган** модель бюджет тизими марказий ва маҳаллий бюджетларнинг эркинлиги билан тавсифланади, бунда ушбу бюджетларнинг ҳар бири уларнинг харажатларини таъминловчи ўз даромадлар манбаларига эга бўлади (АҚШ).

**Аралаш** модель марказий бюджетга маҳаллий бюджетларни тартибга солиш роли бириктирилиши билан тавсифланади, бунда ушбу бюджетларнинг ҳар бири уларнинг харажатларини таъминловчи ўз даромадлар манбаларига эга бўлади (Россия Федерацияси).

**Ўзбекистон Республикасининг бюджет тузилиши** Ўзбекистон Республикаси Конституцияси<sup>3</sup> ва куйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади:

1) бюджетга доир ҳуқуқий муносабатларнинг айрим масалаларини тартибга солувчи, узок муддат амал қилувчи ҳужжатлар – Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги<sup>4</sup> ва “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги<sup>5</sup> қонунлари;

2) ҳар йили қабул қилинадиган (навбатдаги молия йили бюджети тўғрисидаги ва бошқа) ҳужжатлар.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди<sup>6</sup> (5-схема).

Молия йилига мўлжалланган барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижроси ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.<sup>7</sup>

Мамлакат бюджет тузилиши давлат тузилиши шаклига, унинг маъмурий-ҳудудий бўлинишига боғлиқдир.

Давлат тузилиши шаклига, яъни давлатнинг маълум бир қисмларга бўлиниши ва уларни бошқариш бўйича ҳокимиятнинг тегишли тарзда ажратилиши усулига кўра давлат икки хил – унитар ва федератив бўлади.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган. 3, 68, 99, 100, 122-моддалар.


<sup>4</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-Исон Қонуни 1, 3-5, 9-39-моддалари.

<sup>5</sup> “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги Қонуни 14-15-моддалари.

<sup>6</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-Исон Қонуни 4-моддаси.

<sup>7</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-Исон Қонуни 4-моддаси.

5-схема. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими



1) **Унитар давлатлар** вертикал бўйича ягона давлат ҳокимияти тизими билан бошқариладиган маъмурий-ҳудудий бирликларга бўлинади. Унитар давлатларда бюджет тизими **икки бўғиндан** – давлат бюджети ва кўп сонли маҳаллий бюджетлардан иборат бўлади (Қозоғистон, Польша, Туркменистон ва бошқалар). Унитар давлатларда автоном бирлашмалар ташкил этилиши мумкин.

Унитар давлатлар бюджетнинг марказлаштиришдан чиқарилиш даражаси, ҳудудлар ҳукумат органларининг ваколатлари билан белгиланадиган **кўп даражали бюджет** тизимига эга бўлиши мумкин. Масалан, марказлаштиришдан чиқарилган унитар давлат – **Франция тўрт даражали** бюджет тизимига, маҳаллий ҳокимиятларнинг солиққа оид ваколатлари конституция билан белгиланган марказлашган унитар давлат – **Швеция уч даражали** бюджет тизимига эга.

2) **Федерация таркибий қисмлари** кенг қўламли давлат автономиясига эга бўлган ягона давлатни намоян этади. Маълум маънода бу давлат ҳокимиятининг вертикал бўйича тақсимланиш усулидир. **Федератив** давлатларнинг бюджет тизими **уч бўғиндан** иборат: давлат бюджети (федерал бюджет ёки марказий ҳукумат бюджети), федерация аъзолари бюджети ва маҳаллий бюджетлар (Австрия, Германия, Канада, Мексика, Россия, АКШ ва бошқалар).

4. Жаҳон амалиётида бюджет тизимларининг тузилиши куйидаги **принципларга** асосланади<sup>8</sup>:

- **умумийлик** – ҳукукий базани, пул тизимини, ягона бюджет таснифидан ва бюджет ҳужжатлари шаклларида фойдаланишни, бюджет жараёни принципларини, бюджет қонунчилигини бузганлик учун санкцияларни, харажатларни молиялаштириш ва бюджет тизими бюджетлари маблағларининг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг ягоналигини англатади;

- **тўлиқлик** – бюджет тизими бюджетларининг ва бюджетдан ташқари жамғармалар бюджетларининг даромадлар ва харажатлари уларда мажбурий равишда ва тўлиқ ақс эттирилиши лозимлигини англатади;

- **нишончилиқ** – тегишли ҳудуд ижтимоий-иқтисодий ривожланиши прогноз кўрсаткичларининг объективлигини ҳамда бюджет даромадлари ва харажатлари ҳисобланишининг реаллигини англатади;

- **ошқоралиқ** – бюджетнинг шаффофлигини назарда тутати, бу ўз навбатида эркин нашрда тасдиқланган бюджетлар ва уларнинг ижроси бўйича ҳисоботлар мажбурий равишда босиб чиқарилишини, тақдим этилаётган ахборотнинг тўлиқлигини, жамият ва оммавий ахборот воситалари учун

<sup>8</sup> Лотинча (principium) – асос, бошланиш, асосий бирламчи ҳолат, фаолият қондаси. Қаранг: Словарь иностранных слов. – 17-е изд., испр. – М.: Рус.яз., 1988. – 400-б.

бюджет лойиҳаларини кўриб чиқиш ва қарорлар қабул қилишнинг очиклигини аниқлатади;

- бюджет тизими бюджетларнинг мустақиллиги. Федерал типдаги ва бюджет тузилмаси марказлаштиришдан чиқарилган ва аралаш моделли мамлакатларга хосдир. Бу давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқарув органлари мустақил равишда, бюджет жараёнини амалга оширишлари, даромадларнинг мустақил манбалари мавжудлиги ва тегишли бюджетлар маблағларининг харажатлари йўналишини белгилашни, давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг тегишли бюджетларнинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини мустақил белгилаш ҳуқуқини аниқлатади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими ўзининг алоҳида хусусиятларига эга бўлиб, унинг асосий принциплари Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги қонунида белгилаб қўйилган:<sup>9</sup>

- бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги;

- бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-ҳудудий тузилишига мувофиқлиги;

- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;

- Давлат бюджети баланслилиги;

- давлат даромадларини аниқ манбалар бўйича ва харажатларини йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш;

- Давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағлар доирасида ва харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга ошириш;

- барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

5. Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджети<sup>10</sup> – давлат пул маблағларининг (шу жумладан, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

<sup>9</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-П.сон Қонуни 5-моддаси.

<sup>10</sup> Ўша ерда. 3-модда.

Давлат бюджети республика бюджетини ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади. Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалар жамланади<sup>11</sup> (6-схема).

**Республика бюджети** – Давлат бюджетининг умумдавлат аҳамиятига молик тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети** – Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Қорақалпоғистон Республикаси бюджети** Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда республикага (Қорақалпоғистонга) бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

**Маҳаллий бюджет** – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Вилоят бюджети** вилоят бюджетини, вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларини ўз ичига олади.

Туманларга бўлинадиган **шаҳарнинг бюджети** шаҳар бюджетини ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади.


Туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган **туманнинг бюджети** туман бюджетини ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

**Давлат мақсадли жамғармалари** – Давлат бюджети таркибида жамланадиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиш меъёрлари ва шартлари, шунингдек, бу маблағлардан қай мақсадларда фойдаланилиши мумкинлиги қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

---

<sup>11</sup> Ўша ерда. 9-модда.

б-схема. Ўзбекистон Республикаси  
Давлат бюджетни тузилмаси





Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети жамланма бюджет ҳисобланиб, ўзида республика бюджетининг даромадлари ва харажатларини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни (яъни жамланган бюджет) ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларнинг бюджетларини мужассамлаштиради.

**Назария ва амалиёт нуқтан назаридан жамланган бюджет** – тегишли маъмурий-худудий бирлик худудидаги барча даражадаги бюджетларнинг, давлат бюджет тизимининг жамланмасидир. Шунингдек, у бюджет кўрсаткичларининг статистик жамланмаси ҳам бўлиб, даромадлар ва харажатлар бўйича, маблағлар келиб тушиши бўйича ва уларнинг мамлакат ҳудудлари ва бюджет тизими бўйича фойдаланиш учун йўналтирилишига доир алоҳида ажратилган маълумотларни тавсифлайди. Жамланган бюджетларнинг кўрсаткичларидан куйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- бюджетни режалаштиришда, масалан, умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга чегирмалар меъёрларини ва дотациялар ҳажмини аниқлашда;

- мамлакат ва алоҳида ҳудудларда яшовчи аҳоли таъминланганлигининг турли шакллари тавсифловчи кўрсаткичларни ҳисоблашда, масалан, бир одамга тиббий хизмат, таълим хизмати учун бюджет харажатлари, киши бошига тўғри келувчи ўртача бюджет даромадлари, булар алоҳида ҳудудлардаги ҳолатни қиёсий таҳлил қилиш мезони ҳисобланади;

- мамлакатнинг ва унинг алоҳида ҳудудларининг иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш прогнозларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ истикболли молиявий режалаштиришда. Бюджетни прогнозлаштиришдаги иқтисодий-математик моделларни ишлаб чиқишда, шу жумладан, молиявий ресурсларни, ҳудуднинг бюджет таъминотини ҳисоблашни амалга ошириш жамланган бюджет маълумотларисиз мумкин эмас. Бу маълумотлар - жамланган бюджетларнинг даромадлар ҳажми билан ўзгарувчан ҳисобланган ЯИМ, миллий даромад, саноатнинг, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти ва бошқалардир.

Давлат бюджети республика парламенти – Олий Мажлис томонидан тасдиқланади ва қонун кучига эга бўлади.

### **1.3. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг бюджетлари**

Ўзбекистоннинг бюджет тузилиши модели марказлаштирилган бўлиб, бюджет тизими икки даражага эга. Биринчи даражага Ўзбекистон Республикаси

республика бюджети, иккинчисига эса – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар кирати.

Бунда республика бюджети бюджет тизимининг асосий даражаси ҳисобланади, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг йиғиндиси Ўзбекистон бюджет тизимининг иккинчи даражасини ташкил этади (7-схема).

**Ўзбекистон Республикаси республика бюджети** умумдавлат солиқлари ва мажбурий тўловлари ҳисобига шакллантирилади ва умумдавлат аҳамиятига молик тадбирларни молиялаштиришга ишлатилади.


Давлат бюджети **даромадлари** қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

- конун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар (юримдик шахслардан олинандиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), акциз солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, ягона солиқ тўлови, ягона ер солиғи, алоҳида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юримдик ва жисмоний шахслардан олинандиган солиқ, давлат божи ва божхона тўловлари);
- давлатнинг молиявий ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;
- конун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- юримдик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;
- резидент-юримдик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар;
- конун ҳужжатларида таъкидланмаган бошқа даромадлар.

Давлат бюджети **харажатлари** тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

- бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;
- жорий бюджет трансфертлари шаклида;
- капитал харажатлар шаклида: асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига кирати) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга; чет эл давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга; давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга; давлат захираларини вужудга келтиришга;

7-схема. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг таркибий тuzилиши



- капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида;

- резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида;

- давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;

- давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида;

- қонун ҳужжатларида таъқиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Республика бюджетидан харажатларни **молиялаштириш** қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги йўналишларда амалга оширилади:

- фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (республикага бўйсунадиган бюджет ташкилотлари бўйича);

- ижтимоий таъминот;

- мудофаа, миллий хавфсизлик ва жамоат тартибини таъминлаш;

- судлар ва прокуратура органлари фаолиятини таъминлаш;

- давлат захираси ва сафарбарлик захирасини вужудга келтириш ҳамда уларни сақлаш;

- давлат марказлаштирилган инвестицияларини амалга ошириш;

- давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ҳамда миссиялари фаолиятини таъминлаш;

- иқтисодиёт турли тармоқларининг республикага бўйсунадиган бюджет ташкилотларини сақлаш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли давлат дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш;

- ер тузиш, мелноратив, табиатни муҳофаза қилиш ва эпизоотияга қарши кураш чора-тадбирларини амалга ошириш;

- кишлоқ хўжалиги зараркунандаларига қарши кураш;

- гидрометеорология, дўлга қарши кураш чора-тадбирлари;

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

**Республика бюджети тақчиллиги** давлат томонидан ички ва хориждан маблағларни жалб қилиш, республика бюджети маблағларининг молия йили бошланишидаги қолдиқлари ва қонунларга мувофиқ бошқа манбалар ҳисобига **молиялаштирилади**.

Бюджет тизимининг иккинчи даражадаги бюджетлари: Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар.

**Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети** – Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

**Қорақалпоғистон Республикаси бюджети** Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда республикага (Қорақалпоғистонга) бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

**Маҳаллий бюджет** – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек, молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

- конун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар (мол-мулк солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга солиқ, жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ, алоҳида товар турларини чакана сотиш ва хизмат кўрсатиш ҳуқуқини олиш учун йиғимлар);

- конун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ҳамда маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар;

- конун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулки объектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;

- конун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳада этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

- юқори бюджетлардан берилadиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари;

- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

- конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағлар ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади:

- Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларининг жорий харажатлари шаклида;

- жорий бюджет трансфертлари шаклида;

- капитал харажатлар шаклида;

- асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

- давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

- конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан конун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидагиларга мўлжалланган харажатлар молиялаштирилади:

- фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт (Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари бўйича);

- ижтимоий таъминот;

- аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш;

- Қорақалпоғистон Республикаси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини таъминлаш;

- иктисодиёт турли тармоқларининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджет ташкилотларини сақлаш;

- конун ҳужжатларига мувофиқ иктисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг мақсадли дастурлари ва тадбирларини амалга ошириш;

- конун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар.

Ўзбекистон Республикаси бюджети ўзининг хусусиятларига эга, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлиши керак. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмайди.

#### 1.4. Бюджетлараро муносабатлар: методологияси ва Ўзбекистон Республикасидаги амалиёти

Бюджетлараро муносабатлар деганда бюджет жараёни давомида давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасидаги иқтисодий-ҳуқуқий муносабатларнинг мажмуи тушунилади.

Бюджетлараро муносабатлар давлат бошқаруви тизимида вертикал бўйича пайдо бўлади ва амал қилади ҳамда ҳукуматнинг ҳар бир даражасининг функционал вазифаларидан келиб чиқиб, уларнинг молиявий имкониятларини эътиборга олган ҳолда чегараланади.

Бюджетлараро муносабатлар қуйидаги **принципларга** асосланади:

1. вақтинчалик қисқа муддатли (молия йилидан кам бўлмаган муддатга) ёки бюджет тизимининг даражалари бўйича даромадларни бошқаришнинг узок муддатли меъёрлари бўйича доимий асосда чегаралаш ва бириктириш;
2. бюджет харажатларини бюджет тизимининг даражалари бўйича тақсимлаш ва бириктириш;
3. бюджетларнинг ўзаро муносабатларида бюджет ҳуқуқларининг тенглиги.

Бюджет ҳуқуқларининг тенглиги қуйидагиларни назарда тутди: давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари томонидан кўрсатилаётган хизматларга ягона ҳисоблар меъёрларини, ҳудудий бюджетларга молиявий ёрдамни ҳисоблаш меъёрларини, умумдавлат ва маҳаллий солиқларни тўлашнинг ягона тартиби қўлланилишини.

Бюджетлараро муносабатларга **қуйидагилар қиради**: алоҳида ижтимоий ва иқтисодий функцияларни бажариш учун жавобгарликни бюджет тизимининг бюджетлари ўртасида тақсимлаш ва ҳуқуқий жиҳатдан бириктириб қўйиш; бюджет тизимининг ҳар бир даражасига бириктирилган ваколатларни амалга оширишни таъминлайдиган харажатлар ҳажмини аниқлаш; бюджетнинг барча даражаларида даромадлар манбасини белгилаш ва ҳуқуқий бириктириш; ҳудудларни қўллаб-қувватлашнинг барча шакллари.

Бюджетлараро муносабатларнинг **мақсадлари**: ягона иқтисодий мақонни яратиш, ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида ягона минимал стандартларни таъминлаш, тенг ижтимоий ҳимояни таъминлаш ва фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқларини кафолатлаш, яъни бутун мамлакат ҳудудида иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг қулай шароитларини таъминлаш.

Мақсадга эришишни бюджетлараро муносабатларни ташкил этиш усуллари жамловчи механизм таъминлайди. Бу механизм ўзида **моделларни** (мар-

казлаштирилган, марказлаштиришдан чиқарилган ва кооператив), **шаклларни** (тарқоқлик, делегирланган (ваколатни ўтказиш), деволуция ва бошқалар), **методларни** (даромадлар ва харажатларни бошқариш, трансфертлар, кредитлар, бюджет ссудалари) ва **воситаларни** (даромадларни қайта тақсимлаш, харажатлар ваколатларини чегаралаш) ҳамда бюджетлараро муносабатларни ташкил этишнинг институционал-ҳуқуқий таркибларини муқаммалаштиради.

Бюджетлараро муносабатларнинг модели деганда бюджет тизими даражалари ўртасида даромадлар ва харажатларни тақсимлаш масалаларини ечишда ўзаро муносабатларни ташкил этишнинг асосларини аниқлашга нисбатан институционал ёндашув тушунилади. Бюджетлараро муносабатларнинг қуйидаги моделлари фарқланади: марказлаштирилган, марказлаштиришдан чиқарилган ва кооператив.

Бюджетлараро муносабатларнинг марказлаштирилган модели қуйидаги принципларга асосланади:

1. маҳаллий ҳокимият органларининг ўз бюджетларини шакллантиришга доир ҳуқуқларини чеклаш;
2. давлат бошқаруви бўғинлари ўртасида функционал мажбуриятлар тақсимотининг йўқлиги ёки формаллиги;
3. ҳудудий манфаатларнинг миллий эҳтиёжларга бўйсунishi;
4. солиқ ваколатлари ва маҳаллий ҳокимият органларига молиявий ёрдамни тақдим этишнинг давлат томонидан авторитар тақсимланиши;
5. давлат тузилиши шаклига боғлиқлик.

Марказлаштирилган моделда маҳаллий бюджетларни шакллантириш марказий бюджет билан узвий боғлиқликда жамланган бюджет режаси доирасида амалга оширилади.

Бюджетлараро муносабатларни ташкил этишнинг ушбу модели ўз афзалликлари ва камчиликларига эга.

Афзалликларга қуйидагиларни киритиш мумкин: бошқаришни ташкил этишнинг ягоналиги; бюджет тизимининг ташкилотчилик қобилиятини ошириш; белгиланган мақсадларга жадал эришишга молиявий ресурсларни йўналтириш; маҳаллий ҳокимият органларининг харажатлар ваколатларини назоратини яхшилаш ва мувофиқлаштириш; маҳаллий ҳокимият органлари томонидан уларга берилган ваколатлар доирасида маблағларни тақсимлаш борасида хато қарорлар қабул қилиш ҳавфини пасайтириш; ҳудудларда аҳоли турмуш даражасини назорат қилиш ва тенглаштириш.

Камчиликлар: марказий ҳокимият органларининг иш ҳажми қўпайиб кетганлиги сабабли фаолияти самарадорлигининг пасайиши; ҳудудларнинг молия-



вий таъминоти ва молиявий базасини ривожлантиришнинг заифлашиши; маҳаллий ҳокимият органларининг боқимандалик кайфияти, улар ҳар қандай ҳолатда ҳудудлар бюджетлари балағслаштирилишига ишончлари комиллиги.

**Марказлаштиришдан чиқарилган модель куйидаги принципларга асосланади:**

1. давлат муниципалитет ва ҳудудларнинг бюджет жараёнига аралашмайди;
2. бошқарувнинг турли даражалари ўртасида харажатлар ваколатларини қонуний чегаралаш;
3. маҳаллий ўз-ўзини бошқаришнинг молиявий автономияси ривожланишининг мақсадга йўналтирилганлиги;
4. бюджет келишувига асосан даромадлар манбаси тақсимотининг амалга оширилиши;
5. давлат тузилиши шаклидан мустақиллиги.

Бюджетлараро муносабатларнинг марказлаштиришдан чиқарилган модели иқтисодий ривожланган федератив давлат тузилмасига эга мамлакатларга хос бўлиб, улар ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг бюджет ҳуқуқлари кенгайишини таъминлайди, бу эса ўз навбатида, умумий давлат харажатларида маҳаллий бюджетларнинг улуши ошиб боришига олиб келади.

**Камчиликлар:** бюджетлараро муносабатларнинг марказлаштиришдан чиқарилган моделида ҳукуматнинг макронқтисодий мақсадларга эришиш ва давлатда молиявий имкониятлар мувозанатини таъминлаш фаолиятини мувофиқлаштириш мураккаблашади; марказлаштиришдан чиқарилган тартибда бюджетлараро муносабатларни бошқариш кўп ҳажмда ахборот талаб қилади ва қарорлар қабул қилишнинг тезкорлиги пасаяди; қарорлар қабул қилишда маҳаллий ҳокимият органлари кўпинча ўзининг ижтимоий-иқтисодий сисъати манфаатларидан келиб чиқади ва давлат аҳамиятига молик мақсадларни доим ҳам ҳисобга олавермайди.

Бюджетлараро муносабатларнинг **кооператив модели** куйидаги принципларга асосланади:

1. миллий даромадни қайта тақсимлаш ва макронқтисодий барқарорликка эришишда ҳудудий ҳокимиятларнинг кенгрок қатнашиши, бу ўз навбатида, ҳудудий ва марказий давлат тузилмаларининг бюджет соҳасидаги ҳамкорлиги кенгайиб боришига кўмаклашади;

2. солиқли даромадларни тақсимлаш тизимида ҳудудий ҳокимиятлар ролини ошириш;

3. горизонтал бюджет тенглашувининг фаол сиёсати, ҳудудий давлат молиясининг ҳолати, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси учун марказнинг масъулиятини ошириш, бу эса ўз навбағида, марказ томонидан назоратнинг кучайишига олиб келади ва ҳудудий ҳокимиятларнинг мустакиллигини маълум даражада чегаралайди (бу бошқарувнинг юқори даражада марказлашувида ва ҳудудий ҳокимиятлар марказий тузилмаларнинг агентларига айланишида намоён бўлади).

Бюджетлараро муносабатларни амалга ошириш **методлари** деганда, бу муносабатларни ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ҳолатига шахсий, бириктирилган ва бошқарувчилик даромадлари, трансфертлар, маблағларни мусодара қилиш ва кредитлаш ҳамда функционал, делегирланган ва баланслашган методлар ёрдамида таъсир кўрсатиш тушунилади.

Бюджетлараро муносабатларнинг марказлаштирилган моделига даромадлар қисмида даромадларни трансфертлаш ва бошқариш методлари, марказлаштиришдан чиқарилган моделига эса – шахсий ҳамда бириктирилган даромадлар методлари ҳос.

Харажатлар ваколатларини чегаралаш борасида – марказлаштирилган модель шароитида давлат хизматларини тақдим этиш учун жавобгарликни тақсимлашда **делегирилган методика** фойдаланилади; марказлаштиришдан чиқарилган модель **функционал методга** асосланади, бунда ҳокимиятнинг барча даражалари ўртасида компетенция ва харажатлар ваколатлари чегараланади, лекин бунда баъзи бир бюджетлараро муносабатлар механизмларининг мослашувчанлигини таъминловчи харажатлар ваколатларининг ўтказилишига ижозат берилади.

Бюджетлараро муносабатларнинг муҳим жиҳати бюджетни **баланслаш** (тартибга солиш) ҳисобланади. Унга вертикал ва горизонтал тенглаштириш орқали эришилади.

**Бюджетни тартибга солиш** – бу турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромадлар манбасининг конун билан бириктирилган тарзда тақсимланиши, яъни давлат бюджети даромадларини тақсимлаш тартиби (турли даражадаги бюджетлар ўртасида молиявий ресурсларнинг қисман қайта тақсимланиши); ҳудудий бюджетларга минимал ҳажмда зарур даромадлар даражасини таъминлаш мақсадида ҳудудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига йўналтириладиган маблағларни қайта тақсимлаш.

**Вертикал тенглаштириш** ўзида ҳар бир ҳокимият органи даражасида унинг даромадлар базаси салоҳияти билан харажатлари ҳажми ўртасида мутаносибликка эришиш даражасини акс эттиради. Агар қуйи даражада даромадлар

кисмини таъминлаш бўйича потенциал имкониятлар функцияларни бажариш учун молиялаштиришга етарли бўлмаса, юқори даражадаги ҳокимият шу қўйи даражадаги ҳукуматга етишмаётган бюджет ресурсларини тақдим этади.

**Вертикал тенглаштириш** тўғрисида сўз борганда, маҳаллий бюджетларнинг харажат функциялари билан уларга бириктирилган даромадлар ўртасидаги номутаносибликни бартараф қилиш тушунилади. Марказий ҳукумат иктисодий тартибга солиш ҳуқуқи ва имкониятига эга бўлиб, маҳаллий бюджетларнинг номутаносиблигини республика бюджети даражасидаги даромадларнинг бир кисмини бериш орқали бартараф этиши зарур. Бунда маҳаллий ҳокимият органлари ўзларига бириктирилган функцияларни молиявий таъминлаш учун жавобгар бўлишлари, ўз даромад потенциалини саклаш ва кучайтириш бўйича ҳуқуқларидан масъулият билан ва самарали фойдаланишлари зарур.

Вертикал тенглаштириш бюджетни баланслашнинг барча муаммоларини ечишга имкон бермайди. У бюджетларни горизонтал баланслаш билан уйғунликда амалга оширилиши лозим.

**Горизонтал тенглаштириш** ҳудудларнинг солиқ имкониятларидаги тенгсизликларни бюджет маблағларини ҳудудий тузилмалар ўртасида пропорционал тақсимлаш йўли билан бартараф этишни назарда тутди. Горизонтал тенглаштириш жараёнида қуйидаги ҳудудий хусусиятлар ҳисобга олинishi зарур: аҳоли сони, аҳоли турмуш даражаси индекси, ҳудудлар бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг фарқи.

**Бюджетни тартибга солиш методларининг** тўрт гуруҳи фаркланади:

1) бюджет даромадларининг тартибга солувчи манбаларини белгилаш ва тақсимлаш. Даромадларнинг тартибга солувчи манбалари юқори турувчи даража ҳудудларнинг ҳокимият вакиллик органлари томонидан белгиланади (тасдиқланади). Даромадларнинг тартибга солувчи манбаларини бюджетлар ўртасида тақсимлаш ушбу даромадлардан ажратмаларнинг тасдиқланган нормативлари воситасида амалга оширилади;

2) бюджет манбаларининг ўзини қайта тақсимлаш. Уларга қуйидагилар киради: а) юқори ваколатли органлар томонидан тегишли қўйи ҳудудий даражадаги бюджетларга узоқ муддатга (камида беш йилга) тўлиқ ёки қатъий чекланган фондда ҳар қандай тартибга солувчи даромадларни бириктириш; б) юқори ваколатли органлар томонидан тегишли қўйи бюджетларга ўзларида бириктирилган даромадларни ўтказиш;

3) қўйи бюджетларга юқори даражадаги бюджет маблағлари ҳисобиغا беғараз ёрдам бериш. Бу методлар гуруҳига дотация, субвенция ва субсидиялар киради;

4) бир бюджет маблағидан бошқа бюджетлар учун ажратиладиган ссудалар.

Тартибга солувчи солиқлар ва даромадлардан **ажратмалар** – охириги вақтларда кенг тарқалган усул бўлиб, бунда юқори даражадаги бюджетларга тушаётган солиқлардан маълум даражада тегишли фонд ўрнатилиб, у ҳудудий бюджетга ажратмалар кўринишида қилиб тушади.

**Бюджет дотациялари** – ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан даромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтармаслик шarti билан ажратиладиган пул маблағлари.

Бу мутаносибликка эришишнинг энг оддий шаклидир, лекин шу билан бир вақтда у энг номукамал бўлиб, боқимандаликни юзага келтиради.

**Бюджет субвенциялари** – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шarti билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга ажратиладиган пул маблағлари.

Бу ҳолда маҳаллий бюджетлар транзит ҳисоб рақамлари родини бажаради, чунки субвенцияларнинг ҳажми ва уларни олувчилар тўғрисидаги қарорлар юқори турувчи даражадаги қонунлар билан белгиланади (масалан, болалар нафақасини тўлаш, ҳудудий мақсадли дастурларни молиялаштириш). Яъни маҳаллий ҳукумат ўзининг харажат мажбуриятларини маҳаллий органларга ўтказиб, уларни мақсадли маблағлар билан таъминлайди.

**Субсидиялар** – бошқа даражадаги бюджетга, жисмоний ёки юридик шахсга мақсадли харажатларни ҳиссали молиялаштириш шартларида бериладиган бюджет маблағлари.

**Бюджет ссудалари** – юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтариш шarti билан ёки республика бюджетидан юридик шахс-резидентга ёки хорижий давлатга ажратиладиган маблағ.

**Ўтказиб бериладиган солиқлар** – бир ҳудудда ишлаб чиқарилиб бошқа (товар ишлаб чиқарувчи юридик жихатдан рўйхатдан ўтган) ҳудудда сотиладиган товарларга ёки уларни сотишдан тушган даромадларга бўлиб, қисман товар ишлаб чиқарилган ҳудуднинг бюджетига қайтарилади.

**Бюджет трансфертлари** – бюджетдан бевосита ёки ваколатли орган орқали юридик ёки жисмоний шахсга бегараз ажратиладиган пул маблағлари.

Хорижий мамлакатлар амалиётида **трансфертлар** – ҳудудлар бюджетларига ҳудудларни молиявий қўллаб-қувватлаш маҳсус жамғармаси маблағлари ҳисобига молиявий ёрдам кўрсатишнинг янги шаклидир. Бу жамғармалар юқори бюджетлар таркибида солиқлар ва йиғимлардан фондли ажратмалар эва-

зига шаклланади. Масалан, Россияда молиявий ёрдам кўрсатиш учун бюджетлар таркибида қуйидаги жамғармалар тузилган:

1) федерал бюджетда – Худудларни молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Худудий ривожланиш жамғармаси, Компенсация жамғармаси, Ижтимоий харажатларни қўшма молиялаштириш жамғармаси, Худудий молияни ислох этиш жамғармаси;

2) худудий бюджетларда – қишлоқларни молиявий қўллаб-қувватлаш худудий жамғармалари, муниципал районларни (шаҳар округларини) молиявий қўллаб-қувватлаш худудий жамғармалари, муниципал ривожланиш худудий жамғармалари ва бошқалар.

Ҳар бир муайян худуд учун молиявий ёрдам ажратиш зарурияти бюджетни режалаштириш жараёнида уларнинг солиқ салоҳияти ва бюджет таъминотини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.

Ўзбекистонда бюджетлараро муносабатларнинг марказлаштирилган модели қўлланилиб, унда маҳаллий бюджетларнинг шаклланиши жамланган бюджет доирасида марказий бюджет билан узвий боғлиқликда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланган.<sup>12</sup> Умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловлар республика бюджетининг даромад қисмини шакллантиради, маҳаллий солиқлар эса – маҳаллий бюджетларни шакллантиради.

Ҳар бир даражадаги бюджетга Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонун билан харажат ваколатлари бириктирилган бўлиб (8-схема), уларни молиялаштириш маълум даражада маҳаллий бюджетнинг даромадлари (маҳаллий солиқлар ва мажбурий тўловлардан тушумлар, солиқсиз даромадлар) ҳисобига амалга оширилади.<sup>13</sup>

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 23-модда.


<sup>13</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-II-сон Қонуни 22, 23-моддалари.

**8-схема. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимида  
харажатлар ваколатларининг тақсимланиши**

Республика бюджети	Суд ва прокуратура органлари фаолияти	—
Республика бюджети	Миллий хавфсизлик	—
Республика бюджети	Ўзбекистон Республикасининг чет элдаги дипломатик ваколатхоналари ва миссия- лари фаолиятини таъминлаш	—
Республика бюджети	Ер тузиш, мелiorация, табиатни муҳофаза қилиш ва эпизоотияга қарши кураш чора-тадбирлари	—
Республика бюджети	Қишлоқ хўжалиги зараркуандаларига қарши кураш	—
Республика бюджети	Гидрометеорология, дўлга қарши кураш чора-тадбирлари	—
Республика бюджети	Мудофаа, миллий хавфсизлик ва жамоат тартиби	Маҳаллий бюджет
Республика бюджети	Иқтисодиёт турли тармоқларидаги бюд- жет ташкилотларини сақлаш	Маҳаллий бюджет
Республика бюджети	Давлат ҳокимияти ва бошқарув органла- ри фаолияти	Маҳаллий бюджет
Республика бюджети	Ижтимоий таъминот	Маҳаллий бюджет
Республика бюджети	Ижтимоий-маданий тадбирлар: фан, таълим, маданият, соғлиқни сақлаш, jisмоний тарбия ва спорт	Маҳаллий бюджет
Республика бюджети	Давлатнинг марказлаштирилган инвестициялари	Маҳаллий бюджет
Республика бюджети	Иқтисодиёт тармоқларини ривожланти- ришнинг мақсадли дастурлари ва тад- бирларини амалга ошириш	Маҳаллий бюджет
—	Аҳолни ижтимоий ҳимоялаш	Маҳаллий бюджет

Маҳаллий бюджетлар даромадларининг асосий қисми бюджетлараро бошқарув йўллари орқали тартибга солувчи умумдавлат солиқлари, ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича юқори бюджетдан келиб тушадиган молиявий ёрдамлар ва маблағлар ҳисобига шаклланади (9-схема).

**9-схема. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий бюджетларнинг даромадларини баланслаш манбалари**



Шуни таъкидлаш керакки, қонун ҳужжатларига мувофиқ<sup>14</sup>, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар балансли даромадлар ва харажатларга эга бўлиши керак. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар тақчиллигига йўл қўйилмайди. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни қабул қилиш ва ижро этишда:

- қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган манбалар ҳисобига жамғармалар ташкил этишга;
- маблағ жалб қилишни амалга оширишга (юқори бюджетлардан бюджет ссудалари олиш бундан мустасно);

<sup>14</sup> "Бюджет тизими тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-ИИ сон Қонуни 24-моддаси.

- бюджетдан ажратиладиган тасдиқланган маблағдан ортиқроқ маблағ сарфлашга (ушбу Қонунда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно);
- бюджет маблағлари ҳисобидан бошқа шахслар фойдасига молиявий кафолатлар ва кафилликлар беришга;
- юридик ва жисмоний шахсларга бюджет ссудалари беришга йўл қўйилмайди, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига таъмирлаш-тиклаш ишлари учун бюджет ссудаларини бериш ҳоллари бундан мустасно.

Шундай қилиб, ҳудудий ҳокимият органларининг ўз бюджетлари даромадлари ва харажатларини баланслаш масалаларини ечишда ҳуқуқлари чегаралангандир. Шунингдек, бюджетни тартибга солиш республика бюджети томонидан қуйи бюджетларга субвенциялар, дотациялар ва бюджет ссудалари кўринишидаги молиявий ёрдамлар кўринишида ҳам амалга оширилади.


10-схемадан кўриниб турганидек, умумдавлат солиқларининг деярли барчаси тартибга солувчи ҳисобланади ва ажратмаларнинг нормативларига мувофиқ, республика бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар ўртасида қайта тақсимланади.

Умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга ажратмаларнинг нормативлари молия йили бошлангунга қадар, умумдавлат эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган харажатлар ҳажми белгиланганидан сўнг ўрнатилади. Нормативларни ўрнатишда маҳаллий ва умумдавлат солиқлари бўйича тушумларнинг прогнози, маҳаллий бюджетларнинг минимал харажатлари прогнозлари эътиборга олинади. Нормативлар ҳар йили қайта кўриб чиқилади ва Олий Мажлис томонидан давлат бюджетини тасдиқлаш вақтида тасдиқланади.

2010 йилда тартибга солувчи солиқларга қуйидагилар киради: юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи, ҚҚС, акциз солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига солинган ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар, микрофирмалар ва кичик корхоналарнинг ягона солиқ тўловидан давлат бюджетига ажратмалар (1-жадвал). Ажратмаларнинг нормативлари ҳудудлар бўйича турличадир ва 100 фоиздан 5 фоизгача бўлган оралиқда ўрнатилади.



10-схема. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг бюджетлари ўртасида тақсимланадиган умумдавлат солиқлари.



1 ва 2-жадваллардаги маълумотлар куйидагиларни акс эттиради: Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри тартибга солувчи солиқлар ҳисобига баланслаштирилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Сирдарё, Жиззах ва Хоразм вилоятлари тартибга солувчи солиқлар, ўтказиб бериладиган даромадлар ҳамда иш берувчиларнинг ажратмаларини, ижтимоий нафақаларни ва марказлаштирилган инвестицияларни амалга оширишга субвенциялар ёрдамида баланслаштирилади.

Наманган ва Сурхондарё вилоятларига умумдавлат солиқларидан ажратмалардан, ўтказиб бериладиган даромадлар ва субвенциялардан ташқари 2009 йилда дотациялар ҳам ажратилди. 2010 йилда фақат Наманган вилояти дотацион минтақа бўлиб қолади.

Молиявий ёрдам билан бир қаторда бюджетлараро бошқарув ўзаро ҳисоб-китобларни ҳам ўзида мужассамлаштиради. Булар маҳаллий бюджетларга келиб тушадиган ёки маҳаллий бюджетлардан давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан ва бюджет тузилишида ҳисобга олинмаган ўтказиб берилдиган суммалардир. Ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича асосан бюджет соҳаси ходимларининг индексация билан боғлиқ иш ҳақлари ошиши билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш амалга оширилади. Бундан ташқари, ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича бошқа турдаги харажатларга қўшимча (бюджетда назарда тутилмаган) мақсадли ёрдам амалга оширилиши мумкин. Яна ўзаро ҳисоб-китоблар маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисмига ўзгартиришлар киритилганда ва маҳаллий бюджетлар даромадлари прогнозига ўзгартиришлар киритилиши натижасида юзага келиши мумкин.

Шундай қилиб, Давлат бюджети маблағлари турли даражадаги бюджетлар ўртасида куйидаги йўллар билан қайта тақсимланади:

- тасдиқланган нормативларга мувофиқ, тартибга солувчи умумдавлат солиқларини республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бюджетлари ўртасида қайта тақсимлаш;

- юқори бюджетлардан куйи бюджетларга бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари бериш;

- даромадларни ўтказиб бериш;

- бюджет ижроси жараёнида пайдо бўлган ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича маблағларни юқори бюджетдан куйи бюджетга, шунингдек, куйи бюджетдан юқори бюджетга йўналтириш;

- бюджет ссудалари ажратиш.

1-жадвал. 2009 ва 2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига умумдавлат солиқларидан ажратмаларнинг нормативлари<sup>15</sup>, (% ҳисобда).

Т/б №	Худудлар (вилоятлар) номи	КҚС		Юридик шахслардан олинган фойда солиғи		Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи		Ақциз солиғи				Ер қазридан фойдаланганлик авиакеросин учув солиғи		Ягона солиқ тўловдан ажратмалар (микрфирмалар ва кичик корхоналар билан бирга)		Савдо ва умумий омаклатиш корхоналарига солинган ягона солиқ тўловидан ажратмалар	
		КҚС		Юридик шахслардан олинган фойда солиғи		Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи		Ақциз солиғи				Ер қазридан фойдаланганлик авиакеросин учув солиғи		Ягона солиқ тўловдан ажратмалар (микрфирмалар ва кичик корхоналар билан бирга)		Савдо ва умумий омаклатиш корхоналарига солинган ягона солиқ тўловидан ажратмалар	
		2009	2010	2009	2010	2009	2010	2009	2010	2009	2010	2009	2010	2009	2010	2009	2010
1	Қорақалпоғистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	50	50	-	-	-	-	100	100	100	100
2	Андижон вилояти	100	100	100	100	100	100	50	50	-	-	-	-	100	100	100	100
3	Бухоро вилояти	55	55	55	50	50	50	50	55	55	55	55	55	-	100	100	100
4	Жиззах вилояти	100	100	100	100	100	100	-	-	-	-	-	-	100	100	100	100
5	Қашқадарь вилояти	100	90	100	90	50	100	50	50	-	-	-	-	100	100	100	100
6	Навоий вилояти	50	62	50	62	50	62	-	-	-	-	-	-	100	100	100	100
7	Наманган вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	-	-	-	-	100	100	100	100
8	Самарқанд вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	-	-	-	-	100	100	100	100
9	Сурхондарь вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	-	-	-	-	100	100	100	100
10	Сирдарё вилояти	100	100	100	100	100	100	100	100	-	-	-	-	100	100	100	100
11	Тошкент вилояти	65	65	65	65	50	50	50	50	-	-	-	-	100	100	100	100
12	Фарғона вилояти	100	83	83	100	100	50	50	83	83	83	83	83	-	100	100	100
13	Хоразм вилояти	100	100	100	100	100	100	50	50	-	-	-	-	100	100	100	100
14	Тошкент шаҳри	10	5	10	5	5	5	50	50	-	-	-	-	100	100	100	100

<sup>15</sup> Жадал "Ўзбекистон Республикасининг асосий макроникисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида" 2008 йил 29 декабрдаги ПК-1024-сон ва 2009 йил 22 декабрдаги ПК-1245-сон Қарорларнинг маълумотларига мувофиқ тузилган.

42

2-жадвал. 2009 ва 2010 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг даромадлари ва харажатларининг ҳажмлари, дотациялар ва республика бюджетидан ажратилаётган мақсадли субвенцияларнинг юқори чегараси.<sup>16</sup>

Худудлар номи	Маҳаллий бюджетлар харажатлари		Даромадлар, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга ўтказилган даромадларни қўшиб ҳисоблаганда		Иш бериувчиларининг чегирмаларни, ижтимоий нафақаларни ва марказлаштирилган инвестицияларни молиқлаштиришга субвенциялар		Дотация	
	Харажатлари		Даромадлар, республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга ўтказилган даромадларни қўшиб ҳисоблаганда		Иш бериувчиларининг чегирмаларни, ижтимоий нафақаларни ва марказлаштирилган инвестицияларни молиқлаштиришга субвенциялар		Дотация	
	2009	2010	2009	2010	2009	2010	2009	2010
Қорақалпоғистон Республикаси	100,0	100,0	66,9 <sup>17</sup>	68,2 <sup>17</sup>	33,1	31,8	-	-
Андижон вилояти	100,0	100,0	65,2 <sup>17</sup>	69,1 <sup>17</sup>	34,8	30,9	-	-
Бухоро вилояти	100,0	100,0	100,0	100	-	-	-	-
Жиззах вилояти	100,0	100,0	60,6 <sup>17</sup>	67,7 <sup>17</sup>	39,4	32,3	-	-
Қашқадарь вилояти	100,0	100,0	100,0	100	-	-	-	-
Навоий вилояти	100,0	100,0	100,0	100	-	-	-	-
Наманган вилояти	100,0	100,0	35,0	40,8	34,7	32,7	30,3	26,5
Самарқанд вилояти	100,0	100,0	61,6 <sup>17</sup>	67,2 <sup>17</sup>	38,4	32,8	-	-
Сурхондарь вилояти	100,0	100,0	40,1 <sup>17</sup>	62,9 <sup>17</sup>	37,8	37,1	22,1	-
Сирдарё вилояти	100,0	100,0	68,8	70,2	31,2	29,8	-	-
Тошкент вилояти	100,0	100,0	100,0	100	-	-	-	-
Фарғона вилояти	100,0	100,0	100,0	100	-	-	-	-
Хоразм вилояти	100,0	100,0	66,0 <sup>17</sup>	68,2 <sup>17</sup>	34,0	31,8	-	-
Тошкент шаҳри	100,0	100,0	100,0	100	-	-	-	-
Жами	100,0	100,0	76,9	80,3	19,1	17,6	4,0	-

<sup>16</sup> Жадал "Ўзбекистон Республикасининг асосий макроникисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджетни параметрлари тўғрисида" 2008 йил 29 декабрдаги ПК-1024-сон ва 2009 йил 22 декабрдаги ПК-1245-сон Қарорларнинг маълумотларига мувофиқ тузилган.

<sup>17</sup> Республика бюджетидан ўтказиб берилган ва шу ҳудудда шаклланди даромадлар суммаси билан бирга, Республика бюджетидан тегишли бюджетларга ўтказиб берилган даромадларни таъминлайдиган корхоналар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланади.

43

Республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари қабул қилинган Давлат бюджети доирасида ажратилади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан туманлар ва шаҳарлар бюджетларига бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари қабул қилинган тегишли бюджетлар доирасида ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бюджетида, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларида назарда тутилган айрим харажатларни мақсадли молиялаштириш учун қуйи бюджетлар ҳисобига киритиладиган даромадларни республика бюджетига ўтказиши мумкин.

### **1.5. Бюджет қонунчилиги: жаҳон тажрибаси ва Ўзбекистон амалиёти**

Жаҳон тажрибаси бюджет қонунчилиги шаклларининг хилма-хиллигидан далолат беради. Улар, одатда, ижроия ҳокимиятига дастурларни қонунчилик ҳокимияти раҳбарлигида ҳисобдорлик сақланган ҳолда амалга ошириш имкониятини берувчи тузилмалардир.

Ҳар қандай давлатнинг ҳуқуқий пирамидаси асосини Қонституция ташкил этади. Унда давлат молиясини бошқаришга тегишли жиҳатлар фақатгина принципиал томонларни чегаралайди, масалан:

- давлатнинг барча маблағлари махсус мўлжалланган ҳисобвараққа жамланиши ва уларни фақат қонунчилик доирасида фойдаланилиши;
- бошқарувнинг марказий ва маҳаллий даражалари ўртасидаги молиявий муносабатлар;
- давлат молияси борасида ижро ва қонунчилик ҳокимиятлари ўртасида ваколатларнинг чегараланиши.

Конституцияда белгиланган меъёрлардан ташқари, давлат молиявий бошқарувини норматив тартибга солиш мақсадида алоҳида соҳаларга тегишли бўлган қонунлар қабул қилиниши мумкин.

Ҳозирги даврда турли мамлакатларда бюджет ислохотлари макроиктисодий тартибга солиш ва бошқариш воситаси сифатида қабул қилинмоқда. Бюджет қонунчилиги ҳукуматга ялпи харажатлар даражасини, бюджет тақчиллиги ҳажмини ва давлат қарзини назорат қилиш имкониятини

беради, яъни макроиктисодий сиёсатнинг асосий йўналишларини назорат қилиш қуйидагиларни қонуний бириктириш орқали амалга оширилади:<sup>18</sup>

- ҳокимият қонунчилик ва ижро органлари ўртасида бюджет ваколатларининг тақсимланиши;
- ҳукуматнинг назоратни чекловчи ва бюджет процедуралари ошқоралигини пасайтирувчи бюджетдан ташқари ёки квазибюджет фаолиятини тақиқлаш;
- қонунчиликдан макроиктисодий назоратни таъминловчи восита сифатида фойдаланиш мақсадида бюджет тақчиллигини, давлат қарзи ва уни жалб этишни чегаралаш.

Масалан, Германияда 1967 йили қабул қилинган Иқтисодий барқарорлик ва ўсишнинг ривожланиши тўғрисидаги Қонун келажакда бюджет қонунчилигини ҳар томонлама ислоҳ этиш имкониятини яратди. Қонун федерал ҳукумат учун беш йиллик молиявий режани тузиш, мунтазам равишда таҳлилни ва ҳисоботни амалга ошириш талабларини киритди ҳамда ислохотлар давомида бузилишлар бўлган тақдирда қабул қилинадиган чораларни белгилади.

Янги Зеландияда 1994 йилдаги Бюджет жавобгарлиги тўғрисидаги Қонун амалга оширилган бюджет ислохотларини бирлаштиришга ва ҳукумат томонидан иқтисодий асосланган бюджет бошқарувини таъминлаш учун шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлашга қаратилган. Ушбу қонуннинг асосий талаблари қуйидагилардан иборат:

- бюджетни қабул қилишдан олдин парламентга ва кенг оммага зарур бўлган ахборотни тақдим этиш учун бюджет сиёсати, иқтисодий ва солиқ-бюджет прогнозлари тўғрисида мунтазам ҳисоботлар тузиш;
- барча ҳисоботларни бухгалтерия ҳисобининг умум эътироф этилган принципларига мувофиқ тузиш.

Шундай қилиб, бюджет қонунчилиги фақатгина процессуал ҳолатларни (компетенция ва ваколатларни қайта тақсимлаш каби) аниқлашга йўналтирилган бўлиши керак эмас, балки самарали макроиктисодий сиёсатни амалга оширишга шароит яратиши керак.

Россия Федерациясида 1998 йили Бюджет кодекси қабул қилинди. Ушбу Кодекс молиявий бошқарув мақсадларига хизмат қилади, бюджет қонунчилигининг умумий тамойилларини, РФ бюджет тизими фаолият юритишининг ҳуқуқий асосларини, бюджет субъектларининг ҳуқуқий муносабатларини, бюджетлараро муносабатларни бошқарини тартибни ўрнатади, РФда бюджет

<sup>18</sup> Қаранг: Бюджетная система Российской Федерации: Учебник / О.В.Врублевская и др.; - 3 изд., испр. и перераб. - М.: Юрайт-Издат, 2003. - 80-б.

жараёнининг асосларини, бюджет қонунибузарликлари учун жавобгарлик турларини белгилайди.

Ўзбекистонда бюджет қонунчилиги узок муддат амал қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (бюджет-ҳуқуқ муносабатларининг алоҳида масалаларини тартибга солувчи) ва қисқа муддатли, ҳар йили қайта қўриб чиқиловчи ҳужжатлардан иборат (11-схема).

Ўзбекистон бюджет тизимининг ҳуқуқий асосини қуйидаги (1991 йилдан ҳозирги вақтга қадар қабул қилинган) ҳужжатлар ташкил этади:

**Конституция**,<sup>19</sup> хусусан:

– 100-моддага мувофиқ маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш қиради;

– 122-модда Ўзбекистоннинг давлат бюджети Республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат эканлигини белгилайди.

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонун<sup>20</sup> - ҳудудларнинг молиявий ресурсларини, маҳаллий ҳокимият органларининг бюджетга доир ҳуқуқларини, маҳаллий бюджетларнинг даромадлари ва сарф-харажатларини ва бошқаларни белгилайди.

Солиқ кодекси<sup>21</sup> 23-моддаси, унда умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар белгиланган. Кодекснинг махсус қисмида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ҳар бирининг элементлари, уларни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби белгиланган.

“Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунда<sup>22</sup> қуйидагилар белгиланган: бюджет тизимининг асосий принциплари (5-модда), маҳаллий ҳокимияти органларининг ваколатлари (7-модда), Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тузилмаси (9-модда), бюджет тизими бюджетларининг даромадлар (18-модда) ва харажатлар (19, 23-моддалар) қисмлари, давлат бюджети таркибига қирувчи бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар (21-24-моддалар) ва бюджет жараёни (25-30, 32-35, 39-моддалар).


<sup>19</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.

<sup>20</sup> “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 913-ХП-сон Қонуни. 3-боб.

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. ЎзРнинг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган.

<sup>22</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” 2000 йил 14 декабрдаги 158-П-сон Қонуни 24-моддаси.

11-схема. Ўзбекистон бюджет қонунчилиги таркиби



“Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонун<sup>23</sup>. Ғазначилик тизимида Давлат бюджети ижросининг тамойиллари (3-модда) ўзгаради, хусусан:

– кассанинг ягоналиги тамойили, Давлат бюджетининг барча даромадларини Ягона ғазна ҳисобварағига киритиш ва барча харажатларни шу ҳисобварақдан амалга оширишни англатади, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ташқарисида амалга ошириладиган операциялар бундан мустасно;

– бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишнинг ягоналиги тамойили, давлат бюджети ижросининг ғазначилик тизимида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ягона тизими яратилишини англатади.

Ғазначиликнинг асосий вазибалари (7-модда):

– Давлат бюджетининг касса ижроси;  
– Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;

– Давлат бюджети маблағларини бошқариш, ягона ғазна ҳисобварағини ва ҳудудий ғазна ҳисобварақларини юритиш;

– бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган шартномасини, шунингдек буюртмачининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузилган шартномасини мажбурий рўйхатдан ўтказиш;

– Давлат бюджетда қайси юридик ёки жисмоний шахслар учун маблағлар назарда тутилган бўлса, ўша юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан тўловларни амалга ошириш;

– Давлат бюджети ғазна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;  
– Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ахборотни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва ҳисоботни тузиш;

– Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат кўрсатиш, Ўзбекистон Республикасининг кафолатларини ижро этиш;

– Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги, шу жумладан номоддий шаклдаги инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник кўмаклашиш воситаларини тўлик ва тизимли ҳисобга олиш.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунига<sup>24</sup> мувофиқ (10, 11-моддалар) маҳалла

<sup>23</sup> “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 664-И-сон Қонуни.

<sup>24</sup> “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” ЎзРнинг 1999 йил 14 апрелдаги 758-И-сон Қонуни.



фукарлар йигини кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш ва болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал этади. оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ажратиладиган маблағлардан ўз ўрнида ва самарали фойдаланилишини таъминлайди ҳамда пул маблағларининг сарфланиши устидан назоратни ташкил этади.

Фукарлар йигинининг кенгаши (12-модда) икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга нафақаларни шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағларидан белгиланган тартибда тайинлайди ва тўлайди; аҳолидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ўз вақтида тушишига кўмаклашади.

Ўзбекистон бюджет тизими бюджетларининг фаолият юртишининг ҳуқуқий асосини Президент фармонлари ва қарорлари, Олий Мажлис ва Ҳукумат қарорлари, Ўзбекистон Республикаси ҳокимият ижро этувчи органларининг ҳужжатлари, энг аввало куйидаги ҳужжатлар ташкил этади:

- Олий Мажлис томонидан ҳар йили қабул қилинадиган “Давлат бюджети тўғрисида”ги қарорлар ҳамда улар асосида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кейинги молия йили учун қабул қилинадиган “Ўзбекистон Республикасининг асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорлари (масалан, 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон; 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон; 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон; 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон);

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш Қоидалари (Молия вазирлигининг 2001 йил 29 декабрдаги 130-сон буйруғи, Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1111-сон билан рўйхатга олинган);

- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сон буйруғига илова – “Давлат бюджетининг газна ижроси Қоидалари”;

- Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини Молия вазирлиги ва молия органларида рўйхатдан ўтказиш Тартиби (Адлия вазирлигида 1999 йил 13 декабрда 849-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 9 декабрдаги 93-сон буйруғи билан тасдиқланган);

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган ссудаларни тўлаш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 28 июндаги 58-сон буйруғи;

- Даромадлар таснифи, харажатларнинг функционал ва иктисодий таснифлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даражалари ҳамда маблағлар манбаларининг таснифлари. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 16 майдаги 80-сон буйруғи;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартиб-ини такомиллаштириш тўғрисида” 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сон Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 11 февралдаги 66-сон Қарори;

- бошқа ҳужжатлар.

### **Назорат саволлари**

1. Давлат бюджетининг иктисодий категория сифатидаги хусусиятларини айтиб беринг.

2. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ Давлат бюджети тушунчасига таъриф беринг ва унинг моҳиятини тушунтириб беринг.

3. Давлат бюджети функцияларининг моҳиятини тушунтириб беринг.

4. Бюджет даромадлари бажарадиган функцияларни айтинг ва моҳиятини тушунтиринг.

5. Бюджетнинг мақсадли харажатлари бажарадиган функцияларни айтинг ва моҳиятини тушунтиринг.

6. Таркибий ва циклли тақчиллик ўртасидаги фарқни тушунтириб беринг.

7. Бюджет тузилмасига таъриф беринг ва унинг мазмун-моҳиятини тушунтиринг.

8. “Жамланган бюджет” терминининг мазмунини тушунтириб беринг.

9. Бюджетлараро муносабатларнинг моделларини солиштиринг ва уларнинг ўртасидаги фарқни айтиб беринг.

10. Бюджетларни вертикал ва горизонтал тенглаштиришларни солиштиринг ва уларнинг мақсадлари ўртасидаги фарқни кўрсатинг.

11. Бюджетни тартибга солиш методларига тавсиф беринг.

12. Ўзбекистон бюджет қонунчилигининг асосий қонунлари ва қонун ҳужжатларига изоҳ беринг.

## Адабиётлар

### Асосий адабиётлар

1. Государственный бюджет: Учебник / А.В. Вахабов, З.Х. Срождинова. 2-е изд., перераб. и доп. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.
2. Бюджетная система России: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / под ред. Г.Б.Поляка. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2007.
3. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник / О.В.Врублевская и др.; - 3 изд., испр. и перераб. – М.: Юрайт-Издат, 2003.
4. Толковый словарь современных бюджетных терминов. – М., 1999.
5. Словарь иностранных слов. – 17-е изд., испр. – М.: Рус.яз., 1988.

### Норматив ҳужжатлар

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган.
7. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 913-ХII-сон Қонуни.
8. “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-II-сон Қонуни.
9. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган.
10. “Ўзбекистон Республикасининг асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорлар (2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон; 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон; 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон).
11. “Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 664-II-сон Қонуни.
12. “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги 758-I-сон Қонуни.
13. Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга бюджет ссудаларини бериш ва олинган ссудаларни тўлаш тартиби тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 28 июндаги 58-сон буйруғи, Адлия вазирлигида 2001 йил 19 июлда 1052-сон билан рўйхатга олинган;
14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2001 йил 29 декабрдаги 130-сон буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджете-

тини тузиш ва ижро этиш коидалари”. Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1111-сон билан рўйхатга олинган.

15. Бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини Молия вазирлиги ва молия органларида рўйхатдан ўтказиш Тартиби (1999 йил 13 декабрда 849-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 9 декабрдаги 93-сон буйруғи билан тасдиқланган);

16. “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон Қарори.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет интизомига риоя қилиниши устидан назоратни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1999 йил 11 февралдаги 66-сон Қарори.

## **2-БОБ. БЮДЖЕТ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ**

### **2.1. Вакиллик ва ижроия ҳокимияти органларининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатлари**

Бюджет жараёнини қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ваколатлари берилган бюджет жараёнининг ижтирокчи органлари амалга оширадilar. Булар вакиллик ва ижроия ҳокимияти органлари, молия ва солиқ идоралари, пул-кредит бошқаруви ва давлат молия назорати органлари, бюджет маблағларининг бош тасарруфчилари ва тасарруфчилари, давлат бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари, бюджет ташкилотлари, давлат унитар корхоналари ва бюджет маблағларини олувчи бошка субъектлардир.

Вакиллик ҳокимияти органлари бюджет лойиҳаларини ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни кўриб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

Ижроия органлари жамланма молиявий режалаштиришни, бюджет лойиҳаларини тузишни, бюджет лойиҳаларини вакиллик органларга кўриб чиқиш учун киритишни, бюджет ижросини, унинг ижроси устидан таҳлил ва назоратни амалга оширадilar.

Марказий банк (ҳукумат банки) давлатнинг пул-кредит сиёсатини (ҳукумат билан биргаликда) ишлаб чиқади ва Ғазначиликнинг пул ҳисоб варақларига хизмат кўрсатади.

Бюджет маблағларининг бош тасарруфчиси – ижроия ҳокимияти органи (вазирлик ёки идора) бўлиб, у биринчи бўлиб тўғридан-тўғри бюджет маблағларини олади, давлат бюджети маблағларини ўз қармоғидаги идоралар – бюджет маблағларининг тасарруфчилари ва олувчилари ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эгадир. У бюджет маблағларининг тасарруфчилари ва олувчилари бўйича бюджет харажатларининг рўйхатини тузади, уларга бюджетнинг вазифалари тўғрисида билдиришномаларни етказди, уларнинг сметаларини тасдиқлайди, зарурат туғилганда тасдиқланган сметанинг моддалари ўртасида маблағларини тақсимланишини ўзгартиради, бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши устидан назорат ўрнатади.

Бюджет маблағларининг тасарруфчиси ижроия ҳокимияти органи бўлиб, у бюджет маблағларини бюджет маблағларини олувчилар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга ва уларга бюджет ажратмалари тўғрисидаги билдиришномани етказди, бюджет маблағларини олувчиларнинг сметаларини тасдиқлайди, улар бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланишини назорат қилади.

– Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва давлат бошқаруви бошқа органларининг Давлат бюджетини ижро этиш борасидаги ишларини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

– давлат мақсадли жамғармалари маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибini белгилайди;

– Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тасдиғига киритади;

– конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари:<sup>28</sup>

– тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни қабул қилади, шунингдек уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тасдиқлайди;

– конун ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорларини белгилайди, маҳаллий солиқлар бўйича имтиёзлар беради;

– конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар:<sup>29</sup>

– Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар лойиҳаларини тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари қабул қилиши учун тақдим этади ҳамда уларнинг ижроси тўғрисида ҳисоботлар тузади;

– бюджетга тушумлар тўлиқ ва ўз вақтида тушиши ҳамда бюджет маблағларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан назоратни ташиқил этади;

– конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат бошқарувининг марказий молиявий-иқтисодий органи ҳисобланиб, бюджет тизимидаги унинг асосий ваколатлари қуйидагилардан иборат:<sup>30</sup>

– Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди;

– Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи тартибini белгилайди ҳамда улар устидан назоратни амалга оширади;

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддаси, Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни 7-моддаси.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни 7-моддаси.

<sup>30</sup> Уша ерда. 8-модда.

– республика бюджети харажатларини амалга оширади;  
– бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини рўйхатдан ўтказди;

– бюджет маблағлари олувчиларнинг Давлат бюджети маблағларидан фойдаланишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, умуммажбурий тусдаги бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилади;

– конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки** – давлат бошқарувининг муҳим органи бўлиб,<sup>31</sup> ҳар йили ҳукуматга иқтисодий ва молиявий масалалар, шунингдек, монетар ва валюта сиёсати бўйича давлат бюджетини тайёрлашга доир тавсияларни ўз ичига олган маърузани тақдим этади,<sup>32</sup> Молия вазирлигининг қимматли қоғозлар чиқариш ҳажми ва давлат қарзини қоплаш графиги бўйича маслаҳатлар беради, Ягона газначилик ҳисоб варағига хизмат кўрсатади.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (ЎЗР ДСҚ)**– давлат назорати органи бўлиб, давлатнинг иқтисодий манфаати ва мулкий ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлайди. Бюджет тизимини бошқариш соҳасида Ўзбекистон Республикаси ДСҚнинг ваколатларига солиқларни тўғри ҳисоблаш устидан назорат, тўловнинг тўлиқ ва ўз вақтида амалга оширилиши, прогноз кўрсаткичларга биноан бюджет тушумларининг тўлиқлигини таъминлаш ва бошқалар қиради.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси** – давлат бошқаруви органи бўлиб, божхона божлари, солиқлар ва бошқа тўловлар бюджетга ўз вақтида киритилишини таъминлайди.

**Газначилик** – махсус ваколатли молия органи<sup>33</sup> бўлиб, у ягона газна ҳисобварағидаги ва Газначиликнинг бошқа банк ҳисоб варақларидаги Давлат бюджети маблағларини уларни Давлат бюджетининг харажатларини белгиланган муддатларда амалга ошириш учун йўналтириш, шунингдек Давлат бюджети бўш маблағларини банк депозитлари ва бошқа активларга вақтинча жойлаштириш ҳамда улар ҳисобидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, маҳаллий бюджетга, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларига бюджет ссудалари бериш йўли билан бошқариб боради.

<sup>31</sup> “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги 154-І-сон Қонуни.

<sup>32</sup> Ўша ерда. 44-модда.

<sup>33</sup> “Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 664-ІІ-сон Қонуни 6-моддаси.

## 2.2. Бюджет таснифи

Бюджет тизимидаги бюджетларни тузиш ва ижро этиш бўйича асосий методологик ҳужжат бўлиб бюджет таснифи хизмат қилади.

**Бюджет таснифи** – бюджет тизимининг барча даражаларидаги бюджетлари даромадлари ва харажатларини, шунингдек, ушбу бюджетларнинг тақчилликларини молиялаштириш манбалари ва давлат қарзи турларини бир хил белги бўйича қонунга мувофиқ гуруҳлаш бўлиб, ундан бюджетларни тузиш ва ижро этишда тасниф объектларига гуруҳ кодларини бериш орқали фойдаланилади. Тасниф барча даражадаги бюджетлар кўрсаткичларининг кийёсийлигини, уларни иктисодий ва статистик таҳлил қилиш имкониятини таъминлайди.

Бюджет таснифининг аҳамияти шу билан белгиланадики, ундан:

- давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этишда;
- бюджет маблағларининг ажратилиши ва улардан фойдаланилишини назорат қилишда;
- турли даражадаги бюджетларнинг кўрсаткичларини бир-бири билан таққослашда;
- барча даражада жамланган бюджет тизимини тузишда фойдаланилади.

1999 йилга қадар Ўзбекистонда собиқ иттифок даврида ишлаб чиқилган тасниф қўлланилар эди. Бюджет қисмлар, бўлимлар ва моддаларга бўлиниб, ўзида функционал ва иктисодий таснифнинг умумлаштирилган белгиларини мужассамлаштирарди. У халқаро стандартлар талабига жавоб бермас ва Миллий Счетлар Тизимига мувофиқ келмас эди. Юқорида қайд этилган камчиликлар 2000 йил бюджетига нисбатан қўлланилган янги таснифда<sup>34</sup> ҳисобга олинди. Бу тасниф бюджетни иктисодий таснифга мувофиқ тўрт асосий тоифага ажратиб, тахлилий имкониятларни кенгайтди ва бюджет маблағларидан фойдаланишда лозим даражада мослашувчанликни таъминлади. Бу тоифалар: иш ҳақи, ижтимоий тўловлар, капитал қўйилмалар ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунига<sup>35</sup> мувофиқ, **бюджет таснифи** Давлат бюджети тузилмасига кирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳлашдан иборатдир. Тасниф гуруҳлашнинг аралаш турларидан фойдаланган ҳолда тузилган ва куйидагиларни ўз ичига олади:

<sup>34</sup> Приказ МФ РУз. N 230 от 9.12.1999 «Об утверждении экономической классификации расходов Государственного бюджета и основные показатели бланков бюджета на 2000» / зарег. Минюстом РУз., N 853 от 15.12.1999.

<sup>35</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 10-моддаси.



- Давлат бюджети даромадларининг таснифини;
  - Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан, ташкилий ва иқтисодий таснифини;
  - Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифини.
- Бюджет таснифи қуйидаги **принципларга** асосланади:
- тўлиқлик (бюджет жараёнининг барча иштирокчиларини қамраб олади);
  - ягоналик (бюджет жараёнининг барча иштирокчилари учун ягонадир);
  - ўзаро мувофиқлик (бюджет таснифи кодлари бир вақтнинг ўзида бюджет жараёнининг турли операцияларини ақс эттириши керак эмас).


Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан қабул қилинган қарорларга мувофиқ бюджет таснифи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Давлат бюджетининг амалдаги Даромадлар ва харажатлар таснифига у қабул қилинган вақтдан (1993 йил) буён 230 дан ортиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

#### Бюджет таснифларининг схемалари.

Бюджет таснифи қуйидаги схемага мувофиқ тузилган:

13-схема. Бюджет таснифлари схемалари



Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлари таснифида (2009 йил 1 январгача бўлган ҳолатга кўра) даромадлар бўлимлар ва параграфлар бўйича гуруҳланади. **Бўлимларда** даромадларнинг турлари (3-жадвал), **параграфларда** – тегишли даромад турининг кичик гуруҳлари ақс эттирилади (4-жадвал).

Бўлим	Даромадлар номи
1	Кўшилган киймат солиғи
2	Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ҳамда юридик шахсларнинг дивиденд ва фойзалар курунишида олган даромадларига солинадиган солиқ
3	Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ
5	Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ
7	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи
8	Ташки иқтисодий фаолиятдан даромадлар
10	Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар
11	Давлат божи
12	Йиғимлар ва турли солиқсиз даромадлар
13	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ
17	Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизimini қўллаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ
18	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи
21	Ижарага берилган мулк учун ижара тўлови
22	Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар даромадига солинадиган солиқ
26	Акцизлар
31	Пул-буюм лотереялари ўйинларидан тушган тушумлар
37	Юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиғи
39	Акциз маркалари бўйича тушумлар
42	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва махсус тўловлар
59	Харажатларни коплашга йўналтириладиган, йил бошига бўлган бюджет маблағлари қолдиги
62	Айланма касса маблағлари
63	Келгуси чорак харажатларига йўналтирилган ўтган чоракнинг қолдик маблағлари

Масалан: 22-бўлим “Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг даромадларига солиқ”, 2-дан 19- параграфгача тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар даромадларига солиқларни амалдаги қонунчиликка биноан бюджетга тушумлари ақс эттирилади (4-жадвал).

Бўлим	Параграф	Даромад номи
22		<b>Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний ва юридик шахслар даромадига солинадиган солиқ</b>
22	2	Юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда озик-овкат ва ноозик-овкат маҳсулотлари савдоси соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	3	Юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда савдо-воситачилик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	4	Юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда кишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдоси соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	5	Юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда маиший хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	6	Юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда ўз маҳсулотларини, шу жумладан, миллий ширинликлар ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	7	Юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда автомобиль транспорти билан хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	8	Юридик шахс мақомига эга бўлмаган ҳолда бошқа хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	9	Саргарошхона хизматлари соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	10	Бильярд ўйинлари соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	11	Видеокассеталар ижараси ва аудио-видео кассеталар савдоси соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	12	Ўйин автоматларини ишлатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ

22	13	Саргарошхона хизматлари соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	14	Бильярд ўйинлари соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	15	Видеокассеталар ижараси ва аудио-видео кассеталар савдоси соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	16	Ўйин автоматларини ишлатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	17	Уй-жой ижараси бўйича хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	18	Умумий овқатланиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний шахслар даромадидан олинадиган катъий белгиланган солиқ
22	19	Автотранспортларни тўхташ жойидан фойдаланганлик учун белгиланган солиқ

Давлат бюджети харажатларининг **функционал таснифи** (2009 йил 10 сентябргача бўлган ҳолатга кўра) давлат бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро этиладиган асосий функциялар бўйича гуруҳлашни назарда тутди. Харажатларнинг функционал таснифи бўлимлар ва параграфлардан ташкил топади.

Функционал таснифнинг биринчи даражаси куйидаги бўлимлардан ташкил топади (5-жадвал):

5-жадвал

Бўлим (кодлар)	Харажатлар номи
100	Иктисодиёт учун харажатлар
150	Ташқи иктисодий фаолият билан боғлиқ харажатлар
160	Бюджет ссудалари
200	Умумий таълим
201	Маданият ва оммавий ахборот воситалари
202	Фан
203	Соғлиқни сақлаш
204	Жисмоний тарбия
205	Ўрта махсус, олий таълим ва кадрларнинг малакасини ошириш
207	Ижтимоий таъминот

209	Суд, прокуратура органлари ва бошқа адлия муассасаларини сақлаш харажатлари
210	Давлат ҳукумат органларини сақлаш харажатлари
211	ННТ, НСТ ва фуқаролик жамияти институтлари учун субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар бўйича харажатлар
214	Давлат бошқарув органларини сақлаш харажатлари
215	Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари
216	Захира жамғармалар
217	"Давлат солиқ ва даромадларидан ажратмалар"
221	Турли тўловлар
222	Бошқа харажатлар
225	Давлат жамғармасига топшириладиган олтин ва кумуш учун тўловлар харажатларини бюджетдан коплаш
231	Чернобиль АЭС ҳалокати оқибатларини бартараф этишда қатнашган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва радиация-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган пенсия ёшидаги шахсларга имтиёзлар бериш
232	Бир марталик давлат тўловлари ва муқофотларни тўлаш бўйича харажатлар
233	Референдум ва сайловлар ўтказиш билан боғлиқ харажатлар
238	Пул-буюм лотереяларида чиққан ютуқларни тўлаш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар
239	Давлат ички қарзи бўйича харажатлар
240	Капитал қўйилмалар ва умумий лойиҳалаштириш
243	Мулк эгасига мулкка эгалик ҳуқуқининг тўхтатилиши натижасида етказилган зарарларни коплаш
244	Ер эгаларига зарар ва йўқотишларни коплаш
250	Турмуш фаровонлигини ошириш билан боғлиқ харажатлар
254	Бошқа бюджетларга ўтказиладиган маблағлар
307	Ҳарбий хизматчилар, ички ишлар идораларининг бошлиқ ва оддий таркиб шахслари, божхона идоралари пенсия ва нафақаларига харажатлар
309	Мудофаа комплекси, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа тармоқларнинг харажатлари
322	Мудофаа комплекси, ҳуқуқ-тартибот органлари ва бошқа тармоқларнинг маҳаллий бюджетдан молиялаштириладиган харажатлари

Иккинчи даража – **параграфлар**, давлатнинг республика ва маҳаллий ҳокимият органларининг белгиланган соҳаларда фаолият юритишини аниқлаштирувчи бюджет ажратмаларининг йўналишлари (параграфлар – мактабгача ёшдаги болалар муассасалари, мактаблар, марказлаштирилган бухгалтериялар ва бошқалар).

Масалан, **“Умумий таълим” бўлимининг** (200-код) куйидаги параграфлари мавжуд (6-жадвал):

Бўлим	Параграф	Харажат номи
200	<b>x</b>	<b>Умумий таълим</b>
200	<b>1</b>	Мақтабгача ёшдаги болалар муассасалари
200	<b>2</b>	Мақтаблар-болалар мақтабгача тарбия муассасалари
200	<b>3</b>	Бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мақтаблар
200	<b>5</b>	Махсус мақтаблар
200	<b>6</b>	Китоблар сотиб олиш
200	<b>9</b>	Мақтаб-интернатлар
200	<b>11</b>	Махсус режимдаги интернат-мақтаблар
200	<b>16</b>	Болалар билан ишловчи мақтабдан ташқари муассасалар ва тadbирлар
200	<b>17</b>	Болалар мусика ва санъат мақтаблари
200	<b>19</b>	Болалар уйлари
200	<b>21</b>	SOS - Ўзбекистон болалар маҳаллалари
200	<b>27</b>	Халқ таълими бўйича методик ишлар, техникавий ташвиқот ва бошқа тadbирлар
200	<b>77</b>	Янги киритиладиган ташкилотлар учун харажатлар
200	<b>78</b>	Марказлаштирилган хўжалик хизмати кўрсатиш гуруҳларини сақлаш харажатлари
200	<b>89</b>	Мақсадли харажатлар учун айрим ташкилотларга ажратилган маблағлар

3. Давлат бюджети харажатларининг **ташкилий таснифи** (2009 йил 10 сентябргача бўлган ҳолатга кўра) бюджет ташкилотларининг турлари, хўжалик субъектлари ва бюджет ажратмалари уларнинг бевосита олувчилари ўртасида тақсимланишини акс эттирувчи тadbирлар бўйича гуруҳлашди. Бу тасниф **боб кодларига** (бюджет маблағларининг бош тасарруфчиси: вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, корпорациялар, агентликлар ва бошқалар) эга бўлиб, у 001 кодидан бошланади ва 230 дан ортиқ қийматга эга. Масалан (7-жадвал):

7-жадвал

Боб коди	Харажат номи
<b>018</b>	Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари
<b>019</b>	Ўзбекистон Республикаси Ташиқ ишлар вазирлиги
<b>028</b>	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўрта, махсус, касб-хунар таълими маркази
<b>037</b>	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси
<b>054</b>	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги
<b>056</b>	Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

075	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
079	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
080	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
092	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги
093	Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси
100	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
117	Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги
167	Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси
172	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги
179	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
182	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси
200	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати
239	Республика болалар ижтимоий мослашув маркази

4. Давлат бюджети харажатларининг **иктисодий таснифи** (2008 йил 26 декабрдан)<sup>36</sup> тўловларнинг иктисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан (яъни харажатлар гуруҳи бўйича) иборат.

Харажатлар **моддалари**, яъни **тури**, **объекти** ва **кичик объекти** куйидаги харажатлар гуруҳларига бирлаштирилади (8-жадвал):

I гуруҳ – иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар (болали оилаларга нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам, стипендиялар ва бошқа тўловлар);

II гуруҳ – иш ҳақиға қўшимча тўловлар;

III гуруҳ – капитал қўйилмалар (давлат инвестиция дастурида назарда тутилган манзилли рўйхатлар асосида);

IV гуруҳ – бошқа харажатлар.

8-жадвал

Харажат тури	Объект	Кичик объект	Харажатлар номи	Гуруҳ
			<b>Жорий харажатлар</b>	
01	0	00	Товарлар ва хизматлар учун харажатлар	
01	1	00	Иш ҳақи – жами	I
01	2	00	Ягона ижтимоий тўловлар	II
01	3	00	Хизмат сафари харажатлари	IV
01	4	00	Коммунал хизматларга харажатлар	IV
01	5	00	Телефон, телекоммуникация ва ахборот хизматларига харажатлар – жами	IV

<sup>36</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 26.12.2008 йилдаги 209-сон буйруғига 1-илова янги тахрирда тасдиқланган ва 01.01.2009 йилдан кучга кирган.

01	6	00	Жорий таъмирлаш учун харажатлар – жами	IV
01	7	00	Сақлаш, ижара, фойдаланганлик ва хизматларни тўлаш харажатлари	IV
01	8	00	Товар моддий захираларини сотиб олишга харажатлар	IV
01	9	00	Бошқа жорий харажатлар – жами	IV
02	0	00	Фоиз тўловлари	IV
03	0	0.0	Субсидиялар ва бошқа жорий трансфертлар	IV
03	1	00	Субсидиялар	IV
03	3	00	Нотижорат ташкилотларига жорий трансфертлар	IV
03	4	00	Уй хўжалиklarига жорий трансфертлар	IV
04	0	00	Капитал харажатлар	
04	1	00	Асосий маблағларини сотиб олиш – жами	IV
04	2	00	Ишлаб чиқариш соҳасида қурилиш ва реконструкцияга харажатлар	III
04	3	00	Ноишлаб чиқариш соҳасида қурилиш ва реконструкцияга харажатлар	III
04	4	00	Ишлаб чиқариш соҳасида капитал таъмирлашга харажатлар	IV
04	5	00	Ноишлаб чиқариш соҳасида капитал таъмирлашга харажатлар – жами	IV
04	6	00	Автомобил йўлларини ўртача таъмирлаш	IV
05	0	00	Захираларини сотиб олиш (яратиш) харажатлари	IV
06	0	00	Капитал лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган ер ва номоддий активларни сотиб олишга харажатлар	IV
07	0	00	Капитал трансфертлари	IV
07	1	00	Давлат бошқарувининг бошқа даражаларига капитал трансфертлари	IV
07	2	00	Мамлакат доирасидаги бошқа капитал трансфертлари	IV
07	3	00	Чет элга капитал трансфертлари	IV
08	0	00	Кредитлаш ва капиталда катнашиш	IV
08	1	00	Ички кредитлаш (ссуда)	IV
08	2	00	Мамлакат ичидаги капиталда катнашиш	IV
08	3	00	Ташқи кредитлаш ва хориждаги капиталда катнашиш	IV
09	0	00	Қарзни қайтариш	IV
09	1	00	Ички асосий қарзни қайтариш	IV
09	2	00	Ташқи асосий қарзни қайтариш	IV
10	0	00	Бюджетлар ўртасида дотациялар, субвенциялар, ссудалар ва ўзаро ҳисоб-китоблар	IV



Ўз навбатида, харажатлар объектлари кичик объектларга бўлинади, масалан (9.1 ва 9.2 жадваллар):

9.1-жадвал

Харажат тури	Объект	Кичик объект	Харажатлар номи	Гуруҳ
01	1	00	Иш ҳақи – жами	I
		10	Иш ҳақи	
		20	Коммунал хизматлар ўрнига компенсация тўловлари	
		30	Умумтаълим муассаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантириш директор жамғармаси маблағлари	
		40	Тиббиёт ташкилотлари ходимларига устамалар ва кўшимчалар	
		50	Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси	

9.2-жадвал

Харажат тури	Объект	Кичик объект	Харажатлар номи	Гуруҳ
01	4	00	Коммунал хизматларга харажатлар	IV
		10	Электрэнергия учун тўлов	
		20	Табиий газ учун тўлов	
		30	Кўмир учун тўлов	
		40	Иссик сув ва иссиқлик энергияси учун тўлов	
		50	Сув ва канализация учун тўлов	
		90	Чинкидиларни йиғиш ва ташиш хизмати учун тўловлар, шунингдек энергетик ва бошқа ресурсларни сотиб олиш учун харажатлар	

5. Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштириш манбалари таснифи тақчилликни молиялаштиришнинг ички ва ташқи манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат (50 ва 51-бўлимлар).

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришнинг ички манбаларини таснифлаш Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, республика ижроия органлари томонидан мамлакатнинг молия бозоридан жалб қилинаётган қарз маблағларини гуруҳлашдан иборат (10-жадвал).

Бўлим	Параграф	Номи
50	х	Молиялаштиришнинг ички манбалари <sup>37</sup>
	1	Давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан олинган маблағлар
	2	Марказий банк кредитлари
	3	Давлат мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан олинган маблағлар
	4	Ўзбекистон Республикаси республика бюджетни маблағлари қолдиги
	5	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари қолдиги
	6	Иш билан таъминлашга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари қолдиги
	7	Йўл жамғармаси маблағлари қолдиги
	8	Давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб рақами маблағлари
	9	Бошқа ички манбалардан маблағ жалб этиш

Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришнинг ташқи манбаларини таснифлаш Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг халқаро молия институтлари, ҳукуматлар ва хорижий мамлакатлар молия бозорларидан жалб қилинаётган қарз маблағларини гуруҳлашдан иборат (11-жадвал).

Бўлим	Параграф	Номи <sup>38</sup>
51	х	Молиялаштиришнинг ташқи манбалари
	1	Давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан олинган маблағлар
	2	Халқаро молия институтларнинг, ташкилотларнинг кредитлари
	3	Хорижий давлатлар кредитлари
	4	Бошқа ташқи манбалардан маблағ жалб этиш

Кўпчилик хорижий мамлакатларнинг бюджет таснифи Халқаро валюта жамғармаси томонидан ишлаб чиқилган Давлат молиясининг халқаро статистика стандартлари асосида ишлаб чиқилган (1-илова).

Бюджет амалиётида юз бераётган ўзгаришлар – бюджет ижросининг ғазначилик тизимига ўтилиши, ягона бюджет ва ҳисоб тизимининг ишлаб чиқилиши янги бюджет таснифини ишлаб чиқиш ва киритишни тақозо этмоқда.

<sup>37</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 15.10.2001 й.даги 112-сон буйруғига илова.

<sup>38</sup> Ҳақиқатда.

Масалан, Молия вазирининг буйруғига биноан 2008 йилда давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг янги таснифи<sup>39</sup> тасдиқланди, уни жорий этишни (халқаро маслаҳатчиларнинг тавсияларига биноан тузатишлар киритилганидан сўнг) 2010 йил 1 январдан Тошкент шаҳрининг Бектемир туманида бошлаш режалаштирилган. Янги таснифнинг муҳим вазифалари: бюджет маблағларининг шаффофлиги ва мақсадли ишлатилишини таъминлаш; бюджетнинг даромадлар ва харажатлар кўрсаткичлари таркиби ва тузилиши давлат молиясининг халқаро статистикаси стандартларига мувофиқлигини таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлар манбалари ва бюджет даражалари таснифи Давлат бюджетининг ғазна ижросига ўтилиши муносабати билан киритилган бўлиб, ўзи билан маблағлар манбалари (Давлат бюджети, Давлат мақсадли жамғармалари маблағлари, бошқа бюджетдан ташқари Давлатнинг жамғармалари, грантлар, кредитлар)ни Ўзбекистоннинг маъмурий-худудий тузилмалари даражалари бўйича гуруҳланишини намоён этади ва Давлат бюджети харажатларини уларни ташкил топиш жой (худуд, туман, шаҳар)ларига дахл этишга имкон беради (12-жадвал):

12-жадвал

Маблағ тури	Маблағ номи	Бюджет	Бюджет даражаси	Номи
1	000	0	0	Давлат бюджети
1	000	1	0	Республика маблағлари
1	000	1	1	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармаси маблағлари
1	000	2	0	Худудий маблағлари
1	000	2	1	Қорақалпоғистон Республикасининг республика даражасидаги маблағлари, вилоят даражасидаги, Тошкент шаҳрининг шаҳар ва вилоят даражасидаги
1	000	2	2	Туман ва шаҳар даражалари маблағлари

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан янги бюджет таснифини қўллаш бўйича Йўриқнома ишлаб чиқилган, унинг лойиҳаси ушбу бобнинг 2-иловасида келтирилган.

<sup>39</sup> Даромадлар таснифи, харажатларнинг функционал ва иктисодий таснифлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даражалари ҳамда маблағлар манбаларининг таснифлари. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 16 майдаги 80-сон буйруғи.

## **2.3. Бюджетни прогноллаштириш ва режаллаштириш**

Прогноллаштириш ва режаллаштириш бюджет жараёнининг илмий асосланган зарур компоненти сифатида намоён бўлади.

**Бюджетни прогноллаштириш** – бу асосий бюджет кўрсаткичларининг прогноз ҳисоб-китобларини амалга ошириш, бюджетнинг даромадлар ва харajatлар қисмларининг ривожланиши мумкин бўлган йўлларини эҳтимолли баҳолаш мажмуасидир.

Прогноллаштиришнинг уч тури – узок, ўрта ва қисқа муддатли прогноллаштириш мавжуд. Узок муддатли прогнозлар 5 йилдан 10 йилгача муддатга ишлаб чиқилади, ижтимоий-иқтисодий концепцияларни, ўрта муддатли истиқболга – 3 йилдан 5 йилгача бўлган муддатга (хар йили тузатишлар кириши билан) мўлжалланган прогнозлар ва дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилади. Қисқа муддатли прогнозлар молия йилига тузилади.

Бюджетнинг ривожланиш прогнозини ишлаб чиқишда экстраполяция, эксперт баҳолаш, бириктирилган методлардан фойдаланилиши мумкин.

**Экстраполяция методи** – аввалги даврлардаги тажрибалардан келиб чиқиб истиқболни белгилаш. Бу метод нисбатан барқарор бюджетнинг харajatлар ва даромадлари баъзи бир моддаларини прогноллаштиришда қўлланиши мумкин.

**Эксперт баҳолаш методи** – бу экспертлар (миллий иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари етакчи мутахассислари)нинг баҳолари асосида тузиладиган прогноздир. Ушбу методнинг камчилиги – субъективизм элементининг мавжудлиги.

**Бириктирилган метод** экстраполяция ва эксперт баҳолаш методларини биргаликда ишлатишни назарда тутди.

**Бюджетни режаллаштириш** – молиявий режаллаштиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, давлатнинг молиявий снёсати талабларига бўйсунди. Бундай режаллаштиришнинг иқтисодий функцияси марказлашган режаллаштириш орқали ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни молиявий тизимнинг бўғинлари орасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг умуммиллий дастурини бюджетларни ва турли даражадаги бюджетдан ташқари фондларни тузиш ва ижро этиш жараёнида ишлаб чиқишдир. Бюджетни режаллаштириш жараёнида молия мамлакат ривожланишининг давлат дастурларини иқтисодий ва сифат кўрсаткичларига ҳамда табиий, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларни самарали ишлатиш усулларини ажратиб олишга фаол таъсир кўрсатади.

**Бюджетни режалаштиришнинг асосий принциплари** куйидагилардир:

- бюджет масалаларини ягона ҳукукий меъёрлар билан бошқариш;
- бюджет маблағларини манзилли ва мақсадли йўналтириш характери;
- йиллик бюджетни режалаштиришнинг узлуксизлиги;
- молиявий кўрсаткичларнинг барқарорлиги (нормативлар, солиқ ставкалари, сметалар);
- баланс методи.

Бюджетни режалаштириш давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан амалга оширилади.

Бюджетни режалаштириш ўзида турли даражадаги бюджетларни тузиш жиҳатидан бюджет жараёнини, унинг норматив-ҳукукий ва ташкилий асосини, шунингдек мамлакат бюджетини тузиш назарияси ва методологияси масалаларини мужассамлаштиради. Бюджетни режалаштириш асослари мамлакат Конституцияси ва қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**Бюджет даромадларини режалаштириш.** Иқтисодийётдаги бозор ислохотлари бюджетга тушумларни прогнозлаштириш методологияси ва методикасини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Бюджет даромадларини шакллантириш уч муҳим йўналишни ўзида мужассамлаштиради:

- жалб қилинаётган барча турдаги даромадларнинг прогнозлаштирилаётган суммасини ҳисоб-китоб қилиш;
- бошқариладиган даромадларни бюджет тизимининг даражалари бўйича қонунчиликда назарда тутилган тартиб ва нисбатларда тақсимлаш;
- юқори ва куйи бюджетлар ўртасида молиявий ёрдам кўрсатиш (дотациялар, субвенциялар) ва бюджет таъминотини тенглаштириш (трансфертлар) боразидаги ўзаро муносабатларни аниқлаштириш.

Давлат бюджети даромадларини режалаштиришни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги амалга оширади, у зарур ахборот базасига эга ва солиқларнинг бюджетга тўпланиши ҳолатини оператив кузатиб боради.

Даромадлар контингентини, энг аввало солиқ тушумларини ҳисоблаш куйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ҳисобот даврида жорий солиқ тушумлари ва бошқа тушумлар (даромадлар) тўғрисида умумлаштирилган маълумотларни ҳудудлар кесимида кейинги йил бюджети устида иш бошлашдан олдин (белгиланган асос бўйича оператив таҳлил қилиш учун) тақдим этади. Солиқ қўмитаси бу маълумотларни ҳудудий солиқ инспекцияларидан олади;

2. Молия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигидан кейинги (режалаштириладиган) йилга ва ўрта муддатли истиқболга прогнозлаштириладиган даромадлар ҳажмини, биринчи навбатда, солиқ тўловларини белгиловчи макроиктисодий кўрсаткичларни олади.

Асосий макроиктисодий кўрсаткичларга қуйидагилар қиради: ЯИМ ҳажми; пул массаси ҳажмини белгиловчи кўрсаткичлар; миллий иқтисодиёт тармоқларида яратилаётган фойда ҳажми; иш ҳақи фонди ҳажми; инфляция индекси ва дефляторлар; товар айланмаси ҳажми ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва ҳар бир даражадаги бюджетларнинг даромадлари асосини шакллантирувчи муҳим солиқ турлари бўйича махсус ҳисобкитоблар амалга оширилади. Олинган маълумотлар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги солиқ ва бошқа даромадлар контингентини прогнозлаштиради ва уларни ҳудудий молия бошқармалари учун мўлжал кўрсаткичлар сифатида тўплайди. Ҳозирги шароитда бюджет даромадларини режалаштиришнинг асослилигини ошириш учун таҳлил ишларининг аҳамияти кескин ошиб бормоқда. Бюджетга қилинадиган тўловлар ҳажмига таъсир этувчи барча омиллар тадқиқ этилади.

3. Шаҳар, туман, вилоят ва Тошкент шаҳри молия органлари ўз ҳудудларида давлат солиқ органлари ва бошқармалари билан биргаликда даромадлар контингентини прогнозлаштириш бўйича ишларни параллел олиб борадилар. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш базаси – кейинги йилга ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогнозларининг асосий параметрлари бўлиб, у тегишли солиқлар бўйича бюджетга тўловлар ҳажмини белгилайди.

Даромадларни режалаштириш жараёнида солиқ солиш базаси тўғрисидаги маълумотдан ташқари режалаштириладиган йилда солиқ солиш хусусиятлари, чунончи: ставкаларнинг ўзгариши, имтиёзлар берилиши ёки бекор қилиниши ва бошқалар ҳақидаги маълумотлар ҳам бўлиши керак.

Шундай қилиб, бюджет даромадларини жамланма режалаштириш методи қуйидагиларга асосланади: солиқ солиш базаси ставкаларини шакллантириш тартибига оид қонун ҳужжатлари ва тегишли йўриқнома материалларига асосланган келаси йил ва ўрта муддатли истиқболга мўлжалланган макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози; солиқлар тўпланишининг шаклланган даражаси.

**Бюджетни режалаштириш методлари.** Халқаро амалиётда қуйидаги бюджетни режалаштириш методлари фарқланади:

- меъёрий,
- “эришилган чегарадан”,

- дастурий-максадли.

**Меъёрий метод** бюджет маблағларида минимал эҳтиёжларни белгилашни назарда тутлади. Меъёрлар конун ва конун ости ҳужжатлари билан белгиланади.

Амалда мажбурий, оддий, йириклаштирилган, бириктирилган ва бошқа турдаги **меъёрлар** қўлланилади.

**Мажбурий меъёрлар** ҳукумат ёки ҳудудий ҳукумат органи томонидан; **қўшимча меъёрлар** – идоралар томонидан; **оддий меъёрлар** алоҳида турдаги харажатлар учун; **йириклаштирилган меъёрлар** – ташкилотнинг жами харажатлари учун белгиланади.

Бюджетни режалаштириш меъёрий методининг қўлланилиши барча турдаги бюджет харажатлари (таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя ва бошқалар) бўйича катта ҳажмдаги молиявий ва табиий харажатлар меъёрини ишлаб чиқишни талаб этади. Вазифани енгиллаштириш учун ягона ижтимоий стандартлар (хар бир одамга ёки бюджет хизматларининг истёъмолчисига йириклаштирилган меъёрлар) ишлаб чиқилади. Аммо ягона ижтимоий стандартларнинг жорий этилиши бюджет хизматларининг сифатига салбий таъсир кўрсатади.

Меъёрий методдан фойдаланилганида бюджет маблағларини олувчиларнинг ўз хизматлари сифатини ошириш ва унинг таннархини пасайтиришга рағбати йўқолади. Масалан, ўқувчилар сонидан келиб чиқиб молиялаштирилдиган мактаб синфлар максимал даражада тўлишига кизиқади, лекин бунда хизмат кўрсатишнинг муҳим вазифаси – ўқитиш сифати назардан четда қолади. Шу билан бирга, мактаб фаолиятининг кўрсаткичи (яқуний натижаси), айтишлик, мактабни битиргандан сўнг олий ўқув юртларига кирган ўқувчилар фонзи бўлса, ўқиш жараёнини ташкил этишга ёндашув умуман бошқача бўлади. Шунга карамай, меъёрий методнинг қўлланилиши бир қатор ҳолларда ўринлидир, мисол учун, бинонинг типини ва иситилаётган бино ҳажмидан келиб чиқиб иситиш хизматларини тўлаш учун зарур бўлган харажатларга эҳтиёжларни аниқлашда.<sup>40</sup>

**Бюджетни режалаштиришнинг “эришилган чегарадан” методидан** бюджет маблағларининг бош тасарруфчиси, бюджет маблағларининг тасарруфчилари ва ташкилотларнинг молиялаштириш лимитларини белгилашда фойдаланилади. Бу методда бюджетдан молиялаштириш ҳажмини аниқлаш учун

<sup>40</sup> Каранг: Ковалевский А., Сучкова А. Программно-целевое бюджетирование как метод повышения результативности бюджетных расходов // Сборник статей «Развитие бюджетного федерализма: опыт и российская практика» / Общая ред. Мигары Де Сильвы. – М.: Издательство «Весь мир», 2006. – 350-б.

мўлжал бўлиб бюджет маблағларини олувчиларнинг аввалги йилдаги фаолияти кўрсаткичлари хизмат қилади. Бу методни қўллаш охир-оқибатда бюджетга тушувчи юк мунтазам ошиб боришига олиб келади, чунки бюджет маблағларини олувчилар ва тасарруф этувчилар ресурсларни оқилона ва тежамкорлик билан ишлатишга қизиқишни йўқотадилар ва кейинги йилда молиялаштириш қисқартирилишига дуч келмаслик учун ўзларининг харажатларини сунъий равишда “шишириш”га ҳаракат қиладилар.

**Бюджетни режалаштиришнинг дастурий-мақсадли методи** ёки дастурлар бўйича бюджетни режалаштириш (режалаштириш, дастурлаш ва молиялаштириш тизими – *planning programming and budgeting system – PPBS*). Дастурий-мақсадли усул биринчи бўлиб АҚШда ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида Мудофаа вазири Роберт Макнамара томонидан қўлланилган, аста-секин бу усулни федерал ҳукуматнинг бошқа вазирликлари ҳам қўллай бошлаганлар.

Методнинг мақсади – давлат молияси соҳасида бюджет процедураларининг самарадорлигини ошириш учун ресурсларни тақсимлаш бўйича қарорларни қабул қилишни такомиллаштириш.

Дастурий-мақсадли тамойиллар асосида тузилган бюджетнинг муҳим хусусияти шундаки, яқуний натижалар, режалаштирилган тадбирлардан самара ва уларнинг мониторинги методлари бюджетнинг ўзида белгиланади. Бунда бюджет фақатгина харажатлар таснифининг “анъанавий” (функционал, иқтисодий, идоровий) турлари ёрдамидагина эмас, балки аниқ дастурлар бўйича ҳам ишлаб чиқилади. Дастур доирасидаги ҳар бир тадбирга харажатлар алоҳида кўрсатилади. Бундан ташқари, бевосита бюджетда баҳолаш мезонларининг моҳияти кўрсатилади. Улар шу дастур доирасида молиялаштириладиган объект ёки хизматнинг ҳолатини ва дастур яқунланганда эришилиши режалаштириладиган ҳолатни акс эттиради.

Дастурий-мақсадли бюджетлаштиришдан фойдаланишда бюджетни режалаштириш босқичида қуйидаги қондаларга риоя қилинади:<sup>41</sup>

- бюджет харажатларини унумдорлик кўрсаткичларига боғлаш;
- тасдиқланган бюджет доирасида маблағларни тасарруф этиш имконияти;
- белгиланган мақсадларга эришиш усулларини танлаш эркинлиги;
- бюджет харажатларини дастурий таснифлаш бўйича режалаштириш;
- ўрта муддатли молиявий режалаштиришни киритиш;
- ҳисоблаш методи бўйича харажатларни ҳисоб-китоб қилиш.

---

<sup>41</sup> Ўша ерда. - 352-б.



Дастурий-мақсадли методда режалаштириш узоқ муддатли баҳолаш асосида, бюджет харажатларини қисмларга ажратиш эса – мақсадлар ва дастурлардан келиб чиқиб амалга оширилади.

Дастурий-мақсадли метод доирасида «zero» асосида режалаштириш методи (zero-base budgeting) ҳам фарқланади. Режалаштириш ҳар қандай ҳукумат органининг бюджети асосида молиялаштириш мавжуд эмаслигини қайд этишдан бошланади. Бу органининг харажатлари умумий бюджетга қўшилгунга қадар, дастурни баҳолаш ва уни бошқа органларнинг дастурлари билан солиштириш амалга оширилади.

Бюджетни режалаштиришнинг дастурий-мақсадли усулини киритиш тегишли базани яратишни назарда тутаяди, хусусан Ўзбекистонда бунга иктисодий, ижтимоий ва бошқа давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва бир маромда амалга ошириш ҳамда бюджет кўрсаткичларини ўрта муддатли режалаштиришга ўтиш имконият яратади.<sup>42</sup>

Ўзбекистонда бюджетни режалаштириш “эришилган чегарадан” методига асосланади, унда макроиктисодий ривожланишнинг эришилган кўрсаткичлари кейинги йилга тузатиш киритиш билан режалаштирилади. Ижтимоий-маданий тадбирларга харажатлар ҳисоб-китоби нормативларга ва хизмат кўрсатиш учун маблағлар харажати меъёрларига мувофиқ амалга оширилади.

Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ этиш доирасида бюджетни режалаштириш методлари ҳам такомиллаштирилади. Масалан, Ўзбекистонда 2005 йилдан соғлиқни сақлаш тизимида ва 2008 йилдан таълим тизимида (умумий таълим мактабларида) жон бошига молиялаштиришга ўтиш амалга оширилмоқда, яъни бу соҳа муассасаларининг харажатларини ҳисоблаш битта хизмат олувчига (соғлиқни сақлашда – касал/пациент, таълимда – ўқувчи) мўлжалланган база меъёрлари асосида амалга оширилади. Режалаштиришнинг бу усули бюджет маблағларини самарали ва оқилона ишлатишга йўналтирилгандир.

2004 йилдан Ўзбекистонда ўрта муддатли бюджетни режалаштиришга ўтиш бўйича ишлар бошланди, унда ўрта муддатли (3 йилга мўлжалланган) параметрлар доирасида давлат бюджетини прогнозлаштириш назарда тутилади. Дастурлаштирилаётган бюджетга ўтиш режалаштирилмоқда.<sup>43</sup>

<sup>42</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг “Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 553-II-сон Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон Қарори.

<sup>43</sup> <http://www.adb.org/Documents/RRPs/UZB/41041-UZB-RRP.pdf> - Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш стратегияси.

## 2.4. Бюджет жараёни методологияси

Бюджет жараёни бу Давлат бюджетини тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва ижро этиш, унинг ижросини назорат қилиш, ижроси ҳақидаги ҳисоботни тайёрлаш ва тасдиқлаш жараёнидир.

Бюджет жараёни – бу ҳокимиятнинг ижроя ва вакиллик органлари фискал сисъатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда бюджет тизимини бошқариш фаолиятининг мажмуидир.

Бюджет жараёнининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

– баланслашган бозорга интилишда етарли тараққиётга эришиш мақсадида барча моддий ва молиявий захираларни мумкин қадар тўлиқ аниқлаш;

– ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг прогнозлари ва мақсадли дастурларига мос келувчи бюджет даромадларининг алоҳида солиқлар ва бошқа тўловлар ҳамда умумий ҳажмини аниқлаш;

– бюджет харажатларини мақсадлар бўйича йўналтириш ва бюджетда назарда тутилган барча умумдавлат тадбирларини узлуксиз молиялаштиришни амалга ошириш;

– иқтисодиётдаги инфляция ҳолатларининг олдини олиш ва миллий пул бирлигининг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган молиявий барқарорлаштириш дастурини бюджет билан мувофиқлаштириш;

– иқтисодий жихатдан ўзини оқлайдиган манбалар ҳисобидан бюджет тақчиллигини қисқартириш ва йўқ қилиш;

– турли даражадаги бюджетларни баланслаш мақсадида давлат даромадлари манбаларини уларнинг ўртасида, шунингдек, хўжалик соҳалари, иқтисодий минтақалар ўртасида тақсимлаш йўли билан бюджетни тартибга солишни амалга ошириш;

– ҳамма йирик ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг мутаносиблигини таъминлаш мақсадида истиқболли бюджетни режалаштириш (прогноزلаштириш)нинг родини кучайтириш;

– солиқ мажбуриятларини бажараётган юридик шахслар ва айрим фуқаролар молиявий фаолияти устидан назоратни кучайиши;

– бюджетни тузиш ва ижро этиш жараёнини электрон-ҳисоблаш техникасини кенг жорий этиш орқали молиявий ҳисоб-китоблар тизимини автоматлаштириш.

Бюджет жараёни бюджет фаолиятининг тўрт босқичини камраб олади (14-схема):

1. бюджет лойиҳасини тайёрлаш;
2. бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш;

3. бюджетни ижро этиш ва унинг назоратини олиб бориш;
4. бюджет ижроси бўйича ҳисоботларни тайёрлаш ва тасдиқлаш.

14-схема. Бюджет фаолиятининг боскичлари



Бюджет лойиҳасини тузиш боскичида қуйидаги масалалар ечилади: бюджет ҳажми, кейинги йилга солиқ ва пул-кредит сиёсати, маблағлар ишлатилишининг асосий йўналишлари, бюджет тақчиллигини қоплаш манбалари ва бюджет тизими бюджетлари ўртасида даромадларнинг тақсимланиши белгилади.

Бюджет лойиҳасини тузишда қуйидаги мақсадлар қўйилади:

- иқтисодиёт самарадорлигининг ошишига фаол таъсир кўрсатиш;
- молиявий ва бошқа ресурсларнинг иқтисодий ва ижтимоий дастурлар – ҳукумат прогнозлари билан мувофиқлигини таъминлаш;
- маблағларни сарфлашда зарурий нисбатлар ва устуворликларни белгилаш;
- бюджет тақчиллигини қоплаш учун манбаларни топиш.

Бюджет лойиҳасини тузиш бошлангунга қадар, Молия вазирлиги вазирликлар ва давлат идоралари раҳбарларига белгиланган мулдатда харажатлар ва тушиши тахмин қилинаётган даромадлар ҳисобланган сметаларни тақдим

этишлари талаб этилган директив фармонларни йўналтиради. Бир қатор мамлакатларда, масалан Францияда, ташкилотларга тахмин қилинаётган ажратмаларнинг контрол рақамлари маълум қилинади ва улар бюджет сўрови (бююртмаси) ва умуман сметаларнинг асоси ҳисобланади, бошқа мамлакатларда эса бюджет сўровлари давлат идоралари томонидан мустақил равишда жўнатилади.

Бюджет тўғрисида қарор қабул қилишда иктисодий ривожланиш истиқболлари, инфляция даражаси, ишсизлик даражаси, ижтимоий қўллаб-қувватлаш хизматидан фойдаланувчилар сони ҳисобга олинади. Бюджетни тузиш вақтида давлат раҳбари, ҳукумат, молия вазирилиги, вазирлар ва бошқа давлат идоралари раҳбарлари ўртасида маълумотлар, таклифлар ва баҳолашлар алмашиш амалга оширилади.

Кейинги йилга, шунингдек, ўрта муддатли истиқболга (3-5 йил) бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда даромадлар ва харажатларни ҳисоблашнинг турли методларидан, чунончи: дастурий-мақсадли метод, шу жумладан, тизимли таҳлил, иктисодий моделлар ва бошқалардан фойдаланилади.

Бюджет жараёнининг таркибий қисми **бюджетни тартибга солишдир**. Бу турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромадлар базасини зарур бўлган минимал даражага тенглаштириш мақсадида даромадларни тақсимлаш ва маблағларни қайта тақсимлаш жараёнидир.

**Бюджет лойиҳасини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.** Бюджет лойиҳаси ижроия ҳокимияти олий органи – Вазирлар Маҳкамаси томонидан маъқулланганидан сўнг қонунчилик органи – Парламентга кўриб чиқиш ва маъқуллаш учун юборилади. Парламент палаталарида махсус кўмита ва комиссиялар фаолият юритиб, улар бюджет масалалари (кўпинча дастурлар) билан шуғулланиди. Улар бюджет лойиҳасини атрофлича таҳлил қиладилар, унга тегишли тузатишлар киритадилар ва хулосалар берадилар. Ҳар бир палата томонидан бюджет қабул қилиниб, улар ўртасида келишмовчиликлар бўлмаган тақдирда парламентнинг бюджет тўғрисидаги умумий қарори қабул қилинади. Келишмовчилик бўлган тақдирда масала икки палата вакилларидан ташкил топган муроа комиссияси муҳокамасига қўйилади. Бюджет жараёнининг бу босқичи бюджетни қабул қилиш билан тамомланади.

**Бюджетнинг ижро этилиши ва унинг ижро этилиши устидан назорат.** Бюджет ижроси – бюджет жараёнининг муҳим босқичи бўлиб, унда ижроия ҳокимияти, молия ва солиқ органлари, кредит ташкилотлари, солиқ тўловчилар ва бюджет маблағларини олувчи юридик ҳамда жисмоний шахслар томонидан бюджет маблағлари сафарбар этилади ва улардан фойдаланилади. Бу жараён барча манбалар бўйича жами даромадлар тушумини таъминлайди, шунингдек,

ташкilot ва муассасалар харажатларини молиявий йил давомида бюджет билан тасдиқланган суммалар доирасида тўлаб беради.

Бюджет жараёнининг шу босқичидаги муҳим элемент бюджетнинг **касса ижроси** – мамлакат ҳудудида бюджет маблағлари тўпланишини ташкил этиш, уларни сақлаш ва сарфлаш, шунингдек, ҳисоб ва ҳисоботни юритишдир.

Бюджет ижроси у ваколатли орган томонидан тасдиқланганидан сўнг бошланади. Молия органлари ташкилий режа тайёрлайдилар ва унда ҳар бир молия органи бўлиналарининг бюджетни бажариш бўйича вазифалари кўрсатилади. Сўнг бюджет даромадлари бир текис тўпланишини ва бюджетдан тўланадиган тадбирларни узлуксиз пул маблағлари билан таъминлашни амалга ошириш мақсадида бюджет чораклар бўйича тақсимланади.

Харажатлар бўйича бюджет ижросининг қуйидаги босқичлари мавжуд:

– бюджет ажратмаларини тасдиқлаш ва уларни бюджет маблағларини тақсимловчилари ва бюджет маблағларини олувчиларига етказиш;

– бюджет маблағларини олувчилар томонидан бюджет мажбуриятларини қабул қилиш (бюджет маблағларини олувчилар томонидан бюджетга бўлган талабларни расмийлаштириш);

– бюджетнинг ижро этилган мажбуриятларини тасдиқлаш ва текшириш;

– амалга оширилган мажбуриятлар бўйича харажатлар ва тўловлар.

Жаҳон амалиётида **бюджет ижросининг фазначилик, банк ва аралаш тизимлари** маълум.<sup>44</sup>

Бюджет ижросини ташкил этишнинг **фазначилик** тизими шароитида ҳисобварақлар ва бюджет маблағларини бошқариш махсус молия органи – **Фазначилик** томонидан амалга оширилади. **Фазначилик** бюджет маблағларининг барча тасарруфчилари ва олувчилари учун кассир ҳисобланади ҳамда бюджет ташкilotларининг номидан ва топшириғига биноан тўловларни амалга оширади.

**Банк** тизимида бюджетни ташкил этиш ва ижро этиш функциясини Марказий банк бажаради (тижорат банклари қатнашувчи вариант ҳам мавжуд).

**Аралаш** тизимда бюджет ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш ҳам **Фазначилик**, ҳам **Марказий банк** томонидан амалга оширилади.

**Бюджетнинг даромадлар бўйича ижросига** қуйидагилар киради:

– бюджет даромадларини ягона фазна ҳисобварағига ўтказиш (бюджет ижросининг фазначилик тизими шароитида);

– тасдиқланган нормативлар асосида бюджетлар ўртасида давлатнинг бошқариладиган солиқларини тақсимлаш;

<sup>44</sup> Каранг: Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации: Учеб. пособие / Акперов И.Г. и др. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 27-28-б.

- даромадларни тегишли бюджетларга ўтказиш;
- ортикча тўланган даромалар суммасини қайтариш;
- бюджет даромадлари ҳисобини юритиш ва бюджет таснифига биноан даромадлар бўйича ҳисоботни тузиш.

**Бюджетнинг харажатлар бўйича ижроси** бюджет харажатларини амалга оширишга рухсат беришни ва молиялаштиришни назарда тутаети. Рухсат бериш қуйидагиларни назарда тутаети:

- давлат бюджетидан амалга ошириладиган бюджет ажратмаларини тасдиқлаш ва етказиш;
- давлат бюджети мажбуриятлари лимитларини тасдиқлаш ва етказиш;
- давлат бюджети мажбуриятларини қабул қилиш;
- давлат бюджетининг тўлов мажбуриятларини тасдиқлаш.

Бюджетни ижро этиш давомида харажатларнинг режалаштирилган ҳажми ўзгариши мумкин, масалан, даромадлар бўйича прогнозлар бажарилмаганда ёки ортиги билан бажарилганда ва бошқа ҳолларда.

Бюджетни ижро этиш молия ёки бюджет йили давомида амалга оширилади. Унинг бошланиши ва муддат чегаралари турли мамлакатларда турличадир, бу кўпинча тарихий анъаналар ва парламент сессияларининг турли даврларда ўтказилиши билан боғлиқ. Масалан, Франция, Германия, Италия, Бельгия, Россия, Қозоғистон, Ўзбекистонда бюджет йили 1 январдан; Япония, Буюк Британия, Канадада – 1 апрелдан; Швеция, Норвегия, Покистонда – 1 июлдан; АҚШда – 1 октябрдан бошланади.<sup>45</sup>

Бюджет жараёнининг муҳим элементи иктисодий жиҳатдан асосланган, тўғри шакллантирилган бюджет кўрсаткичларини; даромадларни жалб этиш микёсини; бюджет ажратмаларининг самарали ва мақсадли ишлатилишини; юридик ва жисмоний шахслар (бюджетга солиқ ва йиғимлар тўловчилар ёки бюджет ажратмаларини олувчилар) томонидан солиқ ва бюджет қонунчилигига риоя қилинишини назорат қилиш ҳисобланади.

Бюджет назорати ҳукуматнинг ваколатли органлари, Ҳисоб палатаси (парламент назорати), молия ва солиқ органлари (маъмурий назорат) томонидан амалга оширилади.

**Давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисоботни тузиш ва унинг Парламент томонидан тасдиқланиши** бюджет жараёнининг охириги босқичи бўлиб, у молия йили тугаганидан сўнг бошланади. Бюджет ижроси тўғрисидаги ҳисобот бўйича бюджет ижроси турли жиҳатларининг таҳлили амалга оширилади.

<sup>45</sup> Қаранг: Финансово-кредитный словарь. – М., 1984. Т.1. – 168-б.

Бюджет ижроси тахлилини амалга ошириш учун маълум бир **методлар ва воситалардан** фойдаланилади.<sup>46</sup>

Бюджет тахлили куйидаги **методлар** билан амалга оширилади:

– **такқослаш** – ҳисобот давридаги бюджет кўрсаткичлари режадаги ёки базис (олдинги йил) кўрсаткичлар билан такқосланади. Зарурат туғилганда, такқослашни таъминлаш мақсадида кўрсаткичларга тузатишлар киритиш амалга оширилади (масалан, инфляциянинг юкори суръатларида, ҳар хил турдаги кўрсаткичлар солиштирилаётганда ва хоказо);

– **гурухлаш** – кўрсаткичлар гурухланади ва жадвалга жамланади, бу тахлилий ҳисоб-китобларни амалга оширишни, маълум бир ҳодисаларнинг ривожланиш тенденцияларини, уларнинг ўзаро алоқаларини ва кўрсаткичларнинг ўзгаришига таъсир этувчи омилларни аниқлаш имконини беради;

– **занжирли ўрин алмаштириш (элиминация)** – ҳисоботдаги маълум бир кўрсаткич базис кўрсаткич билан алмаштирилади, бунда бошқа базис кўрсаткичлар ўзгаришсиз қолади. Бу айрим омилларнинг ялпи бюджет кўрсаткичига таъсирини аниқлаш имконини беради.

Бюджет тахлилининг воситаси сифатида **бюджет коэффициентлари** ишлатилиши мумкин. Улар ҳудуд молиявий кўрсаткичларининг нисбий кўрсаткичлари бўлиб, бюджетнинг бир нечта мутлақ кўрсаткичларининг бошқаларига нисбатини акс эттиради. Бюджет коэффициентларидан турли ҳудудларнинг молиявий ҳолати кўрсаткичларини солиштириш, шунингдек, ҳудудлар молиявий ҳолатининг ривожланиш кўрсаткичларининг динамикаси ва тенденцияларини аниқлаш учун фойдаланилади.

Бюджет тахлили даромадлар ва харажатлар бўйича алоҳида олиб борилади. Бюджет тахлилида куйидаги усуллардан фойдаланилади:

– **горизонтал тахлил**, бунда бюджетнинг жорий кўрсаткичлари ўтган йилдаги кўрсаткичлар билан солиштирилади, шунингдек, режадаги кўрсаткичлар фактик кўрсаткичлар билан солиштирилади;

– **вертикал тахлил**, бунинг натижасида, бюджет таркиби, якуний кўрсаткичда алоҳида бюджет кўрсаткичларининг улуши ва уларнинг умумий натижаларга таъсири аниқланади;

– **тренд тахлили**, бюджет кўрсаткичлари динамикасининг ўзгариш тенденцияларини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Бу тахлил давомида бир неча йил учун режалаштирилган ва ҳисобот кўрсаткичлари солиштирилади. Рет-

<sup>46</sup> Қаранг: Бюджетная система России: учебник для студентов вузов под ред. Г.Б. Поляка – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 679-б.

роспектив таҳлил (ўтмишга назар солиш) асосида келажак учун бюджет кўрсаткичларини прогнозлаштириш мумкин;

– **омилли таҳлил**, айрим омилларнинг бюджет кўрсаткичларига таъсирини аниклаш (масалан, ижтимоий-маданий тадбирларга харажатлар ҳажмига бюджет ташкилотлари контингенти сони, бу ташкилотларнинг фаолият юритиши даври, нархлар даражаси, инфляция индекслари ва бошқа омилларнинг таъсири).

Таҳлилий ишлар олиб борилиши давомида бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмларининг мутлақ кўрсаткичлари, нисбий кўрсаткичлари – бюджет коэффициентларидан фойдаланиш (шахсий даромадлар билан таъминланганлик, шахсий ва бошқарувчи даромадлар нисбати ва бошқалар); бюджет кўрсаткичларининг ривожланиш тенденцияларини, бюджетнинг шаклланиши ва ижроси жараёнига таъсир кўрсатувчи алоҳида омилларнинг сон ва сифат жиҳатларини аниклаш амалга оширилади.<sup>47</sup>

Барча даражалардаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ҳисобга олиш мамлакат миллий валютасида амалга оширилади.

## 2.5. Ўзбекистон Республикасида бюджет жараёни

1. Бюджет фаолиятининг **биринчи босқичи** – бюджет лойиҳасини тузиш ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилаган муддатларда келгуси молия йилига қуйидаги ташкилотларга **бюджет сўрови** юбориш билан бошланади:

- тегишли бюджетлар ва давлат мақсадли жамғармалари лойиҳаларини тайёрлаш учун – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органларга;

- бюджетдан ажратиладиган маблағларни олишга буюртмалар тузиш учун - республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга.

Маҳаллий ҳокимият органлари бюджет сўрови олинганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, ушбу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

<sup>47</sup> Қаранг: Бюджетная система России: учебник для студентов вузов под ред. Г.Б. Поляка – 2-е изд., перераб. и доп. – М.:ЮНИТИ-ДАНА, 2007. – 680-б.



Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органлари маҳаллий ҳокимият органлари қарорлар қабул қилганидан кейин уч кунлик муддат ичида:

- тегишли бюджетлар лойиҳаларини тайёрлаши учун – туман ва шаҳар ҳокимларига;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан бюджет маблағлари олишга буюртмалар тузиш учун – Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчиларга бюджет сўровлари юборади.

Вилоятга бўйсунадиган шаҳарларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳамда шаҳарлар таркибига кирувчи туманларнинг ҳокимлари бюджет сўрови олинганидан кейин уч кунлик муддат ичида тегишли бюджетлар лойиҳаларини тузиш, бу лойиҳаларни тайёрлаш тартибини ва муддатларини белгилаш юзасидан қарорлар қабул қилади.

Туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия органлари уч кунлик муддат ичида туманлар ва шаҳарларнинг бюджетларидан бюджет маблағлари олиш учун асосланган буюртмалар тузиш учун – шу туман ва шаҳар бюджетларидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчиларга бюджет сўровлари юборади.

Бюджетдан ажратиладиган маблағлар олиш учун бериладиган буюртма шакли ва уни тузиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Келгуси молия йилига бюджетдан ажратиладиган маблағлар олишга буюртмалар:


- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан – жорий йилнинг **1 июнидан** кечиктирмай тегишли молия органларига;

- республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар томонидан – жорий йилнинг **1 июлидан** кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади (15-схема).

Келгуси молия йилига тегишли бюджетлар лойиҳалари:

- туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари молия органлари томонидан – маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари белгиллаган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг **25 июнидан** кечиктирмай, юқори молия органларига;

15-схема. Бюджет сўрови ва бюджет буюртмаларини тайёрлаш



- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар томонидан – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда, бироқ жорий йилнинг 1 июлидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлайди, уни жорий йилнинг 15 сентябригача Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига юборади ҳамда Давлат бюджети лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан бирга жорий йилнинг 1 октябригача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети лойиҳасини бюджет маблағлари олувчилар тақдим этган буюртмаларга ва Давлат бюджетининг тузилмасига кирувчи бюджетлар лойиҳаларига мувофиқ тайёрлайди.

**Давлат бюджети даромадлар қисмининг лойиҳаларини тузиш тартиби.** Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармалари томонидан туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимларига, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри Давлат солиқ бошқармаларига даромадлар бўйича ҳисоб-китоблар шаклларини уларни тақдим этиш муддатларини қайд этиб жўнатади.

Туман ва шаҳар ҳокимликларининг молия бўлимлари даромадлар бўйича ҳисоб-китоб шаклларини уларни тақдим этиш муддатларини қайд этиб тегишли туман ва шаҳар солиқ инспекцияларига жўнатади.

Куйи молия органлари тегишли солиқ органлари билан биргаликда тайёрланган буюртмаларни тегишли бюджетларнинг даромадлар қисми лойиҳаларини тузиш учун юқори молия органларига жўнатади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги куйи молия органлари, Давлат Солиқ ва Божхона қўмиталаридан тегишли буюртмаларни олиб, Давлат бюджети лойиҳасига киритиш учун бюджет даромадлари контингенти кўрсаткичлари лойиҳасини тайёрлайди.

Давлат бюджети даромадлари контингенти кўрсаткичлари лойиҳаси ҳам Ўзбекистон Республикаси, ҳам Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри қесимларида тузилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари даромадлари ва харажатларини мувофиқлаштириш (баланслаш) учун умумдавлат солиқларидан тегишли бюджетларга тўловларни бошқариш режаси тузилади.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари даромадлари қисми лойиҳаларини белгилаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети Бош бошқармаси томонидан умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига тўловларни бошқариш режаси тузилади ҳамда унда қуйидагилар белгиланади:

- умумдавлат солиқларидан республика бюджетига, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига тўловларни бошқариш меъёрлари ва суммалари;

- республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига бириктирилган умумдавлат солиқларининг рўйхати ва ҳажми;

- республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларига бириктирилган маҳаллий солиқларнинг рўйхати ва ҳажми.

Бошқариш режасининг мақсади умумдавлат солиқларидан маҳаллий бюджетларга тўловларнинг меъёрлари ва суммаларини, қуйи бюджетлар даромадлари ва харажатларини мувофиқлаштириш (баланслаштириш) учун ажратиладиган дотациялар (субвенциялар) ҳажмини аниқлашдир.

Бошқариш режаси таркибида қуйи ҳудуд бюджети бўлган ҳар бир ҳудуд учун ишлаб чиқилади, кейинги молия йили учун бюджет лойиҳаларини тузиш вақтида ишлаб чиқилади ва молия йили тугаганда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан тегишли кўрсатмалар ёзма равишда етказилганидан сўнг ўз кучини йўқотади.

**Давлат бюджети харажатлар қисмининг лойиҳасини тузиш тартиби.** Бюджет сўровини олган бюджет маблағларини олувчилар уни ўрганиб чиқадилар ва қарамоғида бўлган ташкилотлардан олинган маълумотлар асосида бюджетдан ажратиладиган ажратмаларга буюртма тузадилар.

Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағларини олувчилар бюджет таснифининг тегишли бўлимлари (харажатлар бўлими, боби, параграфи ва моддалари, чорақлар бўйича тақсимланмаган умумий йиллик суммаси) бўйича бюджет маблағларини олишга бюджет буюртмаси тузадилар.

Бюджет ажратмаларини олиш учун буюртмалар бюджет маблағларининг ҳар бир олувчисига, иктисодий таснифининг моддалари қисмида ўтказилаётган

хар бир тадбирга алохида тузилади. Бюджет ажратмаларини олиш учун тузилган индивидуал буюртмалар асосида бюджет ажратмаларининг Бош тасарруфчиси томонидан фаолиятга жалб қилинган хар бир параграф бўйича жамланма буюртма тузилади.

Параграфлар бўйича буюртмалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тегишли молиялаштирувчи бошқармаларига, зарурат бўлганда, бюджет маблағлари хар бир олувчисининг буюртмаси илова қилинган ҳолда тақдим этилади.

Бюджет маблағларини олувчилар томонидан бюджет ажратмаларини олишга тақдим этилган буюртмалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг молиялаштирувчи бошқармалари томонидан, бюджет маблағларини олувчилар вакиллари иштирокида кўриб чиқилади ва текширилади.

Бюджет ажратмаларини олишга буюртмаларни кўриб чиқиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тармоқ бошқармалари кўйидагиларни амалга оширадилар:

- келаси йилга харажатлар ва уларни қоплаш манбалари белгиланишининг тўғрилигини, шунингдек, ҳисоб-китобларда амалдаги нархларнинг қўлланилишини, харажатлар сметасини тузишда моддий ва пул харажатлари меёрларидан фойдаланилишини текширадилар;

- бюджет ажратмаларини олиш бўйича буюртмаларни аниқлайдилар, зарурат тузилганда кўриб чиқиш натижалари билан боғлиқ равишда уларга туза-тишлар киритадилар.

Республика бюджети харажатларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасини шакллантиришга ажратмалар киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига жамланадиган **Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳалари** (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси; Давлат мулк кўмитасининг махсус ҳисоб-рақами; Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси; Ўзбекистон Республикаси бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси).

Давлат мақсадли жамғармаларини идора қилувчи органлар хар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан юбориладиган бюджет сўрови асосида тегишли давлат мақсадли жамғармаларининг кейинги молия йили учун бюджет лойиҳаларини тайёрлайдилар.

Лойиҳаларда кейинги молия йили учун хар бир мақсадли жамғарманинг даромадлар манбалари бўйича тушумлари ва маблағларни сарфлаш йўналишлари акс эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат мақсадли жамғармаларининг идора килувчи органлари билан биргаликда Давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари лойиҳаларини кўриб чиқади, зарур холда тақдим этилган лойиҳаларга аниқлик киритиш ҳақида таклифлар киритади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўзи тузган республика бюджетети лойиҳаси, кўриб чиқилган Қорақалпоғистон Республикаси бюджетлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари, шунингдек, Давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари лойиҳалари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Келгуси молия йилига мўлжалланган **Давлат бюджетети лойиҳаси:**

- бюджет таснифига мувофиқ акс эттириладиган Давлат бюджетети даромадлари ва харажатларини;

- умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар нормативлари, шунингдек мазкур бюджетларнинг даромадлари, шу жумладан, бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари ҳамда харажатлари миқдорларини;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг айланма касса маблағи меъёри миқдорларини;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари захира жамғармаларининг назарда тутилмаган харажатларни қоплашга тегишли бюджет маблағлари йўналтирилиши мумкин бўлган доирадаги миқдорларини;

- Давлат бюджетети тақчиллигининг энг юқори миқдори ва уни молиялаштириш манбаларини;

- давлат ички ва ташқи қарзларининг, давлат томонидан берилладиган кредитлар ҳамда кафолатли жамғарманинг энг юқори миқдорларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакил қилинган вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, шунингдек тегишли ташкилотлар билан биргаликда куйидагиларни ўз ичига олган **бюджетнома лойиҳасини** ишлаб чиқади ва **1 октябр**гача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади:

- 1) мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий яқунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги яқунларининг прогноз баҳоси;

- 2) ўтган йилги Давлат бюджетети ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан ва жорий йилги Давлат бюджетининг кутилаётган ижроси баҳоси;

3) келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тузишда асос бўлган келгуси йилнинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари;

4) мамлакат бюджет ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишлари лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан;

5) мамлакат бюджет ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишларига шарҳлар;

6) давлат ички ва ташқи қарзлари ҳамда улар бўйича харажатлар ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

7) келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан.

Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг **15 октябридан** кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилади.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири амалга оширади<sup>48</sup>.

**2. Бюджет фаолиятининг иккинчи босқичи – бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.**

Бюджетномани кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бюджет ва иктисодий ислохотлар қўмитасида амалга оширилади.

Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади.<sup>49</sup>

Давлат бюджетига мувофиқ:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида туман, шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

- шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетлари – белгиланган муддатларда маҳаллий ҳокимият юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

<sup>48</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 27-моддаси.

<sup>49</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 29-моддаси.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат мақсадли жамғармаларининг идора қилувчи органлари билан биргаликда Давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари лойиҳаларини кўриб чиқади, зарур ҳолда тақдим этилган лойиҳаларга аниқлик киритиш ҳақида таклифлар киритади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ўзи тузган республика бюджети лойиҳаси, кўриб чиқилган Қорақалпоғистон Республикаси бюджетлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари, шунингдек, Давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари лойиҳалари асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Келгуси молия йилига мўлжалланган **Давлат бюджети лойиҳаси:**

- бюджет таснифига мувофиқ акс эттириладиган Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини;

- умумдавлат солиқларидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларига ажратмалар нормативлари, шунингдек мазкур бюджетларнинг даромадлари, шу жумладан, бюджет дотациялари ва бюджет субвенциялари ҳамда харажатлари миқдорларини;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг айланма касса маблағи меъёри миқдорларини;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси захира жамғармасининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари захира жамғармаларининг назарда тутилмаган харажатларни қоплашга тегишли бюджет маблағлари йўналтирилиши мумкин бўлган доирадаги миқдорларини;

- Давлат бюджети тақчиллигининг энг юқори миқдори ва уни молиялаштириш манбаларини;

- давлат ички ва ташқи қарзларининг, давлат томонидан бериладиган кредитлар ҳамда кафолатли жамғарманинг энг юқори миқдорларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вакил қилинган вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, шунингдек тегишли ташкилотлар билан биргаликда қўйидагиларни ўз ичига олган **бюджетнома лойиҳасини** ишлаб чиқади ва **1 октябр**гача Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади:

1) мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўтган йилги асосий яқунлари ва мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йилги яқунларининг прогноз баҳоси;

2) ўтган йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан ва жорий йилги Давлат бюджетининг қўйидагиларни ижроси баҳоси;



3) келгуси йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тузишда асос бўлган келгуси йилнинг асосий макронктисодий кўрсаткичлари;

4) мамлакат бюджет ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишлари лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан;

5) мамлакат бюджет ва солиқ сиёсатининг келгуси йилги асосий йўналишларига шарҳлар;

6) давлат ички ва ташқи қарзлари ҳамда улар бўйича харажатлар ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

7) келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан.

Бюджетнома Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йилнинг **15 октябридан** кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилади.

Келгуси молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳасини тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири амалга оширади<sup>48</sup>.

**2. Бюджет фаолиятининг иккинчи босқичи – бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.**

Бюджетномани кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бюджет ва иктисодий ислохотлар кўмитасида амалга оширилади.

Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан қабул қилинади.<sup>49</sup>

Давлат бюджетига мувофиқ:

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида туман, шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

- шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетлари – белгиланган муддатларда маҳаллий ҳокимият юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

<sup>48</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 27-моддаси.

<sup>49</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 29-моддаси.

### **3. Бюджет фаолиятининг учинчи босқичи – бюджет ижроси ва унинг ижросини назорат қилиш.**

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари эътиборига Қорақалпоғистон Республикаси бюджет-ти, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетлари даромадлари ва харажатлари миқдорини, шунингдек, келгуси молия йили учун уларга республика бюджетидан ажратиладиган бюджет дотациялари ҳамда бюджет субвенциялари миқдорини ва бюджетга оид бошқа кўрсаткичларни – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин уч кунлик муддат ичида;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси эътиборига Давлат бюджети даромадларининг тасдиқланган миқдорини – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида;

- республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар, шунингдек, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар эътиборига улар учун белгиланган даромадлар ва харажатлар миқдорини – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин ўн кунлик муддат ичида етказди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин тегишли молия органлари бир ҳафталик муддат ичида:

- давлат солиқ хизматининг тегишли маҳаллий органлари эътиборига – Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг тасдиқланган миқдорини;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар эътиборига – улар учун белгиланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар миқдорларини етказди.

Бюджет параметрлари тасдиқланганидан сўнг (40 кун ичида) молия органлари бюджет ташкилотларининг тасдиқланган сметалари ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказишни амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетида турадиган ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида; Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларида турадиган ташкилотлар – Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармаларида; туман ва шаҳар бюджетларида турадиган ташкилотлар – туман ва шаҳар молия бўлинмаларида рўйхатдан ўтадилар.

Белгиланган муддатда молия органларида харажатлар сметасини ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказмаган бюджет ташкилотларига молия органлари молиялаштиришни очмайдилар, банк идоралари эса бу ташкилотнинг иш ҳақи ва бошқа харажатлари бўйича маблағларни беришни рўйхатдан ўтилмагунга қадар тўхтатиб қўядилар.

Бюджет ташкилотларининг штат жадвали ва харажатлар сметаларини рўйхатдан ўтказиш тугагунга қадар, шу бюджет ташкилотини молиялаштириладиган бюджет параметрлари қабул қилинган вақтдан 40 кун ичида ўтган молия йилининг охиригача режалаштирилган бюджет ажратмаларининг 1/3 қисмидан ошмаган ҳажмда ташкилот харажатларини молиялаштириш амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари раҳбарлари томонидан тасдиқланган штат жадваллари рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Республика бюджетидан молиялаштириладиган ҳуқуқ-тартибот тузилмалари вазирликлари ва идораларининг штатлари сонини рўйхатдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган шакллар бўйича ҳар бир таркибий бўлинма бўйича алоҳида қабул қилинади.

Намунали штатлар жадвали белгиланган бюджет ташкилотлари ва муассасаларининг штатлар жадвали рўйхатга олиш учун харажатлар сметасида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида тасдиқланган намунали штатлар жадвалига мувофиқ тасдиқланади.

Намунали штатлар жадвалини иш ҳажмларидан келиб чиқиб ушбу бюджет ташкилотларига нисбатан қўллаш имкони бўлмаган ҳолларда рўйхатга олиш учун раҳбар томонидан тасдиқланган штат жадвали қабул қилинади (бу ташкилотларга меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳажми доирасида штатларни тасдиқлаш ҳуқуқи берилган).

Бюджет ташкилотлари ходимларининг маошлари ва тариф ставкалари меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган ЯТСга биноан белгиланади, харажатлар сметасида назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида тасдиқланади ва рўйхатга олиш учун қабул қилинади.

Бюджет ташкилотлари ходимларининг маошларини ва тариф ставкаларини аввалги тасдиқланганга нисбатан ўзгартириш Ҳукуматнинг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги қарорига биноан амалга оширилиши ҳамда белгиланган тартибда ходимларнинг навбатдаги аттестацияси натижаларига биноан ва бюджет ташкилотларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳисобига ва унинг доирасида амалга оширилади. Бу ҳолларда штат жадвали рўйхатдан ўтказилиши шарт

эмас. Барча бошқа ҳолларда ўзгартиришлар киритилса, штат жадвали тегишли молия органида рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Ходимларнинг тарификацияга асосланиб тайинланган иш ҳақи ҳажми меҳнатга ҳақ тўлаш фондига боғлиқдир, яъни бу ходим аттестация натижаларига кўра тегишли малака тоифасига эгаллиги штат жадвалида акс эттирилади ва тарификация рўйхатига биноан меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ҳажмида раҳбар ва бош бухгалтер (бухгалтер) томонидан имзоланган штат жадвалида акс эттирилади.

Ходимларни моддий рағбатлантиришнинг махсус фонди ажратилган меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг 15% ҳажмида рўйхатга олинади.

Стипендия фонди бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасига қўшимча қилинган ҳисоб-китобларга биноан рўйхатга олиш учун қабул қилинади.

“Бошқа харажатлар” гуруҳи бу харажатларнинг шу гуруҳга тааллуқли эканлигини текшириб, тасдиқланган харажатлар сметаси, харажатлар расшифровкаси ва харажатлар сметасига қўшимча қилинган ҳисоб-китобларга биноан рўйхатга олинишга қабул қилинади.

**Давлат бюджети маблағларини сарфлаш.**<sup>50</sup> Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар донрасида молия йили учун тасдиқланган (аниқлаштирилган) харажатлар сметаси асосида тайинлаш сертификатини муайян даврга ва суммага расмийлаштириш орқали, шунингдек бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган рўйхатдан ўтказилган шартномаси асосида:

- республика бюджетидан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ёки унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган ташкилотлар бўйича – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тўланади.

---

<sup>50</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сон буйруғига илова – “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қондалари”; Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш Қондалари. Молия вазирлигининг 2001 йил 29 декабрдаги 130-сон буйруғи, Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1111-сон билан рўйхатга олинган.

Тайинлаш сертификатларини тайёрлаш, расмийлаштириш, бериш, ижро этиш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва барча даражадаги маҳаллий бюджетларнинг ягона ғазна ҳисобварағидаги бюджет маблағлари қолдиқлари тасдиқланган миқдорда айланма касса маблағи меъёри-ни шакллантиришга йўналтирилади.

Юридик шахс мақомига эга бўлган бюджет ташкилоти томонидан тежаб қолинган бюджет маблағлари олиб қўйялмайди ва улар Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармасига ўтказилади, капитал қўйилмаларни молиялаштириш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно. Бюджет ташкилотининг ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар келгуси молия йили учун Давлат бюджети йил бошлангунга қадар қабул қилинмаган бўлса, у ҳолда Давлат бюджети қабул қилингунга қадар бўлган даврда давлат харажатлари қўйидаги шартларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади:

- бошланган молия йилидаги харажатлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда аввалги молия йилининг охириги чорағидаги бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг учдан бир қисмидан ортиқ бўлмаган миқдорларда, уларни бошланган молия йилида амалга оширилиши режалаштирилмаган харажатлар суммасига аниқлаштирилган ҳолда, ҳар ойда амалга оширилади;

- бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари ҳар чораклик ойма-ой бўлинган муваққат харажатлар сметаси ва бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган рўйхатдан ўтказилган шартномаси асосида амалга оширилади;

- аввалги молия йилида қилинмаган бюджет харажатлари амалга оширилмайди;

- аввалги молия йилида амалда бўлган солиқ солиш ва мажбурий тўловлар тўлаш тартиби Давлат бюджети қабул қилингунга қадар ўз кучини йўқотмайди.

Давлат бюджети молия йили бошланганидан кейин қабул қилинган тақдирда харажатларнинг умумий суммаси молия йили мобайнида қабул қилинган Давлат бюджетига мувофиқлаштирилиши керак.

Бюджетдан ажратиладиган маблағларга молия йили мобайнида ўзгартиришлар киритиш бир бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет

маблағларининг камайтирилиши бошқа бюджет маблағлари олувчиси учун бюджет маблағларининг тегишли равишда кўпайтирилишини назарда тутган тартибда:

1) тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг ўн фоизига қадар:

- Давлат бюджетида кўрсатиб ўтилган бюджет маблағлари олувчилар учун - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

- республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тегишли молия органларининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва тегишли ҳокимлар томонидан (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно);

2) тасдиқланган бюджетдан ажратиладиган маблағлар ҳажмининг ўн фоизидан ортиғи:

- Давлат бюджетида кўрсатиб ўтилган бюджет маблағлари олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан;

- республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан белгиладиган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан;

- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар учун – тегишли молия органларининг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда жойлардаги тегишли ҳокимият вакиллик органлари томонидан (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) амалга оширилади.

Бюджет маблағлари олувчининг сўровига биноан молия йили учун унга назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағлар айрим моддалар бўйича (капитал қўйилмалар моддалари бундан мустасно) бошқа моддалар бўйича бюджетдан ажратиладиган маблағлари тенг миқдорда камайтирилган ва мазкур бюджет маблағлари олувчи учун назарда тутилган бюджетдан ажратиладиган маблағларнинг умумий ҳажми сақлаб қолинган ҳолда дастлабки ҳажмининг ўн

беш фойзига қадар кўпайтирилиши мумкин. Бюджетдан ажратилган маблағларга мазкур ўзгартиришлар:

- республика бюджетидан ажратиладиган бюджет маблағларига – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан;
- Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган бюджет маблағларига – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиланган тартибда тегишли молия органлари томонидан киритилади.

**Давлат бюджетини белгиланган параметрлар доирасида ижро этиш.** Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари, агар муайян ҳаракатлари бюджет тақчиллигининг қонуни ҳужжатларида белгиланган энг юқори даражасидан ошиб кетишига олиб келадиган бўлса, Давлат бюджети даромадларини қисқартирувчи ёки ҳаражатларини оширувчи бирон-бир ҳаракат қилишга ҳақли эмаслар.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ҳамда маҳаллий бюджетлар қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида айрим турлар бўйича бюджет даромадларини қисқартиришга олиб келувчи Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг қарори, агар унда бошқа турлар бўйича даромадларни кўпайтириш ва (ёки) бюджет ҳаражатлари тегишли миқдорда қисқартирилиши керак бўлган молдалар назарда тутилган бўлсагина, қабул қилиниши ва амалга киритилиши мумкин.

Агар Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин молия йили мобайнида Давлат бюджетидан олинган бюджет маблағларини кўпайтириш (камайтириш) тўғрисида қарор қабул қилинадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия органлари томонидан тегишли даражадаги бюджетлар ҳажмига ўзгартиришлар киритилади. Ҳаражатларни кўпайтириш ёки уларни қисқартириш бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб қилиш йўли билан амалга оширилади. Бюджетлар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Солиқ ва бюджет тўловлари интизомини мустаҳкамлаш юзасидан қўрилган чора-тадбирлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга тасдиқланган кўрсаткичлардан ташқари тушган кўшимча даромадлар айланма касса маблағи меъёри тасдиқланганидан кам бўлмаган миқдорда сакланиб қолган тақдирда қабул қилинган бюджетдагидан ташқари ҳаражатларга йўналтирилиши мумкин.

**Давлат бюджети даромадлари ва харажатларини бошқариш** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалга оширилади.

Агар йил мобайнида давлат даромадлари анча қисқарган ва Давлат бюджетининг олдиндан белгиланган тақчиллиги конун ҳужжатларида белгиланган чегара миқдоридан ошадиган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг харажатларини алоҳида моддалар бўйича қисқартириш тўғрисида конун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига таклиф киритади.

Турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни тўғрилаш мақсадида молия йили мобайнида уларга тегишли бюджетлардан бюджет ссудалари ажратилиши мумкин. Бюджет ссудаларини беришнинг энг кеч муддати ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Турли даражадаги бюджетларнинг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни молия йили мобайнида айланма касса маблағи меъёри ҳисобига уни молия йили охиригача тасдиқланган ҳажмга қадар тиклаган ҳолда, бюджет маблағларининг фойдаланилмаган қолдиқлари ҳисобига, шунингдек конун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлатнинг қисқа муддатли қимматли қоғозларини чиқариш ҳисобига қоплаш мумкин.

Давлат бюджетининг **касса ижросини ташкил этиш**, шунингдек унинг давлат даромадлари ва харажатларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Давлат бюджетининг касса ижросини таъминлайди. Банклар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг топшириғига биноан Давлат бюджетининг касса ижроси операцияларини бажаради.

Бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлари уларнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида ёки унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган шахсий ҳисобварақларидаги бюджетдан ажратилган маблағлар қолдиқлари доирасида тўлов топширикномалари бўйича амалга оширилади.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларининг ижроси.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларига Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунининг 11-моддасида назарда тутилган тушумлар қиради.



Бюджетга даромадларни тушириш солиқ, божхона органлари ва амалдаги конун ҳужжатларига мувофиқ бунга ваколат берилган бошқа давлат органлари томонидан амалга оширилади.

Ортиқча келиб тушган суммаларни ҳисобга олиш ёки қайтариш Ўзбекистон Республикаси Солиқ ва Божхона кодексларида белгиланган тартибга ва тегишли йўриқномага<sup>51</sup> биноан амалга оширилади.

Республика бюджетига Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси билан белгиланган<sup>52</sup> умумдавлат солиқлари туширилади. Бунда тартибга солувчи умумдавлат солиқлари республика бюджетига ҳар йили тасдиқланадиган меъёрларга мувофиқ чегирилади.

Алоҳида умумдавлат солиқлари тўлик ҳажмда республика бюджетига ёки Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар бюджети, Тошкент шаҳри бюджетига чегирилиши мумкин.

Солиқ тўловчилар томонидан тўланган тартибга солувчи умумдавлат солиқлари суммаси республика бюджетига тегишли банклар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган меъёрлар бўйича ажратилади ва республика бюджетининг асосий ҳисоб-рақамига Ўзбекистон Республикаси Марказий банки белгиланган тартиб бўйича киритилади.

Худудлар бюджетига тартибга солувчи умумдавлат солиқларининг бир қисми, маҳаллий бюджетларга бириктирилган умумдавлат солиқларининг суммаси ҳамда маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ажратилади. Бунда тартибга солувчи умумдавлат солиқлари худудлар бюджетига ҳар йили тасдиқланадиган меъёрларга биноан чегирилади.

Тартибга солувчи солиқларни юқори ҳудудий ҳокимият органлари билан куйи бюджетларга тақсимлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш Қоидалари<sup>53</sup> билан белгиланган.

Бюджет маблағларини олувчилар уларга бюджетдан ажратмалар назарда тутилган бюджет ҳисобига молиялаштириладилар.

Бюджет маблағларини олувчиларни молиялаштиришга ажратмалар бўйсунуш тамойилидан келиб чиқиб тегишли бюджетда назарда тутилади ва тегишли бюджетларнинг (уларга бюджет ижроси жараёнида белгиланган тартибда киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда) даромадлар ва хара-

<sup>51</sup> 2001 йил 19 февралда 1009-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида”ги Йўриқнома.

<sup>52</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги, ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 23-модда.

<sup>53</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш Қоидалари. Молия вазирлигининг 2001 йил 29 декабрдаги 130-сон буйруғи, Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1111-сон билан рўйхатга олинган.

жатлар йиллик рўйхатида назарда тутилган ажратмалар доирасида амалга оширилади.

Давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари конун ҳужжатларига мувофиқ бу жамғармаларни идора этувчи органлар томонидан ижро этилади.

Давлат мақсадли жамғармаларининг идора этувчи органлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тайинлаган тартиб ва муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли жамғармаларнинг ижроси тўғрисида ҳисоботни топширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари республика бюджети ҳамда ҳудудлар бюджетларининг ижроси ҳисобини юритадилар.

Молия органларида бюджет ижросининг бухгалтерия ҳисоби касса даромадлари ва харажатлари бўйича “Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича Йўриқнома”да белгиланган тартибда юритилади.<sup>54</sup>

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, маҳаллий молия органлари республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг ижроси ҳисобини юритадилар.

Молия органларида бюджет ижросининг бухгалтерия ҳисоби касса даромадлари ва харажатлари бўйича “Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича Йўриқнома”да белгиланган тартибда юритилади.

Бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар бўйича харажатлар сметаси ижросининг бухгалтерия ҳисоби бюджет маблағларини олувчилар томонидан “АСБО” дастурий комплексини қўллаш ёрдамида ёки қўлда касса методи бўйича бухгалтерия ҳисобининг тегишли регистрларида ҳисоблаш методи элементларини қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Касса харажатлари – бу ғазначилик бўлинмалари томонидан тегишли ғазначилик ҳисобварақларидан бюджет маблағларини олувчилар номидан ва топшириғига биноан барча ўтказиб берилган (тўланган) суммалар (нақд бўлмаган ва нақд бўлган кўринишда) ёки бюджет маблағларини олувчиларга ваколатли банклар томонидан махсус ғазначилик ҳисоб варақларидан иш ҳақини ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш учун берилган суммалардир.

<sup>54</sup> Йўриқнома Адлия вазирлиги томонидан 2001 йил 7 февралда 1007-сон билан рўйхатга олинган

Тегишли бюджетлар ғазначилик ҳисобварақларидан ўзини ўзи бошқарувчи маҳаллий органлар ҳисобварақларига ижтимоий нафақаларни тўлаш учун ўтказилган сумма касса харажатлари ҳисобланади.

Бюджет маблағларини олувчиларнинг тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган харажатлари фактик харажатлар ҳисобланади. Буларга кредиторлар томонидан тўланмаган қарзлари бўйича, ҳисобланган иш хақи, стипендиялар, нафақалар ва бухгалтерия ҳисобининг бошқа объектлари бўйича харажатлар киради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетларининг касса ижросининг бухгалтерия ҳисобини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа молия органлари Давлат бюджети ижроси назорат қилинишини амалга ошириш чоғида:

- турли даражадаги бюджетлар ижроси якунларини кўриб чиқади;
- турли даражадаги бюджетларга маблағлар тушуми тўғрисида солиқ ва боғхона органларидан, давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлардан ахборотлар олади;
- бюджет маблағлари олувчининг товар етказиб берувчи (иш бажарувчи, хизмат кўрсатувчи) билан тузилган шартномасини, шунингдек буюртмачининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузилган шартномасини рўйхатдан ўтказди;
- товар етказиб берувчининг (иш бажарувчининг, хизмат кўрсатувчининг) бевосита ҳисобварағига бюджет маблағларини олувчилар номидан тўловларни амалга оширади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ банклардан бюджет маблағлари ҳаракати тўғрисида маълумотлар олади;
- бюджет маблағлари олувчиларнинг молия-хўжалик фаолиятини ўз ваколатлари доирасида тафтиш қилади ва текширувдан ўтказди.

Амалдаги қонунчиликка биноан<sup>55</sup> йилнинг январь ойи молия йилига қўшимча вақт даври этиб белгиланган, ушбу давр мобайнида Давлат бюджетининг ўтган йилги ғазна ижроси амалга оширилади.

Қўшимча вақт даврида молия органлари, Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек бюджет ташкилотлари

<sup>55</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарори п.6-1; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 19.07.2007 й. 148-сон Қарори

томонидан ҳисобот йили Давлат бюджетини ижро этиш операциялари амалга оширилади, шу жумладан:

- бюджетлараро ўзаро ҳисоб-китоблар тартибга солинади;
- бюджетдан маблағ олувчиларнинг ўтган йилги кредиторлик қарзлари тўланади;
- тежаб қолинган маблағлар Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаларига ўтказилади;
- Давлат бюджетини ижро этиш юзасидан бошқа операциялар амалга оширилади.

#### **4. Бюджет фаолиятининг тўртинчи босқичи – бюджет ижроси тўғрисида ҳисоботни тузиш ва уни тасдиқлаш.**

Республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шу вазирлик белгилаган муддатларда тақдим этади.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ҳамда маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган бюджет маблағлари олувчилар бюджетдан ажратиладиган маблағлардан ҳисобот даврида фойдаланганлик тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган муддатларда тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган муддатларда тузади ва ушбу ҳисоботни тегишлича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига, Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигига, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар молия органларига тақдим этади.

Туманларнинг, шунингдек, республика (Қорақалпоғистон), вилоят бўйсуновидаги шаҳарларнинг молия органлари шаҳар, туман бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли ҳокимликларга ҳамда юқори молия органларига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгилаган муддатларда тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ойда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этади.

Давлат солиқ хизматининг жойлардаги солиқ органлари солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг Давлат бюджетига ҳисобот давридаги тушумлари тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ойда тегишли молия органларига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этади.

Давлат мақсадли жамғармаларини тақсимловчи органлар ҳисобот даврида давлат мақсадли жамғармаларига маблағлар тушуми ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига шу вазирлик белгилagan муддатларда тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг **1 апрелигача** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасига у ташқи аудит ва баҳолаш ўтказиши учун ҳисобот йилидан кейинги йилнинг **5 апрелигача** юборади.


Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботга доир хулосасини ҳисобот йилидан кейинги йилнинг **10 майдан** кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг тегишли хулосаси билан бирга ҳисобот йилидан кейинги йилнинг **15 майдан** кечиктирмай, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига тақдим этади.

Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва тегишли маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан кўриб чиқилади ва тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикасида бюджет фаолияти босқичлари 16-схемада кўрсатилган.

## 16-схема. Ўзбекистон Республикасида бюджет фаолияти босқичлари



### Назорат саволлари

1. Бюджет тизимини бошқариш соҳасида вакиллик ҳокимияти органларининг ваколатлари ҳақида гапириб беринг.
2. Бюджет тизимининг бошқариш соҳасида ижроия ҳокимияти органларининг ваколатлари ҳақида гапириб беринг.
3. Бюджет таснифи деганда нима тушунилади?
4. Бюджетни таснифлаш (бюджет даромадлари ва харажатларини гуруҳлаш) зарурияти нима билан белгиланишини тушунтириб беринг.
5. Бюджет даромадларининг бюджет таснифи нимани ақс эттиради?
6. Харажатларининг бюджет таснифи турларини айтиб беринг ва уларнинг мазмунини тушунтиринг.
7. Бюджетни прогноزلаштириш деганда нима тушунилади?

8. Бюджетни режалаштириш деганда нима тушунилади?
9. Бюджетни прогнозлаштириш турларига тавсиф беринг.
10. Бюджетни режалаштириш турларига тавсиф беринг.
11. Бюджетни прогнозлаштириш методларини ёритиб беринг.
12. Бюджет харажатларини режалаштириш методларини ёритиб беринг.
13. Бюджет жараёни вазифаларини санаб ўтинг.
14. Бюджет жараёни иштирокчиларини айтиб беринг.
15. Бюджет жараёнининг биринчи босқичи жараёнларини тавсифлаб беринг.
16. Давлат бюджети даромадлар қисми лойиҳаларини тузиш тартибини ёритиб беринг.
17. Давлат бюджети харажатлар қисми лойиҳаларини тузиш тартибини ёритиб беринг.
18. Бюджет жараёнининг иккинчи босқичи жараёнлари – бюджетни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш жараёнига тавсиф беринг.
19. Бюджетнома қайси ҳужжатлардан ташкил топади?
20. Кейинги молия йили бошида бюджет қабул қилинмаган ҳолда бюджет ижроси тартибини тушунтириб беринг.
21. Бюджет ижроси жараёнларига тавсиф беринг.
22. Бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш тартибини ёритиб беринг.
23. Бюджет ижросининг касса методини ёритиб беринг.
24. Бюджет ижросининг газначилик ва банк тизимларини солиштиринг.
25. Дастлабки, жорий ва якуний бюджет назоратини ташкил этиш тартибини ёритиб беринг.
26. Бюджет жараёнининг тўртинчи босқичи жараёнларига тавсиф беринг.

### Адабиётлар

#### Асосий адабиётлар

1. Государственный бюджет: Учебник /А.В. Вахабов, З.Х. Срождиддинова. 2-е изд., перераб. и доп. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.
2. Бюджетная система России: учебник для студентов вузов под ред. Г.Б. Поляка – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007.
3. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник / О.В. Врублевская и др.; - 3 изд., испр. и перераб. – М.: Юрайт-Издат, 2003.
4. Казначейская система исполнения бюджета в Российской Федерации: Учеб. пособие / Акперов И.Г. и др. – М.: Финансы и статистика, 2003.

5. Ковалевский А., Сучкова А. Программно-целевое бюджетирование как метод повышения результативности бюджетных расходов // Сборник статей «Развитие бюджетного федерализма: международный опыт и российская практика» / Общая ред. Мигара Де Сильва. – М.: Издательство «Весь мир», 2006.

#### **Кўшимча адабиётлар**

6. <http://www.adb.org/Documents/RRPs/UZB/41041-UZB-RRP.pdf> - Стратегия реформы управления государственными финансами.

7. Финансово кредитный словарь. – М., 1984. Т.1.

#### **Норматив ҳужжатлар**

8. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

9. “Бюджет тизими тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-II-сон Қонуни.

10. “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги 154-I-сон Қонуни.

11. “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августдаги 664-II-сон Қонуни.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон Қарори.

13. Давлат бюджети харажатларининг иктисодий таснифи (2008 йил 26 декабрда қабул қилинган). Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 26 декабрдаги буйруғи билан янги тахрирда тасдиқланган (буйруққа 1-илова) ва 2009 йил 1 январдан эътиборан қучга кирган.

14. Даромадлар таснифи, харажатларнинг функционал ва иктисодий таснифлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даражалари ҳамда маблағлар манбаларининг таснифлари. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2008 йил 16 майдаги 80-сон буйруғи.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш Қоидалари. Молия вазирлигининг 2001 йил 29 декабрдаги 130-сон буйруғи, Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1111-сон билан рўйхатга олинган.

16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2009 йил 16 сентябрда 2007-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2009 йил 4 августдаги 69-сон буйруғига илова – “Давлат бюджетининг ғазна ижроси Қоидалари”.



17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон Қарори.

18. 2001 йил 19 февралда 1009-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг касса ижроси тўғрисида”ги йўриқнома.

19. “Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ижросининг молия органларида бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқнома”. 2001 йил 17 февралда 1007-сон билан рўйхатга олинган.

### **1-илова. Давлат молияси статистикаси методологияси ва унинг бюджет таснифи билан боғлиқлиги**<sup>56</sup>

Давлат молияси статистикаси (ДМС) халқаро стандартлари яратилишига асос бўлган методология халқаро амалиётда макроиқтисодий ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун қўлланиладиган миллий счётлар тизими (МСТ) асосида ишлаб чиқилган. Миллий счётлар тизими бўйича мамлакат иқтисодиёти олти институционал секторга бўлинади:

- 1) номолиявий корхоналар;
- 2) молиявий муассасалар;
- 3) умумий давлат бошқаруви;
- 4) уй хўжалигига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлари;
- 5) уй хўжалиги;
- 6) қолган соҳалар.

Иқтисодиётни бундай тақсимлаш замирида ҳар бир сектор томонидан ДМС методологияси принципларини белгилайдиган муҳим функцияларни бажариш ётади.

Давлат молиясининг халқаро статистикаси умумий давлат бошқаруви сектори операцияларини камраб олади. Умумий давлат бошқаруви секторига бюджетдан молиялаштириладиган ва умумий бошқарув, молиявий фаолият, иқтисодиётни бошқариш ва режалаштириш, илмий-тадқиқот фаолияти, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, муҳофаа, шунингдек таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ижтимоий таъминот ва бошқа соҳаларда аҳолига текин ва имтиёзли хизмат кўрсатадиган давлат муассасалари ва ташкилотлари киради.<sup>57</sup> МСТга асосан юқорида қайд этилган секторнинг асосий функцияси нобозор товарларини ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳамда

<sup>56</sup> Қаранг: Бюджетная система Российской Федерации: Учебник / О.В.Врублевская и др.; - 3 изд., испр. и перераб. - М.: Юрайт-Издат, 2003. - 100-107-б.

<sup>57</sup> Қаранг: Статистика финансов / Под ред. В.Н. Салина. - М., 2000. - 207-б.

трансфертлар ёрдамида даромадларни қайта тақсимлаш орқали давлат сиёсати-  
ни амалга оширишдир.

ДМСнинг асосий вазифаси давлат бошқаруви сектори кўрсаткичларини гуруҳлаш, ҳукумат ва бошқарув органларининг харажатлар, кредитлар ва мав-  
жуд молиявий ресурслардан заём ёки жамғарма маблағларни жалб қилмасдан  
уларнинг эҳтиёжларини аниқлаш учун таҳлилий базасини яратишдир.  
ДМСнинг асосий изланиш объектлари мамлакат бюджет тизимининг барча да-  
ражадаги бюджетлари ҳисобланади.

Давлат бошқаруви секторининг барча операцияларини гуруҳларга  
тақсимлаш мезонлари ушбу операцияларнинг табиатидан келиб чиқади.


Давлат бошқаруви сектори томонидан амалга оширилувчи барча опера-  
цияларни қайтариллиш ёки қайтарилмаслик шартлари асосида амалга ошири-  
лувчи тушумлар ёки тўловларга киритиш мумкин (17-схема).

Жорий ва капитал, шунингдек, пуллик ва бепул операциялар  
қайтарилмайдиган операциялар ҳисобланади. Операция натижасида молиявий  
талаблар вужудга келса ёки мажбурият бўйича қарз қопланса, яъни чегаралан-  
ган қопланиш муддатига эга шартнома мажбуриятлари кўринишидаги тесқари  
оқим бўлса, операциялар қайтарилмайдиган деб ҳисобланади. Қайтарилмайдиган  
операцияларда бундай оқим пайдо бўлмайди. Қайтарилмайдиган операциялар  
пуллик ёки бепул бўлиши мумкин. Пуллик операцияларни амалга ошириш у  
ихтиёрий (совға, тортиқ қилиш) ёки мажбурий (солиқлар) бўлишидан катъий  
назар, эвазига ҳар қандай шаклдаги эквивалентни олишни назарда тутмайди.

Операцияларнинг мақсадли йўналишлари жорий фаолиятдан ташқари яна  
капитал харажатлар билан боғлиқдир. Капитал билан боғлиқ операцияларга  
фойдали ишлатилиш муддати бир йилдан ошмиқ бўлган (ер, номоддий активлар)  
молиявий активларни сотиб олиш, яратиш ёки сотиш билан боғлиқ тушумлар  
(тўловлар) қиради. Капитал билан боғлиқ операциялар бепул тўлов ҳисобланиб,  
улар қуйидаги турларга бўлинади:

- капиталнинг расмий трансфертлари (агар улар давлат манбаларидан  
амалга оширилса);
- капитал трансфертлари (агар улар нодавлат манбаларидан амалга оши-  
рилса).

## 17-схема. Давлат молияси статистикасида молиявий операциялар таснифи



Юқорида қайд этилган барча операциялар давлат молиявий активларининг ўзгаришига таъсир кўрсатувчи молиявий оқимларни ўзида мужассамлаштиради. Кўпинча операцияда икки оқим жалб қилинган бўлади: биринчиси тушумлар кўринишидаги кирувчи оқим бўлиб, давлатнинг молиявий активларини оширади, иккинчиси тўловлар кўринишидаги чиқувчи оқим бўлиб, у молиявий активларни камайтиради. ДМС халқаро стандартларига мувофиқ давлат бошқарув органларининг иқтисодийнинг бошқа секторлари билан амалга оширадиган операциялари натижасида юзага келадиган молиявий оқимларнинг ҳисоби касса асосида амалга оширилади.

Давлат бошқаруви сектори операцияларининг келтирилган тавсифларига мувофиқ бешта, ДМСда муҳим ҳисобланган агрегатлашган кўрсаткичларни ажратиш мумкин.

1. **Даромадлар** – бюджетга тушувчи барча мажбурий қайтарилмайдиган тўловлар.

2. **Олинган трансфертлар** – бепул, қайтарилмайдиган, ихтиёрий асосдаги тушумлар.

3. **Харажатлар** – барча қайтарилмайдиган тўловлар (улар таркибига бошқа давлат бошқарув органларига тўловлар киради).

4. **Қошмаш суммасини чегириб ташлаб кредитлаш** (соф кредитлаш) – давлат сиеъатини ўтказиш мақсадида давлат бошқаруви секторининг иктисодиётнинг бошқа секторларига нисбатан молиявий талабларни сотиб олиш операциялари (тўланган кредитлар суммасини чегириб ташлаб тақдим этилган ссудалар ва сотиб олинган акциялар, акцияларни сотишдан тушган ёки ўз капиталини қайтаришдан тушган маблағлар).

5. **Молиялаштириш** – ликвидликни бошқариш, шунингдек, мажбуриятларни қоплаш ёки молиявий буюртмаларни сотиш мақсадида давлат бошқаруви секторининг иктисодиётнинг бошқа секторларига нисбатан молиявий мажбуриятларни қабул қилиш операциялари. Молиялаштиришга давлатнинг ликвидли молиявий маблағлари соф ўзгариши ҳам киради.

Ҳар бир агрегатлашган кўрсаткични батафсил кўриб чиқамиз.

ДМС стандартига биноан бюджет даромадлари жорий ва капитал турларига бўлинади. Жорий даромадларга барча солиқ ва солиқсиз даромадлар киради. Солиқли тушумлар тегишли солиқ базаси характери бўйича ёки солиқ мажбуриятларининг вужудга келиш манбаси сифатида таснифланади. Солиқсиз даромадлар, ўз навбатида, барча қайтарилмайдиган пуллик тушумларни (мулкдан олинган даромад, маъмурий жарималар ва тўловлар ва бошқалар), шунингдек баъзи қайтарилмайдиган бепул тушумларни (масалан, ундирилиши солиқ қонунчилиги билан белгиланмаган жарималарни) ўзида мужассамлаштиради.

Халқаро валюта жамғармасининг тавсияларига мувофиқ расмий трансфертлар бюджет тақчиллигини қисқартирувчи даромадлар таркибидаги алоҳида операция сифатида ажратилган. Расмий трансфертга бепул, қайтарилмайдиган ихтиёрий асосдаги тушумлар (масалан, субвенциялар ва совғалар) киради.

Капитал даромадларга капитал активлар (асосий фондлар, ерлар, давлат захиралари)ни сотишдан тушган даромадлар, шунингдек, нодавлат манбалардан капитал трансфертлари киради, яъни бепул, қайтарилмайдиган, мажбурий бўлмаган (бир мартали) тўловлар (масалан, бюджет ташкилотлари учун биноларни қуришга ва усқуналарни сотиб олишга) тушуми.

Давлат молиясининг халқаро статистикасига мувофиқ давлат бошқаруви сектори харажатлари икки мезон бўйича таснифланади:

- 1) уларнинг функционал мақсадига кўра;
- 2) операцияларнинг иктисодий тавсифига кўра.

Бюджет таснифи – қарор қабул қилиш тизимининг муҳим воситаси бўлганлиги сабабли, унда давлатнинг асосий функцияларидан келиб чиқадиган

давлат фаолиятининг мақсадли йўналишлари аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Бу вазифани давлатнинг асосий функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларнинг функционал таркиби ечади. Умумлашган ҳолда бу функциялар барча мамлакатлар учун ўзгармас ва характерли бўлиб, улар қаторига қуйидагилар киради:

- давлат бошқаруви;
- ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш;
- халқаро фаолият;
- илмий-техника тараққиётига қўмаклашув;
- ижтимоий ривожланиш.

Иктисодий гуруҳлаш харажатларни предметли белги асосида муфассал тақсимлаш имконини беради (иш хақи, аҳолига трансфертлар ва хоказолар) ва барча олувчиларга бюджет ижроси нуқтаи назаридан ягона ёндашув имкониятини яратади.

Иктисодий тасниф уч асосий категориядан ташкил топган:

– жорий харажатлар, капитал активларни сотиб олиш ва яратиш, молиявий капитални кўпайтириш, ушбу тўловларни олувчилар учун капитал активларининг емирилишидан келиб чиққан йўқотишларни компенсациялаш билан боғлиқ бўлмаган пуллик ва бепул тўловлар;

– капитал харажатлар, ўзида асосий капитал, стратегик ёки фавқулодда захираларни, ерларни, номоддий активларни сотиб олиш харажатларини, асосий капитални сотиб олишга сарфланадиган пулсиз тўловларни, асосий капиталнинг емирилиши ёки бузилиши билан боғлиқ йўқотишларни компенсациялашни намоён этади;

– кредитлаш минус қарзни қоплаш (соф кредитлаш), ўзида давлат бошқарув органларининг операцияларини мужассамлаштириб, иктисодийнинг бошқа секторларига нисбатан молиявий буюртмалар вужудга келиши ёки давлат сиёсатини олиб бориш мақсадида корхоналар капиталида улуш билан қатнашишни назарда тутади. Бу операциялар дебитор типи бўйича гуруҳланади, яъни ички қарздор ва қарздор-норезидент типи бўйича. Бу кўрсаткич ДМСда бюджет тақчиллиги ҳажмини белгилайдиган омил сифатида қаралади.

Давлат бюджетининг молиявий ресурсларни тақсимланиш жараёнига манзилли тус бериш учун, ДМСда бюджет харажатларини идоравий хусусиятларидан келиб чиқиб гуруҳлаш назарда тутилади. Бу эса ўз навбатида, маблағларни уларнинг аниқ тақсимловчилари бўйича тақсимланишини ақс эттириш имконини беради. Харажатларни функционал, идоравий ва иктисодий

гурухлаш харажатларнинг бир таснифидан бошқасига ўтиш имконини бериш учун ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлиши керак.

Давлат молиялаштириши давлат бошқаруви сектори томонидан бошқа тарафга ва аксинча, ҳаракат қилувчи тўловларнинг барча оқимларини қамраб олади ва натижада молиявий буюртмалар вужудга келади ёки қопланади. Молиялаштиришга ликвидликни бошқариш билан боғлиқ давлат захираларининг ҳар қандай ўзгариши ҳам киради. Молиялаштириш операцияларининг турли шакллари бўйича маълумотлар шундай ташкил қилинадикки, давлат молиялаштиришининг иктисодиётга таъсирини баҳолаш имкони бўлсин. Бунинг учун давлат молиялаштириши ва давлат ликвидлигини бошқариш билан боғлиқ операциялар кредитор ёки қарз мажбурияти эгаси типи бўйича ёки қарз мажбурияти типи бўйича таснифланади. Шу икки тасниф доирасида ички ва ташқи молиялаштириш ўртасидаги фарқ аниқланади.

ДМСнинг халқаро стандартларига мувофиқ, қарз олиш давлат бошқаруви секторининг даромадларига кирмайди, балки бюджет тақчиллигини молиялаштириш манбаси сифатида кўрилади. Тақчилликни қуйидагича аниқлаш мумкин: даромадлар ва олинган трансфертлар суммаси минус харажатлар ва кредитлаш суммаси минус қарзни қоплаш. Мажбуриятларнинг ўзгариши ва қарз суммасининг ўзгариши бюджет харажатларини молиялаштириш натижаси ҳисобланади.

Юқорида қайд этилган операциялардан фарқли ўлароқ, давлат қарзи давлат бошқаруви секторининг аввал ва келажакда қопланиши режалаштирилаётган операциялар натижасида жамғарилган молиявий мажбуриятларнинг ҳажми сифатида қаралиши мумкин.

Мажбуриятлар келажакда давлат бошқаруви секторининг операциялари ёрдамида қопланиши ёки муддатсиз қарз сифатида қайта расмийлаштирилиши керак. Давлат қарзига хизмат кўрсатиш фоизларни тўлаш ва (ёки) қарзнинг асосий суммасини қоплаш орқали бажарилади. Давлат қарзи таркибида фақат фоизи тўланадиган муддатсиз мажбуриятлар ҳамда қарзнинг асосий суммасини тўлаш бўйича талаблар амал қилса, ҳар қандай фоизсиз мажбуриятлар акс этиши зарур. Давлат қарзи қарз мажбуриятларининг эгалари типлари бўйича ички ва ташқи қарз мажбуриятларига тақсимланади. Қўшимча равишда қопланмаган қарз таснифидан фойдаланилиши мумкин, у кредитор ва қарз мажбурияти типидан келажакда ички ва ташқи давлат қарзига тақсимлаш йўли билан келтириб чиқарилади.

Шундай қилиб, давлат молиясининг халқаро статистикаси давлат бошқаруви сектори операцияларини гурухлаш усуллари ва методлари, шунингдек халқаро стандарт сифатида қабул қилинган, унинг фаолиятини акс эттирув-

чи кўрсаткичлар мажмуини намоён этади. Бюджет таснифини ДМС методологияси бўйича тузиш бюджет маблағларининг шаклланиши ва фойдаланилишида юз берадиган оммавий жараёнларнинг сон ва сифат қонуниятларини ўрганиш таҳлилий базасини таъминлаш имконини беради.

## 2-илова. Янги бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқнома лойиҳаси

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан янги бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқнома лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, унга биноан ушбу иловада бюджет таснифининг схемалари ва уларнинг қисқача мазмуни келтирилган.

**Давлат бюджетининг даромадлари таснифи** – қонун ҳужжатларига мувофиқ<sup>58</sup> уларни турлари ва манбалари бўйича гуруҳлашдан иборат бўлади, барча даражадаги бюджетлар даромадлари, давлат мақсадли жамғармалари ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари даромадларини гуруҳлашдан иборат. Давлат бюджети даромадлари таснифининг тузилиши қуйидаги кўринишда бўлади:

Бюджет маблағлари ва даражалари манбаларининг таснифи				Даромадлар таснифи			Ташкилий тасниф	Худудий тасниф		
Х	XXX	Х	Х	Х	XXX	XXX	XX	XX	XXX	
1	2 3 4	5	6	7	8 9 10	11 12 13	14 15	16 17	18 19 20	

1. Бюджет маблағлари манбалари ва даражалари таснифи (1-6 кодлар)дан бюджетга тушаётган даромадларнинг тегишли манбалар ва даражаларга мансублигини аниқлаш мақсадида фойдаланилади (тегишли бюджет даражаси, давлат мақсадли жамғармаси тури ва бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари даромадлари тури).

2. Даромадлар таснифи (даромадларнинг 7-13 кодлари) қуйидаги гуруҳлардан ташкил топган:

- бўлим;
- параграф;
- даромад турлари.

<sup>58</sup> "Бюджет тизими тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддаси.

Бўлим даромадларнинг манбалари бўйича гуруҳлашни кўзда тутати (солиқлар, ижтимоий эҳтиёжларга бадал ва ажратмалар, грантлар, актив ва мажбуриятларга транзакциялар бўйича бошқа даромадлар).

Параграфларда даромадлар солиқ солиш базаси бўйича гуруҳланади.

Бўлим	Параграф	Тур	Даромадлар номи
3	100	000	<b>Солиқлар</b>
3	110	000	даромад, фойда ва капиталнинг ўсишидан солиқлар
3	130	000	мулк солиғи
3	140	000	товар ва хизматларга солиқ
3	150	000	халқаро савдо операциялари бўйича солиқлар
3	160	000	бошқа солиқлар
3	200	000	<b>Ижтимоий эҳтиёжларга бадал ва ажратмалар</b>
3	210	000	ижтимоий таъминотга бадаллар
3	220	000	ижтимоий эҳтиёжларга бошқа бадал ва ажратмалар
3	300	000	<b>Грантлар</b>
3	310	000	хорижий давлатлар, ҳукуматлардан
3	320	000	халқаро ташкилотлардан
3	330	000	давлат бошқаруви секторининг бошқа бирликларидан
3	400	000	<b>Бошқа даромадлар</b>
3	410	000	мулкдан даромад
3	420	000	товарларни сотишдан
3	430	000	жарима, пеня ва неустойка
3	440	000	ихтиёрий трансфертлардан, грантлардан ташқари
3	450	000	бошқа даромадлар
3	500	000	<b>Актив ва мажбуриятларга транзакциялар бўйича даромадлар</b>
3	510	000	активларга транзакциялар бўйича тушумлар
3	520	000	мажбуриятларга транзакциялар бўйича тушумлар

Даромадлар тури уларни ҳар бир даромад тури бўйича гуруҳлашни назарда тутати.



Бўлим	Параграф	Тур	Даромадлар номи
3	110	000	<b>Даромад, фойда ва капиталнинг кўшимча ўсмишга солиқ</b>
			Дивиденд ва фойз кўринишида олинган юридик шахсларнинг фойдаси ва даромадларига солиқлар
			Жисмоний шахсларнинг даромадига солиқ
			Ягона солиқ тўловига Давлат бюджетидан ажратмалар
			Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга солиқ
			Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг даромадларига солиқ

**Ташкилий тасниф** (14-15 кодлар) бюджетга тушаётган маблағларнинг уларни бевосита бошқарувчи ташкилотларга тегишли эканлигини аниқлашдан иборат (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси, Давлат божхона кўмитаси, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва бошқалар).

Куйи бюджетларга дотация, субвенция, бюджет ссудалари ва маблағлари ўтказилганда, ўзаро ҳисоб-китоблар бўйича юқори (куйи) бюджетнинг куйи (юқори) бюджет олдидаги қарзини қайтаришида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бириктирилган коддан фойдаланилади.

**Худудий тасниф** (16-20 кодлар) тушаётган даромадларнинг қайси худудда ва унинг худудий-маъмурий бирликларида (туман, шаҳар) шаклланаётганини (тегишли эканлигини) аниқлаш мақсадида фойдаланилади.

Давлат бюджети харажатларининг **функционал таснифи** (2009 йил 10 сентябргача бўлган ҳолатга кўра) давлат бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан бажариладиган асосий функциялар бўйича гуруҳлашни назарда тутди.

Давлат бюджети харажатларининг **функционал таснифи** барча даражадаги бюджетлар харажатларини гуруҳлаб, бюджет ҳамда бюджетдан ташқари мақсадли фондлар маблағларини давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари бажарадиган асосий вазифалар ва ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш йўналишларини акс эттиради. Функционал тасниф давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг иқтисодий ва ижтимоий функцияларни бажаришини халқаро тасниф тизимлари кўрсаткичлари билан такқослашда ҳам фойдаланилади.

Функционал тасниф 2 даражадан иборат: бўлимлар ва кичик бўлимлар.

**Бўлимлар** давлатнинг асосий функцияларини бажариш бўйича молиявий ресурсларнинг йўналишларини ифодалайди. Функционал тасниф 11 бўлимдан ташкил топган.

**Кичик бўлимлар** – функционал тасниф бўлимлари доирасида бюджет маблағлари давлат функцияларини бажаришининг аниқ йўналишларини кўрсатади. Функционал таснифнинг кичик бўлимлари тузилиши давлатнинг асосий функцияларини муфассаллаштириш принципига асосланган.

Функционал тасниф 84 кичик бўлимдан ташкил топган.

	Харажатлар бўлими	Харажатлар кичик бўлими
X	XXX	XXX
1	2 3 4	5 6 7

Функционал таснифнинг коди 7 белгидан иборат бўлиб, 3 белги – бўлим, 3 белги эса – кичик бўлимни билдиради.

Функционал таснифнинг бўлимлари ва кичик бўлимлари биргаликда функционал таснифни ташкил қилади ва барча даражадаги бюджетларни тузиш, тасдиқлаш ва ижро этишда фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг барча бюджетлари харажатларини функционал таснифнинг тегишли бўлими ва кичик бўлимларига кiritиш қоидалари.

бўлим	кичик бўлим	Харажат тури	Изоҳ
011	000	Ижро этувчи ва қонун чиқарувчи органлар, бюджет-молия масалалари, халқаро муносабатлар	Функционал таснифнинг мазкур бўлимида давлатнинг қонун чиқарувчи органлари, ижро этувчи давлат органлари, бюджет-молия, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, адлия органлари, Захира фондлари ва бошқа умумдавлат бошқаруви органлари фаолият юритиши учун сарфланадиган харажатлар ифодаланади.
011	100	давлат қонун чиқарувчи органларининг фаолият юритиши	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгазининг саклаш харажатлари ва халқ депутатлари фаолият юритиши ва Сессияларини

			ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ҳамда ҳукуматнинг бошқа қонун чиқарувчи органларининг фаолият юритиши билан боғлиқ харажатлар
011	200	давлат ижро этувчи органларининг фаолият юритиши	Ўзбекистон Республикаси Президент-и Девони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий ҳокимликлар, ҳокимликларнинг бўлим ва бошқармаларини сақлаш харажатлари ҳамда бошқа тоифаларга кирмайдиган ҳукуматнинг бошқа ижро этувчи органлари фаолият юритиши билан боғлиқ харажатлар
011	300	бюджет-молия масалалари	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Иқтисодиёт вазирлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Давлат солиқ қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари, Давлат божхона қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш харажатлари, Давлат мулк қўмитасининг махсус ҳисоб варағи харажатлари ҳамда бошқа тоифаларга кирмайдиган бюджет-молия масалалари бўйича харажатлар акс эттирилади
011	400	маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари	шаҳар, қишлоқ ва овул маҳалла фуқаролари йиғинлари Кенгаш Девонини ҳамда “Маҳалла посбони” гуруҳлари раҳбарларини сақлаш харажатлари акс эттирилади
011	900	бошқа умумдавлат бошқарувчи органлари	давлат захирасини, озиқ-овқат маҳсулотлари захираларини яратиш харажатлари акс эттирилади
012	000	Халқаро фаолият	Мазкур бўлимда халқаро муносабатлар, ривожланаётган ва ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига иқтисодий ёрдам, халқаро ташкилотлар томонидан кўрсатиладиган иқтисодий ёрдам ва бошқа тоифаларга кирмайдиган халқаро фаолиятнинг бошқа масалалари бўйича харажатлар ифодаланади.

012	100	халқаро муносабатлар	Ташқи ишлар вазирлиги, “Ўзинфоинвест” хорижий инвестиция ахборот билан таъминлаш ва кўмаклашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатлари, шу жумладан, МДХдаги ваколатхона- лари, консуллик бўлимлари, агент- ликлари ва бошқа дипломатик муас- сасаларини сақлаш харажатлари ҳамда халқаро ташкилотларга аъзолик бадаллари тўлаш бўйича харажатлар акс эттирилади.
012	200	ривожланаётган ва ўтиш иқтисодий мамлакатла- рига иқтисодий ёрдам	Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг чет эл давлатларига бе- радиган кредитлари ва бегараз ёрдам- лари билан боғлиқ харажатлар акс эт- тирилади
012	300	маданият, фан ва ахборот технологиялар соҳасидаги халқаро алоқалар	харажатлар акс эттирилади
012	400	бошқа давлатларга иқтисодий ва гуманитар ёрдам	Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг чет эл давлатларига бе- радиган кредитлари ва бегараз ёрдам- лари билан боғлиқ харажатлар акс эт- тирилади
012	900	бошқа тоифаларга кир- майдиган халқаро фаоли- ятнинг бошқа масалалари	бошқа тоифаларга кирмайдиган халқаро фаолият билан боғлиқ хара- жатлар акс эттирилади
017	000	<b>Давлат қарзи билан боғлиқ операциялар</b>	Ушбу бўлим бўйича давлатнинг ички ва ташқи қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари акс эттирилади
017	100	давлат ички қарзига хиз- мат кўрсатиш	қуйидаги харажатлар акс эттирилади: банкларга кредит ва ички қарзга хизмат кўрсатиш эвазига фоиз тўлаш, ички заёмга хизмат кўрсатиш бўйича банкларга воситачилик хақи тўлаш, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилда чиқарилган 12 фоизли ички ютукли заёми, 1982 йилдаги давлатнинг ички ютукли заёми, Давлатнинг фоизсиз мақсадли заёми ва 1990 йилдаги газначилик мажбуриятлари, корхоналар, ташкilotлар ва аҳоли ўртасида жойлаштирилган 1990 йилги ўзбек заёми, аҳоли ўртасида

			<p>жойлаштириладиган давлатнинг мақсадли фондсиз заёмлари, давлат, кооператив ва бошқа жамоа корхоналари ва ташкилотлари ва кредит муассасалари ўртасида жойлаштириладиган давлатнинг 1990 йилги 5 фоизли ички заёми, давлат киска муддатли облигациялари, давлат узок муддатли облигациялари, ссудалар бўйича тўловлар (харажатлар), шунингдек, бошқа тоифага киритилмаган давлатнинг ички қарзига хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар.</p>
017	200	давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш	<p>қуйидаги харажатлар ақс эттирилади: Республика Ҳукумати томонидан хорижий давлатлар Ҳукуматларидан олинган кредитлар, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан хорижий банклардан олинган узок муддатли кредитлар, импорт режаси ҳисобига товарларнинг аванс харидлари ва тўловлар ҳамда тушумлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан берилган кредитлар бўйича фоизларни қоплаш, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан алоҳида операциялар бўйича маблағларни жалб қилиш бўйича фоизларни тўлаш.</p>

3. Давлат бюджети харажатларининг ташкилий функционал таснифи (2009 йил 10 сентябргача бўлган ҳолатга кўра) бюджет ташкилотларининг турлари, хўжалик субъектлари ва бюджет ажратмалари уларнинг бевосита олувчилари ўртасида тақсимланишини ақс эттирувчи тадбирлар бўйича гуруҳлашдир. Бу тасниф боб кодларига (бюджет маблағларининг бош тақсимловчиси: вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, корпорациялар, агентликлар ва бошқаларга) эга бўлиб, у 001 кодидан бошланади ва 230 дан ортиқ қийматга эга.

Масалан:

Бўлим коди	Харажат номи
001	Ўзбек давлат космик тадқиқотлар агентлиги (Ўзбеккосмос)
002	"Ўзмашсаноат" уюшмаси корхоналари
003	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йирик ва ўта муҳим сув ҳўжалиги объектларининг техник ҳолати ва хавфсизлигини назорат қилиш бўйича давлат инспекцияси
004	Навой тоғ-металлургия комбинати
005	Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати
006	"Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси
007	"Ўзқурилишматериаллар" АЖ қошидаги комплекс тоғ-геология экспедицияси
008	"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси
009	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги
010	Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
011	Ўзбекистон Республикаси Олий суди
012	Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди
013	Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди
014	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
015	Ўзбекистон Республикаси Президенти Аппаратининг иш бошқаруви
016	Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси
017	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши
018	Вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари
019	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги
020	Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият, инвестициялар ва савдо вазирлиги

4. Давлат бюджети харажатларининг **иқтисодий таснифи** (2008 йил 26 декабрдан)<sup>59</sup> тўловларнинг иқтисодий вазифаси ва турлари бўйича харажатларни гуруҳлашдан (яъни харажатлар гуруҳи бўйича) иборат.

Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг барча даражадаги бюджетлари харажатларини ҳўжалик характери ва ишлаб чиқариш элементларига кўра фарқлашни ҳамда давлат бошқарувиغا сарфланаётган тўловларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқиб бюджет харажатлари йўналишларини аниқлашни назарда тутлади.

<sup>59</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 26.12.2008 й.даги 209-сон буйруғига 1-илова янги тахрирда тасдиқланган ва 01.01.2009 й.дан қучга кирган.

Давлат бюджетининг иктисодий таснифи куйидаги кўринишда бўлади:

Тоифа	Модда	Кичик модда	Элемент
XX	X	X	XX
1 2	3	4	5 6

Бўлим	Тоифа	Модда	Кичик модда	Элемент
X	XX	X	X	XX
1	2 3	4	5	6 7

Харажатларнинг иктисодий таснифи 7 белгидан иборат бўлган бўлим – 1 та белги; тоифа – 2 та белги; модда – 1 та белги; кичик модда – 1 та белги; элемент – 2 та белги кодларини ўз ичига олади.

Бўлим	Тоифа	Модда	Кичик модда	Элемент	ноҳиялар
X	XX	X	X	XX	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни харожақтала-рининг иқтисодий таснифини аниқлаш
4				Харожақлар	Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни харожақтала-рининг иқтисодий таснифини аниқлаш
4	1			Холмларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш	Давлат хизматчисиغا хисобот даярида Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонуничиликни бажарган иш-лари учун пул ёки нагура шаклда мукофотлаш билан боғлиқ харожақларни ўзига мужассамлаштирилади
4	1	1		Иш хақи	Давлат хизматчиларига иш бевручлар томонидан амалга ошириладиган барча тўловларни ўзига мужас-самлаштирилади
4	1	1	1	Ассосий иш хақи	Жисмоний шахсларга меҳнат шартномасига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонуничиликни бажарган ва-бироқ фуқаролик-хуқуқий шартномалар (ишларни ба-жариш ва хизмат кўрсатиш) бўйича хисобланадиган ва тўланадиган тўловлар, шу жумладан: - лавозим оқладлари; ёгона тариф сетақсининг тариф ставкалари; соғдай тўлов; харбий ва махсус унвонлар бўйича тўловлар; - маляка раҳрли (синф мансаби, дипломатик ранг); давлат ва бошқа хизматларнинг алоқанда шартлари; белгилли муаллим хизмат қилгани учун; чуқ, суғсия, бағанд тоғ хўдудларидиги меҳнат ва меҳнат сетақ; сирлилик даражасига эра бўлган маълумотлар билан ишлангани; шифтандиган иш учун; махсус иш режими; давлат сирли руҳсатга эалиги; махсус шартлар; доцент ва профессор лавозимлари; илмий



					бўйича тўланмаган нафакаларни молиялаштиришга йўналтирилиши; - умумтаълим, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасазарининг ходимларига бир мартали нафақани тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш харажатлари.
4	1	1	3	Тиббиёт ташкилотлари ходимларига устамалар ва кўшимчалар	Алоҳида хизмат кўрсатган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш харажатларини ўзида мужассамлаштиради
4	1	2		Ижтимоий эҳтиёжларга бадаллар / ажратмалар	Ўзининг ходимларига пенсия ва бошқа пенсия нафақалари каби ижтимоий нафақаларни олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадда давлат бошқаруви сектори бирликлари томонидан амалга ошириладиган реал ишлаб чиқарилган ёки шартли равишда ҳисобланган тўловлар
4	1	2	1	Ягона ижтимоий тўлов	Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан меҳнатта ҳақ тўлаш фондидан белгиланган ҳажмда иш берувчи томонидан ажратилади
4	1	2	9	Ижтимоий эҳтиёжларга бошқа бадаллар ва ажратмалар	Мажбурий тиббий сугурга, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалардан ва касбий касалликлардан ижтимоий сугурга бадаллари ҳамда шу каби бошқа ижтимоий эҳтиёжларга ажратмаларни ўзида мужассамлаштирилади.

### 3-БОБ. БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ВА ЎЗБЕКИСТОН БЮДЖЕТ ТИЗИМИ БЮДЖЕТЛАРИНИНГ БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ЖАРАЁНИДА ЎЗГАРИБ БОРИШИ

#### 3.1. Ўзбекистон Республикаси суверенитети эълон қилиниши арафасида бюджет тизими ва унинг бозор ислохотлари жараёнида ўзгариб бориши

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими мустақилликка эришгунга қадар 1961 йил 6 январдаги “Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси меҳнатқашлари маҳаллий депутатлар кенгашининг бюджет ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунга асосан фаол яратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1961 йил, № 1, 4-модда – 1966 йил 25 августда, 1969 йил 28 августда, 1969 йил 24 декабрда киритилган тузатишлари ва қуйидагилар асосида киритилган ўзгартиришлари билан:

- Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси меҳнатқашлари маҳаллий депутатлар кенгашининг бюджет ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1969 йил, № 36, 355-модда);

- Ўзбекистон Республикасининг 1969 йил 26 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаш Президиумининг Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси меҳнатқашлари маҳаллий депутатлар кенгашининг бюджет ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Фармонларни тасдиқлаш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1969 йил, № 36, 369-модда);

- Ўзбекистон Республикасининг 1985 йил 13 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси меҳнатқашлари маҳаллий депутатлар кенгашининг бюджет ҳуқуқлари тўғрисида”ги Қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1985 йил, № 35, 413-модда).

Ушбу бюджет қонунчилигининг алоҳида белгиси молиявий марказлашув ва ягона, катъий чегараланган молиявий сиёсатни ривожлантириш ва конкретлаштиришда эди.

Совет СССР бюджет тузилишининг ягоналиги принципи қонун йўли билан мустақамланганлиги СССР Давлат бюджетини шакллантириш ва ижро этиш жараёнида давлат ҳокимияти ва бошқарув олий ва маҳаллий органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ чегаралар эди. Қонунга биноан

қуйидагилар иттифокдош республикаларнинг ихтиёрида эди: ҳар бир иттифокдош республика давлат тузилишининг хусусиятларидан келиб чиқиб бюджет тузилишини белгилаш; автоном республикалар ва маҳаллий Кенгашларнинг бюджет ҳуқуқларини ўрнатиш; республика бюджети, АССР (автономиялар) ва маҳаллий Кенгашлар бюджетлари ўртасида даромадлар ва харажатларни чегаралаш; иттифокдош республикалар бюджетлари бўйича касса нақд пул айланмаси ҳажмларини белгилаш; иттифокдош республика давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларини ҳамда унинг ижросини назорат қилиш тартибини ишлаб чиқиш. Иттифок Давлат бюджетида фақатгина иттифокдош республикаларнинг давлат бюджетлари даромадлар ва харажатларининг умумий суммалари белгиланар эди, холос. Иттифокдош республиканинг суверен ҳуқуқи сифатида ўз бюджетини ёйилган ҳолда кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, иттифок Давлат бюджети билан белгиланган даромадлар ва харажатлар умумий суммаларини ошириш намоён бўлар эди.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлар таркиби барча бўғинлар асосида ётувчи доимий бириктирилган ва ҳар йили бошқариб туриладиган элементлар ёрдамида белгиланар эди. Даромадларнинг доимий бириктирилган қисмини мунтазам равишда кенгайтириб бориш маҳаллий Кенгашларнинг хўжалик ва маданий қурилишларни амалга оширишдаги ҳуқуқларини кенгайиб бориши билан боғлиқ эди.

Бюджет-ҳуқуқ муносабатлари демократик марказлашув тамойили асосида амалга оширилар ва "иттифокдош республикаларнинг суверен ҳуқуқларини, автоном республикалар, меҳнатқашларнинг маҳаллий депутатлар Кенгашининг ҳуқуқларини ва Совет социалистик давлатининг молиявий сиёсати"ни<sup>60</sup> таъминлар эди.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг мустақилликка эришилгунга қадар бўлган тузилиши 18-схемада кўрсатилган.

Бу соҳада ҳуқуқий жиҳатдан биринчи ўзгариш 1992 йил 8 декабрда давлатнинг Асосий қонуни – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши бўлди. Ушбу Конституцияга биноан давлат суверенитети эълон қилинди<sup>61</sup>, давлат ҳокимиятини<sup>62</sup>, маҳаллий давлат ҳокимиятларини<sup>63</sup>, шунингдек молия ва кредит тизимини<sup>64</sup> ташкил этиш асослари белгиланди.

<sup>60</sup> СССР Олий Кенгаши томонидан 1959 йил 30 октябрда қабул қилинган "СССР ва иттифокдош республикаларнинг бюджет ҳуқуқлари тўғрисида"ги Қонун, 3-модда.

<sup>61</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 1-бўлим, 1 боб.


<sup>62</sup> Уша ерда. 5-бўлим, XVII боб.

<sup>63</sup> Уша ерда. 5-бўлим, XXI боб.

<sup>64</sup> Уша ерда. 5-бўлим, XXV боб.

Конституцияга биноан Ўзбекистоннинг Давлат бюджети таркиби белги-ланди. Унга Республика бюджети ва Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар кирadi<sup>65</sup> (19-схема).

18-схема. Суверенитет эълон қилингунга қадар  
Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг таркибий тузилиши



<sup>65</sup> Уша ерда. 122-модда.

19-схема.



Ўзбекистон бюджет тизими фаолиятининг ҳукукий асосини ривожлантириш борасида ташланган кейинги кадам 1993 йилнинг 2 сентябрида “Маҳаллий давлат ҳокимиятлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши бўлди. Ушбу қонунда куйидагилар белгилаб берилди:

- Маҳаллий давлат ҳокимияти фаолиятининг молиявий асоси<sup>66</sup>, хусусан, вилоят, туман, шаҳарнинг молиявий ресурслари; бюджет ҳуқуқлари; вилоят, туман, шаҳар бюджетининг даромадлари ва сарф-харажатлари ва бюджетдан ташқари фондларни ташкил этиш ҳуқуқи;

- халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари<sup>67</sup>, қонунларга мувофиқ маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар миқдорларини белгилаш.

1994 ва 2000 йиллар оралиғида бюджет тизими учун муҳим аҳамият касб этадиган куйидаги қонун ва норматив ҳужжатлар қабул қилинди: Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги Фармони (1994 йил 30 ноябрдаги ПФ-1014-сон); Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси (1997 йил 24 апрель); Ҳисоботларнинг халқаро стандартларга тўғри келишини ва Миллий Счетлар Тизими билан мослигини таъминловчи, шунингдек бюджет маблағларини таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирувчи иктисодий тасниф (1999 йил); бюджет тизими, давлат бюджетини бошқаришни, бюджет тизимининг турли даражаларидаги бюджетлар орасидаги ўзаро муносабатларни, бюджет жараёнини, бюджет ижроси устидан назоратни ва давлат қарзини бошқаришни тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни (2000 йил).

Солиқ кодексининг амалда қўлланилиши республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларининг шаклланишини умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ва

<sup>66</sup> “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги Қонуни, III боб, 11-14-моддалар.

<sup>67</sup> Уша ерда. VI боб, 24-модда.

Йиғимларни белгилаш орқали таъминловчи солиқ тизимини тартибга солди<sup>68</sup>. Солиқ солиш жараёнини тартибга солувчи амалдаги норматив ҳужжатлар тизимлаштирилди, солиқ муносабатлари иштирокчилари учун ягона меъёрий-ҳуқуқий асос яратилди.

Ўзбекистон бюджет тизими ривожланишининг муҳим омили Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши бўлди. Ушбу қонун қуйидагиларни белгилади:

- Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими тузилиши ва уни бошқариш асосларини;


- Давлат бюджети тузилишининг асосий принципларини;

- бюджет тизими қонунчилигини;

- ижро органларининг бюджет тизимини бошқариш соҳасидаги ваколатларини;

- бюджет тизимининг бюджетлари ва давлат бюджетида жамланган давлат мақсадли жамғармалар бюджетларини ўз ичига олувчи давлат бюджети таркибини<sup>69</sup> (20-схема);

#### 20-схема. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таркиби



- Давлат бюджети бюджетларининг даромадлари ва харажатларини гуруҳловчи бюджет таснифини;

<sup>68</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган, 5-модда.

<sup>69</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни, 9-модда.

- молиявий ёрдамлар (дотациялар, субвенциялар, бюджет ссудалари, бошқа ўзаро ҳисоб-китоблар) турларини;
- бюджет тизими бюджетларининг даромадлар ва ҳаражатлар ваколатларини чегаралашни;
- турли даражадаги бюджетлар ўртасида Давлат бюджети маблағларини қайта тақсимлаш қондаларини;
- бюджет тизимининг иккинчи даражали бюджетларига чегаралашни;
- бюджет жараёни давомида бюджет фаолиятининг тартиби ва қондалари.

Мустақил Ўзбекистон бюджет тизимининг ривожланишидаги навбатдаги босқич - 2004 йил 28 августда Ўзбекистон Республикаси “Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниши ҳамда Солиқ кодексининг ислох этилиши бўлди.

Бу чора-тадбирлар давлат бюджетининг даромадлари ва ҳаражатларини бошқариш жараёнига халқаро стандартларнинг жорий этилишини, уйғун солиқ солиш тизими яратилишини, бюджетни тасдиқлаш ва ижро этиш жараёнлари жаҳон андозаларига яқинлаштирилишини таъминлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунига биноан бюджет тизимининг бюджетлари давлат бюджетининг ташкил этувчилари ҳисобланади, уларнинг даромадлари ва ҳаражатлари давлат бюджетида мужассамлашган. Шу сабабли бюджет тизимининг ривожланишини ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети контекстида амалга оширилади.

### **3.2. Ўзбекистон Республикаси суверенитети эълон қилиниши арафасида Давлат бюджети**

1991 йилга қадар Ўзбекистон ССРнинг Давлат бюджети СССР Давлат бюджетининг таркибий қисми бўлиб, унга Ўзбекистон ССР Республика бюджети, Қорақалпоғистон АССР Давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар кирар эди. Ҳар бир област, район, шаҳар, поселка ва қишлоқ Кенгашлари ўзларининг маҳаллий бюджетларига эга эдилар. Республикада 1347 та бюджет мавжуд эди.

Шу билан бир қаторда, Ўзбекистоннинг ижтимоий сугурта бюджети мавжуд бўлиб, у 1938 йилдан бери фаолият юритаётган СССР ижтимоий сугурта бюджетининг таркибий қисми ҳисобланар эди. Ушбу ижтимоий сугурта бюджети корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг маблағлари ва республика давлат бюджети ҳисобига шаклланар эди. Ижтимоий сугурта бюджети маблағлари пенсияларни, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича

нафакаларни тўлашга, санатория-курорт хизматларини ва бошқа харажатларни молиялаштиришга ишлатилар эди.

Барча бюджетлар даромадлар қисмининг шаклланишида идора қарамоғида бўлиш принципи ишлатилар ва унга биноан корхоналар ҳамда хўжалик ташкилотлари ҳукуматнинг турли даражалари ўртасида тақсимлаб олинган эди. Улар ўз фойдаларидан ажратмаларни тақсимотга мувофиқ, тегишли бюджетларга ўтказардилар. Иттифок тасарруфидаги корхоналар ўз фойдасидан тўловларни иттифок бюджетига тўлардилар, республика ва маҳаллий бюджет тасарруфидаги корхоналар эса, қайси бюджетдан молиялаштирилишидан келиб чиққан ҳолда, ўша бюджетга ўз фойдасидан ажратмалар қилар эдилар.

Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг даромадлари қуйидаги турдаги носолиқ тўловлар ва солиқлардан иборат: давлат корхоналари ва ташкилотларининг фойда (даромад)ларидан тўловлар, шу жумладан, давлат корхоналари фойдасидан ажратмалар ҳамда кооператив ва жамоат корхоналари ва ташкилотларидан даромад солиғи; асосий ишлаб чиқариш фондлари ва айланма маблағлар учун тўловлар; фойданинг бўш қолган қолдиғи ва бошқалар; “оборот” солиғи; аҳолидан олинадиган давлат солиқлари; аҳолига сотиладиган давлат заёмлари; давлат ижтимоий сугурта маблағлари.

13-жадвал. ЎзССР Давлат бюджетининг даромадлари <sup>70</sup>

(улуш)	
Бюджет даромадларининг турлари	
	1990
Даромадлар <sup>71</sup> – жами	100
Шу жумладан:	
1. Айланма маблағлардан олинадиган солиқ	26,0
2. Давлат корхоналари ва ташкилотлари фойдасидан (даромадидан) <sup>72</sup> тўловлар	10,6
Улардан:	
– ишлаб чиқариш асосий фондлари ва меъёрлаштирилган оборот маблағлари учун тўловлар	2,0
– меҳнат ресурслари учун тўловлар	1,6
– фойданинг бўш қолдиғи бадаллари	-
– фойдадан (даромаддан) ажратмалар ва бошқа тўловлар	7,0
– кооператив ва жамоат корхоналари ва ташкилотлардан даромад солиғи, шу жумладан:	1,8

<sup>70</sup> Қаранг: Народное хозяйство СССР в 1991 г.: Стат.ежегодник / Госкомстат СССР. М.: Финансы и статистика, 1991. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1991 г.: Стат.ежегодник. Ташкент, 1991.

<sup>71</sup> СССР бюджетидан ўтказилган ва олинган маблағлар билан.

<sup>72</sup> Фойдадан ажратмалар, ишлаб чиқариш асосий фондлари ва оборот маблағлари учун тўловлар, фойданинг бўш қолдиғи ва бошқалар.



– колхозлардан	0,8
– истеъмол кооперацияси ташкилотлари ва корхоналаридан, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи жамоат ташкилотлари ва кооператив корхоналаридан	1,0
3. Аҳоли ўртасида сотиладиган давлат заёмлари	1,8
4. Аҳолидан олинладиган давлат солиқлари	5,6
Шу жумладан:	
– даромад солиғи	4,9
– кишлоқ хўжалиғи солиғи	0,2
– бўйдоқлар, ёлғизлар ва кам фарзандли фуқароларга солиқлар	0,4
– даромад солиғининг бошқа турлари ва патент учун тўлов	0,1
5. Давлат ижтимоий сугурта маблағлари	7,0
6. Дотациялар (Иттифок бюджетидан)	47,2

3-жадвалда келтирилган Ўзбекистон ССР Давлат бюджетининг даромадлар таркиби иттифок тарқалиб кетишидан олдин Ўзбекистон бюджетидан дотациядан эканлигини кўрсатмоқда (47,2% - иттифок бюджетидан дотациялар). Давлат корхоналари ва ташкилотлари фойдасидан тўловлар барча даромадларнинг 10,6 фоизни ташкил этган. Юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар (оборот солиғи, кооператив ва жамоат корхоналари ва ташкилотлардан даромад солиғи, аҳолидан олинладиган давлат солиқлари) 33,4 фоизни ташкил этган.

ЎзССР Давлат бюджетидан маблағлари асосан республика халқ хўжалигини ва ижтимоий-маданий тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган эди (95,8 фоиз).

14-жадвал. ЎзССР Давлат бюджетининг харажатлари<sup>73</sup>

(улуш)

	1990 йил
Харажатлар <sup>74</sup> – жами:	100
Шу жумладан:	
1. Халқ хўжалиғига	53,8
2. Ижтимоий-маданий тадбирларга	42,0
улардан	
- маърифат ва фан	22,3
- соғлиқни сақлаш ва жисмоний тарбия	10,8
- ижтимоий таъминот	8,2
Шу жумладан, куйидагилар ҳисобидан	
- давлат ижтимоий сугуртаси	7,1
- кўп болали ва ёлғиз оналарга давлат ёрдами	0,7
3. Бошқарувга	1,2
4. Даромодларнинг харажатларга нисбатан ошиб кетиши	2,1

<sup>73</sup> Народное хозяйство СССР в 1991 г.: Стат.ежегодник / Госкомстат СССР.М.: Финансы и статистика, 1991. Народное хозяйство Узбекской ССР в 1991 г.: Стат.ежегодник. Ташкент, 1991.

<sup>74</sup> СССР бюджетидан ўтказилган ва олинган маблағлар билан.

Суверенитет эълон қилиниш вақтида “Ўзбекистон бир ёклама иктисодиётга – марказга бутунлай қарам, издан чиққан иктисодиётга эга бўлган... мамлакат қаторига айланган эди”<sup>75</sup>. Бундай ҳолатнинг бир нечта сабабларини кўриб чиқсак.

Биринчи сабаб. СССРда давлат корхоналари икки категорияга бўлинар эди:

- Иттифок тасарруфидаги йирик корхоналар (масалан, ТАПОиЧ ва бошқалар);

- Республика тасарруфидаги маҳаллий корхоналар.

СССР иттифокдош республикалари бюджетлари даромадлар қисмининг шаклланишида идора қармоғида бўлиш принципи қўлланилар эди. Ушбу принципга мувофиқ биринчи тоифага мансуб корхоналар фойдаси республика бюджетини четлаб ўтиб бевосита СССР бюджетига бориб тушар эди. Ўзбекистон Республикаси бюджети даромадлари асосан иккинчи тоифага кирувчи корхоналарнинг фойдаси ҳисобига шаклланар эди.

Иккинчи сабаб. Республика пахта хом ашёсини етиштириб, ундан маҳсулот ишлаб чиқариб фойда олаётган иттифокдаги ва хорижий мамлакатлардаги ишлаб чиқаришлардан ҳеч нарса олмас эди. “Мамлакатимиздан катта миқдордаги – етиштирилган пахта ҳосилининг аксарият ҳажми – моддий бойлик, сувтекинга ташиб кетилар эди”<sup>76</sup>. Фойда СССР Давлат бюджетига тўпланар эди.

Учинчи сабаб. “Олтин, қимматбаҳо ва рангли металллар, стратегик аҳамиятга эга материаллар, жаҳон бозорида ўта харидоргир бўлган бошқа қимматбаҳо маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотишдан келадиган фойда Ўзбекистон хазинасига тушмас эди”<sup>77</sup>.

Тўртинчи сабаб. 1988 йилда Ўзбекистонда истеъмол товарлари индустрияси ривожланишини рағбатлантириш тадбирлари ўтказилиши натижасида айланма маблағлардан олинадиган солиқнинг 30 фоизи шу корхоналар тасарруфида қола бошлади, натижада бюджетга айланма маблағлардан олинадиган солиқдан тушумлар қисқариб кетди. Айланма маблағлардан олинадиган солиқ барча бюджет тушумларининг 1/3 қисмини ташкил этар эди.

<sup>75</sup> Қаримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда // “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз” китобидан. Т.7. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 372-б.

<sup>76</sup> Ўша ерда. – 371-б.

<sup>77</sup> Ўша ерда.

Шундай қилиб, “Шундай улкан салоҳиятга эга бўлган мамлакатни ... у қонуний, ҳақли равишда ўзига қарашли бўлган маблағни марказдан дотация сифатида сўраб, айтиш мумкинки, ёлвориб олишга мажбур эди”<sup>78</sup>.

Шу билан бирга Ўзбекистон иттифок иқтисодий тизимига чуқур интеграциялашган бўлиб, унда кооперация ва собиқ иттифокдош республикалар ўртасидаги меҳнат тақсимотининг ўз хусусияти мавжуд эди. Ишлаб чиқариш бутун тизим эҳтиёжларига қаратилган бўлиб, ишлаб чиқариш товарлари ва истеъмол товарларининг умумий сони бутун иттифок иқтисодиёти доирасида белгиланар эди.

Натижада:

“...мўрт, заиф, бир ёқлама ривожланган, пахта яккахокимлиги ва бой минерал-хом ашё ресурсларидан назоратсиз, аёвсиз фойдаланиш асосида қурилган иқтисодиёт оғир мерос бўлиб қолган...”

Иқтисодий ривожланишнинг хом ашёвий йўналишини, хом ашёни оддий – содда қайта ишлаш қувватларининг ибтидоий даражасини, ишлаб чиқишнинг четдан келтириладиган технологик асбоб-ускуна ва бутловчи қисмларга буткул қарамлигини ҳисобга олсак, бу оғир мероснинг ноқобил жиҳатлари янада ёрқин намоён бўлади.

... республиканинг ёқилғи ва ғалла масаласида марказга қарамлигида, ун, шакар, гўшт, сут маҳсулотлари каби энг муҳим озиқ-овқат молларининг, бошқа халқ истеъмоли товарларининг, тайёр маҳсулотларнинг четдан олиб келинишида яққол кўринади”<sup>79</sup>.

Республика иқтисодиётига таъсир кўрсатувчи барча асосий сиёсий қарорлар совет давлатининг сиёсий нуқтаи назаридан келиб чиқиб қабул қилинар эди. Шу сабабли, СССР тарқалиб кетганидан сўнг Ўзбекистон мустақил иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган институционал асос ва иқтисодий йўналишга эга эмас эди.

Ўзбекистон 1991 йилнинг сентябрида мустақилликни эълон қилди (1991 молия йилининг биринчи уч кварталда у СССР таркибига кирар эди), шу сабабли 1991 йилда Ўзбекистон Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот иттифокдош республиканики каби тузилган эди. Шу билан бирга, ҳисоботда пайдо бўлган даромадларнинг янги турлари (ташки иқтисодий фаолиятдан тушган даромад; давлат мулкни сотиб олиш, акционерлаш, сотишдан келган тушумлар; республикага соф даромаднинг бир қисмини қоплаб бериш; чакана нархлари қўллаб-қувватлаш фонди; харажатларнинг даромадлардан ошиб кетганлигини

<sup>78</sup> Ўша ерда.

<sup>79</sup> Қаримов Н.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда // “Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз” китобида. Т.7. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999. – 370-371-б.

қолаш учун жалб қилинган кредитлар; айланма касса маблағлари ва бўлса қолдиқларни ўзлаштириш) юз берган сиёсий ўзгаришларни намоён этди. Давлат бюджетининг даромадларини куйидагилар таъминлади – республика соф даромадининг бир қисмини қолаб бериш (барча бюджет даромадларининг 21,3%), чакана нархларни қўллаб-қувватлаш фонди (16%), айланма маблағлардан олинадиган солиқ (14,7%) ва фойда солиғи (11,6%). Ҳисоботда мудофаага, ташқи иқтисодий ва ташқи сиёсий фаолиятга харажатлар кўрсатилган эмас.

Ўзбекистон давлат суверенитетини эълон қилиб, давлатни инкироз ҳолатидан олиб чиқиш, иқтисодиётни барқарорлаштириш, иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан мустақил, қудратли, ривожланиб боровчи, кўп қиррали демократик давлат яратиш дастурини белгилаб олди. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Давлат бюджетининг тарихий жиҳатдан жуда қисқа, лекин ёш мустақил давлат учун сермазмун, серқирра даврдаги ривожланиш босқичларини кўриб чиқиш мумкин.

Давлат бюджети СССР парчаланганидан сўнг Ўзбекистон молиявий тизими каби ўтиш даврининг иқтисодий жараёнларини ақс эттирар эди. Ҳукумат томонидан таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари ва бозор механизмларини ишга тушириш чоралари кўрилди, натижада молия институтларининг самарали фаолияти таъминланди.

Республика Давлат бюджетига ўзининг ички даромадлари жалб қилинди ва улар 1991 йилгача бўлган СССР Давлат бюджетидан ажратилган трансфертлар суммасидан ошиб кетди. Қатъий молиявий чеклашлар қўлланилиши натижасида Давлат бюджетининг даромадлари, харажатлари ва тақчиллиги ҳажми ЯИМ динамикасига мувофиқ бошқарилиб турилди. Ижтимоий соҳага харажатларнинг ўсиш суръатлари умумий харажатларнинг ўсиш суръатларига боғлиқ эди. Яъни, Ўзбекистондаги бозор ислохотлари мамлакат бюджетига ўз таъсирини кўрсатди. Ўзбекистон Республикасининг бюджети ўз ривожланиш жараёнида куйидаги босқичларни босиб ўтди (21-схема):

- фискал босқич (1991-1995 йиллар);
- инфляция – макроиқтисодий ҳолатни барқарорлаштиришга йўналтирилган босқич (1996-2003 йиллар);
- давлат молиясини бошқаришни ислох этиш доирасида давлат бюджетининг ривожланиш босқичи (2004 йилдан).

### 3.3. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ривожланишида фискал босқич

Давлат бюджети ривожланишининг биринчи босқичи жуда оғир кечди. Бунга сабаб маъмурий-буйруқбозлик режали иктисодиётдан бозор иктисодиётига ўтаётган давлатнинг бюджетини шакллантириш мамлакатда кечаётган иктисодий инкироз шароитида (ЯИМ ишлаб чиқаришнинг кескин пасайиши, бу эса ўз навбатида давлат бюджети даромадларининг қисқаришига олиб келди) амалга оширилди. Даромадлар ва харажатларнинг самарасиз таркиби бюджет инкирози юзага келишига сабаб бўлди.

Бу босқичда Давлат бюджети бўртиб намоён бўлувчи фискал хусусиятга эга эди. Турли-туман ва баланд солиқ ставкалари мавжуд бўлиб, улар Давлат бюджетининг даромадлар қисмини шакллантирар эди. Бюджетнинг асосий вазибалари давлатни иктисодий, сиёсий ва ижтимоий ислохотларни амалга ошириш учун зарур маблағлар билан таъминлаш, миллий иктисодиётни барқарорлаштириш ва янада ривожлантириш учун шароит яратишдан иборат эди.

Бу босқичда бюджетни ислох этиш куйидаги муҳим вазибаларни ҳал этишга йўналтирилган эди:


- янги бюджет қонунчилигини ишлаб чиқишга;
- солиқ тизимини шакллантиришга;
- бюджетнинг харажатлар қисми таркибини қайта ишлаб чиқишга;
- бюджетнинг даромадлар ва харажатларини мутаносиблаштиришга.

Давлат бюджетининг даромадлар қисмида куйидаги ўзгаришлар юз берди:

1) Айланма маблағлардан олинадиган солиқ (АМС) ва савдодан олинадиган солиқ ўрнига 1992 йилда қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) жорий этилди.

ҚҚСнинг жорий этилиши йирик даромадлар олиш имконини беради. ҚҚСнинг АМС ва акцизларнинг бошқа универсал шаклларида принципал фарқи шундаки, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳар бир босқичида қўшилган қиймат ажралиб чиқади. Қўшилган қиймат – шу корхонада ишлаб чиқариш жараёнида яратилган қиймат бўлиб, у аниқ бир маҳсулот қийматини яратишда корхона, тармоқ ва секторнинг реал хиссасини камраб олади, яъни бу иш ҳақи, фойда, амортизация, кредит учун фоиз ва бошқалар суммасидир. Шундай қилиб, ҚҚС ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида яратилувчи ва сотилган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг қиймати билан ишлаб чиқариш ва айланма харажатлар ҳисобланувчи моддий харажатларнинг қиймати ўртасидаги фарқ сифатида аниқланувчи қўшилган қийматнинг бюджетга ажратиладиган қисмидир.

21-схема. Ўзбекистон Давлат бюджетининг ривожланиш босқичлари ва уларнинг муҳим вазифалари



Бу солиқни ҳисоблашда аввалги босқичда тўланган солиқ суммаси чиқариб ташланади. ҚҚС ставкаларига ҳар йили тузатиш киритиб борилди:

- 1992 йилда – 30%. Шу даражадаги ставка билан ҚҚСнинг жорий этилиши (гарчи у илмий асосланган даражадан анча юқори бўлса ҳам) аввал амал қилган солиқларга нисбатан солиқ солиш соҳалари ва миқёсини сезиларли даражада кенгайтди. Агар аввал АМС 46,5% саноат халқ истеъмоли товарларига ва 28,4% озик-овқат маҳсулотларига солинган бўлса, ҚҚС деярли барча товар ва хизматларни қамраб олди;

- 1993 йилда ставка 25 фоизгача пасайтирилди (6% корхона ихтиёрида қолар эди, яъни амалда солиқ сифатида 19% тўланар эди);

- 1994 йил 1 июндан – 20%;

- 1995 йилдан – 18%.

2) 1992 йилдан акцизлар киритилди. Акцизлар 1993 йилдан пахта ҳам ашёсига, 1994 йилдан – нефть маҳсулотларига, 1995 йилдан – табиий газ, нефть, газ конденсати ва бошқа товарларга киритилди.

ҚҚС ва акцизлар давлат бюджети даромадларининг асосий манбаларига айланди ва бюджетнинг умумий даромадлари 50 фоизни ташкил этди.

3) 1994 йилда маҳсулот турларидан келиб чиқиб ставкалари дифференциация қилинадиган божхона божлари киритилди. Давлат бюджетининг даромадлар қисмида божхона божларининг улуши 1992 йилги 0,3 фоиздан 1995 йилда 3,1 фоизни ташкил этди.

4) Корхона даромадларига солиқ. 1992 йилга қадар фойда солиғи фондлар ва меҳнат ресурслари учун тўловлар билан биргаликда ундирилар эди. Нархларнинг эркинлаштирилиши натижасида келиб чиққан инфляциянинг юқори даражаси фойда солиғини самарали ишлатиш имкониятини йўқ қилди. Бу шароитда даромаднинг асосий қисми меҳнатга ҳақ тўлаш фондиди шакллантиришга кетиб, солиқ солиш базаси беқарорлашар эди. Шу сабабли 1992 йилда даромад солиғи жорий этилиб, у бюджетга зарур бўлган маблағларни жалб этишнинг ишончли воситаси вазифасини бажарди (солиқ ставкаси ўртача 12%, 1993-94 йилларда – 18%). 1995 йилнинг 1 январидан тадбиркорлардан олинандиган фойда солиғи 38% ставка билан қайта жорий этилди. Ушбу солиқнинг бюджет даромадлар қисмидаги улуши доимий равишда ўсиб борди (давлат бюджети даромадларининг 1991 йилда 13,2%, 1995 йилда – 28,6 фоизни ташкил этди).

5) Жисмоний шахслардан олинандиган даромад солиғи – жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ солишининг прогрессив шкаласига эга бўлиб, унинг максимал ставкаси 45 фоизни ташкил этди. 1991 йилда даромад

солигининг улуши 5,3 фойзни ташкил этган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич 9,6 фойзни ташкил этди.

6) Давлат бюджетининг даромадлари таркибида тўғри солиқларнинг улуши доимий равишда ўсиб борди ва 1995 йилда 38,5 фойзни ташкил этди.

7) 1994 йилдан бошлаб юридик шахслар томонидан бюджетдан ташқари жамғармаларга иш ҳақи фондининг 40% ҳажмида тўланадиган мажбурий тўловлар<sup>80</sup> жорий этилди, шу жумладан:

- 36% - ижтимоий суғурта фондига;
- 2% - касаба уюшмаси Кенгаши федерациясига;
- 2% - аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш фондига.

Ижтимоий суғурта фондига жисмоний шахслар томонидан амалга ошириладиган мажбурий тўловлар иш ҳақидан 1 фойзни ташкил этади.

8) Шу даврда ер солиғи, транспорт воситалари эгаларидан солиқ, сув учун тўлов, ер ости бойликларига солиқлар киритилди.

9) 1993 йилда жорий этилган маҳсулот таннархига кирувчи моддий харажатлар кийматидан 6% ҳажмда ундириладиган ресурс тўловлари 1994 йилда бекор қилинди.

10) 1995 йилда яна бир қатор солиқлар бекор қилинди:

- республика ташқарисига олиб чиқилувчи хом ашё ресурсларига солиқлар;
- ўрмон даромадларига солиқлар;
- хисобланган амортизациядан бюджетга 20% ундирма.

Шундай қилиб, фискал давр баланд солиқ ставкалари ва кенг солиқ солиш базаси билан тавсифланиб, бу ҳол республикада ишлаб чиқаришнинг ривожланишига тўсқинлик қилар, иктисодиётни барқарорлаштириш учун шароит яратиш, ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш талабларига жавоб бермас эди. Киритилган кўп сонли имтиёзлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва тадбиркорликнинг ривожланишида муҳим роль ўйнамади, балки аксинча, солиқ тўлашдан бўйин товлашга имкониёт яратди.

11) 1992 йилдан бошлаб Ўзбекистон Давлат бюджетига давлат мулкани хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқаришдан тушадиган даромад пайдо бўлди.

Давлат мулкани хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёни босқичма-босқич амалга оширилди:

---

<sup>80</sup> Ҳозирги кунда ягона ижтимоий тўлов.



- 1992-1993 йиллар – кичик хусусийлаштириш босқичи (уй-жой, савдо, умумий овқатланиш, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, маҳаллий sanoat корхоналари);

- 1994-1996 йиллар – қонунчилик томонидан чекловлар қўйилмаган халқ хўжалиги барча тармоқларининг корхоналарини ялпи хусусийлаштириш босқичи (машинасозлик, ёқилғи-энергетика комплекси, қурилиш индустрияси, транспорт, уй-жой коммунал хўжалиги, АСК қайта ишлаш тармоқлари ва бошқа корхоналар);

- 1997 йилдан – йирик корхоналарнинг реструктуризация қилиш, тармоқ ичидаги таркибий ўзгаришлар, хўжалик бошқарувида янги тизимларнинг пайдо бўлиши, индивидуал хусусийлаштириш билан тавсифланувчи босқич (масалан, ТАПОиЧ очик турдаги давлат акциядорлик жамиятига айлантирилди).

Давлат мулкани хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш эвазига топилган даромад бизнес фонд орқали марказлаштирилган инвестициялар кўрinishида инфратузилмани ривожланишига йўналтирилди. Чунки бу даврда давлат инвестицияларининг ҳажми кескин равишда қисқарган эди.

Бу даврда Давлат бюджетининг харажатлар таркибида қуйидаги ўзгаришлар юз берди:

1) мустақилликни эълон қилган давлатнинг функция ва вазифалари кенгайтиришдан ва бозор ислохотларининг чуқурлашувидан келиб чиқадиган бюджет харажатларининг янги қисмлари. Бу харажатлар мудофаа, ташки иқтисодий ва ташки сиёсий фаолият ва бошқалар билан боғлиқдир.

2) Давлат бюджетининг ижтимоий-маданий тадбирларга, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва химояга харажатлари ўсиб бориб, давлат бюджети харажатларининг 50 фонздан ошиб кетди. Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш модели қабул қилинганлиги ушбу харажатлар улушининг катталигини асослайди. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти қуйидаги принципларга асосланади: иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги; давлат бош ислохотчи эканлиги; қонуннинг устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсат олиб борилиши; ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши.

3) Иқтисодиётга қилинаётган харажатлар қисқариб борди, хусусан, бу ҳол янги мулк шаклларининг пайдо бўлиши, қўп укладли иқтисодиётнинг ривожланиши ва давлат корхоналари улушининг қисқариши эвазига юз берди.

4) Ўтиш даврида давлат бюджети харажатлари сиёсати такомиллашиб борди. Хусусан, молия ресурсларини маъмурий-худудий тармоқ тақсимоли

усулидан халқаро тамойил ва меъёрларга асосланган бюджет бошқарувиغا ўтилди.

Ушбу босқичда бюджет сисъатининг муҳим вазифаси бозор, давлат томонидан бошқарилмайдиган эркин нархларга ўтилиши, ижтимоий зарур маҳсулотларга нархлар ошириб юборилишининг ижтимоий асоратлари олдини олишга қаратилган чора-тадбирлардир. Ўзбекистонда бу чора-тадбирлар республика бюджети маблағлари, ижтимоий сугурта жамғармаси, Аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашиш жамғармаси ва корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобига аҳолига компенсацион тўловлардан<sup>81</sup> иборат бўлиб, аҳолининг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоя қилиш ва мамлакатда ижтимоий барқарорликни сақлашга имкон беради.

Шундай қилиб, ислохотларнинг биринчи босқичида (1991-1994 йиллар) бюджет харажатлари устувор даражада ижтимоий харажатлардан иборат бўлиб, улар қаторига аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, озик-овқат комплекси тармоқларини ривожлантириш, халқ истеъмоли буюмлари ва истеъмол хизматлари ишлаб чиқарувчиларга нарх харажатларини коплаш, казиб олиш тармоғи корхоналарига молиявий қўмак бериш қиради. Ислохотларнинг биринчи 4 йилида ЯИМда давлат харажатларининг улуши 52,7 фоиздан 33,3 фоизгача пасайди.

Мустақилликкача бўлган даврда Ўзбекистонда ижтимоий ҳимоя тизими муҳтож фуқароларга ёрдамни, шунингдек, умумий пенсия таъминоти кўринишида ижтимоий сугуртани таъминлар эди. 16 ёшга қадар фарзанди бор барча оналар, ёлғиз оналар, ҳарбийларнинг фарзандлари, етимлар ва ногирон болаларнинг барчаси ҳар ойда нафақа олар эдилар. Совет ижтимоий ҳимоя тизими бандликни кафолатлаш ва биринчи заруратдаги товар ва хизматларга давлат субсидияларига асосланган эди.

Ўтиш даврида молиявий ресурсларнинг чекланганлиги кўрсатилаётган ижтимоий ёрдамнинг адреслилигини таъминлашни такозо этди. Масалан, 1994 йилда Ўзбекистон ҳукумати кам даромадли оилаларга ижтимоий ёрдам беришнинг янги схемасини жорий этди – маҳаллалар (фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари) ёрдамида. 1997 йилдан маҳалла орқали болалар нафақалари ҳам тарқатила бошланди. Нафақаларнинг адреслилиги аҳолининг (хусусан, кам даромадли оилаларнинг) турмуш даражасини тартибга солишнинг самарадорлигини таъминлашга йўналтирилди.

1992-1995 йилларда давлат бюджетининг харажатлар таркиби ўзгариб борди. Ижтимоий мақсадларга, шу жумладан, соғлиқни сақлашга харажатлар

<sup>81</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг аҳолига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисида” 1994 йил 31 августдаги ПФ-940-сон Фармони.

ЯИМдаги 4,8 фоиздан 3,7 фоизгача қискарди, таълимга харажатлар 10,2 фоиздан 7,4 фоизгача пасайди, ижтимоий таъминотга 7,7 фоиздан 2,5 фоизгача (тахминан 2,5 баравар) қискарди.

Давлат инвестицияларининг ЯИМдаги улуши 1993 йилги 2,2 фоиздан 1996 йилда 7,1 фоизгача ўсди.

Мудофаага харажатлар 1992-1993 йилларда ошди (1992 йилда ЯИМнинг 2,6 фоиздан 1993 йилда 3,2 фоизгача), бу ҳол янги ташкил этилган суверен давлатнинг янги функциялари (давлат чегараларини қўриқлаш ва миллий хавфсизликни таъминлаш) пайдо бўлиши билан тушунтириш мумкин. 1994-1995 йилларда ушбу харажатлар сезиларли даражада қискарди ва 0,5 фоизни ташкил этди. 1993 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар Ўзбекистоннинг мудофаага харажатлари бюджетнинг “бошқа харажатлар” таркибига киритилган, шу сабабли харажатларнинг бу қисми кейинчалик таҳлил этилмайди.

Мустақил Ўзбекистон давлат бюджетини ислоҳ этишда институционал, таркибий ва ҳуқуқий ўзгаришлар фискал босқичда куйидаги жиҳатларни ўзида мужассамлаштиради:

- Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сиёсий йўналишдаги биринчи мураккаб кадамлари институционал ва ҳуқуқий ўзгаришлар бўлди. Хусусан, давлат бюджетининг техник таъминоти Молия вазирлиги тасарруфида қолган бўлиб, давлат бюджети стандартлари, мезонлари ва сиёсати Президент Девони ва Вазирлар Маҳкамаси махсус бўлинмаларининг ихтиёрида этиб белгиланди;

- Давлат бюджетини қабул қилиш ва унга қонуний куч бериш мустақил Ўзбекистонда Парламентнинг вазифаси этиб белгиланди ва Олий Мажлисида бюджет, банк ва молиявий масалалар бўйича Қўмита ташкил этилди;

- 1992 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Давлат бюджети СССР Давлат бюджетининг таркибий қисми эмас, балки мустақил давлатнинг бюджетидир;

- Ўзбекистон бюджет тизимида совет даврида мавжуд бўлган қишлоқ ва посёлкалар бюджети мавжуд эмас;

- 1992 йилда давлат бюджетидан мустақил хорижий валюта бюджети ажралиб чиққан (1996 йилда ХВЖ тавсиясига биноан у мустақил бюджет сифатида бекор қилиниб, харажатлар давлат бюджетиде жамланди). Шу даврда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар пайдо бўлди;

- ЎзССР ижтимоий суғурта давлат бюджети ўрнига аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш ва ижтимоий суғурта давлат бюджетдан ташқари ижтимоий мақсадли жамғармалари ташкил топди;

- 1995 йилдан Ўзбекистон Республикасининг жамланган бюджети шакллантирила бошланди. Унинг таркибига республика бюджети, Қорақалпоғистон

Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг, шунингдек давлат бюджетдан ташқари (мақсадли) жамғармаларининг даромадлари ва харажатлари қиради<sup>82</sup>. Жамғармалар – ижтимоий сугурта, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш, касаба уюшмаси федерацияси кенгаши, йўл, Ўздавфонди, моддий хом ашё базасини такрор ишлаб чиқариш ва маҳаллий бошқарув органларининг махсус фондлари (уларнинг мақсадга йўналтирилганлиги сақлаб қолинган).

Бюджет даромадлар ва харажатлар қисмининг реструктуризация қилиниши, миллий валюта жорий этилиши, пул муомаласининг тартибга солиниши ва пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш бюджетни баланслаш муаммосини ҳал этиш (1995 йилда давлат бюджетининг тақчиллиги 2,7 фоизгача пасайди) ва макроиктисодий ҳолатни барқарорлаштиришга замин яратди.

#### **3.4. Давлат бюджетининг макроиктисодий ҳолатни барқарорлаштиришга йўналтирилган ноинфляцион ривожланиш босқичи**

Ўқтисодий ислохотларнинг замонавий халқаро амалиёти бюджет макроиктисодий тартибга солиш ва бошқариш воситаси эканлигини кўрсатади. Ҳукумат бюджет қонунчилиги ёрдамида харажатларнинг умумий даражасини, бюджет тақчиллиги ва давлат қарзи ҳажмини назорат қилади. Натижада, қонунчилик макроиктисодий сиёсатнинг қуйидаги жиҳатларини намоён этади<sup>83</sup>:

- қонунчилик ва ижроия ҳокимиятлари ўртасида бюджет ваколатларининг тақсимланишини;

- ҳукуматнинг бюджет процедуралари назоратини чекловчи ва ошқоралигини пасайтирувчи бюджетдан ташқари ёки квазибюджет фаолиятининг тақиқланишини;

- қонунчиликни макроиктисодий назоратни таъминлаш воситаси сифатида ишлатиш мақсадида бюджет тақчиллиги, давлат қарзи ва маблағларни жалб қилишнинг чекланишини.

Ўзбекистондаги бюджет ислохотлари ҳам шу йўналишда амалга оширилмоқда. Бюджет ислохотларининг иккинчи босқичи 1995 йилда давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларини ягона бюджетга жамлаш билан бошланиб, бунинг натижасида бюджетнинг шаклланиши ва тақсимланиши жараёни устидан молиявий назоратни кучайтириш имконияти вужудга келди.

<sup>82</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни. 9, 20-моддалар.

<sup>83</sup> Қаранг: Бюджетная система Российской Федерации: Учебник / Врублевская О.В. и др. 3-изд., испр. и перераб. – М.: Юрайт-Издат, 2003. – 80-б.

Миллий валюта – сўмнинг жорий этилиши, пул муомаласини тартибга солиш ва пул-кредит сиёсатини катъийлаштириш ёрдамида пул ислохотларининг ўтказилиши кейинги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва ўсишга шароит яратди. Ўтиш даврида моддий ишлаб чиқариш тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг молиявий эҳтиёжлари давлатнинг яратилаётган миллий даромадини ишлатиш бўйича реал имкониятларидан юқори бўлади. Шу сабабли молия органларининг муҳим вазифаси молия ресурслари иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг муҳим йўналишларида мужассамлашувини бюджет тақчиллигини ошириш эвазига харажатларни ошириб эмас, балки оқилона солиқ тизимини яратиш эвазига амалга оширишдир. Иқтисодий ўсишнинг муҳим шarti, шунингдек, бюджет тақчиллигини, ички ва ташқи давлат қарзини чеклаш ҳисобланади.

Ислохотлар иккинчи босқичининг муҳим жиҳатлари куйидагилардир:

- бюджет қонунчилиги шаклланишини давом эттириш;
- солиқ тизимининг такомиллашуви ва унификациялашуви;
- бюджет харажатларини оптималлаштириш, шу жумладан, миллий иқтисодий тармоқларни беғараз молиялаштириш амалиётидан инвестициялашга ўтиш;
- баланслашган бюджетни шакллантириш.

1. Бюджет қонунчилигининг ривожланиши куйидаги қонунлар ва норматив ҳужжатлар қабул қилиниши билан тавсифланади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” 1994 йил 30 ноябрдаги ПФ-1014-сон Фармони;

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (1997 йил) – миллий ва хорижий товар ишлаб чиқарувчилар ва инвесторлар учун кенг имтиёзлар ва қоғалатлар тизими билан тавсифланувчи солиқ сиёсатининг барқарор ҳуқуқий асосини таъминловчи асосий ҳужжат бўлиб, у куйидагиларга йўналтирилгандир:

- ички бозорда истеъмол буюмларини ишлаб чиқаришни рағбатлантириш;
- экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш;
- кишлоқ хўжалигини ҚҚСдан озод этиш ва ягона ер солиғини киритиш ёрдамида тармоқнинг мамлакат иқтисодиётидаги алоҳида мавқеини таъминлаш;
- кичик ва ўрта тадбиркорликни рағбатлантириш;
- хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай молиявий шарт-шароитлар яратиш.

Солиқ тизимини ошкоралигини (шаффофлигини) таъминлаш мақсадида Солиқ кодексига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ундириладиган барча солиқлар ва йиғимлар киритилди. Уларнинг рўйхати фақатгина Кодексга ўзгартиришлар ва тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонунлар асосида ўзгартирилиши мумкин эди.

1999 йилда янги иқтисодий тасниф киритилиб, у ҳисоботнинг халқаро стандартларга ва Миллий Счетлар Тизимиغا мувофиқлигини таъминлаш, бюджет маблағларини таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирди.

2000 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, у билан бюджет тизими, давлат бюджетини бошқариш, бюджет тизимининг турли даражаларидаги бюджетлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, бюджет жараёни, бюджет ижроси устидан назорат ва давлат қарзини бошқариш масалалари тартибга солинди.

2002 йилда “Ўзбекистон Республикасида Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш Қондалари” (Молия вазирининг 2001 йил 29 декабрдаги 130-сон буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1111-сон билан рўйхатдан ўтказилган) амалга киритилди.

“Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқишга киришилди.

2. Солиқ тизимини такомиллаштириш ва унификациялаш. Ушбу вазифани амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” 1994 йил 30 ноябрдаги ПФ-1014-сон Фармони қабул қилиниши билан бошланди. Ушбу Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетини шакллантириш чоғида солиқ тизимини ислох қилишнинг қуйидаги энг муҳим йўналишлари белгиланди: юридик шахслардан олинадиган солиқ миқдорини камайтириш; тадбиркорлик фаолиятини ва инвестиция фаоллигини кенгайтиришга солиқларнинг рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш; табиий ресурслар ва мол-мулкдан олинадиган солиқлар улушини ошириш ҳисобига даромадлар тарқибини такомиллаштириш; маҳаллий бюджетларнинг даромад негизини мустаҳкамлаш ҳамда республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасида солиқларни чегаралаб қўйиш ҳисобига республиканинг давлат бюджетиде маҳаллий бюджетларнинг салмоғини жиддий равишда ошириш; солиқ солиш механизмини мумкин қадар соддалаштириш ва солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлаш.

Даромадлар ягона тизимнинг шаклланишида Солик кодексининг амалга киритилиши муҳим аҳамият касб этди. У солик солиш жараёнини тартибга солувчи амалдаги меъёр ва низомларни тизимлаштириш ёрдамида солик тизимини тартибга солди, солик қонунчилигидаги бетартиб ўзгартиришларни барта- раф этиб, солик муносабатлари катнашчилари учун ягона қонуний ва меъёрий асосни яратди.

Бюджет даромадларининг асосий манбаси ҳисобланган солиқлар соҳасида қуйидаги ўзгаришлар юз берди. 1995 йилда корхоналар даромадига солинадиган солик ўрнига фойдага солинадиган солик 38% ставка билан жорий этилди<sup>84</sup>. Давлат томонидан юридик шахсларга солик юқини пасайтириш ва солиқларнинг тадбиркорлик фаолияти ва инвестицион фаолликка рағбатлантирувчи таъсирини кучайтириш бўйича сиёсатни амалга ошириш 1996 йилдан бошлаб даромад солиғини йилдан-йилга пасайтирилиши билан амалга оширилди (1996 йилда ставка 37 фоизни, 1999 йилда – 33 фоизни, 2000 йилда – 31 фоизни, 2002 – 24% ва 2003 йилда – 18 фоизни ташкил этди). Ушбу чора-тадбирлар натижасида давлат бюджетида юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғининг улуши тахминан 2 барабар камайди.

15-жадвалдаги маълумотлар таҳлил даврида тўғри солиқларнинг улуши пасайгани ва эгри солиқлар улуши ошиб борганини намоён этади, бунда ҚҚС ва акцизлар давлат бюджетига тушумларнинг ярмидан ортигини ташкил қилади.

**15-жадвал. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1998-2003 йиллардаги даромадлар таркиби (% ҳисобида)<sup>85</sup>**

Бюджет даромадлари турлари	1998	1999	2000	2001	2002	2003
Даромадлар, мақсадли жамғармаларсиз, жами:	100	100	100	100	100	100
Шу жумладан						
Тўғри солиқлар:	33,4	31,7	28,9	29,8	29,2	28,0
- юридик шахслар даромадига солик	18,9	15,2	12,8	11,3	9,3	9,0
- тадбиркорлик билан шугулланувчи жис- моний шахслардан олинадиган солик	1,2	1,5	1,6	2,2	1,8	1,3
- жисмоний шахслар даромадига солик	11,5	12,6	11,5	12,8	12,4	12,3

<sup>84</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” 1994 йил 30 ноябрдаги ПФ-1014-сон Фармони.

<sup>85</sup> Жадвални тузишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таҳлил этилаётган даврлар учун “Асосий макрониктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорларнинг маълумотларидан фойдаланилди.

- кичик корхоналардан олинадиган ягона солиқ тўлови	0,7	1,4	1,9	2,2	3,5	3,7
- ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун солиқ	1,1	1,0	1,1	1,3	2,1	1,7
Эгри солиқлар	51,1	54,0	56,7	51,8	54,6	57,8
- ҚҚС	30,2	24,8	26,8	25,3	24,0	22,9
- акциз солиғи	18,9	27,7	27,4	24,0	26,4	29,6
- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	-	-	-	-	1,3	1,6
- жисмоний шахслардан товарлар олиб кирганлик учун йиғимлар	0,5	0,6	1,3	1,1	1,3	1,9
- Божхона божи	1,5	0,9	1,2	1,4	1,6	1,7
Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи:	11,9	10,9	10,0	9,3	7,5	9,5
- юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солиқ	3,0	3,1	3,2	3,1	1,8	3,0
- автотранспорт воситалари эгаларига солиқ	-	-	-	-	-	-
- ер солиғи	4,4	4,1	3,1	2,9	2,0	2,2
- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	1,6	1,1	1,1	0,7	1,0	1,3
- сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,5	0,4	0,5	0,4	0,3	0,4
- экология солиғи	2,4	2,1	2,1	2,2	2,3	2,6
Бошка даромадлар (солиқсиз даромадлар билан бирга)	3,6	3,4	4,4	9,1	8,7	4,7

ҚҚС киритилган даврдан бошлаб йилдан-йилга турли ўзгаришларга дуч келди. Унинг ставкаси пасайтирилиши ва ягона ставка ўрнатилиши билан бирга, уни тўлаш механизмлари халқаро стандартларга мослаштирилди. Бу стандартларга биноан товар (иш, хизматлар) экспортига “ноль ставка” билан, импортига эса республикада амал қилаётган ставка билан солиқ солинади.

Республикада ҚҚСни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби европача моделдан фарқ қилади. Хусусан, европача моделда табақалашган ставка мавжуд бўлганда имтиёзлар бўлмайди. Ўзбекистон Солиқ кодексида эса, ҚҚС бўйича имтиёзларнинг кенг тизими назарда тутилган бўлиб, унда алоҳида товарлар ва тўловчиларнинг тонфалари бўйича 40 пункт атрофида турли имтиёзлар назарда тутилган. Бу солиқ солишининг асосий принципларидан бири – адолатлиликнинг бузилишига олиб келади, чунки солиқ тўламайдиганлардан маҳсулот сотиб олаётган ушбу солиқни тўловчиларга солиқ юқининг ошшига сабаб бўлади.

2000 йилга қадар Ўзбекистонда ҚҚС бўйича 2 та ставка: стандарт – 20% ва пасайтирилган – 10% (алоҳида ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарларга) ставкалар амал қилган. Ҳозирги вақтда ягона ставка (20%) амал қилмоқда.



Тахлил этилаётган даврда иктисодиётнинг алоҳида тармоклари, алоҳида аҳоли гуруҳларини иктисодий қўллаб-қувватлаш, шунингдек миллий ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш мақсадида ҚҚС, фойда солиғи, jisмоний шахслар даромадларига солиқлар, ер солиғи ва мол-мулк солиқлари бўйича кенг имтиёзлар тизими киритилди. Жаҳон амалиётида қўлланилаётган кўпгина солиқ имтиёзлари шакллари ва турларидан Ўзбекистонда қуйидагилар қўлланилади: солиқ ставкасини пасайтириш, солиқ солинадиган суммани маълум бир суммага камайтириш, солиқ тўлашдан бутунлай озод қилиш, солиқ таътиллари бериш. Масалан, Солиқ кодексига биноан янги ташкил этилаётган корхоналар 7 турдаги солиқ имтиёзларига эга бўлдилар. Бу имтиёзлар 1 йилдан 5 йилгача солиқ таътиллари кўринишида бўлиб, улар корхона тури, жойлашган жойи, фаолият тури ва бошқаларга боғлиқдир.

Шу билан бирга, кенг имтиёзлар берилишининг ижобий жиҳатлари билан бирга салбий жиҳатлари ҳам (солиқ тўловчиларга нисбатан адолатлилик тамойилининг бузилиши) мавжуд.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солиш Ўзбекистонда жаҳон амалиётига биноан ташкил этилган: бирламчи киймат бўйича мол-мулкка солинадиган солиқ ўрнига асосий маблағлар ва номоддий активларнинг ўртacha йиллик колдик киймати бўйича солиқлар киритилди. Экспортчи-корхоналар учун реализация қилинаётган маҳсулотлар ҳажмида экспортнинг улушига боғлиқ ҳолда мол-мулкка солиқ ставкаси пасайиб боради.

Солиқ юқини пасайтириш ва солиқ механизмини соддалаштиришнинг йўналишларидан бири кичик корхоналар ва микрофирмалар учун ягона солиқни киритиш орқали кичик бизнес субъектлари учун соддалаштирилган солиқ тизимининг жорий этилиши (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 27 сентябрдаги ПФ-1565-сон Фармони билан), кишлок хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчиларга ягона ер солиғи (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғини жорий этиш тўғрисида” 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сон Фармони билан жорий этилган), савдо ва умумий овқатланиш соҳасидаги ялпи даромадга солиқ (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Савдо ва умумий овқатланиш соҳасида солиқка тортиш тизимини тартибга солиш чоратадбирлари тўғрисида” 2003 йил 30 июндаги ПФ-3270-сон Фармони билан жорий этилган), алоҳида тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи шахсларга чекланган солиқ (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 26 декабрдаги 500-сон Қарори билан жорий этилган) жорий этилишидир.

Бюджетга ягона солиқ тушуми динамикаси иктисодиётнинг ушбу сектори фаоллашётганидан, кичик тадбиркорлик субъектларининг сони ва даромадлари ошиб боришидан далолат беради. Масалан, 1998 йилда давлат бюджети даромадларида ягона солиқнинг улуши 0,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2003 йилда бу кўрсаткич 5 баробар ўсиб 3,7 фоизни ташкил этди.

Ягона ер солиғи тизимини такомиллаштириш мақсадида 2003 йилда Самарканд ва Тошкент вилоятида эксперимент тарикасида ягона ер солиғини кишлоқ хўжалик майдонларининг норматив қиймати асосида ҳисоблаш амалга оширилди. Ушбу чора-тадбирлар кишлоқ хўжалиги товарларини ишлаб чиқарувчиларга солиқ юқини қайта тақсимлашга йўналтирилган бўлиб, бунинг натижасида сабзавот етиштирувчи хўжаликларда солиқ ундирмалари ошди, пахтачилик хўжаликларини эса пасайди.

Таҳлил этилаётган даврда жисмоний шахслар даромадларига солиқлар юқори даражада бўлди. Тўғри солиқлар таркибида унинг улуши ошиб бориб, 1998 йилги 34,4 фоиздан 2003 йилда 42,1 фоизгача кўтарилди.

Жисмоний шахсларга солиқ юқини пасайтириш бўйича амалга оширилган солиқ сиёсати ижтимоий масалалар билан узвий боғлиқ бўлиб, аҳоли даромадини (айниқса, кичик ва хусусий тадбиркорлик соҳасида) легаллаштиришга йўналтирилган.

Бу босқич жисмоний шахслар даромадларига солиқлар шкаласи такомиллаштирилгани билан тавсифланади: ставкалар пасайди, солиқ солиш шкаласида даражалар сони камайди.<sup>86</sup>

1998 йилдан 2000 йилга қадар жисмоний шахс даромадларига солиқ солишнинг 5 даражали шкаласи амал қилар эди. Бунда минимал солиқ ставкаси 15% - 3 минимал иш ҳақи даражасигача бўлган ҳажмда, максимал ставка 45% - 15 минимал иш ҳақи даражасидан юқори маошга нисбатан қўлланган. Шу билан бирга, жисмоний шахслар молия йили давомида ҳар ойда ўз даромадларидан 1 минимал иш ҳақига тенг суммани чегириб ташлаш ҳуқуқига эга бўлганлар.

2000 йилдан жисмоний шахс даромадларига солиқ солишнинг 4 даражали шкаласи қўлланила бошлади. Бунда ҳамма ставкалар сақланиб қолди, фақатгина бешинчи даража олиб ташланди ва максимал ставка 40 фоизга тенглаштирилиб, 10 минимал иш ҳақи даражасидан юқори даромадларга қўлланила бошлади.

2001 йилда 3 даражали шкала киритилиб, минимал ставка 12 фоизга тенг ва 4 минимал иш ҳақи даражасигача бўлган маошга, максимал ставка 36 фоизга

<sup>86</sup> 3-илова.

тенг бўлиб, 8 минимал иш ҳақи даражасидан юқори маошларга қўлланилди. Чегириб ташлаш кўринишидаги солиқ имтиёзи бекор қилинди. Бу эса, бюджетнинг даромадлари таркибида ушбу солиқ улушининг ошишига олиб келди. Бунда кам даромадли аҳолига солиқ юки ошди, юқори даромадли аҳолига эса – пасайди.

2002 йилдан шкаланинг ҳар бир даражасида солиқ солиш базаси оширилди: биринчи даражада – 4 минимал иш ҳақидан 5 минимал иш ҳақиғача, иккинчида – 8 дан 10 гача ва учинчида – 10 ва ундан юқори. Шу билан бирга, иккинчи ва учинчи даража фойзалари 2 пунктга пасайтирилиб, 21 ва 30 фойзга ташкил этди. Бу ставкалар 2005 йилнинг охиригача сақланиб қолди.<sup>87</sup>

2000 йилдан бошлаб ҳокимликларга тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг даромадларига фаолият туридан келиб чиқиб ставка белгилаш ваколати берилди.

Ислохотнинг ушбу босқичида бир хил солиқ солиш базасига эга бўлган солиқларни унификациялаш ёки бирлаштириш амалга оширилиб, бу солиқ солишни соддалаштиришга олиб келди. Масалан, Солиқ кодексини қабул қилиш чоғида бир катор самарасиз ва бир-бирини қайтарувчи солиқлар ва ажратмалар: ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқларга жуда яқин бўлган геология кидирув ишларига ажратмалар; ҚҚСни такрорлаган олиб чиқиш солиғи; ўрмон даромадларига солиқ бекор қилинди.

2002 йилда солиқ солиш базаси бир хил (соф фойда) бўлган ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга солиқ билан ободонлаштириш ишларига йиғимлар бирлаштирилди. Автотранспорт воситалари эгаларига солиқ ўрнига жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ киритилди.

Солиқ солиш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар ЯИМ ҳажмида ундириш даражасини 29 фойзгача пасайтирди (максадли жамғармалар ҳисобга олинмаганда).

**3. Бюджет харажатларини оптималлаштириш.** Давлат бюджети таркибини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар бюджет ривожининг ушбу босқичида харажатларнинг ижтимоий йўналтирилганлигини кучайтириш, харажатларни режалаштиришнинг дастурий-максадли усулига ўтиш учун замин ҳозирлаш, маҳаллий бюджетларнинг ролини кучайтириш ва Давлат бюджети тақчиллигини молиялаштиришнинг инфляцияцион механизмини таъминлаш имконини берди.

<sup>87</sup> Ставкалар динамикаси 3-иловада келтирилган.

1995-2003 йилларда бюджет харажатлари таркибида куйидаги тенденциялар намоён бўлди (16-жадвал):

- бюджет харажатлари таркибида энг катта улушни ижтимоий максадларга харажатлар (43 фонздан 47 фонзгача) эгаллаган;

- ижтимоий-маданий тадбирларга харажатлар улуши юкори даражада бўлиб, барча харажатларнинг 1/3 кисмига тенг бўлган (1996 йилда – 34,8%, 1999 йилда – 38,2%).

Шуни кайд этиш керакки, 2000 йилда жорий этилган бюджет ташкилотларини молиялаштиришнинг янги тартиби бюджет харажатларида ушбу гуруҳнинг кискаришига олиб келмади. Бюджет ташкилотига шартнома-тўлов асосида хизматлар кўрсатиш, мол-мулкни ижарага бериш ва бошқалар<sup>88</sup> эвазига ўзининг молиявий ресурсларини қўшимча ташкиллаштириш имкони яратилди. Лекин ушбу гуруҳ харажатлари барқарор ўсди (2000 йилда – 35,8%, 2001 йилда – 37,9%, 2003 йилда – 38%);

- харажатларнинг тахминан 80% ижтимоий харажатлардир (60% таълимга, 20% - соғлиқни сақлашга);

- аҳоли ижтимоий ҳимоясига харажатлар таркибида аҳолига ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматларга харажатлар кискариб, кўп болали оилалар ва кам таъминланган оилаларга тўловлар харажатлари бироз ошди. Бу ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товар ва хизматларни бюджет дотациялари ёрдамида нархларни ушлаб туриш тизимидан адресли моддий ёрдамга маблағлар йўналтириш тизимига ўтилиши билан изоҳланади. Бу тизим аҳолининг ўртача турмуш даражаси кўтарилишига ва ижтимоий адолат принципини таъминлашга имкониёт яратди. Янги тизимда ижтимоий тўловларнинг манзиллилиги ошиб, 16 (18) ёшгача фарзанди бўлган оилаларга ҳар ойлик пулли компенсация, кам таъминланган фарзандли оилаларга пул нафақалари “Маҳалла” республика хайрия жамғармаси орқали амалга оширила бошлади;

---

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарори.

16-жадвал  
 Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 1995-2003 йиллардаги харажатлар таркиби (% ҳисобда)<sup>89</sup>

Бюджет харажатлари турлари кўрсаткичлари	1995	1996	1997	1998	1999	2000	2001	2002	2003
1. Ижтимоий мақсадларга харажатлар – жами:	45,8	46,2	45,7	44,7	47,1	43,4	45,6	45,5	46,3
Шу жумладан:									
1.1. Ижтимоий-маданий тадбирларга харажатлар	37,4	34,8	35,8	35,7	38,2	35,8	37,9	38,0	37,9
Шу жумладан:									
- маърифат	21,8	21,1	22,6	22,3	24,2	23,2	25,5	26,0	26,0
- соғлиқни сақлаш ва спорт	10,5	9,8	9,7	9,1	9,2	8,9	9,8	9,6	9,6
- фан, маданият ва оммавий ахборот воситалари	2,3	2,6	2,4	2,9	2,4	2,3	2,2	2,0	1,9
- ижтимоий таъминот	2,8	1,3	1,1	1,3	2,5	1,5	0,5	0,5	0,4
1.2. Аҳолини ижтимоий химоялаш тадбирларига харажатлар	8,4	11,4	9,9	9,0	8,9	7,6	7,7	7,5	8,4
- Болали ва кам таъминланган oilаларга нафакалар	4,4	7,0	7,4	6,2	6,3	5,8	5,7	5,8	6,3
- Аҳоли учун ижтимоий аҳамиятдаги товарларнинг нархларидаги фарқни бюджетдан қоплаб бериш	4,1	4,4	2,5	2,7	2,6	1,9	1,7	1,4	1,2
2. Иқтисодийга харажатлар	13,0	12,7	12,6	16,5	11,9	8,9	8,4	9,1	12,1
3. Марказлашган инвестицияларни молиялашга харажатлар	18,9	19,8	22,7	20,4	21,6	20,4	18,5	18,1	13,4
4. Давлат ҳокимияти, бошқарув ва суд органларини таъминлаш	3,2	2,9	2,4	2,5	2,3	2,0	2,2	2,1	2,0
5. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини таъминлаш					0,0	0,4	0,5	0,5	0,5
6. Бошқа харажатлар	19,1	18,5	16,6	16,0	16,9	24,8	24,9	24,7	25,8
Харажатлар (мақсадли жамғармаларсиз), жами:	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

<sup>89</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таҳлил этилаётган даврлари учун "Асосий макроектисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида"ги Қарорларнинг маълумотларидан фойдаланилган ҳолда тузилган.

- бозор иктисодиёти амал қиладиган мамлакатларнинг давлат бюджетларига хос бўлган белгилар – иктисодиётга харажатларнинг қисқариши (иктисодиётга давлатнинг аралашуви) ва марказлашган инвестицияларга харажатларнинг ошиб бориши (капитал қўйилмаларни молиялаштириш). Ривожланишнинг бу босқичида бюджет сиёсатининг муҳим йўналишлари: миллий иктисодиёт тармоқларини бегараз молиялаштиришни қисқартириш; марказлаштирилган инвестицияларни кўпайтириш; юкори самарали ишлаб чиқаришларни бу соҳага хусусий ва хорижий капитални жалб этиш орқали ривожлантириш; бозор инфратузилмасини ривожлантириш;

- капитал қўйилмалар таркибида куйидаги чуқур ўзгаришлар юз берди: 1994-1998 йилларда молиялаштириш устувор даражада йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларига йўналтирилган бўлса, 1999 йилдан бошлаб капитал қўйилмалар асосан ижтимоий объектлар қурилишига, транспорт инфратузилмаси ва коммуникацияни ривожлантиришга йўналтирилмоқда, молиялаштириш устувор даражада Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Соғлиқни сақлаш тизимини ислох этиш Давлат дастурини бажаришга йўналтирилмоқда;

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари таъминотига харажатлар 2% даражасида барқарорлашди.

Давлат бюджети харажатлари таркибидаги ижобий силжишлар инфляция суръатларини пасайтириш, қулай инвестиция муҳитини яратиш ва Ўзбекистонда иктисодий ўсишга замин яратиш имконини берди. ЯИМ таркибида давлат харажатларининг улуши 31,3 фоизни ташкил этди.

4. **Баланслашган бюджетни шакллантириш.** Бу босқичнинг муҳим ютуқларидан бири давлат бюджети тақчиллиги ЯИМга нисбатан 2-3% даражасида барқарорлашганидир. Бу давлатнинг самарали бюджет-солиқ сиёсати натижасидир.

Шундай қилиб, 1995-2003 йилларда давлат бюджети иктисодий ва ижтимоий ислохотларни ва молиявий барқарорлаштиришни амалга оширишнинг муҳим воситасига айланди.

### **3.5. Давлат бюджетининг давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш доирасида ривожланиши**

Давлат бюджети ривожланишининг янги босқичига Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йилда қабул қилинган Қарори<sup>90</sup> асос бўлди. Бу қарорнинг

<sup>90</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш" лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2002 йил 26 мартдаги 144-сон Қарори.

асосий мақсадлари: давлат молиясини бошқаришни такомиллаштириш; Давлат бюджети ижросини газначилик тизимига ўтказиш орқали бюджет маблағлари самарали сарфланишини таъминлаш; давлат бюджети тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш.

1. Бюджетни тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш куйидагиларни назарда тутати:

- ўрта муддатли бюджет стратегиясига ўтишга тайёргарликни;
- бюджетни тузиш жараёнига бирламчи миқдорий чеклашларни ишлаб чиқиш босқичини киритишни (бюджетларни тайёрлаш асосларини шакллантириш мақсадида);
- бюджетни режалаштиришнинг дастурий-мақсадли усулини жорий этишни.

Ҳозирги вақтда ушбу усулнинг элементлари алоҳида бюджет маблағларини олувчилар томонидан қўлланилмоқда (масалан, илмий муассасалар, ихтисослашган тиббиёт марказлари ва бошқалар).

Бюджетлаштиришнинг дастурий-мақсадли усули харажатларни режалаштириш ва молиялаштиришнинг смета усулидан натижага йўналтирилган бюджетни режалаштиришга босқичма-босқич ўтишни назарда тутати.

2. Бюджет ижроси жараёнини ислоҳ этиш. Бюджет ижросининг газначилик тизимини жорий этиш куйидаги чора-тадбирларни амалга оширишни тақозо этади:

- бюджетнинг даромадлар ва харажатлар бўйича операцияларини кўпгина тижорат банкларида очилган бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамлари ўрнига Ягона газначилик ҳисобварағида жамлаш;
- газначилик томонидан (Марказий банк ўрнига) бюджетнинг касса ижросини маблағни ажратишдан бошлаб бюджет ижроси тўғрисида ҳисобот тайёрлашга қадар амалга ошириш;
- газначиликнинг ягона ахборот тизимини яратиш;
- бюджет маблағлари мақсадли ишлатилиши устидан дастлабки, жорий ва якуний назоратни амалга ошириш;
- давлат секториди бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи ягона стандартларини яратиш.

Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ этиш лойиҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ) ва Япония

хукумати томонидан амалга оширилиб, улар газначилик ахборот тизимининг функционал ва техник таркибини ишлаб чиқишга грант тақдим этдилар.<sup>91</sup>

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори<sup>92</sup> қабул қилиниб, унда давлат молиясини бошқаришни ислох этиш лойиҳасини янги иштирокчи – Осие таракқиёт банки<sup>93</sup> билан бирга амалга ошириш белгиланди. Давлат молиясини бошқариш (ДМБ)ни ислох этиш стратегияси Ўзбекистон Республикасида ДМБ тизимини назорат қилишни такомиллаштиришдан иборат. Оралиқ мақсад – ДМБ тизимида муҳим жараёнларни қуйидагилар орқали модернизациялаш:

- замонавий марказлаштирилган газначилик тизимини яратиш;
- замонавий, кенг камровли ва ягона бюджет ҳамда ҳисоб тизимини (шу жумладан янги бюджет таснифи ва бухгалтерия ҳисобининг янги режалар сче-тини) жорий этиш;
- ўрта муддатли бюджет стратегияси (ЎБС) ва дастурли бюджетлаштириш-ни жорий этиш.

ДСБҲХСга ва “Давлат молияси статистикаси бўйича Қўлланма”га ХВЖ (ДМСК) 2001 мослашувига босқичма-босқич эришиш 2018 йилда яқунланиши режалаштирилмоқда.

2004 йилнинг 26 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан “Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида”ги Қонуннинг қабул қилиниши бюджет ижроси газначилик тизимига ўтилишига асос солди.

2005 йил май ойида давлат бюджети ижросининг газначилик тизимини босқичма-босқич жорий этишни амалга ошириш мақсадида Методология ва давлат бюджетининг газна ижросини жорий этиш бошқармаси ташкил этилди, ва кейинчалик унинг асосида Молия вазирлиги Газначилиги ташкил этилди.<sup>94</sup> Ҳозирги кунда унинг операциялари бутун республика ҳудудини камраб олган.

Газначилик тўлик жорий этилганидан сўнг, у қуйидаги тўрт йўналиш бўйича фаолият юритиши режалаштирилмоқда:

<sup>91</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш” лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 26 апрелдаги 144-сон Қарори.

<sup>92</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Осие таракқиёт банки иштирокида “Давлат молиясини бошқаришни ислох қилиш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 1 ноябрдаги ПК-721-сон Қарори.

<sup>93</sup> <http://www.adb.org/Documents/RRPs/UZB/41041-UZB-RRP.pdf> (33-б.)

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сон Қарори.



1. Бир қатор марказий молиявий функцияларни бажариш (давлат бошқаруви секторидаги барча ташкилотларнинг тўлов аризаларини қабул қилиш, ҳисобга олиш ва бажариш; давлат бошқаруви секторидаги барча ташкилотларнинг барча киримларини қабул қилиш, ҳисобга олиш ва депонентлаш; Олий Мажлис томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари, шунингдек, Президент ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган норматив ҳужжатлар билан белгиланган доирада миллий валютадаги қарзни, молиявий активларни, шартли мажбуриятларни ва давлат бошқаруви секторининг шартли активларини бошқариш; давлат бошқаруви секторининг молиявий операциялар ва молиявий вазият бўйича раҳбариятга молиявий ҳисоботни тайёрлаш; бюджет ижросини назорат қилиш);

2. Стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш (бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит соҳасида давлат секторини бошқаришга таалуқли стандартларни ишлаб чиқиш ва бунга қўмак бериш);

3. Йўриқномаларни тасдиқлаш (қуйидаги йўналишларда йўриқномаларни тасдиқлашда қўмаклашиш: тўловлар ва тушумларни қайта ишлаш; кассани режалаштириш; кассани бошқариш; тўлов ва тушумларнинг бухгалтерия ва бошқа ҳисоби; молиявий ва бошқарув ҳисоботи; мажбуриятлар устидан назорат; шартли мажбуриятлар ва активлар (кафолатлар ва бошқалар) пайдо бўлишига олиб келувчи операцияларни тасдиқлаш тартиби; ички назорат; ички аудит);

4. Молия вазирлиги учун таклифлар ишлаб чиқиш (ДМБ Стратегиясининг яқуний мақсадларига эришиш учун Ҳазначиликнинг юқорида санаб ўтилган функцияларига тегишли бўлган сиёсатни амалга ошириш бўйича тавсиялар тақдим этиш).

Бюджетни шакллантиришнинг дастурий-мақсадли усулига ўтишнинг асоси бўлиб молиялаштирилиши давлат бюджети маблағлари ҳисобига ҳам амалга ошириладиган иқтисодий, ижтимоий ва бошқа давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва бир маромда амалиётга киритишдир.

**ЎБС ва дастури бюджетлаштириш.** Давлат бюджети кўрсаткичларини ўрта муддатли режалаштиришга ўтиш бўйича ишлар 2004 йилда<sup>95</sup> бошланди, бунда Молия вазирлиги бирламчи экспериментал ЎБСдан фойдаланди. Бу стратегия Молия вазирлигига фискал сиёсатнинг келажакдаги давр учун асоратларини ва сиёсат янги чора-тадбирларининг харажатлар таянч даражаларига таъсирини аниқлашга ёрдам беради. Бирламчи, бу асосан “тепадан-пастга”

<sup>95</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон Қарори.

(ўрта муддатли молиявий стратегия (ЎМС)) типигади лойиха бўлиши режалаштирилмоқда. У Молия вазирлиги ва Иқтисодиёт вазирлигини камраб олиб, барқарор давлат бюджетини таъминлашга, капитал ва жорий харажатлар бюджетини юритишни яхшилаш ва йиллик бюджет бўйича таклифларни амалга оширишга молиявий оқимларни белгилашга қаратилган.

Тармоқ вазирликлари ЎБСни бюджетни тайёрлаш жараёнига “пастантепага” типи бўйича экспериментал дастурлар асосида киритилишини режалаштирилмоқдалар. Бу иш Молия вазирлиги ва танланган тармоқ вазирликларидаги дастлабки экспериментал лойихаларнинг натижаларига асосланиб бюджет таклифларида сиёсатнинг максадлари, устуворликлари ва натижаларига ҳамда харажатлар меъёрларидан фойдаланиш аҳамиятини пасайтиришга йўналтирилгандир. Дастурли бюджетлаштиришни тўлиқ киритиш экспериментал лойихани тўлиқ ва муваффақиятли амалга ошириш тугамагунча ва янги газначилик тизими (таркибида ДМБАТ мавжуд бўлган) киритилмагунча режалаштирилмаган.

**Бухгалтерия ҳисобини ислох этиш.** Бухгалтерия ҳисоби тизими бутун давлат бошқаруви секторига ягона ва халқаро стандартларга мувофиқ бўлиши керак. Қуйидагиларни амалга ошириш режалаштирилмоқда: Ўзбекистон давлат сектори учун бухгалтерия ҳисобининг янги стандартларини ҳисоблаш усули бўйича ДСБХХСга мос равишда қабул қилиш; ДМСҚ 2001га мос қилишга эришиш; давлат бюджети учун ДМСҚ 2001 таснифининг таркиби ақс этган ҳолда касса методи бўйича бухгалтерия ҳисобини киритиш. Бу максадга эришиш учун давлат бошқаруви сектори учун Ягона ҳисоблар режаси (ХР) ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Янги ХР структурасига асос қилиб ДМСҚ 2001 таснифи структураси олинган.

Бухгалтерия ҳисобининг янги тизими аввалгисининг тарқок кўринишида (тизимнинг баъзи қисмлари касса усули билан, баъзи қисмлари эса эскириб қолган ҳисоблаш усули асосида ишламоқда) бўлганлиги учун уни алмаштириш режалаштирилмоқда.

Бухгалтерия ҳисобини ислох этиш қуйидаги афзалликларга олиб келади: такомиллашган молиявий ҳисобот; активлар ва пассивларни яхшиланган бошқариш ва самарадорликни ўлчаш; солиқ-бюджет сиёсати чоратадбирларининг барқарорлиги; молиявий шаффофлик даражасининг ошиши; давлат бошқаруви тизими субъектларининг (давлат бошқаруви органларининг бюджет тизими ва унинг субъектлари) харажатлари бухгалтерия ҳисоби тизими асосларини мустаҳкамлаш.

ДМСҚ 2001 асосида янги бюджет таснифларини кiritиш режалаштирилмоқда. ДМСҚ 2001 асосидаги иктисодий таснифни ДМСҚ 2001 асосидаги функционал тасниф каби ажратмалар мақсадида ишлатилиши режалаштирилмоқда. Бу ҳол мустақил дастурий тасниф кiritилиб, функционал тасниф фақатгина ҳисобот мақсадида фойдаланилиши бошлангунга қадар давом этади.

Молия вазирлиги ислохотлар стратегияси чора-тадбирлари доирасида қуйидагиларни режалаштирган:

- жамият учун очилиши керак бўлган бюджет бўйича ахборотни кўпайтириб ва кенгайтириб бориш;

- давлат бошқаруви тизимининг турли даражалари ўртасида жойлашадиган аниқ қонуний ва институционал ажратувчиларни ишлаб чиқиш. Бунда давлат бошқарувининг минтақавий ва маҳаллий органлари учун трансфертлар ва даромадлар улушини аниқлаш асоси сифатида барқарор ва аниқ мезонлардан фойдаланилади. Дастурий бюджетлаштиришни кiritиш марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ўртасида харажатлар бўйича мажбуриятларни тақсимлашга сезиларли таъсир кўрсатади;

- қонунчилик базасига ўзгартиришлар ва тузатишлар кiritиш (“Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонунга, “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида”ги Қонунга), бу ҳол Ғазначиликни босқичма-босқич кiritилишини ҳисобга олиб, келажакда ушбу икки қонунни давлат молияси бўйича битта қонун ҳужжатига бирлаштиришни назарда тутади.

- ўзгаришлар солиқ тизимига ҳам таъсир кўрсатди. 2005 йилда Ўзбекистон Президенти иктисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири солиқ сиёсатини такомиллаштириш зарурати эканлигини таъкидлади<sup>96</sup>. Шу сабабли, Молия вазирлиги, Иктисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Савдо-саноат палатаси иштирокида амалдаги солиқ қонунчилигини таҳлил қилдилар ва Солиқ кодексини янги таҳрирда тайёрладилар. Унда қуйидаги талаблар ҳисобга олинди: қонунчиликни соддалаштириш; солиқларни унификациялаш; солиқ юқини камайтириш; солиқ бошқарувини такомиллаштириш ва либераллаштириш<sup>97</sup>; иктисодий асосланмаган ва самарасиз солиқ имтиёзларини бекор қилиш; солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ижро этиш бўйича солиқ тўловчиларнинг иктисодий манфаатдорлигини ошириш.

<sup>96</sup> Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маъруза, 2005 йил 28 январь.

<sup>97</sup> Ўша ерда.

Янги Солиқ кодекси 2007 йил 25 декабрда қабул қилиниб, 2008 йил 1 январдан амалга киритилди.

Шундай қилиб, бу босқичнинг асосий вазифаларига қуйидагилар қиради:

1. солиқ сиёсатини янада такомиллаштириш;
2. Давлат молиясини бошқаришни ислох этиш стратегияси доирасида бюджет фаолиятини қуйидагилар ёрдамида ривожлантириш ва такомиллаштириш:

- замонавий марказлаштирилган гозначилик тизимини яратиш;
- замонавий, кенг қамровли ва ягона бюджет ва ҳисоб тизимини (янги бюджет таснифи ва бухгалтерия ҳисобининг янги ҳисоблар счетини ҳам ҳисобга олган ҳолда) жорий этиш;
- ўрта муддатли бюджет стратегияси (ЎМБ)ни ва дастурли бюджетлаштиришни жорий этиш;
- бюджет қонунчилигини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш.

2004-2010 йилларда давлат бюджетининг даромадлар таркибида қуйидаги тенденциялар кўзга ташланади (17-жадвал):

**17-жадвал. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004-2009 йиллардаги даромадлар таркиби (% ҳисобида)<sup>98</sup>**

Бюджет даромадлари турларининг кўрсаткичлари		2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
1.	Тўғри солиқлар	29,0	27,7	27,6	23,9	25,3	26,6	26,1
1.1.	Юридик шахслар даромади (фойдаси)га солиқ	6,9	6,3	5,4	5,1	5,1 <sup>99</sup>	5,2	4,9
1.2.	Савдо ва умумий оватланиш корхоналарининг ялпи даромадига солиқ	2,9	2,0	1,8	2,2	2,0	2,1	2,3 <sup>100</sup>
1.3.	Микрофирмалар ва кичик корхоналардан соддалаштирилган тартибда тўланадиган ягона солиқ тўлови	3,3	2,4	2,4	2,0	2,0	2,5	2,6
1.4.	Жисмоний шахслар даромадига солиқ	12,7	14,1	14,9	13,5	12,5	12,3	11,7

<sup>98</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Асосий макроектисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида" 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сон, 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон, 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон, 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон, 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарорлари маълумотлари асосида тузилган.

<sup>99</sup> 2008 йилдан юридик шахслар фойдасига солиқ.

<sup>100</sup> Савдо ва умумий оватланиш корхоналаридан ягона солиқ тўловидан Давлат бюджетига чегирмалар.

1.5.	Тадбиркорлик билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқ	1,4	1,3	1,4	1,1	1,1	1,0	1,1 <sup>101</sup>
1.6.	Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришга солиқ	1,8	1,6	1,7	2,2	2,5	3,4	3,5
2.	Эгри солиқлар	58,5	49,2	49,1	48,6	50,2	49,5	53,2
2.1.	КҚС	23,1	22,6	25,2	24,7	28,1	29,7	30,4
2.2.	Акциз солиғи	28,7	20,9	18,8	18,0	16,5	14,4	16,7
2.3.	Божхона божи	2,3	2,0	2,1	2,3	3,5	3,5	3,7
2.4.	Жисмоний шахслардан ундирилдиган ягона божхона божи	2,6	1,7	1,2	1,4	-	-	
2.5.	Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ	1,8	1,9	1,9	2,2	2,1	1,9	2,4
3.	Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	10,0	19,0	18,6	18,3	17,1	16,0	15,0
3.1.	Мол-мулк солиғи	2,9	3,3	3,5	3,8	3,3	3,1	2,7
3.2.	Ер солиғи	2,9	2,6	3,4	3,5	2,9	2,6	2,3
3.3.	Ер казридан фойдаланганлик учун солиқ	1,7	10,1	11,5	10,4	10,5	9,8	9,6
3.4.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	0,5	0,4	0,5	0,6	0,5	0,4	0,4
3.5.	Экология солиғи	2,3	2,6	-	-	-	-	-
4.	Кўшимча фойда солиғи	-	-	-	3,2	2,9	2,3	0,2
5.	Бошка даромадлар	1,9	4,1	4,7	3,9	4,5	5,7	5,5
Даромадлар (давлат мақсадли фондларисиз) – жами		100	100	100	100	100	100	100

- Давлат бюджетининг даромадлар қисмида солиқлар катта улушга эга (2004 йилда – 98,1%, 2010 йилда – 94,4%), энг кичик улушга эса солиқсиз даромадлар эга (2004 йилда – 1,9%, 2010 йилда – 5,5%), бу ҳол бозор иқтисодиёти амал қиладиган мамлакатларга ҳосдир;

- бюджетнинг даромадлар қисмида тўғри ва эгри солиқларнинг нисбати, давлатнинг мақсадли жамғармалари даромадларисиз (бундан кейин – бюджет даромадларида) тенглашиш тенденциясига эга (2004 йилда – 39% тўғри солиқлар, 58,8% эгри солиқлар, 2010 йилда – 41,3% ва 53,2%), яъни ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасида солиқ юқини тенглаштириш амалга оширилди;

<sup>101</sup> Алоҳида тадбиркорлик фаолиятлари бўйича қайд қилинган солиқ.

– тўғри солиқлар таркибида қуйидагилар энг катта улушга эга:

- жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи (уларнинг улуши 2006 йилги 14,9 фоиздан 2010 йилда 11,7 фоизгача тебраниб туради), бюджет даромадларида ушбу солиқ улушининг камайиши жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ ставкалари пасайиши натижаси бўлиб, бу ҳол жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози чуқурлашиб бораётган шароитларда жуда муҳимдир;

- 2008 йилгача юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи. 2008 йилдан барча юридик шахслар учун солиқ солиш базаси тенглаштирилди – юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи: юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи ставкаси 2004 йилда 18 фоизни ташкил этиб, бюджет даромадларида шу солиқлар бўйича тушум улуши 6,9 фоизни<sup>102</sup> ташкил этган бўлса, 2010 йилда 9 фоизни<sup>103</sup> ташкил этди, яъни 10 фоизга пасайтирилди. бюджет даромадларида шу солиқлар бўйича тушум улуши 4,9 фоизни ташкил этди, бу ҳолни хўжалик субъектларига солиқ юқини пасайтириш борасидаги давлат сиёсатининг давом этаётганлиги билан тушунтириш мумкин, бу эса жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози чуқурлашиб бораётган шароитларда жуда муҳимдир;

- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ. Даромадлар таркибида ресурслар тўловининг ошиб кетиши (2004 йил 10 фоиздан 2010 йилда 15 фоизгача), хусусан, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг кўпайиши (2004 йил 1,7 фоиздан 2010 йилда 9,6 фоизгача) тўғри солиқ солишда ресурс тўловларига алоҳида аҳамият берилаётганидан далолатдир. Бундан мақсад хўжалик субъектлари томонидан ресурсларни ишлатишда уларни тежамкорликка рағбатлантиришдир;

- 2006 йилдан кам самарали экология солиғи бекор қилинди, чунки уни тўплашга кетаётган харажатлар ундан келиб тушаётган тушумдан катта эди;

- мамлакат бюджетида мол-мулкка солинадиган солиқ улуши жуда кичикдир, бу юридик шахслар ва ўз товар ва хизматларини экспорт қилувчиларга кўплаб имтиёзлар берилиши натижасидир;

- бюджет даромадларида кичик ва ўрта бизнес субъектлари томонидан соддалаштирилган тизим бўйича тўланаётган солиқларнинг улуши ҳам жуда кичик, бу мамлакатда кичик бизнес субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш сиёсати амалга оширилаётганидан далолатдир;

<sup>102</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон Қарори.

<sup>103</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон Қарори.

– бюджет даромадларида эгри солиқларнинг улуши кискариб бормоқда (2004 йилда – 58,5%, 2010 йилда – 53,2%), энг катта улушга кўшилган қиймат солиғи (2004 йилда – 23,1%, 2010 йилда – 30,4%) ва акциз солиғи (2004 йилда – 28,7%, 2010 йилда – 16,7%) эга бўлиб, улар йиғилиши жиҳатидан катта самарага эга;

– таҳлил этилаётган даврда бюджетга тушумлар бўйича энг кам ўсиш суръатлари жисмоний шахслардан ундириладиган ягона божхона тўловида ҳамда савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг ялпи даромадларига солинадиган солиқда қайд этилди. Юқори ўсиш суръатлари – ресурс тўловлари, мол-мулк солиғи, жисмоний шахс даромадларига солиқ ва кўшилган қиймат солиқларида намоён бўлди.

**Давлатнинг бюджет сийсати куйидагиларга йўналтирилгандир:**

– бюджет харажатларининг ижтимоий йўналтирилганлигини янада кучайтириш;

– давлат харажатлари самарадорлиғи ва оптималлигини ошириш. Бунинг учун бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ва манзиллигини ошириш мақсадида бюджетни режалаштириш методларини такомиллаштириш зарур;

– бюджетни ижро этишнинг ғазначилик тизимини киритиш асосида давлат молиясини бошқаришни ва назорат килиш самарали тизимини яратиш;

– иктисодиётдаги таркибий ўзгаришлар харажатларни куйидаги йўналишлар бўйича кенгайтиришни назарда тутати: кишлок хўжалигида иктисодий ислохотларни чуқурлаштириш; суғориладиган деҳқончилик ерларини сув билан таъминлаш; фермер хўжалиқларини ривожлантириш; кишлокда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш; бозор иктисодиёти тамойилларига асосланган кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришини бошқариш ташкилий тузилмасини жорий этиш; кишлок хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларнинг мустакиллигини кенгайтириш;

– марказлашган инвестицияларга харажатларнинг устувор йўналишлари. Улар куйидаги вазифаларни ечиш учун зарур капитал маблағлар ҳажминини оширишни назарда тутати: ЯИМнинг барқарор иктисодий ўсиш суръатларини; бандлик муаммоси ва аҳоли даромадларини ошириш муаммосини; иктисодиётда таркибий ўзгаришларни давом эттиришни; молиявий ресурсларни ишга тушириладиган объектларга йўналтиришни; стратегик ижтимоий дастурларни амалга оширишни;

– бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш.

**18-жадвал. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг  
2004-2010 йиллардаги харажатлар таркиби<sup>104</sup> (% ҳисобда)**

Бюджет харажатлари турларининг кўрсаткичлари		2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
1.	Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш харажатлари – жами:	47,6	50,2	52,3	54,4	53,7	56,6	59,1
1.1.	Ижтимоий-маданий тадбирлар харажатлари	40,1	42,1	43,7	47,5	45,9	47,0	48,4
-	маърифат	27,5	28,6	29,8	32,8	31,6	32,6	33,8
-	соғлиқни сақлаш ва спорт	10,3	10,9	11,5	11,9	11,6	11,8	12,9
-	фан, маданият ва оммавий ахборот воситалари	1,9	2,2	2,0	1,9	1,7	1,2	1,3
-	ижтимоий таъминот	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4
1.2.	Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига мўлжалланган харажатлар	6,9	6,6	6,9	6,9	7,9	9,6	10,4
2.	Иқтисодийётга ва марказлашган инвестицияларни молиялаш харажатлари	24,3	23,2	22,1	20,7	20,6	19,5	17,5
3.	Давлат ҳокимияти, бошқарув, суд ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини таъминлаш харажатлари	2,5	2,7	2,7	2,9	3,3	3,2	3,5
4.	Бошқа харажатлар	25,5	23,8	22,9	21,1	21,5	20,7	19,6
Давлат бюджетининг харажатлари (мақсадли жамғармаларсиз), жами:		100	100	100	100	100	100	100

Бюджет харажатларининг таҳлили куйидагиларни кўрсатди:

– бюджет харажатларидаги катта улуш ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашга тўғри келади ва у ўсиб бориш тенденциясига эга (2004 йилда – 47,6%, 2010 йилда – 59,1%). Бу Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш модели – ижтимоий йўналтирилган модель эканлиги билан изоҳланади ва жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг чуқурлашиб бораётган шароитда унинг таъсирини юмшатиш ва бартараф этиш мақсадида мамлакат ҳукумати бюджетнинг ижтимоий соҳага ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга мўлжалланган харажатларни оширади;

<sup>104</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон, 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сон, 2006 йилги ПҚ-532-сон, 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон, 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон, 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорлари маълумотларидан фойдаланиб тузилган.



- ижтимоий соҳага оид харажатларнинг асосий қисми ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматларга – яъни маърифат (2004 йил – 27,5%, 2010 йил – 33,8%), соғлиқни сақлаш ва спортга (2004 йилда – 10,3%, 2010 йилда – 12,9%) тўғри келади;

- Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолини қўллаб-қувватлаш аҳоли учун ижтимоий аҳамиятга эга бўлган хизматларнинг нархлари тафовутини бюджетдан қоплаш йўли билан, шунингдек, оилаларга (болали оилаларга ҳам) ижтимоий нафақалар тўлаш орқали амалга оширилади. Таҳлил этилаётган даврда аҳолига қийматлар ва нархлар орасидаги фарқни бюджетдан қоплаш қисқариб борди, лекин бюджет харажатларида оилаларга бериладиган ижтимоий нафақалар улуши ошиб борди. Бунга асосий сабаб, аҳолини ижтимоий химоялаш тизимида бюджет дотацияларидан адресли моддий химоялашга оид ажратмаларга ўтилишидир. Бу чора-тадбирлар ижтимоий адолат тамойилини таъминлаб, аҳолининг ўртача турмуш даражаси ўсишига олиб келади;

- бюджет харажатларида иктисодиётга ва марказлашган инвестицияларга оид харажатлар улуши таҳлил этилаётган даврда пасайди (2004 йилда – 24,3%, 2010 йилда – 17,5%), бу ҳолат таълим ва соғлиқни сақлаш тизимида муҳим ижтимоий дастурлари татбиқ этилишининг яқунланиши билан қисман изоҳланади;

- бюджет харажатларида бошқа харажатлар катта улушга эга, унинг таркибига: муҳофаага, ташқи иктисодий фаолиятга оид харажатлар, экспортчиларга ҚҚСни қоплаш, статистик ишларни амалга ошириш учун давлат буюртмаси, жорий давлат қарзини бошқариш ва бошқалар қиради. Таҳлил этилаётган даврда ушбу харажатларнинг улуши пасайиб борди (2004 йилда – 25,5%, 2010 йилда – 19,6%).

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, 2004–2010 йиллар оралигида давлат бюджети тақчиллигининг юқори чегараси Ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1 фоиз ҳажмда режалаштирилган бўлиб, уни бюджет йили бошида республика бюджети маблағларининг бўш қолдиқлари ва бошқа ноинфляцион манбалари орқали қоплаш белгиланган.<sup>105</sup>

Давлат бюджети тақчиллигини ноинфляцион қоплаш манбаларини кенгайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларидан самарали фойдаланиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўзбекистон Республикаси давлат ўрта муддатли газначилик мажбурият-

<sup>105</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон, 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 27 декабрдаги ПҚ-244-сон, 2006 йилги ПҚ-532-сон, 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон, 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон, 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорларига мувофиқ.

ларини чиқариш тўғрисида” 2004 йил 10 январдаги 11-сон Қарори қабул қилинди ва унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2004 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли назоратли мажбуриятларини чиқармоқда.

2005 йилдан бери Ўзбекистон Давлат бюджети профицит билан ижро этилмоқда, унинг ҳажми 2005 йилда ЯИМга нисбатан 0,1 фоизни ташкил этди ва 2008 йилда ЯИМга нисбатан 1,5 фоизгача<sup>106</sup> кўтарилди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози чуқурлашиб боришига қарамасдан Ўзбекистон Инкирозга қарши чоралар дастуридаги (2009-2012 йиллар) чора-тадбирларлиги ўз вақтида амалга ошираётганлиги туфайли 2009 йилда ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсган, инфляция даражаси 2009 йилда белгиланган чегарадан ошмасдан 7,4 фоизни ташкил этган, Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан ижро этилган оз сонли мамлакатлар қаторидан ўрин олди.<sup>107</sup>

### Назорат саволлари

1. Мустиқил Ўзбекистон бюджет тизими ривожланишининг асосий даврларига тавсиф беринг.

2. Ўзбекистон бюджети ривожланишининг фискал босқичига тавсиф беринг.

3. Давлат бюджети ривожланишининг фискал босқичида давлат бюджетининг даромадлар таркибида қандай ўзгаришлар юз берди?

4. Давлат бюджети ривожланишининг фискал босқичида давлат бюджетининг харажатлар таркибида қандай ўзгаришлар юз берди?

5. Ўзбекистон бюджети ривожланишининг иккинчи босқичида макроиқтисодий барқарорликни таъминловчи бюджет чора-тадбирларига тавсиф беринг.

6. Давлат молиясини бошқаришни ислох этишга асос бўлган меъёрий ҳужжатларни санаб ўтинг.

7. Давлат молиясини бошқаришни ислох этишнинг асосий мақсадларини айтиб беринг.

8. Давлат молиясини бошқаришни ислох этиш Стратегиясининг якуний ва оралик мақсадларини айтиб беринг.

9. Давлат молиясини бошқаришни ислох этиш доирасида давлат бюджетини ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирларни санаб ўтинг.

<sup>106</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

<sup>107</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2010 йил 1 февраль.

10. Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ этиш Стратегияси доирасида бюджетни тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ёритиб беринг.

11. Ўзбекистоннинг янги Солиқ кодексини ишлаб чиқиш зарурати нимадан келиб чиққан?

12. Янги Солиқ кодексини ишлаб чиқишга қўйилган асосий талабларни айтиб беринг.

## **Адабиётлар**

### **Махсус адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда // “Биз келажатимизни ўз қўлимиз билан курашимиз” китобида. Т. 7. – Т.: “Ўзбекистон”, 1999.

2. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлисидаги маъруза, 2005 йил 28 январь.

### **Асосий адабиётлар**

3. Государственный бюджет: Учебник /А.В. Вахабов, З.Х. Срожиддинова. 2-е изд., перераб. и доп. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.

4. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник / О.В.Врублевская и др.; - 3 изд., испр. и перераб. – М.: Юрайт-Издат, 2003.

5. <http://www.adb.org/Documents/RRPs/UZB/41041-UZB-RRP.pdf> Стратегия реформы управления государственными финансами.

### **Норматив ҳужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

7. “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 913-ХII-сон Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” 2000 йил 14 декабрдаги 158-II-сон Қонуни.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг аҳолисига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисида” 1994 йил 31 августдаги ПФ-940-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишларни тўғрисида” 1994 йил 30 ноябрдаги ПФ-1014-сон Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Осиё тараккиёт банки ишти-рокида “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга оши-риш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 1 ноябрдаги ПҚ-721-сон Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон Қарори.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Асосий макроектисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2005 йил 27 декаб-рдаги ПҚ-244-сон, 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон, 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон, 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон, 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон қарорлари.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Рес-публикасининг Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2002 йил 30 декаб-рдаги 455-сон, 2003 йил 25 декабрдаги 567-сон, 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорлари.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташқи-лотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарори.

17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ қилиш” лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 26 апрелдаги 144-сон Қарори.

3-илова<sup>108</sup>

**1998 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари**

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг уч қарра миқдоригача*	даромад суммасининг 15 фоизи
Энг кам иш ҳақининг уч қарра миқдори (+1 сўм)дан беш қарра миқдоригача*	уч қарра миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақининг уч қарра миқдоридан ошган суммадан 25 фоиз
Энг кам иш ҳақининг беш қарра миқдори (+1 сўм)дан ўн қарра миқдоригача*	беш қарра миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақининг беш қарра миқдоридан ошган суммадан 35 фоиз
Энг кам иш ҳақининг ўн қарра миқдори (+1 сўм)дан ўн беш қарра миқдоригача*	ўн қарра миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақининг ўн қарра миқдоридан ошган суммадан 40 фоиз
Энг кам иш ҳақининг ўн беш қарра миқдори (+1 сўм)дан ва ундан юқори*	ўн беш қарра миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақининг ўн беш қарра миқдоридан ошган суммадан 45 фоиз

<sup>108</sup> 3-Бобнинг 3.3-бандига илова.

\* Солиқ солиш мақсадида минимал иш ҳақининг ҳажми йил бошидан бошлаб ўсиб бориш яқуни бўйича ҳисобга олинади (тегишли давр учун йил бошидан буён минимал иш ҳақларининг ойлик ҳажмлари суммаси).

1998 йилнинг январь ойида минимал иш ҳақи 750 сўмни ташкил этган.

### 1999 йилда жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ставкалари

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг уч карра миқдоригача*	даромад суммасининг 15 фоизи
Энг кам иш ҳақининг уч карра миқдори (+1 сўм)дан беш карра миқдоригача*	уч карра миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақининг уч карра миқдоридан ошган суммадан 25 фоиз
Энг кам иш ҳақининг беш карра миқдори (+1 сўм)дан ўн карра миқдоригача*	беш карра миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақининг олти карра миқдоридан ошган суммадан 36 фоиз
Энг кам иш ҳақининг ўн карра миқдори (+1 сўм)дан ўн беш карра миқдоригача*	ўн карра миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақининг ўн карра миқдоридан ошган суммадан 40 фоиз
Энг кам иш ҳақининг ўн беш карра миқдори (+1 сўм)дан ва ундан юқори*	ўн беш карра миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақининг ўн беш карра миқдоридан ошган суммадан 45 фоиз

\* Солиқ солиш мақсадида минимал иш ҳақининг ҳажми йил бошидан бошлаб ўсиб бориш яқуни бўйича ҳисобга олинади (тегишли давр учун йил бошидан буён минимал иш ҳақларининг ойлик ҳажмлари суммаси).

1999 йилнинг январь ойида минимал иш ҳақи 1320 сўмни ташкил этган.

### 2000 йилда жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ставкалари<sup>109</sup>

Солиқ солинадиган даромад миқдори	Солиқ суммаси
Энг кам иш ҳақининг уч карра миқдоригача	даромад суммасининг 15 фоизи
Энг кам иш ҳақининг уч карра миқдори (+1 сўм)дан беш карра миқдоригача	уч карра миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақининг уч карра миқдоридан ошган суммадан 25 фоиз
Энг кам иш ҳақининг беш карра миқдори (+1 сўм)дан ўн карра миқдоригача	беш карра миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақининг беш карра миқдоридан ошган суммадан 36 фоиз
Энг кам иш ҳақининг ўн карра миқдори (+1 сўм)дан ва ундан юқори	ўн карра миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақининг ўн карра миқдоридан ошган суммадан 40 фоиз

<sup>109</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш шкаласини такомиллаштириш тўғрисида” 1999 йил 31 декабрдаги ПФ-2472-сон Фармониغا Илова.

\* Солиқ солиш мақсадида минимал иш ҳақининг ҳажми йил бошидан бошлаб ўсиб бориш яқини бўйича ҳисобга олинади (тегишли давр учун йил бошидан бўён минимал иш ҳақларининг ойлик ҳажмлари суммаси).

2000 йилнинг январь ойида минимал иш ҳақи 1750 сўмни ташкил этган.

### 2001 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари<sup>110</sup>

Жами даромад миқдори (Битта энг кам иш ҳақини чиқариб ташламаган ҳолда)	Солиқ суммаси
Энг кам иш ҳақининг тўрт карра миқдоригача	Даромад суммасининг 12 фоизи
Энг кам иш ҳақининг тўрт карраси (+1 сўм)дан саккиз карра миқдоригача	Тўрт каррасидан солиқ + энг кам иш ҳақининг тўрт карра миқдоридан ошадиган суммадан 25 фоиз
Энг кам иш ҳақининг саккиз карраси (+1 сўм)дан ва ундан юқори	Саккиз каррасидан + энг кам иш ҳақининг тўрт карра миқдоридан ошадиган суммадан 36 фоиз

\* 2001 йилнинг январь ойида минимал иш ҳақи 2450 сўмни ташкил этган.

### 2002 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

Жами даромад миқдори (Битта энг кам иш ҳақини чиқариб ташламаган ҳолда)	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг тўрт барава- ригача миқдорда	Даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш ҳақининг тўрт барава- ридан (+1 сўм) саккиз бараварига- ча миқдорда	Тўрт баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг тўрт бараваридан ошадиган суммадан 23 фоиз
Энг кам иш ҳақининг саккиз бара- вари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Саккиз баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн баравари- дан ошадиган суммадан 33 фоиз

\* 2002 йилнинг январь ойида минимал иш ҳақи 3430 сўмни ташкил этган.

### 2003 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

Жами даромад миқдори (Битта энг кам иш ҳақини чиқариб ташламаган ҳолда)	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг беш барава- ригача миқдорда	Даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш ҳақининг беш барава- ридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	Беш баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошадиган суммадан 22 фоиз

<sup>110</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жисмоний шахслар даромадларига солиқ солиш шкаласини такомиллаштириш тўғрисида” 2000 йил 26 декабрдаги ПФ-2793-сон Фармониغا Илова.

Энг кам иш хакининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш хаки миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 32 фоиз
--	---

\* 2003 йилнинг январь ойида минимал иш хаки 4535 сўмни ташкил этган.

#### 2004 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш хакининг беш бараваригача миқдорда	Даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш хакининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	Беш баравар миқдордан солиқ + энг кам иш хаки миқдорининг беш бараваридан ошадиган суммадан 21 фоиз
Энг кам иш хакининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш хаки миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 30 фоиз

2004 йилнинг январь ойида минимал иш хаки 5440 сўмни ташкил этган.

#### 2005 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш хакининг беш бараваригача миқдорда	Даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш хакининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	Беш баравар миқдордан солиқ + энг кам иш хаки миқдорининг беш бараваридан ошадиган суммадан 21 фоиз
Энг кам иш хакининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш хаки миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 30 фоиз

\* 2005 йилнинг январь ойида минимал иш хаки 6530 сўмни ташкил этган.

#### 2006 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш хакининг беш бараваригача миқдорда	Даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш хакининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда	Беш баравар миқдордан солиқ + энг кам иш хаки миқдорининг беш бараваридан ошадиган суммадан 18 фоиз
Энг кам иш хакининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш хаки миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 25 фоиз

\* 2006 йилнинг январь ойида минимал иш хаки 9400 сўмни ташкил этган.

**2007 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари**

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг беш бараваригача миқдорда	Даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш ҳақининг беш бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда*	Беш баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг беш бараваридан ошадиган суммадан 20 фоиз
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 29 фоиз

\* 2007 йилнинг январь ойида минимал иш ҳақи 12420 сўмни ташкил этган.

**2008 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари**

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг олти бараваригача миқдорда	Даромад суммасининг 13 фоизи
Энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда*	Олти баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваридан ошадиган суммадан 18 фоиз
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 25 фоиз

\* 2008 йилнинг январь ойида минимал иш ҳақи 18630 сўмни ташкил этган.

**Изоҳ:** 1. Жисмоний шахсларнинг даромадларига солинадиган солиқ суммасини ҳисоблаш мақсадлари учун энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан эътиборан ортиб борувчи яқун билан ҳисобга олинади (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақи суммаси).

2. Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган жисмоний шахсларнинг даромадларига солиқ суммаси, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказиладиган, жисмоний шахсларнинг даромад солиғи солинадиган даромадларидан 1% миқдорида ҳисобланадиган ойлик мажбурий бадаллар суммасига қамайтирилади.

**2009 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари**

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг олти бараваригача миқдорда	Даромад суммасининг 12 фоизи
Энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда*	Олти баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваридан ошадиган суммадан 17 фоиз
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 22 фоиз

\* 2009 йилнинг январь ойида минимал иш ҳақи 28040 сўмни ташкил этган.



**Изоҳ:** 1. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммасини ҳисоблаб чиқариш мақсадида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан ортиб боровчи яқун билан ҳисобга олинади (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойи учун энг кам иш ҳақининг жами суммаси).

2. Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи суммаси, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан 1% миқдорида ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

### 2010 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг олти бараваригача миқдорда	Даромад суммасининг 11 фоизи
Энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда*	Олти баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваридан ошадиган суммадан 17 фоиз
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 22 фоиз

\* 2010 йилнинг январь ойида минимал иш ҳақи 37680 сўмни ташкил этган.

## 4-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ДАРОМАДЛАРИ

### 4.1. Давлат бюджети даромадлари тушунчаси ва таркиби

**Бюджет даромадлари** – бу давлат бюджет тизимининг бюджетларига қонун ҳужжатларида белгиланган бегаразлик ва қайтариб бермаслик тартибда келиб тушадиган пул маблағлари. Бюджет даромадлари солиқ ва солиқсиз даромадлардан иборат, шунингдек уларга бегараз пул ўтказмалари ҳам қиради.

**Солиқ** – бу (давлат / маҳаллий) бюджетга мажбурий бадал бўлиб, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади. Солиқлар, ўз моддий мазмунига кўра, миллий даромаднинг хўжалик субъектларидан ва аҳолидан умумдавлат эҳтиёжлари учун ундириладиган қисмидир.

**Солиқли даромадларнинг асосий манбаси** янгидан яратилган қиймат ва уни бирламчи тақсимлаш натижасида олинган даромадлар (фойда, иш хақи, қўшилган қиймат, ссуда фоизи, рента, дивидендлар ва бошқалар), шунингдек жамғармалардир.

**Солиқлар қуйидаги белгиларга қараб таснифланиши** мумкин (22-схема):

– ҳокимият органларининг ваколат даражасига кўра (давлат, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар / федерал, федерация субъектлари ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар);

– зиммага юкланишига кўра (тўғри ва эгри солиқлар);

– тўланиш манбасига кўра (товар нархининг ошиши, маҳсулот таннархининг ошиши, молиявий натижалар, соф фойдага нисбатан солиқлар);

– ундирилиш даврийлигига кўра (мунтазам ва номунтазам солиқлар);

– солиқ солиш объектига кўра (даромад, капитал, ер, хўжалик обороти, алоҳида товарлар);

– солиқ тўловчиларга кўра (жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар, юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар, шунингдек аралаш – жисмоний ва юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар);

– бошқа солиқлар.

**Бюджетнинг солиқсиз даромадлари** асосан давлатнинг иқтисодий фаолияти ва бюджет тизимининг турли даражаларида олинган даромадлар қайта тақсимланиши натижасида пайдо бўлади. Кўпгина солиқсиз даромадлар доимий фискал хусусиятга эга эмас ва уларнинг қатъий белгиланган ставкаси йўқ.

## 22-схема. Солиқларнинг таснифий белгилари ва таснифланishi

**Солиқларнинг таснифий белгилари ва таснифланishi**

**хокимият органларининг ваколат даражасига кўра**  
(давлат, маҳаллий солиқлар ва йиғимлар / федерал, федерация субъектлари ва маҳаллий солиқлар ва йиғимлар);

**зиммага юкланишига кўра**  
(тўғри ва эгри солиқлар)

**тўланиш манбасига кўра**  
(товар нархининг ошиши, махсулот таннархининг ошиши, молиявий натижалар, соф фойдага нисбатан солиқлар);

**ундирилиш даврийлигига кўра**  
(мунтазам ва номунтазам солиқлар);

**солиқ тўловчиларга кўра**  
(жисмоний шахслар томонидан тўланадиган солиқлар, юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар, шунингдек аралаш – жисмоний ва юридик шахслар томонидан тўланадиган солиқлар);

**солиқ солиш объектига кўра**  
(даромад, капитал, ер, хўжалик обороти, алоҳида товарлар).

**Бюджетнинг солиқсиз даромадлари куйидаги белгиларга кўра таснифланади:**

- худудий белги, бюджетнинг белгиланган даражасига ўтказиш;
- жалб қилиш ва шакллантириш (мажбурий ва ихтиёрий);
- солиқсиз тушумларни шакллантирувчи, тўловларни ундириш учун асос қилинган (давлат мулкани сотишдан келиб чиққан даромад).


Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатлар бюджетининг даромадларида солиқлар устувор ўринга эгадир. Ҳозир дунёда солиқлар бюджет тушумларининг 80-90 фоизни ташкил этади ва Ўзбекистонда ҳам бундан истисно эмас.

Ўзбекистонда солиқ деганда, Солиқ кодексига мувофиқ, муайян микдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва бегараз ху-

сусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунлади. **Бошқа мажбурий тўловлар** деганда, давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан тўловчиларга нисбатан юридик аҳамиятга молик фаолиятни амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади.<sup>111</sup>

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари қуйидагилардир:<sup>112</sup>

23-схема. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг элементлари<sup>113</sup>



Ҳар бир солиқ ёки бошқа мажбурий тўловга татбиқан солиқ тўловчилар ва солиқларнинг элементлари белгиланади.

**Солиқ солиш объекти** солиқ тўловчида солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов ҳисоблаб чиқарилиши ва (ёки) тўланиши юзасидан мажбурият келтириб чиқарувчи мол-мулк, фаолият натижасидир.

**Солиқ солинадиган база** солиқ солиш объектининг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкасига татбиқан белгиланган кўрсаткичлардаги қиймат, миқдор, физик ва бошқа тавсифларини ифодалайди.

<sup>111</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 12-модда.

<sup>112</sup> Ўша ерда. 24-модда.

<sup>113</sup> Ўша ерда. 24-модда.

**Ставка** солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фойзалардаги ёки мутлақ суммадаги миқдорни ифодалайди.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари, агар Солиқ кодексида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш тартиби **солиқ даври** учун солиқ солинадиган базадан, ставкадан, шунингдек имтиёзлар мавжуд бўлса, шу имтиёزلардан келиб чиқиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини ҳисоблаш қондаларини белгилайди.

Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчи томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

**Солиқ даври** у тутаганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган даврдир.

**Солиқ даври** бир неча ҳисобот даврига бўлиниши мумкин бўлиб, уларнинг якуналари бўйича ҳисоб-китобларни тақдим этиш ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўланиши лозим бўлган суммаларини тўлаш мажбурияти юзага келади.

Қонунчиликда назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича **имтиёзлар** деб эътироф этилади.

Ўзбекистон Республикаси **Давлат бюджети даромадлари** икки қисмдан иборат: давлат мақсадли жамғармалари ҳисобга олинмаган даромадлар ва давлат мақсадли жамғармалари даромадлари. Булар қуйидаги умумбелгиланган солиқлардан иборат:<sup>114</sup>

1. юридик шахслардан олиннадиган фойда солиғи;
2. жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи;
3. қўшилган қиймат солиғи;
4. акциз солиғи;
5. ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
6. сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ;
7. мол-мулк солиғи;
8. ер солиғи;

<sup>114</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 23-модда.

9. ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;  
10. жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинadиган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар.<sup>115</sup>

1. ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар (ягона ижтимоий тўлов; фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадаллари; бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар);

2. Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар (Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар; Республика йўл жамғармасига йиғимлар);

3. давлат божи;

4. божхона тўловлари;

5. айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Ўзбекистонда корхоналарнинг алоҳида тоифалари учун солиқ солишнинг махсус тартиби белгиланган бўлиб, улар солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини назарда тутди.

**Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби** – солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланadиган ҳамда айрим турдаги солиқларни хисоблаб чиқиш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби.<sup>116</sup>

Соддалаштирилган тартибда тўланадиган солиқларга қуйидагилар кирadi:

- ягона солиқ тўлови;
- ягона ер солиғи;
- тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби қуйидагиларга нисбатан қўлланилади: микрофирмалар ва кичик корхоналар; савдо ва умумий овқатланиш корхоналари; тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турлари билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар.

<sup>115</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 23-модда

<sup>116</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 22-модда.

## 4.2. Ўзбекистон давлат бюджетининг солиқли даромадлари: таркиби ва тавсифи

Ўзбекистон Республикасининг солиқли даромадлари куйидагилардир:

1. **тўғри солиқлар** (юрidik шахслардан олинадиган фойда солиғи; жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; мол-мулкка солинадиган солиқ; ер қазридан фойдаланганлик учун солиқ; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ; ер солиғи; ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи; соддалаштирилган тартибда тўланадиган солиқ);

2. **эгри солиқлар** (кўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ).

### 1. Тўғри солиқлар.

**1.1. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи** – умумдавлат солиғи, Ўзбекистон Республикасининг “Қорхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида” 1991 йил 15 декабрдаги 225-ХII-сон Қонуни билан жорий этилган

Юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи 1995 йил январдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида” 1994 йил 30 ноябрдаги ПФ-1014-сон Фармони билан жорий этилган.

2008 йилдан буён – юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи<sup>117</sup>.

**Фойда солиғи тўловчи** юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари; Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даромадларни оладиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Нотижорат ташкилотлар ва солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган юридик шахслар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўловчилар бўлмайди.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг **объекти** – Ўзбекистон Республикаси резидентларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг фойдаси; Ўзбекистон Республи-

<sup>117</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. ЎЗРнинг 2007 йил 25 декабрдаги. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. V бўлим.

қаси резидентларнинг ва норезидентларнинг чегирмалар қилинмаган ҳолда тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадлари.

**Солиқ солинадиган база** жами даромад билан чегириб ташланадиган харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида, солиқ солинадиган фойданинг камайтирилиши суммалари инobatта олинган ҳолда ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган фойдадан келиб чиқиб белгиланади. Агар ўтган солиқ даврларига тегишли, лекин жорий солиқ даврига ўтказилиши лозим бўлган зарарлар мавжуд бўлса, унда солиқ солинадиган база ўтказиладиган зарарлар суммасига камайтирилади.

**Жами даромадга** қуйидагилар қиради: товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан олинадиган даромадлар ва бошқа даромадлар.

Товарларни (ишларни, хизматларни) **реализация қилишдан олинадиган даромадга** қуйидаги ҳолларда тузатиш киритилади: товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда; битим шартлари ўзгарганда; баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи чегирмадан (скидкадан) фойдаланганда; бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

**Бошқа даромадларга** товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган даромадлар қиради, улар қуйидагилардан иборат: солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки чиқиб кетишидан олинадиган даромадлар; мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромадлар; асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромадлар; ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги ҳосил бўлган даромадлар; дивидендлар ва фойзалар; роялти ва бошқа даромадлар.<sup>118</sup>

Солиқ солинадиган фойдани аниқлашда солиқ тўловчининг харажатлари чегириб ташланади.

Солиқ тўловчининг харажатлари чегириб ташланадиган (моддий харажатлар; меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари; амортизация харажатлари; бошқа харажатлар<sup>119</sup>) ва чегириб ташланмайдиган<sup>120</sup> харажатларга бўлинади.

Қуйидагиларнинг даромадлар ва харажатларини аниқлашда ўзига хос хусусиятлар бор: кредит ва сугурта ташкилотлари, кимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва Ўзбекистон Республикаси норезидентлари даромадларини солиққа тортиш, дивидендлар ва фойзалар, оддий шерикчилик иштирокчиларининг даромадлари.

<sup>118</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 132-модда.

<sup>119</sup> Уша ерда. 145-модда.

<sup>120</sup> Уша ерда. 147-модда.



Фойда солиғи ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Асосий макроектисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланади.

Солиқ ставкалари динамикаси уларнинг пасайиш тенденциясига эга эканлигини намойиш этади: 1995 йилда юридик шахсларнинг фойдаларига солиқ ставкаси 38 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда – 10% ва 2010 йилда – 9 фоизни ташкил этган.

**19-жадвал. 2010 йилда юридик шахслардан олинадиган  
фойда солиғи ставкалари**<sup>121</sup>

N	Тўловчилар	Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан фо- изда
1.	Юридик шахслар (2-3-бандларда назарда тутилганларидан ташқари)	9
2.	Тижорат банклари	15
3.	Аукционлар ўтказишдан, гастроль-концерт фаолияти билан шугулланишга лицензияси бўлган юридик ва jisмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар	35
4.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган хом ашё маҳсулотларидан ташқари) экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъий назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши куйидаги миқдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун:	
	- сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30 фоизга пасайтирилади
	- сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50 фоизга пасайтирилади
5.	1-бандда кўрсатилган хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун, пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10 фоизга пасайтирилади

Ўзбекистон Республикаси норезидентининг тўлов манбаида солиқ солинадиган даромадларига куйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:

1) дивидендлар ва фоизларга – 10 фоиз;

<sup>121</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 7-илова.

2) суғурта қилиш, биргаликда суғурта қилиш ва қайта суғурта қилиш шартномалари бўйича суғурта мукофотларига – 10 фоиз;

3) халқаро алоқа учун телекоммуникациялар, халқаро ташишларга (фрахтдан олинган даромадларга) – 6 фоиз;

4) доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган Ўзбекистон Республикаси норезидентнинг даромадларига<sup>122</sup> – 20 фоиз.

Фойда солиғи тўловчиларнинг алоҳида тоифалари учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан имтиёзлар<sup>123</sup>, солиқ солиш базасини камайтириш<sup>124</sup> ва зарарларни ўтказишга рухсат берилган.

Солиқ тўловчи кўрилган зарарларни ушбу зарар кўрилган солиқ давридан бошлаб кейинги беш йил ичида келгусига тақсимлаб ўтказишни амалга оширишга ҳақлидир.

Календарь йил солиқ давридир. Йилнинг чораги ҳисобот давридир.

**1.2. Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи** – умумдавлат солиғи бўлиб, 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон ССР фуқароларидан, ажнабий фуқаролардан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинган даромад солиғи тўғрисида” 1991 йил 15 февралдаги 227-ХII-сон Қонуни билан жорий этилган.

Солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи тўловчилардир.

Жисмоний шахсларнинг қуйидаги даромадлари (якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятдан олинган жисмоний шахсларнинг даромадидан ташқари) **солиқ солиш объектидир**: Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва ундан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари; Ўзбекистон Республикаси норезидентларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги манбалардан олинган даромадлари.

**Солиқ солинадиган база** жами даромаддан келиб чиқиб солиқ солишдан озод қилинган даромадлар чегирилган ҳолда аниқланади.<sup>125</sup>

Жисмоний шахснинг чет эл валютасида ифодаланган даромадлари даромадлар амалда олинган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган курс бўйича миллий валютада қайта ҳисоблаб чиқилади.

<sup>122</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 160-модда.

<sup>123</sup> Ўша ерда. 158-модда.

<sup>124</sup> Ўша ерда. 159-модда.

<sup>125</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 179, 180-моддалар.

**Жисмоний шахсларнинг жами даромадига** куйидагилар киради: меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар; мулкий даромадлар; моддий наф тарзидаги даромадлар; бошқа даромадлар.

Меҳнат шартномаларига ёки ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш предмети бўлган фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномаларга мувофиқ жисмоний шахсларга ҳисобланадиган ва тўланадиган барча тўловлар **меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар** деб эътироф этилади. Меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадларга куйидагилар ҳам киради: рағбатлантириш хусусиятига эга бўлган тўловлар; компенсация тўловлари (компенсация); ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш (таътилда ҳақ тўлаш; давлат ёки жамоат вазифаларини бажарганлик учун меҳнатга ҳақ тўлаш; моддий ёрдам тўлови ва бошқалар)<sup>126</sup>.

Жисмоний шахсларнинг **мулкий даромадлари** таркибига куйидагилар киради: фоидалар; дивидендлар; мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар; жисмоний шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган мол-мулкни реализация қилишдан олинган даромадлар; саноат мулки объектларига берилган патент (лицензияни сотишдан олинган даромад); роялти; кимматли қоғозларни реализация қилишдан тушган даромадлар ва юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушини (пайини) реализация қилишдан олинган даромадлар; хусусий корхона мулкдори, фермер хўжалиги бошлиғи, ҳамда хусусий амалиёт билан шуғуллианувчи нотариус томонидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан сунг ихтиёрида қоладиган фойда суммаси.

Солиқ тўловчи томонидан **моддий наф тарзида олинган даромадлар** куйидагилардир: юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкий ҳуқуқларни тўлаш (жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш; коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг қийматини қоплаш; озик-овқат, ойлик йўл чипталари ҳақини тўлаш ёки қийматини қоплаш; санаторий-курортларда даволаниш йўланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга катнаб даволаниш ҳақини тўлаш ёки уларнинг қийматини қоплаш; юридик шахснинг жисмоний шахс даромади бўлган бошқа харажатлари); совғалар, солиқ тўловчининг манфаатларини кўзлаб, бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар қиймати; конун ҳужжатларига мувофиқ ходимларга темир йўл, авиация, дарё, автомобиль

<sup>126</sup> 175-модда.

транспортни ва шаҳар электр транспортда юриш бўйича бериладиган имтиёзлар суммаси ва бошқалар.<sup>127</sup>

Жисмоний шахсларнинг **бошқа даромадлари** жумласига қуйидагилар қиради: пенсиялар ва конун ҳужжатларида белгиланган нафақалар; стипендиялар; донорлик учун пул мукофотлари; алиментлар; мусобакаларда, кўрикларда, танловларда совринли ўринлар учун бериладиган совринлар, пул мукофотлари; ютуқлар; грантлар бўйича олинган суммалар; жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари; ишдан бўшатиш нафақаси ва бошқа тўловлар.<sup>128</sup>

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг қуйидаги даромадлари: мулкӣ даромад, фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олинган даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солилмаган бўлса; иккита ёки ундан кўп манбадан олинган даромадлар; Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадларга декларация асосида солиқ солинади. Агар солиқ тўловчининг асосий бўлмаган иш жойидан олган даромадларидан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи белгиланган энг юқори ставка қўлланилган ҳолда унинг аризасига кўра ушлаб қолинган бўлса, даромадлар тўғрисида декларация тақдим этилмайди.

Жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ставкалари дифференциациялашган ва ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланади.

2010 йилда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ставкалари 20-жадвалда келтирилган. Жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиқ ставкасининг динамикаси ушбу дарсликнинг 3-бобига 3-иловада кўрсатилган.

**20-жадвал. 2010 йилда жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи ставкалари<sup>129</sup>**

Солиқ солинадиган даромад	Солиқ ставкаси
Энг кам иш ҳақининг олти бараваригача миқдорда	Даромад суммасининг 11 фоизи

<sup>127</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 177-модда.

<sup>128</sup> Уша ерда. 178-модда.

<sup>129</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 8-илова.

Энг кам иш ҳақининг олти бараваридан (+1 сўм) ўн бараваригача миқдорда*	Олти баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг олти бараваридан ошадиган суммадан 17 фойз
Энг кам иш ҳақининг ўн баравари (+1 сўм) ва ундан юқори миқдорда	Ўн баравар миқдордан солиқ + энг кам иш ҳақи миқдорининг ўн бараваридан ошадиган суммадан 22 фойз

\* 01.01.2010 йилда минимал иш ҳақи 37 680 сўмни ташкил этган.

1. Жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммасини ҳисоблаб чиқариш мақсадида энг кам иш ҳақининг миқдори йил бошидан ортиб борувчи якун билан ҳисобга олинadi (йил бошидан тегишли даврнинг ҳар бир ойин учун энг кам иш ҳақининг жами суммаси).

2. Белгиланган ставкалардан келиб чиқиб ҳисобланган, бюджетга тўланадиган жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи суммаси, фуқароларнинг шахсий жамғариб борилadиган пенсия ҳисоб варақларига ўтказилadиган, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи солинадиган даромадларидан 1% миқдорда ҳисоблаб чиқариладиган ҳар ойлик мажбурий бадаллар суммасига камайтирилади.

**Жисмоний шахснинг – Ўзбекистон Республикаси порезидентининг Ўзбекистон Республикасидаги даромадлар манбаидан олинган, доимий муассаса билан боғлиқ бўлмаган даромадларига манбанинг ўзида чегирмаларсиз қуйидаги ставкалар бўйича солиқ солинади:**

- дивидендлар ва фойзларга – 10 фойз;
- халқаро ташвишларда транспорт хизматлари кўрсатишдан олинadиган даромадларга (фрахтдан олинadиган даромадларга) – 6 фойз;
- интеллектуал мулк объектларига бўлган мулквий ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказганлик учун пул мукофоти, ижара бўйича даромадлар, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ бўлган, фуқаролик-ҳуқуқий тусга эга шартномалар бўйича олинган бошқа даромадларга – 20 фойз.

Тўлов манбаининг ўзида солиқ солиш тўлов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки унинг ҳудудидан ташқарида содир этилганлигидан қатъий назар амалга оширилади.

Алоҳида жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан имтиёзлар<sup>130</sup> белгиланган (масалан, солиқ тўлашдан тўлиқ озод қилиш)

**Календарь йил солиқ давридир. Йилнинг чораги ҳисобот давридир.**

<sup>130</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. ЎзРнинг 2007 йил 25 декабрдаги. ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 31-боб.

Солиқ тўловчилар даромадлар бўйича жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади.

**1.3. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ** – маҳаллий солиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида” 1991 йил 15 февралдаги 225-ХП-сон Қонунига мувофиқ, 1992 йилдан эътиборан ундирилади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари; Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкида кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари.

Қуйидагилар мол-мулк солиқ солиш **объектидир**: асосий воситалар, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар; номоддий активлар; тугалланмаган қурилиш объектлари; белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар.

Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикасининг **норезидентлари** учун қуйидагилар солиқ солиш объектидир: Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ қайси асосий воситалар бўйича ҳисоб юритаётган бўлса, ўша асосий воситалар; ушбу доимий муассаса фаолияти билан боғлиқ бўлмаган, мазкур норезидентларга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган кўчмас мулк.

**Солиқ солинадиган база** қуйидагилардир:

○ асосий воситалар ва номоддий активлар бўйича – асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати. Асосий воситалар ва номоддий активларнинг қолдиқ қиймати ушбу мол-мулкнинг бошланғич (тикланиш) қиймати билан солиқ тўловчининг ҳисоб сиёсатида белгиланган усуллардан фойдаланилган ҳолда ҳисоблаб чиқилган амортизация ҳажми ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади;

○ норматив (белгиланган) муддатда тугалланмаган қурилиш объектлари ва ишга туширилмаган асбоб-ускуналар бўйича – тугалланмаган қурилишнинг ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналарнинг ўртача йиллик қиймати.

Ўзбекистон Республикаси **порезидентларининг** кўчмас мулк объектларига нисбатан ушбу мол-мулкнинг ўртача йиллик қиймати солиқ солинадиган база бўлиб ҳисобланади.

Солиқ солиш объектларининг **ўртача йиллик қолдиқ қиймати** (ўртача йиллик қиймат) ҳисобот давридаги ҳар бир ойнинг охири кунидаги ҳолатга кўра солиқ солиш объектларининг қолдиқ қийматларини (ўртача йиллик қийматларини) қўшишдан олинган сумманинг ўн иккидан бир қисми сифатида ортиб боровчи яқун билан аниқланади.

Ўзбекистон Республикаси **порезидентларининг** кўчмас мулк объектлари бўйича солиқ солинадиган база мазкур объектларга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларда кўрсатилган қиймат асосида аниқланади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни **ҳисоблаб чиқариш** солиқ тўловчи томонидан ҳисоблаб чиқилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган **солиқ ставкалари** ва бу солиқни тўловчилар учун имтиёзлар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Асосий макронисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланади.

2010 йилда юридик шахсларнинг **мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари** 21-жадвалда келтирилган.

Алоҳида юридик шахслар Мол-мулкига солиқ тўловчилар учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси билан **имтиёзлар**<sup>131</sup> белгиланган (масалан, солиқ тўлашдан тўлиқ озод этиш, солиқ солиш базасини камайтириш).

**21-жадвал. 2010 йилда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари**<sup>132</sup>

N	Тўловчилар	Солиқ ставкаси, солиқ солинадиган базага нисбатан фонзда
1.	Юридик шахслар	3,5
2.	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар) экспортининг эркин алмаштирилдиган валютадаги улуши куйидаги микдорларни ташкил этадиган экспортчи корхоналар учун, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октяб-	

<sup>131</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги. ЎРК-136-сон Қонуни билан тасдиқланган. 269-модда.

<sup>132</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макронисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 17-илова.

рдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган хом ашё товарлари бундан мустасно*:	
- сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
- сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан юқори	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади

\* Белгиланган (меъёрий) муддатларда илга туширилмаган, тугалланмаган қурилиш ва ускуналар кийматига пасайтирилган ставкалар қўлланилмайди.

Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиғи икки барабар миқдорда тўланади.

Солиқ даври давомида солиқ тўловчилар жорий тўловларни ойма-ой тўлаб борадилар (микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно).

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 февралига қадар тўланиши керак.

Календарь йил солиқ давридир. Йил чораги ҳисобот давридир.

**Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ** – 1993 йил 28 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқлар тўғрисида”ги 994-ХП-сон Қонун билан жорий этилган.

Мулкида солиқ солинадиган мол-мулки бўлган жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл фуқаролари, шунингдек юридик шахс ҳуқуқий шаклини ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган **солиқ тўловчилари бўлиб ҳисобланади.**

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй-жойлар, квартиралар, дала-ҳовли иморатлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, жойлар, иншоотлар солиқ солиш **объектидир.**

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган томонидан белгиланадиган солиқ солиш объектларининг инвентаризация киймати тўловчилар учун **солиқ солинадиган базадир.**

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини баҳолаш бўйича ваколатли орган томонидан аниқланган солиқ солиш объектнинг баҳоси мавжуд бўлмаган тақдирда, мол-мулкнинг қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган шартли киймати солиқ солинадиган база бўлиб ҳисобланади.

Битта жисмоний шахс бир нечта солиқ солиш объекти бўйича тўловчи бўлган тақдирда, солиқ солинадиган база ҳар бир объект бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилади.



Жисмоний шахслар томонидан солиқ солиш объектлари тадбиркорлик фаолияти олиб бориш мақсадида фойдаланилганда ёки уни юридик шахс ёхуд индивидуал тадбиркорга ижарага берилганда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ юридик шахслар учун белгиланган ставкадан келиб чиқиб тўланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланади.

2010 йилда жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан 0,5% ҳажмда белгиланган.<sup>133</sup>

Жисмоний шахслар мол-мулкни баҳолаш бўйича органлар белгиланган инвентаризация қиймати мавжуд бўлмаса, мол-мулкнинг шартли қиймати сифатида солиқ ундириш мақсадида Тошкент шаҳри ва вилоят марказларида 18480,0 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда – 8030,0 минг сўм миқдорда қабул қилинади.

Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган пенсионерлар учун мол-мулк солиғи бўйича солиқ солинмайдиган энг кам миқдор умумий майдоннинг 60 кв. метри ҳажмида белгиланади.

Жисмоний шахслар томонидан яшаш учун мўлжалланган фондни яшаш учун мўлжалланмаган фондга ўтказилган ёки яшашга мўлжалланмаган фонд (бинолар, бинолардаги хоналар) категорияларини сотиб олинган тақдирда, мол-мулк солиғи жисмоний шахслар томонидан юридик шахсларга ўрнатилган ставка бўйича тўланади.

Алоҳида жисмоний шахслар учун Солиқ кодекси билан мол-мулк солиғини тўлаш бўйича имтиёзлар белгиланган.<sup>134</sup>

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ тўловчининг яшаш жойидан қатъий назар, солиқ солиш объекти жойлашган ердаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг маълумотлари асосида амалга оширилади.

<sup>133</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 18-илова.

<sup>134</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 275-модда.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ суммаси мол-мулкнинг 1 январга бўлган ҳолатига кўра инвентаризация кийматидан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблашда жисмоний шахсларга мулк ҳуқуқи сифатида тегишли бўлган солиқ солинадиган мол-мулкнинг инвентаризация киймати 1,1 коэффиценти ҳажмида қайта ҳисобланади.<sup>135</sup>

Бир нечта мулкдорнинг умумий улушли мулкида бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мулкдорларнинг ҳар бири томонидан уларнинг ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушига мутаносиб равишда тўланади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни солиқ даври учун тўлаш тенг улушларда бир йилда икки марта амалга оширилади: ҳисобот йилининг 15 июни ва 15 декабрларига қадар.

#### **1.4. Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ.**

**Ер қаъридан фойдаланувчилар** – Ўзбекистон ҳудудида фойдали қазилмалар конларини қидириш, қазиб олиш, фойдали қазилмаларни қайта ишлаб улардан фойдали компонентларни ажратиб олиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардир.

Ер қаъридан фойдаланувчилар қуйидаги солиқ ва тўловларни амалга оширадилар:

- ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ;
- қўшимча фойда солиғи;
- бонус (имзоли бонус ва тижоратбоп топилма бонуси).

1) **Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ** – умумдавлат солиғи, 1994 йил 23 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Қонуни билан жорий этилган.

**Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни тўловчилар** қуйидагилардир: ер қаъридан фойдали қазилмаларни қавлаб олаётган, шу жумладан техноген минерал ҳосилалардан фойдали қазилмаларни ажратиб олаётган ер қаъридан фойдаланувчилар; фойдали қазилмалардан фойдали компонентларни ажратиб олган ҳолда уларни қайта ишлашни амалга ошираётган ер қаъридан фойдаланувчилар.

<sup>135</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макронисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 4-модда.

Кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулотнинг ҳажми ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солиш **объектидир**. Тайёр маҳсулотлар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан белгиланади.

Солиқ солиш объекти тайёр маҳсулотнинг ҳар бир тури бўйича алоҳида аниқланади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқни ҳисоблаб чиқариш учун, кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот ҳажмининг ҳисобот даври учун ўртача олинган реализация қилиш баҳосида ҳисоблаб чиқилган қиймати **солиқ солинадиган базадир**.

Ҳисобот даври учун **ўртача олинган реализация қилиш баҳоси** ҳар бир кавлаб олинган (ажратиб олинган) тайёр маҳсулот бўйича алоҳида, пулда ифодаланган реализация қилиш ҳажмларини (қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини чегирган ҳолда) натурада ифодаланган реализация қилиш ҳажмига бўлиш орқали аниқланади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ базаси ва белгиланган ставкадан келиб чиқиб **ҳисоблаб чиқилади**.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун **солиқ ставкалари** дифференциациялашган бўлиб, калий тузи ва сульфат натрий қазиб олиш учун белгиланган 0,4 фоиздан табиий газ қазиб олиш учун белгиланган 30 фоизгача тебранади.<sup>136</sup> Ставкalar Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан белгиланади.

Календарь йил **солиқ даври**дир. **Ҳисобот даври** куйидагилардир:

- микрофирмалар ва кичик корхоналар учун – йил чораги;
- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун – бир ой;
- жисмоний шахслар учун – календарь йил.

2) **Қўшимча фойда солиғи** – умумдавлат солиғи, 2005 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ПҚ-244-сон Қарори билан жорий этилган.

**Қўшимча фойда солиғи тўловчилар** куйидагилардир: айрим фойдали қазилмаларни (фойдали компонентларни) кавлаб олишни (ажратиб олишни) амалга оширувчи ер қаъридан фойдаланувчилар; фойдали қазилмалардан иш-

---

<sup>136</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 14-илова.

лаб чиқариладиган айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни амалга оширувчи юридик шахслар.

Реализация қилишдан олинган соф тушум билан қонун ҳужжатларида белгиланган ҳисоб-китоб баҳоси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланадиган даромаднинг бир қисми (қўшимча фойда) **қўшимча фойда солигини солиш объектидир.**

**Солиқ солинадиган база** қўшимча фойда қисмига тўғри келадиган соф тушумдан ҳисобланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташланган ҳолда аниқланади.

Қўшимча фойда солиғи солинадиган фойдали қазилмалар ва маҳсулот турлари **рўйхати**, шунингдек солиқни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

Қўшимча фойда солиғи ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Асосий макроектисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланади.

2009 йилда қўшимча фойда солиғи ставкалари дифференциациялашган бўлиб, 22-жадвалда келтирилган.

**22-жадвал. 2009 йилда қўшимча фойда солиғи ставкалари**<sup>137</sup>

Маҳсулот номи	Солиқ солинадиган базанинг миқдори (ҚҚСси)	Солиқ ставкаси
Катодли мис	сўмдаги эквивалентда “қесиш нархи”гача 1 тонна учун 4 000 АҚШ долларидан юқори	60 %
Табий газ	сўмдаги эквивалентда “қесиш нархи”гача 1 000 куб м. учун 130 АҚШ долларидан юқори	75 %
Полиэтилен гранула-лар	1 тонна учун 1 340 000 сўмдан юқори	
Цемент	1 тонна учун 90 000 сўмдан юқори	

2010 йилда қўшимча фойда солиғи ставкаси пасайтирилди ва солиқ солинадиган маҳсулотларнинг барчасига 50% ҳажмда белгиланди (23-жадвал).

<sup>137</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 15-илова.

23-жадвал. 2010 йилда қўшимча фойда солиғи ставкалари <sup>138</sup>

Махсулот номи	Солиқ солинадиган базанинг миқдори (ҚҚС ва акциз солиғисиз)	Солиқ ставкаси
Катодли мис (1)	сўмдаги эквивалентда “кесиш нархи” гача 1 тонна учун 4 000 АҚШ долларидан юқори	50 %
Табиий газ (1)	сўмдаги эквивалентда “кесиш нархи” гача 1 000 куб м. учун 130 АҚШ долларидан юқори	
Полиэтилен гранула-лар (1)	1 тонна учун 1 340 000 сўмдан юқори	
Цемент	1 тонна учун 90 000 сўмдан юқори	
Клинкер	1 тонна учун 80 000 сўмдан юқори	

Қўшимча фойда солиғини тўловчилар солиқ тўлангандан сўнг қўшимча фойданинг улар ихтиёрида қоладиган қисмини тўлиқ ҳажмда махсус очиладиган инвестиция ҳисоб варақларига ўтказадилар. Кўрсатилган инвестиция ҳисоб варақларидан маблағлар фақат Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда белгиланган тартибда сотиш учун маъқулланган инвестиция лойиҳаларини молиялаш, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб этилган кредитларга хизмат кўрсатиш, шунингдек асосий ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлашга сарфланади.

Табиий газ бўйича қўшимча фойда солиғини тўловчилар табиий газни экспортга реализация қиладиган, қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ солиш объекти юзага келадиган юридик шахслардир (махсулот тақсимоли тўғрисидаги битим доирасида фаолиятни амалга оширадиган операторлар ва инвесторлар бундан мустасно).

Қўшимча фойда солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган ҳолда тайинланади.

3) **Бонус** ер қаъридан фойдаланувчи томонидан амалга ошириладиган бир марталик тўловдир. 2008 йилда Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси билан жорий этилган (45-боб).

Ер қаъридан фойдаланувчи куйидаги турдаги бонусларни тўлайди: имзоли бонус ва тижоратбоп топилма бонуси.

<sup>138</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 16-илова.

**Имзоли бонус** ер қаъридан фойдаланувчининг тегишли лицензия асосида фойдали казилмаларни аниқлаш, кидириш ва кавлаб олиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқи учун бир марталик қатъий белгиланган тўловдир.

**Тижоратбоп топилма бонуси** тегишли лицензияда кўрсатилган ер қаъри участкасида фойдали казилма конларининг ҳар бир тижоратбоп топилмаси учун, шу жумладан дастлабки белгиланган ажратиб олинаётган захираларни кўпайтиришга олиб келувчи конларни кўшимча қидириш ўтказиш чоғидаги фойдали казилмалар топилмаси учун тўланадиган тўловдир.

Ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган конда фойдали казилмаларнинг қазиб олинadиган захиралари ҳажми солиқ солиш объектидир.

Фойдали казилмалар захираларининг қазиб олинadиган ҳажмининг қиймати солиқ солинадиган базадир.

Имзоли бонус ва тижоратбоп топилма бонуси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган бонус ставкасида келиб чиқиб белгиланади (24, 25-жадваллар).

24-жадвал. 2010 йилда обуна бонуси ставкалари<sup>139</sup>

N	Фойдали казилмаларни разведка қилиш ва кидириш ҳуқуқи	Бонуснинг энг кам ставкаси (энг кам иш ҳақиға нисбатан қарра миқдорла)
1.	Углеводородлар конларини кидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи	10 000
2.	Олтин кидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи	10 000
3.	Қимматбаҳо (олтиндан ташқари), ноёб ва асл металллар конларини кидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи	1 000
4.	Рудали фойдали казилмалар конларини, 2 ва 3-бандларда кўрсатилганлардан ташқари, кидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи	500
5.	Норудали фойдали казилмалар конларини кидириш ва разведка қилиш ҳуқуқи	100

Обуна бонуси 2010 йил 1 январгача геологик ўрганиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқиға лицензия олган ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳам, уни тўлашға доир мажбуриятлар Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларида кўрсатилган бўлса, тўланади.

<sup>139</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 15-1-илова.

25-жадвал. Тижоратбоп топилма бонуси ставкаси<sup>140</sup>

Фойдали казилмаларни казиб олиш ҳукуқи	Ставкаси, солиқ солинадиган базага нисбатан %да
Углероддорлар, қимматбаҳо ва ноёб металллар, рудали ва норудали фойдали казилмаларни казиб олиш ҳукуқи	0,1

Тижоратбоп топилма бонуси 2010 йил 1 январгача фойдали казилмаларни казиб олиш учун ер қаъри участкаларидан фойдаланиш ҳукуқига лицензия олган ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ҳам, уни тўлашга доир мажбуриятлар ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларида кўрсатилган бўлса, тўланади.

Тижоратбоп топилма бонусининг суммаси ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқнинг йиллик суммасидан ошган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тижоратбоп топилма бонусини 3 йилгача муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилиши мумкин.

**1.5. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ** – умумдавлат солиғи, 1993 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида” 837-ХII-сон Қонуни билан жорий этилган.

**Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўловчилар** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сувдан фойдаланишни амалга оширувчи қуйидаги шахслардир: юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари; фаолиятини доимий муассаса орқали амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари; тадбиркорлик фаолияти учун сувдан фойдаланувчи яқка тартибдаги тадбиркорлар; юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари.

Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари **солиқ солиш объектидир**.

Сув ресурсларининг ер усти манбаларига қуйидагилар қиради: дарёлар, кўллар, сув омборлари, турли хил каналлар ва ҳовузлар, ер устидаги бошқа сув хавзалари ҳамда сув манбалари.

Сув ресурсларининг ер ости манбаларига артезиан кудуклари ва скважиналар, вертикал ва горизонтал дренаж тармоқлари ҳамда бошқа иншоотлар ёрдамида чиқазиб олинadиган сувлар қиради.

<sup>140</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 15-2-илова.

**Фойдаланилган сувнинг ҳажми солиқ солинадиган базадир.**

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (бирламчи) ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланади. 2010 йилда ушбу солиқ ставкалари куйидаги тартибда белгиланган (26-жадвал).

**26-жадвал. 2010 йилда сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкалари<sup>141</sup>**

Тўловчилар	1 куб метр учун ставка (сўм)	
	Ер усти сув ресурслари манбалари	Ер ости сув ресурслари манбалари
1. Иктисодиётнинг барча тармоқларидаги корхоналар (2-4-бандларда кўрсатилганларидан ташқари)	24,8	31,6
2. Электростанциялар	7,2	10,7
3. Коммуналь хизмат кўрсатиш корхоналари	13,7	17,7
4. Ягона ер солиғини тўлашга ўтмаган кишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон хўжаликлари (юридик ва жисмоний шахслар) ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш жараёнида сувдан фойдаланадиган жисмоний шахслар	1,3	1,5

Юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

<sup>141</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 13-илова.



Ер усти ва ер ости манбаларидан олиб фойдаланиладиган сув ресурслари **солиқ солиш объектидир.**

Фойдаланилган сувнинг ҳажми **солиқ солинадиган базадир.**

Сув ресурсларининг ер усти ва ер ости манбаларидан олинган сув ҳажми сувдан фойдаланишнинг бухгалтерия (бирламчи) ҳисобга олиш ҳужжатларида акс эттирилган сув ўлчагич асбобларининг кўрсаткичлари асосида аниқланади.

Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ суммаси солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда **ҳисоблаб чиқарилади.**

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига сув ресурсларидан айрим фойдаланувчилар учун **имтиёзлар** белгиланган – солиқ тўлашдан озод қилиш ва солиқ солинадиган базани камайтириш.<sup>142</sup>

Календарь йил **солиқ давридир. Ҳисобот даври** куйидагилардир:

○ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кўпни ташкил этадиган юридик шахслар (микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари) учун – бир ой;

○ сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқнинг умумий суммаси йилнинг бир чорагида энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан камни ташкил этадиган юридик шахслар, шунингдек микрофирмалар ва кичик корхоналар ҳамда якка тартибдаги тадбиркорлар учун – йил чораги;

○ кишлок хўжалиги корхоналари ва юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжаликлари учун – календарь йил.

**1.6. Ер солиғи** – маҳаллий солиқ, 1993 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг “Ер тўғрисида”ги Қонуни билан жорий этилган.

**Юридик шахслар ер солиғини тўловчилардир.**

Мулк ҳуқуқи, эгаллик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида юридик шахсларда бўлган ер участкалари **солиқ солиш объектидир.**

Солиқ кодексига биноан ер участкасининг солиқ солинмайдиган ер участкалари майдонлари чегириб ташланган ҳолдаги умумий майдони **солиқ солинадиган базадир.**<sup>143</sup>

Ер солиғининг алоҳида тўловчилари (юридик шахслар) учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига **имтиёзлар** белгиланган (масалан, солиқ

<sup>142</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 261-модда.

<sup>143</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 282-модда.

тўлашдан озод этиш)<sup>144</sup>. Белгиланган мақсадда бевосита фойдаланилмаётган ер участкаларига имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Ер участкаси мулкдорининг, ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг айби билан қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет балли пасайган) тақдирда, ер солиғи ернинг сифати ёмонлашгунига қадар белгиланган ставкалар бўйича юридик шахслар томонидан тўланади.

Шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик ерлар учун ер солиғи қишлоқ хўжалиги ерлари учун белгиланган ставкаларнинг икки баравари миқдорида тўланади.

**Ер солиғини ҳисоблаб чиқариш** ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

**Ер солиғини тўлаш** юридик шахслар томонидан йилнинг ҳар чорагида, йил чораги иккинчи ойининг 15-қунига қадар тенг улушларда амалга оширилади.

Ягона ер солиғи тўлашга ўтмаган қишлоқ хўжалиги қорхоналари томонидан ер солиғини тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- ҳисобот йилининг 1 июлига қадар – йиллик солиқ суммасининг 20%;
- ҳисобот йилининг 1 сентябрига қадар – йиллик солиқ суммасининг 30%;
- ҳисобот йилининг 1 декабрига қадар – солиқнинг қолган суммаси.

Календарь йил солиқ ва ҳисобот давридир.

**Жисмоний шахслардан олинadиган ер солиғи.**

Мулк ҳуқуқи, эғалик қилиш ҳуқуқи, фойдаланиш ҳуқуқи ёки ижара ҳуқуқи асосида ер участкаларига эга бўлган жисмоний шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган деҳқон хўжалиқлари ер солиғини тўловчилардир.

Жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солиш объектидир:

- деҳқон хўжалиги юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган умрбод эғалик қилишга берилган ер участкалари;
- яқка тартибда уй-жой қурилиши учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эғалик қилишга берилган ер участкалари;
- жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилиги юритиш учун берилган, шунингдек яқка тартибдаги гаражлар эғаллаган ер участкалари;
- хизмат юзасидан берилган чек ерлар;
- мерос бўйича, ҳада қилиниши ёки олинниши натижасида уй-жой ва иморатлар билан биргаликда мулк ҳуқуқи, эғалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

<sup>144</sup> Ўша ерда. 282-модда.

– конун хужжатларида белгиланган тартибда мулк килиб олинган ер участкалари;

– тадбиркорлик фаолияти юритиш учун фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Кўп квартирали уйлар эгаллаган ер участкалари солиқ солиш объекти бўлмайди.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи органнинг ер участкаларининг майдонига доир маълумотлари **солиқ солинадиган базадир**.

Жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун фуқароларга берилган, шунингдек якка тартибдаги гаражлар эгаллаган ер участкаларининг майдонлари бўйича солиқ солинадиган база ушбу ер участкаларини берган ташкилотлар бошқарув органларининг маълумотлари бўйича аниқланади.

Хизмат юзасидан берилган чек ерларнинг майдонлари бўйича солиқ солинадиган база ўз ходимларига ер участкалари берган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маълумотлари бўйича аниқланади.

Ер солигининг алоҳида тўловчилари (жисмоний шахслар) учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига **имтиёзлар** белгиланган (масалан, солиқ тўлашдан озод этиш)<sup>145</sup>.

Тадбиркорлик фаолиятида фойдаланиладиган ёхуд уйлар, дала ховли иморатлари, якка тартибдаги гаражлар ва бошқа иморатлар, иншоотлар, жойлар юридик шахсга ёки якка тартибдаги тадбиркорга ижарага берилганда ер участкалари учун ер солиғи жисмоний шахслардан юридик шахслардан олиннадиган ер солигини тўлаш учун белгиланган ставкалар бўйича ундирилади ҳамда уларга имтиёзлар татбиқ этилмайди.

Ер солигини **ҳисоблаб чиқариш** давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Ер солиғи ер участкасининг мулкдори, ерга эгалик қилувчи, ердан фойдаланувчи ёки ижарачининг яшаш жойидан катъий назар, ер участкаси жойлашган ҳудуддаги туман ёки шаҳарнинг маҳаллий бюджетига тўланади.

Солиқ даври учун ер солиғи тўлаш жисмоний шахслар томонидан йилига икки марта тенг улушларда амалга оширилади: ҳисобот йилининг 15 июни ва 15 декабрига қадар.

Ер солиғи ставкалари ер сифати бўйича, ҳудудлар бўйича ва солиқ тўловчилар бўйича дифференциациялашгандир. У ҳар йили Ўзбекистон Рес-

<sup>145</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 282-модда.

публикаси Президентининг “Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан тасдиқланади. 2010 йилда жисмоний ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори билан тасдиқланган ва 19-иловада, 1-8 жадвалларда келтирилган.

Календарь йил солиқ давридир.

**1.7. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи – маҳаллий солиқ.**

**Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи** – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Идорага қаршли ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги давлат ҳокимияти органлари балансига босқичма-босқич ўтказиш тўғрисида” 1997 йил 26 сентябрдаги 453-сон Қарори билан жорий этилган.

**Ободонлаштириш ишлари учун йиғимлар** – Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 1997 йил 5 декабрдаги ПҚ-540-сон Қарори билан жорий этилган.

2002 йилнинг 1 январидан ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ўрнига Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 1998 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2001 йил 31 декабрдаги ПҚ-490-сон Қарори билан **инфратузилмани ривожлантириш солиғи** жорий этилди.

2004 йилнинг 1 январидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2003 йил 25 декабрдаги ПҚ-567-сон Қарори билан **ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи** жорий этилди.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини **тўловчилардир**.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи чегирилганидан кейин юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойда **солиқ солиш объекти** ва **солиқ солинадиган базадир**. Бунда олинган (олиниши лозим бўлган) дивидендлар солиқ солинадиган базадан чегириб ташланади.

Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган солиқ тўловчилар солиқ солинадиган базани ҳисобланган фойда солиғи чегириб ташланган ҳолда

юридик шахс ихтиёрида қоладиган фойдани ва ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш учун ҳақиқатда сарфланган харажатларнинг мазкур харажатлар суммасидан ҳисоблаб чиқилган фойда солиғи суммасига қамайтирилган суммасини қўшиш орқали аниқлайди.

Ижтимоий инфратузилма объектларига соғлиқни сақлаш объектлари, халқ таълими объектлари ва болалар дам олиш оромгоҳлари қиради.

**Имтиёзлар:** ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернотилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти билан шуғулланадиган юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқини белгилаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади ва бир неча йил давомида, хусусан 2010 йилда ҳам юқори ставка соф фойдадан 8 фоизни ташкил этди<sup>146</sup>.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисоб-китоби солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органларига солиқ тўловчилар томонидан ортиб борувчи яқун билан йилнинг ҳар чорагида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-қунидан кечиктирмай, йил яқунлари бўйича эса, йиллик молиявий ҳисобот тақдим этиладиган муддатда тақдим этилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлаш мазкур солиқ бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга оширилади.

Календарь йил солиқ давридир. Йил чораги ҳисобот давридир.

### 1.8. Содалаштирилган тартибда тўланадиган солиқлар.

1996 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони<sup>147</sup> биноан Ўзбекистонда биринчи марта солиқ солишнинг содалаштирилган диффе-

<sup>146</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макронисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида" 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон Қарори, 21-илова.

<sup>147</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги давлат бюджети муносабати билан солиқ ислохотини чуқурлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида" 1996 йил 27 сентябрдаги ПФ-1565-сон Фармони.

ренициялашган тизими барча мулк шаклларидаги кичик корхоналар учун жорий этилди. Бу тизим амалдаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) савдосидан тушумлардан 25 фоизгача бўлган ҳажмдаги ягона солиқ ўрнига киритилди.

Соддалаштирилган тартиб Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида назарда тутилган амалдаги солиқ солиш тизими билан биргаликда қўлланилмоқда. Солиқ солиш тизимини танлаш ҳукуқи микрофирмалар ва корхоналар ихтиёрига берилган<sup>148</sup>. Бу ҳуқуқдан солиқ солишнинг махсус тартиби белгиланган алоҳида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи микрофирмалар ва кичик корхоналар маҳрумдирлар.

Тизим умумдавлат солиқлар жамланмасини тўлаш, маҳаллий ҳокимият томонидан жорий этилган маҳаллий солиқ ва тўловлар амалга ошириш ўрнига ягона солиқ тўланишини назарда тутати. Фақатгина қуйидагилар бундан мустасно:

- савдо қилиш ҳукуқи учун йиғимлар (алоҳида турдаги товарлар билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи лицензион йиғимлар билан бирга);
- юридик шахсларни рўйхатдан ўтказганлик учун йиғимлар;
- атроф муҳитни ифлослантиргани ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқиндиларни жойлаштиргани учун компенсацион тўловлар.

Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби назарда тутилган солиқ тўловчилар учун тўлов манбаида солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ушлаб қолиш мажбуриятлари ҳамда бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига қуйидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятлари сақланиб қолади:

- тўлов манбаида ундириладиган фойда солиғи;
- Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари томонидан бажариладиган (кўрсатиладиган) ишлар (хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи;
- акциз тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришда солинадиган акциз солиғи;
- ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;
- божхона тўловлари;
- ягона ижтимоий тўлов;
- давлат божлари;
- товарларнинг айрим турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматлар кўрсатиш ҳукуқи учун йиғим;

<sup>148</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган микрофирмалар ва кичик корхоналарга солиқ солиш тартиби тўғрисида” 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон Қарори.

- давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар (ягона солиқ тўловини тўловчилар бундан мустасно);

- автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) вақтинчалик олиб қирганлик учун Республика йўл жамғармасига йиғим.

**1.8.1. Ягона солиқ тўлови** – умумдавлат солиғи, кичик бизнес субъектларининг алоҳида тоифалари учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 20 июндаги ПФ-3620-сон Фармони билан жорий этилган. Солиқ унификация қилинган бўлиб, ягона солиқ ва бюджетдан ташқари фондларга мажбурий ажратмалар (Пенсия, Республика йўл ва мактаб таълими жамғармалари) ўрнига киритилган ва кичик бизнес субъектлари жадал ривожланишини рағбатлантиришни, шунингдек уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни ва улуши ошиб боришига қўмаклашишни назарда тутди.

Ягона солиқ тўловини **тўловчилар** қуйидагилардир: микрофирмалар ва кичик корхоналар; ходимларнинг сонидан катъи назар: савдо ва умумий овқатланиш корхоналари; хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар; лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловини тўлашни назарда тутадиган солиқ солишининг соддалаштирилган тартибини ёки умумбелгиланган солиқлар (қуйидагилар бундан мустасно: акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи ва ер қазьридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмаларни казиб олишни амалга оширувчи микрофирмалар ва кичик корхоналарга; ягона ер солиғи ва катъий белгиланган солиқ тўлаш назарда тутилган фаолият доирасидаги микрофирмалар ва кичик корхоналарга; маҳсулот тақсимотига оид битимлар иштирокчиси бўлган микрофирмалар ва кичик корхоналарга) тўлашни танлашга ҳақли.

Ялпи тушум **солиқ солиш объекти** ва **солиқ солиш базасидир**.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига биноан қуйидагилар солиқ солинадиган базадан чегириб ташланиши мумкин: давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар; тўлов манбанда солиқ солинадиган дивидендлар ва фозилар тарикасида олинган даромадлар; ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар ва бошқалар. Бундан ташқари **солиқ солинадиган база камайтирилиши** ҳам мумкин.<sup>149</sup>

Товарлар тўлик ёки қисман қайтарилганда; битим шартлари ўзгарганда; баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда; бажа-

<sup>149</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 356-модда.

рилган ишлар, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда – солиқ тўловчида ялпи тушумга тузатиш киритиш амалга оширилади.

**Имтиёзлар:** ягона солиқ тўловни тўлашдан ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" ассоциацияси мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида 50 фоизини ногиронлар, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийлари ташкил этадиган юридик шахслар озод қилинади, бундан савдо, воситачилик, таъминот-сотиш ва тайёрлов фаолияти ҳамда лотереялар ташкил этиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар мустасно. Ушбу имтиёзни олиш ҳуқуқи белгиланаётганда ходимларнинг умумий сонига штатда бўлган ходимлар киритилади.

Ягона солиқ тўлови солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона солиқ ставкалари дифференциациялашган бўлиб, ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори билан белгиланади.

2009 йилдаги ягона солиқ ставкалари 27 ва 28-жадвалларда келтирилган.

**27-жадвал. 2010 йилда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун (савдо ва умумий овқатланиш корхоналаридан ташқари) ягона солиқ тўлови ставкалари<sup>150</sup>**

N	Тўловчилар	Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган базага нисбатан %да
1	Иқтисодиётнинг барча тармоқлари корхоналари, 2-6-бандларда кўрсатиб ўтилганларидан ташқари	7*
2	Компьютер дастурий маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш товарлар (ишлар, хизматлар) реализацияси умумий ҳажмининг камида 80 фоизини ташкил этадиган корхоналар	5
3	Қишлоқ хўжалиги корхоналари асосий фаолияти бўйича, ягона ер солиғи тўловчилари ҳисобланадиган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари бундан мустасно	6
4	Гастроль-концерт фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларни (шу жумладан норезидентларни) жалб этиш йўли билан оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад оладиган корхоналар	30

<sup>150</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон Қарори, 9-1-илова.



5	Тайёрлов ва таъминот-сотиш ташкилотлари, брокерлик идоралари (6-бандда кўрсатилгандаридан ташқари), шунингдек воситачилик, тошширик ва бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхоналар	33**
6	Қимматли қогозлар бозорида брокерлик фаолиятини амалга оширадиган корхоналар	13**
7	Ўзи ишлаб чиқарган товарлар, ишлар, хизматлар экспортининг (ишларни бажариш, хизматларни кўрсатиш жойидан қатъий назар) эркин алмаштириладиган валютадаги улуши куйидаги миқдорларни ташкил этадиган корхоналар учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сон Фармони билан тасдиқланган рўйхатда келтирилган ҳам ашё маҳсулотлари бундан мустасно:	
-	сотишнинг умумий ҳажмида 15 фоиздан 30 фоизгача	белгиланган ставка 30%га пасайтирилади
-	сотишнинг умумий ҳажмида 30 фоиз ва ундан ортиқ фоиз	белгиланган ставка 50%га пасайтирилади
8	Хизматлар кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда кўрсатилган хизматлар ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10%га пасайтирилади

\* Мол-мулкни молиявий ижара (лизинг)га бераётган корхоналар учун – молиявий ижара (лизинг) бўйича фоизли даромад суммаси.

\*\* Ҳақ суммасига (ялли даромадга) нисбатан фоизларда.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари учун ягона солиқ тўлови суммаси бюджетга тўланадиган, лекин ягона солиқ тўловининг 50 фоиздан ошиб кетмаган ҳажмдаги ҚҚС суммасига камайтирилади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, савдо ва умумий оқатланиш корхоналарида ягона солиқ тўловининг қўлланилиши бўйича **ҳусусиятлар** мавжуд. Бу унинг тўланиши<sup>151</sup>, шунингдек алоҳида ҳисоб юритилиши<sup>152</sup> билан боғлиқ.

<sup>151</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 351 ва 352-моддалар.

<sup>152</sup> Ҷша ерда.353-модда.

**28-жадвал. Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, шу жумладан микро-фирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг ставкалари<sup>153</sup>**

N	Тўловчилар	Солиқ ставкалари, солиқ солинадиган ба-зага нисбатан %да
1.	Умумий овқатланиш корхоналари	10
	улардан:	
	умумий таълим мактаблари, мактаб-интернатлар, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий ўқув юртларига хизмат кўрсатувчи ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари	8
2.	Чакана савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари), қуйидаги жойларда жойлашган:*	
	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	4
	бошқа аҳоли пунктларида	2
	бориш қийин бўлган ва тоғлик туманларда	1
3.	Улгуржи савдо корхоналари (4-бандда кўрсатилганларидан ташқари)	5
4.	Улгуржи ва чакана дорихона ташкилотлари, қуйидаги жойларда жойлашган:	
-	аҳолиси сони 100 минг ва ундан кўп кишидан иборат шаҳарларда	3
-	бошқа аҳоли пунктларида	2
-	бориш қийин бўлган ва тоғли туманларда	1
5.	1, 2 ва 4-бандларда кўрсатилган корхоналар учун (улгуржи дорихона ташкилотларидан ташқари), пластик карталар қўлланиб ҳақ тўланган ҳолда сотилган товарлар (кўрсатилган хизматлар) ҳажми бўйича	белгиланган ставка 10%га пасайтирилади

\* Агар чакана савдо корхоналари мустақил юридик шахс ҳисобланмайдиган ва турли аҳоли пунктларида жойлашган бир нечта савдо нуқталарига эга бўлса, улар бўйича ягона солиқ тўловининг турли ставкалари белгиланган тақдирда, улар ҳар бир савдо нуқтаси бўйича товар айланмасининг алоҳида ҳисобини юритишлари ҳамда мазкур аҳоли пунктлари учун белгиланган ставкалар бўйича ягона солиқ тўловини тўлашлари лозим.

**Календарь йил солиқ давридир. Йил чораги ҳисобот давридир.**

**1.8.2. Ягона ер солиғи – умумдавлат солиғи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер**

<sup>153</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон Қарори, 9-2-қилова.

солигини жорий этиш тўғрисида” 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2086-сон Фармонига мувофиқ жорий этилган.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ қишлоқ хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга, фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкаси **солиқ солиш объектидир**.

Солиқ солинадиган ер участкаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланган норматив қиймати **солиқ солинадиган базадир**.

Ер участкаларининг меъёрий қийматлари белгиланмаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун солиқ солиш базаси бўлиб солиқ солинадиган ер участкалари майдони хизмат қилади.

**Имтиёзлар:** ягона ер солигини тўлашдан қуйидагилар озод қилинади: янги ташкил этилган қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқарувчилар давлат рўйхатидан ўтказилган ойдан бошлаб икки йил муддатга; ихтиёрий тугатилаётган тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказувчи орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан эътиборан.

Ягона ер солиғи суммаси солиқ солинадиган базадан келиб чиқиб қуйидагилар асосида **ҳисоблаб чиқарилади**: ер участкаларининг норматив қиймати ва ягона ер солиғининг белгиланган ставкаси; ер участкалари майдони, ер участкасининг жойлашган жойини ва тузатиш коэффициентини (ер участкасининг сифат характеристикасини (бонитет баллини) ҳисобга олувчи) ҳисобга олган ҳолда белгиланган ставка.

Ягона ер **солиғи ставкаси** ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Асосий макрониктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” Қарори билан белгиланади.

2010 йилда ягона ер солиғи ставкаси норматив қийматга нисбатан 5% ҳажмда белгиланган<sup>154</sup>. Бунда жамоат иморатлари ва ҳовлилари билан банд бўлган ерлар 2,0 коэффициентини қўллаган ҳолда баҳоланади.

Ҳар бир хўжалик бўйича қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси томонидан аниқланади.

Белгиланган мезонларга мувофиқ ягона ер солиғи тўловчиларига киритиладиган балиқчилик хўжаликлари туман бўйича ўртача сугориладиган ерлар норматив қийматидан келиб чиқиб, ягона ер солигини тўлайдилар.<sup>155</sup>

<sup>154</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 20-илова.

<sup>155</sup> Ўша ерда.

Календарь йил солиқ давридир. Ягона ер солиғини тўлаш куйидаги муддатларда амалга оширилади:

- ҳисобот йилининг 1 июлигача – йиллик солиқ суммасининг 20 фоизи;
- ҳисобот йилининг 1 сентябригача – йиллик солиқ суммасининг 30 фоизи;
- ҳисобот йилининг 1 декабригача – солиқнинг қолган суммаси.

**1.8.3. Фаолиятнинг айрим турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўланадиган қатъий белгиланган солиқ** – умумдавлат солиғи, 2001 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2001 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2000 йил 26 декабрдаги 500-сон Қарори билан жорий этилган. Белгиланган физик кўрсаткичнинг сонига нисбатан ҳисобланган даромаднинг ҳажмидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқилган чегараланган суммадир. Умумдавлат солиқларининг жамланмаси, шунингдек маҳаллий ҳокимиятлар томонидан киритилган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ўрнига тўланади.

Қатъий белгиланган солиқни тўловчилар куйидагилардир: фаолиятнинг айрим турларини тавсифловчи физик кўрсаткичлардан келиб чиққан ҳолда солиқ солинадиган айрим фаолият турларини амалга оширувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар; якка тартибдаги тадбиркорлар.

Қатъий белгиланган солиқ белгиланган фаолият турини тавсифловчи физик кўрсаткич солиқ солинадиган объектдир.

Солиқ солинадиган база физик кўрсаткичларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Қатъий белгиланган солиқ суммаси солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш доирасида қатъий белгиланган солиқ тўлаш билан бир қаторда солиқлар ва мажбурий тўловларни амалга оширишда алоҳида хусусиятга эгадирлар<sup>156</sup>. Савдо билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорларда даромадларни ва товар операцияларини ҳисобга олишнинг хусусиятлари мавжуд.

Қатъий белгиланган солиқ тадбиркорлик фаолиятининг тури ва солиқ тўловчининг фаолиятни амалга ошириш жойига қараб белгиланган ставкалар бўйича тўланади.

Фаолиятнинг бир неча тури билан шуғулланувчи солиқ тўловчилар қатъий белгиланган солиқни фаолиятнинг ҳар бир тури учун мазкур турдаги

<sup>156</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 373-модда.

фаолиятга нисбатан белгиланган ставкалар бўйича алоҳида-алоҳида тўлайдилар.

Қаъий белгиланган солиқ ставкаси хар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Асосий макронктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан белгиланади.

2010 йилда қаъий белгиланган солиқ ставкалари 29 ва 30-жадвалларда келтирилган.

**29-жадвал. Юридик ва жисмоний шахслардан тадбиркорлик фаолияти айрим турлари бўйича олинадиған қаъий белгиланган солиқ ставкалари<sup>157</sup>**

№	Фаолият тури	Тўловчилар	Мазкур фаолият турини характерловчи физик кўрсаткичлар	Физик кўрсаткич бирлигига хар ойда қаъий белгиланган солиқ ставкаси (энг кам нш хакига бирлик учун каррали микроорларда)		
				Тошкент шаҳри	вилоятлардаги шаҳарлар	туманлар, шу жумладан кишлоқ жойлари
1	Автотранспортни киска муддат саклаш жойлари	Юридик шахслар	Эгаллаган майдон (1 кв. метр)	0,1	0,09	0,06
2	Болалар ўйин автоматлари	Юридик ва жисмоний шахслар	Жихозланган ўринлар сони (бир бирликда)	3,0	2,0	1,0

<sup>157</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 10-илова.

30-жадвал. Юридик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахслардан (якка тартибдаги тадбиркорлардан) олиннадиган қатъий белгиланган солиқ ставкалари<sup>158</sup>

N	Фаолият тури	Қатъий белгиланган солиқнинг бир ойдаги ставкаси (энг кам нш хақиға қаррали миқдорларда)		
		Тошкент шаҳри	вилоятда-ги шаҳарлар	туманлар, шу жумладан қишлоқ жойлари
1	Чакана савдо:			
	озик-овқат товарлари билан	9,0	6,0	3,0
	дехқон бозорларида қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари билан*	5,0	4,0	2,0
	ноозик-овқат товарлари билан	10,0	6,5	3,0
	озик-овқат ва ноозик-овқат товарлари билан (турғун шохобчалардаги аралаш савдо)	10,0	6,5	3,0
2	Маиший хизматлар, 3-бандда кўрсатилганларидан ташқари	5,5	2,0	1,0
3	Сартарошлик хизматлари кўрсатиш, маникюр, педикюр, косметолог хизматлари ва бошқа шунга ўхшаш хизматлар	6,5	3,0	2,0
4	Ўз маҳсулотини ишлаб чиқариш ва сотиш, шу жумладан миллий ширинликлар ва нон-булка маҳсулотлари тайёрлаш ва сотиш, шунингдек уй шароитларида ёки давлат ҳокимияти органларининг қарори билан махсус ажратилган жойларда ўтириш жойлари ташкил қилмасдан доналаб сотиладиган овқатларнинг айрим турларини тайёрлаш ва сотиш	3,5	2,5	1,5
5	Бошқа фаолият турлари, мол-мулкни ижарага беришдан ташқари	5,0	3,0	2,0
6	Автомобиль транспортда юк ташишга оид хизматлар:			
	3 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	5,5	4,0	3,0
	8 тоннагача юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	9,0	7,5	5,0
	8 тоннадан ортиқ юк кўтариш қувватига эга юк автомобиллари учун	13,0	9,0	8,0

\* Уй хўжалиғи (шу жумладан, дехқон хўжалиғи)да парваришланган, ҳам тирик кўринишдаги, ҳам уларни сўйиб, ҳам ёки қайта ишланган кўринишдаги маҳсулотлар сифатида хайвонларни (чорва моллари, паррандалар, мўйнали ва бошқа хайвонлар, балиқлар ва бошқалар), саноатда қайта ишладан ташқари, чорвачилик, асаларичилик ва дехқончилик маҳсулотларини, (натура ва қайта ишланган кўринишда, декоратив боғдорчилик (гулчилик) маҳсулотларидан ташқари), сотиш бундан мустасно.

<sup>158</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 11-илова.

Қатъий белгиланган солиқни ҳисоблаб чиқариш солиқ бўйича ҳисобга олиш жойидаги давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

**Солиқ даври** – бир ой.

## **2. Эгри солиқлар.**

**2.1. Қўшилган қиймат солиғи** – умумдавлат солиғи, 1992 йилда айланма маблағлардан олинадиган солиқ ва савдодан солиқ ўрнига жорий этилган, ишлаб чиқариш, товарлар (ишлар, хизматлар) савдоси ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар (ишлар, хизматлар)ни импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг қисмини бюджетга ажратмаси кўринишига эга.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилар қуйидагилардир: солиқ солинадиган оборотларга эга бўлган юридик шахслар; Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан амалга оширилаётган солиқ солинадиган оборотлар учун қўшилган қиймат солиғи тўлаш бўйича мажбурият юклатиладиган юридик шахслар; товарларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар, ўз эҳтиёжлари учун божсиз олиб кириш нормалари доирасида товарлар олиб кирувчи жисмоний шахслар бундан мустасно; оддий ширкат солиқ солинадиган оборотларни амалга ошираётганда зиммасига унинг ишларини юритиш юклатилган (ишончли шахс) шерик (иштирокчи) – юридик шахс.

**Солиқ солиш объекти** қуйидагилардир: солиқ солинадиган оборот; солиқ солинадиган импорт.

Товарларни (ишларни, хизматларни) **реализация қилиш обороти** деб қуйидагилар эътироф этилади: мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқини ўтказиш, ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш; битта юридик шахснинг бир таркибий бўлинмаси томонидан бошқа таркибий бўлинмасига, агар таркибий бўлинмалар мустақил солиқ тўловчилар бўлса, мол-мулкни бериш, ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш; мол-мулкни молия ижарасига (шу жумладан лизингга) бериш; тўловни бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан товарни жўнатиш; мол-мулкни оператив ижарага бериш; интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқни ўтказиш ёки улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш.

Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига олиб кирилаётган товарлар **солиқ солинадиган импортдир**, қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган товарлар бундан мустасно<sup>159</sup>.

Солиқ солинадиган база реализация қилинаётган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) қиймати асосида, унга қўшилган қиймат солиғини ки-

<sup>159</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 211-модда.

ритмаган ҳолда белгиланади. Акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган базага акциз солиғининг суммаси киритилади.

Солиқ тўловчининг солиқ солинадиган базасига қуйидаги ҳолларда **тузатиш** киритилади: товарлар тўлик ёки қисман қайтарилганда; битим шартлари ўзгарганда; нархлар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда; бажарилган ишлардан, кўрсатилган хизматлардан воз кечилганда.

**Товарларни импорт қилишда** солиқ солинадиган базага товарларнинг божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиладиган божхона қиймати, шунингдек Ўзбекистон Республикасига товарларни импорт қилишда тўланиши лозим бўлган акциз солиғининг, божхона божларининг суммалари қиради.

Ўзбекистон Республикаси норезидентидан олинадиган ишлар, хизматларга солиқ солишнинг ўзига хос **хусусиятлари** мавжуд: норезидент томонидаги тақдим этилган ишлар, хизматлар, агар уларнинг реализация қилиш жойи Ўзбекистон Республикаси бўлса ва Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ уларга қўшилган қиймат солиғи солиниши керак бўлса, ишларни, хизматларни олувчи Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчисининг солиқ солинадиган оборотидир.

Қўшилган қиймат солиғи бўйича **имтиёзлар** ва ноль даражали ставка бўйича солиқ олиш ҳоллари мавжуд<sup>160</sup>.

Солиқ солинадиган оборотлар бўйича қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Бюджетга тўланиши лозим бўлган қўшилган қиймат солиғи солиқ солинадиган оборот бўйича ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси билан ҳисобга олинадиган солиқ суммаси ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Товарларни импорт қилиш бўйича қўшилган қиймат солиғининг суммаси солиқ солинадиган база ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20% даражасида белгиланган.<sup>161</sup>

Календарь йил **солиқ даври**дир. Ҳисобот **даври** қуйидагилардир:

- қўшилган қиймат солиғи тўлайдиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун – йил чораги;

<sup>160</sup> Ўша ерда, 37, 38-боблар.

<sup>161</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон Қарори.



- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун – бир ой.

**2.2. Акциз солиғи** – умумдавлат солиғи, 1992 йилда Ўзбекистон Республикасининг “Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида” 1991 йил 15 февралдаги Қонуни (унга кейинчалик ўзгартиришлар киритилган) билан жорий этилган.

Акциз солиғи **тўловчи** юридик ва жисмоний шахслар қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикаси ҳудудида акциз солиғи солинадиган товарларни (акциз тўланадиган товарларни) ишлаб чиқарувчилар; Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига акциз тўланадиган товарларни импорт қилувчилар; оддий ширкат акциз тўланадиган товар ишлаб чиқарган тақдирда, оддий ширкат шартномасининг оддий ширкат ишларини юритиш зиммасига юклатилган шериғи (иштирокчиси).

Акциз тўланадиган товарларнинг айрим турлари бўйича акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқарувчи бўлмаган шахс Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан акциз солиғини тўловчи этиб белгилашни мумкин.

Қуйидаги операциялар акциз солиғи солинадиган **объектлар**:

- акциз тўланадиган товарларни реализация қилиш;
- акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг устав фондига (устав капиталига) ҳисса ёки пай бадали тариқасида ёхуд оддий ширкат шартномаси бўйича шерикнинг (иштирокчининг) ҳиссаси сифатида топшириш;
- акциз тўланадиган товарларни юридик шахснинг иштирокчисига (муассисига) у юридик шахс таркибидан чиққан (чиқиб кетган) тақдирда ёки юридик шахс қайта ташкил этилганлиги, тугатилганлиги (банкротлиги) муносабати билан топшириш, шунингдек оддий ширкат шартномаси доирасида ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарларни мазкур шартнома шеригига (иштирокчисига) унинг шартнома иштирокчилари умумий мулкдаги мол-мулкдан улуши ажратиб берилган ёки бундай мол-мулк тақсимланган тақдирда топшириш;
- акциз тўланадиган товарларни улуш қўшиш асосида қайта ишлашга топшириш, шунингдек улуш қўшиш асосида хом ашё ва материалларни, шу жумладан акциз тўланадиган хом ашё ва материалларни қайта ишлаш мақсули бўлган акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқарувчи томонидан қайта ишлашга берилган хом ашё ва материалларнинг мулкдорига топшириш;
- ишлаб чиқарилган ва (ёки) қазиб олинган акциз тўланадиган товарларни ўз эҳтиёжлари учун топшириш;

- акциз тўланадиган товарларни Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудига импорт қилиш.

**Солиқ солинадиган база.** Акциз солиғининг ставкалари мутлақ суммада (қатъий) белгиланган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларнинг натурада ифодаланган ҳажми асосида аниқланади.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган ишлаб чиқарилаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича реализация қилинган акциз тўланадиган товарларнинг акциз солиғи ҳамда қўшилган қиймат солиғи киритилмаган қиймати солиқ солинадиган базадир.

Иш ҳақи ҳисобига, ҳисоблаб чиқарилган дивидендлар ҳисобига, бепул ёки бошқа товарларга (ишларга, хизматларга) айирбошлаш учун бериладиган акциз тўланадиган товарлар бўйича, шунингдек товарлар таннархидан паст нархларда реализация қилинган тақдирда солиқ тўловчи товарларни топшириш пайтида унинг ҳақиқий таннархидан кам бўлмаган даражада белгилайдиган нарх асосида ҳисобланган қиймат солиқ солинадиган базадир.

Қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллардан ишлаб чиқарилган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база акциз тўланадиган товарларни ишлаб чиқаришга доир ишлар қийматини ҳамда қайта ишлашга берилган хом ашё ва материаллар қийматини ўз ичига олади.

Акциз солиғининг ставкалари фоизларда (адвалор) белгиланган импорт қилинаётган акциз тўланадиган товарлар бўйича солиқ солинадиган база божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган божхона қиймати асосида белгиланади.

Солиқ солинадиган базага қуйидаги ҳолларда солиқ тўловчида тузатиш киритилади:

- товарлар тўлиқ ёки қисман қайтарилганда;
- битим шартлари ўзгартирилганда;
- баҳолар ўзгарганда, сотиб олувчи сийловдан (скидкадан) фойдаланганда.

**Акциз тўланадиган товарлар рўйхати** Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириладиган акцизбоп товарларга нисбатан акциз солиғи ставкаси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан белгиланади.

Акциз солиғи ставкалари товарнинг қийматига нисбатан фонсларда (адвалор) ва (ёки) натурада ифодаланган ўлчов бирлигига мутлақ суммада (катъий) белгиланади.

Акциз солиғини **ҳисоблаб чиқариш** аниқланадиган солиқ солинадиган базадан ва акциз солиғининг белгиланган ставкаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Қонун ҳужжатларида акциз солиғидан чегирмаларни<sup>162</sup> амалга ошириш белгиланган.

**Солиқ даври** қуйидагилардир:

- микрофирмалар ва кичик корхоналар учун – йил чорағи;
- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига қирмайдиган солиқ тўловчилар учун – бир ой.

**2.3. Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ** – маҳаллий солиқ. 2002 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2001 йил 31 декабрдаги 490-сон Қарори билан жорий этилган.

Жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газни чакана реализация қилишни амалга оширувчи юридик шахслар жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқни тўловчилардир.

Жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газни чакана реализация қилиш солиқ солиш **объектидир**.

Жисмоний шахсларга транспорт воситалари учун бензин, дизель ёнилғиси ва газнинг натура ҳолидаги реализация қилинган ҳажми **солиқ солинадиган базадир**.

Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда **ҳисоблаб чиқарилади**.

2010 йилда транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ишлатганлик учун олинадиган **солиқнинг юқори ставкаси** 1 литр учун 145 сўм, транспорт воситаларига газ ишлатганлик учун эса 1 кг учун 145 сўм ҳажмда белгиланган.<sup>163</sup>

<sup>162</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 237-модда.

<sup>163</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 21-илова.

Жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёнилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ суммаси чакана нархга қўшимча равишда белгиланади, сотиб олувчига бериладиган чекда алоҳида каторда кўрсатилади ҳамда жисмоний шахслардан реализация қилинаётган бензин, дизель ёнилғиси ва газ учун маблағларни олиш билан бир вақтда ундирилади.

**Солиқ даври қуйидагилардир:**

- микрофирмалар ва кичик корхоналар учун – йил чораги;
- микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун – бир ой.

#### **4.3. Давлат бюджетига бошқа мажбурий тўловлар: таркиби ва тавсифи**

**4.3.1. Божхона тўловлари.** Ўзбекистонда Божхона кодексига мувофиқ товарлар ва транспорт воситаларини божхона чегараси орқали олиб ўтишда қуйидаги божхона тўловлари<sup>164</sup> тўланади:

- бож;
- қўшилган қиймат солиғи;
- акциз солиғи;
- божхона ҳудудида қайта ишлаш режимидан ва божхона ҳудудидан ташқарида қайта ишлаш режимидан фойдаланиш билан боғлиқ рухсатномаларни берганлик учун йиғимлар;
- божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг малака аттестатини берганлик, бундай аттестатни қайта расмийлаштирганлик ва унинг амал қилиш муддатини узайтирганлик учун йиғимлар;
- божхона расмийлаштируви учун божхона йиғими;
- товарларни сақлаганлик учун божхона йиғими;
- товарларни божхона кузатувига олганлик учун божхона йиғими;
- дастлабки қарорни қабул қилганлик учун ҳақ.

Қонун ҳужжатларида бошқа божхона тўловлари ҳам белгиланиши мумкин.

Божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бож, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи солинади.

Товарлар қайтариб олиб чиқилган тақдирда илгари тўланган бож, қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи суммалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қайтарилиши лозим.

<sup>164</sup> Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. ЎЗРнинг 1997 йил 26 декабрдаги 548-І-сон Қонуни билан тасдиқланган. 103-модда.

Куйидаги ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгиладиган **миқдорларда** божхона йиғимлари ундирилади: товарларни божхона расмийлаштирувидан ўтказганлик учун; товарлар ва транспорт воситаларини сақлаганлик учун; товарларни божхона кузатувиغا олганлик учун.

Товарлар ва транспорт воситаларининг конун ҳужжатларида белгиланадиган божхона киймати божни, акциз солиғини ва тегишли бож йиғимларини **хисоблаб чиқариш** учун асос бўлади.

Қўшилган киймат солиғини **хисоблаб чиқариш** учун товарнинг божхона киймати асос бўлиб, унга тўланиши лозим бўлган бож, акцизга тортиладиган товар бўйича эса, акциз солиғининг суммаси ҳам қўшилади.

Божхона тўловлари декларант томонидан **тўланади**. Ҳар қандай манфаатдор шахс тўловчининг ўрнига божхона тўловларини тўлашга ҳақли.

Божхона тўловлари божхона декларацияси қабул қилингунга қадар ёки қабул қилиниши билан бир вақтда **тўланади**. Товарлар нотижорат мақсадлари учун олиб ўтиладиганда божхона тўловлари божхона декларациясини қабул қилиш билан бир вақтда тўланади.

Тўловчига божхона органининг қарорига асосан тўловларни кечиктириб ёки бўлиб-бўлиб **тўлаш** имконияти, божхона тўловларининг тўланиши товарлар ва транспорт воситаларини гаровга қўйиш, учинчи шахснинг кафолати ёхуд тегишли суммаларни божхона органининг депозит ҳисобварағига ўтказиш йўли билан таъминланади.

Божхона кодексига биноан ортиқча тўланган ёки ундирилган божхона тўловларининг суммалари қайтарилиши ёхуд тўланган пайтдан бошлаб ёки бундай тўловлар ундирилган пайтдан бошлаб бир йил мобайнида тўловчининг буюртмаси бўйича бўлгуси тўловлар ҳисобига ўтказилиши лозим. Божхона тўловлари қайтарилганда улар учун **фоизлар тўланмайди**.<sup>165</sup>

#### **4.3.2. Давлат божи.**

Юридик аҳамиятга молик ҳаракатлар амалга оширилиши ва (ёки) ҳужжатлар берилиши хусусида ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахсларга мурожаат қилаётган юридик ва жисмоний шахслар давлат божини **тўловчилардир**.

Давлат божи куйидаги ҳолларда **ундирилади**: юридик жихатдан аҳамиятга эга фаолият юритгани учун ва (ёки) ваколатли ташкилотлар ва (ёки) мансабдор шахс томонидан **ҳужжатлар берилганда**; Ўзбекистон Республикаси консуллик муассасалари томонидан консуллик ҳаракатларини амалга оширган-да давлат божи консуллик йиғими тарзида ундирилади.

<sup>165</sup> Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодекси.113-модда.

Давлат божи **ставкалари** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Солик кодексига биноан алоҳида тоифадаги шахслар консуллик йиғимини<sup>166</sup> ва умумий юрисдикция судларида давлат божини<sup>167</sup>, хўжалик судларида<sup>168</sup>, нотариал фаолиятни амалга оширишда<sup>169</sup>, фуқаролик ҳолати бўйича актларни рўйхатдан ўтказишда<sup>170</sup> ва чет элга чиқиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортини олишда<sup>171</sup> тўловлардан озод қилинган.

Давлат божи давлат божи ундириладиган ҳаракатлар амалга оширилгунига қадар нақд пулли ёки нақд пулсиз шаклда тўланади.

Давлат божи тўлов ҳужжатлари асосида бюджет тасарруфига ўтказилади, давлат божининг хизматлари учун давлат божи ундирилаётган давлат органи тасарруфида қолдирилаётган қисми бундан мустасно.

Давлат божи судларда ва нотариал фаолиятни амалга оширишда ундирилишида ўзига хос хусусиятлар мавжуд.

Консуллик йиғими консуллик ҳаракатлари амалга оширилгунига қадар тўланади. Консуллик йиғимлари бюджет даромадига ўтказилади. Консуллик йиғимларининг тўланган суммалари қайтарилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган алоҳида ҳолатларда давлат божи тўлиқ ёки қисман қайтарилиши мумкин.

**4.3.3. Ягона ижтимоий тўлов** (2003 йил 25 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг 567-сон Қарори билан жорий этилган) ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига сугурта бадаллари.

**Ягона ижтимоий тўловни тўловчилар** қуйидагилардир: юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари; Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса, чет эллик юридик шахсларнинг ваколатхоналари ва филиаллари орқали амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

Жисмоний шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикасида доимий равишда яшаб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига сугурта бадалларини тўловчилардир.

Иш ҳақи тарзидаги даромадлар ягона ижтимоий тўловнинг ва сугурта бадалларининг солиқ солиш объектидир.

<sup>166</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси. 334-модда.

<sup>167</sup> Ўша ерда. 329-модда.

<sup>168</sup> Ўша ерда. 330-модда.

<sup>169</sup> Ўша ерда. 331-модда.

<sup>170</sup> Ўша ерда. 332-модда.

<sup>171</sup> Ўша ерда. 333-модда.

Ягона ижтимоий тўловни ва суғурта бадалларини ҳисоблаб чиқариш учун **солиқ солинадиган база** тўланадиган даромадлар суммаси сифатида белгиланади.<sup>172</sup>

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари алоҳида тўловларга нисбатан ҳисобланмайди.<sup>173</sup>

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ҳамда белгиланган ставкалардан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқарилади.

Ягона ижтимоий тўлов ва суғурта бадаллари ставкаси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан белгиланади ва 2010 йилда иш ҳақи фондидан 25 фоизни ташкил этди. Ягона ижтимоий тўлов давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ўртасида белгиланган тартибда куйндаги ҳажмларда тақсимланган:<sup>174</sup>

- Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига – 24,8%;
- Давлатнинг аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармасига – 0,1%;
- Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашига – 0,1%.

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига **фуқароларнинг мажбурий суғурта бадаллари ставкаси** меҳнат ҳақи кўринишида уларнинг даромадларидан 4 фоизни ташкил этади.<sup>175</sup>

Ягона ижтимоий тўлов юридик шахсларнинг маблағлари ҳисобидан тўланади, суғурта бадаллари эса ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинади ва солиқ агентлари томонидан ўтказилади.

Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига **мажбурий ажратмаларни тўловчилардир.**

Соф тушум бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг **солиқ солиш объекти** ва **солиқ солинадиган базасидир.**

Бир катор хўжалик субъектлари учун Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларни амалга ошириш объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган:

<sup>172</sup> Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. 172-модда.

<sup>173</sup> Уша ерда.308-модда.

<sup>174</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори. 25-илова.

<sup>175</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори. 3-модда.

**31-жадвал. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмаларга тортиш объектлари**<sup>176</sup>

№	Тўловчилар	Ажратмаларга тортиш объекти
1	Воситачилик (топширик) шартномалари ва воситачилик хизматларини кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматларини кўрсатувчи корхоналар ва ташкилотлар	ҚҚС чегирилган ҳолда, воситачилик ҳақи суммаси
2	Тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари	ҚҚС чегирилган ҳолда товар айланмаси ҳажми
3	Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирадиган республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг ҳудудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базалари*	ялли даромад
4	“Ўздонмахсулот” АҚ корхоналари (ғалла қабул қилиш корхоналари ва ғалла қабул қилиш фаолиятини амалга оширувчи донни қайта ишлаш корхоналари)	ҚҚС чегирилган ҳолда таъминот-сотиш устамаси ва чегирмаси
5	Кредит ва сугурта ташкилотлари	даромад
6	Молиявий ижара (лизинг) хизматларини кўрсатадиган корхоналар	фоизли даромад
7	Коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари	махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ҚҚСни ва тегишинча иссиқлик таъминоти корхоналари учун - иссиқлик энергияси, сув таъминоти корхоналари учун - сув, газ таъминоти корхоналари учун - табиий газнинг харид қийматини чегирган ҳолда
8	Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари	ҚҚСни чегирган ҳолда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми
9	Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари	махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ҚҚС ва акциз солигини чегирган ҳолда

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар ҳар ойда солиқ солинадиган базадан ва белгиланган ставкадан келиб чиққан ҳолда **ҳисоблаб чиқарилади.**

<sup>176</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 24-илова.



Календарь йил солиқ давридир. Ҳисобот даври куйидагилардир: микрофирмалар ва кичик корхоналар учун – йил чораги; микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун – бир ой.

#### 4.3.4. Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар.

Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикасининг резидентлари Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўловчилардир.

Соф тушум Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларнинг солиқ солиш объекти ва солиқ солинадиган базасидир.

Календарь йил солиқ давридир. Ҳисобот даври куйидагилардир: микрофирмалар ва кичик корхоналар учун – йил чораги; микрофирмалар ва кичик корхоналар жумласига кирмайдиган солиқ тўловчилар учун – бир ой.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар солиқ солинадиган базадан ва тасдиқланган ставкадан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда ҳисоблаб чиқарилади.

Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкаси ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори билан белгиланади.

2009 йилда Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар ставкалари 32.1-жадвалда келтирилган.

### 32.1-жадвал. 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига ажратмалар ва йиғимлар ставкалари<sup>177</sup>

#### I. Мажбурий ажратмалар

N	Тўловчилар	Тўлаш объекти	Солиқ солиш объектига нисбатан %да ставка
1	Воситачилик (топширик) шартномалари ва воситачилик хизматларини кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар	ҚҚСни чегирган ҳолда воситачилик ҳақи суммаси	1,0
2	Тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари	ҚҚСни чегирган ҳолда товар обороти ҳажми	1,0

<sup>177</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 22-илова.

3	Улгуржи савдо корхоналари уюшмаси тизимига кирадиган республика ихтисослаштирилган улгуржи база-конторалари ва уларнинг худудий (вилоят, вилоятлараро ва туманлараро) базалари*	ялли даромад	1,0
4	“Ўздонмахсулот” АК корхоналари (ғалла қабул қилиш корхоналари ва ғалла қабул қилиш фаолиятини амалга оширувчи донни қайта ишлаш корхоналари)	ҚҚСни чегирган ҳолда таъминот-сотиш устамаси ва чегирмалар	1,5
5	Кредит ва сугурта ташкилотлари	даромад	1,5
6	Молиявий ижара (лизинг) хизматларини кўрсатадиган корхоналар	фонзли даромад	1,5
7	Коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари	махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми. ҚҚСни ва тегишнча иссиқлик таъминоти корхоналари учун - иссиқлик энергияси, сув таъминоти корхоналари учун - сув, газ таъминоти корхоналари учун - табиий газнинг харид қийматини чегирган ҳолда	1,5
8	Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари	ҚҚСни чегирган ҳолда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми	2,5
9	Автотранспорт корхоналари	ҚҚСни чегирган ҳолда махсулот (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажми	1,5
10	Иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари	махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми. ҚҚС ва акциз солигини чегирган ҳолда	1,5

Республика йўл жамғармаси йиғимларига қуйидагилар қиради:

- автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси худудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғим;
- чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси худудига кирганлиги ва унинг худуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун йиғим.

Автотранспорт воситаларини олувчи ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб киришни амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун **йиғим тўловчилардир**.

Чет давлатлар автотранспорт воситаларининг эгалари ёки фойдаланувчилари ушбу воситаларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун **йиғим тўловчилардир**.

**Йиғимлар учун солиқ солиш объекти қуйидагилардир:**

- автотранспорт воситаларини олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш;
- чет давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириши ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтиш.

**Солиқ солинадиган база** қуйидагилардир: олинган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари двигателининг от кучидаги қуввати; Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганида ёки унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганида чет давлатларнинг автотранспорт воситалари.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун йиғимини алоҳида тўловчилари учун уни тўлашдан озод қилиш кўринишидаги **имтиёзлар** мавжуд.

Автотранспорт воситаларини олганлик ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кирганлик учун **йиғим** улар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги органларида давлат рўйхатидан ўтказилаётганда, қайта рўйхатдан ўтказилаётганда **ундирилади**.

2010 йилда республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар ставкалари 32.2-жадвалда келтирилган.

**32.2-жадвал. 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги Республика йўл жамғармасига ажратмалар ва йиғимлар ставкалари<sup>178</sup>**

**II. Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар**

№	Йиғимлар ва ажратмалар турлари	Ставка
1.	Олинган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари қийматидан ушбу воситаларнинг эгалари (фойдаланувчилари) томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИБ органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йиғимлар (фойдаланиш муддатига қараб ҳар бир от кучи учун энг кам иш ҳақиға нисбатан %да) *:	
	фойдаланиш муддати 3 йилгача	10
	фойдаланиш муддати 3 йилдан 7 йилгача	7
	фойдаланиш муддати 7 йилдан ортиқ	5
2.	"Ўзавтойўл" ДАК корхона ва ташкилотлари мол-мулкнинг сотиб олишдан тушган маблағларнинг бюджетга тушиши лозим бўлган умумий суммасидан ажратмалар (%)	50

\* йиғим миқдори:

- ўринлар сони 40 тагача бўлган автобуслар ва юк ортиш ҳажми 20 тоннагача бўлган юк автотранспорт воситалари бўйича- харид қийматининг 20 фоизидан;

- қолган автотранспорт воситалари бўйича – харид қийматининг 6 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Чет давлатлар автотранспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ва унинг ҳудуди орқали транзит тарзида ўтганлиги учун **йиғим** чет давлатнинг автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кираётганида **ундирилади**.

2010 йилда Ўзбекистон ҳудудига хорижий ва қўшни мамлакатлардан автотранспорт воситаларини кириб келиши ва транзити эвазига республика йўл жамғармасига йиғимлар ставкалари 33-жадвалда келтирилган.

<sup>178</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 21-илова.

**33-жадвал. 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Мөлhia вазирлиги хузуридаги  
Республика йўл жамғармасига Ўзбекистон Республикаси худудига хорижий ва  
чегарадош давлатлардан автотранспорт воситаларини олиб кириш ва транзит  
қилишдан йиғимлар ставкалари<sup>179</sup>**

N	Йиғимлар турлари	Йиғимлар ставкалари (АҚШ долларида)
1	Ўзбекистон Республикаси худудига чет эл давлатларидан автотранспорт воситаларини олиб кирганлик ва транзит қилиш учун йиғим, бир автоташувчини олиб кирганлик учун (2-5-бандларда кўрсатилган мамлакатлар бундан мустасно)	400
2	Ўзбекистон Республикаси худуди орқали Тожикистон Республикасининг ҳар бир юк автотранспорт воситаси ва автобусини олиб кирганлик ва транзит қилганлик учун йиғим:	
	битта юк автотранспорт воситаси ва автобусдан	
	юк автотранспорт воситаси ва автобус Ўзбекистон Республикаси худудига бўлган 8 суткадан ошган ҳар бир кун учун	130
	Ўзбекистон Республикаси худудига Қозоғистон Республикаси юк автотранспорт воситалари ва автобусларини олиб кирганлик учун йиғим, бир юк автотранспорт воситасини олиб кирганлик учун*	50
3	юк автотранспорт воситалари ва автобусларни Ўзбекистон Республикаси худуди орқали учинчи мамлакатларга (МДХ мамлакатларидан ташқари) транзит олиб ўтганлик учун	90
4	Ўзбекистон Республикаси худуди орқали Қирғизистон Республикасининг юк автотранспорт воситалари ва автобусларини олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғим*	300
5	Ўзбекистон Республикаси худуди бўйлаб автотранспорт воситалари турлари бўйича Туркменистон Республикаси автотранспорт воситаларини олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғим:	300
	қуйидаги ҳажмдаги юкларни кўтарадиган юк автотранспорт воситалари:	
	10 тоннагача	50
	10 тоннадан 20 тоннагача	100
	20 тоннадан кўп	150
	ўриндиқлар сони қуйидагича бўлган автобуслар:	
	12 ўриндиқгача	25
	13 ўриндиқдан 30 ўриндиқгача	50
	30 ўриндиқдан кўп	100
	транзит йўналишли енгил автотранспорт воситалари	30
	транзит йўналишли мотоцикллар	15

Гуманитар юкларни олиб ўтишда автотранспорт воситаларининг олиб кирилиши ва транзитида ундириладиган йиғимлар ставкасига нисбатан 0,5 камаювчи коэффициентни қўлланилади.

<sup>179</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 23-илова.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 4.4. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадлари ва уларнинг тавсифи


Кўпгина солиқсиз даромадлар фискал-доимий хусусиятга эга эмас ва уларнинг катъий белгиланган ставкаси йўқ. Солиқсиз даромадлар, бошқа даромадлардан фарқли равишда, катъий режалаштирилиши керак эмас, лекин амалда улар ўтган йилги даражада режалаштирилади.

Солиқсиз даромадлар, солиқли даромадлар каби, юридик ва жисмоний шахслар учун Ўзбекистон Республикаси ҳокимият органлари томонидан белгиланади. Солиқсиз даромадлар мажбурий ва ихтиёрий тўловлар шаклида бўлиши мумкин.

Солиқсиз даромадаларнинг рўйхати барча даражадаги бюджетлар бўйича бир хил бўлиб, у бюджет таснифи билан белгиланади.

**Солиқсиз даромадларга қуйидагилар қиради (24-схема):**

**24-схема. Бюджетнинг солиқсиз даромадлари**



1. давлат мулки ва муниципал мулкда бўлган мол-мулкдан ёки хўжалик фаолиятдан олинадиган даромадлар, шу жумладан:

- давлат ва муниципал мулкдан фойдаланиш натижасида пайдо бўлган даромад;

- давлатга тегишли бўлган акциялар бўйича дивидендлар;

- давлат ва муниципал мулкни ижарага беришдан, шу жумладан кишлоқ хўжалиги ва нокишлоқ хўжалиги мақсадидаги ерлардан олинадиган ижара тўловларидан келиб чиқадиган даромадлар;

- бюджетнинг вақтинча бўш маблағларини банклар ва кредит ташкилотларида жойлаштириш эвазига олинган фонзлар;

- хизмат кўрсатиш ва давлат харажатлари компенсация қилинишидан олинадиган даромадлар;

- давлат ва муниципал ташкилотлардан тўловлар;

- давлат мулки ва муниципал мулкда бўлган мол-мулк ёки хўжалик фаолиятдан келадиган бошқа тушумлар;

2. давлат мулки ва муниципал мулкни сотишдан олинадиган даромадлар, шу жумладан:

- давлат мулки ҳисобланган ташкилотларнинг хусусийлаштирилиши ва давлат тасарруфидан чиқарилиши натижасида келадиган тушум;

- корхона ва ташкилотларнинг давлатга тегишли акциялари сотилишидан келадиган тушум;

- квартираларни сотишдан олинадиган даромад;

- давлат ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш, транспорт воситалари ва бошқа ускуналарни сотишдан олинадиган даромадлар;

- давлат мулки ва муниципал мулкка ўтган, мусодара қилинган эгасиз мулкни сотишдан олинадиган даромадлар;

3. давлат захираларини сотишдан олинадиган даромад;

4. ер ва номоддий активларни сотишдан олинадиган даромад;

5. нодавлат манбаларидан келадиган капитал трансфертлари;

6. жарима санкциялари, зарар ўрнини тўлдириш, шу жумладан:

- стандартлардан ва техник талаблардан четлашган ҳолда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотишдан тушган суммалар;

- нархларни қўллаш тартибини бузганлик учун санкциялар;

- жиноят содир этишда ва моддий бойликлар камоматида айбдор бўлган шахслардан ундириладиган сумма;

7. ташқи иқтисодий фаолиятдан олинадиган даромадлар, шу жумладан:

- давлат кредитлари бўйича фоизлар;

- давлат захираларини сотишдан олинадиган даромад;
  - марказлаштирилган экспортдан олинадиган сума;
  - ташки иктисодий фаолиятдан олинадиган бошқа тушумлар;
8. бошқа солиқсиз даромадлар.

### **Назорат саволлари**

1. “Бюджет даромадлари” термини мазмунини тушунтириб бering.
2. “Солиқ” термини мазмунини тушунтириб бering.
3. Солиқли даромадлар манбаларини айтиб бering.
4. Ягона бюджет жараёнида солиқлар бажарадиган функцияларни санаб бering ва тавсифланг.
5. Таснифловчи белгиларга кўра солиқларга тавсиф бering.
6. Солиқ элементларини айтинг ва уларнинг моҳиятини тушунтириб бering.
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг даромадлар қисмини шакллантирувчи даромадларни санаб бering.
8. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган умумдавлат солиқларини санаб бering.
9. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимларни санаб бering.
10. Тўғри солиқлар гуруҳига тавсиф бering.
11. Бюджет билан солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибини назарда ту-тувчи алоҳида тоифадаги корхоналарни солиққа тортиш тартибига тавсиф бering.
12. Ресурс тўловлари гуруҳларига тавсиф бering.
13. Мол-мулк солиқларига тавсиф бering.
14. Эгри солиқлар гуруҳига тавсиф бering.
15. Божхона тўловларига тавсиф бering.
16. Давлат бюджетининг солиқсиз даромадларини санаб бering ва тавсифланг.

### **Адабиётлар**

#### **Асосий адабиётлар**

1. Государственный бюджет: Учебник / А.В. Ваҳабов, З.Х. Срождиддинова. 2-е изд., перераб. и доп. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.
2. Бюджетная система России: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / под ред. Г.Б.Поляка. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ–ДАНА, 2007.
3. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник / О.В.Врублевская и др.; - 3 изд., испр. и перераб. – М.: Юрайт-Издат, 2003.



### **Норматив ҳужжатлар**

4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-136-сон Қонуни билан тасдиқланган.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 1997 йилги давлат бюджети муносабати билан солиқ ислохотини чуқурлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 1996 йил 27 сентябрдаги ПФ-1565-сон Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Солиқ солишнинг соддалаштирилган тизимига ўтган микрофирмалар ва кичик корхоналарга солиқ солиш тартиби тўғрисида” 1998 йил 15 апрелдаги 159-сон Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги 548-І-сон Қонуни билан тасдиқланган.


## 5-БОБ. ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ

### 5.1. Бюджет харажатлари, бюджетдан молиялаштириш усуллари, принциплари ва шакллари

Давлат бюджети харажатлари – бу давлат ўз функциялари ва вазифаларини бажариш учун бюджетдан йўналтирадиган пул маблағлари оқимларидир.

Ҳар қандай давлатда бўлганидек, Ўзбекистоннинг давлат бюджети харажатлари ҳам куйидаги асосий харажатлар блокларини ўз ичига олади: ижтимоий мақсадлар харажатлари; иқтисодиёт харажатлари; ижтимоий инфратузилма, кишлоқ хўжалиги ва уй-жой коммунал секторини ривожлантиришга йўналтириладиган марказлаштирилган инвестицияларни молиялаштириш харажатлари; бошқарувга харажатлар; миллий хавфсизлик ва ички ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш харажатлари; ташқи иқтисодий фаоллият учун харажатлар; давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари (25-схема).

25-схема. Ўзбекистон давлат бюджетининг асосий харажатлар блоклари



Ҳар қандай давлатнинг иқтисодиёт ва сиёсатидаги хусусиятлари унинг харажатлари устуворликларида ҳам акс этади. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устуворликларидан келиб чиққан ҳолда ҳар йили мамлакатнинг солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланади ва улар давлат бюджетини ишлаб чиқишда асос сифатида хизмат қилади.

Мустақил Ўзбекистоннинг умумий тараққиёт даври давомида бюджет харажатлари устувор даражада ижтимоий ва иқтисодий соҳаларга сарфланган ва сарфланиб келинмоқда.

Масалан, 2010 йилда барча бюджет харажатларининг 59% (максадли жамғармаларнинг харажатларини ҳисобга олмаганда) **ижтимоий соҳа** ва аҳолини **ижтимоий қўллаб-қувватлашга** йўналтирилади. Бунинг таркибида таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, спорт, ижтимоий таъминот тизимларининг фаолиятини молиялаштириш орқали **ижтимоий-маданий тадбирларни амалга ошириш** харажатлари (48,7%), шунингдек аҳоли турмуш даражасини **оширишга** йўналтирилган харажатлар (10,7%), шу жумладан кўп болали оилаларга ҳар ойда бериладиган нафақалар ва моддий ёрдамлар, болалиқдан ногиронларга нафақалар ва бошқалар катта ўрин эгаллайди.

Бюджетнинг **иқтисодиётга** харажатларига алоҳида хўжалик субъектларини ва миллий иқтисодиёт секторларини қўллаб-қувватлашга харажатлар, шу жумладан қишлоқ ва сув хўжалиги; уй-жой эксплуатация хўжалиги; шаҳарларни ободонлаштириш, водопровод, канализация ва бошқаларга харажатлар қиради.

**Бошқарувга** харажатлар ҳокимиятнинг барча қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари фаолиятини, давлат ҳокимияти органлари, давлат бошқаруви ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, судлар, прокуратура органлари ва бошқа муассасаларнинг харажатларини молиялаштириш орқали амалга оширилади.

**Миллий хавфсизлик ва ички ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш** харажатлари мудофаа комплексига (Мудофаа вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат чегарасини кўриқлаш қўмитаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва бошқаларни таъминлаш харажатлари), ҳуқуқ-тартибот органларига (Ички ишлар вазирлиги, Жазони ижро этиш Бош бошқармаси, Ички ишлар вазирлигининг моддий-техника ва ҳарбий таъминот бошқармаси, Давлат божхона қўмитаси ва бошқаларни таъминлаш харажатлари) ва бошқаларга харажатлар қиради.

Ўзбекистоннинг **ташқи иқтисодий фаолияти** билан боғлиқ бюджет харажатлари Республика Ҳукумати томонидан хорижий давлатларнинг Ҳукуматларига кредитлар бериш билан боғлиқ харажатларни; Республика

Ҳукумати томонидан хорижий давлатлар Ҳукуматларидан олинган кредитлар бўйича тўловларни; Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан хорижий банклардан олинган узок муддатли кредитларни қоплаш билан боғлиқ харажатларни; Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан импорт режаси ҳисобига товарларнинг аванс харидларига ҳамда тўловлар ва тушумлар ўртасидаги фарқни қоплаш учун берилган кредитларни ва уларнинг фоизларини қоплашга харажатларни; хорижий давлатларга бегараз ёрдам бериш операцияларини молиялаштиришни; Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан алоҳида операциялари бўйича жалб қилинган маблағлар учун тўланадиган фоизлар билан боғлиқ харажатларни; халқаро ташкилотларга аъзолик бадаллари тўлаш бўйича харажатларни; биржа операциялари бўйича харажатлар ва бошқа харажатларни ўз ичига олади.

**Давлат қарзига хизмат кўрсатиш** бўйича харажатларга ташқи ва ички қарз бўйича асосий қарз ва фоизларни тўлаш ва бошқалар қиради.


Бюджет харажатлари транзит хусусиятига эга. Бюджет харажатлари орқали бюджетдан маблағ олувчилар – бюджет маблағларини олувчи ёки тақсимловчи ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ташкилотлари молиялаштирилади. Бюджетда сарф-харажатлар моддалари бўйича бюджет харажатлари белгиланади, харажатларни эса бюджетдан маблағ олувчилар амалга оширадилар.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнига таъсир этиш хусусиятига қараб бюджет харажатлари жорий ва капитал бўлади (26-схема).

**Бюджетларнинг жорий харажатлари** – давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, бюджет ташкилотларининг жорий фаолиятини таъминлаш учун, бошқа бюджетлар ва иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари жорий фаолиятига ажратмалар, дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар кўринишида давлат томонидан қўллаб-қувватлашни амалга ошириш учун бюджет харажатларининг қисми. Жорий харажатлар бюджет харажатларининг асосий қисмини ташкил этади.

**Бюджетларнинг капитал харажатлари** – инновация ва инвестиция фаолиятини таъминловчи бюджет харажатлари қисми бўлиб, у тасдиқланган инвестиция дастурига биноан фаолият юритаётган ёки янги ташкил этилаётган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга инвестициялаш учун мўлжалланган харажатларни ўзида мужассамлаштиради.

## 26-схема. Бюджет харажатлари турлари



Бюджет маблағларини сарфлаш куйидаги **методлар** ёрдамида амалга оширилади:

- бюджетдан молиялаштириш (кайтириб берилмайдиган пул маблағларини бюджетдан тақдим этиш);
- бюджетдан кредитлаштириш ва маблағларни инвестициялаш;
- маблағларни бюджет қарз мажбуриятларини қоплашга йўналтириш.

Бюджетдан маблағ олувчиларга ўз жорий фаолиятини амалга ошириш учун бюджет маблағларини тақдим этишнинг асосий методи **бюджетдан молиялаштириш** ҳисобланиб, у куйидаги **принципларга** асосланади:

- бюджет ажратмаларидан фойдаланишнинг мақсадлилиги. Бюджетдан маблағ олувчилар белгиланган мақсадлар учун тасдиқланган бюджет асосида маблағ оладилар. Ушбу принципга қатъий риоя қилиш маблағларни сарфлашнинг самарадорлигини таъминлайди;
- бюджетдан молиялаштиришнинг текинлиги;
- бюджетдан молиялаштиришнинг қайтарилмаслиги;

- минимал харажатлар билан максимал самара олиш;
- бюджет маблағларини ишлаб чиқариш ва бошқа кўрсаткичларнинг бажариб борилишига қараб ва аввалги ажратмалардан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда тақдим этиш. Бу принцип молия органларига бюджет маблағларини олувчилар фаолияти устидан таъсирчан ва самарали назоратни амалга ошириш имкониятини беради.

Бюджетдан молиялаштириш қуйидаги **шаклларда** амалга оширилади:

- бюджетдан маблағ олувчиларнинг жорий харажатларига (ишчиларга меҳнат ҳақини тўлаш, давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига сугурта бадалларини ўтказиш, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан коммунал хизматлар, сафар харажатларини тўлаш ва бошқалар), шунингдек ҳукуматнинг бошқа даражаларига ўтказилувчи алоҳида давлат ваколатларини амалга оширишга; давлат харидларига ва бошқаларга ажратмалар;
  - трансфертлар (аҳолига бериладиган мажбурий тўловларни молиялаштириш учун бюджет маблағлари: стипендиялар, нафақалар, компенсациялар, пенсиялар ва бошқа ижтимоий тўловлар);
  - бошқа даражадаги бюджетлар ва давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига бюджет ссудалари, субвенциялари ва дотациялари;
  - бюджетлараро трансфертлар;
  - жисмоний ва юридик шахсларга субвенциялар ва субсидиялар;
  - фаолият юритаётган ёки янгидан яратилаётган юридик шахсларнинг устав капиталига инвестициялар;
  - мулк шаклидан қатъий назар юридик шахсларни бюджетдан кредитлаш;
  - қарз мажбуриятларига хизмат кўрсатиш (давлат органларининг кафолатлари билан).

**Ўзбекистон Республикасида** умумдавлат аҳамиятига молик тадбирларни молиялаштириш Молия вазирлиги томонидан республика бюджети ҳисобидан тасдиқланган параметрлар ва харажатлар рўйхатига биноан амалга оширилади.

Республика бюджети **харажатлари** тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида қуйидагича амалга оширилади.<sup>180</sup>

- 1) республика бюджетидан молиялаштириладиган бюджет маблағи олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;
- 2) жорий бюджет трансфертлари шаклида;
- 3) капитал харажатлар шаклида;

<sup>180</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-Ў-сон Қонуни, 16-модда.

- асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

- чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга;
- давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

- давлат захираларини вужудга келтиришга;

4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида;

5) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларга бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари шаклида;

6) резидент-юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида;

7) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;

8) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида;

9) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

## **5.2. Бюджет ташкилотларини молиялаштириш, бюджет маблағларини сарфлаш, бюджет ташкилотини ривожлантириш фондиди шакллантириш ва бюджет ташкилотлари харажатлари ижросини назорат қилиш тартиби**

Ўзбекистонда Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотлари учун харажатларни молиялаштириш (тўлаш) тартиби белгиланган:

- бюджет маблағларидан тежаб, самарали ва аниқ фойдаланиш ҳамда бюджет интизомини мустаҳкамлаш учун бюджет ташкилотлари раҳбарларининг мустақиллигини кенгайтириш ва масъулиятини ошириш;

- бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) механизмини соддалаштириш ва ушбу маблағлардан фойдаланишда юқори натижаларга эришиш мақсадида мавжуд маблағларни оқилона тақсимлаш учун имкониятлар яратиш;

- иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни, иш ҳақиға қўшимчалар, капитал қўйилмалар ва бошқа харажатларни гуруҳлаган ҳолда бир сатрда маблағ билан таъминлаш усулида бюджет ташкилотларини нормативлар бўйича (фаолият турига кўра) бюджет ташкилотлари харажатларини молия-

лаштириш (тўлаш)нинг янги тартибини жорий этиш, газна ижросига ўтган, харажатлари моддалар бўйича амалга ошириладиган бюджет ташкилотлари бундан мустасно;


- Давлат бюджетидан маблағ олувчиларнинг маблағларни сарфлашлари устидан дастлабки ва жорий назоратни таъминлаш;
- бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш)ни уларнинг фаолият тури бўйича товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятини кенгайтириш билан бирга қўшиб олиб бориш;
- бюджет ташкилотлари ходимлари меҳнатини рағбатлантириш, улар фаолияти самарадорлигини ошириш ва кадрларнинг ўрнашиб қолиши учун шарт-шароитлар яратиш.

Мустақил равишда хўжалик ҳисоби фаолиятини юритувчи, махсус қилиб олинган тадбирлар учун бюджетдан дотация ва маблағлар олувчи вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотларни молиялаштириш алоҳида хусусиятга эга.

Бюджетдан маблағ олувчиларни Давлат бюджетидан молиялаштириш иктисодий таснифга биноан харажатларнинг қуйидаги гуруҳлари бўйича амалга оширилади (27-схема):

- I. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар
- II. Иш ҳақига қўшимчалар
- III. Капитал қўйилмалар
- IV. Бошқа харажатлар.

#### 27-схема. Бюджет ташкилотларининг харажатларини гуруҳлашуви





Харажатларини молиялаштириш (тўлаш) бюджет ижроси жараёнида харажатлар рўйхати ва сметасига киритиладиган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган бюджет параметрларига ҳамда бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларига мувофиқ тузилган бюджет харажатларининг йиллик рўйхатига биноан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган бюджетдан маблағ билан таъминлаш нормативлари асосида смета ва штатлар жадвалини мустақил равишда ишлаб чиқадилар ва тасдиқлайдилар.

**Смета** – нотижорат фаолиятини амалга оширувчи ташкилотнинг мақсадга йўналтирилганлиги нуқтан назаридан пул маблағларининг ташкил топиши ва сарфланиши тўғрисидаги ахборотни ўзида мужассамлаштирувчи молиявий режасидир. Иш ҳақини тўлашга ва жорий фаолиятга харажатлар бюджетдан ажратилганлигини, шунингдек маблағларнинг мақсадлилиги ва чораклар бўйича тақсмоти ҳажмини белгиловчи ҳужжатдир.

**Штатлар жадвали** – доимий ишчиларнинг лавозимлари номларининг рўйхати бўлиб, унда бир номдаги лавозимлар ва лавозим бўйича маошларнинг ҳажми кайд этилади, у мулк эгаси, раҳбар ёки юқори орган томонидан тасдиқланади. Штат жадвали корхона, ташкилот ва муассасаларнинг таркибий бўлинмалари штатларини тегишли тоифадаги ишчилар билан тўлдириб олиш ҳуқуқини беради.

Сметалар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига мувофиқ харажатларнинг тўлиқ ёйилмаси илова қилинган ҳолда харажатларнинг тўрт гуруҳи бўйича тузилади ва ҳисобот бериш мақсадида фойдаланилади.

Бюджет ташкилотлари тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига ёки ҳудудий молия органларига тақдим этадилар.

Тасдиқланган смета ва штатлар жадвалини рўйхатдан ўтказиш, иловаларни келишиш тақдим этилган ҳужжатларнинг тасдиқланган бюджет харажатлари лимитларига ва нормативларига ҳамда бюджет параметрларига мувофиқлиги таҳлили асосида тегишли молия органларида амалга оширилади. Рўйхатдан ўтказиш мазкур бюджет ташкилоти харажатларини молиялаштириш (тўлаш), бюджет параметрлари тасдиқланган пайтдан бошлаб 40 кундан кечиктирмай молия органлари томонидан амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг тасдиқланган харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини, шунингдек амалдаги смета ва штатлар жадвалига киритиладиган

Ўзгартиришлар улар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ёки ҳудудий молия органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг амалга киритилади.

Киритиладиган ўзгартиришлар албатта Молия вазирлигининг Ҳазначилиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари билан келишилади.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларига киритилган бюджет ташкилотлари харажатлари биринчи навбатда молиялаштирилади (тўланади). Бунда II харажатларнинг гуруҳига тегишли маблағ ўтказмасдан I гуруҳ харажатларини амалга ошириш тақиқланади.

Ягона газна ҳисоб рақамида, шунингдек ҳудудий Ҳазначилик ҳисоб рақамида биринчи ва иккинчи гуруҳлар бўйича тўланмаган харажатлар суммасидан ортиқ маблағлар мавжуд бўлганда ортиқча сумма миқдорида учинчи ва тўртинчи гуруҳлар бўйича харажат қилишга руҳсат этилади.

Капитал қўйилмаларга ажратмалар (III гуруҳ харажатлари) жорий бюджет йили учун тасдиқланган Республика инвестиция дастурига мувофиқ қурилишларнинг аниқ рўйхатларига мувофиқ ажратилади.

Ҳазначилик томонидан хизмат кўрсатиладиган буюртмачилар объектлари қурилишига Давлат бюджетидан назарда тутилган харажатлар Ҳазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг жорий йилга тасдиқланган Инвестиция дастурига ҳамда қурилишларнинг аниқ рўйхатига мувофиқ, буюртмачиларнинг Молия вазирлигининг Ҳазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган шартномаларга асосан тўланади.

Харажатларнинг I ва II гуруҳларини республика ва маҳаллий бюджетлардан харажатларини молиялаштириш (тўлаш) сметаларга ва бюджет харажатлари рўйхатларига, уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек олдинги ҳисобот даври учун белгиланган баҳолаш кўрсаткичларининг бажарилишига мувофиқ ҳар ойда амалга оширилади.

Капитал қўйилмаларни ва бошқа харажатларни молиялаштириш (тўлаш) бюджетга маблағлар тушишига қараб ҳар ойда амалга оширилади.

Газна ижросига ўтмаган бюджет ташкилотлари харажатларини:

– республика бюджетидан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида белгиланган шаклдаги мақсадли сертификат (унда бюджет таснифномаси параграфлари ва харажатлар гуруҳларини кўрсатган ҳолда) ва харажатларнинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади;

– маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминлаш (тўлаш) – тегишли молия органларида белгиланган шаклдаги тайинланган сертификати ва харажатлар-

нинг ҳар бир гуруҳи бўйича бир сатрда маблағ ўтказиш учун тўлов қоғози билан расмийлаштирилади.

Ғазна ижросига ўтган бюджет маблағи олувчилар бўйича харажатларни тўлаш:

- республика бюджетидан – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ва унинг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади;

- Қорақалпоғистон Республикаси ва маҳаллий бюджетлардан – Молия вазирлиги Ғазначилигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан рўйхатдан ўтказилган шартномалар ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштиришда (тўлашда) янги бюджет йилида маблағ ажратиш режаси бюджет ташкилотларининг ҳисобот йилидан кейинги йилнинг I январдаги ҳолатига кўра товар-моддий бойликларнинг нормативдан ортиқ қолдиғи суммасига камайтирилади.

Ўтган йиллар дебиторлик қарзларининг қайтарилган суммаси, асосий воқиталарни ва бошқа товар-моддий бойликларни сотишдан тушган сумма (бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобига сотиб олинганлари бундан мустасно) тегишли бюджетлар даромадига ўтказилади.

**Бюджет маблағлари** бюджет ташкилотлари томонидан мустақил равишда, бюджет ижроси жараёнида белгиланган тартибда уларга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида **сарфланади**. Бунда харажатларнинг I ва II гуруҳларини молиялаштириш (тўлаш) биринчи навбатда амалга оширилади.

Харажатларнинг III гуруҳи бюджет ташкилотлари томонидан Республика инвестиция дастурида жорий молия йили учун белгиланган лимитлар доирасида молиялаштирилади (тўланади).

"Бошқа харажатлар" IV гуруҳи бўйича маблағлар белгиланган лимитлар доирасида куйидаги навбатга риоя қилган ҳолда сарфланади:

- овқатлантириш;
- дори-дармонлар;
- коммунал хизматлар;
- бошқа харажатлар.

Харажатларнинг у ёки бу гуруҳида пайдо бўлган кредиторлик қарзлар жорий молия йилига белгиланган лимитлар доирасида уларнинг пайдо бўлиши навбатига кўра ҳар қайси гуруҳ бўйича тўланади.

Ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган бюджет маблағлари (капитал кўйилмаларни маблағ билан таъминлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

Ғазна ижросига ўтган бюджет ташкилотлари бўйича ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар (капитал кўйилмалар бўйича харажатларни тўлаш учун назарда тутилган маблағлар бундан мустасно) олиб қўйилмайди, Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

Бюджет маблағлари ҳисобот чорагида тежаб қолинса, ташкилотларни келгуси чорақда маблағ билан таъминлаш ҳажми камайтирилмайди.

**4. Бюджет ташкилотлари Бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармаси** куйидагилар ҳисобига шакллантиради:

- ҳисобот чорагининг охириги иш куни охирида бюджет ташкилотларининг Молия вазирлиги Ғазначилигида ва унинг ҳудудий бўлинмаларида очилган ҳисоб рақамларида қолган тежаб қолинган маблағлар;

- бюджет ташкилотлари фаолияти турига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотишдан олинган даромадлар;

- вақтинча фойдаланилмаётган биноларни ва давлатнинг бошқа мол-мулкни бошқа ташкилотларга ижарага беришдан олинган маблағларнинг 50 фоизи. Маблағларнинг қолган 50 фоизини бюджет ташкилотлари маҳаллий бюджетлар даромадига ўтказадилар;

- юридик ва jisмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотларига берилаётган хомийлик ёрдами (беғараз ёрдам) ҳисобига шакллантирилади.

Юқорида санаб ўтилган манбалар ҳисобига қўшимча даромад олаётган бюджет ташкилотлари 2000 йил 1 январдан 2015 йил 1 январгача<sup>181</sup> Давлат бюджетига ундириладиган барча солиқлар ва йнғимлардан озод қилинади, бунда бўшаган маблағлар бюджет ташкилотининг моддий-техника ва ижтимоий базасини мустаҳкамлашга, ҳамда унинг ходимларини моддий рағбатлантиришга мақсадли йўналтирилади.

---

<sup>181</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 7-модда.

Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари факат куйидагиларга сарфланади:

- аввало вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни ва мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга;
- бюджет ташкилотининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига;
- ижтимоий ривожлантириш ва бюджет ташкилотларининг ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига.

Бюджет ташкилотида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланмаган нафақалар муддати ўтказиб юборилган кредиторлик қарз мавжуд бўлса, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари тежаб қолинган бюджет маблағлари доирасида ушбу қарзларни тўлашга (ишлар, хизматлар товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрни қоплангандан сўнг) сарфланади.

Агар кредиторлик қарзи бюджет ташкилотининг харажатлари вақтинча етарли миқдорда маблағ билан таъминланмаганлиги муносабати билан пайдо бўлган тақдирда, кредиторлик қарзнинг бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси ҳисобига тўланган миқдори жорий молия йилига белгиланган харажатлар лимити доирасида бюджетдан қопланади.

Агар кредиторлик қарзи бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасига иловада назарда тутилган тегишли харажатлар тўланмаганлиги ва (ёки) харажатларнинг ҳар қайси гуруҳи бўйича белгиланган лимитларнинг ошиб кетганлиги муносабати билан пайдо бўлган бўлса, тўлиқ ҳажмда бюджетдан маблағ билан таъминланган тақдирда, бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари (ишлар, хизматлар, товарлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатлар ўрни тўлдирилгандан сўнг) аввало харажатларнинг тўланмаган қисми ва белгиланган лимитларнинг ортиб кетган миқдори доирасида кредиторлик қарзларни узишга йўналтирилади.

Бюджет ташкилотида вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича тўланмаган нафақалар ва кредиторлик қарз мавжуд бўлмаса **бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари** (ҳомийлик ёрдами, бегараз ёрдам миқдори бундан мустасно) куйидагиларга **сарфланади**:

- тушган барча маблағларнинг камида 75% (соғлиқни сақлаш бюджет ташкилотларида камида 50%) товарлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича жами харажатларнинг ўрнини тўлдиришга ва моддий-техника базани мустаҳкамлашга;

- тушган барча маблағларнинг кўпи билан 25% (соғлиқни сақлаш бюджет ташкилотларида 50% ортиқ бўлмаган миқдорда) бюджет ташкилотлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий рағбатлантириш тadbирларига.

Юридик ва жисмоний шахслар томонидан бюджет ташкилотига кўрсатилган ҳомийлик (беғараз) ёрдамидан олинган маблағларнинг барча суммаси, агар ҳомий билан махсус ўзгача ҳол келишилмаган бўлса, моддий-техника базани мустаҳкамлашга сарфланади.

Молия органлари ва бюджет ташкилотларида **бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи** "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонунга, Давлат бюджетидан маблағ билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотларда бухгалтерия ҳисоби бўйича йўриқномага, Давлат бюджети даромадлари ва харажатларининг амалдаги таснифномасига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқа меъёрий ҳужжатларига мувофиқ юритилади.

Бюджет маблағларидан фойдаланилиши қуйидаги **назорат** остида бўлади:

- бюджетдан маблағ олувчиларнинг харажатларини тўлаш бошлангунгача бюджет маблағлари бўйича (**дастлабки назорат**);

- харажатларни бюджетдан молиялаштириш (тўлаш) жараёнида (**жорий назорат**);

- бюджет ташкилоти тегишли харажатларни амалга оширгандан кейин (**яқуний назорат** қилиш).

Молия вазирлиги **Ғазначилиги** ва унинг ҳудудий бўлинмалари бюджет ташкилоти фаолиятини **дастлабки назоратни** – ғазначилик ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан бюджетдан маблағ олувчиларнинг товар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар ўртасидаги шартномаларни рўйхатга олиш босқичида ва **жорий назоратни** – бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларида назарда тутилган маблағлардан мақсадли ва оқилона фойдаланиш ус-тидан амалга оширади.

Бюджет ташкилотлари томонидан маблағларнинг сарфланишини, шу жумладан Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилишини яқуний назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг **Назорат-тафтиш бош бошқармаси**, унинг ҳудудий ор-ганлари ва жойлардаги молия органлари томонидан қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва тегишли ҳудудий молия органлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотлардан бюджетни режалаштириш, маблағ билан таъминлаш, тегишли ташкилот томонидан бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш учун зарур бўлган ҳисобот маълумотларини сўраш;

- кредит муассасаларидан уларнинг уставларига мувофиқ бюджет ташкилотларининг операциялари ва ҳисоб варақлари тўғрисидаги маълумотларни олиш;

- ташкилотлар томонидан маблағлар ғайриқонуний сарфланганда, бюджет интизоми бузилиши ҳоллари аниқланган тақдирда, шунингдек илгари ажратилган маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботлар ва бошқа белгиланган ҳисобот тақдим этилмаганда, бу ҳақда тегишли вазирликлар (идоралар), ҳокимликлар раҳбарларини хабардор қилган ҳолда ташкилотларни бюджетдан харажатларини молиялаштириш (тўлаш)ни чеклаш ва зарур ҳолларда тўхтатиб қўйиш;

- бюджет ташкилотларининг молиявий фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш;


- аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар бажарилишини текшириш;

- амалдаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда текшириш материалларини ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига тақдим этиш.

### 5.3. Давлат бюджетининг ижтимоий-маданий тадбирларга харажатлари

Давлат бюджетининг ижтимоий-маданий тадбирларга харажатлари таълим, соғлиқни сақлаш, фан, маданият, спорт, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий таъминот тизими муассасаларини молиялаштиришни мужассамлаштиради (28-схема).

28-схема. Давлат бюджетининг ижтимоий маданий тадбирларга харажатлари



### 5.3.1. Давлат бюджетининг таълимга харажатлари

Таълим – ноишлаб чиқариш соҳасининг муҳим тармоқларидан бири. Ўзбекистон Республикасида таълим олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан кафолатланган: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади...»<sup>182</sup> ва Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни билан кафолатланган: таълим олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий ва ажралмас ҳуқуқидир.<sup>183</sup>

1992 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида факатгина иттифок бюджет тизимининг турли даражадаги бюджетларининг маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган халқ таълими тизими мавжуд эди.

Ўзбекистон томонидан суверенитет эълон қилиниши, давлат томонидан ўтказилган ислохотлар, албатта, таълим соҳасига ҳам таъсир кўрсатади. Бунда давлатга мамлакатнинг интеллектуал потенциални шакллантириш, умуминсоний қадриятлар ва халқнинг маданий мероси ёрдамида шахсни ҳар томонлама камол топтириш вазифаси юклатилади. Бу соҳадаги ислохотларнинг мақсади – таълим тизимини тубдан ислох этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавият ва одоблиқ талабларига жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир. Буларнинг барчаси 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунида ва 1997 йил 29 августда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ўз аксини топган.

Дастур кадрлар тайёрлаш миллий моделини рўёбга чиқаришни, ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаш ва кейинчалик пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратишни, жамият, давлат ва оила олдида ўз жавобгарлигини ҳис этадиган фуқароларни тарбиялашни назарда тутди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг биринчи босқичини амалга оширишда (1997-2001 йиллар) таълим тизимини ислох этиш учун ҳуқуқий, кадрлар, илмий-методик, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий потенциалини сақлаб қолиш асосида ислох этиш ва ривожлантириш масалалари ҳал этилди.

Миллий дастурни амалга оширишнинг иккинчи босқичида (2001-2005 йиллар) ушбу дастурга унинг бажарилиши, тажриба тўпланиши, меҳнат бозорини ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг ривожланишини ҳисобга олган ҳолда тузатишлар киритилди.

<sup>182</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 41-модда.

<sup>183</sup> “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги 464-1-сон Қонуни.



Учинчи боскичда (2005 йилдан hozirgacha) кадрлар тайёрлаш тизимини тўпланган ва умумлаштирилган тажриба асосида мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истикболларига биноан такомиллаштириш ва ривожлантириш давом этмоқда.

Ўзбекистонда таълим тизими ягона ва узлуксиз бўлиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:<sup>184</sup>

- давлат стандартларига мувофиқ таълим дастурларини амалга оширувчи давлат ва нодавлат таълим муассасалари;
- таълим тизимининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлаш учун зарур бўлган тадқиқот ишларини бажарувчи илмий-педагогик муассасалар;
- таълим соҳасидаги давлат бошқарув органлари, шунингдек уларга қаршли корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

#### 29-схема. Таълим тизими таркиби



Таълим тизими Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидadır.

Мақтабгача, умумий ўрта (бошланғич, тугалланмаган ўрта, ихтисослаштирилган) ва мақтабдан ташқари таълим Халқ таълими вазирлиги тасарруфидadır.

<sup>184</sup> "Таълим тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги 464-1-сон Қонуни, 9-молда.

Олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим, кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидадир. Алоҳида таълим муассасалари тармоқ вазирликлари ва идоралари тасарруфларида ҳам бўладилар (Қишлоқ ва сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш, Маданият вазирликлари, Ўзбекистон Алоқа ва ахборот агентлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат акциядорлик темир йўл компанияси ва бошқалар), мактабгача ва умумий ўрта таълим муассасалари – жойлардаги давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўладилар.

Ислохотлар шароитида таълим тизимини молиялаштириш кўпдаражали бўлиб, қуйидагилар ҳисобидан амалга оширилади:

- республика бюджети;
- маҳаллий бюджетлар (Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар, Тошкент шаҳар бюджети, шунингдек туман ва шаҳарлар бюджетлари);
- барча мулк шаклларидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;
- юридик ва жисмоний шахслар маблағлари.

Бунда бюджет маблағлари таълим тизими муассасалари харажатларини молиявий таъминлашнинг асосий манбаси ҳисобланади.

**Болаларнинг мактабгача таълим муассасалари, умумий таълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари харажатларини режалаштириш.**

Ўзбекистонда мактабгача таълим муассасаси муассис томонидан ташкил этилади ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

Қуйидагилар:<sup>185</sup>

- давлат бошқаруви органлари;
- маҳаллий давлат ҳокимияти органлари;
- давлат корхоналари;
- конун ҳужжатларига мувофиқ бошқа давлат ташкилотлари давлат мактабгача таълим муассасасининг муассислари бўлиши мумкин.

<sup>185</sup> Ўзбекистон Республикасининг давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарорига 1-Илова.

### 30-схема. Давлат мактабгача таълим муассасасининг муассислари



Мактабгача таълим муассасалари ўз ишининг ўзига хослигига мувофиқ куйидаги типларга бўлинади:

- умумий типдаги мактабгача таълим муассасаси;
- ихтисослаштирилган (жисмоний ва руҳий ривожланишида ҳар хил нуқсонлар мавжуд бўлган болалар учун);
- санаторий типдаги (заиф, турли юқумли касалликларни бошдан кечирган, сурункали асоратларга эга бўлган болалар учун).

2008 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистонда бир ўқувчи (тарбияланувчи)га базавий харажатлар меъёридан келиб чикиб молиялаштириш эксперименти бошланди, ушбу экспериментда Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳри болалар мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари харажатларини режалаштиришнинг янги тартибига ўтиш назарда тутилган.<sup>186</sup>

2009 йилда янги тартиб кам комплектли мактабгача таълим муассасаларини реструктуризация қилиш чора-тадбирларини ҳисобга олган ҳолда Наманган, Сирдарё ва Хоразм вилоятлари муассасаларига ҳам татбиқ этилди.<sup>187</sup>

2010 йилдан бошлаб бюджетни режалаштириш ва молиялаштиришнинг янги тартибига ўтказиладиган ҳар бир бюджет ташкилотига молиялаштириш меъёрлари етказилади ва бир нафар ўқувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача тарбия болалар муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг бюджетини режалаштириш ва харажатларини

<sup>186</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ- 744-сон Қарори.

<sup>187</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон Қарори.

молиялаштириш тартиби республиканинг барча ҳудудларидаги бундай муассасаларга татбиқ этилади.<sup>188</sup>

Бюджетни режалаштиришнинг ушбу янги тартибининг мазмуни ташкилот (муассаса)нинг бюджетни ҳисоблаб чиқиш ҳар бир хизматдан фойдаланувчига харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиқишдан ва уни харажатларнинг иқтисодий таснифига биноан биринчи навбатдаги харажатларни ҳисобга олиб харажатлар гуруҳлари бўйича тақсимлашдан иборатдир.

Шу сабабли юқорида қайд этилган таълим муассасаларининг харажатларини ҳисоблаш учун асосий **кўрсаткич** болалар (ўқувчилар)нинг ўртача йиллик сони ҳисобланади. Гуруҳларни тўлдириш меъёрларига амал қилинишини ҳисобга олиш жуда муҳимдир.

Мактабгача таълим муассасасида гуруҳлар сони муассасанинг қувватидан ва гуруҳларнинг режали тўлдирилишидан келиб чиқиб муассис томонидан қуйидагича белгиланади:

- 2 ёшдан 3 ёшгача – камида 15 бола, бироқ 20 боладан ортиқ эмас;
- 3 ёшдан 6-7 ёшгача – камида 20 бола, бироқ 25 боладан ортиқ эмас.<sup>189</sup>

Иқтисослаштирилган ва санаторий йўналишидаги мактабгача таълим муассасаларида гуруҳларнинг тўлдирилиши болаларнинг тоифасига ва ёшига (икки ёшдан бошлаб ва уч ёшдан катта ёшдагилар) қараб белгиланади ва тегишли равишда қуйидагичани ташкил этади:

- нутки оғир нуксонли болалар учун – 10-12 бола;
- нутки фонетик-фонематик нуксонли фақат уч ёшдан катта ёшдаги болалар учун – 12-15 бола;
- қар болалар учун – 8 бола;
- яхши эшитмайдиган болалар учун – 10-12 бола;
- кўзи ожиз болалар учун – 6 бола;
- яхши кўрмайдиган болалар, амблиопияли, гилай болалар учун – 6-10 бола;
- таянч-харақатланиш аъзоси бузилган болалар учун – 6-10 бола;

<sup>188</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 19-модда; Мактабгача таълим муассасаларида 2010 йил учун бир тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги 34/16-сон қўшма қарори; Умумтаълим мактабларида 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффициентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги 35/15-сон қўшма қарори

<sup>189</sup> Ўзбекистон Республикасининг давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарорига 1-илова

- интеллекти бузилган (аклий норасо) 3 ёшгача болалар учун – 6 бола;
- уч ёшдан катта ёшдаги акли заиф болалар учун – 10 бола;
- сил интоксикацияси мавжуд бўлган болалар учун – 15-20 бола;
- тез-тез касалланиб турадиган болалар учун – 15-20 бола;
- мураккаб нуксонли (икки ва ундан ортик нуксонли) болалар учун – 8-10 бола;
- ривожланишида бошқача нуксонлари (эндокрин касалликлар) мавжуд бўлган болалар учун – 15-20 бола.<sup>190</sup>

Куйидагилар мактабгача таълим муассасаси мол-мулкани ва молиявий ресурсларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

- бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар;
- бошка жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрий эҳсонлари ҳамда мақсадли бадаллари;
- конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошка манбалар.

Ҳар бир мактабгача таълим муассасаларга 2010 йил учун бюджет ажратмаларининг умумий суммаси куйидаги формула орқали<sup>191</sup> бир тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш тартибини қўллаш орқали аниқланади:

$$BC = (N_1 / K_1) \cdot BMZ_1 + (N_2 / K_2) \cdot BMZ_2 + N_1 \cdot P_b + N_2 \cdot P_a + (N_1 + N_2) \cdot BMZ_3$$

бу ерда:

**МТМБ** - мактабгача таълим муассасаси бюджети

**BMZ<sub>1</sub>**, - ҳар бир боғча тарбияланувчисига базавий норматив харажатлари

**BMZ<sub>2</sub>**, - ҳар бир ясли тарбияланувчисига базавий норматив харажатлари

**BMZ<sub>3</sub>** - ҳар бир ясли тарбияланувчисига мактабгача таълим муассасасининг бошка харажатлари (IV - гуруҳ) бўйича базавий норматив харажатлари

**N<sub>1</sub>**, - боғча гуруҳларида тарбияланувчиларнинг сони;

**N<sub>2</sub>** - ясли гуруҳларида тарбияланувчиларнинг сони;

**K<sub>1</sub>** - боғча гуруҳлари бўйича коэффициент;

**K<sub>1</sub> = N<sub>1</sub> / (n<sub>1</sub> x 20)** бу ерда n<sub>1</sub> – боғча гуруҳлари сони;

**K<sub>2</sub>** - ясли гуруҳлари бўйича коэффициент;

**K<sub>2</sub> = N<sub>2</sub> / (n<sub>2</sub> x 15)**, бу ерда n<sub>2</sub> – ясли гуруҳлари сони;

<sup>190</sup> Ўзбекистон Республикасининг давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарорига 1-илова.

<sup>191</sup> Умумтаълим мактабларида 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффициентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги 35/15-сон қўшма қарори

**Пя** - бир ясли тарбияланувчисининг овқатланишига бюджетдан ажратилган сумма

**Пб** - бир боғча тарбияланувчисининг овқатланишига бюджетдан ажратилган сумма

Белгиланган нормативлардан паст миқдорда ўртача тўлдириладиган гуруҳли шаҳар, район марказлари ва шаҳар мактабларидаги мактабгача таълим муассасаларда  $K_1$  ва  $K_2$  коэффициентлар қўлланилмайди. 80та тарбияланувчидан кам сонли камкомплектли мактабгача таълим муассасаларида ҳар бир тарбияланувчига базавий нормативларга қўшимча маблағлар назарда тутилади.

Харажатлар сметаси ва штат жадвали мактабгача таълим муассасаси раҳбари ва бош бухгалтери (бухгалтери) томонидан белгиланган тартибга биноан (иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов, коммунал харажатлар, бошқа жорий харажатлар ва бошқалар) ва харажатларнинг базавий меъёрлари асосида ҳисоблаб чиқилган миқёслар доирасида амалга оширилади.

Болалар мактабгача таълим муассасасининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ҳисоблаш штатлар жадвали ва Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон Қарори билан тасдиқланган базавий тариф ставкалари (лавозим окладлари) асосида амалга оширилади.

Штатлар жадвали ўзида донимий ишчиларнинг лавозимлари номини ва уларнинг лавозим окладларини мужассамлаштиради: мудир, врач ва ҳамширалар, энагалар, омборчи, мусиқа ходими, методист, тарбиячи, бош ошпаз ва ёрдамчилари, кир ювувчи, кўча тозаловчи.

Мактабгача таълим муассасалари раҳбарларининг базавий тариф ставкалари тарбияланувчилар контингентига қараб муассасалар гуруҳидан келиб чиқиб белгиланади. 9 та ва ундан кўп гуруҳга эга бўлган муассасалар халқ таълими муассасаларининг I гуруҳига, 9 тагача гуруҳга эга бўлган муассасалар II гуруҳига кирадилар.

Меҳнат ҳақи учун харажатларни режалаштириш учун тарификация рўйхати ишлаб чиқилади. Педагогик ходимларнинг базавий тариф ставкаси ходимнинг эғаллаб турган лавозими ва малака тоифасига боғлаб дифференциация қилинади.

Халқ таълими ходимларининг касбий ўсишини рағбатлантириш учун қуйидаги малака тоифалари ва ушбу малакаларни олиш учун ходимларнинг маълумот даражасига қўйиладиган асосий талаблар белгиланади:

- ўрта махсус, касбий (педагогик ёки бажарилаётган лавозим вазибаларига мувофиқ бўлган) маълумотга эга бўлган, тоифаси бўлмаган ходим;

- бакалавр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган мутахассис;

- бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган иккинчи тоифали мутахассис;

- бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган биринчи тоифали мутахассис;

- бакалавр, магистр даражасига ёки олий маълумот даражаси бўйича академик даражалар жорий этилгунга қадар олинган олий маълумотга эга бўлган олий тоифали мутахассис.

Мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари халқ таълими тармоқ тариф сеткалари ва категорияларга боғлиқ равишда дифференциациялашган бўлади:<sup>192</sup>

**34-жадвал. Мактабгача таълим муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари (сўм). 2008 йил 1 апрель ҳолатига кўра**

Лавозимлар номи	Тариф ставкалари миқдорлари:				
	олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус маълумотли
Халқ таълими барча типдаги муассасаларининг тарбиячиси, катта тарбиячиси (тарбиячи-методист), психологи ва мактабдан ташқари муассасалар инструктор-методисти	97502	90632	84034	77703	71749

<sup>192</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон Қарори.

педагог-ташкilotчи, тўғарақлар, студиялар, секциялар раҳбарлари, барча ихтисосликлар инструкторлари, ак- компониатор, мусика раҳбари, маданият ишлари бўйича таш- кilotчи	85800*	78931	72335	66042	60057
---	--------	-------	-------	-------	-------

\* Мазкур малака тоифаси болалар мактабгача муассасалари ва мактаб-боғчаларнинг "мусика раҳбари" лавозими учун амал қилади.

Хукуматнинг бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақини, нафақалар ва стипендияларни ошириш тўғрисидаги қарорларига мувофиқ мактабгача таълим муассасалари ходимларининг базавий тариф ставкалари ҳажмлари қайт кўриб чиқилади.

Мактабгача таълим муассасаларининг **техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари** меҳнатига ҳақ тўлаш бюджет ташкilotлари учун қўлланиладиган Ягона тариф сеткаси асосида амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасалари харажатларини ҳисоблаб чиқишда уларнинг иш вақти режими ва унда болаларнинг бўлиши муддати ҳисобга олинади. Бундан келиб чиқиб **болаларнинг овқатланиш меъёрлари**<sup>193</sup>, тарбиячилар ва тарбиячилар ёрдамчилари сони, ота-оналар тўлайдиган тўловлар ҳажми ва бошқа кўрсаткичлар белгиланади.

Овқатланишга харажатларни режалаштириш болаларнинг овқатланиш меъёрлари, овқатланаётган болалар сони, иш вақти, мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг бўладиган кунлари ва бир боланинг бир кунда овқатланиш қийматидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг бўладиган соатлари ҳар хиллиги сабабли болаларнинг овқатланиш меъёрлари ҳам турли-тумандир, шу сабабли биринчи навбатда битта боланинг овқатланиш қиймати боғчада бўладиган соатлари бўйича алоҳида, шунингдек гуруҳ туридан (боғча ёки ясли) келиб чиқиб ҳисобланади.

Мактабгача таълим муассасаларида овқатланиш харажатларининг бир қисми ота-оналар тўлайдиган тўловлар ҳисобига қопланади. 2005 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобига молия-

<sup>193</sup> Ўзбекистон Республикасининг белгиланган санитария меъёрлари, гигиена қоидалари ва меъёрларига мувофиқ "Ўзбекистон Республикаси болалар ва ўсмирлар муассасаларида озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолнинг ўртача суткалик рационал меъёрлари".



лаштириладиган мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг бўлиши учун ота-оналар тўлайдиган тўлов миқдорлари белгиланди, ушбу миқдорлар 2008 йилда ўзгартирилди (35-жадвал).

**35-жадвал. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг бўлиши учун ота-оналар тўлайдиган тўлов миқдори<sup>194</sup> (ойда)**

N	Таълим муассасаси жойлашган жой ва болаларнинг бир кунлик бўлиши	Бир ойда энг кам иш ҳақига нисбатан фойзаларда	
		таълим муассасасига катнайдиган оиладаги бир бола учун	таълим муассасасига онладан биттадан кўп бола катнаган тақдирда, ҳар бир бола учун
<b>I</b>	<b>Мактабгача болалар таълим муассасаларининг 5 кунлик иш ҳафтасида</b>		
	<b>I. Тошкент шаҳри, вилоят марказлари, вилоятга қарайдиган шаҳарлар</b>		
	болаларнинг куйидаги вақт давомида бўлиши:		
1.1	4-5 соат	43	31
1.2	9-10,5 соат	100	71
1.3	12 соат	117	84
1.4	24 соат	130	93
	<b>2. Туман марказлари ва бошқа жойлар</b>		
	болаларнинг куйидаги вақт давомида бўлиши:		
2.1	4-5 соат	31	28
2.2	9-10,5 соат	70	64
2.3	12 соат	83	75
2.4	24 соат	92	83
<b>II</b>	<b>Мактабгача болалар таълим муассасаларининг 6 кунлик иш ҳафтасида</b>		
	<b>I. Тошкент шаҳри, вилоят марказлари, вилоятга қарайдиган шаҳарлар</b>		
	болаларнинг куйидаги вақт давомида бўлиши:		
1.1	4-5 соат	53	37
1.2	9-10,5 соат	121	85
1.3	12 соат	141	101
1.4	24 соат	159	113
	<b>2. Туман марказлари ва бошқа жойлар</b>		
	болаларнинг куйидаги вақт давомида бўлиши:		
2.1	4-5 соат	37	33
2.2	9-10,5 соат	85	77
2.3	12 соат	100	90
2.4	24 соат	111	101

Мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг бўлиши учун тўловлар белгиланган тартибда банк муассасаларида очилган ҳисоб рақамларга киритилади ва назарда тутилган бюджет маблағлари билан биргаликда мақсадли ра-

<sup>194</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон Қарори.

вишда тарбияланувчиларни озиқ-овкат билан таъминловни яхшилашга йўналтирилади.

Кам таъминланган оилалар болаларининг ота-оналари мактабгача таълим муассасаларида болаларнинг бўлиши учун тўловлардан озод этилади, лекин уларнинг хажми тарбияланувчилар умумий сонининг 15 фоздан ошиб кетмаслиги керак.

#### **Умумтаълим мактаблари харажатларини режалаштириш.**

Таълимга харажатларда энг катта улуш умумтаълим мактаблари харажатларига тегишлидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 мартдаги ПҚ-609-сон Қарорига биноан Ўзбекистондаги барча умумтаълим мактаблари индивидуал сметага эга, ғазначилик бўлиналарида шахсий ҳисоб варағи мавжуд, муҳри ва имзо ҳуқуқига эга юридик шахс ҳисобланади.

2008 йил 1 январдан бошлаб Бухоро, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрининг умумтаълим мактаблари бюджетни режалаштириш ва молиялаштиришнинг янги тартиби – бир нафар ўқувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда молиялаштириш амалга оширила бошланди.<sup>195</sup> 2010 йилдан бошлаб бир нафар ўқувчига (тарбияланувчига) харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда мактабгача тарбия болалар муассасалари, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касбхунар коллежларининг бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартиби республиканинг барча ҳудудларидаги бундай муассасаларга татбиқ этилмоқда.<sup>196</sup>

Мактаб бюджетининг ҳисоби харажатларнинг базавий меъёрлари асосида, мактаб микёси коэффициенти ва марказлаштирилган ёки газли иситишга эга мактаблар коэффицентларини қўллаш билан ҳисобланади. Мактаб бюджетини ҳисоблаш учун куйидаги кўрсаткичларни ҳисоблаш амалга оширилади: таълим босқичлари бўйича ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони; узайтирилган кун гуруҳларига катновчи ва овкатланувчи болаларнинг сони; уйда ўқийдиган ва мактаб интернатларда ўқийдиган ўқувчилар сони.<sup>197</sup>

$$\text{МБ} = (\text{БМЗ}_1 \times \text{N}_1 + \text{БМЗ}_2 \times \text{N}_2 + \text{БМЗ}_3 \times \text{N}_3) \times \text{К}_{\text{мм}} (\text{К}_{\text{индив}}) \times \text{К}_{\text{ТО}+} \\ + \text{БМЗ}_4 \times \text{N}_4 + \text{БМЗ}_5 \times \text{N}_5 + \text{БМЗ}_6 \times \text{N}_6,$$

<sup>195</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон Қарори.

<sup>196</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 19-модда.

<sup>197</sup> Умумтаълим мактабларида 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффицентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги 35/15-сон қўшма қарори

бу ерда:

**МБ** - мактаб бюджети

**БМЗ<sub>1</sub>, БМЗ<sub>2</sub>, БМЗ<sub>3</sub>** - таълим босқичлари бўйича базавий меъёр;

**N<sub>1</sub>, N<sub>2</sub>, N<sub>3</sub>** - таълим босқичлари бўйича ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони;

**K<sub>мм</sub>** - мактаб миқёси коэффициенти;

**K<sub>индив</sub>** - уч ёки ундан кўп таълим тиллари бўлган умумтаълим мактаблари учун коэффициент;

**K<sub>то</sub>** - марказлаштирилган ёки газли иситишга эга мактаблар коэффициенти;

**БМЗ<sub>4</sub>** - узайтирилган кун гуруҳларига катновчи I та ўқувчига харажатларнинг базавий меъёрлари;

**N<sub>4</sub>** - узайтирилган кун гуруҳларига катновчи ўқувчиларнинг ўртача йиллик сони;

**БМЗ<sub>5</sub>** - уйда таълим олаётганда базавий меъёр;

**N<sub>5</sub>** - уйда таълим олаётганларнинг ўртача йиллик сони;

**БМЗ<sub>6</sub>** - мактаб қошидаги интернатда яшовчи I та ўқувчига харажатларнинг базавий меъёри;

**N<sub>6</sub>** - мактаб қошидаги интернатда яшовчиларнинг ўртача йиллик сони.

Таълим босқичлари бу умумтаълим мактабларида бошланғич ва ўрта синфлар гуруҳланишидир:

**N<sub>1</sub>** - 1- босқич (умумтаълим мактабларининг I-IV синфлари);

**N<sub>2</sub>** - 2- босқич (умумтаълим мактабларининг V-IX синфлари);

**N<sub>3</sub>** - 3- босқич (умумтаълим мактабларининг X-XI синфлари), бу синфларда ўқувчиларни тайёрловчи мактаблар учун.

Уч ёки ундан кўп таълим тиллари бўлган умумтаълим мактабларида мактаб миқёси коэффициенти (**K<sub>мм</sub>**) ўрнига индивидуал коэффициент (**K<sub>индив</sub>**) қўлланилади:

$$(\text{БМЗ}_1 \times N_1 + \text{БМЗ}_2 \times N_2 + \text{БМЗ}_3 \times N_3) \times K_{\text{индив}} \times K_{\text{то}}$$

Индивидуал коэффициент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{\text{индив}} = C_{\text{вил}} / C_{\text{мактаб}} \text{ бу ерда,}$$

**K<sub>индив</sub>** - уч ёки ундан кўп таълим тиллари бўлган умумтаълим мактаблари учун коэффициент;

**C<sub>вил</sub>** - вилоят бўйича синфлар тўлдирилишининг ҳисоб-китоби

**C<sub>мактаб</sub>** - мактабда синфларнинг ўртача тўлдирилиши.

Харажатлар сметаси, штат жадвали ва педагогик ходимларнинг тарификацион рўйхати умумтаълим мактабининг директори ва бош бухгалтери (бухгалтери) томонидан белгиланган тартибга биноан (иш ҳақи ва ягона ижтимоий тўлов, коммунал харажатлар, бошқа жорий харажатлар ва бошқалар) ва харажатларнинг базавий меъёрлари асосида ҳисоблаб чиқилган миқёслар доирасида амалга оширилади.

### **1. Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар.**

Умумтаълим мактабларида меҳнатга ҳақ тўлаш фонди куйидагиларни мужассамлаштиради:

- педагогик персоналнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди;
- маъмурий персоналнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди;
- хизмат кўрсатувчи персоналнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди.

Педагогик персоналнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ҳисоблаш учун юклама ҳажмини бир йилга 1548 соат (хафтасига 36 соат, 43 ҳафта) меъёрдан келиб чиқиш зарур, улардан ўқув юкламаси хафтасига юқори синфларда 20 соат, бошланғич синфларда 18 соатни ташкил этади.<sup>198</sup>

Педагогик юклама белгиланган ўқув юкламасига пропорционал нисбатда бошланғич синфлар учун 1,0 коэффициентини ва юқори синфларда 0,8 коэффициентини қўллаш ёрдамида аниқланади (Намунавий режага биноан ўқитувчининг умумий ойлик юкламаси 154,8 соатни ташкил этади, жуфт ҳафталар сони ойига 4,3. Бошланғич синфларда 1,0 ставкадаги ўқитувчининг умумий ҳафталик юкламаси 36 соатни ташкил этади, ундан 18 соати – ўқув ва 18 соати – педагогик юклама; катта синфларда 1,0 ставкадаги ўқитувчининг умумий ҳафталик юкламаси 36 соатни ташкил этади, ундан 20 соати – ўқув ва 16 соати – педагогик юклама ҳисобланади).<sup>199</sup>

Умумтаълим мактабларида педагогик ходимларнинг иш ҳақига харажатларини режалаштиришда тарификацион рўйхат ишлаб чиқилади ва сметага илова қилинади.

Халқ таълими педагог ходимларининг базавий тариф ставкалари куйидагиларга боғлиқ равишда табақалаштирилади: ходимнинг лавозимига; ходимнинг малака тоифасига.

Мактабларнинг педагогик ходимлари базавий тариф ставкаларининг аниқ ҳажмлари халқ таълими муассасалари педагогик ходимларига ҳақ тўлаш тармок

<sup>198</sup> Халқ таълими вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг “Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг иш ҳақини тарификациялаш ва ҳисоблаш тартиби бўйича методик кўрсатмалар” 2006 йил 5 январдаги 03 ва 01/23-сон қўшма буйруғига илова.

<sup>199</sup> ўша ерда.

тариф сеткаси асосида ўрнатилади ва улар ҳукуматнинг махсус қарори билан тасдиқланади. Ҳукуматнинг бюджет муассасалари ходимларининг иш ҳақи, нафақалар ва стипендияларни ошириш бўйича қарорларига биноан мактабларнинг педагогик ходимлари базавий тариф ставкалари ҳажмлари қайта кўриб чиқилади.

Қонунчиликка биноан<sup>200</sup> базавий тариф ставкасига кўшимча ҳақларнинг куйидаги турлари мавжуд:

- синф раҳбарлиги учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи;
- дафтарлар ва ёзма ишлар мунтазам равишда текширилиши учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи.

Ўқитувчиларни тарификациялаш якунлари бўйича педагогик ставкалар сони ва ўқитувчининг бир ойдаги синфлар гуруҳлари бўйича ўртача ставкаси ҳажми ҳисоб-китоб қилинади ва шу асосда ўқитувчиларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди аниқланади.

Мактаб раҳбар ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондиди ҳисоб-китоб қилиш халқ таълими раҳбар ходимларининг базавий тариф ставкалари асосида амалга оширилади ва улар ўқувчилар контингентидан келиб чиқиб белгиланган муассаса гуруҳига боғлиқ равишда ўрнатилади.<sup>201</sup>

Ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик персоналнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди штатлар жадвали ва лавозим окладлари схемаси асосида аниқланади.

Ўзбекистонда Директор жамғармаси<sup>202</sup> умумтаълим муассасаси меҳнатга ҳақ тўлаш фондидининг 15 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда ташкил этилади. Жамағарма маблағлари умумтаълим муассасалари ходимларига тарбиявий ва синфдан ташқари ишлари, профессионаллик ва ўқув жараёнига қўшган ҳиссаси, ўта унумдорлик ва таълим сифатига эришилганлиги учун маошга кўшимча устама тўланишига, шунингдек бир мартали мукофотлар ва моддий ёрдам кўрсатишга сарфланиши назарда тутилади.

**II. Иш ҳақига қўшимчалар** ягона ижтимоий тўловлар суммасини ҳисоблашни назарда тутати. У меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан фонзда ҳисобланиб, 2009 йилда 24 фоизни ташкил этди.<sup>203</sup>

<sup>200</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон Қарори.

<sup>201</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 5 мартдаги ПҚ-3972-сон Қарори; Халқ таълими вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш вазирлигининг 2008 йил 14 мартдаги 5-сон қўшма буйруғи.

<sup>202</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон Қарори.

<sup>203</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон Қарори.

**III. Капитал қўйилмалар** ускуна ва инвентарни сотиб олишни, капитал таъмирлаш ва янги биноларни қуришни назарда тутати.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида”ги Фармони<sup>204</sup> биноан бюджетдан ташқари махсус Мактаб таълими жамғармаси ташқил этилиб фаолият юритмоқда. Жамғарманинг асосий мақсадларидан бири умумтаълим мактабларига моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун маблағларни жалб этиш борасида қўшимча имкониятлар тақдим этишдан иборат. Жамғарма маблағлари ҳисобига Мактаб таълимини ривожлантириш дастурида назарда тутилган бузилган мактаблар эвазига янгисини қуриш, капитал реконструкциялаш, мактабларни капитал ва жорий таъмирлаш, уларни ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, мактаб партаси ва мебель, спорт инвентарлари билан таъминлаш амалга оширилади.

**IV. Бошқа харажатлар** – умумтаълим мактабларининг қўйидаги жорий харажатларини ўзида мужассамлаштиради:

- сафар харажатлари (01300);
- коммунал хизматлар учун харажатлар (01400);
- телефон, телекоммуникацион ва ахборот хизматларига харажатлар (01500);
- жорий таъмирлашга харажатлар (01600);
- саклаш, ижара, фойдаланганлик ва хизматларни тўлаш харажатлари (01700);
- товар моддий захираларини сотиб олишга харажатлар (01800);
- бошқа жорий харажатлар (01900);
- уй хўжаликларига жорий трансфертлар (03400);
- асосий маблағларни сотиб олиш (04100);
- ноишлаб чиқариш соҳасида капитал таъмирлашга харажатлар (04500).

Киши бошига молиялаштиришга ўтишда умумтаълим мактабларида ҳар бир ўқувчига харажатларнинг базавий меъёрлари барча умумтаълим мактабларининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб манзилли рўйхатга биноан ажратиладиган харажатларга киритилмайди, ҳудудий халқ таълими ва молия органлари томонидан тасдиқланган рўйхатга биноан қўйидаги харажатлар белгиланган:

- кўмирни сотиб олиш ва етказиш;

<sup>204</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида” 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармони.

- «Ziyo-net» таълим тармоғига уланиш ва фойдаланганлик учун ҳар ойда абонент тўловини тўлаш, шунингдек умумтаълим мактабларини телефонлаштириш;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2002-2003 йилларда аҳолининг ижтимоий ночор қатламини манзилли қўллаб-қувватлаш дастурини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” 2002 йил 25 январдаги 33-сон Қарорига биноан даврий нашрларга обуна бўлиш;

- компьютер синфларига сервис хизмати кўрсатиш;

- ўқув-лаборатория синфлари учун фойдаланиш материалларини сотиб олиш;

- барча турдаги коммунал хизматларини истеъмол қилиш ҳисоблагичларини сотиб олиш ва ўрнатиш;

- асосий фондларни сотиб олиш;

- капитал таъмирлаш.

Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини молиялаштириш:

• Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

• конун ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда болалар ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ўқиганлиги учун белгиланган тўловдан тушадиган тушумлар, шунингдек ҳомийлик (беғараз) маблағлари ва конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига амалга оширилади.

**Мактаб-интернатларини сақлаш учун харажатларни режалаштиришнинг ўзига хос хусусияти** штатлар жадвалида педагогик персоналдан ташқари болалар интернатда яшаши учун зарур шарт-шароитларни яратиш учун керак бўлган тарбиячи ва бошқа персоналнинг мавжудлигидир. Мактаб-интернатлар учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ҳисоблашда Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари билан белгиланадиган устамалар ҳисобга олинади. Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига<sup>205</sup> биноан, айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш куйидаги миқдорларда устамалар қўлланилган ҳолда амалга оширилади:

20% - айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларида ўқитувчиларга, шунингдек ихтисослаштирилган

---

<sup>205</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2008 йил 7 августдаги 173-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон Қарори.

мактаб-интернатларда педагог ходимларга, шу жумладан тарбиячилар ёрдамчиларига чуқур ўрганиладиган фанлар бўйича амалда ўтказилган дарслар учун;

20% - айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактабларда ўқув жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган директорлар, уларнинг ўринбосарлари ва психологларга;

40% - айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатларда ўқув-тарбия жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган директорлар, уларнинг ўринбосарларига.

Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасаларининг айрим фанлар чуқур ўрганиладиган турлари:<sup>206</sup>

- айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаблар;
- айрим фанлар чуқур ўрганиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар;
- футбол бўйича ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар.

Мактаб-интернатларда ўқувчилар 24 соат бўлишини ҳисобга олган ҳолда тўртинчи гуруҳ харажатларини режалаштиришда қуйидаги хусусиятларга эътибор бериледи – овқатланишга, юмшоқ инвентарни, дори-дармонларни сотиб олишга харажатлар ҳисобга олинади. Бу харажатлар контингент ва тарифлардан келиб чикиб белгиланади.

Овқатланиш учун харажатлар ўқувчилар сони, бир бола-қунда овқатланиш харажатлари меъёрлари ва йил давомида фаолият юритиш қунари сонидан келиб чикиб ҳисобланади.

2008 йил 1 январдан бошлаб Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилмайдиган, қаерда жойлашганлиги ва унда болаларнинг бўлиш муддатидан қатъий назар болаларнинг мактаб-интернатларда бўлиши учун ота-оналар тўлайдиган тўлов миқдори белгиланган (бу тўловлардан футбол бўйича мактаб-интернатлар; турли касалликлар билан қасалланган болалар мактаб-интернати; кам таъминланган оилалар фарзандлари учун мактаб-интернатлар; етимлар ва ота-она васийлигидан маҳрум бўлган болалар мактаб-интернатлар озодалар). Тўлов битта болага ёки мактаб-интернатга боровчи оиладаги ҳар бир болага минимал иш ҳақи ҳажмида белгиланган.<sup>207</sup>

<sup>206</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2008 йил 7 августдаги 173-сон Қарори.

<sup>207</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон Қарори.



Мактаб-интернатларда болаларнинг бўлиши учун тўловлар назарда тутилган бюджет маблағлари билан биргаликда мақсадли равишда тарбияланувчиларни овкат билан таъминлашни яхшилашга йўналтирилади.

Президент Қарори<sup>208</sup> билан болаларни таъминлаш учун тўловларни амалга ошириш тартиби бўйича Низомни<sup>209</sup> янгилаш назарда тутилган. Кам таъминланган оилалар болаларининг ота-оналари мактаб-интернатларда болаларнинг бўлиши учун тўловлардан озод этилади, лекин уларнинг ҳажми тарбияланувчилар умумий сонининг 15 фоиздан ошиб кетмаслиги керак.

Юмшоқ инвентарга харажатлар ўқувчиларнинг сони, комплектларнинг сони ва юмшоқ инвентарга харажатлар режалаштирилаётган охири муддатдаги инфляция ҳисобга олинган нархлардан келиб чикиб белгиланади. Юмшоқ инвентарнинг комплектлар сони инвентаризация асосида белгиланади. Юмшоқ инвентарнинг хизмат муддати ҳам ҳисобга олинади.

Дори-дармонларга харажатлар ўқувчилар контингенти ва дори-дармонларга харажатлар меъёридан келиб чикиб аниқланади.

Мактаб-интернатларни молиялаштиришнинг асосий манбаси бюджет маблағлари, шунингдек қўшимча жалб этилган маблағлардир.<sup>210</sup>

**Мактабдан ташқари муассасаларнинг харажатларини режалаштириш.** Мактабдан ташқари муассасалар болалар ва ўсмирлар билан дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш марказлари ҳисобланади. Ўз хусусиятига кўра муассасалар икки тоифага бўлинади: умумий тоифадаги ва ихтисослаштирилган мактабдан ташқари муассасалар. Умумий тоифадаги мактабдан ташқари муассасалар болалар ва ўсмирлар билан иш олиб бориб, улар билан фан, техника, маданият, спортнинг турли соҳаларида машғулотлар ўтказиши (болалар ижодиёти марказлари, болалар парклари ва бошқалар); ихтисослаштирилган муассасалар аниқ бир соҳада (ёш туристлар, техниклар, табиатшунослар станциялари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари) фаолият юритади.

Мактабдан ташқари муассасаларда харажатларни режалаштириш тўрт асосий гуруҳга муассасаларнинг тоифалари бўйича бирлаштирилиб амалга оширилади: болалар ижодиёти марказлари; ёш туристлар, техниклар, табиатшунослар ва бошқа станциялари; болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари; мактабдан ташқари иш бўйича бошқа муассасалар.

---

<sup>208</sup> Ўша ерда.

<sup>209</sup> Низом Аллия вазиригида 2008 йил 13 февралда 1768-сон билан рўйхатга олинган.

<sup>210</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарори.

Мактабдан ташқари фаолият тадбирлари учун харажатлар алоҳида режалаштирилади.

Мактабдан ташқари муассасалар йил давомида фаолият юригади, шу сабабли муассасаларнинг ўртача йиллик сони йил боши ва йил охиридаги муассасаларнинг суммасини 12 (йилдаги ойлар сони)га бўлиш орқали топилади.

Мактабдан ташқари фаолиятда асосий ўринни тўғарак фаолияти эгаллайди, шу сабабли тўғараклар раҳбарлари ва оммавий ўйинлар ташкилотчиларининг ставкаларини белгилаш учун тарификацион рўйхат тузилади.

Йил давомида тўғаракларга борадиган болалар сони доимий равишда ўзгариб турганлиги сабабли ўртача йиллик штат бирликлари (тўғараклар раҳбарлари, аккомпаниаторлар, оммавий ўйинлар ташкилотчилари билан биргалликда) ҳар ойнинг биринчи кундаги ставкалар сонини кўшиб, натижани ойларнинг сонига бўлиш орқали аниқланади.

Ставканинг ўртача ҳажми ҳисобот йилида ташкил бўлган ва жорий йилда қабул қилинган кўрсаткичларни солиштириш орқали текширилади. Йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди аниқланади, унга нисбатан қўшимча ҳақлар ва устамалар ва охирида моддий рағбатлантириш фонди ҳисоблаб чиқилади.

Режалаштирилаётган тадбирлар бўйича (спартакиадалар, олимпиадалар ва бошқалар) харажатлар алоҳида ҳисоб-китоб қилинади.

Методик ишларни амалга ошириш учун ҳисоблар ўртача йиллик кўрсаткичлар ва ходимлар сонидан келтириб чиқарилади ва йилнинг бошидаги ва охиридаги кўрсаткичлар суммасини иккига бўлиш орқали аниқланади.

**Ўрта махсус касб-ҳунар коллежлари харажатларини режалаштириш.** Касб-ҳунар коллежлари бошқа турдаги таълим муассасаларидан уларда таълимнинг икки ёқлама (дуал) тизими қўлланилиши, яъни ўқув жараёни ҳам коллежда, ҳам корхонада амалга оширилиши билан ажралиб туради.

1998 йилга қадар касб-ҳунар коллежлари касб-ҳунар таълими тизими муассасалари сифатида мавжуд эмас эди. Ўрта махсус таълим техникумлар, КХБЮ ва ИКХБЮ тизими орқали амал қиларди. 1998 йилда 38 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ташкил этилди. 1999 йилда фаолият юритаётган техникум ва КХБЮлари касб-ҳунар коллежларига айлантирилди.

**Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни молиялаштириш манбалари:**

- бюджетдан ажратмалар;
- вазирликлар, идоралар, корпорациялар, ассоциациялар ва балансида ўқув юрти бўлган корхоналарнинг маблағлари;

- таълим хизматларини сотиш, илмий-педагогик, ишлаб чиқариш ва таълим муассасасининг низомдаги вазифаларига мос келувчи бошқа турдаги фаолиятдан олинган даромадлар;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайриялари ва мақсадли бадаллари;

- қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

2010 йилдан бошлаб академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг бир нафар ўқувчига харажатларнинг базавий меъёрларидан келиб чиққан ҳолда бюджетини режалаштириш ва харажатларини молиялаштириш тартибини татбиқ этиш бошланди.<sup>211</sup> Шу муносабат билан 2010 йил 1 январдан Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг марказлаштирилган бухгалтерияларини тугатиш ва уларнинг негизида:<sup>212</sup>

- Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар молия бошқармалари тузилмасида ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини молиялаштириш шўъбалари;

- ўрта махсус, касб-хунар таълими ҳудудий бошқармалари тузилмасида молия-бухгалтерия хизмати ташкил этилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари харажатларини амалдаги режалаштириш усули: ҳисоб-китоблар иқтисодий таснифга биноан (барча бюджет ташкилотлари каби) 4 харажатлар гуруҳи бўйича амалга оширилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг харажатлари, барча бюджет ташкилотларидаги каби, иқтисодий таснифга биноан 4 харажат гуруҳлари бўйича режалаштирилади. Шу билан бирга ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ҳисоблаш ўз хусусиятларига эгадир.

2008 йил 1 сентябрдан бошлаб педагог ва раҳбар ходимларнинг лавозимлари ва малака тоифалари бўйича базавий тариф ставкаларини белгилашга, меҳнатга

<sup>211</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги 1245-сон Қарори, 19-молда; Республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган академик лицейларда 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффициентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2010 йил 28 апрелдаги 32/28-сон қўшма қарори; Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган касб-хунар коллежларида 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффициентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2010 йил 28 апрелдаги 33/29-сон қўшма қарори

<sup>212</sup> Уша ерда, 20-молда.

ҳақ тўлашнинг объектив, очик-равшан механизмини татбиқ этишга асосланган ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг (касб-хунар коллежлари ва академик лицейларнинг) педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилди.<sup>213</sup>

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари директорларининг, ўқув ишлари, касбий таълим ва маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарларининг иш ҳақи миқдорлари Ягона тариф тизими бўйича амалдаги ставкаларга нисбатан ўрта ҳисобда 1,4 баравар оширилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқитувчиларига қўшимча ҳақ:

- гуруҳ раҳбарлиги учун – энг кам иш ҳақининг 50 фоиздан 100 фоизгача;
- ёзма ишларни текшириш учун – энг кам иш ҳақининг 30 фоиздан 50 фоизгача;
- ўқув ва лаборатория кабинетларига мудирлик учун – энг кам иш ҳақининг 25 фоиздан 50 фоизгача оширилди.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг педагог ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий тариф ставкалари киритилди.<sup>214</sup>

1. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари ҳар бир лавозим бўйича ўрнатилди (36-жадвал):

**36-жадвал. Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари (сўм)**

Т/р	Номи	Академик лицей ўқитувчиси	Касб-хунар коллежи ўқитувчиси
1.	Бош ўқитувчи	218 690	206 578
2.	Етакчи ўқитувчи	206 578	194 649
3.	Катта ўқитувчи	194 649	182 266
4.	Олий маълумотли ўқитувчи	182 266	170 179
5.	Ўрта махсус маълумотли ўқитувчи	170 179	159 003

<sup>213</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизimini такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 30 июлдаги ПҚ-929-сон Қарори.

<sup>214</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизimini тасдиқлаш тўғрисида” 2008 йил 1 августдаги 165-сон Қарори.

2. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежаларининг бошқа педагог ходимлари (концертмейстер, тренер, таълими устаси, психолог, тарбиячи, методистлар) меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари уларнинг малакалари ва маълумотларидан келиб чикиб ўрнатилган (37-жадвал).

Малака тоифасига эга бўлмаган ишлаб чиқариш таълими усталарига касб-хунар коллежларида базавий тариф ставкалари 132440 сўм миқдорда белгиланади.

**37-жадвал. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежаларининг бошқа педагог ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари (сўм)**

Т/р	Лавозимлар номи	Тариф ставкалари миқдорлари:				
		олий малака тоифали	биринчи малака тоифали	иккинчи малака тоифали	олий маълумотли	ўрта махсус маълумотли
1.	Маданият ва санъат академик лицейлари ҳамда касб-хунар коллежлари концертмейстерлари	182266	170179	159003	147891	137176
2.	Олимпия захиралари коллежи тренер-ўқитувчиси	162934	152162	142274	132447	122967
3.	Касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси	х	153427	142743	х	х
4.	Академик лицейлар ҳамда касб-хунар коллежаларининг психологи, тарбиячиси, методисти	153427	142743	132440	122545	113057
5.	Спорт коллежи тренер-ўқитувчиси, олимпия захиралари коллежи инструктор-методисти	143602	134144	125545	117002	108758
6.	Академик лицейлар ва касб-хунар коллежаларининг тўғарақ раҳбари	х	128705	118408	108518	99065
7.	Академик лицейлар ва касб-хунар коллежаларининг концертмейстерлари	125545	117002	108758	100841	93244

3. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкаларининг ҳар бир лавозим бўйича миқдорлари ўқувчилар контингентидан келиб чиқиб белгиланади (38-жадвал):

38-жадвал. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий тариф ставкалари миқдорлари (сўм)

Т/р	Лавозимлар номи	Тариф ставкалари миқдорлари			
		I гуруҳ	II гуруҳ	III гуруҳ	IV гуруҳ
1.	Директор	340754	323264	306166	289209
2.	Директорнинг ўқув ишлари, маънавий-маърифий ишлар ва ишлаб чиқариш таълими бўйича ўринбосари	323264	306166	289209	272509
3.	Чақирилувгача тайёргарлик раҳбари	218690	206578	194649	182266
4.	Жисмоний тайёргарлик раҳбари	182266	170179	159003	147891
5.	Касб-хунар коллежининг катта устаси	161101	150146	139410	128705
6.	Касб-хунар коллежи ўқув-ишлаб чиқариш устахонаси мудири	118408	118408	118408	118408

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари таълимнинг ихтисослик йўналишлари бўйича бўлим мудирлари базавий тариф ставкаларининг миқдорлари бўлимда таълим олаётган ўқувчилар контингентидан келиб чиққан ҳолда белгиланади:

150 нафардан 300 нафаргача – 108518 сўм.

301 нафардан 450 нафаргача – 118408 сўм.

541 нафардан 600 нафаргача – 128705 сўм.

601 нафар ва ундан ортик – 139410 сўм.

2008 йил 1 сентябрдан ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари педагогик ва раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш базавий тариф ставкалари киритилди, бунда бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимлари иш хақи ўртача 1,2 баравар ошганлиги<sup>215</sup> ҳисобга олинган.

Юқорида кайд этилган чоралар билан бир каторда ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари

<sup>215</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сон Фармони.

меҳнатини рағбатлантириш ва моддий жиҳатдан тақдирлаш мақсадида 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб Директор жамғармаси шакллантирилмоқда.

Директор жамғармаси маблағлари ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг фақат юксак касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифати ошишига аниқ шахсий ҳисса қўшаётган ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг базавий тариф ставкаларига 40% ҳажмда ҳар ойлик устамалар белгилашга, ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларига бир йўла мукофотлар тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатишга (алоҳида ҳолларда) йўналтирилади.

Биринчи гуруҳ харажатлари ҳисоб-китоб қилинаётганда тўлиқ давлат таъминотида бўлган битирувчи етимларга (олий ўқув юртида ўқишни давом эттирмоқчи бўлган етимларга нафақа улар шу ўқув юртини битирганларидан сўнг тўланади) бир мартали нафакани тўлаш харажатлари бўлиши мумкинлиги назарда тутилиши керак. Нафақа ҳажми 100 минимал оклад ҳажмидадир.

2010 йилнинг 1 сентябридан бошлаб, тегишли сарф-харажатларни бюджет маблағлари ва қисман – энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорда ота-оналарнинг ҳар ой тўлайдиган маблағи ҳисобидан молиялаштирилган ҳолда олимпия захиралари коллежларининг ўқувчилари учун бепул (имтиёзли) овқатланиш жорий қилинди. Бунда ҳар бир олимпия захиралари коллежида ўқувчилар умумий контингентининг 30 фоизидан ошмайдиган миқдорда кам таъминланган оилалардан бўлган ўқувчиларнинг ота-оналари пул тўлашдан озод қилинишлари назарда тутилган.<sup>216</sup>

**Олий таълим муассасалари харажатларини режалаштириш ва молиялаштириш.** Ўзбекистон Республикасида Олий таълим тизимини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қуйидагилардир: Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Олий таълим тўғрисида”ги Низом.<sup>217</sup>

Олий маълумотли мутахассисларни тайёрлаш олий таълим муассасалари (университетлар, академиялар, институтлар ва олий мактабнинг бошқа таълим муассасалари)да ўрта махсус, касб-хунар маълумоти асосида амалга оширилади.

Олий таълим икки босқичдан иборат: бакалавриатура ва магистратура.

Бундан ташқари Ўзбекистон фуқаролари шартнома асосида иккинчи ва кейинги олий маълумот олиш ҳуқуқига эгадирлар.

<sup>216</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 22-молда.

<sup>217</sup> Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2003 йил 9 февралдаги 9-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2003 йил 22 февралда 1222-сон билан рўйхатдан ўтказилган.

Ўзбекистонда 62 та олий таълим муассасаси фаолият юритиб, уларда таълим кундузги бўлимларда амалга оширилади, 2009 йилдан бошлаб сиртки бўлимларга қабул тўхтатилган. Ўзбекистон Республикасида, кўпчилик мамлакатлардаги каби, олий таълим муассасаларининг тармоқ таркиби мавжуд. Олий таълим муассасалари барча вилоятлар бўйича кенг тарқалган бўлса ҳам уларнинг кўпчилик қисми Тошкент, Самарканд ва Андижон шаҳарларида жойлашган.

Олий таълим муассасаларига харажатлар ҳар бири бўйича алоҳида, уларнинг фаолият юритиш хусусиятларини, ўртача йиллик талабалар, аспирантлар, тингловчилар сони, уларнинг моддий таъминоти меъёрлари, профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи ставкалари ва бошқа кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади.

Олий таълим муассасасининг асосий молиявий режаси смета ҳисобланади, унда бюджет ажратмаларининг умумий ҳажми, мақсадли йўналтирилганлиги ва чорақлар бўйича тақсимоти ақс эттирилади. Сметада ўқув муассасаси, унинг ўқув-моддий базаси тўғрисида умумий маълумотлар келтирилади. Жамланма режалаштиришда харажатлар ҳар бир талабага меъёрлар ҳисоби асосида ҳисоб-китоб қилинади. Бунинг учун режалаштирилаётган йил учун талабалар контингенти битирувчилар, қабул ва саралашни ҳисобга олган ҳолда ўлчанади.

**1. Иш ҳақи ва стипендиялар.** Бу гуруҳ бўйича штатдаги профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақига харажатлар режалаштирилади. Шу билан бирга таълим муассасалари, бўлимлар, факультетлар, филиаллар ва ўқув-маслаҳат марказлари, кундузги ва сиртки аспирантура, соатбай асосда педагогик фаолиятга жалб этилган шахсларнинг, шунингдек ОТМ раҳбар ва бошқа ходимларининг иш ҳақлари ҳам шунга киради.

Профессор-ўқитувчилар таркибининг лавозимлар бўйича штат жадвали ОТМ ректори томонидан шу тоифа ходимлар учун вазирлик (идора) томонидан ўрнатилган сон ва иш ҳақи фонди доирасида ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

Маъмурий-хизмат кўрсатиш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа персоналнинг штатлар жадвали ОТМ ректори томонидан ушбу ўқув юрти учун белгиланган тартибда тасдиқланган намунавий штатлар ва лавозимлар номенклатурасига биноан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Бунда ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди юқори ташкилот томонидан ушбу тоифа ходимлар учун белгиланган меъёрларда, бошқарув аппарати ходимларининг сони эса режалаштирилган ажратмалар доирасида ҳисобланади.



ОТМ ректорлари профессор-ўқитувчилар таркиби штатлар жадвалини тасдиқлашда профессор, доцент ва катта ўқитувчи лавозимлари сонини ўқув машғулотлари турлари (маъруза, семинар ва бошқалар)га мўлжалланган соатлардан келиб чиқиб аниқлашлари зарур, бунда ушбу лавозимлар асосиз кўпайишига, бошқарув ходимлари ва маъмурий-хизмат, ўқув-ёрдამчи ва бошқа персонал таркибда катта мутахассислар сонининг ортиқчалигига йўл қўйилмаслиги керак.

Индивидуал тартибда штатлари белгиланадиган ОТМ ректорлари штатлар жадвалини лавозимлар номенклатураси билан белгиланган тартибда тасдиқлашлари ва унга ўзгартиришлар киритишлари мумкин.

ОТМнинг янги таркибий бўлинмасини киритиш фақатгина вазирлик (идора) рухсати билан амалга оширилади. Бунда ОТМ қайси вазирлик (идора) тасарруфида эканлигига эътибор берилади.

Давлат бюджетидан ёки аралаш молиялаштиришда бўлган олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари таркиби ва бошқарув ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-926-сон Қарорига биноан ишлаб чиқилган “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2008 йил 1 августдаги 164-сон Қарори асосида амалга оширилади.

**Профессор-ўқитувчилар таркибининг иш ҳақи фондиди хисоб-китоб қилиш учун асос бўлиб** штатлар жадвали ва олий таълим муассасалари ходимларининг лавозим маошлари хизмат қилади. Улар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимларининг ҳар бир лавозими учун белгиланадиган базавий лавозим маошлари, шунингдек ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган устамалар ва қўшимча тўловлар асосида шакллантирилади.

Ўзбекистонда 2008 йил 1 сентябрдан бошлаб олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби ва раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг базавий лавозим маошлари амалга киритилди.<sup>218</sup>

---

<sup>218</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2008 йил 1 августдаги 164-сон Қарори.

**Профессор-ўқитувчилар таркибининг** (кафедра мудир, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ассистент, ўқитувчи, ўқитувчи-стажер) базавий лавозим маошлари:

- штатдаги лавозимга;
- илмий даража, илмий унвон мавжудлигига қараб табақалаштирилади.

Профессор-ўқитувчилар таркиби штатлар жадвалларининг базавий лавозим маошлари схемаларида иккита маош назарда тутилган (39-жадвал). Лавозимлар бўйича профессор-ўқитувчилар лавозим маошлари олий таълим муассасаси ректори томонидан ходимлар сони ва тегишли вазирлик (идора) томонидан ушбу олий таълим муассасаси учун мазкур ходимлар тоифаси бўйича ҳисобланган иш ҳақи фонди доирасида белгиланади. Бунда ўталган илмий мактаб, иш стажи, ўқув-тарбия жараёнига қўшилган фаол ҳисса ва олий таълим муассасаси раҳбари томонидан белгиланадиган бошқа кўрсаткичлар ҳисобга олинади.

Олий таълим муассасалари ходимларининг базавий лавозим маошларини ўзгартириш Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонларига мувофиқ бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи бшганда ва ходим олий таълим муассасасида бошқа лавозимга ўтганда амалга оцирилади.

**39-жадвал. Олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдори (сўм)**

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдори	
<b>1. Кафедра мудир:</b>		
фан доктори илмий даражасига ёки профессор илмий унвонига эга бўлган	365810	349444
фан номзоди илмий даражасига ёки доцент илмий унвонига эга бўлган	349444	336058
илмий даражага эга бўлмаган	336058	322600
<b>2. Профессор:</b>		
фан доктори илмий даражасига эга бўлган	349444	336058
фан номзоди илмий даражасига эга бўлган	336058	322600
илмий даражага эга бўлмаган	322600	306679
<b>3. Доцент:</b>		
илмий даражага эга бўлган	322600	306679
илмий даражага эга бўлмаган	306679	290938
<b>4. Катта ўқитувчи:</b>		
илмий даражага эга бўлган	306679	290938
илмий даражага эга бўлмаган	290938	275549

5. Ассистент, ўқитувчи:		
илмий даражага эга бўлган	275549	260288
илмий даражага эга бўлмаган	260288	245258
6. Ўқитувчи-стажер	229655	

Базавий лавозим маошлари кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш таълим муассасаларида (институтлар, факультетларда) тегишли лавозимлар учун ҳам қўлланилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Профессорлар ва доцентларнинг базавий лавозим маошлари тегишли равишда профессор ёки доцент илмий унвонига эга бўлган шахсларга (катта илмий ходимга) белгиланади.

Профессор ёки доцент лавозимига тайинланган, бироқ тегишли илмий унвонга эга бўлмаган профессор-ўқитувчилар таркибидан бўлган шахсларга икки йилгача бўлган муддатга базавий лавозим маошлари куйидаги миқдорларда белгиланади:

- профессор – 322600 сўм;
- доцент – 306679 сўм.

Юқори касб маҳоратига эга бўлган ва ўқув-тарбия жараёни сифатини оширишга ҳамда илмий тадқиқотларга аниқ хисса қўшаётган профессор-ўқитувчилар таркиби вакиллари меҳнатини моддий тақдирлаш ва рағбатлантириш мақсадида улар учун бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармасидан тўланадиган ҳар ойлик устамалар белгиланади.

Ҳукуматнинг алоҳида қарорлари билан белгиланган ва қўшимча тўлов ва устамаларнинг бошқа турлари миқдори базавий лавозим маошига нисбатан фоизларда ҳисобланади.

Педагог ходимлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш:

- штатдаги ўқитувчилар томонидан ушбу тоифадаги ходимларга соатбай ҳақ тўлаш шартлари тўғрисида амалдаги низомларга мувофиқ бажарилган ўқув ишлари учун;
- белгиланган нормативларга мувофиқ меҳнатга соатбай ҳақ тўлаган ҳолда ўқув ишларини бажаришга жалб этиладиган ректорлар, проректорлар ва бошқа раҳбар ходимларга;
- бошқа ташкилотлардан жалб этиладиган ўқитувчилар ва бошқа мутахассисларнинг ўқув ишлари учун ҳақ тўлашда қўлланилади.

Профессор-ўқитувчи персоналнинг умумий сони таълим шакллари бўйича ставкалар сони, ҳар бир ўқитувчига тўғри келувчи талабалар ва аспирантлар сони асосида ҳисобланади.

2009/2010 ўқув йилидан бошлаб ҳар бир ўқитувчига тўғри келадиган талабалар сонининг чегаравий меъёри кундузги таълим шаклида олий таълимнинг йўналиши ва мутахассислигидан келиб чиқиб 1 : 12,5 нисбатда ўрнатилган.

Таълим шакллари бўйича талабалар сони куйидаги тартибда ҳисобланади:

$$K_T = K_6 + K_{\text{чт}} - K_{\text{бит}} + K_{\text{каб.режаси}}$$

бу ерда:

$K_T$  – талабаларнинг умумий сони;

$K_6$  – йил бошига талабаларнинг умумий сони;

$K_{\text{бит}}$  – шу йил битирганлар сони;

$K_{\text{чт}}$  – ўқув йили давомида чиқиб кетган ва тикланган талабаларнинг умумий сони;

$K_{\text{каб.режаси}}$  – жорий ўқув йилда талабаларни қабул режаси.

Ўқув жараёнига жалб этилаётган штатда бўлмаган мутахассисларнинг иш ҳақи йиллик меҳнатга ҳақ тўлаш фондига нисбатан фоииз ҳисобида режалаштириладиган соатбайлик фондидан тўланади.

Олий таълим муассасалари бошқарув персоналнинг иш ҳақи, раҳбарларнинг (ректор, проректор, декан, декан ўринбосари, директор, филиал директори ўринбосари) базавий лавозим маошлари олий таълим муассасаси мансуб бўлган гуруҳдан келиб чиққан ҳолда белгиланади (40-жадвал).

Биринчи гуруҳга талабалар контингенти 2000 нафардан ортиқ бўлган олий таълим муассасаси киради. Иккинчи гуруҳга талабалар контингенти 2000 нафардан кам бўлган олий таълим муассасаси киради.

**40-жадвал. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдори (сўм)**

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдори	
	I гуруҳ	II гуруҳ
I. Ректор:		
академик бўлган	412729	395962
профессор ёки фан доктори бўлган	395962	379285
доцент ёки фан номзоди бўлган	379285	365810

2. Ўқув, илмий ва маънавий-маърифий ишлар бўйича проректор		
профессор ёки фан доктори бўлган	379285	365810
доцент ёки фан номзоди бўлган	365810	349444
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	349444	336058
3. Халқаро алоқалар, капитал қурилиш ва молиявий-иқтисодий ишлар бўйича проректор:		
профессор ёки фан доктори бўлган	357223	343733
доцент ёки фан номзоди бўлган	343733	330181
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	330181	316609
4. Филиал директори:		
академик бўлган	395962	395962
профессор ёки фан доктори бўлган	379285	379285
доцент ёки фан номзоди бўлган	365810	365810
5. Филиал директорининг ўринбосари:		
профессор ёки фан доктори бўлган	365810	365810
доцент ёки фан номзоди бўлган	349444	349444
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	336058	336058
6. Декан:		
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлган	349444	349444
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	336058	336058
7. Декан ўринбосари:		
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлган	336058	336058
илмий унвонга ёки илмий даражага эга бўлмаган	322600	322600
8. Ҳисоблаш маркази бошлиғи	134144	125545

ОТМнинг ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи персонали меҳнатига ҳақ тўлаш Вазирлар Маҳкамаси томонидан ўрнатилган базавий лавозимлар оқладлари<sup>219</sup> ҳажми асосида амалга оширилади (41-жадвал).

**41-жадвал. Олий таълим муассасаларининг бошқа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари миқдори (сўм)**

Лавозимлар номи	Базавий лавозим маошлари миқдори
1. Ҳисоблаш марказлари муҳандислари:	
1-тоифали	108758
2-тоифали	100841
тоифасиз	93244

<sup>219</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 164-сон Қарори.

2. Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг маданият ва санъат таълим йўналишлари бўйича олий таълим муассасалари концертмейстерлари:	
етакчи концертмейстер	266802
концертмейстер	237472
3. Илмий котиб	125545
4. Ишлаб чиқариш таълими устаси	100841

ОТМнинг ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи персоналининг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бир ойлик ставкани 12 ойга ва ўртача йиллик ходимлар сони қабул қилинган сметасига кўпайтириш орқали аниқланади.

Штатдаги ходимлар ва штатдан ташқари персоналнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди юқори ташкилот томонидан режалаштириладиган йил учун меҳнат режаси бўйича тасдиқланган иш ҳақи фонди лимитига мос келиши керак.

Олий таълим муассасалари харажатларида катталиги бўйича иккинчи ўринда стипендиялар тўлаш харажатлари туради. Талабалар фанларни ўзлаштиришидан келиб чиқиб 3 тоифага бўлинади (аълочилар, яхши ўқийдиганлар ва давоматлилар).

Олий таълим муассасаси бўйича бир ойга стипендия фондиди ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади:

$$C_{\text{ф}} = K_{\text{к}} \times P_{\text{с}},$$

бу ерда

$C_{\text{ф}}$  – олий таълим муассасаси бўйича 1 ойга стипендия фонди;

$K_{\text{к}}$  – ҳар бир тоифа бўйича (аълочилар, яхши ўқийдиганлар ва давоматлилар) талабалар сони;

$P_{\text{с}}$  – тегишли тоифа бўйича 1 ойлик стипендия.

Йиллик стипендия фонди ўртача йиллик стипендиатлар сонини, у ёки бу таълим муассасасида стипендияларнинг ўртача ҳажмини (ҳар бир тоифадаги талабалар сонига боғлиқ равишда) ва ўқиш ойлари сонини кўпайтириш орқали ҳисобланади.

Молиявий йил давомида стипендия фонди ҳажмида юз берадиган ўзгаришлар стипендиянинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда биринчи навбатда бюджетдан молиялаштирилади.

ОТМлар харажатларида кафедраларнинг илмий-тадқиқот ишлари, ўқитувчиларнинг илмий сафарларига ва бошқаларга сарф-харажатлар режалаштирилади.

Инвентарь ва ускуналарга харажатлар уларни махсус ускуналар, компьютерлар ва хўжалик инвентари билан жиҳозлаш заруратидан келиб чиқиб режа-

лаштирилади. Жамланма режалаштириш шаронтида бу харажатлар ҳар бир талабага белгиланган меъёрлар асосида, капитал таъмирлаш учун харажатлар эса – ташки кубатурадан келиб чикиб аниқланади.

ОТМ фаолиятини молиялаштириш белгиланган тартибда Республика бюджетидан ажратмалар ҳамда кўшимча жалб этилган маблағлар<sup>220</sup> ҳисобига амалга оширилади.

Олий, ўрта махсус таълим ва маданият соҳасидаги меҳнатга ҳақ тўлаш тизимининг хусусияти ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш ҳажми уларнинг бюджет ташкилотлари якуний натижаларига шахсий ҳиссалари билан белгиланишида намоён бўлади.

### 5.3.2. Соғлиқни сақлашга харажатлар

1. Соғлиқни сақлаш тизими ва уни ислоҳ этиш. Соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолати ҳар бир давлат учун улкан ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эгадир. 1996 йилда Ўзбекистонда “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, унга биноан соғлиқни сақлаш тизими таркиби аниқланди ва унга давлат, хусусий ва бошқа тизимлар киритилди; бошқарув органлари; соғлиқни сақлаш тизимининг мақсадлари ва вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг давлат, хусусий ва бошқа тизимлари йиғиндисидан иборат ягона соғлиқни сақлаш тизими амал қилади.<sup>221</sup>

Давлат соғлиқни сақлаш тизимига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлашни бошқариш органлари, уларнинг шаҳар ва туман бўлинималари, шунингдек давлат мулки бўлган ва давлат соғлиқни сақлаш тизимининг бошқарув органларига бўйсунувчи даволаш-профилактика ва илмий-тадқиқот муассасалари, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тайёрлайдиган ҳамда уларни қайта тайёргарликдан ўтказадиган ўқув юртлари, фармацевтика корхоналари ва ташкилотлари, санитария-профилактика муассасалари, суд-тиббий экспертиза муассасалари, тиббий дори-дармонлар ва тиббиёт техникаси ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳамда асосий фаолияти фуқаролар соғлигини сақлаш билан боғлиқ бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар кирати.

<sup>220</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарори.

<sup>221</sup> “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги 265-1-сон Қонуни, 7-модда.

**Соғлиқни сақлашнинг хусусий ва бошқа хил тизимлари жумласига хусусий тиббиёт амалиёти ёки хусусий фармацевтика фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар, ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилаётган даволаш-профилактика, дорихона муассасалари ҳамда тиббиёт ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган корхоналар қиради.**

Давлат соғлиқни сақлаш тизимининг даволаш-профилактика муассасалари аҳолига давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий ёрдам кўрсатади. Бепул тиббий ёрдам кўрсатиш ҳажми ва тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Давлат томонидан қафолатланган тиббий ёрдам ҳажмининг белгиланганидан ортиқча тиббий ва бошқа хил хизматлар кўрсатиш кўшимча хизматлар бўлиб, аҳоли томонидан белгиланган тартибда ҳақ тўланади. Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастури билан бепул тиббий ёрдам кўрсатадиган ва бюджетдан молияланиши лозим бўлган даволаш-профилактика муассасалари рўйхати белгиланган.

Ўзбекистонда 1998 йилдан ҳозирги кунга қадар соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш амалга оширилмоқда. 1998 йилги Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурида<sup>222</sup> 1998-2005 йилларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш концепцияси ва асосий чоратadbirlari белгиланди.

2007 йилда Президент Фармони<sup>223</sup> билан соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий вазифалари сифатида куйидагилар белгиланди:

- ягона ташкилий-услубий раҳбарликни ҳамда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати устидан назоратни таъминлайдиган соғлиқни сақлашнинг замонавий ташкилий тузилмасини шакллантириш;
- замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозланган, юқори малакали кадрлар салоҳияти билан таъминланган ҳамда аҳолига ихтисослаштирилган юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатадиган республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари тармоғини янада ривожлантириш ва шундай янги марказлар ташкил қилиш;

<sup>222</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида” 1998 йил 10 октябрдаги ПФ-2107-сон Фармони.

<sup>223</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида” 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармони



- тиббий диагностика тизимини тубдан такомиллаштириш, республика ҳудудида замонавий, халқаро стандартларга мос бўлган ускуналар билан жиҳозланган ҳамда юқори малакали мутахассислар билан таъминланган диагностика хизматлари тармоғини кенг ривожлантириш;

- аҳолини вирусли ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, ОИВ/ОИТС касаллигининг олдини олиш тизими самарадорлиги ва ишончлилигини, аввало, зарарланиш манбаларини профилактика қилиш ва тутатишга қаратилган чоратadbирлар ҳисобига ошириш;

- аёллар ва болалар соғлигини сақлаш, бўлғуси оналар соғлиғи ҳолати устидан назорат қилиш тизими сифатини тубдан ошириш, скрининг-марказлар, педиатрия ва туғруқ муассасаларининг моддий-техника базасини, айниқса, кишлоқ жойларда, янада ривожлантириш ва мустахкамлаш;

- тиббиёт муассасаларининг умумий амалиёт шифокорлари ва тор ихтисослашган шифокорларга нисбатан талаб-эҳтиёжларини қондиришни ҳисобга олган ҳолда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, тиббиёт ходимларининг малакаси ва касб маҳоратини муттасил ошириб бориш учун шарт-шароитларни таъминлаш;

- замонавий диагностика ва даволаш ускуналарига, юқори малакали тиббиёт ходимларига эга бўлган ҳамда аҳолига даволаш жараёнининг тасдиқланган стандартларига мувофиқ равишда сифатли, ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатадиган хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантиришга қўмаклашиш.

Шу билан бирга Президент Фармони<sup>224</sup> билан туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказлари ва соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органлари фаолиятининг энг муҳим йўналишлари белгиланди.

Фаолият йўналишлари:

**туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаларида** – касалликлар, энг аввало юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини ўтказиш, аҳолига сифатли бирламчи амбулатория-поликлиника ёрдами кўрсатиш, бирламчи шошилинч, кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам бериш, беморларни стационарларда даволаш, шунингдек кишлоқ врачлик пунктларига, бошқа туман (шаҳар) муассасаларига ташкилий-услубий жиҳатдан раҳбарлик қилиш;

**вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларида** – беморларни текширувдан ўтказиш, уларга юқори малакали тиббий-маслаҳат ёрдами кўрсатиш, касалликларнинг асосий йўналишлари (режали хирургия,

<sup>224</sup> Ўзбекистон Республикаси: Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармони.

терапия, кардиология, гинекология ва бошқалар) бўйича стационарларда даволашни ташкил этиш, шунингдек вилоят тиббиёт муассасаларида тиббий ёрдам кўрсатишнинг замонавий усуллари ва технологияларини татбиқ этишни услубий жиҳатдан таъминлаш;

**соғлиқни сақлашни бошқариш ҳудудий органларида:** тиббий хизматлар кўрсатишда диагностика ва даволашнинг ягона стандартларини жорий этиш, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг уларга риоя этиши устидан назоратни амалга ошириш; тегишли ҳудудларда жойлашган тиббиёт муассасалари фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш; самарали санитария-эпидемиология назоратини таъминлаш, юкумли ва ўта хавфли юкумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш бўйича амалий чоралар кўриш; онлада тиббий маданиятни ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича аҳоли ўртасида профилактика ишлари ўтказилишини ташкил этиш.

**Тиббий-санитария хизматлари ҳажмига қуйидагилар қиради:**

1. шошилиш ёрдам кўрсатиш;
2. соғлиқни сақлашнинг биринчи бўғинида ва бир қатор даволаш-профилактика муассасаларида, биринчи навбатда қишлоқ жойларида тиббиёт хизматларини кўрсатиш;
3. аҳолини алоҳида турдаги юкумли касалликлардан иммунизациялаш ва вакцинациялаш;
4. атрофдагилар учун хавфли бўлган (сил, онкология, руҳий, наркологик ва бошқа) ижтимоий аҳамиятга молик касалликларга чалинган фуқароларга ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш;
5. 15-17 ёшдаги ўсмирларни чакириқ комиссияси йўналиши бўйича кўриқдан ўтказиш ва даволаш;
6. туғруқ хизматларини кўрсатиш;
7. имтиёзга эга бўлган пациентларни давлат тиббиёт муассасаларида даволаш (етимлар, ногиронлар ва бошқалар).

Соғлиқни сақлашга қилинадиган харажатлар ўз иқтисодий моҳиятига кўра қуйидаги асосий гуруҳларга бўлинади:

- даволаш-профилактика муассасалари ва тадбирларига харажатлар;
- санитария-профилактика муассасалари ва тадбирлари;
- бошқа муассасалар ва тадбирлар.

Соғлиқни сақлаш тизими молиявий ресурсларининг асосий улуши даволаш-профилактика муассасаларини сақлашга йўналтирилиб, уларга касалхоналар, поликлиникалар, фельдшер-акушер пунктлари, тез ёрдам станцияси, болалар уйлари, санаторийлар қиради.

Санитария-профилактика муассасаларига қуйидагилар киради: санитария-эпидемиологик станциялар, дезинфекцион станциялар, санитар маърифат уйлари.

Учинчи гуруҳга суд-тиббиёт экспертиза бюрolari ва бошқалар киради. Харажатларни молиялаштириш бюджет харажатларининг йиллик рўйхатини чорақлар бўйича бўлиш тақсимотиға биноан амалға оширилади.

**2. Соғлиқни сақлашда харажатларни режалаштириш ва молиялаштириш.** Харажатларни режалаштириш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг худудий молия органлари томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бюджет буюртмалари асосида амалға оширилади.

Давлат соғлиқни сақлаш тизимини маблағ билан таъминлаш манбалари<sup>225</sup> қуйидагилардан иборат:

- давлат бюджети маблағлари;
- тиббий суғурта маблағлари;
- фуқароларнинг соғлигини сақлашга мўлжалланган мақсадли фондларнинг маблағлари;
- даволаш-профилактика муассасаларининг давлат томонидан кафолатланган хажмдан ортикча тиббий ёрдам кўрсатганлик учун ва пуллик хизматлар кўрсатганлик учун олинган маблағлари;
- корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ҳамда жисмоний шахсларнинг соғлиқни сақлаш муассасаларига ихтиёрий ва хайрия бадаллари;
- банкларнинг кредитлари;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Республика соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш қуйидаги тарзда амалға оширилади:


- республика даражасидаги муассасалар (клиникалар, диагностика марказлари, илмий-тадқиқот институтлари, ОТМлар ва бошқалар) ўзларининг жорий ва капитал харажатларини Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига бериладиган республика бюджети маблағлари ҳисобига амалға оширадилар;
- вилоят, шаҳар ва туман даражасидаги тиббиёт муассасалари (вилоят, шаҳар касалхоналари ва поликлиникалари, диспансерлар, санатория-курорт муассасалари, марказий туман касалхоналари ва бошқалар) ҳам республика бюджетидан (алоҳида капитал харажатлари), ҳам маҳаллий бюджетлардан (капитал ва барча жорий харажатлар) молиялаштириладилар;

<sup>225</sup> “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонун, 9-модда.

• мустақил юридик шахс мақомига эга бўлмаган кишлоқ тиббиёт муассасалари (фельдшер-акушерлик пунктлари, кишлоқ врачлик амбулаториялари ва бошқалар) бевосита марказий туман касалхонасига бўйсундилар ва маблағларни марказий туман касалхонасига ажратмаларнинг бир қисми сифатида оладилар.

Соғлиқни сақлаш тизими харажатларини жамланма молиявий режалаштиришга асос ҳисобланувчи ишлаб чиқариш кўрсаткичларига қуйидагилар кирди: тиббиёт муассасалари сони; койка фонди; врачларнинг келиб кўришлари сони; тоифалар бўйича лавозимлар сони – врачлар, катта ва кичик тиббиёт персонали, маъмурий-бошқарув персонали; койка-кунлар сони (31-схема).

31-схема.



Тиббиёт муассасаларининг сони аҳолининг жинси, ёши ва тиббиёт ходимларининг ҳар 10 000 кишига тўғри келиши меъёрларини ҳисобга олиб белгиланади.

Койка фонди стационар-даволаш муассасаларининг жорий харажатларини режалаштиришда қўлланилади ва қуйидаги тарзда ҳисобланади:

$$Кф = Кн \pm ((Ко - Кб) \times Sm.ф) / 12,$$

бу ерда

Кф – койка фонди;

**К<sub>о</sub>, К<sub>б</sub>** – ой бошига ва охирига сони;

**См.ф** – фаолият юритиш ойлари сони.

**Койкалар обороти** куйидаги тарзда ҳисобланади:

$$\text{Ок} = \text{Фк} / \text{Срп.п.},$$

бу ерда

**Ок** - койка обороти;

**Фк** - фаолият юритиш кунлари сони;

**Срп.п** - касалхонада бўлиш вақтининг давомийлиги.

Бунда бир касалга хизмат кўрсатгандан сўнг кейинги касални қабул қилишга тайёрланиш ҳисобга олинади. Юқумли касалликлар билан боғлиқ ҳолда койканинг бўш туриши вақти – 3 кун, сил касалликларида – 2 кун, бошқаларда – 1 кун. Овқатга ва дори-дармонларга харажатларни режалаштиришда битта койканинг йил давомида фаолият юритиш кунлари аниқланиб, касалхонадаги койка-кунларнинг умумий сони ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{Ок.к} = \text{Срк} \times \text{Чд.ф.},$$

бу ерда

**Ок.к** – касалхонадаги койко-кунларнинг умумий сони;

**Срк** - койкаларнинг йиллик ўртача сони;

**Чд.ф.** – бир койка йил мобайнида фаолият кўрсатувчи кунлар сони.

Харажатларни режалаштиришда даволаш-профилактика муассасалари икки шаклда (стационар ва амбулатор-поликлиника) тиббиёт ёрдамини кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олиш зарур.

Амбулатор-поликлиника муассасалари харажатларини ҳисоблаш учун куйидаги **кўрсаткичлардан** фойдаланилади (32-схема):

- аҳоли сони ва врачларнинг бориб кўриши сонига боғлиқ бўлган ўртача йиллик врач лавозимлари;
- соатига беморларни қабул қилиш сони, бир беморни қабул қилиш меъёри ўртача 20 минутни ташкил этади;
- иш режими, иккита компонентдан ташкил топади:
  - 1) поликлиникада қабул қилиш;
  - 2) уйда хизмат кўрсатиш;
- харажатларни режалаштиришда иктисодий характердаги асосий моддалардан бири иш ҳақидир.


**Иш ҳақи** куйидаги тонфалар бўйича ҳисобланади:

- врачларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди;

- катта ва кичик тиббиёт персоналининг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди;
- ягона тариф сеткаси асосида ҳисобланадиган маъмурий-бошқарув персоналнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фонди.

Врачлар, катта ва кичик тиббиёт персоналининг асосий иш ҳақи ягона тариф сеткаси плюс қўшимча тўлов ва устамалар асосида аниқланади.

32-схема.



Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона фонди даволаш-профилактика муассасаси умумий харажатлари ҳажмининг 40-45 фоизни ташкил этади.

2006 йил 1 январдан бошлаб янги Тариф сеткаси<sup>226</sup> киритилган ва унда малакавий категория даражаси ва унга мос келувчи тариф коэффициентлари асосида ўрнатиладиган тиббиёт ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари акс эттирилган.

Тиббиёт ходимларининг тариф ставкалари тариф сеткаси асосида иш ҳақининг белгиланган энг кам ойлик миқдорини меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тегишли гуруҳларга киритилган соғлиқни сақлаш муассасалари ходимлари учун

<sup>226</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизimini тасдиқлаш тўғрисида" 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон Қарори.

белгиланган тариф сеткасининг тегишли разряди тариф коэффициентига ва тузатиш коэффициентига кўлайтириш йўли билан белгиланади.<sup>227</sup>

**42-жадвал. Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари  
тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг  
ТАРИФ СЕТКАСИ**

<b>Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари</b>	<b>Тариф коэффициентлари</b>
1	3,022
2	3,325
3	3,656
4	4,023
5	4,424
6	4,867
7	5,354
8	5,943
9	6,597
10	7,323
11	8,054

“Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисида”ги Низомга<sup>228</sup> мувофиқ Ўзбекистонда тиббиёт муассасаларини гуруҳлаш тартиби амалга кiritилди ва уларда давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий этилди.

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизими жорий  
этиладиган давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика  
ходимларининг меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича  
ГУРУҲЛАРИ**

**I. Амбулатория-поликлиника муассасалари, санитария-эпидемиология на-  
зорати хизмати ва бошқа муассасалар**

1. Қишлоқ врачлик пунктлари ва уларнинг филиаллари (бўлимлари)
2. Шаҳарлардаги поликлиникалар (болалар поликлиникасидан ташқари)
3. Стационар ўринлари бўлмаган диспансерлар
4. Скрининг-марказлар

<sup>227</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон Қарори 2-илова.

<sup>228</sup> Уша ерда.

5. Республика болалар ва ўсмирлар репродуктив соғломлаштириш маркази
6. Саломатлик институти ва унинг филиаллари
7. Санитария-эпидемиология назорати хизмати муассасалари (республика, вилоят, шаҳар ва туман санитария-эпидемиология назорати марказлари, карантин ва ўта хавфли инфекциялар профилактикаси маркази ва унинг филиаллари, дезинфекция станциялари)
8. Тиббиёт статистикаси бюроси

## **II. Умумий профилли стационар тиббиёт муассасалари ва бошқалар**

9. Илмий-текшириш институтлари ва олий тиббиёт ўқув юртлари клиникалари
10. Республика касалхоналари, тиббиёт-санитария қисмлари
11. Республика (вилоят, шаҳар) перинатал маркази
12. Вилоят, шаҳар ва туман касалхоналари, шу жумладан туғруқхоналар, туғруқхона мажмуалари
13. Шаҳар ва туман марказий касалхоналари, кишлоқ участка касалхоналари
14. Суд-тиббий экспертиза бюроси ва унинг филиаллари
15. Патологоанатомик марказлар ва уларнинг филиаллари
16. Қон қуйиш станциялари
17. Санаторийлар

## **III. Ихтисослаштирилган стационар муассасалар**

18. Ихтисослаштирилган касалхоналар, клиникалар, диспансерлар ва марказлар:
  - 18.1. Сил касалликлари
  - 18.2. Юқумли касалликлар
  - 18.3. Онкологик касалликлар
  - 18.4. Тери-таносил касалликлари
  - 18.5. Эндокринологик касалликлар
  - 18.6. Руҳий касалликлар
  - 18.7. Руҳий-асаб касалликлари
  - 18.8. Наркологик касалликлар
19. Республика нейрохирургия, онкология (жумладан хоспислар), аллергиялогия, суяк хасталиги ва жароҳат оқибатларини даволаш, йирингли хирургия ва қандли диабет асоратларини даволаш, болалар ортопедияси тиббиёт марказлари
20. Фтизиатрия ва пульмонология, эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар, вирусология, эндокринология ва паразитология илмий-тадқиқот институтлари клиникалари
21. Болалар касалхоналари ва поликлиникалари
22. Болалар уйлари
23. Лепрозорийлар



**IV. Шошилиш ва тез тиббий ёрдам марказлари, тез ёрдам станциялари, ОИТСга қарши кураш Республика ва минтақавий марказлари**

24. Республика шошилиш тиббий ёрдам маркази – унинг вилоятлардаги филиаллари, туманлар (шаҳарлар) марказий касалхоналаридаги шошилиш тиббий ёрдам бўлимлари

25. Тез тиббий ёрдам станциялари

26. ОИТСга қарши кураш Республика ва минтақавий марказлари

Соғлиқни сақлаш муассасалари ҳар бир гуруҳлари бўйича қуйидаги тузатиш коэффициентлари белгиланади:

- муассасаларнинг 1-гуруҳи учун – тегишли разряд тариф ставкасига 1,0 тузатиш коэффициенти;
- муассасаларнинг 2-гуруҳи учун – тегишли разряд тариф ставкасига 1,03 тузатиш коэффициенти;
- муассасаларнинг 3-гуруҳи учун – тегишли разряд тариф ставкасига 1,05 тузатиш коэффициенти;
- муассасаларнинг 4-гуруҳи учун – тегишли разряд тариф ставкасига 1,15 тузатиш коэффициенти.

Тариф сеткаси бўйича разрядлар тиббиёт, фармацевтика ва раҳбар ходимлар лавозимлари бўйича белгиланади.

Ходимларга тариф ставкалари, қўшимча тўлов ва устамалар миқдорларини ўзгартириш:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонларига мувофиқ энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ўзгарганда – ушбу Фармон кучга кирган ойдан бошлаб;
- "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" фахрий унвони берилганда – фахрий унвон берилган кундан бошлаб;
- малака тоифаси берилганда – ҳузурида аттестация комиссияси ташкил этилган орган (муассаса)нинг буйруғига мувофиқ;
- илмий даража берилганда – Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг диплом бериш тўғрисидаги қарори чиққан кундан бошлаб;
- стаж учун устама миқдорини кўпайтириш ҳуқуқини берадиган стажнинг узлуксизлигини тасдиқлайдиган ҳужжатлар мавжуд бўлганда – стажнинг узлуксизлиги тўлган кундан бошлаб амалга оширилади.

**Кичик тиббиёт ходимлари<sup>229</sup> учун тариф сеткаси бўйича қуйидаги разрядлар белгиланади (43-жадвал):**

**43-жадвал. Кичик тиббиёт ходимлари учун тариф сеткаси**

Лавозимлар номи	Разряд	Тариф коэффициенти
1. Барча номлардаги санитарка ва бошқа кичик тиббиёт ходимлари	1	2,773
2. Беморларни парвариш қилувчи кичик ҳамшира	1	2,773
3. Хўжалик бекаси	2	3,050

Туман касалхоналари ва ихтисослаштирилган клиникаларнинг реанимация бўлимлари (интенсив терапия бўлимлари)да ишлайдиган, беморларни парвариш қилувчи кичик ҳамшираларга тариф сеткаси бўйича 2-разряд белгиланади.

**Ўрта тиббиёт ходимлари учун тариф сеткаси бўйича қуйидаги разрядлар белгиланади (44-жадвал):**

**44-жадвал. Ўрта тиббиёт ходимлари учун тариф сеткаси**

Лавозимлар номи	Разряд	Тариф коэффициенти
1. Тиббий рўйхатдан ўтказувчи, дезинфектор	2	3,050
2. Барча номлардаги тиббиёт ҳамшираси, шафкат ҳамшираси, фельдшер, акушерка, лаборант, рентген лаборанти, тиббиёт статистиги, тиш техниги, тиббий-ижтимоий ходим		
- тоифасиз	2	3,050
- II тоифа	3	3,355
- I тоифа	4	3,691
- олий тоифа	5	4,060
3. Операция ҳамшираси, анестезист-ҳамшира, реанимация ва интенсив терапия бўлимлари ҳамшираси, туғруғхона (бўлим)нинг акушеркаси, санитария врачининг ёрдамчиси, паразитолог врачининг ёрдамчиси, энтомологнинг ёрдамчиси		
- тоифасиз	3	3,355
- II тоифа	4	3,691

<sup>229</sup> Жадвал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 21 июлдаги 144-сон Қарори билан тасдиқланган тахрирда келтирилган.

- I тоифа	5	4,060
- олий тоифа	6	4,466
4. Бўлим (филиал) фельдшери, акушеркаси; катта тиббий хамшира, катта фельдшер, катта акушерка; тиш врачлари, шошилинч ёрдам катта фельдшери, хамширалик иши мутахассиси, етакчи тиббий хамшира		
- тоифасиз	4	3,691
- II тоифа	5	4,060
- I тоифа	6	4,466
- олий тоифа	7	4,913

Олий маълумотга эга бўлмаган даволовчи жисмоний тарбия йуриқчисига ва методистига тариф сеткаси бўйича иккинчи разряд белгиланади.

Врач ходимлар учун тариф сеткаси бўйича қуйидаги разрядлар белгиланади (45-жадвал):

45-жадвал. Врач ходимлар учун тариф сеткаси

Лавозимлар номи	Разряд	Тариф коэффициенти
1. Мутахассис врач		
- тоифасиз	6	4,466
- II тоифа	7	4,913
- I тоифа	8	5,453
- олий тоифа	9	6,053
2. Беморларни операция қиладиган барча номлардаги врач-хирург; тезкор фаолиятни таъминлайдиган ва реанимация чоратадбирларини амалга оширадиган анестезиолог-реаниматолог врач; даволаш тадбирларини амалга оширадиган эндоскопист врач; тез тиббий ёрдам кўчма бригадаси мутахассис врачлари; умумий амалиёт врачлари		
- тоифасиз	7	4,913
- II тоифа	8	5,453
- I тоифа	9	6,053
- олий тоифа	10	6,719

Протез-ортопедия корхоналари ва бирлашмаларининг мутахассис врачларига, врач-хирургларига, анестезиолог-реаниматолог врачларига II гуруҳ муасс-

сасалар (умумий ихтисосликдаги тургун муассасалар) учун назарда тутилган тузатиш коэффициентлари белгиланади.

Диагностика марказларида ва жаррохлик аралашувини амалга оширмайдиган бошқа муассасаларда ишлайдиган барча номлардаги врач-хирургларга мутахассис врач сифатида тариф белгиланади.

Соғликни сақлаш муассасаларининг раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари, шунингдек бош тиббиёт ҳамширалари учун меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича тариф сеткаси бўйича разряд соғликни сақлаш муассасасининг типига қараб табақалаштирилади.

Соғликни сақлаш муассасаларининг асосий ихтисосликка тегишли бўлмаган ва даволаш, диагностика ёки профилактика фаолиятини амалга оширмайдиган ёрдамчи бўлинмалари (бўлимлари)нинг (бухгалтерия, иқтисодий бўлимлар, кадрлар бўлими, муҳандислик иншоотлари, асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш, автомобиль парки ва бошқалар) раҳбарлари меҳнатига ҳақ тўлаш Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси асосида амалга оширилади.

Даволаш-профилактика муассасаларининг **фармацевтика ходимлари** учун тариф сеткаси бўйича куйидаги разрядлар белгиланади (46-жадвал):

**46-жадвал. Фармацевтика ходимлари учун тариф сеткаси**

Лавозимлар номи	Разряд	Тариф коэффициенти
<b>1. Провизор</b>		
- тоифасиз	4	3,691
- II тоифа	5	4,060
- I тоифа	6	4,466
- олий тоифа	7	4,913
<b>2. Фармацевтика ходимлари</b>		
- тоифасиз	1	2,773
- II тоифа	2	3,050
- I тоифа	3	3,355
- олий тоифа	4	3,691

Тиббиёт муассасаларида врачликдан бошқа фаолиятни бажарётган **олий маълумотли мутахассислар** (психолог, биолог, зоолог, паразитолог, энтомолог, ионлаштирувчи ва ноионлаштирувчи нурланиш манбалари устидан назорат қилиш бўйича эксперт-физик; даволовчи жисмоний тарбия бўйича йўриқчи; даволовчи жисмоний тарбия бўйича методист) учун тариф сеткаси **6 разряд 4,466 тариф коэффициент** билан белгиланади.

Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК), ногиронлар ва кексалар интернат-уйлари, ногиронлар учун пансионатлар, ўқув юртлари, ногиронлар учун реабилитация марказлари, шунингдек болалар мактабгача муассасалари, барча типдаги мактаб-интернатлар, "Меҳрибонлик уйи", болалар уйлари, санаторий-ўрмон мактаблари тиббиёт ходимларининг тариф ставкалари муассасаларнинг биринчи гуруҳи бўйича белгиланади.

Лавозим оқладидан ташқари тиббиёт ходимларига қуйидагилар тўланиши мумкин:<sup>230</sup>

#### **Қўшимча тўловлар:**

1. Соғлиқни сақлаш муассасаларининг таркибий бўлинмаларига мудирлик қилганлик учун врачларга:

- штатида врачлар лавозими 6 тагача бўлганда – ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

- штатида врачлар лавозими 6 тадан ортиқ бўлганда – ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 70 фоизи миқдорида.

2. Кабинетларга мудирлик қилганлик учун врачларга ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида.

3. Туман, туманлараро ва шаҳар ТМЭКларининг раислари бўлган врачларга комиссияга раҳбарлик қилганлик учун ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 70 фоизи миқдорида.

4. Қишлоқ врачлик пунктлари филиал (бўлим)ларига мудирлик қилганлик учун врачлар, фельдшерлар, акушеркалар, тиббиёт ҳамшираларига ойига энг кам ойлик иш ҳақининг 25 фоизи миқдорида.

5. Врачлик мутахассислиги бўйича тегишли тоифага эга бўлган тиббиёт муассасалари раҳбарларига, уларнинг ўринбосарлари – врачларга:

- олий малака тоифаси мавжудлиги учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида;

- биринчи малака тоифаси мавжудлиги учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида.

6. Тиббиёт муассасаларининг мутахассислиги бўйича тегишли тоифага эга бўлган бош тиббиёт ҳамшираларига:

- олий малака тоифаси мавжудлиги учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 40 фоизи миқдорида;

---

<sup>230</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизimini тасдиқлаш тўғрисида" 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон Қарори.

- биринчи малака тоифаси мавжудлиги учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида.

7. Муассасалар раҳбарларига ва уларнинг ўринбосарлари – врачларга, шунингдек тегишли равишда врачлик ва провизорлик лавозимларини эгаллаб турган врачлар ва провизорларга, номларидан катъий назар, шунингдек илмий даражага эга бўлган:

- тиббиёт ва фармацевтика фанлари доктори илмий даражасига эга бўлганлиги учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 70 фоизи миқдорида;

- тиббиёт ва фармацевтика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлганлиги учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 45 фоизи миқдорида.

8. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими" фахрий унвони учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 60 фоизи миқдорида.

9. Турғун типдаги муассасалар ходимларига тунги вақтда ишлаганлиги учун эгаллаб турган лавозими бўйича лавозим маоши тариф ставкаси ҳисобкитобидан келиб чиқиб тунги вақтда ишланган ҳар бир соат учун соатбай тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида.

Меҳнатнинг соғлиқ учун хавфлилиги ва ўта оғир шароитлари учун тиббиёт муассасалари ва унинг бўлинмалари ходимларига тариф ставкаси бўйича қўшимча тўловлар белгиланади, ойлик лавозим окладлари рўйхат бўйича 15-60% чегарасида оширилади.

ОИТСга ва ОИВ инфекциясига чалинган беморлар билан бевосита контакта бўладиган тиббиёт муассасалари ва унинг бўлинмалари ходимларига ҳар бир иш соати учун соатбай тариф ставкасини (маошини) 50 фоизга ошириш ҳукуки берилган.

Алоҳида муассасалар, бўлинмалар ва лавозимларда узлуксиз иш стажи учун устамалар:

- шошилич тиббий ёрдам хизматининг врачларига, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларига: узлуксиз ишланган биринчи уч йил учун ҳамда ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори – 30 фоиз;

- шошилич тиббий ёрдам хизматининг олий маълумотга эга бўлган тиббиёт ҳамшираларига: узлуксиз ишланган стажнинг биринчи уч йили учун ҳамда ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори – 40 фоиз;

- қишлоқ врачлик пунктлари врачларига, қишлоқ жойлардаги амбулаториялар ва участка касалхоналари врачларига узлуксиз ишланган биринчи уч

йил учун ва ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори – 50 фоиз;

- поликлиникаларнинг ҳудудий участкалари участка терапевтларига, ўсмирлар врачларига, участка педиатрларига ва участка тиббиёт ҳамшираларига, поликлиникалардаги терапия ва педиатрия бўлимлари мудирларига: узлуксиз ишланган биринчи уч йил учун ва ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори – 40 фоиз;

- тез ёрдам хизмати ва санитария авиациясининг кўчма бригадалари катта врачлари, врачлари ва ўрта тиббиёт ходимларига: узлуксиз ишланган биринчи уч йил учун ва ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори – 30 фоиз;

- ўлатга қарши муассасаларнинг ва алоҳида ҳавфли юкумли касалликларга қарши кураш олиб бориш муассасаларининг таркибий бўлинмалари ходимларига: узлуксиз ишланган биринчи уч йил учун ва ҳар бир кейинги икки йил учун тариф ставкасига нисбатан 10 фоиздан миқдорда белгиланади, устаманинг энг кўп миқдори – 80 фоиз;

- лепрозория муассасалари ва таркибий бўлинмаларининг ходимларига узлуксиз иш стажи учун: 3 йилдан 5 йилгача бўлганда тариф ставкасининг 15 фоизи; 5 йилдан 10 йилгача бўлганда – тариф ставкасининг 25 фоизи; 10 йилдан ортиқ бўлганда – тариф ставкасининг 50 фоизи миқдорида белгиланади;

- врачларга, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларига, шунингдек соғлиқни сақлаш барча муассасалари фармацевтика ходимларига қуйидаги устамалар: узлуксиз иш стажи 5 йилдан 10 йилгача бўлганда – тариф ставкасининг 5 фоизи миқдорида; узлуксиз иш стажи 10 йилдан 15 йилгача бўлганда – тариф ставкасининг 10 фоизи миқдорида; узлуксиз иш стажи 15 йилдан 20 йилгача бўлганда – тариф ставкасининг 15 фоизи миқдорида, узлуксиз иш стажи 20 йилдан ортиқ бўлганда – тариф ставкасининг 20 фоизи миқдорида.

Маслаҳатлар берганлиги учун врачлар меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш: профессор, тиббиёт фанлари доктори илмий даражасига эга бўлганда – тариф ставкасининг 3 фоизи миқдорида; доцент, тиббиёт фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлганда – тариф ставкасининг 2 фоизи миқдорида; илмий даражага эга бўлмаган врачга – тариф ставкасининг 1 фоизи миқдорида белгиланади.

Ходимларнинг тариф ставкаларига устамалар ва қўшимча тўловлар миқдори тариф ставкасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблаб чиқилади.

Тиббиёт ва фармацевтика ходимларини меҳнатга виждонан муносабати ва кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юқори сифати учун тариф ставкасига ҳар

ойлик устамалар белгилаш йўли билан моддий рағбатлантириш ва тақдирлаш, уларга мукофотлар бериш ва бир марталик моддий ёрдам кўрсатиш Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги Низомга<sup>231</sup> мувофиқ амалга оширилади ва у 2006 йил 1 январдан бошлаб ушбу жамғарма базасида ҳамма бюджет тиббиёт муассасаларида ташкил этилмоқда ва алоҳида хусусиятларга эга (47-жадвал):

**47-жадвал. Тиббиёт муассасасининг моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларини сарфлаш йўналишлари**<sup>232</sup>

Тиббиёт муассасалари гуруҳлари	Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари:			Моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари:	
				моддий рағбатлантиришга	моддий-техника базасини мустаҳкамлашга
I гуруҳ	тиббиёт муассасаси учун ажратиладиган умумий бюджет маблағларининг 5 фоизигача	хомий ва донор ташкилотлардан, шунингдек пулли даволаш ва хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар	меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган бюджет маблағларидан тежам	25 %	75 %
II гуруҳ				35 %	65 %
III гуруҳ				40 %	60 %
IV гуруҳ				50 %	50 %

Тежалган маблағлар мавжуд бўлган тақдирда бу маблағлар ходимларнинг вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлиги бўйича тўланмаган нафақаларни молиялаштиришга йўналтирилиши мумкин.

Жамғарма маблағлари: ишга виждонан муносабати ва кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юқори сифати учун тариф ставкаси базасига ойлик устамалар белгилаш, бир йўла моддий ёрдам ва мукофотлар тўлаш шаклида тиббиёт ва фармацевтика ходимларини рағбатлантиришга; тиббиёт муассасасининг моддий-техника базасини ривожлантиришга, модернизация қилишга ва таъмирлашга йўналтирилади.

<sup>231</sup> Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси тўғрисида Низом. Адлия вазирлигида 2006 йил 14 январда 1537-сон билан рўйхатга олинган.

<sup>232</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон Қарорига 3-илова. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон Қарорига мувофиқ киритилган ўзгаришлар билан.



Моддий рағбатлантириш жамғармасы маблаглари тиббиёт муассасаси қайси гуруҳга мансублигига қараб қуйидаги мутаносибликда тақсимланади ва сарфланади (48-жадвал):

48-жадвал. Моддий рағбатлантириш жамғармасы маблагларининг тақсимланиши

Харажатлар йўналиши	I гуруҳ муассасалар	II гуруҳ муассасалар	III гуруҳ муассасалар	IV гуруҳ муассасалар
Ходимларни моддий рағбатлантириш	25 фоиздан ортиқ бўлмаган	35 фоиздан ортиқ бўлмаган	40 фоиздан ортиқ бўлмаган	50 фоиздан ортиқ бўлмаган
Моддий-техник базани мустаҳкамлаш, модернизация қилиш ва таъмирлаш	камида 75%	камида 65%	камида 60%	камида 50%

Барча тиббиёт муассасаларида меҳнатга виждонан муносабати, кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг юқори сифати учун ходимнинг тариф ставкасига ойлик устамалар тегишли ходимнинг тариф ставкасидан 5 дан 20 фоизгача миқдорда белгиланади.

Ойлик устамалар тиббиёт ходимларининг лавозимига ва тиббиёт муассасалари гуруҳига қараб белгиланади:

49-жадвал. Тиббиёт ходимларининг лавозимига ва тиббиёт муассасалари гуруҳига қараб белгиланган ойлик устамалар

Лавозимлар номи	I гуруҳ муассасалар	II гуруҳ муассасалар	III гуруҳ муассасалар	IV гуруҳ муассасалар
Кичик тиббиёт ходимлари	5-15 %	5-15 %	5-15 %	10-20 %
Ўрта тиббиёт ва фармацевтика ходимлари	10-15 %	10-15 %	10-15 %	10-20 %
Врач ходимлар ва провизорлар	10-15 %	10-15 %	10-20 %	10-20 %

Алоҳида тиббиёт ходимлари учун устамалар белгиланган қуйидаги асосий кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади: кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг сифати; меҳнат билан бандлиги; кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг

мураккаблиги; ихтисослик тармогида кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг ўхшаши йўқлиги.

Тиббиёт муассасаларининг ўрнатилган кўрсатган ходимларини бир йўла мукофотлаш муассасани ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссаси ва фаолиятида юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун унга бир лавозим маошигача миқдорда мукофот тайинлаш йўли билан амалга оширилади.

Касалхоналар харажатлар сметасида иккинчи модда бўйича овқатланишга харажатлар режалаштирилиб, улар икки тоифа беморлар бўйича ҳисоб-китоб қилинади: имтиёзли ва имтиёзсиз. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Даволаш-профилактика муассасаларини маблаг билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 1997 йил 2 декабрдаги 532-сон Қарорида овқатланиш тўловида озод қилувчи касалликлар рўйхати келтирилган.

**Шахсларни тургун даволаш-профилактика муассасаларида овқатланиш тўловида озод қилувчи касалликлар ва аҳоли тоифаларининг рўйхати (пулли касалхоналар ва бўлимлардан ташқари)<sup>233</sup>**

**касалликлар**

1. Онкологик касалликлар.
2. Сил касаллиги.
3. Рухий касалликлар.
4. Ихтисослаштирилган муассасаларда гиёҳвандлик.
5. Моҳов касаллиги.
6. Нурланиш касаллигига чалинган беморлар.
7. Юқумли касалликлар.
8. Сифилис.
9. ОИВ касаллигини юқтирганлар (ОИТС).
10. Шошилч тиббий ёрдам кўрсатиш чоғида беморларнинг шифохонада бўлиши чекланган муддатларининг тасдиқланган стандартлари бўйича реанимация тадбирларини ва интенсив терапияни талаб этувчи ҳолатлар.
11. Даражасидан катъий назар камқонлик касаллигига чалинган ҳомиладор аёллар ва туққан аёллар.
12. Эндокринологик касалликлар.

**аҳоли тоифалари**

1. Болалиқдан ногиронлар.
2. Чин етимлар.
3. I ва II гуруҳ ногиронлари.
4. 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронлари ҳамда уларга тенглаштирилган шахслар.
5. Ижтимоий таъминот бўлимларида ҳисобда турувчи ёлғиз нафақахўрлар.
6. 1941-1945 йиллардаги уруш йиллари меҳнат фронти қатнашчилари.

<sup>233</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сон Қарори.

7. Чернобыль АЭСидаги ҳалокат оқибатларини тугатишда қатнашган - ноғирон шахслар.
8. Байналмилалчи жангчилар.
9. 17 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирлар.
10. Мудофаа ишлари бўлимларининг йўлланмалари бўйича 18-27 ёшли чакирик ёшидагилар.

**Овқатланишга** харажатлар ўртача йиллик койко-кунлар сонини беморнинг бир кунда овқатланиш меъёрига кўпайтириш орқали ҳисобланади. Овқатланиш харажатлари ҳам бемор томонидан, ҳам иш берувчи (бемор ишлайдиган корхона, ташкилот ва муассасалар) томонидан қопланади.

Шу тарика дори-дармонларга харажатлар ҳам ҳисобланади.

Харажатларнинг муҳим бўлимларидан бири коммунал хизматларни тўлашга харажатлар бўлиб, уларни режалаштириш натурал кўрсаткичлар асосида амалга оширилади.

**Соғлиқни сақлаш муассасаларини аралаш молниялаштириш тартиби.**

Соғлиқни сақлаш тизимида ислохотларни чуқурлаштириш, қалқаро талабларга жавоб берувчи юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари учун ташкилий, молиявий-иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, илғор тиббиёт технологияларини кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистонда жаҳон тажрибасидан фойдаланиб эксперимент тарикасида ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ташкил этилди ва фаолият юритмоқда.<sup>234</sup>

1. Республика ихтисослаштирилган урология маркази, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Урология илмий маркази негизида.

2. Академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Академик В.Воҳидов номидаги жарроҳлик илмий маркази негизида.

3. Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургияси маркази, Тошкент шаҳридаги Тошкент вилоят кўз микрохирургияси маркази негизида.

4. Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази, Кардиология илмий-тадқиқот институти ва Тошкент шаҳридаги 15-шаҳар клиник шифохонаси негизида.

2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойиши<sup>235</sup> билан ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан 2007-2008 йилларда қуйидаги тиббиёт марказлари ташкил этиш таклифи киритилди:

<sup>234</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 2003 йил 17 мартдаги 140-сон Қарори.

<sup>235</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш жараёнини ўрганиш ва уни янада чуқурлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш

1. вилоят кўп тармокли тиббиёт марказлари аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган стационар, амбулатория консултатив-диагностика тиббиёт хизмати кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаси бўлиб, фаолият кўрсатиб турган вилоят касалхоналари ва айрим ихтисослаштирилган тиббиёт муассасалари базасида ташкил этилади, унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги 48-сон Қарори билан тасдиқланган вилоят кўп тармокли тиббиёт маркази тўғрисида Низом билан тартибга солинади;

2. вилоят болалар кўп тармокли тиббиёт марказлари болаларга юқори малакали ихтисослаштирилган стационар, амбулатория консултатив-диагностика хизмати кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаси ҳисобланиб, фаолият кўрсатиб турган вилоят болалар касалхоналари базасида ташкил этилади, унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги 48-сон Қарори билан тасдиқланган вилоят болалар кўп тармокли тиббиёт маркази тўғрисида Низом билан тартибга солинади;

3. Нукус ва Тошкент шаҳарларида ва ҳар бир вилоят марказларида тиббий диагностика маркази аҳолига пуллик хизмати кўрсатувчи муассаса ҳисобланиб, унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги 48-сон Қарори билан тасдиқланган вилоят тиббий диагностика маркази тўғрисида Низом билан тартибга солинади;

4. туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси марказий туман (шаҳар) касалхонаси, кўп тармокли марказий туман поликлиникаси (шаҳар) негизда тегишли ҳудудларда ташкил этилади, ҳамда уларга кишлоқ врачлик пунктлари ва онлавий поликлиникаларнинг фаолиятига методологик ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилиб, унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 18 мартдаги 48-сон Қарори билан тасдиқланган туман (шаҳар) тиббиёт бирлашмаси тўғрисида Низом билан тартибга солинади;

5. Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари:

республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти негизда акушерлик ва гинекология соҳасида даволаш-профилактика, илмий-тадқиқот ва методик фаолиятни амалга оширадиган ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатадиган ихтисослаштирилган мустақил тиббиёт муассасаси сифатида ташкил этилиб, унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги 145-сон Қарори билан тасдиқланган

---

масалалари бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш тўғрисида 2007 йил 22 январдаги Р-2658-сон Фармойиши.

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисида Низом билан тартибга солинади;

6. Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази мустақил тиббиёт муассасаси сифатида ташкил этилиб, унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги 145-сон Қарори билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисида Низом билан тартибга солинади;

7. Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази Терапия ва тиббий реабилитация илмий-тадқиқот институти ҳамда Гастроэнтерология илмий маркази негизда терапия ва тиббий реабилитация соҳасида даволаш-профилактика, илмий-тадқиқот ва методик фаолиятни амалга оширадиган ҳамда аҳолига юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатадиган ихтисослаштирилган мустақил тиббиёт муассасаси сифатида ташкил этилиб, унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги 145-сон Қарори билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисида Низом билан тартибга солинади;

8. Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази Дерматология ва венерология илмий-тадқиқот институти негизда мустақил тиббиёт муассасаси сифатида ташкил этилиб, унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги 145-сон Қарори билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган дерматология ва венерология илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисида Низом билан тартибга солинади;

9. Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фтизиатрия ва пульмонология илмий-тадқиқот институти негизда мустақил тиббиёт муассасаси сифатида ташкил этилиб, унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги 145-сон Қарори билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисида Низом билан тартибга солинади;

10. Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эндокринология илмий-тадқиқот институти негизда мустақил тиббиёт муассасаси сифатида ташкил этилиб, унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 майдаги 145-сон Қарори билан тасдиқланган Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази тўғрисида Низом билан тартибга солинади.

Марказларнинг асосий вазифаларидан бири ўзини ўзи молиялаштириш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш шартларида фаолиятини таъминлаш учун молиявий ва моддий-техник ресурсларни жалб этиш бўйича менежмент ва маркетинг ишларини ташкил этишдир.

Марказларни ташкил этиш тартиби:

- давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги ҳамда Марказ Кенгаши тимсолида Марказнинг меҳнат жамоаси Республика ихтисослаштирилган тиббий марказларнинг муассислари ҳисобланадилар;

- давлатга тегишли мулк ишончли бошқарув ҳуқуқи билан Марказнинг устав жамғармасига топширилади;

- давлат томонидан қўмакка муҳтож бўлган шахслар (имтиёзли тоифадаги шахслар)га давлат бюджети маблағлари ҳисобидан юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатилади. Имтиёзли тоифадаги шахслар: болаликдан ногиронлар; чин етимлар; I ва II гуруҳ ногиронлари; 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари ва катнашчилари, шунингдек уларга тенглаштирилган шахслар; ёшга оид пенсияга чиққан ишламайдиган шахслар; 1941-1945 йиллардаги уруш даврида меҳнат жабҳасининг катнашчилари; Чернобиль АЭСи фалокатини тугатишда иштирок этган шахслар жумласига кирувчи ногиронлар; байналмилалчи жангчилар; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан моддий ёрдам олувчи кам таъминланган оилаларга мансуб шахслар;

- Марказнинг фаолияти давлат бюджети маблағлари, Марказнинг ўз даромадлари ва жалб этиладиган манбалар (грантлар, ҳомийларнинг маблағлари ва бошқалар) ҳисобига аралаш асосда молияланади. Бунда давлат бюджети маблағлари ҳар бир Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги орқали харажат моддалари бўйича тақсимланмаган ҳолда алоҳида сатр билан ажратилади.

2004 йилдан бошлаб Республика ихтисослаштирилган марказларининг ўзини ўзи молиялаш ва ўзини ўзи қоплашга ўтишини назарда тутган ҳолда ушбу Марказларни сақлашга бюджет маблағларининг жорий харажатларини босқичма-босқич камайтириб бориш амалга оширилмоқда.

Марказларга лавозимлар рўйхатини мустақил равишда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш, Марказ ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартлари бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига нисбатан табақалаштирилган тарзда белгилаш ҳуқуқлари берилган.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу Республика ихтисослаштирилган марказлари ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган тиббиёт ускуналари ва асбоблари учун 2003 йилнинг 1 мартидан то 2012 йилнинг 31 декабрига қалар 10 йил муддатта барча турдаги солиқлар, божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) тўлашдан озод қилинган, бўшайдиган маблағлар Марказларни ривожлантириш ва жиҳозлашга мақсадли тарзда йўналтирилади.

**Молиялаштиришнинг аралаш тартиби хусусиятларини** Республика ихтисослаштирилган урология маркази мисолида кўриб чиқиш мумкин.<sup>236</sup>

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги орқали давлат ҳамда манфаатини Марказ Кенгаши ифодалайдиган Марказ меҳнат жамоаси Марказнинг муассислари ҳисобланадилар.

Марказнинг низом жамғармаси **манбалари**:

- асосий воситалар (тиббиёт муассасаси бинолари ва иншоотлари, тиббий асбоб-анжомлар, жиҳозлар, инвентарлар ва шу кабилар) ва айланмалан ташқари активлар тарзидаги давлат мол-мулки;

- инвестиция мақсадларига ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

- тиббий хизматлар, ишларни амалга оширишдан, маҳсулотлар сотишдан олиннадиган моддий-техникавий базани ривожлантиришга, шунингдек тиббий асбоб-анжомлар ва технологиялар сотиб олишга йўналтириладиган даромадлар;

- бошқа манбалар.

Марказ беморларнинг имтиёзли контингентига поликлиниканинг мавжуд ўринлар фонди ва қабул қилиш қувватининг 20 фоизгача ҳажмда **бепул асосда** юқори малакали ихтисослаштирилган урологик ёрдам кўрсатиши керак.

Марказ фаолиятини маблағ билан таъминлаш аралаш шаклда, шу жумладан:

- Марказнинг ўз даромадлари;

- давлат бюджети маблағлари;

- грантлар ва хомийлик ёрдами;

- Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларига зид бўлмаган тартибда жалб этилган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Марказнинг ўз даромадлари: аҳолига пулли асосда тиббий хизмат кўрсатиш; унинг илмий ва ўқув базасида бошқа тиббиёт муассасаларининг соҳа мутахассисларини тайёрлаш; илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

---

<sup>236</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 мартдаги 140-сон Қарорига 2-илова.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида таққикланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шакллантирилади.

**Давлат бюджети маблағлари қуйидаги мақсадларга:**

- беморларнинг имтиёзли контингентига поликлиниканинг мавжуд ўринлар фонди ва қабул қилиш қувватининг 20 фоизигача ҳажмда бепул асосда юқори малакали ихтисослаштирилган урологик ёрдам кўрсатиш учун Марказ харажатларини қоплашга;

- Марказни Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури ҳамда ҳар йилги инвестиция дастурлари доирасида замонавий тиббиёт асбоб-анжомлари ва техника билан жиҳозлашга;

- илмий-тадқиқот фаолиятига грантлар тарзида;

- рўйхати Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган тиббий ёрдамнинг айрим мураккаб юқори технологияли (қиммат турадиган) турлари бўйича аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш харажатларини қоплашга ажратилади.

Марказ харажатларини давлат бюджети маблағларидан маблағ билан таъминлаш тартиби тиббий хизматларнинг ушбу турига бўлган талабга қараб Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Марказ билан биргаликда белгиланади. Бюджет маблағлари Марказга Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ҳар ойда, алоҳида қаторда, моддаларга бўлмасдан ажратилади; давлат бюджети маблағларидан маблағ билан таъминлаш ҳажминини Марказнинг молиявий таъминоти мустақамланишига қараб босқичма-босқич қамайтириб бориш назарда тутилади.

Марказ ходимлари сони, уларнинг иш ҳақи ва моддий рағбатлантириш миқдорлари Марказ Кенгаши томонидан, бажариладиган ишларнинг мураккаблик даражаси, сифати ва ҳажмига қараб мустақил равишда белгиланади.

Марказ мустақил равишда, ажратилган бюджет маблағлари ва ўз даромадлари доирасида: Марказнинг бизнес-режасини ҳамда даромадлар ва харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди; Марказ ходимларига иш ҳақи тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди; штатлар жадвалини тасдиқлайди ва Ягона тариф сеткаси бўйича базавий маошлардан келиб чиққан ҳолда лавозим маошларини ҳамда чеklangан миқдорлари чегараланмайдиган устамаларни белгилайди.

Марказ солиқларнинг барча турларидан ва божхона тўловларидан 2012 йил 31 декабргача озод қилинади, шунингдек сотиладиган тиббий хизматлар



ҳажмидан Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинади.

Марказ хўжалик фаолиятдан олинган даромадларни мустақил равишда тасарруф этади. Марказнинг ўз молия-хўжалик фаолияти натижасида олган фойдаси, тегишли мажбурий тўловлар тўлангандан кейин, Марказ тасарруфда қолади ва ундан белгиланган тартибда:

- Марказнинг моддий-техника базасини янгилаш, замонавийлаштириш ва кенгайтиришда, замонавий тиббий техника, анжомлар ва асбоб-ускуналар со-тиб олишда;
- низом жамғармасининг меҳнат жамоаси улуши қисмини кўпайтиришда;
- Марказ ходимларини моддий рағбатлантиришда;
- айланма фондларни тўлдиришда;
- Марказ мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлашда ва уларнинг мала-касани оширишда;
- махсулот ва хизматларни реклама қилишда;
- Марказ фаолиятини таъминлаш билан боғлиқ бошқа мақсадларда фойда-ланилади.

Марказ кўрсатилган харажатларнинг устуворлиги, йўналтириш тартиби-ни ва нисбатларини мустақил равишда белгилайди.

**3. Бошланғич тиббий-санитария ёрдами муассасаларини бюджетдан мо-лиялаштиришнинг янги тартиби.**

Тиббиёт муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш<sup>237</sup> мақсадида бошланғич тиббий-санитария ёрдами муассасаларига юридик шахс мақоми берилди ва 2005 йил 1 октябрдан бюджетдан молиялаштиришнинг янги тартибини<sup>238</sup> бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи бўйича ҳисоблашга ўтилди.

Бир киши ҳисобига харажатларнинг базавий нормативи ҳар йили экспе-риментда иштирок этувчи вилоятларнинг ҳар бир ҳудуд учун алоҳида белгила-нади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{ХБНй} = \text{ВСБй} \times \text{ЎУй} / \text{АСй},$$

бунда:

**ХБНй** – режалаштирилаётган йил учун бир киши ҳисобига харажатлар-нинг норматив базаси;

<sup>237</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сон Қарори.

<sup>238</sup> Ўша ерда, 3-илова.

**ВСБй** – санитария-эпидемиология шохобчалари, капитал қўйилмалар ва режалаштирилаётган йил учун марказлаштирилган тадбирлар харажатларидан ташқари, худудлар соғлиқни сақлаш умумий бюджети,

**АСй** – режалаштирилаётган йилнинг 1 январдаги ҳолатига кўра БТСЁ ШЭ муассасаларига бириктирилган ҳудуд аҳолиси сони;

**Ўуй** – ҳисобот даврида тегишли ҳудуд соғлиқни сақлаш бюджетида БТСЁ ШЭ муассасалари бюджетининг ўртача улуши (коэффициентларда). БТСЁ ШЭ муассасалари бюджетини ҳисобот давридаги санитария-эпидемиология назорати хизматлари, капитал қўйилмалар ва марказлаштирилган тадбирлар харажатларини истисно этган ҳолда ҳудуд соғлиқни сақлаш умумий бюджетига бўлиш йўли билан аниқланади.

### **5.3.3. Бюджетнинг жисмоний тарбия, спорт, ОАВ, маданият ва санъат муассасалари тадбирларини молиялаштиришга харажатлар.**

Бюджет маблағлари ҳисобига **жисмоний маданият ва спорт** соҳасида тадбирларни молиялаштириш таъминланади, хусусан:

- спортчиларни Олимпия ўйинлари, бошқа халқаро спорт мусобақаларига тайёргарлик ва қатнашиш тадбирлари;
- давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари тасарруфида бўлган жисмоний-соғломлаштириш, спорт ва спорт-техника иншоотларини сақлаш ва таъминлаш;
- жисмоний тарбия бўйича мутахассисларни тайёрлаш;
- аҳолига тегишли хизматларни кўрсатиш мақсадида ҳар бир маҳаллий бирлашмада спорт, физкультура-соғломлаштириш иншоотларини қуриш, реконструкция қилиш ва сақлаш учун шарт-шароитларни яратиш.

Давлат юқори спорт натижаларига эришиш ва бунинг учун қулай шарт-шароит яратиш учун қуйидагиларни амалга оширади:

- спорт мактаблари сонини, шу жумладан юқори классдаги спортчиларни тайёрлайдиган олимпия захиралари мактабларини ҳам қўпайтиради ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлайди;
- Ўзбекистоннинг спортнинг турлари бўйича терма жамоаларининг тайёрлов базалари ва марказларини, шунингдек жисмоний тарбия ва спорт ходимларининг касбий тайёргарлик ва малака ошириш шароитларини яхшилаш мақсадида ўрта махсус, олий касб-таълим муассасалари ўқув бинолари, жисмоний-соғломлаштириш, спорт ва спорт-техника иншоотларининг янгиларини қуради ва мавжудларини модернизациялайди;
- юқори классдаги спортчиларни тайёрлайдиган ташкилотларнинг фаолиятини ва уларни халқаро мусобақаларда қатнашишини рағбатлантиради;

- **ҳомийлик ва хайрияни рағбатлантиради.**

Харажатларни молиялаштиришнинг хусусияти шундаки, уларнинг асосий қисми спортчиларнинг овқатланиши, меҳмонхонада жойларни банд қилиш ва бошқаларга ҳар бир тадбир бўйича тасдиқланган режа-ҳисоб сметаси асосида аванс пул ўтказишлар тарзида амалга оширилади. Бундай сметаларни тузишда маълумотлар қатнашувчиларнинг сони, жўнаш вақти, мусобақаларни ўтказиш муддатлари асос ҳисобланади. Тадбирлар тугагандан сўнг якуний ҳисоб-китоблар амалга оширилади.

Жисмоний тарбия бўйича мактабгача, умумий ўрта ва мактабдан ташқари таълим тизимини ривожлантиришга йўналтирилган ягона давлат сиёсатини амалга оширишда қатнашиш, ўсиб келаётган авлодни жисмоний маданият ва спорт билан шуғулланишга оммавий жалб қилиш, таълим муассасаларида болалар спортини ривожлантиришга, уларнинг спорт базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси<sup>239</sup> ташкил этилди.

Болалар спортини ривожлантириш бошқармасининг таъминоти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг умумий харажатлари доирасида амалга оширилади.

**Маданият ва санъат муассасаларини молиялаштиришга бюджет харажатлари ижтимоий-маданий тадбирларга харажатлар таркибида режалаштирилади.** Маданият ва санъатнинг функциялари инсоннинг маънавий бойишида бўлиб, бу эса ўз навбатида иқтисодий натижаларга таъсир кўрсатади. Маданият соҳасида амал қилаётган қонун ҳужжатлари давлат маданий фаолият, маданий бойликлар ва неъматлар жамиятга етиб бориши учун имконият яратишни таъминлашини назарда тутати. Шу сабабли давлат:

- давлат ва баъзи ҳолларда нодавлат маданият ташкилотларини бюджетдан молиялаштиришни амалга оширади;
- нотижорат маданият ташкилотларига солиқ солишнинг алоҳида тартибини қўллайди;
- маданиятни ривожлантиришга ўз маблағларини сарфлаётган хўжалик субъектлари ва жисмоний шахсларга солиқ имтиёзлари бериш орқали маданиятнинг ривожланишини рағбатлантиради;

<sup>239</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болалар спортини ривожлантириш соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 19 мартдаги 76-сон Қарори.

- маданият соҳаларида хайриянинг ривожланишини рағбатлантиради.

Маданият ва санъат муассасаларини молиялаштириш турли даражадаги бюджетлар маблағлари ҳисобига амалга оширилади ва санъат, оммавий ахборот воситалари, музейлар, кутубхоналар, нашриётлар ва бошқаларни сақлаш харажатларини мужассамлаштиради.

Бюджет ажратмаларини аниқлаш усули шундаки, маданий фаолият эмас, балки аниқ маданият муассасаси молиялаштирилади. Маданият ва санъат муассасаларини молиялаштириш бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади, шу билан бирга улар пулли хизмат кўрсатилиши, хомийлик ёрдами ва бошқалар эвазига қўшимча молиявий ресурслар манбаларига эгадирлар. Барча маданият ва санъат муассасалари даромадлар ва харажатлар сметаларини тузади. Харажатлар ташкилотнинг фаолияти билан тавсифланади. Сметада барча 4 гуруҳ харажатлари режалаштирилади.<sup>240</sup> Музейлар келажакдаги харажатларни баҳолаш ва зарур бўлган бюджетдан молиялаштириш ҳажминини белгилашда катта қийинчиликларга олиб келади, чунки уларнинг фаолияти шарт-шароитлари турлича ва даромадларни олдиндан башорат қилиб бўлмайди. Сметани тасдиқлашда бюджет ҳажми ва бир неча йилга унинг ижроси ҳисобга олинади.

Театр ва концерт ташкилотлари бўйича бюджетдан молиялаштириш ҳажминини ҳисоб-китоб қилишда, биринчи навбатда хизмат кўрсатиладиган томошабинлар сони ва билетларнинг ўртача нархига боғлиқ бўлган келиб тушиши режалаштириладиган даромадлар ҳажми аниқланади. Томошабинлар сони зал сизими, режалаштириладиган спектакллар сони ва уларга томошабинларнинг ўртача тушишини бир-бирига қўпайтириш оркали аниқланади:

$$T_c = Z_c \times C_c \times \dot{U}_T,$$

бу ерда

$T_c$  - томошабинлар сони;

$Z_c$  - зал сизими;

$C_c$  – режалаштириладиган спектакллар сони;

$\dot{U}_T$  – томошабинларнинг ўртача тушиши.

Барча спектакллар эрталабки, кундузги ва кечкиларга бўлинади. Билетнинг нархи спектаклни ўтказиш вақтига боғлиқдир.

Иш ҳақи шғатдаги ва таклиф этилган ходимларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондларига тақсимланади. Театр сметаси молиявий режа ҳисобланиб, икки бўлимдан ташкил топган:

<sup>240</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарорига мувофиқ.

- даромадлар ва тушумлар - бу ерда асосий фаолият бўйича йиғимлардан даромадлар, бошқа харажатлар, бюджет субсидиялари ҳисобга олинади;
- копланиш манбасидан қатъий назар харажатлар ва ажратмалар.

Маданият ва санъат муассасалари тизимида кутубхоналар ва клуб муассасалари энг кўп сонли ҳисобланади. Маданият ва санъат давлат муассасаларининг оммавий тармоғи маҳаллий бюджетлар ҳисобига молиялаштирилади.

Йирик ҳудудий бирлиги бўйича бюджетларнинг барча ажратмалари икки қисмга бўлинади: биринчиси давлат муассасалари, дастурлари ва тадбирларини молиялаштиришга мўлжалланган; иккинчи қисми маданият ва санъатни ривожлантириш бюджет жамғармаси кўринишига эга. Шундай қилиб, молиялаштиришнинг қандай усули танланмасин, уларнинг ҳаммаси меъёрий-сметали ҳисоб-китоб усулига асослангандир.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари (ОАВ) эркин бўлиб, улар ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида”ги Қарори<sup>241</sup>, Оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш Концепцияси ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ амалга оширади.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат ҳисобланган Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунига<sup>242</sup> биноан ОАВ – оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва (ёки) электрон тарзда (теле-, радио-, видео-, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармоқларидаги веб-сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган (бундан буён матида чиқариладиган деб юритилади) шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари<sup>243</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасига оммавий ахборот воситаларини маблағ билан таъминлаш манбаларини назорат қилиш ҳуқуқи<sup>244</sup>

<sup>241</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ЛҚ-24-сон Қарори.

<sup>242</sup> “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги 541-1-сон Қонуни.

<sup>243</sup> Ўша ерда, 4-модда.

<sup>244</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасига оммавий ахборот воситаларини маблағ билан таъминлаш манбаларини назорат қилиш функцияларини бериш тўғрисида” 1992 йил 24 мартдаги 137-сон Қарори.

берилган ва у ушбу вазифани Молия вазирлиги ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (бундан буён – Компания) телевидение ва радиоэшиттиришлар каналларида ҳуқуқий демократик давлатнинг шаклланишига, очиқ фуқаролик жамияти, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоялашга йўналтирилган мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий ривожланиши, шунингдек электрон оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш ва демократлаштириш, телерадиокўрсатувларнинг профессионал ва бадий даражаларини ошириш, иктисодий мустақилликни, моддий-техника базасини ва телерадиоструктураларнинг кадр салоҳиятини мустаҳкамлашга йўналтирадиган ташкилотдир.

Компания мустақил телерадиоэшиттириш каналларини ислоҳ этиш ва ривожлантириш, миллий электрон оммавий ахборот воситаларининг ижтимоий-сиёсий ва социал-иктисодий ислохотларни чуқурлаштиришдаги аҳамиятини ошириш, аҳолининг ахборотга ва жамиятни объектив ҳамда ҳар томонлама ахборотга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида тузилган.

Компания марказий аппарат ва қуйидаги давлат унитар корхоналаридан ташкил топган: «Ozbekiston» телерадиоканали, «Sport» телерадиоканали, «Toshkent» телерадиоканали, «Respublika teleradiomarkazi», «Ozbektelefilm», Қорақалпоғистон Республикаси Телерадиокомпанияси, вилоятлар телерадиокомпаниялари, Махсус автокорхона, «Оқтош» пансионати, поликлиника. Компания «Yoshlar» телерадиоканали<sup>245</sup> ёпиқ акциядорлик жамиятининг давлат улуши бошқарувини амалга оширади.

Компаниянинг пул маблағлари давлат бюджетидан меъёрлар ва ҳисобкитобларга биноан техника воситаларидан фойдаланиш, техника базасини модернизациялаш, мақсадли дастурларни амалга ошириш, республика ташқарисидаги ваколатхоналарни сақлаш ва таъминлаш ҳамда бошқа ишлаб чиқариш мақсадларига ажратилади.

Компанияни молиялаштиришнинг кўшимча манбалари тижорат фаолиятдан, пулли хизматлар кўрсатишдан, вазирликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, алоҳида фуқаролар билан шартномаларни бажаришдан, хомийлардан, ташқи иктисодий фаолиятдан, корхона, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролардан олинган бегараз ва хайрия бадалларидан, Компания таркибига кирувчи корхона ва ташкилотларнинг даромадларидан, акция ва

<sup>245</sup> Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тўғрисида Низом. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ-3678-сон Фармонига 3-илова.

кимматли коғозлардан, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан тушган маблағлардир.

Компания таркибига қирувчи давлат унитар корхоналари давлат бюджетидан молиялаштирилади.

Компания ривожланиш жамғармасини, шунингдек ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш, ижодий-ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланиш, валюта ва бошқа фондларни ташкил этади.

Компания ривожланиш жамғармасини таркиб топтириш қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилади:

- тежалган бюджет маблағлари, шу жумладан ходимлар сонини оптималлаштириш ҳисобига олинган маблағлар;

- реклама фаолияти, пулли хизматлар, имзоланган шартномалар бўйича бажарилган ишлардан олинган даромадларнинг 25 фоизгача бўлган қисми;

- ҳомийлик маблағлари, халқаро ташкилотларнинг грантлари;

- қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа манбалар.

Жамғарма маблағлари қуйидагиларга йўналтирилади:

- ходимлар меҳнатини телерадиокўрсатувлар, аудио-, видео- ва киномаҳсулотларнинг ҳажми, сифати, бадийлик даражаси ва рейтингидан келиб чиқиб рағбатлантиришга;

- телевидение ва радио учун турли хил асарларни яратганлиги, адабий-бадий асарларни, сценарийларни, телефильмларга, телевизион ва радиокўрсатувларга мусиқаларни тайёрлаганлиги учун муаллифлик, саҳналаштириш ва ижрочилик мукофоти (гонорари)ни, мукофотлар ва бошқа рағбатлантирувчи характердаги тўловларни тўлашга, шунингдек шартнома асосида ходимларни ёллашга;

- ижодий-ишлаб чиқариш персонални олий ва махсус таълим муассасалари, етакчи телерадиокомпаниялар, ижодий гуруҳлар базасида тайёрлаш ва қайта тайёрлашга;

- ижодий жамоаларнинг замонавий ахборот, компьютер, медиатехнологияларини қўллаш орқали янги юқори сифатли телерадиодастурлар, аудио-, видео-, киномаҳсулотларни тайёрлаш фаолиятини рағбатлантиришга;

- қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа мақсадларга.

2009 йилда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ташкилотлари томонидан юқори технологияли ускуналар ва махсус телерадиотехникадан самарали фойдаланилишини таъминлаш, уларни замонавий медиатехнологиялар асосида қўллаш орқали кенг турдаги сифатли телерадиомаҳсулотлар яратиш, шунингдек телевидение муҳандислик-техника кадрларини тайёрлаш ва қайта

тайёрлаш тизимини тубдан яхшилаш мақсадида бир қатор қарорлар<sup>246</sup> қабул қилинди, хусусан:

- Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг медиамарказини 2009 йилнинг II чорагидан бошлаб, уни энг замонавий мультимедиа техник ускуналари билан жиҳозлашни назарда тутган ҳолда телерадиокомпаниянинг ўз маблағлари ва марказлаштирилган давлат капитал қўйилмалари ҳисобига қуришни таъминлаш тўғрисида;

- 2009 йилнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб бюджетдан ташқари манбаларнинг телерадиоканаллар умумий харажатларини молиялаштиришдаги улушини 2015 йилга бориб 50 фоизгача етказган ҳолда босқичма-босқич қўпайтириб бориш тўғрисида;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, унинг таркибига қирувчи корхоналар ва ташкилотлар томонидан импорт қилинадиган ускуналар, материаллар ва эҳтиёт қисмлар фойда солиғи, шунингдек божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан 2015 йилнинг I январигача озод этиш, бўшайдиган маблағларни уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга мақсадли йўналтириш тўғрисида;

- Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибига қирувчи ташкилотлар балансига бепул бериладиган, телерадиокомпания томонидан харид қилинган ускуналар, бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар уларнинг даромадлари ҳисобланмаслиги ва уларни солиққа тортиш базасидан чиқариб ташлаш тўғрисида.


### 5.3.4. Ижтимоий таъминотга харажатлар<sup>247</sup>

**Ижтимоий таъминот тизими** – давлат бюджетининг ногиронларни ўқитиш ва ишга жойлаштириш; қариялар, ногиронлар ва ногирон болалар учун уй-интернатларни сақлаш ва таъминлаш; протезлаш; ногиронларнинг харажатларини қоплаш; уйда ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг ҳудудий марказлари ва бўлинмаларини молиялаштириш; марказлаштирилган бухгалтериялар ва бошқа ижтимоий таъминот тадбирларини таъминлаш харажатларини ўзида мужассамлаштиради.

<sup>246</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 1 апрелдаги ПҚ-1088-сон Қарори.

<sup>247</sup> 2-илова. 2002 йил учун бюджетни тузишга изоҳлар, 207 бўлим бўйича “Ижтимоий таъминот”.





Ижтимоий таъминот харажатларининг асосий қисми қариялар, ногиронлар, бошқа тоифадаги муҳтож фуқароларга уй-интернатлар, ижтимоий бошпана ва бошқа муассасалар тармоғи орқали турли хил ижтимоий хизматлар (текинга ёки имтиёзли равишда) кўрсатиш билан боғлиқдир. Уларни таъминлаш ва сақлаш учун харажатлар индивидуал сметалар асосида режалаштирилади. Ҳар бир ижтимоий таъминот муассасаси қуйидаги кўрсаткичларга биноан харажатлар сметасини, ҳар бир харажатлар моддалари бўйича мажбурий иловаларни тузади:

- жойлар сони;
- таъминланаётганлар сони;
- фаолият юритилаётган кунлар сони;
- койка-кунлар сони;
- штат бирликлари сони.

**Мехнатга ҳақ тўлаш харажатлари тарификация асосида режалаштирилади.** Персонал ва хизматчиларнинг лавозим окладлари ҳажмлари тариф коэффициентига биноан, шунингдек алоҳида меҳнат шaroитларини ҳисобга олиб тайинланган турли устамаларнинг ҳажмини ҳисобга олиб белгиланади.

$$\dot{Y}_{p.c} = M_{x.f.} / L_c$$

бу ерда

$\dot{Y}_{p.c}$  - персоналнинг ҳар бир гуруҳи бўйича ўртача ойлик ставкаси;

$M_{x.f.}$  - бир ойлик меҳнатга ҳақ тўлаш фонди;

$L_c$  - лавозимлар сони.

Байрам кунлари, тунги вақтда ва шу кабиларга тўловлар учун қўшимча ажратмалар назарда тутилади.

Сметада таъминот буюмлари ва харажат материалларига сарф-харажатлар улуши катга бўлиб, уларга канцелярия харажатлари, почта харажатлари, даврий матбуот нашрларини сотиб олиш, транспортни сақлашга харажатлар, жорий таъмирлаш, бошқа хўжалик харажатлари киради.

#### 5.4. Давлат бюджетининг аҳолини ижтимоий ҳимоялашга харажатлари

**Ижтимоий ҳимоя** – давлат ижтимоий сиёсатининг йўналишларидан бири. Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардир:

- ижтимоий ҳимоянинг адреслилигини кучайтириш, яъни ижтимоий ёрдамни аҳолининг муҳтож қатламларига максимал йўналтириш;
- давлатнинг ижтимоий ёрдамини жамиятни таркибий бўлинмаси ҳисобланган оилага йўналтириш;
- ҳар бир ночор оилага давлатнинг ижтимоий кафолатини таъминлаш;
- жамият аъзоларининг фаол иқтисодий хатти-ҳаракатларини шакллантириш, боқимандаликка барҳам бериш;
- давлатнинг аҳолининг ўзини ўзи банд қилиши ва ижтимоий ўз-ўзини ҳимоялашига кўмаклашиш;
- ўта унумли меҳнатга иштиёкни кучайтириш ва унга ҳақ тўлашни яқуний натижага, интеллектуал ва жисмоний харажатларга мос даражага олиб келиш;
- давлат ижтимоий ёрдамини ва ижтимоий ҳимоянинг нодавлат шакллари-ни мувофиқлаштириш.

Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимининг шаклланиши ва ривожланиши ижтимоий секторни ислоҳ қилиш стратегияси доирасида амалга оширилади. Унинг ривожланиши ҳар бир босқичида устувор вазифалар ва уларни амалга ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланган.

**Биринчи босқич** (1991-1994 йиллар)да қуйидагилар устувор йўналиш деб қабул қилинган:

- нархларни эркинлаштириш ва инфляция даражасини ўсши (1994 йилда 1991 йилга нисбатан 1129 марта) муносабати билан аҳоли даромадларига кўмаклашиш;
- истеъмол бозорини ҳимоялаш;
- аҳолининг ночор гуруҳларини қўллаб-қувватлаш.

Алиқ чора-тадбирларни амалга оширишда бош вазифа – аҳолининг турмуш даражаси кескин пасайиб кетишининг олдини олиш. Асосий принцип – аҳоли кенг қатламларини ижтимоий ҳимоя қилишни амалга ошириш.

Ислохотларнинг биринчи босқичи давомида ижтимоий ҳимояга харажатлар республика бюджетининг 1/3 қисмини ташкил этган.

**Иккинчи босқич** (1994 йил охиридан ҳозирги вақтгача) умумий ижтимоий ҳимоя тизимидан ишонарли ижтимоий кафолатлар ва кам даромадли аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга ўтишни назарда тутди.

Бу босқичнинг муҳим вазифаси – аҳолини ўта бой ва ўта камбағал қатламларга кескин ажралиб кетишига йўл қўймаслик. Бу босқичда ижтимоий ҳимоя тизимини яратишнинг асосий принциплари қуйидагилардир:

- адолатлиликнинг устунилигига риоя қилиш ва ижтимоий ёрдамнинг тенглаштирилган тизимидан четлашish;
- аҳолининг турли катламларига дифференциаллашган ёндашув ва ижтимоий ёрдамнинг манзиллилигини таъминлаш.

Истеъмол молларининг асосий турлари ва хизматларнинг эркин (шартнома) нархларига ўтиш даврининг тугалланиши муносабати билан ҳамда аҳолининг ўсиб бораётган харажатларини қоплаш мақсадида 1994 йил 1 октябрдан ҳар ойлик компенсация тўловлари жорий этилиб<sup>248</sup>, шу компенсациялар ишлаб турган барча аҳолига, пенсионерларга, олий ўқув юр்தларининг талабаларига, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юр்தларининг ўқувчиларига, аспирантларга, докторантларга, боласи икки ёшга етгунча уни парваришлаш билан банд оналарга, иш билан таъминлашга қўмаклашиш муассасаларида рўйхатдан ўтиб, вақтинча иш билан банд бўлмаган аҳолига, яъни республикадаги деярли ҳар бир катта ёшдаги одамга тўланган. Компенсация тўловлари билан боғлиқ харажатлар республика бюджети, Ижтимоий сугурта жамғармаси, Иш билан таъминлашга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ва корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилган.

Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга молиявий мадад бериш учун компенсациялар тегишли микдорининг 50 фоизи республика бюджети ҳисобидан қопланарди. Шу мақсадда даромад солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар чоғида ана шу микдор истисно қилинган.

Истеъмол товарлари ва хизматларнинг бозор нархларини шакллантириш шароитларида аҳоли турмуш даражасини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1994 йилнинг 1 ноябидан аҳолига берилаетган амалдаги ҳар ойлик компенсация тўловлари 1,5 баравар кўпайтирилди.<sup>249</sup>

<sup>248</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг аҳолига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисида” 1994 йил 31 августдаги ПФ-940-сон Фармони.

<sup>249</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолига бериладиган компенсация тўловларини кўпайтириш тўғрисида” 1994 йил 31 октябрдаги ПФ-977-сон Фармони.

Ўзбекистон аҳолисига тўланадиган ҳар ойлик компенсация тўловлари 1995 йилнинг 1 мартдан бошлаб бекор қилинди.<sup>250</sup> Шу вақтдан бошлаб Ўзбекистон ҳудудида иш ҳақи ва меҳнат пенсиясининг минимал ҳажмлари киритилди. Иш ҳақиға устама ва кўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек болали оилаларға нафақалар ҳамда энг оз иш ҳақиға нисбатан белгиланган бошқа тўловлар энг оз иш ҳақи микдорига фоиғ хисобида хисоблана бошлади.

1995 йил сентябрдан бошлаб бюджет хисобидан пул билан таъминланувчи муассасалар ва ташкилотларнинг ходимларини рағбатлантириш мақсадида уларға меҳнат ҳақи фондининг 15 фоиғи микдорида ходимларни моддий рағбатлантириш махсус фондини ташкил қилишға рухсат берилди.<sup>251</sup> Ана шу фондини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатлар 1995 йилда меҳнат ҳақи фондини тежаш хисобидан, 1996 йилдан бошлаб эса республика бюджети хисобидан қопланди. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари раҳбарларига мазкур фонд маблағлари хисобидан ходимларнинг иш ҳақиға шахсий устама ҳақларни белгилаш ҳуқуқи берилди.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон Давлат бюджетидан кам даромадли фуқароларнинг турмуш даражасини ошириш бўйича қуйидаги йўналишларда харажатлар амалға оширилмоқда:

- бола 2 ёшға тўлгунға қадар уни парваришлаш учун ҳар ойлик нафақа;
- кам даромадли оилаларға ҳар ойлик моддий ёрдам;
- вояға етмаган болалари бўлган оилаларға ҳар ойлик нафақалар;
- табиий офатлардан жабр кўрган оилаларға моддий ёрдам;
- ўзгалар парваришиға муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни асосий озик-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминлаш.

**1. Бола 2 ёшға тўлгунға қадар уни парваришлаш учун ҳар ойлик нафақа.** Болали оилаларни ижтимоий ҳимоялашнинг ушбу усули Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимояға муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида”ги Фармони<sup>252</sup>, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимояға муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларға мўлжалланган дастурини амалға ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори<sup>253</sup>, Ўзбекистон Республикаси

<sup>250</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар микдорларини ошириш тўғрисида” 1995 йил 7 февралдаги ПФ-1080-сон Фармони.

<sup>251</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ҳамда республиканинги бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи микдорларини ошириш тўғрисида” 1995 йил 16 августдаги ПФ-1213-сон Фармони.

<sup>252</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 25 январдаги ПФ-3017-сон Фармони.

<sup>253</sup> 2002 йил 25 январдаги 33-сон Қарор.

Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги Қарори<sup>254</sup> ҳамда бошқа меъёрний ҳужжатларни бажариш учун ишлаб чиқилган “Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги” Низом<sup>255</sup> ва “Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” Низом<sup>256</sup> билан тартибга солинади.

Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash учун нафақа тизими 1994 йилдан ҳозирги кунга қадар маълум бир ўзгаришларга дуч келди:

- 1994 йилдан 2002 йилгача нафақалар ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 150 фоизни ташкил қилган, бунда парвариш қилинадиган болалар сони ва мазкур нафакани оладиган шахснинг меҳнат стажига аҳамиятга эга бўлмаган. Нафақалар барча оналар ёки улар ўрнини босадиган шахсларга тўланган;
- 2002 йил 1 февралдан нафақалар ҳажми Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 170 фоизни ташкил қилди;
- 2003 йилдан бошлаб нафақалар ҳажми Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 фоизни ташкил қилди. 2008 йилга қадар нафақа она (она ўрнини босувчи шахс) болани парвариш қилиш таътилидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслигидан қатъий назар тайинланади эди. Болани парвариш қилиш нафакасини тайинлаш учун корхона, муассаса, ташкилот маъмурияти томонидан қабул қилинган қарор асос ҳисобланади.

Ишламайдиган оналарга нафақа тайинлаш механизмига қуйидаги ўзгаришлар киритилди – амалдаги қонунчиликка биноан ишламайдиган оналарга нафақаларни тайинлайдиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари бу турдаги нафакани тайинлашни, агар ишламайдиган она моддий жиҳатдан таъминланган оиладан бўлса, рад этиши ҳам мумкин.

Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришlash учун ҳар ойлик нафақа туғилган, фарзандликка ёки васийликка олинган бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлайётган шахсларга (яъни онага ёки "она ўрнини босувчи шахслар"га, отага, фарзандликка олган шахсга, васийга ёки бошқа қариндошларга) тайинланади ва тўланади.

<sup>254</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон Қарори.

<sup>255</sup> Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1112-сон билан рўйхатга олинган.

<sup>256</sup> Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан рўйхатга олинган, 2008 йил 28 февралда 1113-1-сон билан ўзгаришлар киритилган.

Корхоналарда, бюджет ташкилотларида ва ишламайдиган шахсларга нафакаларни тайинлаш ва тўлаш манбалари турличадир. Масалан, оналарга (она ўрнини босувчи шахсларга) бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш-лаш учун ҳар ойлик нафақани тўлаш: бюджет соҳасида ишлайдиган ва ишла-майдиганлар учун – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширилади; корхона ва ташкилотларда ишлайдиганларга эса – шу кор-хона ва ташкилотнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Оналарга (она ўрнини босувчи шахсларга) бола парваришлаш учун нафақа тайинлаш учун мурожаат қилинган ойдан, бироқ ҳомилдорлик ва туғиш таътили тугаган кунидан олдин бўлмаган муддатдан тайинланади.

Агар икки ва ундан кўп туғилган, фарзандликка ёки васийликка олинган болалар парваришланаётган бўлса, унда болани парвариш қилиш бўйича нафақа битта миқдорда энг кичик бола икки ёшга тўлгунга қадар тўланади.

Агарда болани икки ёшга тўлгунга қадар парвариш қилиш таътили даврида она иккинчи бола учун ҳомилдорлик ва туғиш таътилига ҳуқуқи бўлса, бунда онанинг хоҳишига кўра шу давр учун икки нафақадан биттаси тўланади.

Болани парвариш қилиш бўйича **нафақа тўлови** жорий ой учун, парва-ришланаётган болалар сонидан ва нафақа олувчи шахснинг меҳнат стажидан қатъий назар, ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам иш ҳақининг 200 фоизи миқдоридан тўланади.

#### **Нафақаларни тўлаш манбалари:**

1. Бола парваришлаш учун нафақа тўлови **корхоналарда (ташкилотлар-да) ишлаётган оналар** (она ўрнини босувчи шахслар) учун ушбу корхоналар-нинг (ташкилотларнинг) ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Корхона-лар (ташкилотлар) томонидан болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлаш учун сарфланган маблағлар шу давр харажатларига киритилади ва даромад солиғини ҳисоблашда солиқ солинадиган база ушбу суммага камайтирилади.

2. Меҳнат шартномаси (контракт) асосида **мавсумий ишларда банд** бўлиб, болани парвариш қилиш бўйича нафақа олувчи шахсларга мавсумий ишларни ба-жариш даврида болани парвариш қилиш бўйича нафақа мавсумий ишларни бажа-риш жойидан, мавсумий ишлар тугагандан сўнг (мавсумлараро даврда) эса – яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан муҳтожлигидан келиб чиққан ҳолда умумий асосларда тўланади. Кейинги мав-сумда ишлаш учун меҳнат шартномаси тузилган тақдирда, болани парвариш қилиш бўйича нафақа тўлови ишга чиқиш белгиланган ойдан бошлаб тикланади.

3. Ишлаётган (ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиётган, хизмат-ни ўтаётган) оналарга (она ўрнини босувчи шахсларга) болани парвариш қилиш бўйича нафақа иш (ўқиш, хизмат) жойидан тайинланади. Нафақа тайин-

лаш учун асос бўлиб корхона, муассаса, ташкилот маъмуриятининг қарори ҳисобланади.

Ишлаётган оналар (она ўрнини босувчи шахслар) бир вақтнинг ўзида бола парваришlash учун нафақа билан бирга **тўлик бўлмаган иш вақти режимида** ёки иш берувчи билан келишиб уйда ишлаган давридаги иш ҳақини олиш ҳуқуқига эгадирлар.

4. Қуйидаги оналарга ёки улар ўрнини босадиган шахсларга болани парвариш қилиш нафақасини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари муҳтожлигидан келиб чиққан ҳолда тайинлайди: а) **ишламайдиган**; б) ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олий, ўрта махсус ва ўрта ҳунар ўқув юртларида пулли-контракт асосида ўқийдиган; в) **юримдик шахсни ташкил этмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи оналарга** (она ўрнини босадиган шахсларга), шунингдек фаолиятни юримдик шахсни ташкил этмасдан амалга оширадиган деҳқон хўжаликлари аъзоларига.

Болани парвариш қилиш нафақасини тўлаш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилиб, улар Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи "250" бўлими, "5" параграфи, "03" харажатлар тури, "4" объекти, "25" кичик объекти бўйича акс эттирилади.

Болани парвариш қилиш нафақаси кўрғон, кишлоқ, овул, маҳалла фуқаролари йиғини ёки махсус ваколатли комиссия томонидан, она ёки амалда болани парвариш қилаётган бошқа шахс кўрғон, кишлоқ, овул, маҳалла фуқаролар йиғини раиси номига берадиган аризасига асосан тайинланади. Ариза ҳудудида мазкур шахс рўйхатдан ўтказилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига берилади.

Ишламайдиган оналарга болани парвариш қилиш нафақасини тайинлаш чоғида оиланинг муҳтожлигини белгилайдиган мезон бўлиб унинг ҳар бир аъзосига энг кам иш ҳақининг 1,5 бараваридан кам миқдорда тўғри келадиган оиланинг жами даромади ҳисобланади.

Оилаларнинг муҳтожлигини белгилаш чоғида қўлланадиган энг кам иш ҳақининг ўртача ойлик миқдори нафақа сўраб мурожаат қилинган ойдан олдинги 12 ой учун ҳисоб-китоб қилинади.

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган оиланинг жами даромадини белгилаш учун болани парвариш қилиш нафақасини олишга ариза билан мурожаат қилиш ойигача кейинги ўн икки ой давомида олинган даромадларнинг барча турлари қўшилади. Қуйидагилар даромадлар таркибида ҳисобга олинади: солиқ соллинмадиган даромадлар, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий тусдаги бошқа тўловлар (бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилиш учун

нафақалардан ташқари), шунингдек шахсий ёрдамчи хўжалиқдан олинадиган даромадлар.

Нафақа оила даромадларини ҳисобга олмаган ҳолда сўзсиз тартибда куйидагиларга тайинланади:

а) тўлиқ бўлмаган оилада болани (болаларни) тарбиялаётган ота ва оналарга. Бунда боланинг тўлиқ бўлмаган оилада она (ота) томонидан тарбияланиш фактини, муайян ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи белгилайди;

б) ногирон болани тарбиялаётган оналарга (ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларга). Бунда болаларнинг қайси бири ногирон эканлигининг аҳамияти йўқ.

Нафақаларни тўлаш куйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- парвариш қилинаётган бола икки ёшга тўлганда;
- боланинг ихтисослаштирилган муассасага тўлиқ давлат таъминотига берилишида;
  - бола вафот этганда;
  - оила бола билан доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиб кетганда;
  - ишга тушилганда;
  - бошқа жойга кўчганда;
  - тайинланган муддатнинг биринчи ўн икки ойи охиридаги ҳолат бўйича оила ҳар бир аъзосининг даромадлари белгиланган мезондан ошиб кетса.

Шундай қилиб, нафақаларни молиялаштириш манбалари бўлиб: ишлайдиган оналарга – корхона, муассаса ва ташкилотлар маблағлари; ишламайдиган оналарга эса – маҳаллий бюджетлар маблағлари хизмат қилади.

**2. Кам даромадли оилаларга ҳар ойлик моддий ёрдам.** Объектив сабабларга кўра оиланинг биринчи навбатдаги эҳтиёжларини таъминлай олмайдиган кам даромадли оилалар ва ёлғиз фуқаролар (балогатга етмаган болалари бўлган кўп болали оилалар; боқувчиси ногирон ёки меҳнат қобилиятини қисман йўқотган сурункали касал оилалар; ишсизларнинг оилалари; ёлғиз пенсионерлар ва бошқа ўта муҳтож оилалар) ҳар ойлик моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Моддий ёрдам фуқароларнинг доимий яшаш жойидаги ўзини ўзи бошқариш органларига ёки кўрғон, кишлоқ, овул маҳалласига ёзма равишда ариза билан ёрдам сўраб мурожаат қилган оилаларга, айрим ҳолларда эса Фуқаролар йиғини раиси (оксоқоли)нинг тавсиясига биноан тайинланади.




Ҳар ойлик моддий ёрдам оилага олти ой муддатга тайинланади ва тўланади. Ушбу муддат тугагач, агар оилада моддий ахвол яхшиланмаган бўлса, ёрдам белгиланган тартибда янги муддатга тайинланиши мумкин.<sup>257</sup>

Моддий ёрдам тайинланадиган ва тўланадиган оилалар сони, шунингдек, ҳар бир муайян оила учун ҳар ойлик тўловлар миқдори фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан мустақил равишда аниқланади. Ҳар ойлик моддий ёрдамнинг миқдори энг кам иш ҳақининг ўша вақтда амалда бўлган 1,5 дан 3 (уч) бараваригача миқдорида белгиланиши керак.

Оилаларга ҳар ойлик моддий ёрдам тўлашни маблағ билан таъминлаш манбалари (34-схема):

- республика бюджети маблағлари;
- маҳаллий (вилоят, шаҳар ва туманлар) бюджет маблағлари;
- бюджетдан ташқари турли манбалар (жамоат ва хайрия жамғармалари, корхона ва хўжаликларнинг маблағлари, фуқароларнинг ихтиёрий хайр-эхсонлари ва бошқалар).

34-схема.



<sup>257</sup> "Қам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом". Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сон Қарорига илова, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 30 апрелдаги 87-сон Қарори билан ўзгартиришлар киритилган.

### 3. Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга ҳар ойлик нафақалар.

Нафақа ушбу нафақани олишга мухтож бўлган, туғилган, болаликка ва ҳомийликка (васийликка) олинган болалари бўлган оилаларга тайинланади ва тўланади.

1994 йилдан ҳозирги даврга қадар 16 (18) ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тизимини 3 босқичга ажратиш мумкин:

- биринчи босқич – 1994-1997 йиллар;
- иккинчи босқич – 1997-2002 йиллар;
- учинчи босқич – 2002 йил январдан ҳозирги кунга қадар.

**Биринчи босқич.** Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Маҳкамасининг 1994 йил 20 июндаги 308-сон Қарорига 2-илова “16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” Низомга биноан ҳар ойда бериладиган нафақа ўзлари билан доимий яшовчи фарзандлари, фарзандликка ва васийликка (ҳомийликка) олинган 16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга, шунингдек боқувчисини йўқотганлиги муносабати билан болаларига пенсия, туғма ногирон болаларига пенсия ва ижтимоий пенсияларнинг бошқа турлари, алиментларни олишдан катъий назар, болали оилаларга тайинланади ва тўланади. Оилага бериладиган ҳар ойлик нафақанинг миқдори оиладаги болаларнинг сонига қараб ҳисобланади ва иш ҳақининг энг кам миқдорига нисбатан қуйидаги фоиз нисбатларида белгиланади:

- бир болали оилага – 10 фоиз миқдорига;
- икки болали оилага – 20 фоиз миқдорига;
- уч-тўрт болали оилага – 40 фоиз миқдорига;
- беш ва ундан ортиқ болали оилага – 50 фоиз миқдорига.

Нафақа ариза берилган жойдан тўланади, агар ота-она ишламаса (ўқимаса), нафақани ижтимоий таъминот органлари тўлайди ва уни алоқа органлари нафақа оловчига етказиб беради. Нафақа жорий ой учун давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тўланади.

Бу тизимнинг характерли белгиси – универсаллик, яъни 16 ёшгача болалари бўлган барча оилаларга нафақалар тахминан барча оилаларга, оиланинг даромадларидан катъий назар, тайинланади. Болалар нафақаларининг ҳажми доим энг кам ойлик иш ҳақи ҳажмида белгиланади.

**Иккинчи босқич.** Ўзбекистон Республикаси Вази­рлар Маҳкамасининг “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучай­тириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон Қарори билан олдин мавжуд 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақалар тизими бекор қилинди. 1997 йилдан бошлаб 16 ёшгача болалари бўлган оилаларга ва ночор оилаларга нафақалар адресли хусусиятга эга бўлиб, маҳалла қўмиталари орқали тақсимлана бошлади.

**Учинчи босқич.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида” 2002 йил 25 январдаги ПФ-3017-сон Фармониغا биноан болалари бўлган oilаларнинг нафақани олувчилар тоифалари кенгайди, чунки улар қаторига умумтаълим мактаб-ларида, академик лицейларда ёки касб-хунар коллежларда таълим олаётган 18 ёшгача фарздалари бўлган oilалар ҳам қўшилди.

Нафақа тайинлаш тўғрисидаги ариза болаларнинг ота-онасидан бири томонидан oilанинг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тегишли органига ушбу органнинг раиси номига берилади. Масалан, меҳнат фаолиятдан бўйин товлаб юрган ва жамиятга хилоф равишда турмуш кечираётган ота-оналарнинг болаларига ота-оналарининг ёзма аризаларисиз фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси (оқсоқоли)нинг такдимномасига биноан фуқаролар йиғини томонидан нафақа тайинланиб натура шаклида берилиши мумкин.

Нафақа ота-оналардан бирининг шахсий аризаси асосида 6 ой муддатга тайинланади ва тўланади, ушбу муддат тугагач, аризачи янги муддатга нафақа тўлашни давом эттириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Oilага нафақа қуйидаги миқдорларда белгиланади:<sup>258</sup>

- бир болали oilалар учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 50%;
- икки болали oilалар учун – 100%;
- уч болали oilалар учун – 140%;
- тўрт ва ундан кўп болали oilалар учун – 175%.

Қуйидагилар нафақалар олишда имтиёзли ҳуқуққа эгадирлар:

- ногирон чақалоқли (болали) oilалар;
- ота-онанинг иккаласи ҳам бўлмаган, болалар тарбияси билан эса қариндошлари шуғулланадиган oilалар;
- болаларнинг ота-онасидан бири ёки иккаласи ҳам ногирон бўлган oilалар;
- ота-онадан бири ёки иккаласи ҳам ишсиз бўлган, Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказларида иш кидирувчи сифатида ҳисобда турган oilалар.

<sup>258</sup> “Вояга етмаган болалари бўлган oilаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида Низом”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон Қарори билан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 25 январдаги 33-сон Қарори билан тасдиқланган таҳрирда.

Ушбу нафақаларнинг тўланиши оиллага бошқа нафақалар тайинлашни, шу жумладан кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатишни рад этиш учун асос бўлиб ҳисобланмайди.

Куйидагилар нафақаларни тўлашни **маблағ билан таъминлаш манбалари** ҳисобланади:

- республика бюджети маблағлари;
- маҳаллий бюджетлар маблағлари;
- бюджетдан ташқари манбалар.

Нафақалар тўлаш учун мўлжалланган маблағлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг Халқ банкининг маҳаллий бўлимларидаги "Бола-лар нафақалари" махсус счётларига ўтказилади. Ушбу счётлардаги пул маблағларидан фақат нафақалар тўлаш мақсадида фойдаланиш мумкин, маблағларни бошқа мақсадларга сарфлашга йўл қўйилмайди.

**4. Ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни асосий озик-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминлаш.** Ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни асосий озик-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминлаш тўғрисидаги Низом<sup>259</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида"ги Фармони<sup>260</sup>га<sup>260</sup> биноан ишлаб чиқилган ва ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни асосий озик-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш тартибини белгилайди.

Тегишли тоифадаги пенсионерларни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларга биноан амалга оширилади.

Асосий озик-овқатлар билан таъминланувчи шахсларнинг персонал рўйхати фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари билан ҳамкорликда белгиланади ва туман (шаҳар) ҳокимияти томонидан тасдиқланади.

Юқорида қайд этилган рўйхатга қўшилишга асос бўлиб куйидаги ҳужжатлар ҳисобланади:

- ёлғиз пенсионернинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси номига аризаси;

<sup>259</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 12-02-29/151-сон ва Ижтимоий ҳимоя вазирлигининг 219-сон буйруғи билан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 1999 йил 15 февралда 636-сон билан рўйхатга олинган.

<sup>260</sup> 1999 йил 13 январда қабул қилинган ПФ-2177-сон Фармон.

- ўзгаларнинг парваришига мухтож эканлиги тўғрисида ВТЭК (тиббиёт меҳнат эксперт комиссияси, ТМЭК) ёки ВКК (тиббиёт малака комиссияси, ТМК)нинг маълумотномаси;

- турар жойдан маълумотнома;

- ёлғиз пенсионернинг ижтимоий-манший шарт-шароитларини ўрганиб чиқиш акти (ушбу акт фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ижтимоий таъминот органлари ҳамкорлигида тузилади).

Юқорида қайд этилган ҳужжатларни тўплаш ва тақдим этиш билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва туман (шаҳар) молия бўлимларининг уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш сектори ходимлари шугулланади.

Пенсия гувоҳномаси, ёлғиз пенсионер макомини тасдиқлайдиган пенсия гувоҳномасига илова, шунингдек турар жой бўйича туман (шаҳар) молия бўлими томонидан тасдиқланган савдо ташкилотининг рўйхати бўйича хизмат кўрсатиладиган ёлғиз пенсионерлар рўйхатдан ўтказилади ва тегишли махсус журналда белги қўйилади.

Савдо ташкилоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 28 майдаги 145-сон ва 1992 йил 21 январдаги 22-сон Қарорлари билан тасдиқланган Рўйхатга биноан озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашга мажбур. Рўйхатга қуйидаги озиқ-овқат ва биринчи заруратдаги маҳсулотлар киради: ун, ўсимлик ёғи, макарон маҳсулотлари, гуруч, чой, тухум, шакар, гўшт ва ювиш воситалари.

Ўзгаларнинг парваришига мухтож бўлган ёлғиз пенсионерларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиш уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш сектори ходимлари томонидан амалга оширилади.

Ой тугагандан сўнг савдо ташкилотлари 5 кун муддат ичида қайд этилган тонфадаги фуқароларга тарқатилган товарларнинг сони ва қиймати реестрини тегишли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига харажатларни коплаш учун тақдим этадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари белгиланган муддатларда тақдим этилган реестрларни кўриб чиқади ва қилинган харажатлар тўғри эканлигини тасдиқлайди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан текширилган ва тасдиқланган реестрлар туман (шаҳар) молия бўлимларига маблағларни ўтказиб бериш мақсадида тақдим этилади.

Туман (шаҳар) молия бўлимлари белгиланган муддатларда тасдиқланган реестрларни кўриб чиқади ва белгиланган суммани Халқ банки

бўлинмаларида очилган махсус “Ёлғиз пенсионерларни асосий озик-овкат махсулотлари билан таъминлаш” ҳисобига ўтказадилар.<sup>261</sup>

Маблағларни тегишли савдо ташкилотлари ҳисоб рақамларига ўтказиш учун фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Халқ банки бўлинмаларига тегишли тартибда расмийлаштирилган тўлов топшириқнома-ларини, шунингдек харажатлар тўғри амалга оширилганлигини тасдиқловчи, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва туман молия бўлимлари (шаҳар молия бошқармалари) томонидан тасдиқланган реестрларни топширади.

Ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни асосий озик-овкат махсулотлари билан таъминлаш харажатлари маҳаллий бюджет маблаглари ҳисобига амалга оширилиб, улар Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи “03” харажатлар тури, “4” объекти, “90” кичик объекти бўйича акс эттирилади.

Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш, уларнинг турмуш даражасини ошириш, ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ва янги ижтимоий технологияларни жорий этиш асосида уларнинг ижтимоий таъминотга бўлган эҳтиёжларини яна ҳам тўлиқроқ кондириш мақсадида 2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.<sup>262</sup> Унда қуйидагилар назарда тутилади:

- ёлғиз ногиронлар ва кекса фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш;
- ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни даволаш-профилактика хизмати билан камраб олишни кенгайтириш, геронтология ва гернатрия соҳасида кўрсатилаётган ёрдам сифатини, шунингдек уй-жой-маиший шароитларини яхшилаш;
- “Саховат” ва “Мурувват” уйлари, санаторийларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;
- ижтимоий хизмат кўрсатишнинг янги шакллари, усул ва технологияларини татбиқ этиш.

<sup>261</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 13 январдаги Фармони, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25 апрелдаги 216-1-сон Қонуни, 1999 йил 15 апрелдаги 772-1-сон Қонунинг 31-моддаси билан тасдиқланган таҳрирда.

<sup>262</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” 2006 йил 7 сентябрдаги ПҚ-459-сон Қарори.

Хар йили Инвестиция дастури ва бюджетда ёлғиз фуқароларга ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришга, ижтимоий таъминот тизимидаги объектларни капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларини амалга оширишга, кексалар ва ногиронларнинг уй-интернатларини жиҳозлашга, шунингдек Дастурга киритилган бошқа тадбирларни амалга оширишга мўлжалланган зарур капитал кўйилмалар лимити ва маблағлар, шунингдек мазкур мақсадларга хомийлар маблағларини кенг жалб этиш назарда тутилади.

### 5.5. Давлат бюджетининг иқтисодиётга харажатлари

Ҳозирги босқичда амалдаги конун ҳужжатларига ва хар йили тасдиқланадиган Ўзбекистон Давлат бюджети параметрларига мувофиқ бюджетдан куйидаги тадбирлар молиялаштирилади:

- сув хўжалиги (биринчи навбатда кишлок хўжалигини сув билан узлуксиз таъминлаш мақсадида);
- ветеринария хизмати, ўсимликларни химоя қилиш;
- шаҳар, туман ва бошқа аҳоли яшаш пунктларини ободонлаштириш;
- геодезия ва картографияга оид фаолият;
- табиатни муҳофаза қилиш;
- иқтисодиёт соҳасидаги бошқа тадбирлар.

Ўзбекистон Республикасининг сув хўжалиги мураккаб комплекс тизими бўлиб, у 4280 минг га суғориладиган ерларни, шунингдек миллий иқтисодиёт тармоқларини, шаҳарлар ва кишлок аҳоли яшаш пунктларини сув билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

Каналлар узунлиги	28703 км
Коллектор-дренаж тизимининг узунлиги	98934 км
шу жумладан:	
хўжаликлараро тармоқ	31093 км
Ёпик горизонтал дренаж узунлиги	39196 км
шу жумладан:	
хўжаликлар балансида	8954 км
Гидротехника иншоотлари сони	21030
Гидропостлар сони	20721
Сув омборлари сони	53
Инспекторлик эксплуатацион йўлларнинг узунлиги	7131 км
Алоқа воситаларининг узунлиги	23480 км

Кудук (скважина)лар сони	14395
Чегараловчи дамбаларнинг узунлиги	1480 км
Суғориладиган ерлар майдони	4280 минг га

Суғориладиган тизимлар илмий-техника тараққиёти таъсирида тинимсиз мураккаблашиб бораётир. Ўзбекистонда уларни Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири бошқаради.<sup>263</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Сув хўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 21 июлдаги 320-сон Қарори билан республика ирригация тизимини бошқаришнинг янги таркибий тузилмаси яратилди.

Ирригация-мелиорация тизимининг техник эксплуатацияси – суғориладиган ерларда максимал халқ хўжалик самарасига эришишга йўналтирилган ташкилий-хўжалик ва инженер-техник тадбирларнинг мураккаб комплекси.

Республика сув хўжалиги тизимининг эксплуатацияси хусусиятларга эга бўлиб, улар табиий-иклим шароитлари билан боғлиқ, масалан баҳор-ёз мавсумида иншоотларнинг ва суғориш тизимининг нормал фаолияти бузилади. Сув тақчиллиги вақтида сув ҳажмларини тежаб, режалаштириб ишлатиш муаммоси пайдо бўлса, сув сатҳининг ошиши шароитида каналлар ва иншоотларни чўқиндилар ва авариялардан сақлаш талаб этилади. Хўжаликларга жала ва селлар катта зарар келтиради. Сув хўжалиги тизимидан фойдаланишдаги муаммолар эскича суғориш тизимидаги ер каналлари, очик коллекторлар, эскирган иншоот ва ускуналардан фойдаланиш натижасидир.

Хўжаликлараро каналлар, гидротехника иншоотлари ва суғориш тизими ёрдамчи иншоотларининг, яъни давлат ташкилотлари балансидаги ва бюджет ҳисобига таъминланадиган объектларнинг ишга яроқлиги, бутунлиги ва тўғри ишлатилишига сув хўжалигидан фойдаланиш ташкилотлари жавобгардирлар.

Ички хўжалик каналлари, суғориш иншоотларининг яроқлилиги, сақланишига ва улардан тўғри фойдаланилишига сув истеъмолчилари жавобгар бўлиб, уларга мелиорациялашган ерлар ва янгидан тузилган сув истеъмолчилари ассоциацияси ҳам бириктирилади.

Эксплуатацион харажатларга куйидагилар киради: суғориш тизими ва тармоқлари бошқармасининг штатларини сақлаш, гидропост, гидроиншоот, дамбалар, насос станциялари, каналлар ва бошқа гидротехника иншоотларини сақлаш ва жорий таъмирлаш. Бундан ташқари бу харажатларга ҳимоялаш ва бошқарув ишларига сарфлар, давлат суғориш тизимини тозалашга харажатлар,

<sup>263</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 28 июндаги 290-сон Қарори.



тошқинга қарши ишлар, транспортни саклашга, алоқа воситалари ва йўлларни жорий ва капитал таъмирлашга ҳамда бошқа эксплуатацион тадбирларга харажатлар киради.

Сув хўжалигидан фойдаланиш харажатларини молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарорига биноан амалга оширилади.

Харажатлар сметаси ташкилотлар томонидан йиллик тадбирлар режалари ва сув хўжалиklarининг эксплуатацион харажатлари асосида тузилиб, унда тадбирларнинг номи ва улар бўйича ишлар ҳажми, иш бирлигининг қиймати, молиялаштириш манбаси ва чорақлар бўйича тақсимланган иш ҳақи фонди акс эттирилади. Сметалар Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этилади ва сўнг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида рўйхатдан ўтказилади.

Ўзбекистон Республикасида давлат ветеринарияси, идоровий ва хусусий ветеринариялар амал қилади ва ҳайвонларни касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларни даволаш, ишлаб чиқариш ва аҳолининг юқори сифатли чорвачилик маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини кондиритиш, одамларнинг ҳайвонга ҳам, инсонга ҳам хос касалликларга чалинишининг олдини олиш, шунингдек атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг ветеринария-санитария муаммоларини ҳал этишга доир ветеринария тадбирлари мажмуидан иборатдир.

Давлат ветеринария хизматини Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг давлат ветеринария бошқармалари, туманлар, вилоят ва туман бўйсунувидаги шаҳарларнинг давлат ветеринария бўлимлари, уларнинг қарамоғидаги ҳайвонлар касалликларига қарши кураш станциялари (туман ветеринария станциялари), диагностика марказлари, ветеринария шифохоналари, лабораториялари, экспедициялари, ҳайвонлар касалликларига қарши кураш отрядлари, бозорлардаги ветеринария-санитария экспертизаси лабораториялари ва давлат ветеринария тармоғининг бошқа ташкилот ва муассасалари амалга оширадилар.<sup>264</sup>

Давлат ветеринария хизмати:

- эпизоотик вазиятни баҳолайди ва ўзига берилган ваколатлар доирасида ҳайвонларнинг эгаларига юқумли касалликларнинг олдини олиш ва уларни

<sup>264</sup> «Ветеринария тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги 935-ХП-сон Қонуни; 1997 йил 25 апрелдаги 421-1-сон Қонун.

йўқотиш тадбирларини амалга ошириш юзасидан бажарилиши мажбурий кўрсатмалар беради;

- Ўзбекистон Республикаси ҳудудини четдан ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан кўриклаш, моллар, ҳайвонотга мансуб маҳсулотлар ва хом ашё, ем-хашак, озуқабоп қўшимчалар ва чорвачиликда қўлланиладиган бошқа воситаларни тайёрлаш, ташши, хорижга чиқариш ва хориждан келтириш устидан назоратни амалга оширади;

- касалликларнинг келиб чиқиши ва ҳайвонлар нобуд бўлишининг сабабларини таҳлил қилади, бундай ҳолларнинг олдини олиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади, ҳайвонларни даволаш ишини ташкил этади;

- ҳайвонларнинг касалликларини аниқлаш, шунингдек ем-хашак ва ичимлик сув сифатини баҳолаш мақсадида лаборатория-клиник ҳамда бошқа тадқиқотлар ўтказиши;

- ҳайвонларнинг юқумли, инвазион касалликларининг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирларини амалга оширади;

- соғлиқни сақлаш органлари ва бошқа хизматлар билан биргаликда одамлар ва ҳайвонлар учун хавфли бўлган юқумли касалликларнинг манбаига барҳам беради, шунингдек ўзаро ахборотлар айирбошлайди;

- ветеринария-санитария жиҳатдан юқори сифатли чорва маҳсулотлари ва хом ашёси ишлаб чиқарилниши устидан назоратни амалга оширади;

- барча чорвачилик объектлари, қушхоналар, гўшт-сут ва бошқа чорва маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналар, бозорлар ва хом ашё омборларининг ветеринария-санитария ҳолатини назорат қилади, бу объектларнинг қурилиши ва қайта қурилишини, шунингдек ер қазини ишларини ветеринария экспертизасидан ўтказиши;

- Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахсларидан юқумли касалликлар ёйилиб кетишининг олди олинниши ва бартараф этилишини таъминлаш тадбирлари ўтказилишини, шунингдек ҳайвонларнинг эпизоотик ҳолатини аниқлаш учун зарур бўлган ахборотни тақдим этишни талаб қилади;

- юқумли касаллик аниқланганда ёки ҳайвонларнинг ўта хавфли касаллиги мавжудлиги ҳақида шубҳа пайдо бўлганида юридик ва жисмоний шахсларга молларни сўйиш ёки йўқ қилиб ташлаш, чорвачилик маҳсулотлари ва ҳайвонотга мансуб хом ашёни зарарсизлантириш, уларни ишловдан ўтказиш ёки улардан фойдаланишга доир бажарилиши мажбурий талабларни белгилаб қўяди;

- Қонунга мувофиқ давлат ветеринария назоратини амалга оширади.

#### Давлат ветеринария хизмати:

- республика ва маҳаллий бюджет маблағлари;
- давлатнинг молларни сугурта қилиш маблағларидан ажратмалар;
- пулли хизматлар кўрсатганлик учун ветеринария корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари оладиган **маблағлар** ҳисобига таъминланади.

“Ветеринария тўғрисида”ги Қонун талабларини бузганлик учун ундирилдиган маъмурий жарима пуллари вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг эпизодик фондларига тушади.

Рўйхати Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг тақдимига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилдиган ҳайвонлар юқумли касалликларининг олдини олиш ва бартараф этиш тадбирлари бюджет ҳисобидан амалга оширилади.<sup>265</sup>

Идоравий ветеринария хизмати тегишли вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хўжаликлар ҳисобидан таъминланади.

Ўсимликларни химоя қилиш соҳасидаги давлат бошқаруви ва назорати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси махсус ваколат берган орган, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология хизмати, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси ва бошқа давлат бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Махсус ваколатли органнинг ваколатлари.<sup>266</sup> ўсимликларни химоя қилишнинг самарали, экологик жиҳатдан хавфсиз ва кам захарли воситаларини қўллаш ҳисобига қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва уларнинг ҳосилини сақлаб қолишга қаратилган ўсимликларни химоя қилиш воситаларидан фойдаланишнинг ягона сиёсатини амалга ошириш; ўсимликларни химоя қилиш воситаларини рўйхатга олиш синовлари натижалари юзасидан хулоса бериш; ўсимликларни химоя қилиш воситаларини қўллаш регламентлари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида ўсимлик зарарқунандалари, касалликларига ва бегона ўтларга қарши фойдаланиш учун рухсат этилган кимёвий ва биологик химоя воситалари, дефолиантлар ҳамда ўсимликларнинг ўсишини бошқарувчи воси-

<sup>265</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги 421-І-сон Қонуни.

<sup>266</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зарарқунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан химоя қилиш тўғрисида” 2000 йил 31 августдаги 116-ІІ-сон Қонуни.

талар рўйхатини юритади ҳамда вақти-вақти билан эълон қилиб бориш; ўсимликларни химоя қилишда қўлланилиши тақиқланган ҳамда чекланган фаол ва нофаол ингредиентлар реестрини юритиш; ўсимликларни химоя қилиш воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш, уларни қўллаш регламентларига риоя этиш, ўсимликларни химоя қилиш воситаларининг инсон соғлиғи ва атроф-муҳитга таъсирини аниқлаш билан боғлиқ давлат бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш; Ўзбекистон Республикаси корхоналарида ишлаб чиқариладиган ва импорт бўйича олиб келинаётган ўсимликларни химоя қилиш воситаларининг сифати устидан назоратни уюштириш, улардан фойдаланишга доир хулосалар бериш, агар инсон соғлиғи ва атроф-муҳитга номақбул таъсир кўрсатаётгани аниқланса, улардан фойдаланишни тўхтатиб қўйиш; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш.

**Ўсимликлар карантинининг асосий вазифалари ўсимликларнинг ташқи ва ички карантини бўйича давлат тадбирлари тизимини амалга оширишдан иборат бўлиб, бу тадбирлар қуйидагиларга қаратилади:**<sup>267</sup>

- республика ҳудудини чет мамлакатлардан кириб келиб, халқ хўжалигига катта иқтисодий зарар етказиши мумкин бўлган карантиндаги ва бошқа ҳавфли зарарқундалардан, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтлардан муҳофаза этиш;

- карантиндаги ва бошқа ҳавфли зарарқундаларни, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни вақтида аниқлаш, уларнинг ёйилишига йўл қўймаслик ва уларни йўқ қилиш, шунингдек республиканинг бу зарарқундалар, касаллик ва бегона ўтлардан холи минтакаларига улар кириб боришининг олдини олиш;

- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва бошқа ўсимлик маҳсулотларини етиштириш, тайёрлаш, ташиш, сақлаш, қайта ишлаш, реализация қилиш ва улардан фойдаланишда ўсимликлар карантинига оид қондалар ва тадбирларга риоя этилиши ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан давлат назоратини олиб бориш.

Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати, ихтисослашган фумигация отрядларини истисно этганда, республика бюджети маблағлари ҳисобидан таъминланади. Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматининг республикага олиб кирилаётган, республикадан олиб чиқилаётган ва транзит бўлиб ўтаётган карантиндаги материалларни текшириш ва кўздан кечириш, шунингдек ҳужжатлар бериш билан боғлиқ харажатлари юридик ва jisмоний шахслар ҳисобидан қопланади.

<sup>267</sup> «Ўсимликлар карантини тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августдаги 113-1-сон Қонуни.

Ихтисослашган фумигация отрядлари ўз харажатини батамом ўзи қоплаш асосида фаолият кўрсатади ва карантиндаги материалларни зарарсизлантириш ишларини бажарганлиги учун келган тушумлардан ҳосил бўладиган маҳсус маблағлар ҳисобидан таъминланади.

Ободонлаштириш бўйича харажатлар бюджетнинг иқтисодийга қилинаётган харажатларининг муҳим қисми ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасидаги энг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланиб, қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутди:

- ободонлаштириш ишлари архитектура-қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, шунингдек шаҳар ва аҳоли пунктларининг ташқи қиёфасига нисбатан қўйилган замонавий талабларга қатъий мувофиқ равишда ўтказилишини таъминлаш;

- ободонлаштириш объектларидан санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ фойдаланиш ҳамда уларни сақлаш ишларини ташкил этиш;

- ободонлаштириш соҳасида қўшимча иш ўринларини ҳамда аҳоли бандлигини ошириш, самарали ишлаш учун шарт-шароитлар яратиш;


- ободонлаштириш бошқармаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Ободонлаштириш бўйича харажатларни молиялашнинг асосий манбалари этиб қуйидагилар белгиланган:<sup>268</sup>

---

<sup>268</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 22 январдаги ПК-1045-сон Қарори.

### 35-схема. Ободонлаштириш бўйича харажатларни молиялаш манбалари



Республика шаҳар ва аҳоли пунктларининг замонавий қиёфасини янада шакллантириш, уларни ободонлаштиришни тубдан яхшилаш, ободонлаштириш бошқармаларини замонавий махсус транспорт ва механизация воситалари билан жиҳозлаш, шунингдек банд бўлмаган аҳолини ободонлаштириш ишларига жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 22 январдаги ПҚ-1045-сон Қарорига 3-иловага биноан қўшимча харажатлар ва уларни молиялаштириш манбалари белгиланди (50-жадвал). Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги Молия вазирлиги билан биргаликда ободонлаштириш ходимларини, уларни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирларини ва хизмат кўрсатиш ҳудуди ҳамда бажариладиган ишларнинг сифатига қараб иш ҳақи миқдори белгиланишини ҳисобга олган ҳолда меҳнатга ҳақ тўлашнинг тармоқ тариф сеткасига

Ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, Вазирлар Маҳкамасига киритиш юклатилган.

Низомга<sup>269</sup> биноан шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро кишлоқ автомобиль йўлларини сақлаш ва таъмирлаш тегишли шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари ёки автойўллар балансида бўлган бошқа ташкилотлар (Буюртмачи ёки Бюджет маблағларини олувчи) томонидан амалга оширилади.

Автойўлларни таъмирлаш мукаммал, ўрта ва жорий таъмирлашларга бўлинади.

Автойўлларни мукаммал таъмирлаш ишлаб чиқилган, давлат экспертизасидан ўтказилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Автойўлларни ўрта таъмирлаш техник текшириш ва техник кўриқдан ўтказиш натижаси асосида ишлаб чиқилган, давлат экспертизасидан ўтказилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан амалдаги таъмирлаш ишлари брални муддатларга ривож этган ҳолда амалга оширилади.

---

<sup>269</sup> Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро кишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш манзилли рўйхатларини шакллантириш ҳамда харажатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш (туловларни амалга ошириш) тартиби бўйича Низом. Адлия вазирлигида 2008 йил 16 майда 1808-сон билан рўйхатга олинган. Молия вазирининг 2008 йил 7 майдаги 49-сон буйруғи билан тасдиқланган.

50-жадвал. Ободонлаштириш бошқармаларининг 2009 йилда иш хақи ва махсус транспортни сотиб олишга кўшимча харажатлари <sup>270</sup> ( млн. сўм)

№	Худудлар	Кўшимча харажатлар учун зарур бўлган сумма	шу жумладан		махсус транспортни сотиб олиш	Жами	кўшимча харажатларни молиялаштириш манбалари	
			Янги ташкил этилаётган 10823 та иш ўринлари ишлаб чиқариш персоналнинг иш хақи (шу жумладан, ягона ижтимоий тўлов)	шу жумладан			Республика бюджети маблағларининг 01.01.2009 й.га эркин коллиқлари	шу жумладан маҳаллий бюджетларнинг даромадлар қисминини ошириб бажарилиши
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	2 580	1 188	1 393	2 580	1 946	634	
2.	Андижон вилояти	506	252	254	506	381	124	
3.	Бухоро вилояти	1 225	957	268	1 225	924	301	
4.	Жиззах вилояти	1 340	471	870	1 340	1 011	329	
5.	Қашқадарё вилояти	1 107	834	273	1 107	835	272	
6.	Навоий вилояти	408	175	233	408	308	100	
7.	Наманган вилояти	860	572	288	860	648	211	
8.	Самарқанд вилояти	517	216	301	517	390	127	
9.	Сурхондарё вилояти	1 604	975	629	1 604	1 210	394	
10.	Сирдарё вилояти	1 126	382	744	1 126	849	277	
11.	Тошкент вилояти	947	362	585	947	714	233	
12.	Фарғона вилояти	994	616	378	994	749	244	
13.	Хоразм вилояти	1 754	1 019	735	1 754	1 322	431	
14.	Тошкент шаҳри	11 549	7 477	4 072	11 549	8 711	2 837	
	Жами	26 516	15 496	11 020	26 516	20 000	6 516	

<sup>270</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 январдаги ПК-1045-сон Қарори, 3-илова.



Автойўлларни жорий таъмирлаш вақти-вақти билан олиб бориладиган техник кўриқдан ўтказиш (баҳорги ва кузги) натижаси асосида сметаларда жорий таъмирлаш ишлари учун кўзда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади. Автойўл қопламаси ва йўл қурилмалари ҳолатини техник кўриқдан ўтказиш натижасида аниқланган аҳамитсиз ва осон бартараф этилиши мумкин бўлган шикастланиш ҳолатлари шу автойўлни жорий таъмирлаш учун мезон ҳисобланади.

Буюртмачи томонидан ҳар йили автойўлларнинг ҳолатини техник кўриқдан ўтказиш ва баҳолаш амалга оширилади. Бунинг натижасида нуқсон далолатномалари ва мукамал, ўрта ҳамда жорий таъмирлаш манзилли рўйхатлари тузилади.

Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган автойўлларни таъмирлаш манзилли рўйхатлари буюртмачи томонидан, молия идораларида рўйхатга олинган харажатлар сметасида кўзда тутилган маблағлар доирасида, ҳар йили шакллантирилади.

Мукамал ва ўрта таъмирланадиган автойўллар бўйича лойиҳа ҳужжатлари, ресурс сметасини инобатга олган ҳолда, ўрнатилган тартибда тасдиқланади.

Жорий таъмирланадиган автойўллар бўйича бажариладиган ишлар рўйхати нуқсон далолатномалари асосида тузилади.

Мукамал ва ўрта таъмирлаш ишларини молиялаштириш (тўловларини амалга ошириш) тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сон "Капитал қурилишда хўжалик муносабатлари механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан амалга оширилади.

Автойўлларни таъмирлаш ишларини молиялаштириш (тўловларини амалга ошириш) манбалари маҳаллий бюджет маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобланади.

Автойўлларни таъмирлаш харажатларини молиялаштириш (тўловларини амалга ошириш), қатъий равишда тасдиқланган бюджет (Буюртмачи харажатлар сметасининг 4-гурухида шу мақсадлар учун кўзда тутилган) маблағлари доирасида, Давлат бюджети харажатлари иқтисодий таснифининг 100-бўлим, 110-боби қуйидаги параграфлари орқали амалга оширилади:

90-§. Шаҳар ободонлаштириш бошқармаларининг шаҳардаги йўлларини таъмирлаш харажатлари;

91-§. Шаҳар ободонлаштириш бошқармаларининг хўжаликлараро кишлук автомобиль йўлларини таъмирлаш харажатлари;

92-§. Туман ободонлаштириш бошкармаларининг туман марказларидаги йўлларини таъмирлаш харажатлари;

93-§. Туман ободонлаштириш бошкармаларининг хўжаликлараро кишлок автомобиль йўлларини таъмирлаш харажатлари.

Тасдиқланган ва келишилган автойўлларни таъмирлаш манзилли рўйхатлари, шунингдек ойма-ой таксимланган харажатлар сметалари Буюртмачилар томонидан Ҳазначиликнинг тегишли ҳудудий бўлимларига ва хизмат кўрсатувчи банкларга тақдим қилинади.

Пудрат ташкилотлари томонидан бажарилган мукамал ва ўрта таъмирлаш ишларини молиялаштириш (тўловларини амалга ошириш) Буюртмачи томонидан амалга оширилади:

бўнак тўловлар – биринчи икки ой давомида жорий йилда бажариладиган ишлар қийматининг 30 фоиз миқдорини тенг улушларга бўлган ҳолда;

жорий молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) – ажратилган бўнак тўловларини ойма-ой мутаносиб равишда чегириб қолишни ҳисобга олган ҳолда ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмининг 95 фоизидан кам бўлмаган қисми. Қолган 5 фоиз миқдордаги қисми шартномада кўрсатилган кафолат муддати тугганидан сўнг амалга оширилади.

Автойўлларни жорий таъмирлаш бўйича молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) жорий йил иш ҳажмининг 15% миқдориди бўнак бериш йўли билан кейинчалик, ажратилган бўнак тўловларини мутаносиб равишда ҳисобга олган ҳолда, ойма-ой молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) амалга оширилади.

Автойўлларни таъмирлаш бўйича бажарилган иш учун Буюртмачининг пудрат ташкилотлари билан ҳисоб-китоблари, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бир ойда бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномалари асосида, бажарилган иш миқдори (қилинган харажатлар) тўғрисидаги ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб варақ-фактуралар (маълумот-номалар) бўйича амалга оширилиши лозим.

Буюртмачилар ҳар чоракда автойўлларни таъмирлаш манзилли рўйхатларини келишган тегишли ҳудудий молия идораларига шартномавий нархларда маблағларни ўзлаштиришнинг бориши, шунингдек манзилли рўйхатга мувофиқ объектлар кесимида молиялаштириш тўғрисида ҳисобот топширади.

Давлат бюджетини иктисодиётга сарфлаш доирасида давлат аҳамиятидаги геодезия ва картографияга онд феолията молиялаштирилади.<sup>271</sup>

<sup>271</sup> «Геодезия ва картография тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги 417-1-сон Қонуни.

Геодезия ва картография махсулоти, шу жумладан давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган фаолият натижасида олинган топография, гидрография, аэрокосмик сурат, геодезия ва гравиметрия материаллари (маълумотлари) давлат мулки ҳисобланади.

Давлат геодезия назоратининг асосий вазифалари куйидагилардан иборат: геодезия ва картографияга оид фаолият билан шуғулланувчи барча субъектлар норматив-техникавий ҳужжатлар талабларига риоя этиши устидан назорат қилиш; Ўзбекистон Республикасининг давлат чегаралари ва ҳудуди картография хариталари ва бошқа ҳужжатларда тўғри акс эттирилиши устидан назорат қилиш; геодезия ва картографияга оид ишларни рўйхатга олиш; геодезия пунктларини ҳисобга олиш; давлат картография-геодезия фондининг ишлашини таъминлаш; Ўзбекистон Республикасининг ўзгартишлар киритиб бориладиган маълумотнома тариқасидаги харитасини юритиш.

**Давлат кадастри** – Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда у давлат кадастри юритиладиган табиий, ҳўжалик объекти ёки бошқа объект муайян турининг географик жойлашуви, ҳуқуқий мақоми, микдор, сифат тавсифлари ва баҳоси тўғрисидаги янгилашиб туриладиган маълумотлар ва ҳужжатлар тизимидан иборат бўлади.

Давлат кадастрларининг ягона тизими Ўзбекистон Республикаси ва унинг айрим ҳудудлари табиий-иктисодий салоҳиятининг ягона умумдавлат ҳисобкитоби юритилишини, баҳоланишини таъминлашга мўлжалланган кўп максадли ахборот тизими тарзида яратилади.<sup>272</sup>

Давлат кадастрлари ягона тизимига куйидагилар қиради:

- давлат ер кадастри;
- фойдали қазилма қонлари, белгилари ва техноген ҳосилалар давлат кадастри;
- давлат сув кадастри;
- давлат ўрмон кадастри;
- ўсимликлар дунёси объектлари давлат кадастри;
- ҳайвонот дунёси давлат кадастри;
- алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар давлат кадастри;
- бинолар ва иншоотлар давлат кадастри;
- давлат шаҳарсозлик кадастри;
- гидротехника иншоотлари давлат кадастри;
- тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат кадастри;

<sup>272</sup> «Давлат кадастрлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 171-ИИ-сон Қонуни.

- автомобиль йўллари давлат кадастри;
- темир йўллар давлат кадастри;
- транспорт кувурлари давлат кадастри;
- алоқа объектлари давлат кадастри;
- энергетика объектлари давлат кадастри;
- чикиндиларни кўмиб ташлаш ва зарарсизлантириш жойлари давлат кадастри;
- табиий хавфи юкори бўлган тегралар давлат кадастри;
- техноген хавфи юкори бўлган тегралар давлат кадастри;
- картография-геодезия давлат кадастри;
- худудлар давлат кадастри.

Ер, фойдали казилма конлари, белгилари ва техноген ҳосилалар, сувлар, ўрмонлар, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудлар, табиий ва техноген хавфи юкори бўлган тегралар, ишлаб чиқариш ва истеъмол чикиндиларини кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари, бинолар ва иншоотлар, геодезия пунктлари, автомобиль йўллари ва темир йўллар, транспорт ва муҳандислик коммуникациялари давлат кадастрларининг объектлари ҳисобланади.

Давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, махсус ваколатли орган ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг давлат кадастрларини юритиш соҳасидаги ваколатларига давлат ер кадастрини, бинолар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш ишларини маҳаллий бюджет ҳисобидан молиялаштириш кирази.

Давлат кадастрларини юритиш тегишли вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

Давлат кадастрларини юритишга қуйидагилар кирази:

- кадастр объектларига бўлган мулк ҳуқуқи ва бошқа ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш;
- кадастр объектларининг микдор ва сифат тавсифларини ҳисобга олиш;
- кадастр объектларини сифат ва қиймат жиҳатидан баҳолаш;
- кадастрга доир ахборотни тизимга солиш, сақлаш ва янгилаб бориш;
- кадастр объектларининг ҳолати ҳақида ҳисоботлар тузиш;
- Давлат кадастрлари ягона тизимга киритиш учун тегишли ахборот тақдим этиш;

- фойдаланувчиларни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда кадастрга доир ахборот билан таъминлаш.

Бюджетдан **атроф муҳитни ҳимоялаш ва сақлаш** тadbирлари, ер, сув ва ўрмон ресурслари, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавосининг табиий таркибини сақлашга йўналтирилган табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, атмосфера ҳавосига зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа хил таъсир кўрсатилишининг олдини олиш ҳамда камайитириш<sup>273</sup>, кўриқхоналар ва миллий паркларни сақлаш ҳам молиялаштирилади.

Кучли кўриқланадиган табиий ҳудудлар ва объектларга давлат кўриқхоналари, миллий, тарихий-табиий ва мемориал парклар, заказниклар (ов қилиш вақтинча тақиқланган ёки ўсимликлар алоҳида кўриқ остида бўлган кўриқхона), табиат ёдгорликлари, ботаника ва зоология боғлари, дендрарийлар, шунингдек халқаро Қизил китобга ва Ўзбекистон Республикаси Қизил китобига киритилган ҳайвонлар ва ўсимликлар қиради.

**Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш** соҳасида давлат бошқаруви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади.<sup>274</sup>

Ҳайвонот дунёсининг муҳофаза қилинишини ва ундан оқилона фойдаланилишини таъминлаш учун ҳайвонларнинг давлат томонидан ҳисобга олиниши ва улардан фойдаланиш ҳажмларининг ҳисобга олиниши амалга оширилади, ҳайвон турларининг жўғрофий тарқалиши, уларнинг миқдори тўғрисидаги маълумотлар мажмуини, улар яшайдиган муҳитнинг тавсифини, ҳайвонлардан фойдаланиш тавсифини ва бошқа зарур маълумотларни ўз ичига олган давлат кадастри юритилади.

Ҳайвонларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва улардан фойдаланиш ҳажмларини ҳисобга олиш, ҳайвонот дунёси давлат кадастрини юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ҳайвонларни давлат томонидан ҳисобга олиш ва ҳайвонот дунёси кадастрини юритиш давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

<sup>273</sup> «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 353-И-сон Қонуни.

<sup>274</sup> «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги 545-И-сон Қонуни; Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги 82-П-сон Қонуни.

**Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишни** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш давлат бошқармаси, Табиатни муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикаси Давлат қўмитаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари таъминлайди.

Ушбу тадбирларни молиялаштириш иқтисодий таснифга биноан амалга оширилади. Иш хақи ва унга тенглаштирилган харажатлар ҳисоб-китоби ягона тариф сеткасига биноан амалга оширилади. Тўртинчи гуруҳ харажатлари – “Бошқа харажатлар” алоҳида хусусиятларга эга бўлиб, улар атроф муҳитни муҳофаза қилиш тадбирлари доирасида амалга оширилади. Масалан, атмосфера ҳавосини кузатиш, тўплаш, умумлаштириш, таҳлил қилиш билан боғлиқ ахборот ва прогнозлар ёки ўрмонда жорий кўчат экишлар, санитар дарахт кесиш (шохлаш), ўрмон ёнгинларига қарши кураш тадбирлари ва бошқалар.

## **5.6. Марказлаштирилган инвестицияларга харажатлар**

Давлат бюджетидан молиялаштиришдан ташқари миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини инвестициялаш ҳам амалга оширилади.

Давлат инвестицияларининг мақсадлари:

- иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш;
- корхоналарнинг инвестицион фаолиятини фаоллаштириш;
- хорижий инвестицияларни, айниқса тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни модернизация, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуроллантириш дастурларини амалга ошириш мақсадида кенг жалб қилиш ва самарали ишлатиш;

- илғор технологияларни жорий этиш;
- янги иш ўринларини ташкил этиш;
- Ўзбекистон иқтисодиётини барқарор ва динамик ривожланишини таъминлаш.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг устуворликларига биноан лойиҳаларга амалга оширилаётган инвестициялар Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ҳўжалик субъектлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқиладиган ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган давлатнинг **Инвестиция дастурида** ўз аксини топади.

**Инвестиция дастури** мамлакат иқтисодиётининг барқарор ва динамик тараккиётига, табиат, минерал-ҳом ашё, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш орқали республиканинг алоҳида тармоқлари ва ҳудудларининг таркибий ўзгаришлари устуворликлари ва стратегик вазифаларини амалга оширишга йўналтирилган, ўзаро боғлиқ чоралар мажмуидир.

Дастур:

- республика ижтимоий-иқтисодий ривожланиши бўйича истиқболларнинг таркибий қисми бўлиб, у давлат инвестиция дастурининг устувор йўналишларини ақс эттиради;
- инвестицион лойиҳалар ва молиялаштириш манбаларини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек ҳар йили дастурнинг кўрсаткичларини аниқлаштириш билан мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш умумдават дастури ижросини таъминлаш орқали объектни лойиҳа-изланиш ишларидан бошлаб то фойдаланишга туширишгача бўлган циклни ҳисобга олиб уч йил муддатга шакллантирилади.

Инвестиция Дастурини шакллантиришнинг асосий принциплари куйидагилардир:

- инвестицион жараёнларни бошқариш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, шу жумладан, зарур ҳажмда ва қулай шартларда хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш, шунингдек, лойиҳаларни танлаш ва мониторинги механизмини шакллантириш асосида улардан самарали фойдаланиш механизmlарини яратиш;
- давлат томонидан белгиланган устуворликлар асосида муҳим тармоқлар, ишлаб чиқаришлар ва фаолият соҳаларини танлов асосида қўллаб-қувватлаш;
- ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тармоқларни (таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой коммунал хўжалиги) аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга, истеъмол талабини фаоллаштиришга олиб келадиган даражада биринчи навбатда инвестициялаш;
- ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланишига, минерал-ҳом ашё ресурслари ва кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлашга йўналтирилган, тайёр маҳсулотлар сифатининг ташки бозорда рақобатбардошлигини оширадиган инвестицион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;
- трансконтинентал транспорт коридорларига интеграциялашуви ўзида мужассамлаштирувчи транспорт инфратузилмасининг ривожланиши ва такомиллашуви;
- таркибий ислоҳотлар ва олиб борилаётган инвестиция сиёсатининг вазифаларига мос ҳолда ўзаро манфаатларни ҳисобга олиб хорижий капитални жалб

этиш, шартномаларни томонларнинг инвестицион мажбуриятлари билан бирга тузиш амалиётини жорий этиш;

- олдиндан белгиланган мезонлар асосида инвестицион лойиҳаларни Дастурнинг манзилли қисмига киритиш;
- олдин бошланган объектларни тугатишга марказлаштирилган инвестицияларнинг биринчи навбатда ажратилиши.

Лойиҳаларни танлашда асосий мезонлар уларнинг самарадорлиги, иктисодиётнинг алоҳида секторлари ва республика ҳудудлари ривожининг устуворликлари, маҳсулотнинг сотиш кўрсаткичлари, шу жумладан экспортга йўналтирилганлик, жамловчи маҳсулотларни ва компонентларни ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришда катнашиш ва бошқалардир.

Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурига киритилган инвестицион лойиҳаларни амалга оширувчиларга солиқ ва бошқа имтиёзлар берилади. Ҳар бир инвестиция лойиҳаси бўйича ёки бутун Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури бўйича имтиёзларнинг аниқ рўйхати конунчилик билан ўрнатилган тартибда белгиланади.

Дастурда лойиҳани баҳолаш қиймати, тугалланмаган қурилиш ва объектларни тугатиш ва ишга тушириш учун йиллар бўйича молиялаштириш эҳтиёжлари (молиялаштириш манбалари қайд этилган ҳолда) бўйича маълумотлар мужассамлашган бўлади.

**Инвестиция манбалари** марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган инвестицияларга бўлинади.

Марказлаштирилган инвестицияларга бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари, Реконструкция ва тараққиёт жамғармаси, хорижий инвестициялар ва Давлат кафолати остидаги кредитлар ва бошқалар киради.

Марказлаштирилмаган инвестицияларга аҳоли, корхоналар маблағлари, тижорат банклари кредитлари, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ва бошқалар киради.

Марказлаштирилган инвестициялар фақатгина қуйидагиларга ажратилади:

- республика иктисодиётининг устувор йўналишлари бўйича инвестицион лойиҳаларни, давлатнинг мақсадли дастурлари ва давлатлараро келишувларни амалга оширишга;
- янги ерларни ўзлаштириш ва суғориладиган ерларни тиклашга, сув хўжалиги қурилишига ва кичик гидроэнергетикани ривожлантиришга;



- аҳоли пунктлари ва биринчи навбатда индивидуал қурилишлар массивларида муҳандислик инфратузилмасини ривожлантиришга;
- маориф, соғлиқни сақлаш, маданият ва ижтимоий инфратузилманинг бошқа тармоқлари объектлари қурилишига;
- давлат бошқарув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, давлат илмий муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга;
- умумдавлат табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига ва табиий офатлардан ҳимоялаш иншоотлари қурилишига.

Дастурга киритиш учун инвестицион тақлифларни танлашга асосий мезонлар қуйидагилардир:

#### 1. ишлаб чиқариш объектлари бўйича:

- маҳаллий хом ашё ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлаш микёсларини кенгайтириш, уларни рақобатбардош тайёр маҳсулот даражасига етказиш;
- юксак технологияли рентабелли ва ресурсларни тежайдиган, экспорт салоҳиятини ривожлантиришга йўналтирилган ишлаб чиқаришларни яратиш;
- коммуникациялар, ирригациялар, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг замонавий тизимларини ривожлантириш;
- истеъмол бозорини биринчи заруратдаги товар ва хизматлар билан тўлдириш;

#### 2. ноишлаб чиқариш объектлари бўйича:

- аҳолининг ижтимоий инфратузилма хизматларидаги бирламги эҳтиёжларини қондириш;
- ноишлаб чиқариш инфратузилмаси хизматлари сифатини ошириш ва камровини кенгайтириш.

Дастурга киритилишда технологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ ёки тармоқлараро аҳамиятга эга бўлган; тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар; кишлоқ жойларда ва меҳнат ресурслари ортқича бўлган ҳудудларда кичик бизнес иштирокида амалга ошириладиган; республиканинг экспорт потенциалини оширишни таъминлайдиган тақлифлар имтиёзга эга бўладилар.

Инвестицион дастурга киритилган инвестицион лойиҳаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини молиялаштиришда ёрдам қилиш, солиқ ва бошқа имтиёزلарни бериш, давлат мониторингини ташкил этиш орқали амалга оширилади.

Молиялаштиришда ёрдам бюджет ажратмаларини қайтариш ва қайтармаслик асосида тақдим этиш йўли билан устувор инвестицион

лойихаларни амалга ошириш учун кўрсатилади, шу жумладан хорижий кредитлар бўйича аванс ва бошқа мажбурий тўловлар амалга оширилади. шунингдек хорижий кредитлар учун ҳукумат кафолатлари берилади. Устувор инвестицион лойихаларни амалга ошириш учун марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан зарур бўлган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича жамланма ахборот-таҳлилий департаменти томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда тайёрланган таклифлар асосида тайинланади.

Солиқ ва бошқа имтиёзларга вақтинчалик солиқлардан озод этиш, имтиёзли солиқ солиш ва жадаллаштирилган амортизация режимини белгилаш, божхона преференциялари ва бошқалар киради. Ҳар бир лойиха ёки дастур бўйича имтиёзлар рўйхати амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

**Ҳар бир лойиха** (лойихалар гуруҳи) бўйича ахборот буюртмачи томонидан тайёрланади ва ўзида куйидагиларни мужассамлаштиради:

1. Белгиланган шаклда лойиха паспорти, лойихани амалга ошириш режа-графиги, манзилли дастур шакллантирилаётган муддатда лойихани амалга ошириш ҳолати тўғрисида батафсил ахборот.

2. Лойиха паспорти куйидагиларнинг бўлишини тақозо этади:

- техник тавсиф;
- атроф муҳитга таъсирини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий эҳтиёжлардан келиб чиқиб ташкилий тадбирларнинг самаралилигини ва амалга оширилувчанлигини баҳолаш;
- маҳсулотга бўлган талабнинг ҳажми ва характери;
- муаммоларни ҳал этишнинг муқобил вариантлари, шу жумладан фаолият юритаётган корхоналарни реконструкция қилиш орқали;
- моддий ва инсон ресурслари;
- инвестицион лойиханинг катталиги тўғрисида ахборот.

Аниқ лойиханинг таълаб олиниши икки босқичда амалга оширилади:

1. Аниқ тармоқ ёки ҳудуддан келиб чиқиб лойиханинг дастлабки баҳоланиши амалга оширилади;

2. Иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари ва ҳудудлари устуворлиги асосида ажратиш амалга оширилади.

**Вазирлик ва идоралар** – халқаро молия институтлари ва хорижий банкларнинг маблағларини жалб қилиш асосида амалга ошириладиган инвестицион

лойихаларнинг буюртмачилари, Молия вазирлиги ва Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, шунингдек ваколатли банклар билан биргаликда белгиланган муддатларда (декабрнинг ўртасига қадар) қарз келишувлари қўлга кириши бўйича тадбирлар (процедуралар)ни тугаллашлари зарур.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги:

- ҳар чоракнинг якунига қўра Инвестицион дастурнинг ижроси борасида ахборот-таҳлилни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида муҳокама қилиш учун тақдим этади;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда буюртмачиларнинг қурилишлари манзилли рўйхатига конкурс савдолари ва алоҳида қурилишлар ва объектлар бўйича ўзлаштириш натижалари бўйича тасдиқланган лимитлар чегарасида тузатишлар киритади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш қўмитаси лойиҳа ва қурилиш-монтаж ишларининг сифатини назорат қилишни таъминлайди, шунингдек шартнома мажбуриятлари бажарилиши ва марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган объектлар бўйича қурилиш муддатларига инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш даври давомида рўйхат килинишини таъминлайди ва олиб борилаётган ишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ҳисобот берилади.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитаси Давлат архитектура-қурилиш қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда марказлаштирилган манбалар ҳисобига амалга ошириладиган капитал қурилишда нархларнинг шаклланиши устидан мунтазам назорат олиб боради.

**Инвестиция дастури** ўзида таҳлилий қисм билан ишлаб чиқилиши зарур бўлган истиқболли инвестицион лойиҳаларнинг жамланма рўйхатини мужасамлаштиради.

Таҳлилий қисмда капитал қўйилмалар ҳажмларининг ва уларни молиялаштириш манбаларининг республика иқтисодиёти ривожининг асосий макронқтисодий кўрсаткичлари, Дастур самарадорлигининг баҳоланиши, лойиҳаларни танлаш мезонлари билан боғлиқликдаги асосномалари киритилган бўлади. Барча ҳисоб-китоблар иқтисодий-иқтисодий ривожланиш истиқболлари асосида уч йиллик муддатга ва инвестицион лойиҳаларнинг манзилли дастурига биноан ҳисоблаб чиқилади. Манзилли қисмга марказлашган манбалар, Ҳукумат қифолати остида тақдим этиладиган хорижий кредитлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эвазига амалга оширилаётган инвестицион лойиҳалар кирди.

Тахлилий қисм ўзида манзилли дастурнинг жамланма жадвалларини му-  
жассамлаштиради, шу жумладан:

1. Ўзбекистон Республикасининг тегишли йил учун Инвестиция дастурида-  
ги асосий параметрларини (51-жадвал):

**51-жадвал. Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурида белгиланган  
капитал қўйилмаларнинг асосий жиҳатлари (параметрлари)<sup>275</sup> (улуш)**

Молиялаштириш манбаларининг номлари	2000	2005	2009
<b>Жами капитал қўйилмалар</b>	<b>100</b>	<b>100</b>	<b>100</b>
шу жумладан:			
<b>1. Марказлаштирилган инвестициялар</b>	<b>52,0</b>	<b>30,0</b>	<b>23,5</b>
Бюджет маблағлари	22,8	12,0	8,6
Бюджетдан ташқари фондлар	-	4,7	5,5
Тикланиш ва тараққиёт фонди	-	-	2,9
Давлат кафолати остида кириб келаётган инвестициялар ва кредитлар ("сўм"да эквивалент)	21,2	13,3	6,5
Бошқа манбалар	8,0	-	-
<b>2. Марказлашмаган инвестициялар</b>	<b>48,0</b>	<b>69,9</b>	<b>76,5</b>
Аҳоли маблағлари	-	11,0	7,9
Корхона маблағлари	24,6	37,2	44,4
Тижорат банклари кредитлари	3,3	2,1	5,4
Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ("сўм"да эквивалент)	5,8	19,6	18,8
Бошқа манбалар	14,2	-	-

2. Тегишли йил учун давлат бюджети маблағлари ҳисобига марказлашти-  
рилган капитал қўйилмаларнинг лимитларини 2009 йилга марказлаштирилган  
капитал қўйилмаларнинг лимитлари 902 710,0 млн. сўм ҳажмида тасдиқланган;

3. Бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобига марказлаштирил-  
ган капитал маблағларнинг лимитларини;

<sup>275</sup> 2000, 2005 ва 2009 йилларга Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури тўғрисида  
Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 31 декабрдаги 550-сон Қароригал-илова; Вазирлар  
Маҳкамасининг 2004 йил 30 ноябрдаги 560-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2008 йил 9 октябрдаги ПҚ-969-сон Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси реконструкциялаш ва ривожланиш жамғармасининг кредитлари жалб қилиниши ёрдамида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг манзилли дастурини;

5. Тегишли йил учун Ўзбекистон Республикаси Хукумати кафолатлари остида жалб қилинаётган хорижий кредитлар эвазига амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг манзилли дастурини 2009 йилда Ўзбекистон Республикаси Хукумати кафолатлари остида жалб қилинаётган хорижий инвестициялар суммаси 1655,05 млн. долларни ташкил этди;

6. Корхоналарнинг ўз маблаглари ҳисобига тегишли йилда модернизация, техник ва технологик қайта жиҳозлаш лойиҳалари бўйича қурилишларнинг манзилли рўйхатини;

7. Тегишли йил учун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилиш асосида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини (52-жадвал); 2009 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитларнинг умумий суммаси 9703,66 млн. долларни ташкил этди.

#### **5.7. Давлат бюджетининг бошқарувга ва бошқа харажатлари**

Давлатнинг бошқарув фаолияти ўз мақсадлари ва функцияларини мураккаб тузилишга эга бўлган ва турли йўналишларда фаолият юритувчи ўз (давлат) аппарати орқали таъминлашида намоён бўлади. Унинг бир қисми қонунларни ишлаб чиқиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш билан шуғулланади, яъни функционал кўринишдаги давлат бошқаруви билан боғлиқ, бошқа қисми давлатнинг ички (хукуқ-тартибот) ва халқаро барқарорлиги ва хавфсизлигини, унинг жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро муносабатларини таъминлайди.

52-жадвал. 2009 йилда хоржий инвестициялар ва кредитларни жалб этиш орқали амалга оширилган инвестицион лойиҳаларнинг манзилли дастури<sup>276</sup> (улус)

№	Буюртмачилар ва лойиҳалар номи	Хоржий шерик /кредитор	Хоржий инвестицияларнинг умумий ҳажми	шу жумладан:		бошка йўналишлар
				янги қурилмиш	ва реконструкция	
	Жами		100	78,0	10,7	11,3
	шулардан:		100	100	100	100
I	Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва истеъмол товарлари комплекси, жами	"ДЭУ Интервейшл" компанияси (Жанубий Корея) "Спентекс" компанияси (Хиндистон) "Минаташ Текстиль" компанияси (Туркия) "SIS SAYIL IRLIK" компанияси (Туркия) "Байтекс тижарет" компанияси (Туркия) "HAIN TEX Co. Ltd" компанияси (Жанубий Корея) "Beglane Investment Company Establish-ment" компанияси (Лихтенштейн)	4,4		41,5	
II	Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар комплекси, жами	Хитой Ривожланиш Банкининг Кредит линияси ИТБ Германия Банклари	2,3		13,0	8,0
III	Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилмиш ва қурилмиш индустрияси комплекси, жами ("Ўзқурилмишматериаллари" АК)	"Кнауф" компанияси (Германия) "Каспийские ресурсы" ОУЎ (Қозоғистон)	0,9	0,4		
IV	Машинасозлик, электротехника ва авиация саноатини ривожлантириш, маҳсулотни стандартлаштириш комплекси, жами ("Ўзавтосаноат" АК)	"Chasys Co., Ltd" компанияси (Жанубий Корея)	0,02		0,2	

<sup>276</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 октябрдаги ПК-969-сон Қарорига 10-илова.

V	Геология, ёқилги-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати комплекси, жами	<p>Корея компаниялари консорциуми Корея газ корпорацияси, "Lotte Daesan Petrochemical Corporation", "LG International Corporation", "SK Gas", "STX Energy" таркибиди</p> <p>"Лукойл" ОАЖ (Россия)</p> <p>"Союзнефтегаз" Восток Лимитед" компанияси (Буюк Британия)</p> <p>"CNPC" компанияси (XXP)</p> <p>"Зеромакс" компанияси (Швейцария)</p> <p>"Петронас Чаргали" компанияси (Малайзия)</p> <p>"Лукойл Оверсиз Холдинг Лтд" консорциуми КНОС (Корея)</p> <p>"Петронас Чаригали Оверсиз" (Малайзия), CNPC International Ltd (КНР)</p> <p>"Газпром" АЖ (Россия)</p> <p>"CNPC Silk Road Group LLC" компанияси (XXP)</p> <p>"DAEWOO International" корпорацияси (Корея)</p> <p>"Mahatcorp SAU" компанияси (Испания)</p> <p>"Мицубиси Корпорейшн" компанияси (Япония)</p> <p>"МТС" компанияси (Россия)</p>	87,7	99,0	1,1	92,0
VI	Ахборот тизимлар ва телекоммуникациялар комплекси, жами (УзААА)	<p>"Вымпелком" компанияси (Россия)</p> <p>"TeiaSonera UTA Holding BV" компанияси (Нидерландлар)</p>	4,08		38,2	
VII	Таблим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий химия комплекси, жами ("Узфармасофт" ДАК)	<p>"Aquatele LTD" компанияси (Буюк Британия)</p> <p>"Terronti Tower Ltd" компанияси (Ирландия)</p>	0,04		0,4	
VIII	Суғандар, янгилик ҳоқимиёти ("Сухонцемент-инвест" МЧЖ ХК, цемент ишлаб чиқарш)	<p>"Компания нефти и газа" МЧЖ (Россия)</p>	0,5	0,6		

Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти тизими ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади<sup>277</sup> ва икки даража – марказий ва маҳаллий даражалардан ташкил топади.

Ҳукуматнинг марказий органлари умумдавлат аҳамиятига молик масалаларни, маҳаллийлари эса ҳудудий муаммоларни ҳал қилади.

**Маҳаллий ҳокимият органларининг бошқарув фаолиятига қуйидагилар қиради:**

- қонунчилик, ҳуқуқ-тартиботни ва фуқароларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш;
- ҳудудларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожланиш масалалари;
- маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, маҳаллий солиқлар, йиғимларни тайинлаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш;
- маҳаллий коммунал хўжаликни бошқариш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш;
- фуқаролик ҳолати актлари қайд этилишини таъминлаш;
- норматив ҳужжатларни қабул қилиш ва Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа ваколатлар.

Давлат бюджети харажатларининг функционал таснифига биноан (2009 йил 26 сентябрь ҳолатига кўра) бошқариш харажатлари қуйидаги бўлимларда гуруҳлаштирилган:

1. Суд, прокуратура органлари ва адлиянинг бошқа муассасаларини сақлаш харажатлари.
2. Давлат ҳукумат органларини сақлаш харажатлари.
3. Давлат бошқарув органларини сақлаш харажатлари.
4. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари.
5. Референдум ва сайловлар ўтказиш билан боғлиқ харажатлар.

**Суд, прокуратура органлари ва адлиянинг бошқа муассасаларини сақлаш харажатлари** ўзида қуйидагиларни сақлаш учун харажатларни мужассамлаштиради: Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди; вилоят, шаҳар ва халқ судлари; Ўзбекистон Республикаси ва маҳаллий органларнинг Олий хўжалик суди; Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокуратураси; ФҲАКҚ бўлимлари ва бошқа харажатлар.

<sup>277</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 11-модда.



**Давлат ҳукумат органларини сақлаш харажатларига** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини, Ўзбекистон Республикаси Президенти аппарати, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судини, Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссияси аппаратини, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорги Кенгеси аппаратини сақлаш, халқ депутатлари фаолиятини таъминлаш ва бошқа харажатлар кириди.

**Давлат бошқарув органларини сақлаш харажатлари** ўзида куйидагиларни сақлаш учун харажатларни мужассамлаштиради: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратини; Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши аппаратини; Қорақалпоғистон Республикаси вазирликлари аппаратини; вазирликларнинг марказий аппарати, давлат кўмиталари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасарруфидаги кўмиталар ва бошқа идораларни; Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва бошқа идораларнинг маҳаллий органларини; МДХ мамлакатлари ҳукуматлари ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг доимий ваколатхонасини; ҳокимликларни; Қорақалпоғистон Республикаси ваколатхоналарини; ҳокимликларнинг бўлимлари ва бошқармаларини; чет элда жойлашган республика ваколатхоналари, консулликлари, агентликлари ва бошқа дипломатик муассасаларини; марказлашган бухгалтериялар ва бошқа харажатларни.

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари** ўзида куйидагиларни сақлаш учун харажатларни мужассамлаштиради: “Маҳалла посбони” гуруҳлари бошлиқларини; шаҳарчалар, кишлоқлар, овулларда фуқаролар кенгаши аппаратини; шаҳарларда маҳалла фуқаролар кенгаши аппаратини.

**Мудофаа комплекси ва ҳуқуқ-тартибот органлари харажатлари** ўзида куйидагиларни сақлаш учун харажатларни мужассамлаштиради: Мудофаа вазирлигини; Миллий хавфсизлик хизматини; Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш кўмитасини; фавқулодда вазиятлар бўйича органларни; Ички ишлар вазирлигини; Давлат божхона кўмитасини; Солиқ ва божхона органлари академияларини; балоғат ёшига етмаганлар ишлари бўйича инспекция ва бошқа харажатларни.

**Маҳаллий бюджетлардан** куйидаги харажатлар молиялаштирилади: йўл-патрул хизмати бўлинмалари; участка милиция инспекторлари; профессионал ёнгин хавфсизлиги бўлинмалари; мудофаа ишлари бўйича бошқармалар; кутқарув хизмати; марказлаштирилган бухгалтериялар; маъмурий тартибда камоққа олинган шахсларни сақлайдиган махсус жой; манзиллар бўйича маълумотлар берувчи бюролар; балоғат ёшига етмаганларнинг қонун-

бузарликларини профилактика қилиш бўлим ва бўлинмалари; балоғатга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам бериш марказлари ва бошқа харажатлар.

Шундай қилиб, давлатнинг бошқарувга харажатлари фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқлари ва эркинлигини, фуқаролар, жамият ва давлатнинг мулки ва манфаатларини ноқонуний тажовуздан ҳимояловчи давлат ҳокимияти органларининг фаолиятини ташкил этиш ва таъминлашга йўналтирилгандир.

Давлат аппаратини тегишли равишда молиялаштирмасдан бошқарув фаолиятини амалга ошириб бўлмайди. Бу моддий-техника базасини яратиш ва сақлашни, мутахассис-ҳодимлар ва хизмат кўрсатувчи персонални ишга ёллашни, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг жорий фаолиятини молиялаштиришни назарда тутати.

Бошқарув аппаратини сақлаш харажатлари ҳажминини аниқлаб берувчи асосий ҳужжатлар – **штатлар жадвали ва харажатлар сметаси**. Штатлар жадвалида таркибий бўлинмалар; раҳбар, уларнинг муовинлари ва мутахассислар лавозимларининг номлари давлат лавозимлари реестрига биноан; ҳар бир лавозим бўйича штат бирликларининг сони, лавозим окладларининг схемалари, устамалар (белгили муддат хизмат қилгани учун, сирлилиқ учун ва бошқалар) ва лавозимли окладлар бўйича бир ойлик иш ҳақи фонди акс эттирилади.

Давлат хизматчиларининг меҳнатга ҳақ тўлаш фондида моддий рағбатлантириш ва белгили муддат хизмат қилгани учун устамаларга харажатлар алоҳида улушга эга. Ўзбекистон Республикаси бюджети лойиҳасига бошқарувга харажатларнинг жамланма ҳисоб-китоблари таҳлили тақдим этилган ҳужжатлари ва материаллари асосида тегишли республика, вилоят, шаҳар, туман маъмурий бўлинмалари томонидан тўғридан-тўғри ҳисоблаш усули ва меъёрлаш усулида тайёрланади. Ажратмалар маблағларга эҳтнёж, шунингдек бир маъмурий ёки штат бирлигига тасдиқланган тарифлар ва меъёрлар асосида ҳисобланади.

Давлат хизматчиларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бошқарувга харажатларнинг асосий қисмини ташкил этади. Бу асосий оклад, иш ҳақига устамалар, штатдан ташқари ходимларга ҳақ тўлаш ва ходимларга бошқа пул тўловларидир.

Ходимларнинг бир йиллик асосий окладларини тўлашга харажатлар бир ойлик ўртача иш ҳақи ставкасини 12 ойга кўпайтириш йўли билан аниқланади. Ўртача иш ҳақи ставкаси бир ойлик иш ҳақи фонди ва штат бирлиги сони ёрдамида ҳисобланади.

Давлат хизматчиларининг лавозим окладларини тўлашга йўналтирилаётган меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ортиқча бўлган сумма куйидагиларни тўлашга йўналтирилади (бир йилга ҳисобланади):

- квалификациян разряд учун ҳар ойлик устама;
- алоҳида шароитда давлат хизмати учун ҳар ойлик устама;
- белгили хизмат муддатини адо этганлиги сабабли ҳар ойлик устама.

Меҳнатга ҳақ тўлашни ҳисоблаш меҳнатга ҳақ тўлаш фондига барча турдаги мажбурий ҳисоблашларни ўзида мужассамлаштиради.

Бошқарув харажатлари таркибидаги моддий харажатларнинг асосий қисмини таъминот предметлари ва сарф-харажат материаллари ташкил этади.

Шу билан бирга бошқарув харажатларига бошқарув аппарати ходимларининг хизмат сафарларига харажатлар, транспорт, коммунал ва алоқа хизматлари учун тўлов; ускуна, инвентарь, иншоот, бинони жорий таъмирлаш харажатларини тўлаш ва бошқа жорий харажатлар киради.

Ўзбекистонда 2003 йилдан бошлаб куйидаги вазифаларни бажаришга йўналтирилган маъмурий ислохотлар бошланди:

- иктисодиётда давлатнинг иштирокини қисқартириш, олдинги маъмурий-бошқарув тизимидан сакланиб қолган маъмурий бошқарув элементлари ва шаклларига барҳам бериш, бошқарувнинг тизим ва таркибини тубдан ўзгартириш;

- моддий ресурсларни тақсимлаш тизимини бекор қилиш ва уни амалга оширишнинг бозор механизмларига ўтиш;

- жамият ва давлат ўзаро фаолиятининг янги механизмини шакллантириш, давлат бошқарувининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш.

Давлат ва хўжалик бошқаруви таркибини бир-бирини такрорлайдиган вазириликлар, идоралар ва давлат ташкилотларини, ресурсларни тақсимлаш функцияларини ва хўжалик фаолияти субъектларини бошқаришни тугатиш ёрдамида оптималлаштириш амалга оширилди. Республикада 13 та вазирилик, 11 та давлат кўмитаси ва 9 та агентлик, 3 та кўмита саклаб қолинган бўлиб, уларнинг функцияларига бутун иктисодиёт ва унинг тармоқларини бошқариш стратегик масалаларини ишлаб чиқиш киради.

Давлат ҳокимияти тизимини такомиллаштириш мақсадида куйидаги норматив ҳужжатлар қабул қилинган: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги “Давлат бошқарувининг республика органларини такомиллаштириш тўғрисида” ва 2003 йил 22 декабрдаги “Хўжалик бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида” фармонлари; Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 августдаги “Бошқарув персонали сонини тартибга

солиш ва уни сақлашга харажатларни оптималлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. Ушбу Қарорда барча даражадаги фаолият юритувчи, биринчи навбатда, хўжалик субъектларининг маблағлари ҳисобига сақланаётган бошқарув ходимларининг сони таҳлил этилган, бошқарув аппаратининг катталиги ва ходимлари сони асоссиз равишда ошиб кетишининг салбий томонлари кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат бошқарувининг ҳудудий органлари таркибини такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 5 январдаги 2-сон Қарорига биноан 2004 йилнинг биринчи ярмида ҳокимиятларнинг бошқарув таркиби ўзгартирилди – вилоят, шаҳар ва туман ҳокимларининг муовинлари сони кискарди; ҳокимлик аппаратларида штатлар кискартирилди.

Бешта шаҳарда саккизта шаҳар ички туманлари кискартирилиши натижасида бюджетдан молиялаштирилаётган ҳудудий бошқарув органлари персонали 500 тага кискарди, шу жумладан бошқарув персонали 331 бирликка кискариб, уларни сақлаш харажатларида 312 млн. сўм тежалди. Ўзбекистонда давлат ва хўжалик бошқаруви органларида бошқарув персонали сонининг оптималлашуви натижасида аҳолининг ҳар минг кишисига 6,1 та амалдор ёки аҳолининг 1,6% тўғри келмоқда. Солиштириш учун – Қозоғистонда ушбу кўрсаткич 19,2 амалдор ёки 3,4%; Россияда – 22,1 амалдор ва 3,9 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистонда давлат бюджетининг бошқарувга харажатлари тахминан 3 фоизни ташкил этади ва бу кўрсаткич шу соҳани молиялаштириш стандартларига мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари таркибида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **Захира жамғармаси** миқдори назарда тутилади.<sup>278</sup> Захира жамғармаси маблағлари Республика бюджетига тушувчи даромадларнинг бир қисми ҳисобига шакллантирилади ва бюджетни тузишда ҳисобга олиниши мумкин бўлмаган иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳалардаги кўзда тутилмаган қўшимча харажатларни йил давомида ўз вақтида ва узлуксиз маблағ билан таъминлайди:

– эпидемияларга қарши, эпизоотияга қарши кураш чора-тадбирлари ва бошқаларга;

– табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш ишларига;

– бюджетда кўзда тутилган режали ажратмаларни қўпайтиришга;

---

<sup>278</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 июлдаги 321-сон Қарорига илова “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармаси тўғрисида Низом”.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларига мувофиқ олимлар, мутафаккир, саркарда, давлат ва жамоат арбобларининг юбилейларига;

- спорт-маданий тадбирларга, фестиваллар, умумдавлат ва миллий байрамларга;

- давлат бюджетининг тасдиқланган параметрларида назарда тутилмаган бошқа харажатларга.

Захира жамғармаси миқдори тегишли йилга Давлат бюджети харажатлари миқдоридан фоизларда тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Захира жамғармаси маблағларининг тасарруфчиси ҳисобланади. Жамғарма маблағларини олувчилар томонидан Захира жамғармаси маблағларидан бошқа мақсадларда фойдаланилишига йўл қўйилмайди.

Захира жамғармаси маблағлари ҳисоби 216-бўлим бўйича даромадлар ва харажатлар функционал таснифининг тегишли боблари ва параграфларида, шунингдек Давлат бюджети харажатлари иктисодий таснифининг турлари, объектлари, ёрдамчи объектлари бўйича юритилади.

### **Назорат саволлари**

1. Ўзбекистон бюджети харажатларининг устувор йўналишларини кўрсатиб беринг.

2. Бюджетдан молиялаштириш принципларини айтиб беринг.

3. Бюджетдан молиялаштириш шаклларини санаб беринг.

4. Ўзбекистонда бюджет ажратмалари шаклларини кўрсатиб беринг.

5. Бюджет ташкилотлари харажатларини молиялаштириш (тўлаш) янги Тартибнинг моҳияти ва мақсадини тушунтиринг (Вазирлар Маҳкамасининг 414-сон Қарори).

8. Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармасининг шаклланиш манбаларини айтиб беринг.

9. Умумтаълим мактаби бюджети суммасини ҳисоблаш методикасини тушунтириб беринг.

10. Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасалари ходимлари иш ҳақи фондини ҳисоблаш хусусиятлари тўғрисида сўзлаб беринг.

11. Олий ўқув юрти бўйича стипендия жамғармаси қандай ҳисобланади?

12. Соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш хусусиятларини тушунтириб беринг.

13. Тиббиёт ходимларининг тариф ставкалари қандай аниқланади?

14. Аралаш молия тизимига ўтказилган ихтисослашлган тиббиёт марказлари фаолиятини молиялаштириш хусусиятларини тушунтириб беринг.

15. Бирламчи тиббиёт-санитария ёрдами муассасалари бюджетини режалаштириш ва молиялаштириш тартибини тушунтириб беринг.

16. Бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун ишлайдиган ва ишламайдиган оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш манбалари ва хусусиятларини ёритиб беринг.

17. 2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада қучайтириш чора-тадбирлари дастурида қандай чора-тадбирлар назарда тутилган?

18. Ободонлаштиришга қилинадиган харажатларни молиялаштириш манбаларини айтиб беринг.

19. Давлат кадастрининг ягона тизими нима учун яратилган ва юртилиди?

20. Ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича давлат инвестиция дастурига қиритиш учун инвестицион тақлифларни танлашнинг асосий мезонларини санаб беринг.

21. Ноишлаб чиқариш йўналишлари бўйича давлат инвестиция дастурига қиритиш учун инвестицион тақлифларни танлашнинг асосий мезонларини санаб беринг.

22. Давлат бюджетининг бошқарувга харажатларини тавсифланг.

## Адабиётлар

### Асосий адабиётлар

1. Государственный бюджет: Учебник /А.В. Вахабов, З.Х. Срождидинова. 2-е изд., перераб. и доп. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.

2. Бюджетная система России: учебник для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям / под ред. Г.Б.Поляка. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ – ДАНА, 2007.

3. Бюджетная система Российской Федерации: Учебник / О.В.Врублевская и др.; - 3 изд., испр. и перераб. – М.: Юрайт-Издат, 2003.

### Норматив ҳужжатлар

4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

5. “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-II-сон Қонуни.

6. “Таълим тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги 464-I-сон Қонуни.

7. “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги 265-I-сон Қонуни.

8. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги 1996 йил 25 апрель Қонуни, 1999 йил 15 апрелдаги 772-1-сон Қонун билан тасдиқланган таҳрирда.

9. “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги 541-1-сон Қонуни.

10. “Ветеринария тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги 935-ХII-сон Қонуни; 1997 йил 25 апрелдаги 421-1-сон Қонуни билан тасдиқланган таҳрирда.

11. “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунадалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 31 августдаги 116-II-сон Қонуни.

12. “Ўсимликлар карантини тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августдаги 113-1-сон Қонуни.

13. “Геодезия ва картография тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 25 апрелдаги 417-1-сон Қонуни.

14. “Давлат кадастрлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрдаги 171-II-сон Қонуни.

15. “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 27 декабрдаги 353-1-сон Қонуни.

16. “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрдаги 545-1-сон Қонуни;

17. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майдаги 82-II-сон Қонуни.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Асосий макроиктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон ва 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон қарорлари.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2007-2010 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни аниқ ижтимоий муҳофаза қилиш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатишни янада кучайтириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” 2006 йил 7 сентябрдаги ПҚ-459-сон Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2009 йил 22 январдаги ПҚ-1045-сон Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил учун Инвестиция дастури тўғрисида” 2008 йил 2 октябрдаги ПҚ-969-сон Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва

улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 30 июлдаги ПҚ-929-сон Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғрисида” 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24-сон Қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2008 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2007 йил 12 декабрдаги ПҚ-744-сон Қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2008 йил 24 июлдаги ПҚ-926-сон Қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида” 2008 йил 5 мартдаги ПФ-3972-сон Фармони.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида” 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармони.

28. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида” 2008 йил 21 июлдаги ПФ-4014-сон Фармони.

29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида” 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сон Фармони.

30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида” 1997 йил 19 сентябрдаги ПФ-3923-сон Фармони.

31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг аҳолисига компенсация тўловларини жорий этиш тўғрисида” 1994 йил 31 августдаги ПФ-940-сон Фармони.

32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси аҳолисига бериладиган компенсация тўловларини кўпайтириш тўғрисида” 1994 йил 31 октябрдаги ПФ-977-сон Фармони.



33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иш ҳақи, пенсиялар, нафакалар ва стипендиялар миқдорларини ошириш тўғрисида” 1995 йил 7 февралдаги ПФ-1080-сон Фармони.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пенсиялар, нафакалар, стипендиялар ҳамда Республиканинг бюджет муассасалари ва ташкилотларида иш ҳақи миқдорларини ошириш тўғрисида” 1995 йил 16 августдаги ПФ-1213-сон Фармони.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида” 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сон Фармони.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мустақил телерадио каналларни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 8 ноябрдаги ПФ-3678-сон Фармонига 3-илова “Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тўғрисида Низом”.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида” 2002 йил 25 январдаги ПФ-3017-сон Фармони.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ролини ошириш тўғрисида” 1999 йил 13 январдаги ПФ-2177 -сон Фармони.

39. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон Қарори.

40. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида” 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарори.

41. Бюджет ташкилотларининг харажатларини молиялаштириш (тўлаш) Тартиби (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 414-сон Қарорига илова).

42. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2008 йил 1 августдаги 164-сон Қарори.

43. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2008 йил 1 августдаги 165-сон Қарори.

44. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида” 2005 йил 21 декабрдаги 276-сон Қарори.

45. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон Қарори.

46. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Даволаш-профилактика муассасаларини маблағ билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 1997 йил 2 декабрдаги 532-сон Қарори.

47. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида” 2003 йил 17 мартдаги 140-сон Қарори.

48. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш муассасаларини молиялаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” 2005 йил 28 сентябрдаги 217-сон Қарори.

49. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болалар спортини ривожлантириш соҳасида бошқарувни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 19 мартдаги 76-сон Қарори.

50. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг ижтимоий химояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 25 январдаги 33-сон Қарори.

51. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон Қарори.

52. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасига оммавий ахборот воситаларини маблағ билан таъминлаш манбаларини назорат қилиш функцияларини бериш тўғрисида” 1992 йил 24 мартдаги 137-сон Қарори.

53. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2008 йил 7 августдаги 173-сон Қарори.

54. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 28 июндаги 290-сон Қарори.

55. 2000, 2005 ва 2009 йилларга Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастури тўғрисида. ВМнинг 1999 йил 31 декабрдаги 550-сон Қарорига 1-илова; ВМнинг 2004 йил 30 ноябрдаги 560-сон Қарори.

56. Ўзбекистон Республикаси давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 25 октябрдаги 225-сон қарорига 1-илова.

57. Халқ таълими вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш вазирлигининг “Умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг иш ҳақини тарификациялаш ва ҳисоблаш тартиби бўйича методик кўрсатмалар” 2006 йил 5 майдаги 3-сон ва 01/23-сон қўшма буйруғига илова.

58. Халқ таълими вазирлиги ва Меҳнат ва аҳолини ижтимоий химоя қилиш вазирлигининг 2008 йил 14 мартдаги 5-сон қўшма буйруғи.

59. “Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида Низом”. Адлия вазирлигида 2008 йил 13 февралда 1768-сон билан рўйхатга олинган.

60. Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2003 йил 9 февралдаги 9-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Адлия вазирлигида 2003 йил 22 февралда 1222-сон билан рўйхатга олинган.

61. “Тиббиёт муассасаларини моддий рағбатлантириш ва ривожлантириш Жамғармаси тўғрисида Низом”. Адлия вазирлигида 2006 йил 14 январда 1537-сон билан рўйхатга олинган.

62. “Ишламайдиган оналарга бола икки ёшга етгунга қадар уни парвариш қилганлиги учун ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом”. Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1112-сон билан рўйхатга олинган.

63. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармаси тўғрисида Низом” Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 июлдаги 321-сон қарорига Илова

64. “Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом”. Адлия вазирлигида 2002 йил 14 мартда 1113-сон билан рўйхатга олинган (Адлия вазирлигида 2008 йил 28 февралда 1113-1-сон билан рўйхатга олинган Қарорга мувофиқ киритилган ўзгартиришлар билан).

65. “Ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз пенсионерларни асосий озик-овқат маҳсулотлари билан бепул таъминлаш тўғрисидаги Низом”. Адлия вазирлигида 1999 йил 15 февралда 636-сон билан рўйхатга олинган.

66. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида” 1994 йил 24 августдаги 434-сон Қарори.

67. Шаҳар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини, шунингдек хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш манзилли рўйхатларини шакллантириш ҳамда харажатларини маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштириш (тўловларни амалга ошириш) тартиби бўйича Низом. Адлия вазирлигида 2008 йил 16 майда 1808-сон билан рўйхатга олинган.

68. 2-илова. 2002 йил учун бюджетни тузишга изохлар, 207-бўлим “Ижтимоий таъминот” бўйича.

69. Республика ва маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган академик лицейларда 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффициентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2010 йил 28 апрелдаги 32/28-сон қўшма қарори.

70. Маҳаллий бюджетлардан молиялаштириладиган касб-хунар коллежларида 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффициентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг 2010 йил 28 апрелдаги 33/29-сон қўшма қарори.

71. Мактабгача таълим муассасаларида 2010 йил учун бир тарбияланувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги 34/16-сон қўшма қарори.

72. Умумтаълим мактабларида 2010 йил учун бир ўқувчига харажатларнинг базавий нормативларини белгилаш ва тузатиш коэффициентларини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида / Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 йил 28 апрелдаги 35/15-сон қўшма қарори.

## **6-БОБ. ДАВЛАТНИНГ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ**

### **6.1. Давлатнинг бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари: моҳияти, тарихи, таснифи**

Бюджетдан ташқари жамғармалар – 1) бу бюджетдан алоҳида ташкил этиладиган, мақсадли характерга эга бўлган, умумдават ёки маҳаллий аҳамиятга эга тадбирларни молиялаштириш учун мўлжалланган мустақил молия муассасаларининг тизими; 2) давлат томонидан баъзи ижтимоий эҳтиёжлар учун мустақил равишда комплекс сарфланадиган жалб этилаётган молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ва ишлатиш шакли.

Бюджетдан ташқари жамғармалар бюджет пайдо бўлишидан анча аввал вужудга келган. Уларнинг пайдо бўлиши давлат фаолиятининг кенгайишига янги харажатлар ва тегишли равишда уларни амалга оширишга зарур бўлган кўшимча маблағлар билан боғлиқ. Давлат жамғармаларининг сони доим ўзгариб турган, улар асосан вақтинчалик хусусиятга эга, махсус жамғармалар ёки алоҳида ҳисоб варақлар кўринишида бўлган ва уларни бошқариш учун кўшимча маблағлар талаб этилган.

Энг қадимги бюджетдан ташқари жамғармаларга қадимги дунёда Хитой, Ҳиндистон, Миср, Қадимги Греция ва Қадимги Римда пайдо бўлган хайрия жамғармаларини киритиш мумкин. Ислом дунёсида “вақф” жамғармалари шакллантирилган, арабчадан таржимада у “фуқаролар муомаласидан чиқарилган ва давлат томонидан диний ёки хайрия мақсадларида фойдаланиладиган мулк”ни англатади. Кейинчалик бу жамғармалар ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва бошқа функцияларни бажара бошлаган.

Марказлаштирилган давлатчиликнинг мустаҳкамланиши кўп сонли махсус жамғармалар бир хиллаштирилишига олиб келди, кейинчалик улар давлат бюджетига жамланди (XVII аср охири).

Ижтимоий ривожланиш жараёнида бюджетдан ташқари жамғармаларни ташкил этиш давлатлар ўз функция ва вазифаларини тўлиқ адо этиш мақсадида амалга оширилмоқда. Масалан, XIX аср охирида Германия канцлери Отто фон Бисмарк томонидан жаҳонда биринчи ижтимоий сугурта тизими яратилди, у дунёнинг турли мамлакатларида кенг тарқалди ва пенсия жамғармалари тузилишига асос бўлган авлодларнинг биргалликда жавобгарлиги принциpigа асосланди.

1929-1933 йиллардаги жаҳон иқтисодий инқирози даврида давлатларда, иқтисодий ривожланишга таъсирни кенгайтириш заруратидан келиб чиқиб, бюджетдан ташқари пул маблағларига эга кўшимча жамғармаларни ташкил этишга эҳтиёж пайдо бўлди. Бу даврда иқтисодий кўмаклашув ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш (аҳолининг алоҳида ижтимоий гуруҳлари манфаатларини химоя қилиш учун) давлат бюджетдан ташқари жамғармалари пайдо бўлди.

Ҳозирги шароитларда давлат бюджетдан ташқари жамғармаларининг актуаллиги сақланиб қолмоқда, айниқса ўтиш даври иқтисодиётига эга мамлакатларда ва иқтисодий тангликлар даврида, чунки:

- бу жамғармалар бюджет билан биргаликда давлатнинг иқтисодиётга ара-лашувига имкон беради ва талбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашни таъминлайди;

- бюджетдан ташқари жамғармаларнинг мақсадли характери ва мақсади уларнинг маблағларидан самарали фойдаланишни давлат томонидан назорат қилишни енгиллаштиради;

- маълум бир ҳолларда (фаол сальдо мавжудлиги) жамғармаларнинг маблағлари бюджет тақчиллигини қоплаш учун жалб қилиниши мумкин.

Бюджетдан ташқари жамғармалар қатъий белгиланган мақсадга, автоном бошқарувга эга бўлади ва бюджетдан алоҳида, шу даврда алоҳида аҳамиятга эга бўлган, харажатларни ажратиш асосида ёки жамғармаларга шахсий даромадлар манбаларини бириктириш асосида шакллантирилиши мумкин.

Давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари қуйидаги белгиларга кўра таснифланади:

1) **бошқарув даражасига кўра** (умумдавлат, республика, ҳудудий);

2) **амал қилиши муддатига кўра** (доимий, вақтинчалик – ўзига юкланган вазибаларни бажариши билан ўз фаолиятини тўхтатади);

3) **шакллантириш усулларига кўра** (бюджетдан алоҳида, муҳим аҳамиятга эга харажатларни ажратиш, жамғармаларга шахсий даромадлар манбаларини бириктириш);

4) **функционал мақсадига кўра** (ижтимоий, шахсий ва мулк суғуртаси, иқтисодий, кредит, илмий-тадқиқот, инвестицион, экологик, ҳарбий-сиёсий, давлатлараро ва бошқалар).

Бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш манбалари: юридик ва жисмоний шахсларнинг бадаллари; бюджетдан ажратмалар; тушумлар (лотерея, йўлланмалар учун тўловлар ва бошқалар); жамғарманинг вақтинчалик бўш турган пул маблағларини инвестициялашдан тушган даромадлар (молия бозорида иштирок этиш); банк кредитлари; мажбурий бадалларни белгиланган

вақтда тўламаганлик учун пеня ва жарима суммалари; юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари (эхсон, ҳадя).

Маблагларни сарфлаш йўналишлари жамғармаларнинг мақсадлари, иқтисодий шарт-шароитлар, мақсадли дастурларнинг мазмунига боғлиқ (масалан, йўл жамғармасининг маблаглари автойўллари куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашга, йўл инфратузилмаси объектларини молиялаштиришга йўналтирилади).

## **6.2. Ўзбекистон Республикасида давлат бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари**

Республикада бозор иқтисодиётига ўтиш ўта ноқулай шароитда бошланди (инкироз иқтисодиётнинг қўпчилик соҳа ва тармоқларига зарар етказган, аҳолининг турмуш даражаси пасайган эди), молиявий ресурсларнинг чекланганлиги уни янада мураккаблаштирди. Бу борада давлат ижтимоий ва иқтисодий соҳаларни барқарорлаштириш бўйича муҳим вазифалар бажарилишини таъминлаш учун Ўзбекистон мақсадли бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантира бошлади.

Ўзбекистонда 1992 йилда давлатнинг 6 та бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалари алоҳида вазифаларни ҳал этиш мақсадида ташкил этилди:

**Аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашиш жамғармаси** – ишчи кучининг бандлигини таъминлаш ва ишсизлик юзасидан мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун;

**Минерал ресурсларни тиклаш жамғармаси** – ўз минерал-ҳом-ашё базасини ривожлантириш учун;

**Республика йўл жамғармаси** – Ўзбекистон ҳудудинда автотранспорт коммуникацияларини сақлаб туриш ва ривожлантириш бўйича муаммоларни ҳал қилиш мақсадида;

**Ўздавжамгарма** – макроиқтисодий вазифаларни ҳал қилиш учун;

**Ижтимоий суғурта жамғармаси** – ижтимоий таъминот ва ижтимоий суғурта учун;

**Қасаба уюшмалари кенгашлари Федерацияси жамғармаси** – меҳнаткўшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифаларни ҳал қилиш учун.

1995 йилдан бошлаб давлат бюджетда давлат бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларининг маблаглари жамланди ва уларни сарфлашнинг мақсадлилиги сақланиб қолаётир. Бу чора барча давлат маблаглари давлатнинг фискал органлари назорати остида жамланишига олиб келади.

1998 йилда давлат бюджетининг “Мақсадли жамғармалар даромадлари” ва “Мақсадли жамғармалар харажатлари” деб номланувчи махсус бўлимларида маблағларни акс этувчи, бюджетда жамланувчи бюджетдан ташқари жамғармалар сони тўрттагача камайди. Шу қолган тўрт жамғарма 2000 йилда қабул қилинган “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонунига<sup>279</sup> мувофиқ Давлат бюджети таркибида жамланувчи давлат мақсадли жамғармалари мақомига эга бўлди. Булар:<sup>280</sup>

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг махсус ҳисоб варағи;

- Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи давлат жамғармаси.

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси.

Қонун ҳужжатлари билан уларнинг ҳар бири бўйича маблағларнинг манбалари, ҳар бир манбадан маблағлар тушуми меъёрлари ва шартлари, шунингдек ушбу маблағларни ишлатиш мақсадлари белгилаб қўйилган.

Давлат мақсадли жамғармаларни тузиш, жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

**Давлат мақсадли жамғармалари** – давлатнинг алоҳида харажатларини молиялаштириш учун ва мамлакатнинг бюджет тизими таркибида жамланадиган маблағлар тушуми ва мақсадли ишлатилиши устидан давлат назоратини таъминлаш мақсадида амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ шакллантириладиган жамғармалар.

2009 йил 1 октябргача бўлган ҳолатга кўра давлат бюджетида ўзининг алоҳидалигини ва мақсадга йўналтирилганлигини сақлаб қолган қуйидаги мақсадли бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағлари жамланади (53-жадвал).

<sup>279</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-II-сон Қонуни. 20-модда.

<sup>280</sup> Жамғармаларнинг номлари Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 23 майдаги ЎРК-2-сон Қонуни тахририда кўрсатилган.



53-жадвал. Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида жамланган Давлат мақсадли бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалари (2009 йил 1 октябрь ҳолатига кўра)

N	Жамғарма номи	Ҳуқуқий асоси	Вазифаси	Изоҳ
1.	Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси	Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида" 1992 йил 13 январдаги 510-XII-сон Қонуни; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи республика жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" 1992 йил 31 декабрдаги 606-сон Қарори; Ўзбекистон Республикасининг "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг янги таҳрири. 1998 йил 1 майдаги 616-I-сон Қонуни.	Иш билан таъминлаш сўёсатини амалга ошириш тадбирларини маблаг билан таъминлаш ва давлат иш билан таъминлаш хизматининг самарали феолият кўрсатиши учун Иш билан таъминлашга кўмаклашиш республика жамғармаси ташкил этилган.	2009 йилдан даромадлар ва хароажатлар бўйича газначилик ижроси механизмига ўтказилди.
2.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари куриши ва улардан фойдаланиши бошқариш тизimini такомиллаштириш тўғрисида" 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон Фармони.	Йўл курилишини бошқариш тизimini такомиллаштириш, умумий фойдаланиладиган замонавий автомобиль йўллари тармогини янада ривожлантириш, ортгака бошқарув тузилмаларини қисқартириш, умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари ни сақлаш, таъмирлаш, реконструкция қилиш ва куриш учун йўналтириладиган маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ташкил этилган.	2009 йилдан даромадлар ва хароажатлар бўйича газначилик ижроси механизмига ўтказилди.

362

3.	Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат кўмитасининг махсус ҳисоб varaги	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида давлат мулкни жамғармасини ташкил этиш тўғрисида" 1992 йил 7 сентябрдаги ПФ-471-сон Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитасини ташкил қилиш тўғрисида" 1992 йил 10 февралдаги ПФ-337-сон Фармони	Иқтисодий ислохотларни, давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, шунингдек республикада тадбиркорликнинг ривожланишини ва уни қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида ташкил этилган.	2009 йилдан даромадлар ва хароажатлар бўйича газначилик ижроси механизмига ўтказилди.
4.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқариш янада такомиллаштириш тўғрисида" 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон Қарори.	Ижтимоий таъминот тизимида давлат қаролатларини амалга ошириш ҳамда пенсиялар, вафокалар ва компенсацияларни тўлашга йўналтириладиган маблағларнинг мақсади ва аниқ сарфлашнинг устунидан назоратни кучайтириш, Пенсия жамғармасини самарали бошқаришни ташкил этиш мақсадида ташкил этилган.	2009 йилдан даромадлар ва хароажатлар бўйича газначилик ижроси механизмига ўтказилди.
5.	Дехкон ва фермер хўжалиқларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Дехкон ва фермер хўжалиқлари давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озик-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида" 1997 йил 18 мартдаги ПФ-1737-сон Фармони	Дехкон ва фермер хўжалиқлари уюшмасини амалга ошириш ҳамда молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган.	

363

6.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат эhtiбжлари учун харид қилинадиган кишлоқ хўжалик махсулотларининг ҳисоб-китоби 1998 йил 31 декабрдаги ПФ-2165-сон Фармони.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат эhtiбжлари учун харид қилинадиган кишлоқ хўжалик махсулотларининг ҳисоб-китоби жамгармасини ташкил этиш тўғрисида" 1998 йил 31 декабрдаги ПФ-2165-сон Фармони.	Давлат эhtiбжлари учун харид қилинадиган кишлоқ хўжалик махсулотларини еттиштирувчиларга ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинишини таъминлаш мақсадида ташкил этилган.	2004-2009 йилларда Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умумиллалӣ дастурини амалга ошириш ва умумий таълим мактабларига ўзларининг моддий-техника базасини яхшилаш учун маблағ жалб этишга имкон яратиш мақсадида ташкил этилган.	2009 йилдан даромадлар ва харажатлар бўйича газначилик ижроси механизмига ўтказилди.
7.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари махсус мақтаб таълими жамгармаси	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умумиллалӣ дастури тўғрисида" 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармони.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида Республика мақсади китоб жамгармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 1 июндаги ПҚ-363-сон Қарори.	2004-2009 йилларда Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умумиллалӣ дастурини амалга ошириш ва умумий таълим мактабларига ўзларининг моддий-техника базасини яхшилаш учун маблағ жалб этишга имкон яратиш мақсадида ташкил этилган.	2009 йилдан даромадлар ва харажатлар бўйича газначилик ижроси механизмига ўтказилди.
8.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида Республика мақсади китоб жамгармаси	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида Республика мақсади китоб жамгармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 1 июндаги ПҚ-363-сон Қарори.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида Республика мақсади китоб жамгармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 1 июндаги ПҚ-363-сон Қарори.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида Республика мақсади китоб жамгармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 1 июндаги ПҚ-363-сон Қарори.	2009 йилдан даромадлар ва харажатлар бўйича газначилик ижроси механизмига ўтказилди.
9.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Тикланиш ва таракқиёт жамгармаси	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида Республика мақсади китоб жамгармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 1 июндаги ПҚ-363-сон Қарори.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида Республика мақсади китоб жамгармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 1 июндаги ПҚ-363-сон Қарори.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида Республика мақсади китоб жамгармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2006 йил 1 июндаги ПҚ-363-сон Қарори.	2009 йилдан даромадлар ва харажатлар бўйича газначилик ижроси механизмига ўтказилди.

10.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Сугорилдиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамгармаси	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сон Фармони.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сон Фармони.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сон Фармони.	2009 йилдан даромадлар ва харажатлар бўйича газначилик ижроси механизмига ўтказилди.
11.	Ипотека кредити берилиши қўллаб-қувватлаш жамгармаси	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сон Қарори.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сон Қарори.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сон Қарори.	2009 йилдан даромадлар ва харажатлар бўйича газначилик ижроси механизмига ўтказилди.

Шуни таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш Қондаларига<sup>281</sup> биноан Ўзбекистон Республикаси республика бюджети харажатларига таълимга ажратмалар ҳам киритилган.

1) Республика бюджети таркибидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармаси;

2) Республика бюджети таркибида Кафолат жамғармаси.

**Республика бюджети таркибидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармаси** - йил давомида иктисодиёт, ижтимоий-маданий ва бошқа бюджет тузиш жараёнида ҳисобга олинishi мураккаб бўлган соҳаларда қутулмаган кўшимча харажатларни узлуксиз ва ўз вақтида молиялаштириш мақсадида ташкил этилади.<sup>282</sup>

**Республика бюджети таркибида Кафолат жамғармаси** - Давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ҳамда давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларидан келиб чиқувчи тўловларни амалга ошириш учун маблағларни жамлашга шарт-шаронт яратиш мақсадида тузилган.<sup>283</sup>

Давлат мақсадли жамғармаларини тузиш, жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.<sup>284</sup> Оператив бошқарув махсус тузилган тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга маъмурий аппарат томонидан амалга оширилади.

Ушбу бобнинг кейинги параграфларида Давлат бюджети таркибида жамланадиган давлатнинг қуйидаги мақсадли жамғармалари кўриб чиқилади:

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси;

- Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи давлат жамғармаси;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг махсус ҳисоб вағари.

<sup>281</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 29.12.2001 йил 130-сон Буйруғи билан тасдиқланган, Адлия Вазирлигида 14.03.2002 йил 1111-сон билан қайд этилган.

<sup>282</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармаси тўғрисидаги Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 27 июлдаги 321-сон қарорига Илова

<sup>283</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” 2000 йил 14 декабрдаги 158-II-сон Қонуни.

<sup>284</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-II-сон Қонуни. 9, 20-моддалар.

### 6.3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси

Ўзбекистонда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқи ҳисобланмиш қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқини амалга ошириш тартиби<sup>285</sup>, давлат пенсиялари ягона тизимини ташкил этиш (уларни тайинлаш, ҳисоблаш, қайта ҳисоблаш ва тўлаш тартиби) “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида”ги Қонуни<sup>286</sup> билан белгиланган.

Ижтимоий таъминот тизимида давлат кафолатларини амалга ошириш мақсадида 1993 йилда СССР Пенсия фондининг Ўзбекистон республикаси бўлими асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий сугурта жамғармаси ташкил этилди.<sup>287</sup> 1996 йилда Жамғарма мустақил молиявий структурага, пенсия таъминоти молиясини давлат бошқарув органига – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига<sup>288</sup> айлантирилди.

1997 йил 1 январдан Пенсия жамғармасининг пул маблағлари Ўзбекистон Давлат бюджетида маблағларни сарфлашда мақсадга йўналтирилганликни сақлаган ҳолда жамланди.

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги 2000 йил 14 декабрдаги Қонунига биноан жамғарма давлат мақсадли жамғармаси мақомига эга, 2005 йил 1 январдан эса Пенсия жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг идоравий қарамоғига ўтказилди.<sup>289</sup>

Давлат пенсия таъминоти.<sup>290</sup> Ўзбекистонда давлат пенсиялари пенсия ёшига етган жисмоний шахсларга (ёшга доир пенсия), ногиронлик бўйича ва боқувчисини йўқотиш бўйича тайинланади.

<sup>285</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 39-модда.

<sup>286</sup> “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон Қонуни.

<sup>287</sup> Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ижтимоий сугурта жамғармаси 1993 йил 4 августда ташкил этилди.

<sup>288</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1996 йил 27 декабрдаги 459-сон Қарори.

<sup>289</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон Қарори.

<sup>290</sup> Материал Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” 1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон Қонунига биноан тайёрланган.

**Пенсия** – белгиланган (пенсия) ёшига етганида, ногиронлик юз берганда, боқувчиси йўқотилганда, шунингдек белгили муддат хизмат килгани учун ва давлат олдида алоҳида хизматлари учун фуқароларнинг давлат ёки собик ходимларнинг собик иш берувчилари томонидан мунтазам пул даромадлари билан таъминланиши.

Ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига:

- эркаклар – 60 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 25 йил бўлган тақдирда;
- аёллар – 55 ёшга тўлганда ва иш стажлари камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

Пенсия миқдори иш стажининг муддатига боғлиқ бўлиб, қуйидагилардан таркиб топади: пенсиянинг таянч миқдоридан; иш стажи учун пенсиянинг оширилишидан; пенсияга қўшиладиган устама ҳақлардан.

Ёшга доир тўлиқ пенсия учун пенсияларнинг таянч миқдорлари пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизи, лекин расмий белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдоридан тайинланади.

Тўлиқ пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда тайинланади, лекин минимал иш ҳақининг 50 фоиздан кам бўлиши мумкин эмас.

Фуқароларнинг айрим тоифалари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган рўйхатларга мувофиқ) ёшидан катъий назар имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқига эгалар.

Қариялар ва ногиронлар, интернат уйларида (пансионатларида) яшовчи ёлғиз пенсионерларга пенсия билан улар таъминоти учун сарф-харажат ўртасидаги фарқ, тайинланган пенсиянинг камида 10 фоизи, уруш ногиронларига эса камида 20 фоизи тўланади.

Ёшга доир пенсиялар корхонанинг тугатилганлиги муносабати билан ишдан озод этилган ва ишсиз деб эътироф этилган эркакларга (58 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда) ва аёлларга (53 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда) муддатидан олдин тайинланиши мумкин.

**Ногиронлик пенсиялари** меҳнат қобилияти тўлиқ ёки қисман йўқотилган қуйидаги ҳолларда тайинланади:

- меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган Ногиронлик сабаблари рўйхати ва Касб касалликлари рўйхати бўйича;

- умумий касаллик (шу жумладан иш билан боғлиқ бўлмаган шикастланиш, майиблик, болалиқдан ногиронлик) туфайли.

Соғлигини ёки меҳнат қобилиятини йўқотганлик даражасига қараб, ногиронликнинг уч гуруҳи аниқланади. Ногиронлик сабаблари ва гуруҳлари, шунингдек ногиронлик бошланган вақт ва ногиронликнинг қанча муддатга белгиланиши тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади.

Меҳнатда майибланганда ёки касб касаллигига учраганда бериладиган ногиронлик пенсиялари иш стажидан катъий назар тайинланади.

Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар қуйидагича иш стажига эга бўлган тақдирда тайинланади (54-жадвал).<sup>291</sup>

**54-жадвал. Умумий касаллик туфайли бериладиган ногиронлик пенсиялари ногиронлик бошланган пайтга қадар иш стажига эга бўлган тақдирда**

Ёш	Иш стаж (йил)
23 ёшга қадар	2
23 ёшдан 26 ёшга қадар	3
26 ёшдан 31 ёшга қадар	5
31 ёшдан 36 ёшга қадар	7
36 ёшдан 41 ёшга қадар	9
41 ёшдан 46 ёшга қадар	11
46 ёшдан 51 ёшга қадар	14
51 ёшдан 56 ёшга қадар	17
56 ёш ва ундан ошганда	20

20 ёшга тўлгунга қадар умумий касаллик туфайли иш даврида ёки ишлаш тўхтатилганидан кейин ногирон бўлиб қолган шахсларга пенсиялар иш стажидан катъий назар тайинланади.

I ва II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсияларининг таянч ҳажмлари пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинган ўртача ойлик иш ҳақининг 55 фоизни ташкил этиши, аммо минимал иш ҳақининг 100 фоиздан кам бўлмаслиги керак, III гуруҳ ногиронларига эса – пенсияни ҳисоблаш учун қабул қилинган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизни ташкил этиши, аммо минимал иш ҳақининг 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак.

<sup>291</sup> Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги 938-XII-сон Қонуни, 17-модда.

Тўлик пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган умумий касаллик оқибатидаги I, II ва III гуруҳ ногиронлик пенсиялари бор стажга мутаносиб равишдаги миқдорда тайинланади, лекин улар куйидаги даражадан паст бўлиши мумкин эмас:

- I гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан;
- II гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;
- III гуруҳ ногиронларига ногиронлик пенсиялари учун – энг кам ойлик иш ҳақининг 30 фоизидан.

Ишлаётган ёки тирикчиликнинг бошка манбаларига эга бўлган I ва II гуруҳ ногиронларига нафакалар тайинланмайди.

**Вафот этган боқувчининг қарамоғида** (тўлик боқувида бўлган ёки ундан ёрдам олиб турган бўлсалар, бу ёрдам улар учун доимий ва асосий кун кечириш маблағининг манбаи ҳисобланган бўлса) бўлган меҳнатга қобилиятсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Қуйидагилар оиланинг меҳнатга қобилиятсиз аъзолари ҳисобланадилар:

- меҳнатга лаёқатли ота-онага эга бўлмаган болалар, 16 ёшга тўлмаган ака-укалар, опа-сингиллар ва набиралар бўлса ёки 16 ёшдан катта бўлса ҳам 16 ёшга тўлмасдан ногирон бўлиб қолган бўлсалар;

- ота, она, ўғай ота, ўғай она, хотин, эр, башарти, улар пенсия ёшига тўлган ёки ногирон бўлсалар;

- ёшидан ва меҳнат қобилиятидан қатъий назар, ота ва онадан бири ёки эр (хотин) ёхуд бува, буви, ака-ука ёки опа-сингил, агар у вафот этган боқувчининг болалари, ака-укалари, опа-сингиллари ёки набираларини, ишловчиларга болага қараш учун иш ҳақи сақланмаган таътилда бўлиш ҳуқуқини берадиган ёшга тўлгунга қадар боқиш билан машғул бўлса ва ишламаса;

- бува ва буви – агар қонунга мувофиқ уларни боқиши шарт бўлган кишилар бўлмаса.

Оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида пенсияларнинг таянч миқдорлари белгиланади.

Марҳумнинг қарамоғида турмаган ота-онаси ва эри (хотини) ҳам, кейинчалик кун кечириш учун зарур маблағ манбаидан маҳрум бўлиб қолсалар, пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Ота-онасидан жудо бўлган (чин етим) болаларга ёки вафот этган ёлғиз онанинг болаларига, ҳар бир болага боқувчисини йўқотганлиги сабабли пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 30 фоизи, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг камида 100 фоизи миқдориди пенсияларнинг таянч миқдорлари белгиланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиш ҳуқуқига эга бўлган вояга етмаган фарзандлар 18 ёшга тўлгунга қадар шу пенсияни олиш ҳуқуқига эгадирлар, улар фарзандликка олинганларида ҳам бу ҳуқуқни сақлаб қоладилар.

Меҳнатда майибланганлик ёки қасб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан катъий назар тайинланади.

Боқувчисини йўқотганлик пенсияси учун иш стажы тўлиқ бўлмаган чоғдаги пенсиялар:

- оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизидан;
- ҳам отаси, ҳам онасидан жудо бўлган (чин етим) ҳар бир болага энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

Оиланинг пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган барча аъзоларига битта умумий пенсия тайинланади. Оила аъзосининг талаби билан унинг пенсиядаги улуши ажратилиб, алоҳида тўланади.

Чин етим болаларга тўлиқ давлат таъминотида турган даврида энг кам ойлик иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди пенсия тўланади.

Ота-онасининг биридан ажралган ва тўлиқ давлат таъминотида турган болаларга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдориди пенсия тўланади. Шу даврдаги тўланиши лозим бўлган пенсия пули боланинг номига жамғарма банкида очилган омонатга ўтказиб қўйилади.

Қарғанда, меҳнатга қобилиятни тугатганда, боқувчисини йўқотганда ижтимоий таъминотнинг давлат қарорларини молиявий таъминлаш учун **Пенсия жамғармаси** ташкил этилиб, унинг фаолияти “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси тўғрисидаги низом”<sup>292</sup> билан тартибга солинади.

Қуйидагилар Жамғарманинг асосий **вазифалари** ҳисобланади:

- фуқароларнинг ижтимоий таъминотга ва ижтимоий сугуртага бўлган давлат томонидан қаролатилган ҳуқуқларини амалга ошириш;

<sup>292</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон Қарорига 3-илова, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 февралдаги 36-сон Қарори билан ўзгартришлар киритилган.



- республикада пенсия таъминотини янада такомиллаштириш;
- мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошка тўловларни Пенсия жамғарманинг бюджетдан ташқари махсус ҳисоб рақамида марказлаштирилган тартибда жамлаш;

- пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни тўлашга харажатларни молиялаштириш;

- Пенсия жамғармаси маблағларининг мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назоратни таъминлаш;

- Пенсия жамғармаси маблағларини кўпайтиришни ташкил этиш;

- давлат ижтимоий суғуртаси соҳасида халқаро алоқаларни амалга ошириш, чет эл тажрибасини ўрганиш ва ундан фойдаланиш.

Пенсия жамғармасининг ижро этувчи дирекцияси Пенсия жамғармасининг ижро этувчи органи ҳисобланади. У қуйидаги функцияларни бажаради:

- мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошка тўловлар миқдорларини белгилаш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади;

- ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда – даромадлар манбалари бўйича тушумлар прогнози, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан бирга – Пенсия жамғармаси маблағлари харажатлари лойиҳасини ишлаб чиқади;

- Пенсия жамғармаси маблағларидан пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларни молиялаштиради;

- Пенсия жамғармаси маблағларини ўз вақтида молиялаштириш ва улардан самарали фойдаланиш мониторингини амалга оширади;

- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бўлинмалари, корхоналар ва ташкилотлар томонидан пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларнинг тўғри ҳисобланиши бўйича режали текширишларни амалга оширади;

- давлат ижтимоий суғурта тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва янада такомиллаштириш бўйича олдини оловчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида жамғарма даромадлари ва харажатларининг ўрта ва узоқ муддатли прогнозларини тайёрлайди ҳамда кўриб чиқиш учун Жамғармани бошқариш кенгашига киритади;

- Жамғармани бошқариш кенгашига жамғарма бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тайёрлайди ва белгиланган тартибда тақдим этади;

- ўз ваколатлари доирасида Жамғарма вазифаларини амалга ошириш учун зарур бўлган йўриқнома ва методик ҳужжатларни ишлаб чиқади;

• Жамғарманинг вақтинчалик бўш маблағларини Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги депозитларга ва давлат қимматли қоғозларига жойлаштирилади;

• ва бошқалар.

**Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари прогнозини кўриб чиқиш ва келишиб олиш тартиби.** Манбалар ва фойдаланиш йўналишлари бўйича келгуси йил учун Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатлари прогнози Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси томонидан ишлаб чиқилади ва кўриб чиқиш учун Жамғармани бошқариш кенгашига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳар йили 15 июндан кечикмай Жамғармага жорий йил учун Жамғарма харажатларининг кутилаётган ижросини ва келгуси йил учун Жамғарма харажатлари прогнозини тақдим этади.

Ижро этувчи дирекция Жамғармани бошқариш кенгаши томонидан маъқулланган даромадлар ва харажатлар прогнозини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети Олий Мажлис томонидан қабул қилингандан кейин Ижро этувчи дирекция беш кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасига ва Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига келгуси йил учун тасдиқланган Жамғарма даромадлари ва харажатларининг турлар ва миқдорлар бўйича асосий параметрларини етказди.

Пенсия жамғармаси бюджетининг тасдиқланган кўрсаткичларини бажариш: юридик ва jisмоний шахслардан мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловларнинг тўлиқ йиғилиши ва тушиши бўйича – Давлат солиқ хизмати органлари томонидан; ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш, шунингдек Жамғарма маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш бўйича – Жамғарманинг ижро этувчи дирекцияси томонидан амалга оширилади.

Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари доирасида Президентнинг ПФ-4161-сон Фармони<sup>293</sup> мувофиқ, бошқарувни ташкил этишни такомиллаштириш ва пенсия таъминоти тизимини амал қилишни самарадорлигини ошириш мақсадида, Ўзбекистон Республика-

<sup>293</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон Фармони.

си Молия вазирлиги хузуридаги Пенсия жамғармаси зиммасига қўшимча ра-  
вишда қуйидаги асосий вазифалар ва функциялар юклатилди:

- фуқароларнинг давлат пенсия таъминотини ташкил қилиш, фуқароларга пенсиялар, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, конун ҳужжатларида белгиланган тартибда пенсиялар ҳамда бошқа тўловларнинг миқдорлари қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминлаш;

- пенсиялар ҳамда бошқа тўловларни тўлик ҳажмда молиялаштириш ва тўланишини ташкил қилиш, улар бўйича ҳисоб ва ҳисоботни юритиш;

- пенсиялар тайинланиши ва қайта ҳисоблаб чиқилишини тизимли асосда доимий таҳлил қилиш ва мониторингини олиб бориш, фуқароларнинг пенсия таъминотига йўналтирилаётган маблағлардан қатъиян мақсадли фойдаланили-  
шини таъминлаш;

- меҳнат майиблиги ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик бўйича тайинланган пенсияларни тўлашга маблағларни даъволар бўйича айбдор юри-  
дик ва жисмоний шахслардан белгиланган тартибда ундириб олишни ташкил қилиш;

- тиббий-меҳнат экспертизаси хизмати фаолиятини ташкил этиш.

2010 йилнинг 1 январидан бошлаб пенсиялар, шунингдек ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўланишини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш Пенсия жамғармасининг тегишли ҳудудий бўлинмалари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари фуқароларнинг пенсия таъми-  
ноти ва тиббий-меҳнат экспертизаси масалаларининг бутун комплекси учун масъул бўлган Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизи-  
мига қирувчи функциялар ҳамда тегишли тузилмаларни топшириш ҳисобига ташкил этилади.

Ушбу ўзгаришлар муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Молия ва-  
зирлиги зиммасига:

- фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш;

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг мутаносиблигини таъминлаш;

- бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ўз зиммасига юкланган вазифа-  
лар ва функцияларни, хусусан, пенсиялар ҳамда бошқа тегишли тўловларни тайинлаш ва тўлашда ўрнатилган қоидаларни қўлланиш қисмида уларнинг ба-

жарилишини мувофиқлаштириш ва назоратни амалга ошириш юзасидан қўшимча вазифалар юклатилди.

Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси таркибида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларида тегишли бўлимлар ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси зиммасига:

- янги тайинланган пенсия ва нафақаларнинг ҳисоблаб чиқилиши, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар қўлланилиши тўғрисида, шу жумладан, фуқароларнинг пенсияга оид ҳужжатлар йиғмажилдида бирламчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги ва ишонарлилигини текшириш йўли билан ёппасига текширувларни амалга ошириш;

- мулкчилик шаклидан қатъий назар, корхоналар, ташкилотлар, муассасалар томонидан ишловчи пенсионерларга пенсиялар ҳамда нафақаларнинг ҳисоблаб ёзилиши ва тўланиши тўғрисида режа асосида текшириб туриш;

- фуқароларга пенсия ва нафақалар, шу жумладан, банк ва почта муассасалари томонидан ўз вақтида ва тўлиқ тўланишининг тизимли мониторингини олиб бориш, қоидабузарликлар аниқланганда қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўриш;

- тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан берилган текширув ҳужжатлари ва ҳулосаларни, зарурат туғилганда, мустакил экспертларни жалб этган ҳолда такрорий экспертизаларни ўтказиш юзасидан қўшимча вазифалар юклатилди.

Жамғарма даромадлари қуйидаги манбалар ҳисобига шакллантирилади:

**1) мажбурий ажратмалар ва бадаллар:**

- мулкчилик шаклларида қатъий назар, юридик шахсларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов тушумларининг белгиланган миқдори (2010 йилда – 25%, шу жумладан Пенсия жамғармаси – 24,8%)<sup>294</sup>, лекин барча хўжалик субъектлари (фермерлик хўжалиқларидан ташқари) ҳар бир ишчисига бериладиган бир минимал иш ҳақи ҳажмидан кам бўлмаслиги керак;

- алоҳида юридик шахсларнинг ижтимоий сугурта бадаллари – 4%;

- юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг ижтимоий сугурта бадаллари;

- фуқароларнинг иш ҳақидан сугурта бадаллари;

<sup>294</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 25-илова.

• қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғи чиқариб ташланган ҳолда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг товарлар сотиш (ишлар, хизматлар кўрсатиш) ҳажмидан 1,5% ажратмалари<sup>295</sup>, шунингдек коммунал хўжалик тизими корхоналари учун фаолият хусусиятига кўра иссиқлик энергияси, сув ва табиий газнинг харид қиймати ҳажмлари чиқариб ташланган ҳолда. Бунда узоқ муддатли активлар ва ўзи фойдаланадиган бошқа мол-мулкни сотиш мажбурий маблағ ажратиш объектига киритилмайди.

## **2) бошқа тўловлар:**

• "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тайинланган меҳнатда майиб бўлганлик ёки касб касаллиги оқибатида ногирон бўлганларга пенсия тўлаш харажатларини қоплаш учун регрессив талаблар (даъволар) бўйича иш берувчилар ва фуқаролардан ундириладиган маблағларнинг 85%;

• муддатидан олдин тайинланган пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг Иш билан таъминлашга қўмаклашиш жамғармаси маблағлари;<sup>296</sup>

• тайинланган имтиёзли пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун ўтказиладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар маблағлари;<sup>297</sup>

• деҳқон хўжаликлари аъзоларининг ихтиёрий равишда тўланадиган сугурта бадаллари;

• ҳисобланган жарималар суммаларининг бир қисми, мажбурий ажратмалар, бадаллар ва бошқа тўловлар ўз вақтида тўланмаганлиги учун пенялар;

• қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма маблағларидан қуйидаги тўловларни амалга ошириш учун фойдаланилади:

### **1) ишламайдиган фуқароларга:**

• Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тайинланадиган пенсиялар. Ижтимоий таъминот бўлимлари тугатилиб, уларнинг функцияларини Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари бажаради;<sup>298</sup>

<sup>295</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 3-модда, 24-илова.

<sup>296</sup> "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида" Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон Қонуни, 14-модда.

<sup>297</sup> Ўша ерда, 12-модда.

<sup>298</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон Фармони, 1-модда.

- давлат пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга нафақалар;
- конун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган бошқа компенсация тўловлари тўлаш учун;

## 2) ишлайдиган фуқароларга:

- Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлинмалари томонидан тайинланган пенсиялар;

- вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақалари (2007 йил 1 январдан бошлаб вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизларга нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатлар: Бюджет ташкилотлари томонидан – меҳнат ҳақи жамғармасига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида; Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан – фойда солиғини ҳисоблашда мазкур харажатлар солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.);<sup>299</sup>

- ҳомиладорлик ва туғиш нафақалари;
- бола туғилганда бериладиган нафақалар;
- дафн маросими нафақалари;
- 16 ёшгача бўлган ногирон боланинг ота-оналаридан бирига (васийга, ҳомийга) бир ойда бир кўшимча дам олиш куни учун тўловлар;
- конун ҳужжатларига мувофиқ Жамғарма маблағларидан молиялаштириладиган бошқа компенсация тўловлари учун сарфланади.

Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақаларнинг (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик учун; ҳомиладорлик ва туғиш учун; бола туғилгани учун; кўшимча дам олиш куни учун; дафн этиш маросими учун) тўланиши “Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом”<sup>300</sup> ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

**Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақа.** бутун таътил давомида, иш ҳақининг 100 фоизи миқдориди берилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътил туғишгача етмиш календарь куни ва туғишдан сўнг эллик олти (агар туғиш жараёни оғир кечган бўлса ёки икки ва ундан кўп бола туғилиши ҳолида – етмиш) календарь кунни ташкил этади ва давлат ижтимоий сугуртаси нафақаси тўланади.

<sup>299</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макронисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон Қарори.

<sup>300</sup> Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 20 майда 1136-1-сон билан рўйхатга олинган).

**Бола туғилганда бериладиган бир марталик нафақа** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдориди берилади (2010 йил 1 январь ҳолатига кўра  $37680 \text{ сўм} \times 2 = 75360$ ).

**Иш ҳақиға коэффициент қўлланиладиган туманларда нафақа ушбу коэффициентларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.**

**Дафн этиш маросими учун нафақа** энг кам ойлик иш ҳақининг уч баравари миқдориди ходим ёки унинг қарамоғиди бўлган қуйидаги оила аъзолари вафот этганда берилади: турмуш ўртоғи; 18 ёшга тўлмаган ёки вақтинча меҳнатга қобилиятсиз (ёшидан қатъий назар) болалари, ака-укалари ва опасингиллари; ота-онаси; бобоси ёки бувиси.

Ишламайдиган пенсионер вафот этган тақдирда дафн этиш маросими учун нафақа унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдориди, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг икки ҳиссасидан кам бўлмаган миқдорда, Пенсия жамғармасининг ҳудудий бўлиналари томонидан тўланади.

**Иш ҳақиға туман коэффициенти белгиланган жойларда дафн этиш маросими учун нафақа миқдори ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган тармоқлар учун бериладиган туман коэффициентини ҳисобга олган ҳолда аниқланади.**

**Қўшимча дам олиш куни учун нафақа.** Ногирон боласини тарбиялаётган ишловчи ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар давлат ижтимоий сугуртаси маблағлари ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдориди ҳақ тўлаган ҳолда ойига қўшимча бир дам олиш куни берилади.<sup>301</sup>

Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари таркибиди ягона ижтимоий тўловлар қатта улушга эға бўлиб 75 фонздан ортиғини ташкил этади, фуқароларнинг иш ҳақидан сугурта бадаллари тахминан 6,5 фоизни ташкил этади. Харажатларнинг асосий улуши – ишламаётган пенсионерларга пенсияни тўлашга – 86 фонздан ортиқ ва нафақаларга – тахминан 6% тўғри келади.

2009 йилдан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиғи ҳузуридағи бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси даромадлар ва харажатлар бўйича газначилик ижроси механизмига ўтказилди.<sup>302</sup>

<sup>301</sup> Ўша ерда, 85-молда.

<sup>302</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроникосодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2008 йил 29 декабрдағи ПҚ-1024-сон Қарори.

#### 6.4. Жамғариб бориладиган пенсия тизими

Ўзбекистонда “Фукароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги<sup>303</sup> Қонунга мувофиқ, шунингдек пенсионерларнинг фаровонлигини ошириш мақсадида 2005 йил 1 январдан амалдаги фукароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига қўшимча равишда **жамғариб бориладиган пенсия тизими** жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси фукаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фукаролари ва фукаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларида маблағларни жамлаш йўли билан шакллантирилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимини **ташқиллаштириш** мақсадида қуйидагилар қонунийлаштирилган:

- Иш берувчиларнинг, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фукароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийдир.

- Яққа тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташқил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжалиқларининг аъзолари, шунингдек бошқа фукаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларида маблағларни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

- жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари;
- жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари;
- шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақлари маблағларига ҳисоблаб чиқарилган фоизлар;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларида **маблағларнинг шакллантирилиши** қуйидагилар орқали таъминланади:

- жисмоний шахслар даромад солиғининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб бориши;

<sup>303</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги 702-П-сон Қонуни.



- жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, иш ҳақи ва бошқа даромади суммасидан 1% ҳажмида ҳисоблаб чиқариш;

- жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига, мустақил равишда белгилайдиган миқдорлар ва муддатларда кўшимча бадаллар киритиши;

- иш берувчи ўзининг маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига кўшимча бадаллар тўлаши. Кўшимча бадалларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади;

- жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига кўшимча бадалларни киритиши;

- Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб кўшиши.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи ва бошқа даромади суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя қилиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштириш учун **фойдаланилиши мумкин** (маблағларни жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан белгиланади).

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш қуйидагиларни ўз ичига олади: шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақлари очиш, жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш. Халқ банки жамғариб бо-

риладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини белгиланадиган тартибда юртади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини (ихтиёрий равишда бир йўла тўла ҳажмда ёки қисмлар билан) қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга.

Аммо, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини айрим ҳолларда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағида жамғарилган маблағлар фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, бир йўла тўла ҳажмда тўланади, фуқаро вафот этган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросхўрга тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағлари солиққа тортилишдан озод этилган.

## 6.5. Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи давлат жамғармаси

Аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида давлат сиёсатини ва туман (шаҳар) иш билан таъминлаш марказларининг самарали фаолиятини амалга ошириш бўйича тадбирларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш вазирлиги таркибида Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни<sup>304</sup> ва Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига<sup>305</sup> мувофиқ 1993 йилда Иш билан таъминлаш жамғармаси ташкил этилди ва унинг фаолияти “Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”<sup>306</sup> билан тартибга солинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги 2000 14 декабрь Қонунига биноан иш билан таъминлашга қўмаклашувчи жамғарма давлат мақсадли жамғармаси мақомига эга бўлди.

<sup>304</sup> “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1998 йил 1 майда тасдиқланган янги таҳрири (616-I-сон Қонун).

<sup>305</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш билан таъминлашга қўмаклашиш республика жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1992 йил 31 декабрдаги 606-сонли Қарори.

<sup>306</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги 173-сон қарорига 1-илова “Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга қўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”.

Иш билан таъминлаш жамғармаси давлат бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаси ҳисобланади. У маҳаллий ва республика даражаларида ташкил этилади. Жамғарма маблағлари уларни шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг мақсадли йўналтирилганлиги сақланган ҳолда Давлат бюджети таркибида жамланади ва Жамғарманинг мустақил балансидан акс эттирилади.

Куйидагилар Иш билан таъминлаш жамғармасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

- ишсизларни моддий қўллаб-қувватлаш юзасидан давлат кафолатларини амалга ошириш;
- Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказлари таъминотини молиялаштириш;
- тижорат банкларида кредит линиялари очиш йўли билан иш ўринларини сақлаб қолиш ва янги иш ўринлари ташкил этиш учун кредитлар бериш;
- фуқароларни ишга жойлаштириш, меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, социологик кузатувлар ўтказиш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш.

**Иш билан таъминлаш жамғармаси даромадлари прогнозини кўриб чиқиш ва келишиш ҳамда унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби.** Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда ҳар йили, лекин жорий йилнинг биринчи июлидан кечикмай келгуси йил учун Иш билан таъминлаш жамғармаси даромадлари манбалари ва унинг маблағларидан фойдаланиш йўналишлари бўйича прогнозни Молия вазирлигига кўриб чиқиш учун тақдим этади, ушбу прогноз:

- даромадлар манбалари бўйича маблағларнинг ўтган йилда ва жорий йилнинг биринчи ярим йилида ҳудудлар бўйича ҳақиқий тушумини;
- Иш билан таъминлаш жамғармасига ажратмалар ва йиғимлар бўйича молиявий ҳисобот йили охирида иш берувчиларнинг ҳудудлар бўйича кредиторлик қарзларини;
- ўтган йилда ва жорий йилнинг биринчи ярим йилида Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларидан тасдиқланган прогнозлар билан таққослаганда ҳудудлар бўйича мақсадли фойдаланилишини;
- ўтган йилда ходимлар сони ва иш ҳақининг ўсиш суръатини эътиборга олган ҳолда ҳисобланган иш ҳақи фонди прогнозини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Молия вазирлиги такдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш чоғида Иш билан таъминлаш жамғармасига келгуси йил учун мажбурий ажратмалар ва йиғимлар ставкаларининг прогноз қилинадиган ўзгаришини ва макроиқтисодий кўрсаткичлар таъсирини ҳисобга олади. Иш билан таъминлаш жамғармаси даромадлари ва унинг маблағларидан фойдаланишнинг кўриб чиқилган ва келишилган прогнози келгуси йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрлари таркибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети Олий Мажлис томонидан қабул қилингандан сўнг, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг бюджет параметрлари тўғрисидаги қарорига биноан, Молия вазирлиги Иш билан таъминлаш жамғармасининг келгуси йил учун даромадлари ва унинг маблағларидан фойдаланишнинг тасдиқланган асосий параметрларини ўн кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига етказди.

Иш билан таъминлаш жамғармасининг тасдиқланган бюджет кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан қуйидагиларни амалга ошириш орқали бажарилади: Иш билан таъминлаш жамғармаси даромадлари ва харажатларининг тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари бажарилишини; иш берувчилардан мажбурий ажратмалар, жарималар ва пеняларнинг тўлиқ йиғилиши ва тушишини; Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларидан қонун ҳужжатларига катъий мувофиқ ҳолда мақсадли фойдаланилишини таъминлайдилар.

Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағлари қуйидагилар ҳисобига шакллантирилади:

- корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг иш ҳақи фондидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган миқдордаги мажбурий ажратмалари 2010 йилда – 0,1%, ушбу харажатлар маҳсулот таннархига қўшилади;<sup>307</sup>

- тегишли бюджет маблағларини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиладиган миқдорларда республика ва маҳаллий бюджет маблағларидан дотациялар;

<sup>307</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПК-1024-сон Қарори.

- қонун ҳужжатларида назарда тутилган талаблар бузилганлиги учун жойлардаги меҳнат органлари томонидан белгиланган тартибда солинадиган молиявий санкциялар ва қўшилган пенялар суммаси;

- қўшимча ва янги иш ўринлари яратиш учун кичик бизнес субъектларини кредитлаш учун тижорат банклари томонидан очилган кредит линияларидан фойзалар;

- юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар.

Ўзбекистон Иш билан таъминлаш жамғармасининг шаклланиши манбаларида асосий улушни корхона ва ташкилотларнинг мажбурий ажратмалари, жамғарманинг вақтинчалик бўш маблағларини инвестициялашдан тушган даромадлар ва бошқалар ташкил этади.

Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларини тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари тасарруф этадилар ва уларнинг маблағлари бюджетдан ташқари мақсадли махсус ҳисоб рақамларида жамланади. Бу маблағларнинг 70% Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари ихтиёрида қолади, кейинчалик туманлар ва шаҳарлар ўртасида тақсимланади, 30% республика даражасида марказлаштирилади.

Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишлари республика ва ҳудудий бандлик дастурларига биноан белгиланади. Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағлари ҳисобига қуйидагилар амалга оширилади:

- меҳнат органларида ишсизлик макomini олган ва иш қидирувчи сифатида рўйхатда турган шахсларни касбга тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларини маблағ билан таъминлаш;

- ишсизлик бўйича нафақалар, меҳнат органларининг таклифига биноан ишлаш учун бошқа жойга ихтиёрий равишда кўчиб ўтиш учун компенсациялар тўлаш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ишсизларга моддий ёрдам бериш;

- ишсизларга муддатидан олдин пенсия тайинланганлиги сабабли бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси харажатларини қоплаш;

- ҳақ тўланадиган жамоат ишларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда маблағ билан таъминлаш;

- ногиронлар ва фуқароларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган бошқа тоифалари меҳнатидан фойдаланиш учун ихтисослаштирилган иш ўринлари (ишлаб чиқаришлар) ташкил этиш тадбирларини маблағ билан қисман таъминлаш;

- Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказларини таъминлаш, барча даражалардаги меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларини жойлаштириш учун бинолар қуриш ва уларни реконструкция қилиш, уларни моддий-техникавий таъминлаш, компьютерлар, нусха кўчириш ва бошқа зарур техника билан жиҳозлаш;

- ахборот ва реклама-ноширлик ишларини амалга ошириш;

- демография, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатни нормалаш ва унга ҳақ тўлаш масалалари бўйича норматив-услубий ва йўриқнома материаллар ишлаб чиқишни маблағ билан таъминлаш;

- белгиланган тартибда республика даражасида ва ҳудудий даражада ижтимоий кузатувларни ташкил этиш ва ўтказиш, иш билан таъминлаш масалалари бўйича аҳолининг айрим гуруҳлари ўртасида анкета сўровлари ўтказиш;

- республика ва ҳудудий меҳнат бозори ахборот тизимларини яратиш ва уларнинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш, шу жумладан техника воситалари сотиб олиш;

- иш билан банд бўлмаган аҳолига ёрдам кўрсатиш, шу жумладан ишга жойлаштиришга кўмаклашиш ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш;

- аҳолини иш билан таъминлашга доир муаммолар бўйича халқаро ҳамкорликни маблағ билан таъминлаш;

- ишчи кучи экспорт қилиш масалалари бўйича халқаро лойиҳа ва шартномаларни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикасининг чет элларга ишга юборилган фуқароларини ишга жойлаштиришни ташкил этиш, уларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш;

- Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларини кўпайтиришга йўналтирилган, аҳолини иш билан таъминлашга бевосита кўмаклашувчи тижорат ва хўжалик ҳисобидаги фаолиятни амалга ошириш, мулкчилик ва хўжалик юритишнинг турли шаклларидаги корхоналар ташкил этиш;

- тижорат банклари томонидан очиладиган кредит линиялари орқали хўжалик юритувчи субъектларга, шу жумладан кичик бизнес субъектларига, деҳқон ва фермер хўжалиқларига, оилавий тадбиркорлик субъектларига ҳамда

якка тартибдаги тадбиркорларга таъминлаш ва қайтариш шартларида янги иш ўринлари яратиш учун киска муддатли ва ўрта муддатли кредитлар бериш;

- бошка тадбирларни молиялаштириш.

Жамғарма маблағлари яна куйидагиларга ишлатилиши мумкин:

- аҳолининг рақобатбардош бўлмаган катламлари (демобилизация килинганлар, мактабни битирганлар)га ва ишсизларга иш ўринлари ташкил этиш учун молиявий маблағлар ажратишга, янги иш ўринларида шу шахсларнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаслиги керак;

- банкротлик чегарасида бўлган қорхоналарга кенг қўламда ишчиларни бўшашини ва ҳокимиятларнинг махсус комиссиялари хулосаларига биноан мавжуд иш ўринларини кискартиришни олдини олиш мақсадида молиявий ёрдам кўрсатишга;

- ўртача 80% даража тайёр тугалланмаган қурилиш объектларида иш ўринларини ташкил этишга;

- алоҳида тоғ, чўл ҳудудларида аҳоли бандлигини таъминлашга.

Бу тадбирларни молиялаштириш учун маблағлар фоизли ёки фоизсиз (минимал ҳажмда) заёмларни белгиланган муддатларда қайтариш шартлари билан ажратилади.

Юқорида кайд этилганидек, жамғарманинг муҳим вазибаларидан бири ишсизликдан химоялаш ва ишсизлик нафақаларини тўлаш бўйича давлат кафолатини бериш бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Конституцияси<sup>308</sup>, Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни<sup>309</sup> билан белгиланган ва “Аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашиш марказларида фуқароларни рўйхатдан ўтказиш, ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом<sup>310</sup> билан тартибга солинади.

Меҳнатга лаёқатли шахслар (16 ёшдан пенсия таъминоти ҳуқуқини олгунга қадар) Аҳолини иш билан таъминлашга қўмаклашиш марказларида иш қидираётганлар сифатида рўйхатдан ўтган ва шу даврда иш ва даромадга эга бўлмаган, меҳнат қилишга тайёр ва зарурат туғилганда касбий тайёргарлик, қайта тайёргарлик ўтишга ёки малақасини оширишга тайёр бўлган тақдирда ишсиз деб ҳисобланади.

Меҳнат органларида рўйхатга олинган ишсизларга:

<sup>308</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 37-модда.

<sup>309</sup> “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири), 16-модда.

<sup>310</sup> Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 13 октябрда 831-сон билан рўйхатга олинган

- қарамоғида вояга етмаган болалари ва бошқа кишилар бўлган шахсларга қасбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малака ошириш даврида олдинги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақининг камида 75% (қарамоғида болалари ва бошқа кишилар бўлмаганларга эса – 50%) миқдоридан, бироқ қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан оз бўлмаган ва Ўзбекистон Республикасида таркиб топган ўртача иш ҳақидан ортиқ бўлмаган миқдорда стипендия тўланади;

- қарамоғида одам бўлган ишсизларга моддий ёрдам кўрсатилади, хусусан қарамоғида учтагача киши бўлган 35 ёшга тўлмаган ишсиз эркак ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этаётган тақдирда;

- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти берилади;
- Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказлари таклифига биноан бошқа жойдаги ишга қабул қилинганда кўчиш харажатлари компенсация қилинади.

Ишсизлик нафақаси кўпи билан:

- ишдан ва иш ҳақидан (меҳнат даромадидан) маҳрум бўлган ёки узоқ (бир йилдан ортиқ) танаффусдан кейин меҳнат фаолиятини қайта бошлашга ҳаракат қилаётган шахсларга ўн икки ойлик давр мобайнида 26 календарь ҳафта;

- илгари ишламаган ва биринчи бор иш қидираётган шахсларга эса ўн икки ойлик давр мобайнида 13 календарь ҳафта тўланади.

Ишсиз шахс нафақа олиш даврида иш қидириши ва ҳар икки ҳафтада камида бир марта маҳаллий Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказида йўқламадан ўтиши керак.

Қуйидаги ҳолларда ишсизлик нафақасини тўлаш бекор қилинади:

- ишсиз шахс ишга жойлашганда;
- ишсиз шахс таклиф қилинган мақбул ҳисобланган ишни икки марта рад этган тақдирда;

- қарамоғида учтагача киши бўлган 35 ёшга тўлмаган ишсиз эркак ҳақ тўланадиган жамоат ишларида иштирок этишни рад этган тақдирда;

- ишсиз шахс қонун ҳужжатларига мувофиқ лeнсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлган тақдирда;

- ишсиз шахс суднинг ҳукми билан қамок ёки озодликдан маҳрум этиш тариқасидаги жазога ҳукм этилган тақдирда;

- ишсизлик нафақасини олиб турган даврда маҳаллий меҳнат органини ҳабардор қилмай вақтинчалик бажариладиган ишга жойлашилган тақдирда;

- ишсизлик нафақасини алдов йўли билан олган тақдирда;

- ишсиз шахс вафот этган тақдирда.



Ишсизлик нафақасини тўлашнинг белгиланган муддати ўтиши муносабати билан ишсизлик нафақасини олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ишсиз фуқароларга Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармасидан ёки маҳаллий бюджетлардан ажратиладиган моддий ёрдам кўрсатилиши мумкин.

Жамғарма даромадининг тахминан 60 фоизни корхоналарнинг иш хақи фондидан мажбурий ажратмалари таъминлайди. Жамғарманинг харажатлари таркибида янги иш ўринларини яратишга харажатлар 55 фоиздан ортиқ ва тахминан 10% эса ишсизлик нафақалари, моддий ёрдамни ва муддатидан олдин пенсияларни тўлаш ташкил этади.

Иш билан таъминлаш жамғармасининг маҳаллий даражада етишмаган маблағлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан Иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларининг Республика қисми ҳисобидан қопланади.

Йил бошида зарур ҳолларда Иш билан таъминлаш жамғармаси ҳисоб рақамидаги бўш маблағлар Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун йўналтирилиши мумкин.

#### **6.6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси**

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш, қайта қуриш, тузатиш, сақлашни маблағ билан таъминлаш, шунингдек, республика йўл тармоқларининг самарали ишлашини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни<sup>311</sup> ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига<sup>312</sup> мувофиқ 1993 йилда “Ўзавтотўл” таркибида Республика йўл жамғармаси, ҳудудий давлат акциядорлик бирлашмалари ва автомобиль йўлларининг туман бошқармаларида эса – вилоят ва маҳаллий йўл жамғармалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони<sup>313</sup> биноан 2003 йил 1 октябрдан йўл хўжалиги бошқармаси таркибидаги республика, вилоятлар ва маҳаллий йўл

<sup>311</sup> “Автомобиль йўллари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги 653-ХП-сон Қонуни, 10-модда.

<sup>312</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1993 йил 5 июлдаги 334-сон Қарори.

<sup>313</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон Фармони.

жамғармалари тугатилди ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси ташкил этилиб, унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори билан тасдиқланган Низом<sup>314</sup> билан тартибга солинади.

Йўл жамғармаси фаолиятининг мақсади – умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш дастурлари (лойиҳалари)ни ва уларни етарли техник ҳолатига ва ўтказиш қобилиятига эришишга олиб келадиган тадбирларни молиялаштириш учун маблағларни жамлаш ва самарали ишлатишдир.

Жамғарманинг асосий вазифалари:

- жамғармага маблағлар тушуми ва харажатлари балансларини шакллантириш;
- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари куриш, қайта куриш ва тузатиш дастурларини молиялаштиришни таъминлаш;
- инвестиция лойиҳаларини ва капитал таъмирлаш объектларини, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари объектларини капитал ва ўрта таъмирлаш бўйича ишчи ҳужжатларни ва умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари жиҳозлаш бўйича тендер ҳужжатларини техник-иқтисодий асослаш;
- йўл ҳўжалиги объектларини куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлашларнинг манзилли рўйхатларини белгиланган тартибда келишиш;
- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш бўйича харажатлар сметаларини келишиш;
- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш, жиҳозлаш ва сақлаш бўйича тадбирларни тасдиқланган харажатларга биноан молиялаштириш;
- жамғарма маблағлари ишлатилишининг қонунийлиги ва мақсадлилиги устидан назоратни амалга ошириш.

Юқланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда жамғарма куйидаги функцияларни бажаради:

- Республика йўл жамғармаси даромадлари ва харажатларининг ҳар йиллик балансларини ишлаб чиқади ва жамланган Давлат бюджети лойиҳасига кириштириш учун белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади;

<sup>314</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойиҳалаштириш, куриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон Қарори.

- Жамғарманинг кейинги йилга мўлжалланган чорақларга бўлинган харажатлари бўйича тасдиқланган параметрларини “Ўзавтойўл” давлат акциядорлик компанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоятлар ҳокимиятларига ҳамда даромадлар бўйича параметрларини Давлат солиқ кўмитасига ва Давлат божхона кўмитасига етказади;

- Жамғарманинг тушумлар манбалари ва республика минтақалари бўйича даромадлари ҳисобини, шунингдек харажатларнинг асосий йўналишлари бўйича ҳисобини юритади;

- даромадлар тушуми прогнозининг бажарилиш жараёнини таҳлил этади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва Давлат божхона кўмитаси билан биргаликда даромадлар тушуми прогнозининг бажарилишига салбий таъсир этувчи омилларни бартараф этиш чораларини қўллайди;

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларининг экспертизасини амалга оширади;

- халқаро транспорт коридорларига, республиканинг ички вилоятлараро йўллари тизими таркибига қирувчи умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича буюртмачи ва зифасини ўтайди;

- “Ўзавтойўл” давлат акциядорлик компанияси билан келишилган умумий фойдаланишдаги халқаро ва давлат аҳамиятига эга автомобиль йўлларини капитал ва ўрта таъмирлаш объектларининг манзилли рўйхатларини тасдиқлайди;

- Жамғарма маблағлари конун доирасида, мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назоратни белгиланган тартибда амалга оширади.

- ва бошқалар.

Республика йўл жамғармасининг даромадлари жамғармага Солиқ кодексига биноан амалга ошириладиган мажбурий тўловлар (ажратмалар ва йиғимлар) ҳисобига шаклланиб, унга яна ихтиёрий бадаллар, хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳам қиради (55-жадвал):

**55-жадвал. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги  
Республика йўл жамгармасига ажратмалар ва йиғимлар  
СТАВКАЛАРИ<sup>315</sup>**

**I. Мажбурий ажратмалар**

N	Тўловчилар	Тўлаш объекти	Солиқ солиш объектига нисбатан %да ставка
1	Воситачилик (топширик) шартномалари ва воситачилик хизматларини кўрсатишга доир бошқа шартномалар бўйича воситачилик хизматлари кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар	ҚҚСни чегирган ҳолда воситачилик ҳақи суммаси	1,0
2	Тайёрлов, таъминот-сотиш ташкилотлари	ҚҚСни чегирган ҳолда товар обороти ҳажми	1,0
3	"Ўздонмахсулот" АК корхоналари (ғалла қабул қилиш корхоналари ва ғалла қабул қилиш фаолиятини амалга оширувчи донни қайта ишлаш корхоналари)	ҚҚСни чегирган ҳолда таъминот-сотиш устамаси ва чегирма	1,0
4	Кредит ва сугурта ташкилотлари	даромад	1,5
5	Молиявий ижара (лизинг) хизматларини кўрсатадиган корхоналар	фонзли даромад	1,5
6	Коммунал хўжалик тизимининг иссиқлик, сув ва газ таъминоти корхоналари	махсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ҚҚСни ва тегишлича иссиқлик таъминоти корхоналари учун - иссиқлик энергияси, сув таъминоти корхоналари учун - сув, газ таъминоти корхоналари учун - табиий газнинг харид қийматини чегирган ҳолда	1,5
7	Қурилиш, қурилиш-монтаж, таъмирлаш-қурилиш, ишга тушириш-созлаш, лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ташкилотлари	ҚҚСни чегирган ҳолда ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми	1,5

<sup>315</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроектисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида" 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон Қарори, 21-илова.

8	Автотранспорт корхоналари	ҚҚСни чегирган ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) реализацияси ҳажми	2,5
9	“Ўзбекэнерго” ДАК ва унга қарашли корхоналар, шунингдек “Ўзбекнефтгаз” МХК корхоналари	маҳсулот сотилиши ҳажми, электр энергияси ва табиий газ бўйича якуний истеъмолчига сотилиши ҳажми, ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда	1,5
10	Иктисодиётнинг бошқа тармоқлари корхоналари	маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилиши ҳажми, ҚҚС ва акциз солиғини чегирган ҳолда	1,5

## II. Республика йўл жамғармасига йиғимлар ва ажратмалар

N	Йиғимлар ва ажратмалар турлари	Ставка
1.	Олинган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириладиган автотранспорт воситалари кийматида ушбу воситаларнинг эгалари (фойдаланувчилари) томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИБ органларида рўйхатдан ўтказиш чоғида тўланадиган йиғимлар (фойдаланиш муддатига қараб ҳар бир от кучи учун энг кам иш ҳақиға нисбатан фойзда)*:	
	фойдаланиш муддати 3 йилгача	10
	фойдаланиш муддати 3 йилдан 7 йилгача	7
	фойдаланиш муддати 7 йилдан ортиқ	5
2.	“Ўзавтйўл” ДАК корхона ва ташкилотлари мол-мулкни сотиб олишдан тушган маблағларнинг бюджетга тушиши лозим бўлган умумий суммасидан ажратмалар (%)	50

\* йиғим миқдори:

- ўринлар сони 40 тагача бўлган автобуслар ва юк ортиш ҳажми 20 тоннагача бўлган юк автотранспорт воситалари бўйича – харид кийматининг 20 фоизидан;
- қолган автотранспорт воситалари бўйича – харид кийматининг 6 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Йўл жамғармасига йиғимларнинг ставкалари 2010 йилда қуйидагича белгиланган (56-жадвал):

**56-жадвал. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига Ўзбекистон Республикаси ҳудудига хорижий ва чегарадош давлатлардан автотранспорт воситаларини олиб кириш ва транзит қилишдан йиғимлар ставкалари<sup>316</sup>**

№	Йиғимлар турлари	Йиғимлар ставкалари (АҚШ долларида)
1	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет эл давлатларидан автотранспорт воситаларини олиб кирганлик ва транзит қилиш учун йиғимги ва бир автоташувчици олиб кирганлик учун (2-5-бандларда кўрсатилган мамлакатлар бундан мустасно)	400
2	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Тожикистон Республикасининг ҳар бир юк автотранспорт воситаси ва автобусини олиб кирганлик ва транзит қилганлик учун йиғим:	
	битта юк автотранспорт воситаси ва автобусдан	130
	юк автотранспорт воситаси ва автобус Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган 8 суткадан ошган ҳар бир кун учун	50
	Ўзбекистон Республикаси ҳудудига Қозоғистон Республикаси юк автотранспорт воситалари ва автобусларини олиб кирганлик учун йиғим, бир юк автотранспорт воситасини олиб кирганлик учун*	90
3	юк автотранспорт воситалари ва автобусларни Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали учинчи мамлакатларга (МДҲ мамлакатларидан ташқари) транзит олиб ўтганлик учун	300
4	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали Қирғизистон Республикасининг юк автотранспорт воситалари ва автобусларини олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғим*	300
5	Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб автотранспорт воситалари турлари бўйича Туркменистон Республикаси автотранспорт воситаларини олиб кириш ва транзит қилиш учун йиғим:	
	қуйидаги ҳажмдаги юкларни кўтарадиган юк автотранспорт воситалари:	
	10 тоннагача	50
	10 тоннадан 20 тоннагача	100
	20 тоннадан кўп	150

<sup>316</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори, 23-илова.

Ўриндиклар сони куйидагича бўлган автобуслар:	
12 ўриндиккача	25
13 ўриндикдан 30 ўриндиккача	50
30 ўриндикдан кўп	100
транзит йўналишли енгил автотранспорт воситалари	30
транзит йўналишли мотоцикллар	15

1. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб хорижий давлатларнинг оғир юк ташувчи ва йирик габаритли транспорт воситалари ўтганлиги учун мазкур иловада назарда тутилган ставкалар бўйича йиғим тўланиши билан бир вақтда қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарори билан белгиланган миқдорларда тўлов ундирилади.

2. Гуманитар юкларни олиб ўтишда автотранспорт воситаларининг олиб кирилиши ва транзитида ундирилаётган йиғимлар ставкасига нисбатан 0,5 камаковчи коэффициентни қўлланилади.

3. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Жамғарманинг вақтинчалик бўш маблағларини молия бозорларида жойлаштиришдан тушган фонд қўринишидаги даромадлар солиққа тортилмайди. Алоҳида категориядаги фуқаролар, нодавлат секторининг хўжалик юритувчи субъектлари, давлат бюджетидан молиялаштирилган ташкилотлар ва муассасалар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ йўл жамғармасига ажратмалар ва йиғимлар бўйича имтиёзлар белгиланган.

Жамғармага маблағлар тушумини йиғиш ва тўлиқлигини назорат қилишни Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ва Давлат божхона кўмитаси амалга оширади.

Жамғарманинг маблағлари қуйидагиларга **сарфланади**:

1) лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш:

- халқаро транспорт коридорлари, республиканинг ички вилоятлараро йўллари тизими таркибига кирувчи умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини (маблағларни сарфлаш бўйича буюртмачи вазифасини Жамғарма ўтайди);

- вилоятлараро ва туманлараро умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини (маблағларни сарфлаш бўйича буюртмачи вазифасини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоятлар ҳомиятлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматини ўтайди);

2) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш, жорий таъмирлаш, жиҳозлашга (технологик ускуна, техника ва машина-механизмларни сотиб олиш), эксплуатацион эҳтиёжларга (маблағларни сарф-

лаш бўйича буюртмачи вазифасини “Ўзавтойўл” давлат акционерлик компанияси ва унинг худудий йўл-эксплуатация ташкилотлари ўтайди).

**Жамғарманинг валюта маблағлари** “Ўзавтойўл” ДАК ва унинг худудий йўл-эксплуатация ташкилотларининг қуйидагиларга харажатларини молиялаштиришга сарфланади:

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва жорий таъмирлашга импорт йўл техникаси, ускунаси, технологиялари ва материалларни сотиб олишга;
- “Ўзавтойўл” ДАК, унинг бўлинмалари ва Жамғарма учун малакали кадрларни хорижда ёки республикага хорижий мутахассиларни таклиф қилиш ёрдамида тайёрлашга.

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини куриш ва реконструкция қилиш, Жамғарма маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган йўлларни сақлаш ва жорий таъмирлаш учун технологик ускуналар, техника ва машина-механизмларни сотиб олиш белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Министрликларининг дастурига қиратилади.

Жамғарманинг даромадлари ва харажатлари маблағлар шаклланиши ва сарфланишининг мақсадли йўналтирилганлиги сақланиб қолган ҳолда Ўзбекистон Республикаси жамланган бюджет таркибига киритилади ва Жамғарманинг махсус жамланма балансида акс эттирилади. Жамғарманинг жорий йилда ишлатилмаган маблағлари олиб қўйилмайди ва мақсадли равишда кейинги даврда сарфланади.

**Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар прогнозини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби.** Жамғарма маблағларининг тасарруф этувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Жамғарманинг ижро дирекцияси-дир. У Жамғарманинг даромадлар ва харажатлар ижроси бўйича бухгалтерия ҳисоботини тузади ва уни Жамғармани бошқариш бўйича Кенгаш томонидан тасдиқлангандан сўнг Молия вазирлигига тақдим этади.

“Ўзавтойўл” ДАК ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоятлар ҳокимликлари қошидаги ягона буюртма хизматлари ҳар йили 5 июнга қадар Жамғармага керакли маълумотларни етказди ва ушбу маълумотлар асосида Жамғарма ҳар йили 15 июнга қадар қуйидагиларни амалга оширади:

- Жамғарма харажатларининг жорий йилда ижроси кутилаётган ҳажминини ва келаси йилга прогнозини аниқлайди;



- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига Ўзбекистон Республикаси инвестиция дастурининг марказлаштирилган капитал қўйилмаларининг лимитлари бўйича прогноз параметрларини тақдим этади.

Жамғарма ҳар йили 1 июлга қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига “Ўзавтойўл” ДАК билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган келаси йилга даромадлар ва харажатлар прогнозини тақдим этади. Жамғарманинг даромадлар ва харажатлари бўйича аниқлаштирилган прогноз Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига келаси йилга Давлат бюджети асосий параметрлари бўйича прогноз билан биргаликда киритилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тасдиқлангандан сўнг Жамғарма беш кун муддат ичида қуйидагиларни амалга оширади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ Қўмитасига – Жамғарманинг келаси йилга даромадлари бўйича тасдиқланган асосий параметрларини чораклар ва ҳудудлар бўйича тақсимланган ҳолда етказди;

- “Ўзавтойўл” ДАКга – Жамғарманинг келаси йилга харажатлари бўйича тасдиқланган асосий параметрларини чораклар ва ҳудудлар бўйича тақсимланган ҳолда етказди;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоятлар ҳокимликлари қошидаги ягона буюртма хизматларига – Жамғарманинг келаси йилга маҳаллий (вилоят) аҳамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва ўрта таъмирлаш учун кетадиган харажатлари бўйича тасдиқланган асосий параметрларини чораклар ва ҳудудлар бўйича тақсимланган ҳолда етказди.

Шундан сўнг, даромадларнинг тасдиқланган параметрларини олганидан кейин бир ҳафта ичида Жамғарма Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда манбалар бўйича даромадларнинг йиллик прогнозини чораклар ва республика ҳудудлари кесимида аниқлайди ва ушбу маълумотни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри давлат солиқ бошқармаларига етказди.

Харажатлар прогнози олингандан сўнг икки ҳафта ичида:

1. Жамғарма қуйидагиларни тасдиқлайди:

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва “Ўзавтойўл” ДАК билан келишилган халқаро ва давлат аҳамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари бўйича лойиҳа-тадқиқот ишлари олиб бориш, қуриш ва реконструкция қилишнинг манзилли рўйхатларини;

- “Ўзавтойўл” ДАК билан келишилган халқаро ва давлат аҳамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини капитал ва ўрта таъмирлашнинг манзилли рўйхатларини.

2. “Ўзавтойўл” ДАК куйидагиларни тасдиқлайди:

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Жамғарма билан келишилган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва жорий таъмирлаш учун импорт қилинаётган технологик ускуналар, техника ва машина-механизмлар рўйхатини;

- умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва жорий таъмирлашга зарур бўлган ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилотлари харажатларининг жамланма сметаларини;

- “Ўзавтойўл” ДАК ижро аппарати ва унинг ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилотларини сақлаш харажатлари сметаларини.

3. Жамғарма “Ўзавтойўл” ДАК томонидан тасдиқланган умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини сақлаш ва жорий таъмирлаш харажатлари сметаларининг келишувини амалга оширади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва вилоятлар ҳокимиятлари куйидаги манзилли рўйхатларни тасдиқлайди:

- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Жамғарма, “Ўзавтойўл” ДАК ва унинг ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилотлари билан келишилган маҳаллий (вилоят) аҳамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш;

- Жамғарма, “Ўзавтойўл” ДАК ва унинг ҳудудий йўл-эксплуатация ташкилотлари билан келишилган маҳаллий (вилоят) аҳамиятидаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини капитал ва ўрта таъмирлаш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳар ойда, белгиланган муддатда, Жамғарманинг ижро дирекциясига ҳисобланган ва тушган тўловлар, шунингдек Жамғармага мажбурий ажратмалар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри кесимида қарздорликлар бўйича оператив ҳисоботни тақдим этади.

Жамғарманинг даромадлари таркибида корхоналар, хўжаликлар, ташкилотларнинг махсулотни сотиш ҳажмидан маблағлар ажратмалари катта ўрин (66 фоиздан ортиқ) эгаллайди, харажатларнинг асосий улуши эса (63 фоиздан ортиқ) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини таъмирлаш ва сақлашга ажратилади.

## 6.7. Давлат мулкани бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси Давлат кўмитасининг махсус ҳисоби

Бозор муносабатларини шакллантириш, тадбиркорлик ва рақобатчиликни рағбатлантириш, меҳнат унумдорлиги асосланганлигининг кучайиши, шунингдек Ўзбекистон ҳудудида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг ягона сиёсатини ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 10 февралдаги ПФ-337-сон Фармони<sup>317</sup> билан Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни<sup>318</sup> ижросини таъминлаш мақсадида Давлат мулкани бошқариш кўмитаси ташкил этилган бўлиб, унинг асосий вазифаларидан бири давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш бўйича махсус жамғармаларни ташкил этиш ва ишлатишдир. Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 7 сентябрдаги ПФ-471-сон Фармони<sup>319</sup> билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Давлат мулки жамғармаси ташкил этилди ва унга давлат бошқаруви органи ҳуқуқлари берилди.

1994 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат мулки жамғармаси негизда Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат кўмитаси (Давлат мулк кўмитаси) ташкил этилди. Давлат мулки жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тасарруфидан чиқарилиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат кўмитаси таркибига киритилди.<sup>320</sup>

2005 йилда давлат бошқаруви органлари ўртасида вазифа, функция ва ваколатларни аниқ чегаралаб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат кўмитаси

<sup>317</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитасини ташкил қилиш тўғрисида” 1992 йил 10 февралдаги ПФ-337-сон Фармони.

<sup>318</sup> “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрдаги 425-ХII-сон Қонуни.

<sup>319</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида давлат мулки Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1992 йил 7 сентябрдаги ПФ-471-сон Фармони.

<sup>320</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитасини ташкил қилиш тўғрисида” 1994 йил 7 февралдаги ПФ-758-сон Фармони.

Президент Фармонига<sup>321</sup> биноан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси (Давлат мулки қўмитаси) деб ўзгартирилди.

2009 йилдан бошлаб тушумлар ҳисобини юритиш, хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимлаш ва уларнинг ишлатилиши устидан назорат қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорига<sup>322</sup> мувофиқ тасдиқланган Низом билан тартибга солинади.

Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетининг бир қисми ҳисобланади ва қуйидагилар:

- корхоналар, хўжалик жамиятларининг Устав фондларидаги акциялар (улушлар)ни, ер участкаларини ва давлат мулки ҳисобланадиган бошқа мулкларни сотиш;

- Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси томонидан илгари берилган кредитлар ҳамда олинган кредитлар (қарзлар)нинг асосий суммасини қайтариш тарзидаги қарзлар ва улар бўйича ҳисобланган фозилар бўйича қарздорлардан тушумлар;

- тузилган ва бекор қилинган давлат активлари олди-сотди шартномалари, берилган кредитлар ва қарзлар бўйича тушган пенялар ва жарималар;

- устав фондида давлат улуши мавжуд бўлган хўжалик жамиятларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатишдан тушумлар;

- ишончли бошқарувчилар томонидан талаб қилиб олинмаган Давлат мулки қўмитасининг субҳисоб рақамларидан қайтарилган маблағлар;

- суд қарорлари бўйича давлат мулки қўмитасининг махсус ҳисоб рақамига ва унинг ҳудудий бошқармалари иккиламчи махсус ҳисоб рақамларига тушумлар ҳисобига ҳосил бўлади.

**Хусусийлаштиришдан тушган маблағларни тақсимлаш** Давлат мулки қўмитаси томонидан ҳар ойда миллий валютада, қуйидаги нисбатларда амалга оширилади:

- 65% - республика бюджетига;
- 25% - ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш лойиҳаларини молиялаштириш, бозор инфратузилмаси институтларини шакллантириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига;

<sup>321</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг номини ўзгартириш тўғрисида” 2005 йил 4 майдаги ПФ-3603-сон Фармони.

<sup>322</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сон қарорига 4-илова “Хусусийлаштиришдан тушумларни ҳисобга олиш, тақсимлаш ва маблағлардан фойдаланилишини назорат қилиш тартиби тўғрисида Низом”.

- 5% - уларни фақат бозор инфратузилмасини ривожлантиришга ва тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлашга мақсадли йўналтирган ҳолда Ўзбекистон Савдо-саноат палатасига;

- 1% - Хусусийлаштириш давлат дастурини амалга ошириш, давлат активларини хусусийлаштириш жараёнини ахборотлар билан таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш учун Давлат мулки кўмитаси харажатларига;

- 2% - Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитаси ҳузуридаги Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва корхоналарни таркибий ўзгартириш жамғармасини шакллантиришга;

- 2% - тасарруф этиш ва бошқариш функцияларини амалга ошириш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун Давлат мулки кўмитаси ёки унинг ҳудудий бошқармалари ҳисоб рақамларига.

Хусусийлаштиришдан **хорижий валютада** тушадиган маблағлар Давлат мулки кўмитасининг Марказий банкдаги махсус валюта ҳисоб рақамига ўтказилади, кейинчалик улар белгиланган тартибда, тўлиқ ҳажмда Марказий банкга мажбурий тартибда сотилади.

**Ер участкаларини хусусийлаштиришдан** тушган маблағлар, конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, Давлат мулки кўмитасининг махсус ҳисоб рақамида ҳамда Давлат мулки кўмитаси ҳудудий бошқармаларининг иккиламчи махсус ҳисоб рақамларида жамланади ва қуйидаги тартибда тақсимланади:

- 80% - республика бюджетига ажратилади. Бунда ер участкаларини хусусийлаштиришдан республика бюджетига тушган маблағларнинг камида 3% муҳандислик инфраструктурасининг бош режалари ва схемаларини хатловдан ўтказиш, ишлаб чиқиш ва уларга тузатишлар киритиш, ер кадастрларини шакллантириш ва ерларни иктисодий зоналарга бўлиш харажатларини қоплашга ажратилади;

- 20% - маҳаллий бюджетларга мувофиқ ҳудудларнинг инфратузилмасини ривожлантириш ва ободонлаштириш учун мақсадли фойдаланган ҳолда тегишли маҳаллий бюджетларга ажратилади.

Хусусийлаштиришдан тушган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Тошкент шаҳри бўйича Бош бошқармасининг ҳисоб-китоб-касса марказидаги Давлат мулки кўмитасининг махсус ҳисоб рақамида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳудудий бош бошқармаларида

очилган Давлат мулки кўмитаси ҳудудий бошқармаларининг иккиламчи махсус ҳисоб рақамларида жамланади.

Маблағларни республика бюджетига ўтказиш (65%) ҳар ойда Давлат мулки кўмитасининг махсус ҳисоб рақамларидан амалга оширилади.

Маблағлар Давлат мулки кўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш эҳтиёжлари учун (25%) ҳар ойда, уларнинг газначилик ҳисоб рақамларига ва ҳудудий раҳбариятнинг қарорлари асосида қуйидаги йўналишлар бўйича сарфланади:

1) маблағларнинг 50% 1991 йилгача қурилган кўп квартирали уй-жойларнинг умумий фойдаланиладиган жойларини ва муҳандислик коммуникацияларини мукамал таъмирлашни, шунингдек умумтаълим мактаблари ва мактабгача тарбия муассасаларини мукамал таъмирлаш ва жиҳозлашни молиялаштиришга йўналтирилади;

2) маблағларнинг камида 25% аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган тоифалари учун уй-жой қурилишини молиялаштиришга йўналтирилади;

3) маблағларнинг колгани:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур бўлган муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси объектлари, сув қувурлари, канализация тизимлари ва иншоотлар, газ ва электр таъминоти тармоқлари, йўллар қурилишини, шунингдек ижтимоий инфратузилмани – таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт объектлари қурилишини молиялаштиришга;

- лойиҳалаш ҳужжатларини, шу жумладан, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштиришга йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилишни амалга оширилади.

### **Назорат саволлари**

1. Давлат мақсадли жамғармалари деганда нима тушунилади?
2. Давлат учун бюджетдан ташқари жамғармалар аҳамиятини тушунтиринг.
3. Бюджетдан ташқари жамғармаларнинг шаклланиш манбаларини айтиб беринг.
4. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг мақсади ва асосий вазифаларини айтиб беринг.
5. Пенсия жамғармаси даромадларининг шаклланиш манбаларини кўрсатинг.

6. Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларини сарфлашнинг асосий йўналишларини айтиб беринг.

7. Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг шаклланиш мақсади ва асосий вазифаларини айтинг.

8. Индивидуал жамғариб бориладиган пенсия ҳисобларининг шаклланиш манбаларини айтинг.

9. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш тартибини тушунтириб беринг.

10. Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармасини ташкил этиш мақсади ва асосий вазифаларини айтинг.

11. Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларининг шаклланиш манбаларини айтинг.

12. Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларини сарфлаш йўналишларини айтиб беринг.

13. Республика йўл жамғармасининг ташкил этилиш мақсади ва асосий вазифаларини айтиб беринг.

14. Республика йўл жамғармаси маблағларининг шаклланиш манбаларини айтинг.

15. Республика йўл жамғармаси маблағларини сарфлашнинг асосий йўналишларини санаб беринг.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг махсус ҳисоб варағини ташкил этиш мақсади ва асосий вазифаларини айтинг.

17. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг махсус ҳисоб варағи маблағлари шаклланиш манбаларини айтиб беринг.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат кўмитасининг махсус ҳисоб варағи маблағларини сарфлашнинг асосий йўналишларини санаб беринг.

## **Адабиётлар**

### **Асосий адабиётлар**

1. Государственный бюджет: Учебник /А.В. Вахабов, З.Х. Срождиддинова. 2-е изд., перераб. и доп. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.

### **Норматив ҳужжатлар**

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.

3. “Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 19 ноябрдаги 425-ХII-сон Қонуни.

4. “Автомобиль йўллари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлдаги 653-ХII-сон Қонуни.

5. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январдаги 510-ХII-сон Қонуни.

6. “Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 3 сентябрдаги 938-ХII-сон Қонуни.

7. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 1998 йил 1 майда тасдиқланган янги таҳрири (616-И-сон Қонун).

8. “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-И-сон Қонуни.

9. “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги 702-И-сон Қонуни.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мулкани бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитасини ташкил қилиш тўғрисида” 1992 йил 10 февралдаги ПФ-337-сон Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида давлат мулки Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1992 йил 7 сентябрдаги ПФ-471-сон Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат кўмитасини ташкил қилиш тўғрисида” 1994 йил 7 февралдаги ПФ-758-сон Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Дехқон ва фермер хўжалиқларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чоратadbирлар тўғрисида” 1997 йил 18 мартдаги ПФ-1737-сон Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиқ маҳсулотларининг ҳисоб-китоб Жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1998 йил 31 декабрдаги ПФ-2165-сон Фармони.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўллари қуриш ва улардан фойдаланишни бошқариш тизимини тақомиллаштириш тўғрисида” 2003 йил 19 августдаги ПФ-3292-сон Фармони.



16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида” 2004 йил 21 майдаги ПФ-3431-сон Фармони.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг номини ўзгартириш тўғрисида” 2005 йил 4 майдаги ПФ-3603-сон Фармони.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 2006 йил 11 майдаги ПФ-3751-сон Фармони.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932-сон Фармони.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2006 йил 18 декабрдаги ПҚ-532-сон Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида республика мақсадли Китоб жамғармасини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 1 июндаги ПҚ-363-сон Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 30 декабрдаги ПФ-4161-сон Фармони.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитасини ташкил қилиш тўғрисида” 1992 йил 10 февралдаги ПФ-337-сон Фармони.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Уй-жой қурилиши ва уй-жой бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2005 йил 16 февралдаги ПҚ-10-сон Қарори.

25. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини лойihalаштириш, қуриш ва реконструкция қилиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 25 октябрдаги ПҚ-499-сон Қарори.

26. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сон Қарори.

27. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2010 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида” 2009 йил 22 декабрдаги ПҚ-1245-сон Қарори.

28. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш билан таъминлашга кўмаклашиш республика жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1992 йил 31 декабрдаги 606-сон Қарори.

29. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида” 2004 йил 21 октябрдаги 490-сон Қарори.

30. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва Ўзбекистон Қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ижтимоий суғурта жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1993 йил 4 августдаги 391-сон Қарори.

31. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги хузурида Пенсия жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1996 йил 27 декабрдаги 459-сон Қарори.

32. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом” (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2003 йил 20 майда 1136-1-сон билан рўйхатга олинган).

33. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги 173-сон қарорига 1-илова “Ўзбекистон Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида Низом”.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика йўл жамғармасини ташкил этиш тўғрисида” 1993 йил 5 июлдаги 334-сон Қарори.

35. “Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш марказларида фуқароларни рўйхатдан ўтказиш, ишга жойлаштириш, ишсизлик нафақасини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низом. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 13 октябрда 831-сон билан рўйхатга олинган.

36. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат активларини сотиш тартибинини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 29 январдаги 27-сон Қарори.

## 7-БОБ. ДАВЛАТ ҚАРЗИ: МАЗМУНИ, ТАРКИБИ ВА БОШҚАРИШ

### 7.1. Давлат қарзи тушунчаси, иқтисодий мазмуни ва таркибий тузилиши

Ҳозирги даврда дунёда кўпчилик мамлакатларнинг ҳукуматлари баланслаштирилмаган давлат бюджетларини шакллантириш амалиётига мурожаат этмоқдалар. Режалаштирилган харажатларни тақчиллик шароитида тўлиқ ҳажмда амалга ошириш учун давлатлар шу жумладан (ички ва ташқи) молия бозорларидан маблағларни жалб қилиш амалиётига мурожаат этадилар. Бу давлат қарзининг пайдо бўлишига олиб келади, кўшимча маблағлар жалб қилиниши эса унинг ошиб боришига сабаб бўлади.

**Давлат қарзи** – давлатнинг ташқи ва ички кредит операциялари бўйича қарздорлик суммаси. **Давлат заёмлари** – кредит муносабатларининг бир тури бўлиб, унда давлат (ёки унинг маҳаллий органлари) қарз олувчи ёки қарз берувчи сифатида амал қилади.

Шу билан бирга, бюджет фаолияти амалиётида бюджетга даромадларни тушиш вақти билан харажатларни амалга ошириш вақти ўртасидаги фарқ касса узилиши кўринишида вужудга келиши мумкин. Харажатларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга ошириш мақсадида давлат заёмлар ва молия бозоридан маблағларни жалб этишни амалга оширади.

Бозор муносабатлари шароитида давлат молия бозорининг иштирокчиси сифатида қарз олади, пул маблағларини қарзга беради ёки қарз олувчиларнинг мажбуриятлари бўйича кафолат беради, яъни уларнинг тўловга қобилиятсизлиги учун молиявий жавобгар ҳисобланади.

Пул маблағларини жалб қилиш давлатнинг молия бозоридаги фаолиятининг пассив шакли сифатида тавсифланиши мумкин. Давлат ўз ихтиёрига омонатчиларнинг вақтинчалик бўш турган пул маблағларини олиш билан уларни шартнома шартлари бўйича белгиланган муддатда қайтариш ва фоизларни тўлаш мажбуриятларини олади. Давлат пул маблағларини қарзга бериши унинг молия бозоридаги ҳаракатининг фаол шакли сифатида қаралиши мумкин. Чунки давлат қарз олувчиларга маблағларни белгиланган муддатда қайтариш ва шу маблағлардан фойдаланганлик эвазига тўловни амалга ошириш (фоиз тўлаш) шартлари билан беради.

Давлатнинг кафолат бериш фаолияти Давлат молияси статистикаси бўйича Қўлланмада (ХВЖ, 2001 йил) қуйндагича ақс этирилган:<sup>323</sup>

<sup>323</sup> Қаранг: Руководство по статистике государственных финансов 2001 года (МВФ). - 188-б.

Давлат бошқаруви секторининг бирликлари кўпчилик ҳолларда бошқа бирликлар томонидан олинган қарз мажбуриятлари бўйича кафолатлар беради. Кўпчилик ҳолларда кредитор дебитор (қарздор)га давлат бошқаруви секторининг бирлиги томонидан қарз бўйича кафолат берилган тақдирда қарз беришга тайёрдир. Қарзнинг олинishi кредитор томонидан кафолатни талаб этиш имконияти яратилувчи шартнома шартлари қўлланилиши, давлат бошқаруви сектори бирлиги эса асосий қарздор ёки дебитор сифатида қарз бўйича мажбурият олинishi шароитида юзага келади. Шундай қилиб, қарзни қабул қилишда уч институционал бирлик катнашади – давлат бошқаруви сатори бирлиги, кредитор ва бирламчи дебитор (қарздор). Давлат бошқаруви органлари кредиторга нисбатан янги мажбуриятни қабул қиладилар, дебиторнинг бирламчи мажбурияти эса тугатилади. Янги қарз шартлари бирламчи қарз шартлари билан бир хил бўлиши мумкин ёки кафолатларни қўллаш натижасида янги шартлар кучга кириши мумкин.

Давлат кафолатлари шакллари қуйидагилардир: давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ёки солиқ органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган бюджет ссудалари, товар кредитлари, имтиёзли кредит ва солиқ тўловининг кечиктирилиши қўринишидаги инвестицион солиқ кредитлари.

Молия бозорида иштирок этиш давлатга тақрор ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан муҳим тармоқлар (инфратузилма, уй-жой қурилиши, кишлоқ хўжалиги)ни молиялаштириш орқали молиявий имкониятларни кенгайтиришга, ижтимоий ривожланишга таъсир кўрсатишга, иқтисодиётни тартибга солишга имконият яратади. Аммо, асоссиз ва самарасиз ҳамда таъминланмаган пул маблағларининг тақдим этилиши солиқ юқининг ошиб кетишига, капитал чикиб кетишига ва бошқа салбий натижаларга (иқтисодиёт тўлик бекорорлашувигача) олиб келиши мумкин.

Кўпчилик ҳолларда мамлакатнинг давлат қарзини барқарорлик даражаси Маастрихт мезонлари бўйича баҳоланади: давлат қарзи ЯИМга нисбатан 60 фоиздан ошиб кетмаслиги керак.

Халқаро тасниф асосида қабул қилинган экспертларнинг баҳолашлари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Мамлакат катта қарзга эга, агар:

- хизмат кўрсатилаётган қарз суммаси ЯИМнинг 80 фоиздан ошиб кетса;
- хизмат кўрсатилаётган қарз суммаси экспортнинг 220 фоиздан ошиб кетса.

## 2. Мамлакат ўртача қарзга эга, агар:

- хизмат кўрсатилаётган қарз суммаси ЯММнинг 48-80% доирасида бўлса;
- хизмат кўрсатилаётган қарз суммаси экспортнинг 132-220% доирасида бўлса.

Ўзбекистон қонунчилиги бўйича давлат қарзи – бу давлат томонидан ички маблағни ва хориждан маблағ жалб қилиш натижасида вужудга келган Ўзбекистон Республикаси мажбуриятларининг йиғиндисидир.<sup>324</sup>

Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш – бу активларни ички манбалардан (резидент юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари вужудга келиши<sup>325</sup> бўлиб, унинг натижасида давлат ички қарзлари пайдо бўлади.

Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш – активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши<sup>326</sup> бўлиб, унинг натижасида давлат ташқи қарзлари пайдо бўлади.

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан кейинги йилга Давлат бюджетини қабул қилиниши билан бирга давлат ички ва ташқи қарзларининг юқори чегаралари ҳам тасдиқланади.

Ўзбекистонда давлат қарзининг пайдо бўлиши ва ошиб боришига олиб келувчи фаолият ҳукумат – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва у томонидан белгиланган ваколатли органлар томонидан амалга оширилади.

Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилиш<sup>327</sup> қуйидаги мақсадларда амалга оширилиши мумкин (36-схема):

<sup>324</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-Ў-сон Қонуни. 3-модда.

<sup>325</sup> Ўша ерда.

<sup>326</sup> Ўша ерда.

<sup>327</sup> Ўша ерда. 40-модда.

**36-схема. Ўзбекистон Республикасида маблағ жалб қилишнинг мақсадлари**



1) иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларини, шу жумладан давлат инвестиция дастурларини молиялаштириш;

2) Давлат бюджети даромадлари билан харажатлари ўртасида тушумлар вақтга кўра мувофиқ эмаслиги туфайли келиб чиққан йиллик ички тафовутни тўғирлаш;

3) мавжуд қарзни қайта молиялаштириш;

4) бюджет тақчиллигини молиялаштириш;

5) табiiй офат ёки бошқа фавқулодда вазиятлар туфайли маблағларга бўлган эҳтиёжларни қоплаш;

б) конун ҳужжатларида белгиланган бошқа мақсадлар.

**Хориждан маблағ қуйидаги йўллар билан жалб қилинади<sup>328</sup>:**

- давлат ёки Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлмиш юридик ва жисмоний шахслар томонидан заёмлар, товарлар ёки хизматларни импорт қилиш шаклида кредитлар жалб этилиши;

<sup>328</sup> “Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августдаги 263-1-сон Қонуни. 3-модда.

- норезидентлар маблағларининг Ўзбекистон Республикаси молия институтлари томонидан депозитларга жалб этилиши;

- лизинг операциялари;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва резидентларнинг облигациялар, векселлар ҳамда бошқа хил қимматли қоғозлар чиқариб, чет эл бозорларида жойлаштириши;

- бошқа тур ва шакллардан фойдаланиш.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки хориждан маблағ жалб қилиш борасида муайян ваколатларга эгадирлар.<sup>329</sup>

Хориждан маблағ жалб қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ваколатларига қуйидагилар қиради:

- хориждан маблағ жалб қилиш масалалари юзасидан халқаро молия ташкилотлари билан музокаралар олиб бориш;

- давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши бўйича лойиҳаларни баҳолаш;

- давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши бўйича шартномаларни ва кафолатларни рўйхатга олиш;

- давлат ташки қарзини ҳисобга олиш ва кузатиб бориш;

- давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши бўйича тўловлар балансини юритиш, жалб этилган маблағлардан фойдаланиш ва уларни тўлаш устидан назоратни амалга ошириш;

- давлат ташки қарзи тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ахборот тақдим этиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Хориждан маблағ жалб қилиш борасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ваколатларига қуйидагилар қиради:

- хориждан маблағ жалб қилиш масалалари бўйича халқаро молия ташкилотлари билан музокаралар олиб бориш;

- Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланмаган хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олиш;

- хориждан маблағ жалб қилишга доир операцияларни ҳисобга олиш ва кузатиб бориш;

- умумий ташки қарзининг ҳисобини юритиш;

- давлат ташки қарзларига ҳисоб-китоб-банк хизмати кўрсатилишини ташкил этиш;

---


<sup>329</sup> Ҷша ерда, 8,9-моддалар.

• Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланган хориждан жалб қилинган маблағларга ҳисоб-китоб-банк хизматлари кўрсатиш юзасидан ваколатли банкларга агентлик ваколатларини бериш;

- хориждан маблағ жалб қилиш бўйича маълумотлар базасини яратиш;
- Вазирлар Маҳкамасига резидентларнинг ташқи қарзи бўйича ахборотлар тақдим этиш;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар.

Давлат томонидан ички ва хориждан маблағ жалб қилишда қарз мажбуриятларининг қуйидаги турларидан фойдаланилиши мумкин (37-схема):

### 37-схема. Ўзбекистон Республикасида қарз мажбуриятларининг турлари



1) қисқа муддатли (бир йилгача бўлган даврга чиқариладиган), ўртача муддатли (бир йилдан беш йилгача бўлган даврга чиқариладиган) ва узок муддатли (беш йилдан ортқ даврга чиқариладиган) давлат қимматли қоғозлари;

2) кредитлар (қисқа муддатли, ўртача муддатли ва узок муддатли);

3) Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари;

4) бюджет даромадлари билан харажатлари ўртасидаги вақтинчалик тафовутни қоплаш учун қисқа муддатли ссудалар;

Давлат заёмлари ихтиёрий ҳисобланади. Давлат заёми шартномаси бўйича заём олувчи – давлат, заём берувчи – фуқаро ёки юридик шахсдир.

Давлат заёми шартномаси қарз берувчининг қарз олувчидан унга қарзга берилган пул маблағларини ёки, заём шартларига боғлиқ ҳолда, бошқа мўлмулки, белгиланган фойзаларни ёки бошқа мулкый ҳуқуқларни заёмни муома-




лага чиқариш шартларида назарда тутилган муддатларда олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган давлат облигациялари ёки бошқа давлат қимматли қоғозларини қарз берувчининг сотиб олиши йўли билан тузилади.<sup>330</sup>

Давлат томонидан қарз олиш жараёнида ҳукумат ёки унинг ваколатли органи банк, молия ташкилотлари билан давлат қарзига хизмат кўрсатувчи агентлар функциясини бажариш ва давлат қарзлари бўйича ўз вақтида ва тўғри ҳисоб-китоб қилинишини назорат қилиш бўйича шартномалар имзолаши мумкин.

Давлат қарзи номинал қиймат бўйича баҳоланади, чунки қарз тўлов муддати келганда тўланмаган мажбуриятларнинг суммасидир. Қарз – ҳаракат (оқим) эмас, балки ҳолат (захира)дир, чунки у маълум бир қайд этилган муддатга баҳоланади, маълум бир даврда унинг ўзгариши эса (муддатлар ўртасида) соф қарз (қарз минус қоплама) олиш эвазига содир бўлади.

Таркибий жиҳатдан қарз асосий ва қопланмаган (жорий) қарздан ташкил топиб (38-схема), унга асосий қарздан ташқари қарз суммаларининг фоизлари ҳам қўшилади.

38-схема. Давлат қарзининг таркибий тузилиши



Ўзбекистонда давлат кафолатлари фақатгина резидент-юримдик шахсларнинг мажбуриятлари бўйича берилади, жисмоний шахсларнинг мажбуриятлари бўйича кафолатлар берилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки у ваколат берган орган томонидан, хорижий креди-

<sup>330</sup> Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1996 йил 29 августдаги 257-1-сон Қарорига мувофиқ 1997 йилнинг 1 мартдан кучга киритилган. 743-модда.

торларга хориждан маблаг жалб килиш шартномалари бўйича хорижий давлатлар, банклар ёки юридик шахсларга берилади.

Айрим ҳоллардагина Ўзбекистон Республикаси кафолатлари тижорат банкларига қуйидагиларни амалга ошириш учун берилади:

- Ўзбекистон Республикаси кафолати билан олинган хорижий кредитларни қайта молиялаштириш;

- қайтариш манбаи сифатида давлат бюджети маблағлари белгиланган стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни молиялаштиришни таъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси кафолатлари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдикланадиган давлат ташқи қарзини янги жалб килиш ҳажмлари доирасида тақдим этилади.

Ўзбекистоннинг ташқи қарзи 2009 йил 1 январь ҳолатига ЯИМнинг 13,3 фоизни ташкил этди ва халқаро тасниф бўйича “ҳар жиҳатдан макбул ҳолат”<sup>331</sup> сифатида тавсифланади.

Давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида амалга оширишга ҳамда давлат томонидан ички ва хориждан маблаг жалб килиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятларидан келиб чиқувчи тўловларни амалга ошириш учун маблағларни жамлашга шарт-шароит яратиш мақсадида республика бюджети таркибида **кафолат жамғармаси** тузилади.<sup>332</sup> Кафолат фондининг маблағлари етишмаган тақдирда, етишмаётган сумма давлат бюджети ҳисобидан тўлдирилади.<sup>333</sup>

## 7.2. Давлат қимматли қоғозлари ва уларнинг таснифи

Давлат қимматли қоғозлари қарз мажбуриятларининг бир тури ҳисобланиб, уларнинг марказлаштирилган эмиссияси иктисодиётни давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида кенг қўлланилади.

Давлат қимматли қоғозларини чиқариш орқали давлат қарзини молиялаштириш банк кредитлари орқали маблағларни жалб этишдан кўра кам харажатли ҳисобланади. Бу ҳукумат қарз мажбуриятларининг юқори даражада ликвидлигини билан боғлиқ бўлиб, инвесторлар уларни иккиламчи бозорда сотиш-

<sup>331</sup> Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иктисодий иккирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009.

<sup>332</sup> “Бюджет тизими тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 42-модда.

<sup>333</sup> “Хориждан маблаг жалб килиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 6-модда.

да (давлатга қарзга берилган ссудаларни қайта сотишдаги қийинчиликларга кўра) камроқ қийинчиликка учрайдилар.

Давлат қимматли қоғозлар бозори давлатга бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг ноинфляцион, нозмиссион манбалар (ички ва ташқи қарзлар) ҳисобига янги прогрессив шаклларида фойдаланиш имконини беради. Инвесторлар учун давлат қимматли қоғозлар бозори маблағларни даромадли инвестициялашга шароит яратади, чунки давлат қимматли қоғозлари билан операциялар бир қатор солиқ имтиёзларига эга ва улар молиявий бозорнинг ишончли воситаси ҳисобланади.

Давлат қимматли қоғозлар бозорини шартли равишда бирламчи ва иккиламчи бозорларга бўлиш мумкин. **Бирламчи бозорда** турли давлат қимматли қоғозларининг бирламчи жойлаштирилиши амалга оширилади. Бундай жойлаштиришлар қуйидаги усулларда амалга оширилиши мумкин: давлат қимматли қоғозларининг бевосита газначилик томонидан ҳар ҳафта аукционлар ўтказишлар ёрдамида ёки тилхатлар орқали сотилиши. Давлат қимматли қоғозларини бирламчи жойлаштириш кўпгина субъектларнинг воситачилигида амалга оширилади. Улар орасида бош ўринни марказий банклар эгаллайдилар, улар янги заёмларни тарқатиш бўйича ишларни ташкиллаштирадилар, янги инвесторларни жалб қиладилар, баъзи ҳолларда ўзлари давлат қарз мажбуриятларининг йирик пакетларини сотиб оладилар.

**Иккиламчи бозор** асосан биржадан ташқари бозор бўлиб, унда шахсий келишувлар асосида ҳар қандай битимлар томонларнинг шахсий ва телефон боғланиши орқали амалга оширилади. Махсус компьютер хизматларидан фойдаланиб томонлар кенг доирадаги сервис хизматларини таклиф этувчи электрон биржадан ташқари бозор соҳасига қирадилар. Кенг ривожланган тармоқлар биржалар аналогли каби фаолият юритади. Давлат қимматли қоғозларининг иккиламчи бозорида барча молиявий институтлар (бевосита ёки воситачилар орқали) фаолият юритади.

Жаҳон амалиётида давлат қимматли қоғозлари қуйидаги бир қатор белгиларга кўра таснифланади.<sup>334</sup>

- жойлаштирилиш жойи бўйича – ташқи ва ички;
- айланиш усули бўйича – бозор ва нобозор;
- маблағларни жалб этиш муддати бўйича – қисқа, ўртача ва узок муддатли;
- қайтарилишини таъминлаш усули бўйича – гаровли ва гаровсиз;

<sup>334</sup> Бюджетная система Российской Федерации / Учебник под ред. проф. Романовского М.В. и проф. Врублевской О.В. – М.:ЮРАЙТ, 2003. – 548-б.

• эмитентнинг даражаси бўйича: унитар типдаги мамлакатларда – марказий ҳукуматнинг давлат заёмлари ва маҳаллий заёмлар; федерал типдаги мамлакатларда – федерал, минтакавий ва маҳаллий;

• даромадни тўлаш шакли бўйича – фоизли, дисконтли, ютукли, индексацияли;

• муддатидан олдин қайтариш ҳуқуқи борлиги ва йўқлиги;

• қарзни қайтариш усули бўйича – бир вақтда (бирданига) қайтариладиган ва бўлиб-бўлиб қайтариладиган (тенг қисмлар билан ёки келишилган муддат даврида ўсиб ёки камайиб борадиган);

• даромадни аниқлаш методи бўйича – катъий даромад ва сузиб юрувчи даромад;

• фойдаланиш йўналишлари бўйича – мақсадли ва мақсадсиз;

• жойлаштириш усули бўйича – эркин муомаладаги (ихтиёрий), мажбурий ва тилхат орқали жойлаштириладиган;

• эмиссия технологияси бўйича – облигацияли ва облигациясиз.

Ўзбекистонда давлат қимматли қоғозларининг қуйидаги турлари амал қилади: Ўзбекистон Республикаси газначилик мажбуриятлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ваколатли органлари томонидан чиқарилган облигациялар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг облигациялари.<sup>335</sup>

Ўзбекистонда Давлат қимматли қоғозлари амал қилиши муддатидан келиб чиқиб қисқа муддатли (бир йилгача муддатга), ўртача муддатли (бир йилдан беш йилгача муддатга) ва узоқ муддатли (беш йил ва ундан ортиқ муддатга) этиб чиқарилиши мумкин.<sup>336</sup>

Давлат қимматли қоғозларини чиқариш эмиссия рисоласисиз ва давлат қимматли қоғозларининг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистонда давлат қимматли қоғозларининг қуйидаги турлари муомалада: Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган орган томонидан чиқарилган облигациялар (1996 йил), Ўзбекистон Республикаси газначилик мажбуриятлари (2004 йил), Ўзбекистон Республикаси Марказий банки облигациялари (2002 йил).<sup>337</sup>

<sup>335</sup> “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ-163-сон Қонуни, 3-модда.

<sup>336</sup> Ўша ерда, 11-модда.

<sup>337</sup> “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 3-модда.

**Амал қилиш муддати бўйича** Ўзбекистон давлат қимматли қоғозлари қисқа муддатли (бир йилгача бўлган муддатга), ўртача муддатли (бир йилдан беш йилгача бўлган муддатга) ва узок муддатли (беш йилдан ва ундан кўп муддатга) турларга бўлинади.<sup>338</sup>

Давлат қимматли қоғозлари эмиссия рисоласисиз ва давлат қимматли қоғозларининг чиқарилиши конун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмасдан чиқарилади.

Давлат қимматли қоғозлар бозори амал қилишининг **ҳуқуқий асоси** бўлиб Ўзбекистон Республикаси конунлари, ҳукумат қарорлари ва норматив ҳужжатлар хизмат қилади. Хусусан:

- Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” 2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ-163-сон Қонуни;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фонзли ички ютукли заёмли облигацияларини муомалага чиқариш чора-тадбирлари ҳақида” 1992 йил 15 июндаги 286-сон Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг қисқа муддатли давлат облигацияларини чиқариш тўғрисида” 1996 йил 26 мартдаги 119-сон Қарори;

- “Ўзбекистон Республикаси Давлат қисқа муддатли облигацияларини чиқаришнинг асосий шартлари”. Адлия вазирлигида 1998 йил 9 ноябрда 524-сон билан рўйхатга олинган;

- “Давлат қисқа муддатли облигацияларини муомалага чиқариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича Низом”. Адлия вазирлигида 1998 йил 30 ноябрда 552-сон билан рўйхатга олинган;<sup>339</sup>

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини чиқариш тўғрисида” 2004 йил 10 январдаги 11-сон Қарори;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятлари чиқарилишининг жойлаштирилиши, муомалада бўлиши ва тўловининг амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” кўшма Қарори. Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 мартда 1327-сон билан рўйхатга олинган;

- ва бошқалар.

<sup>338</sup> Ҳа ерда, 11-модда.

<sup>339</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки томонидан ЎЗР ВМнинг 1996 йил 26 мартдаги 119-сон Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган.

Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорининг мақсади – бир қатор муҳим макроиктисодий вазифаларни ечиш, чунончи: бюджет тақчиллигини инфляциян молиялаштиришни қисқартириш, бозор иштирокчиларига юқори ликвидли ва ишонарли воситаларни тақдим этиш. Молия вазирлиги ва Марказий банкка пул-кредит сиёсатини юритиш имкониятини таъминлаш, шу жумладан очиқ бозорда операцияларни амалга ошириш орқали. Молия вазирлиги томонидан кафолатланадиган давлат облигацияларининг юқори даромадлилиги ва ишонарлилиги, шунингдек ваколатли банк-дилерлар ва самарали биржа инфратузилмаси орқали таъминланувчи бозорнинг юқори ликвидлилиги ушбу қарз воситасига маблағ қўйилишини таъминловчи муҳим омил ҳисобланади.

**Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари** қуйидагилардир:

- **бозорни ташкил этувчилар** – булар бозорда фаолият юритиш қондаларини ва иштирокчилар таркибини белгилөвчи эмитентлар, яъни Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (Молия вазирлигининг Ёш агенти сифатида)дир;

- **дилер** – бу юридик шахс, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестицион институт (қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси) ёки банкдир, у Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан облигациялар бўйича операцияларга хизмат кўрсатиш бўйича шартнома имзолайди;

- **инвестор** – дилер бўлмаган юридик шахс, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ облигацияларни мулк сифатида сотиб олади ва уларни ишлаб чиқариш шартлари ва параметрларини бошқара олади.

**Давлат қисқа муддатли облигациялари** – қарз қоғозлари бўлиб, уларга биноан заём берувчи (давлат) кредит олувчига (инвестор – Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган ҳар қандай юридик шахс) белгиланган муддат ўтгандан сўнг инвестицияланган сумма, шунингдек маълум бир даромад тўланишини кафолатлайди. Давлат қисқа муддатли облигациялари 3, 6, 9 ва 12 ойлик айланиш муддати (аукцион куни билан қарзни қайтариш вақти оралигидаги давр) билан чиқарилади, улар давлатнинг барча активлари билан таъминланиб, инвестицияларга ўта ишончлиликни таъминлайди.

Облигация эмиссияси вақти-вақти билан алоҳида чиқаришлар шаклида амалга оширилади. Ҳар чиқариш, кўпчилик ҳолларда, ойда бир бўлиб ўтади. Облигациянинг номинал қиймати 1000 сўм.

Аукционда бирламчи жойлаштирилганда облигациялар дисконт билан сотилади, қарз номинал бўйича қайтарилади. Давлат қисқа муддатли облигациялари билан операциялардан олинган даромад солиққа тортилмайди.

Давлат қиска муддатли облигацияларининг ҳар бир чиқарилиши маълум бир параметрлар билан тавсифланади ва аукционда сотилади. Чиқариш параметрлари, ҳажми, жойлаштириш ва қоплаш вақти, потенциал иштирокчиларни чегаралаш эмитент (Марказий банк билан келишилган ҳолда Молия вазирлиги) томонидан амалга оширилади.

Давлат қиска муддатли облигацияларининг ҳар бир чиқарилишига давлат регистрация рақами берилади. Давлат регистрация рақами тўққизта разряддан ташкил топади. Масалан:

1) биринчи марта чиқарилган уч ойлик облигациялар куйидаги рақамга эга бўлади: «21001UMFS», бу ерда:

2	1	0	0	1	U	M	F	S
1 разряд	2 разряд	3 разряд	4 разряд	5 разряд	6 разряд	7 разряд	8 разряд	9 разряд

- биринчи разряд, «2» сони қимматли қоғоз турини кўрсатади – қарз мажбурияти;
- иккинчи разряд қимматли қоғоз типини англатади: «1» - уч ойлик давлат облигациялари, «2» - олти ойлик; «3» - тўққиз ойлик; «4» - ўн икки ойлик;
- учинчи, тўртинчи ва бешинчи разрядлар: бу типнинг чиқарилиш тартиб рақамини англатади;
- олтинчи, еттинчи ва саккизинчи разрядлар, аббревиатура «UMF» эмитентни кўрсатади – «Uzbekistan Ministry of Finance»;
- тўққизинчи разряд, «S» ҳарфи, қимматли қоғоз давлатники эканлигини кўрсатади.

2) Ушбу давлат регистрация рақами халқаро операцияларда ишлатилиши ISIN рақами каби амалга оширилади, унинг чап томонига икки разрядли префикс қўшилади, ўнг томонига эса ISO 6166 халқаро стандартига мувофиқ контроль разряди қўшилади.

Давлат қиска муддатли облигациялари қоғозсиз шаклда чиқарилади ва сотилганда эгаларининг Депозитарийдаги шахсий ҳисоб варақларида (депо” ҳисоб варақларида) қайд этиш тарзида расмийлаштирилади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ облигациялар бозори иштирокчилари икки тоифага: дилерлар ва инвесторларга бўлинади. Инвестор дилер (дилерлар) би-

лан хизмат кўрсатиш бўйича шартнома имзолаши шарт. Бу шартнома облигацияларни сотиб олиш, уларга эгаллик қилиш ва уларни сотиш тартибини, шунингдек ушбу операцияларни бажаришда томонларнинг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Давлат қисқа муддатли облигацияларининг бирламчи жойлаштирилиши аукционда амалга оширилади. Унда Марказий банкнинг расмий рўйхатга олинган дилерлари облигациялар сотиб олиш учун буюртмаларни барча хоҳловчилардан тўплаб берадилар. Буюртмаларда сотиб олинаётган облигациялар нархи ва сони кўрсатилади. Буюртмалар нархларни кўрсатмасдан берилиши мумкин (рақобатсиз буюртмалар), уларнинг ҳажми эмитент томонидан олдиндан чегараланади.

Эмитент талаб суммаси ва чиқариш ҳажмидан келиб чиқиб *кесиб ташланадиган нархни* – облигация сотилишининг минимал нархини белгилайди. Шу нархда ва ундан юқори нархларда облигацияларни сотиб олиш бўйича тушган буюртмалар қондирилади, минимал нархдан паст даражадаги таклифлар қондирилмайди, яъни кесиб ташланади.

Амалда ёпик аукцион савдосини ўтказишнинг икки тизими – “америкача” ва “голландча” тизимлар қўлланилади. “Америкача” тизим бўйича кесиб ташланадиган нархдан юқори даражадаги нархлар қайд этилган буюртмалар буюртма нархлари бўйича, рақобатсиз буюртмалар эса – ўртача нархлар бўйича қондирилади. “Голландча” тизим бўйича барча буюртмалар ягона минимал рухсат этилган нарх – кесиб ташланадиган нархда қондирилади. Ўзбекистонда давлат қисқа муддатли облигациялари савдо тизими “америкача” тизимга ўхшашдир.

Давлат қисқа муддатли облигацияларининг савдо сессиялари республика валюта биржаси (ЎзРВБ)да амалга оширилади. Олди-сотди ва ҳисоб-китоб операцияларининг ҳаммаси облигациялар электрон савдоси ҳар куни амалга оширилишини таъминловчи компьютерлаштирилган савдо-депозитар тизими ёрдамида амалга оширилади. Савдо сессиялари тугаганидан сўнг маълумотлар ҳисоб-китоб тизимига келиб тушади, у ерда клиринг<sup>340</sup> амалга оширилади, иштирокчилар ва биржанинг ўзаро мажбуриятлари аниқланади, пул маблағлари бўйича ҳисоб-китоблар амалга оширилади, қимматли қоғозлар бўйича эса бу депозитарийда бажарилади. Облигация эгаси кейинги чиқаришдаги облигацияларни сотиб олишда қарзи қопланаётган давлат қисқа муддатли облигациялари киймати билан тўлаш ҳуқуқига эга. Улар билан операциялар “депо” ҳисоб варақларида қайд этиш орқали амалга оширилади.

<sup>340</sup> Икки тарафлама талаблар ҳисобига.



Облигацияларнинг иккиламчи бозорда айланиши факатгина олди-сотди битимларини, шу жумладан Савдо тизими (ЎзРВБ) орқали гаровга қўйилган облигацияларни сотиш битимларини имзолаш орқали амалга оширилади.

Облигацияларни чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича савдо, ҳисоб-китоб тизими ва депозитарийни яратиш Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси зиммасига юкланган.

Чиқарилиши режалаштирилаётган облигацияларни жойлаштириш даврида 20 фойздан ортиғи сотилса, уларни чиқариш амалга ошди деб ҳисобланади.

Марказий банк ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги иккиламчи бозорда облигацияларни сотиб олиш бўйича операцияларни амалга оширишлари мумкин.

Хукуматнинг заёмлар бўйича фаолияти қимматли қоғозлар бозорида фаоллашади, бу ҳол бюджет тақчиллигини қоплашда Марказий банк кредитларидан фойдаланишнинг рад этилиши натижасидир.

Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида маблағларни ўзлаштириш муддатининг узайиши, аукционларда ва иккиламчи бозорларда облигациялар қийматининг пасайиши, облигациялар қарзини тўлаш катъий белгиланган муддатларда амалга оширилиши, вақтинчалик бўш турган пул маблағларини рисксиз активларга қисқа муддатли инвестициялаш имкониятлари бозор иштирокчилари доирасининг кенгайишига олиб келди, бу эса, ўз навбатида, унинг ҳажми сезиларли даражада ошишига сабаб бўлди.

Давлат қисқа муддатли облигациялари жозибadorлигининг ошишида муҳим омиллардан бири давлат қимматли қоғозлари даромадларини имтиёзли солиққа тортиш режими сақланиб қолинганлигидир. Давлат қисқа муддатли облигациялари бозорида энг катта инвесторлар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва сугурта компаниялари ҳисобланади.

Бозорнинг энг йирик операторлари – Саноатқурилишбанк, Асака банк, Кредит стандарт банк, Агробанк (2009 йилгача Пахта банк)<sup>341</sup> ва Халқ банки.

Давлат қимматли қоғозлар бозорини такомиллаштириш ва ривожлантириш, давлат бюджети тақчиллигини инфляция қоплаш мабдаларини кўпайтириш ва хўжалик субъектларининг бўш ресурсларини самарали ишлатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини чиқариш тўғрисида”ги Қарори<sup>342</sup> қабул қилинди. Ушбу Қарорга мувофиқ

<sup>341</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Агробанк” акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисида”ги 30.03.2009 й. № ПҚ-1084-сонли Қарори.

<sup>342</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 январдаги 11-сон Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 2004 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини чиқаришга рухсат этилган.

Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятлари Ҳукумат номидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қоғозсиз шаклда (депозитарийда “депо” ҳисоб варақлари бўйича электрон ёзув кўринишида) чиқарилади ва қимматли қоғозлар бозорида муомаллада бўлади, давлат ўрта муддатли пул мажбуриятлари тижорат банклари ва юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ўртасида жойлаштирилади.

Давлат ўрта муддатли газначилик мажбуриятлари (ДЎҒМ)нинг номинал қиймати Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида ифодаланади ва 1000 сўмни ташкил этади.

Дилер ўз номидан, инвестор номидан ва унинг топшириғига биноан ДЎҒМ бўйича битимлар имзолашда брокерлик функциясини бажариши мумкин.

*Дилерлар икки тоифага бўлинади: бирламчи ва иккиламчи дилер.*

Бирламчи дилер: аукционларда ДЎҒМни сотиб олиш бўйича операцияларни ўз номидан ва ўз ҳисобига, ўз номидан ва инвесторлар ҳисобига ва топшириғига биноан амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар; ДЎҒМни жойлаштириш бўйича ҳар бир аукционга Марказий банк томонидан ДЎҒМни сотиб олиш бўйича бирламчи дилерларга қўйилган минимал талаблар даражасидан кам бўлмаган меъёردа уларни сотиб олиш буюртмаларини беришга мажбур; ДЎҒМни сотиб олишга ва сотишга котировкаларни ўрнатиш орқали иккиламчи бозорда ДЎҒМнинг айланишини қўллаб туришга мажбур; аукционда ДЎҒМни пул маблағларини олдиндан захира қилиб қўйишсиз сотиб олиш ҳуқуқига эга ва аукционда сотиб олинган ДЎҒМни аукционнинг эртасидан кеч бўлмаган муддатда пулини тўлашга мажбур.

Иккиламчи дилер иккиламчи савдоларда иштирок этиш ва иккиламчи бозорда ДЎҒМни ўз номидан ва ўз ҳисобидан, ўз номидан ва инвестор ҳисобидан ва унинг топшириғига биноан сотиб олиш ҳуқуқига эга.

ДЎҒМнинг ҳар бир чиқарилишига давлат Регистратсия рақами берилади. Давлат регистратсия рақами ўн та разряддан ташкил топади. Масалан:

1) биринчи марта чиқарилган ўн саккиз ойлик қайд этилган фоизли даромадга эга ДЎҒМ қуйидаги рақамга эга бўлади: «25001UMFS F », бу ерда:

2	5	0	0	1	U	M	F	S	F
1 разряд	2 разряд	3 разряд	4 разряд	5 разряд	6 разряд	7 разряд	8 разряд	9 разряд	10 разряд

- биринчи разряд «2» сони қимматли қоғоз турини кўрсатади – қарз мажбурияти;
- иккинчи разряд, қимматли қоғоз типини англатади: «4» - ўн икки ойлик ДЎФМ, «5» - 18 ойлик; «6» - 24 ойлик; «7» - 30 ойлик; «8» - 36 ойлик; «9» - 48 ойлик; «0» - 60 ойлик;
- учинчи, тўртинчи ва бешинчи разрядлар: бу типни чиқарилиши тартиб рақамини англатади;
- олтинчи, еттинчи ва саккизинчи разрядлар, аббревиатура «UMF», эмитентни кўрсатади – «Uzbekistan Ministry of Finance»;
- тўккизинчи разряд, «S» ҳарфи, қимматли қоғоз давлатники эканлигини кўрсатади;
- ўнинчи разряд, фойз тўловларининг фойз ставкаларини ўзгаришини кўрсатади: - «F» қайд этилган фойз, «V» - ўзгарувчан фойз.

2) 36 ойлик ўзгарувчан фойзли даромали ДЎФМнинг бирламчи чиқарилиши қуйидаги рақамга эга эди: «7001UMFS V».

ДЎФМ бўйича депозитарийда “депо” ҳисоб варақларини очиш ва юритиш тартиби давлат қиска муддатли облигациялар ҳисоб варақларини юритишга ўхшаш равишда ва “Давлат қиска муддатли облигацияларини муомалага чиқариш ва хизмат кўрсатиш тўғрисидаги Низом”га<sup>343</sup> биноан амалга оширилади.

Эмиссия бир йилдан беш йилгача айланиш муддатига қайд қилинган ёки ўзгарувчан фойзли даромадга эга бўлган алоҳида чиқаришлар билан амалга оширилади. Давлат ўрта муддатли газначилик мажбуриятларини жойлаштиришдан тушган маблағлар республика бюджетига келиб тушади.

Давлат ўрта муддатли газначилик мажбуриятларини жойлаштириш ва чиқаришни коплаш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Молия вазирлиги номидан ва давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Молия вазирлиги ҳар бир чиқарилиш ҳажмини, тўловлар муддатини ва фойзли даромад ҳажмини молия бозори конъюнктураси ва бюджет

<sup>343</sup> Адлия вазирлигида 1998 йил 30 ноябрда 552-сон билан рўйхатга олинган.

эҳтиёжларидан келиб чикиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишилган ҳолда аниқлайди, шунингдек иккиламчи бозорда давлат ўрта муддатли облигацияларини газначилик (мажбуриятларини) сотиб олиш операцияларини ва муддатидан олдин уларнинг қарзини тўлаш операцияларини амалга оширади.

2009 йил 1 январдан шу йилнинг 31 августигача Молия вазирлиги томонидан ДЎҒМни жойлаштириш бўйича 8 та аукцион ўтказилди. Жойлаштиришнинг умумий суммаси 9,350 млрд. сўмни ташкил этиб, 7,224 млрд. сўмлик облигациялар бирламчи бозорда, 2,126 млрд. сўмлик облигациялар эса иккиламчи бозорда жойлаштирилди.

Шу билан бирга, ўтган давр ичида 9,350 млрд. сўмлик қарзлар копланди.

Ўтган давр ичида ДЎҒМ бўйича тўланган фойзли даромадлар 2 033 млн. сўмни ташкил этди.<sup>344</sup>

2008 йил 1 январдан шу йилнинг 31 декабригача Молия вазирлиги томонидан ДЎҒМни жойлаштириш бўйича 16 та аукцион ўтказилди. Жойлаштиришнинг умумий суммаси 22,3 млрд. сўмни ташкил этиб, 12,9 млрд. сўмлик облигациялар бирламчи бозорда, 9,4 млрд. сўмлик облигациялар эса иккиламчи бозорда жойлаштирилди.

Шу билан бирга, ўтган давр ичида 9,350 млрд. сўмлик қарзлар копланди. Шуларнинг 20,5 млрд. сўми ўрта муддатли облигациялар бўйича, 1,8 млрд. сўми эса – қисқа муддатли облигациялар бўйича.

Ўтган давр ичида ДЎҒМ бўйича тўланган фойзли даромадлар 3,2 млрд. сўмни ташкил этди.<sup>345</sup>

2007 йилда Молия вазирлиги томонидан 18, 24 ва 36 ойлик айланиш муддатига эга бўлган ДЎҒМни жойлаштириш бўйича 26 та аукцион ўтказилди. ДЎҒМнинг эмиссия ҳажми 40,1 млрд. сўмни ташкил этди, улардан аукционларда (62,7%) ва иккиламчи савдоларда (37,3%) 39,9 млрд. сўмлик мажбуриятлар жойлаштирилди, 40,4 млрд. сўм жалб қилинди (бу 2006 йилга нисбатан 1,8 млрд. сўмга кўп). Жалб қилинган маблағлар барча турдаги облигациялар бўйича мажбуриятларни коплашга йўналтирилди.

2007 йил якунларига кўра ДЎҒМ бўйича ўтиб борувчи қарз ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 8 фойзга ўсди, қайд қилинган фойзли даромадлар ҳажми эса йиллик 7 фойздан 5,5 фойзга пасайди ва ўртача йиллик 6,2 фойзни ташкил этди.

<sup>344</sup> [http://www.mf.uz/rus/?gko\\_5r=1&n=112](http://www.mf.uz/rus/?gko_5r=1&n=112)

<sup>345</sup> [http://www.mf.uz/rus/?gko\\_5r=1&n=104](http://www.mf.uz/rus/?gko_5r=1&n=104)

Ҳисобот даврида ДЎҒМ бўйича тўланган фонзли даромадлар суммаси 4,5 млрд. сўмни ташкил этдики, бу 2006 йилга нисбатан 0,3 млрд. сўмга камдир. Фонзли даромадни тўлаш муддати 182 кунни ташкил этади.<sup>346</sup>

Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ва иктисодий ислохотларни амалга ошириш, халқ хўжалиғи ва аҳолини ижтимоий химоялашни ривожлантириш бўйича муҳим вазифаларни амалга ошириш мақсадида аҳоли маблағларини жалб этиш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси ички ютуқли заёмларини (амал қилиш муддати 1992 йил 1 июлдан 2012 йил 1 июлгача) чиқариш ва жойлаштириш тўғрисида қарор<sup>347</sup> қабул қилинди. Заёмларни жойлаштириш шартлари – Халқ банки (1995 йилгача – Ўзжамғармабанк)<sup>348</sup>, Ўзсаноатқурилишбанк, Агробанк (2001 йилгача Ўзгросаноатбанк, 2009 йилгача Пахта-банк<sup>349</sup>) муассасалари томонидан эркин сотиш ва сотиб олиш.

Заём облигациялари бўйича барча даромадлар ютуқлар кўринишида тўланади. Заём облигациялари 250, 500 ва 1000 сўмлик кўринишда чиқарилди.

Йиғирма йиллик заём муддатида барча облигацияларнинг 32% ютуқлидир, қолган 68% облигациялар заём муддати тугаганидан сўнг устига ёзиб қўйилган қиймат бўйича сотиб олинади.

Ютуқли облигациялар бўйича қарзлар тўланади ва улар кейинги ютуқлар тиражидан чиқариб ташланади.

Йиғирма йиллик заём муддати ичида 80 та ютуқлар тиражи ўтказилади, бир йилда 4 марта.

Ютуқ чиққан облигациялар, шунингдек ютуқ чиқмаган устига ёзилган қиймат бўйича сотиб олинishi керак бўлган облигациялар ҳам 2014 йилнинг 1 июлига қадар тақдим этилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ички ютуқ заёмлари облигациялари ва улар бўйича ютуқлар солиқлардан озод қилинган.

Жаҳон молия бозорида Ўзбекистон кўпинча қарз олувчи сифатида намоён бўлади. Ўзбекистоннинг асосий кредиторлари бозор иктисодиёти ривожланган давлатлар бўлиб, улар маблағларни ҳукуматлараро заёмлар ва банклараро кредитлар кўринишида тақдим этадилар.

<sup>346</sup> [http://www.mf.uz/rus/?gko\\_5r=1&n=102](http://www.mf.uz/rus/?gko_5r=1&n=102)


<sup>347</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фонзли ички ютуқли заёми облигацияларини муомалага чиқариш чора-тадбирлари ҳақида” 1992 йил 15 июндаги 286-сон Қарори.

<sup>348</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ““Ўзжамғармабанк”ни Ўзбекистон Республикаси Халқ банкига айлантириш тўғрисида”ги 04.10.1995 й. N 386-сонли Қарори

<sup>349</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги 30.03.2009 й. N ПҚ-1084-сонли Қарори

Ўзбекистон ҳукумати ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан амалга ошириладиган ташқи қарзларни жалб қилиш турлари (39-схема):

39-схема. Ташқи қарзларни жалб қилиш турлари



**1. Давлатлараро келишувлар асосида хорижий кредитлар ва заёмлар.**

Хорижий мамлакатларнинг ихтисослаштирилган ҳукумат молия институтлари (КФВ банк (Германия), Джайка (Япония), Ихтисодий ривожланиш ва ҳамкорлик жамғармаси (Жанубий Корея), КФАЭР (Кувайт), СФР (Саудия Арабистони) ва бошқалар) томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси резидентларига хорижий тижорат банклари кредитларини расмий ҳукумат экспорт-кредит ва суғурта агентликларининг (Корея, АКШ экспорт-импорт банклари, Эулер-Гермес (Германия), КОФАС (Франция) суғурта агентликлари ва бошқалар) суғуртаси билан хорижий кредиторлар фойдасига Ўзбекистон Республикаси кафолатлари билан тақдим этилади.

**2. Халқаро молия институтлари томонидан стратегик жihatдан муҳим ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни алоҳида кредитлар ва**

**(ёки) заёмлар бериш, шунингдек кредит линиялари очиш орқали молиялаштириш.**

Ўзбекистонда лойиҳаларни молиялаштириш Жаҳон банки гуруҳи молиявий ташкилотлари (Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки, Халқаро ривожланиш агентлиги, Халқаро молия корпорацияси), Оснёт тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Халқаро ривожланиш бўйича ОПЕК жамғармаси, Европа таъмирлаш ва тараққиёт банклари томонидан амалга оширилади.

**3. Портфель инвестициялар** – хорижий фирмалар капиталини корхоналар акциялари ва бошқа қимматли қоғозларга даромад олиш мақсадида жойлаштиришдир, бунда корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти устидан назорат ўрнатиш мақсади кўзланмайди. “Тошкент” республика фонд биржасида махсус майдонча ташкил этилган бўлиб, у ерда хорижий фирмалар хусусийлаштирилаётган корхоналарнинг 100% акцияларини сотиб олишлари мумкин.

**4. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар** – Ўзбекистон ҳудудидаги узок муддатли инвестициялар бўлиб, уларни назорат қилиш инвесторлар томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан компания акциядорлик капиталининг 10 фонддан кам бўлмаган қисмининг сотиб олиниши тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобланади. Уларнинг хусусияти – шу корхона бошқарувида бевосита иштирок этиш.

### **5. Кўшма тадбиркорлик.**

Ўзбекистон учун хорижий инвестицияларни жалб этишнинг устувор соҳалари қуйидагилардир:

- агросаноат комплекси, бу охир натижада аҳоли турмуш даражасининг ошишига олиб келади;
- саноат, кимё, тўқимачилик, ёқилғи-энергетика комплексининг устувор тармоқларини жадал ривожлантириш, халқ хўжалигининг фаолият юритаётган соҳаларидаги илмталаб технологияларини янгилаш ва янги кучларни яратиш, бу охир натижада республикага товарлар импортини камайтиради;
- кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, қадимги ва анъанавий ҳунармандчиликни тиклаш.

Заёмларнинг асосий олувчиларидан бири давлат сектори ҳисобланади (бюджет тақчиллигини молиялаштириш, давлат корхоналари ва ташкилотларини кредитлаш, давлат инвестиция лойиҳаларини кредитлаш).

Заёмлар билан бирга давлат кредитлашни ҳам амалга оширади. Масалан, Ўзбекистон қонунчилигига биноан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва

маҳаллий бюджетлар такчиллигига йул куйилмайди, улар юкори бюджетларнинг ссудалари хисобига тартибга солинади.<sup>350</sup>

Юридик шахсларга таркибий кайта куришларни амалга ошириш учун ссудалар бериш Узбекистон Республикаси Марказий банки томонидан Молия вазирлигининг молиявий режасига мувофиқ амалга оширилади. Бюджет ссудаларини бериш тугрисидаги шартномага риоя килиниши устидан назоратни Молия вазирлиги, хусусан, Назорат-тафтиш бошкармаси ва унинг жойлардаги таркибий булинмалари амалга оширади.

Ссудалар жорий молия йили давридан ошиб кетмаган муддатга берилди ва унинг туловлари давлат қарзи буйича фоизлар туланишини таъминлайдиган хджда булади. Ссудалар мақсадли тавсифга эга булиб, ишлаб чиқдришни таркибий кайта куришни амалга ошириш учун, мақсадли кредитларни хисоб-китоб килиш учун (масалан, ускуналарни сотиб олишга), янги технологияларни, ускуналар ва материалларни ишлаб чиқиш, жорий килиш ёки сотиб олиш учун берилди.

**Ташки ссудалар** - Узбекистон Республикаси томонидан хорижий давлатларга, юридик шахсларга ва халқаро ташкилотларга бериладиган кредитлардир. Хорижий давлатлар, юридик шахслар ва халқаро ташкилотларнинг Узбекистон Республикаси олдида молиявий мажбуриятлари пайдо булади. Хрзирги вақтдаги молиявий ҳолат Узбекистоннинг фаол кредитор сифатидаги фаолиятини чекламокда. Давлат амалиётида Тожикистон ва Киргизистонга бир мартали бегараз моддий ёрдам бериш хдллари кайд этилган.

### 7.3. Давлат қарзини бошқариш

Ташки қарз мажбуриятларини таснифлаш билан қарзга хизмат қурсатиш ва уни самарали бошқариш тушунчалари узвий боглиқдир. **Қарзга хизмат қурсатиш** - бу қарз мажбуриятларини қоплаш учун умумий туловлар булиб, уларга қарзнинг асосий қисми буйича мажбуриятларни, фоизларни, комиссия ва жарималарни тулаш қиради.

**Қарзга хизмат қурсатиш меъёри (коэффициент)** ташки қарз ҳолатини тавсифловчи асосий қурсаткичлардан биридир. Бу қурсаткич мамлакат қарзига хизмат қурсатиш туловлари фонддаги ифодасининг товар ва хизматлар экспортдан келган тушумларга нисбати қуринишида булади. Бу қурсаткич одатда


"Бюджет тизими тугрисида" Узбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрдаги 158-1-сон Қонуни, 24-модда.



давлат ташқи қарзини ва давлат томонидан кафолатланган ташқи қарзни тавсифлайди.

Давлат қарзини бошқариш давлатнинг қуйидаги ҳаракатлари мажмуини ўз ичига олади: ссуда капитали бозорининг конъюнктурасини<sup>351</sup> ўрганиш; янги заёмлар чиқариш ҳамда уларни чиқариш шартларини ишлаб чиқиш; аввал чиқарилган заёмлар бўйича фоизларни тўлаш; заёмлар конверсияси ва консолидациясини ўтказиш; пул бозоридаги облигацияларнинг курсларини белгилаш; давлат томонидан берилаётган кредитлар ва ссудалар бўйича фоиз ставкаларини белгилаш тадбирларини ўтказиш; амал қилиш муддати тугаган, аввал чиқарилган заёмлар бўйича қарзларни қолаш.

#### 40-схема. Давлатнинг давлат қарзини бошқариш борасидаги ҳаракатлари




Давлат ички қарзларини бошқариш қимматли қоғозлар бирламчи ва иккиламчи бозорларининг самарали фаолият юритиши, қарз олиш харажатларини минималлаштириш, давлат иктисодий сиёсати билан давлат қарзини бошқариш сиёсатини уйғунлаштириш, яъни давлат қимматли қоғозлар бозори ва умуман молия секторини ривожлантиришга йўналтирилгандир.

<sup>351</sup> Бозордаги ҳолатни.

Бирламчи бозорни ташкил этиш чоралари куйидагилардир: давлат қарзи воситаларини диверсификациялашуви<sup>352</sup>, давлат қимматли қоғозлар эгалари доирасининг кенгайиши, савдо операцияларини бошқариш, давлат қарзини бошқариш хизматини ташкил этиш, молия бозорига кириш эркинлигини таъминлаш, бозор конъюктурасини қувватлаш. Самарали фаолият юритувчи ва ликвидли иккиламчи бозорлар потенциал инвесторларни жалб этишни ва уларнинг сони ортиб боришини таъминлайди. Бу эса, ўз навбатида, қарз мажбуриятлари котировкалари нотекис ҳаракатининг олдини олиш ва бозорни барқарорлаштиришга олиб келади.

Ташқи қарзини бошқариш давлат маъмурий фаолиятининг мураккаб йўналиши бўлиб, бу жараёнда ҳукуматнинг турли бўғинлари (Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банк) аниқ, ихтисослаштирилган соҳалар учун жавобгар ҳисобланадилар. Бошқаришнинг мақсади – тўлов баланси ва давлат бюджети билан муаммоларни юзага келтирмасдан ташқи молиялаштириш имкониятларидан кенг фойдаланиш учун шароит яратишдир (41-схема).

41-схема. Ташқи қарзини бошқариш



Ташқи қарзини бошқариш қуйидагиларни назарда тутати: ташқи қарзга хизмат кўрсатиш доирасида мамлакат мажбуриятлари бўйича вақтинчалик ҳолатини белгилаш; ташқи қарзга хизмат кўрсатиш учун етарли бўлган қутилаётган соф экспорт тушумларини, мумкин бўлган янги ташқи заёмлар ва бошқа

турдаги молиялаштиришларни прогнозлаштириш; ички солик тушумларини прогнозлаштириш.

Давлатнинг режалаштирилаётган даромадлари ташқи қарзга хизмат кўрсатиш учун етарли бўлиши керак.

Ташқи қарзни бошқариш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат: молиялаштиришнинг оптимал турини танлаш, қарз ҳажми ҳақида аниқ бир қарорга келиш, мамлакат қарзи тўғрисида ўз вақтида ва тўлиқ ҳисобот бериш учун ташқи қарз статистикаси тизимини ташкил этиш.


Ҳар қандай давлат учун четдан маблағлар жалб қилиш ҳажми қуйидаги омиллар билан белгиланади: хорижий капиталнинг қандай ҳажмини давлат самарали ишлатиши мумкин ва ташқи тўловларга муаммолар туғдирмасдан қарзнинг қандай ҳажмига хизмат кўрсатиш мумкин.

Давлат қарзини бошқариш сиёсатини давлатнинг умумий иқтисодий сиёсати билан уйғунлаштириш молиявий сиёсат доирасида амалга оширилади. Молиявий сиёсат бюджет такчиллигини бартараф этишга, ички кредит экспансиясини ва капитал импортини қопловчи бюджетни кредитлашга йўналтирилгандир. Ушбу сиёсатнинг муҳим хусусияти давлат қарзини бошқариш воситаларини диверсификациялаш ҳисобланади. Давлат облигациялари бозорининг кенгайиб бориши эгилувчан фонд ставкаларидан, қарзни қоплаш муддати ва алоҳида чиқаришлар муддатларидан, фондли даромадларни соликка тортиш хусусиятларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Давлат қарзини бошқариш бўйича операциялар бюджетнинг касса ижроси билан узвий боғланган ва кўпинча заёмлар чиқаришда қатнашувчи, улар бўйича фондлар тўловчи (ютукли облигациялар бўйича ютуқларни тўлайдиган ва фондли заёмлар бўйича фондларни тўлайдиган) эмиссион банклар томонидан амалга оширилади, шу билан бирга бу банклар қайта сотиб олинishi керак бўлган облигациялар пулини тўлайди. Давлат қарзини бошқариш харажатлари, қоида тарикасида, бюджетдан алоҳида бўлган махсус молиявий операциялар орқали қопланади. Бюджетнинг харажатлар қисмига фақатгина қоплаш манбаи Давлат бюджети деб белгиланган давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича жорий тўловлар киритилади ва акс эттирилади.

Давлат қарзининг кескин ўсиши шароитида ҳукумат уни бошқаришнинг турли методларидан фойдаланади (42-схема).

#### 42-схема. Давлат қарзни бошқариш методлари



Уларни батафсил кўриб чиқамиз.

Қарзни қоплашни давлат кўпинча янги заёмлар чиқариш орқали амалга оширади. Бу усул қарзни **қайта молиялаш** деб аталади.

Давлат заёмнинг бирламчи шартларига аниқлик киритиши мумкин. Заёмларнинг даромаддорлигига тегишли бўлган бирламчи шартларнинг ўзгариши **конверсия** деб аталади. Конверсия шароитида заём фойзалари бўйича тўловларни амалга ошириш учун давлат харажатларини пасайтириш мақсадида номинал фойз хажми пасайтирилади.

*Конверсияни* амалга оширишнинг куйидаги *методлари* фаркланади:

- *мажбурий конверсия* – кредитор эски заём облигацияларини янгисига пасайтирилган фойз ставкасида алмаштиришга мажбур;
- *ихтиёрий конверсия* – кредитор янги шартларга кўниш ҳуқуқига эга ёки унинг пулини қайтиб олиши мумкин;
- *факультатив конверсия* – кредитор заём шартларини ўзгаришига рози бўлиши ёки рози бўлмаслиги мумкин.

Давлат кўпинча заёмларнинг даромаддорлигини ўзгартирмасдан, унинг муддатларини ўзгартириш усулидан фойдаланади. Заём муддати билан боғлиқ шартларнинг ўзгариши қарзни **консолидациялаш** деб аталади. Консолидация конверсия билан қўшилиши ҳам мумкин.

Заёмларни **унификациялаш** деганда бир нечта заёмларни бирлаштириш тушунилади, олдин чиқарилган заём облигациялари янги заём облигацияларига алмаштирилади. Бу чора бир вақтда муомалада кўп хилдаги қимматли қоғозлар

бўлишини камайтиради. Давлат заёмларини унификациялаш ва консолидациялаш билан бирга амалга оширилиши мумкин, бунда жамланган қарз вужудга келади.

Айрим ҳоллардагина ҳукумат облигацияларнинг *регрессив нисбатда алмашувини* амалга ошириши мумкин – олдин чиқарилган бир нечта облигациялар битта янгисига тенглаштирилади. Давлат кредитор билан икки томонлама келишув асосида берилган молиявий кредит бўйича мажбуриятларни бошқа мажбурият билан алмаштириши мумкин ва бу жараён *новация* (янгилаш) деб аталади.

**Заёмни қоплашни кечиктириш** (ёки аввал чиқарилган барча заёмларни қоплашни кечиктириш) давлат учун янги заёмларни чиқариш бўйича операцияларни фаол ривожлантириш молиявий самара бермаган тақдирда амалга оширилади. Заёмни қоплашни кечиктириш консолидациялашдан шу билан фарқ қиладики, кечиктиришда қарзни қоплаш муддатининг сурилиши даромадларни тўлашни тўхтатиш билан бирга амалга оширилади. Заёмларнинг консолидациялашуви шароитида давлат қимматли қоғозларининг эгалари улар бўйича даромадларни олишни давом эттирадilar.

Давлат заёмлари конверсияси, консолидацияси, унификацияси ва облигацияларнинг алмашуви *фактгина ички заёмларга* нисбатан амалга оширилади. *Новациялар* ва мажбуриятларни қоплашни кечиктириш ташқи қарзларга нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин ва бу кредитор билан келишув асосида амалга оширилади.

Бир қатор мамлакатларда давлат қарзини бошқариш методи унинг ўсишини лимит белгилаш орқали чеклаш (максимал чегарасини ўрнатиш)ни ҳам ўз ичига олади.

Давлат қарзи муаммосини ҳал этишнинг ўзига хос усули банкротлик ҳисобланади, бунда ҳукумат давлат қарзини бекор қилади. Давлат қарзини **бекор қилиш** – бу давлат томонидан чиқарилган заёмлар бўйича (ички, ташқи ёки умуман ташқи қарз бўйича) мажбуриятлардан бутунлай воз кечишдир. Қимматли қоғозларни бекор қилиш икки сабабга кўра амалга оширилиши мумкин: давлатнинг молиявий ночорлиги, яъни *банкротлик* ҳолати ҳамда ҳокимият тепасига янги сиёсий қучлар келиши ва улар маълум сабабларга кўра аввалги ҳукуматнинг молиявий мажбуриятларини тан олмаслиги туфайли.

Давлат қарзларининг бекор қилиниши фавқулодда хусусиятга эга бўлиб, дунё амалиётида кам учрайдиган ҳолдир. Мисол тариқасида, кўпинча Совет Россияси Россия империяси ва Муваққат ҳукуматнинг ички ва ташқи мажбуриятлар бўйича давлат қарздан воз кечганлиги келтирилади.

Қарзни бошқаришга маълум бир молиявий ва пул-кредит системани амалга ошириш орқали давлат қимматли қоғозлар курсини бир меъёردа ушлаб туриш ҳам қиради.

Давлат қарзини бошқариш бўйича асосий методлардан ташқари ҳукумат ссуда капитали бозорида муомалада бўлган заёмларни марказий ва тижорат банклари орқали қайтариб сотиб олиши мумкин.

Давлат қарзини бошқаришда янги заёмларни чиқариш шартларини белгилаш билан боғлиқ фаолият муҳим ҳисобланади. Заёмларнинг эмиссия шартларини белгилашда (кредиторлар учун қимматли қоғозларнинг даромаддорлик даражаси, заёмларнинг амал қилиш муддати, даромадларни тўлаш усуллари) давлат фақатгина заёмлар бўйича максимал самарага эришишга эътибор бермасдан, молия бозоридаги реал конъюнктурани ҳам ҳисобга олиши зарур. Давлат заёми облигацияларини тайёрлаш, сақлаш ва тарқатиш Молия вазирлигининг тегишли бўлинмаларига, қимматли қоғозларни сотиш эса – банк тизимига юклатилган. Банklar давлат заём облигацияларини барча иш кунлари эркин сотади ва сотиб олади, ютуқ тиражлари ўтказилган даврдан расмий жадвал олинган кунга қадар бўлган давр бундан мустасно. Ташқи заём облигациялари қарз олувчи давлат номидан хорижий пул бозорларида банк консорциумлари томонидан жойлаштирилади, консорциумлар ушбу хизмати учун воситачилик ҳақи оладилар. Ҳукуматлараро заёмлар асосан облигациясиз бўлади. Ҳукуматлараро заёмларнинг барча шартлари (фоиз даражаси, тақдим этиш ва заёмни қоплаш валютаси ва бошқалар) махсус битимларда белгилаб қўйилади.

Жаҳон амалиётида давлат қарзини бошқариш воситаларининг кенг мажмуи мавжуд. Давлат қарзини бошқариш ҳозирги амалиётида қуйидаги масалалар алоҳида аҳамият касб этади: **фоизли ва дисконтли даромадни битта қимматли қоғозда мужассамлаштириш имконияти**, давлат қарзини молиялаштиришга хорижий инвесторларни жалб этиш усуллари, давлат облигациялари бозорининг янги воситаларидан фойдаланиш хусусиятлари.

### **Назорат саволлари**

1. Давлат қарзи деганда нима тушунилади?
2. Давлат қарзининг вужудга келиши сабабларини кўрсатинг.
3. Давлатнинг ички қарзи нима? Унинг вужудга келиши сабабларини тушунтириб беринг.
4. Давлатнинг ташқи қарзи нима? Унинг вужудга келиши сабабларини тушунтириб беринг.
5. Давлат заёмлари деганда нима тушунилади?

6. Мамлакат давлат қарзининг барқарорлиги даражаси қандай баҳоланади?
7. Давлат қарзининг юкори чегарасини белгилловчи Маастрихт мезонларини айтинг.
8. Ўзбекистонда фойдаланиладиган қарз мажбуриятлари турларини айтинг.
9. Асосий давлат қарзи деганда нима тушунилади?
10. Жорий давлат қарзи деганда нима тушунилади?
11. Жаҳон амалиётида қўлланиладиган давлат қимматли қоғозларининг таснифий белгилари ва турларини айтинг.
12. Ўзбекистон қимматли қоғозлар бозори иштирокчиларини кўрсатинг ва уларга тавсиф беринг.
13. Ташқи қарзни бошқариш деганда нима тушунилади?
14. Давлат қарзини бошқариш усулларини сананг ва уларга тавсиф беринг.

### **Адабиётлар**

#### **Асосий адабиётлар**

1. Қаримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Қаримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.
2. Бюджетная система Российской Федерации / Учебник под ред. проф. Романовского М.В. и проф. Врублевской О.В. – М.:ЮРАЙТ, 2003.
3. Руководство по статистике государственных финансов 2001 года (МВФ).

#### **Норматив хужжатлар**

4. Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида” 2000 йил 14 декабрдаги 158-П-сон Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида” 1996 йил 29 августдаги 263-І-сон Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” 2008 йил 22 июлдаги ЎРҚ-163-сон Қонуни.
7. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрдаги 163-І-сон Қонуни билан тасдиқланган.
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилги 12 фоишли ички ютуқли заёми облигацияларини муомалага чиқариш чора-тадбирлари ҳақида” 1992 йил 15 июндаги 286-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг қиска муддатли давлат облигацияларини чиқариш тўғрисида” 1996 йил 26 мартдаги 119-сон Қарори.

10. Основные условия выпуска Государственных краткосрочных облигаций Республики Узбекистан, зарег. МЮ РУз. 09.11.1998 г., N 524.

11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини чиқариш тўғрисида” 2004 йил 10 январдаги 11-сон Қарори.

12. Положение об обслуживании и обращении выпусков государственных краткосрочных облигаций, зарег. Министерством юстиции 30.11.1998 г., N 552.

13. Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятлари чиқарилишининг жойлаштирилиши, муомалада бўлиши ва тўловининг амалга оширилиш тартиби тўғрисидаги Низом. Адлия вазирлигида 2004 йил 16 мартда 1327-сон билан рўйхатга олинган.

#### **Интернет ресурслари**

[http://www.mf.uz/rus/?gko\\_5r=1&n=112](http://www.mf.uz/rus/?gko_5r=1&n=112)



## 8-БОБ. БЮДЖЕТ НАЗОРАТИ

### 8.1. Бюджет назоратининг мазмуни, аҳамияти, элементлари ва принциплари

Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, ижтимоий-сиёсий тангликлар ва молиявий-иқтисодий инкирозлар шароитида бюджет назоратининг аҳамияти ўсиб боради ва янгича мазмун касб этади.

#### Бюджет назорати:

- давлат молиявий назоратининг муҳим қисми бўлиб, бюджет жараёнида амалга оширилади;
- бош мақсади – бюджет муносабатларининг барча иштирокчилари томонидан бюджет қонунчилигига риоя этилишини назорат қилиш;
- бюджет тизими бюджетлари маблағларининг ташкил топиши, тақсимланиши ва фойдаланилишининг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самарали эканлигини давлат органлари томонидан текшириш тадбирлари тизими сифатида қаралади;
- қонунбузарликларнинг олдини олиш, аниқлаш, фош қилиш ва бартараф этиш бўйича чораларни қўллашга, давлат бюджетини шакллантириш ва харажатларни амалга оширишда янги имкониятларни топишга, солиқ-бюджет интизомини яхшилашга йўналтирилган;
- ҳукуматнинг ваколатли органлари томонидан Ҳисоб палатаси (Ўзбекистоннинг молиявий назоратни амалга оширувчи олий мустақил органи)ни жалб қилган ҳолда, молия ва солиқ органлари томонидан (ҳукумат ижроия органларининг назорати) амалга оширилади.

#### Бюджет назоратининг вазифалари:

- бюджет моддалари ҳажми, таркиби ва мақсадлилиги бўйича тўғри тузилиши ва ижро этилишини таъминлаш;
- бюджет маблағлари ҳисобига харажатларни назарда тутувчи ёки бюджетнинг шаклланиши ва ижросига таъсир этувчи давлат органларининг қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари лойиҳалари, давлат дастурлари ва бошқа ҳужжатларнинг молиявий экспертизасини амалга ошириш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишининг тўғрилиги устидан назорат;
- бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг самарали ва мақсадли ишлатилиши устидан назорат;

- барча даражадаги бюджетлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тушумлар тўлик ва ўз вақтида келиб тушиши устидан назорат;
- бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет ва солиқ интизомига риоя қилиниши устидан назорат;
- турли даражадаги бюджетларнинг даромадлар базасини ошириш ва уларнинг харажатлар қисмини камайтириш захираларини анқлаш;
- бюджетлараро муносабатлар механизмини амалга ошириш устидан назорат;
- бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳаракатларининг қонунийлиги ва ўз вақтидалиги устидан назорат;
- исрофгарчилик ва молиявий сунистеъмолларни аниқлаш, солиқ имтиёзлари, давлат дотациялари, субвенциялар, трансфертлар ва алоҳида тўловчилар ёки ҳудудларга бошқа турдаги ёрдамларни бериш бўйича ноқонуний қарорларнинг олдини олиш ва айбдор шахсларга тегишли жазо чораларини қўллаш;
- бюджет-молия интизомини кучайтириш мақсадида профилактика, ахборот-тушунтириш ишлари олиб бориш.

Бюджет назорати тизими ўзида қуйидаги элементларни мужассамлаштиради:


- назорат субъекти (ким назорат қилади);
- назорат объекти (қимми назорат қилади);
- назорат предмети (нимани назорат қилади);
- назорат принциплари;
- назорат услуби (методикаси);
- назорат техникаси ва технологияси;
- назорат жараёни;
- назоратни амалга ошириш учун дастлабки маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш;
- назорат натижаси;
- назорат натижаси бўйича қарор қабул қилиш;
- назорат самарадорлигини баҳолаш.

Юқорида санаб ўтилган элементлар йиғиндиси бюджет назорати механизмини ташкил этади ва у молия (бюджет) қонунчилигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади (43-схема).

Бюджет назоратининг субъектлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари (парламент назорати) ҳамда ҳукумат ва давлат бошқаруви (ижро) органлари

(маъмурий назорат), Молия вазирлиги, Ҳазначилик, ҳудудларнинг молия органлари, бюджет маблағларининг бош тасарруфчилари ва бошқалардир.

43-схема. Бюджет назорати механизми



Бюджет назорати объектларига солиқ-бюджет соҳаси ва бюджет жараёнининга эмас, балки бозор муносабатлари субъектларининг молиявий-ҳўжалик фаолияти жараёни ҳам тўлиқ қиради.

Бюджет назорати предметиға қуйидагилар қиради: бюджет жараёнининг барча босқичлари; бюджетта солиқ ва бошқа мажбурий тўловларнинг тушиши; бюджетдан ташқари жамғармаларға ажратмалар; солиқлар бўйича ҳисобкитоблар; бухгалтерия (молиявий) ҳисоби ва ҳисоботи; мақсадли бюджет жамғармалари; дотациялар; субвенциялар; ссудалар; трансфертлар; товармоддий бойликларини айирбошлаш ва текинға бериш; божхона қиймати ва бошқалар.

Давлат молия назоратини ташкил этишнинг асосий принциплари жаҳон ҳамжамияти томонидан ишлаб чиқилган ва ИНТОСАИ (назорат органлари халқаро ташкилоти)нинг Лима декларациясида таърифланган. Булар:

- функционал мустақиллик;
- ташкилий мустақиллик;
- молиявий мустақиллик;
- объективлик;

- ошқоралик;
- лаёқатлилик (компетентлик).

Молиявий фаолиятнинг ажралмас қисми ҳисобланган бюджет назоратига қонунийлик, режалилик, тизимлилик, узлуксизлик, самаралилик, ошқоралик, мустақиллик, объективлик ва лаёқатлилик **принциплари** ҳосдир (44-схема).

**44-схема. Бюджет назорати принциплари**



**Қонунийлик** принципи Конституция билан белгиланган бўлиб, давлат ва унинг барча органлари (шу жумладан назорат органлари) қонунга мувофиқ фаолият юритишини, жамият ва фуқароларнинг манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашини назарда тутди ва пул маблағлари жамғармаларининг яратилиши, тақсимланиши ва улардан фойдаланиш жараёни молия ва бюджет қонунчилиги нормалари билан муфассал тартибга солинишида намоён бўлади.

**Режалилик** принципи давлатнинг молиявий фаолияти молия-режа хужжатлари (давлат бюджети, маҳаллий бюджетлар, давлатнинг бюджетдан ташқари жамғармалари бюджетлари, бюджет ташкилотлари сметалари, давлат қорхоналарининг даромадлар ва харажатлар баланси) тизимига асосланганини англатади, уларни тузиш, тасдиқлаш, ижро этиш тартиби тегишли норматив хужжатлар билан белгиланади.

**Тизимлилик** принципи назорат тадбирларини ўтказишда назорат объектнинг барча томонлари ва унинг ўзаро алоқалари вертикал ва горизонтал бошқарув тизимлари бўйича кўриб чиқишлигини назарда тутати.

**Узлуксизлик** принципи барча назорат объектлари (бошқариладиган тизим) назорат субъектлари (тизимни бошқарувчилар) томонидан доимий равишда амалга ошириладиган дастлабки оператив ва даврий назорат, уларнинг фаолиятлари шартлари ва хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланган муддатларда назорат остида бўлишини англатади. Бу режалар ва вазифаларнинг бажарилиши устидан доимий кузатишни, белгиланган кўрсаткичлардан оғишлар аниқланганда фаолиятга тузатишлар киритиш чоралари кўрилишини таъминлайди.

**Назоратнинг самаралилиги** принципи молия-хўжалик фаолиятидаги меъёрдан оғишларни ва уларнинг сабабларини ўз вақтида ва тўлиқ аниқлашда, шунингдек юз берган салбий ҳолатларни тезкорлик билан бартараф этиш ва етказилган моддий зарарни ўз вақтида қоплашда намоён бўлади.

**Ошқоралик** принципи жамият эътиборига оммавий ахборот агентлиги орқали турли молиявий-режа ҳужжатлари лойиҳаларини, уларнинг ижроси бўйича берилган ҳисоботларни, молиявий фаолиятни текшириш ва тафтиш қилиш натижалари мазмунини етказишда намоён бўлади.

**Мустақиллик** принципи назорат қилувчи органнинг молиявий мустақиллигини, назорат органлари раҳбарларининг ваколат муддатлари парламентникига нисбатан узунлигини, уларнинг макоми Конституция билан белгиланганлигини кўрсатади.

**Объективлик ва лаёқатлилик (компетентлик)** принципи назорат натижалари, текширилган фактларнинг мазмуни қонунлар, йўриқномалар ва мансабдор шахсларнинг фаолиятини назорат қилишни тартибга солишчи бошқарув органларининг фармойишлари билан солиштириш асосида тўғри, тўлиқ ва объектив тушунтирилишини назарда тутати. Бу принцип назоратчи-тафтишчилар касбий маҳоратининг юқорилигини ва улар амалдаги қонун ҳужжатларига тўлиқ риоя қилишларини тақозо этади.

## **8.2. Бюджет назоратининг таснифи**

**Бюджет назорати турлари.** Назорат субъектларига (бюджет назоратини қим амалга оширади) боғлиқ равишда назорат турлари қуйидагича бўлади:

- умумдавлат назорати давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. У давлат ва жамият манфаатларини таъминлайди, солиқ

тўловчиларнинг бюджет олдидаги мажбуриятлари бажарилишини ва бюджет ажратмалари максадли ишлатилишини текширади.

Умумдавлат назоратининг икки асосий йўналиши фаркланади: давлат бюджети маблағларининг шаклланиши устидан назорат ва улар максадли ишлатилиши устидан назорат;

- **идоравий** назорат – вазирлик ва идораларнинг назорат-тафтиш бўлинмалари томонидан бир вазирлик ёки идора доирасида олиб бориладиган назорат. Бунда бюджетнинг ташкилий таснифи бўйича ажратилган бюджет маблағлари сарфланиши, бюджет ссудалари, субсидиялар, субвенциялар ва бюджетдан бошқа молиявий ёрдамнинг ишлатилиши текширилади;

- **жамоат** назорати нодавлат ташкилотлари ва муассасалари (касаба уюшмалари, оммавий ахборот воситалари, жамоат ташкилотлари ва бошқалар) томонидан амалга оширилади. Назорат объекти текширувчилар олдида қўйилган аниқ вазифаларга боғлиқдир;

- **муस्ताқил** назорат ихтисослаштирилган аудиторлик фирмалари ва хизматлари томонидан амалга оширилади;

- **хўжаликдаги бухгалтерия** назорати корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг молиявий-иқтисодий хизматлари томонидан амалга оширилади. Бу бухгалтерия хисобининг муҳим вазифаларидан бири хисобланиб, унда бухгалтерия хизмати томонидан амалга ошириладиган бухгалтерия назоратига алоҳида аҳамият берилади. Назорат объекти бўлиб хўжалик фаолияти юритувчи субъектларнинг молиявий фаолияти хизмат қилади, унинг таркибига бюджетга тўланадиган солиқлар ва солиқларни режалаштириш, ажратилган бюджет маблағларини ишлатиш ҳам қиради;

- **ҳуқуқий** назорат ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қўзғатилган жиноят иши асосида тафтиш, суд-бухгалтерия экспертизаси ва бошқа кўринишларда амалга оширилади;

- **фуқаролик** назорати солиқ тўловчилар – жисмоний шахслар томонидан солиқ органлари уларга солиқ солганда, солиқ декларациялари тузилганда ва тақдим этилганда, шунингдек бюджетдан маблағ (иш хақи, пенсия, стипендия, нафақа ва бошқалар) олинганда амалга оширилади.

Бюджет назоратининг барча турлари уларни амалга оширишнинг **шакллари ва методлари (усуллари)га** асосланади.

**Бюджет назорати шакллари** қуйидаги мезонлар асосида таснифланади:

1. **Ўтказилиш муддатига қараб** дастлабки, жорий ва якуний бюджет назоратлари фаркланади.

**Дастлабки** бюджет назорати турли даражадаги бюджетларни, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларини, дотациялар, субвенциялар ва бюджетдан бошқа маблағлар олингунга кадар ҳисоб-китобларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш босқичида, бюджет ва солиқ масалалари бўйича қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш босқичида амалга оширилади. У огохлантирувчи хусусиятга эга бўлиб, молиявий ресурслар нотўғри, самарасиз сарфланишининг олдини олишга, даромадларни ошириш имкониятларини аниқлашга ва лойиҳалаштирилаётган бюджет кўрсаткичларининг ҳудудлар ва бутун мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурлари билан мувофиқлигини кўрсатишга ёрдам беради. Дастлабки назорат бюджет ажратмалари йўналишларини режалаштиришда, умумий иқтисодий барқарорликка бир вақтда эришиш натижасида давлат бюджетига қатта даромадлар келтирувчи инвестицион дастурларни танлашда энг тежамли қарорларни қабул қилишга имкон беради.

**Жорий** назорат – бюджет назорати субъектларининг асосий фаолият тури. У бюджет ижроси, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметалари ижроси шароитида бюджет йили давомида бюджет-солиқ интизоми бузилишини аниқлаш, молиявий меъёрларга, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларини шакллантириш ва ишлатиш бўйича белгиланган кўрсаткичларга риоя қилинишини қайд этиш мақсадида амалга оширилади. Жорий бюджет назорати оператив ва бюджет-бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг бирламчи ҳужжатларига таянган ҳолда амалга оширилади. Бунда назорат жорий таҳлилсиз амалга оширилиши мумкин эмаслиги намоён бўлади. Жорий таҳлил ёрдамида бюджет даромадларининг тўпланиш даражаси, давлат ва ҳудудий дастурлар ўз вақтида ва мақсадли молиялаштирилиши, бюджет тақчиллиги ҳажми ва уни коплаш манбалари, амалдаги бюджет қонунчилигига баҳо берилади, шунингдек бюджет-солиқ механизмдан фойдаланиш орқали жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тартибга солиш ва рағбатлантириш амалга оширилади.

**Яқуний** назорат молия йили ёки ҳисобот даври тугаганидан сўнг амалга оширилади, унда солиқлар, божлар ва бошқа тўловларни тўплаш бўйича режалаштирилган сон ва сифат кўрсаткичларини (даромадлар ва харажатларнинг ҳар бир тури бўйича) бажарилиши, давлат пул маблағларининг сарфланиши, бюджет ташкилотлари сметаларининг ижроси текширилади. Бунда тахлилий иш натижасида бухгалтериянинг ҳисобот ҳужжатлари асосида режадаги кўрсаткичлардан оғиш сабалари аниқланади, бюджетда назарда тутилган маблағлар ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тушиши кўрилади, амалга оширилган

ҳаражатларнинг тўғрилиги, конунийлиги ва мақсадга мувофиқлиги, шунингдек даромадлар базасини оширувчи захиралардан фойдаланиш даражаси текширилади.

Якуний назорат дастлабки ва жорий назорат билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳисобот (бюджет) даври тугаганидан сўнг амалга оширилиши натижасида аввалги даврларда (яъни дастлабки ва жорий назорат даврларида) йўл қўйилган камчиликларни аниқлашга ёрдам беради.

2. **Субъектлардан** келиб чиқиб бюджет назорати ҳокимият вақиллик органларнинг назорати, ижроия органларининг назорати, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг назоратига бўлинади. Зарурат туғилганда бюджет назоратини амалга оширишга конун ҳужжатларига мувофиқ аудиторлар жалб этилиши мумкин.<sup>353</sup>

**Бюджет назоратининг асосий методлари** – ҳужжатли ва камерал текширув, иқтисодий таҳлил, тафтиш, кўрик.

Молиявий-хўжалик фаолиятини ҳужжатли текшириш корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларда амалга оширилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, товармоддий бойликлари, пул маблағларини инвентаризация қилишда, амалга оширилган ишларнинг назорат ўлчови ва бош тадбирларни амалга оширишда моддий жавобгар шахслар катнашиши шартдир. Маълумотлар манбаси бўлиб бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, бухгалтерия, статистик ва оператив-техник ҳисоботлар, ҳаражатлар сметаси ва унга қўшимча ҳисобкитоблар, солиқлар бўйича ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа ҳужжатлар хизмат қилади. Корхона (ташкилот)дан ташқарида ҳужжатларни текшириш учун мусодара қилиш конун билан тақиқланади. Шу билан бирга, назорат органларига юридик шахслардан фойда (даромад) яширилганлиги (камайтириб кўрсатилганлиги) ёки бошқа солиқ солиш объектлари яширилганлиги, бюджет маблағлари исроф этилганлиги ва мақсадсиз ишлатилганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни, агар улар йўқотилиши, алмаштириб қўйилиши, қалбақлаштирилиши мумкин деб тахмин қилиш учун асослар мавжуд бўлса, олиб қўйиш ҳуқуқи берилган.

**Камерал текширув** назорат органи жойлашган ерда, корхона, ташкилот ва муассаса томонидан тақдим этилган юқорида санаб ўтилган ҳужжатлар ва назорат субъектида текширувчилар ҳақида мавжуд бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида амалга оширилади. Камерал текширувнинг асосий вазифалари:

<sup>353</sup> “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги 734-ХII-сон Қонуни (2000 йил 26 майда ЎЗРнинг 78-III-сон Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири).



- хисоботлар, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметалари, уларга қўшимча хисоб-китоблар, шунингдек солиқ тўловчиларнинг солиқлар бўйича хисоб-китобларини олиш, текшириш ва бутлигини таъминлаш;

- солиқ тўловчилар ва бюджет маблағларини тақсимловчилар бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри хисобланиши ва тўланиши, бюджет ташкилотларининг харажатлар индивидуал ва умумий сметаларини тузиш, конун ҳужжатлари билан белгиланган меъёрларга риоя қилиниши ва бошқа масалалар бўйича қарор қабул қилиш;

- бюджет-солиқ интизомини бузганларга молиявий санкциялар тўғри хисобланишини назорат қилиш ва бошқалар.

**Кўрик** назорат қилувчининг қорхона, ташкилот ва муассаса молиявий-хўжалик фаолияти иштирокчилари билан шахсан танишувини назарда тутди. Бунда бирламчи бухгалтерия ҳужжатларини текшириш шарт эмас. Ишнинг дастлабки назорати ўтказилиб, ёкилғи ва электроэнергия сарфи ҳамда яширин молиялаштирилган ва солиққа солинган объектларни сўров ўтказиш, жойдаги инспекция ёки кузату ва шунга ўхшаш ҳсуллар ёрдамида амалга ошириш мумкин.

Бюджет назоратини амалга оширишнинг муҳим методи – барча даражадаги бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар қисмлари ижросини, бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ижросини **иктисодий таҳлил қилиш**. Унинг давлат молияси ва хўжалик субъектлари молиясини бошқаришда, шунингдек бозор шароитида жамиятдаги ижтимоий-иктисодий жараёнларни бошқаришда аҳамияти сезиларли даражада ошди. Бунда бюджет-солиқ тизимининг ўзи ҳам таҳлил қилиниши керак, шунингдек унинг жамият ҳаётида турли томонларига таъсири ҳам таҳлил қилиниши лозим.

Илмий асосланган ва ҳар томонлама ўтказилган бюджет таҳлили узок муддатли сиёсатни ишлаб чиқишга асос бўлади ва бюджетни такрор ишлаб чиқариш жараёнларини давлат томонидан тартибга солувчи фаол восита сифатида фойдаланиш имконини беради.

**Тафтиш** – яқуний бюджет назоратининг етакчи шакли бўлиб, бюджет назоратининг чуқур ва кенг қамровли методини намояндалар.

Тафтиш – қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг, шунингдек молия органларининг бюджетни тузиш ва ижро этиш бўйича ишларининг ўзаро боғланган текширувлари мажмуидир. Тафтиш ҳужжатли ва фактик назорат ёрдамида амалга оширилиб, хўжалик операцияларини, бюджет маблағлари ажратилишининг асосланганлиги, мақсадга мувофиқ

ва иктисодий жиҳатдан самарали эканлигини аниқлайди, молиявий интизомга риоя қилинишини, давлат мулкнинг сақланишини, ҳисоб ва ҳисобот юритишнинг ишончлилигини текширади.

Тафтиш вақтида амалга ошириладиган хўжалик операцияларининг қонунийлиги, ишончлилиги, мақсадга мувофиқлиги, молиявий-иктисодий самаралилиги, ишлатиладиган бюджет ажратмаларининг, моддий ва меҳнат ресурсларининг мақсадлилиги ва оқилоналиги, бюджет даромадлари ва харажатлари бўйича режалаштириладиган кўрсаткичларга эришилганлиги назорат қилинади. Тафтиш ёрдамида давлат ва хўжалик органлари моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан тўлиқ фойдаланганлик тўғрисида, тафтиш қилинадиган корхона фаолиятининг ижобий ва салбий томонлари тўғрисида ишончли маълумот олади, бу эса ўз навбатида оператив ва тўғри бошқарув қарорлари қабул қилинишига олиб келади. Тафтишнинг аҳамияти хўжалик фаолиятини юритишнинг ижобий тажрибаларини умумлаштириш ва тарғиб қилишда, қонунбузарлик ва суиистеъмолликларнинг олдини олишда, бюджет-солиқ интизомини тартибга солишда, молиявий ҳуқуқнинг англаш ҳисси пайдо бўлишига кўмаклашишда ҳам намойён бўлади.

Юқорида қайд этилганларнинг барчаси якуний бюджет назорати ҳисобланган тафтишнинг қуйидаги асосий вазифаларини шакллантиришга имкон беради:

- молиявий интизомга риоя қилиш;
- бюджет маблағларини тежамли ва мақсадли ишлатиш;
- бюджетнинг даромадлар базаси ва солиқлар йиғилишининг ўсиш имкониятларини аниқлаш;
- моддий ва молиявий ресурсларнинг сақланиши ва самарали ишлатилиши;
- бюджет жараёнининг ва сметали молиялаштиришнинг барча босқичлари ўз вақтида ва тўғри бажарилишини таъминлаш;
- бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи тўғри юритилишини таъминлаш;
- хўжасизлик, исрофгарчилик ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш.

#### **Тафтиш объектлари:**

- давлат ва ҳудудий ҳокимият ва бошқарув органлари, уларнинг таркибий бўлинмалари;
- ишлаб чиқарувчи тижорат ва акциядорлик корхоналари ва давлат иштирокидаги ташкилотлар;

• бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган ёки дотация, субвенция, трансферт, ссуда кўринишида давлатдан ёрдам олувчи ҳар қандай мулк шаклидаги корхона, ташкилот ва муассасалар;

- нодавлат жамоат ташкилотлари ва муассасалари;
- бюджетдан ташқари ижтимоий жамғармалар;
- давлат томонидан манзилли молиявий ёрдам, солиқлар тўлаш ва давлат томонидан бошқариладиган фаолиятни амалга ошириш борасидаги тадбиркорлик тузилмалари ва жисмоний шахсларнинг фаолияти.

**Тафтишни таснифлашнинг куйидаги концепциялари ва белгилари мавжуд:**

- тафтиш қилинаётган органларнинг идоравий мансублиги;
- тафтиш қилинаётган объект фаолиятини қамраб олиш даражаси;
- тафтишни ўтказишнинг чуқурлиги;
- маълумотларни қамраб олиш даражаси;
- материалнинг хусусияти;
- тафтишни ўтказиш режасига муносабат;
- бир хил ҳужжатларни текшириш тартиби.

Кўрсатилган белгиларга кўра тафтишлар таснифи 45-схемада ақс эттирилган.

**Комплексс тафтишлар** айниқса кенг тарқалган ва самарали бўлиб, бунда тафтиш этилаётган корхона (ташкнлот) фаолиятининг барча жабхалари ва томонлари текширилади.

Корхонанинг молиявий-хўжалик фаолияти, молиявий-иктисодий кўрсаткичлар, технологиялар ва товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш билан бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг бутлиги ва ишлатилиш самарадорлиги, бухгалтерия ҳисобининг ҳолати ва ҳисоботнинг ишончилиги, солиқ ва молия интизомига риоя қилиниши ва бошқа масалалар тафтиш қилинади. Зарурат ҳолда махсус масалаларни текшириш учун тегишли мутахассислар: муҳандислар, технологлар, менежерлар ва бошқалар жалб этилади. Бу назорат объектини тўлиқ ва ҳар томонлама текширишни амалга оширишга ва тафтиш самарадорлигининг ошишига олиб келади.

#### 45-схема. Тафтишлар таснифи



Тафтишларни ўтказилишнинг чуқурлик даражасига кўра охиригача ва локал тафтишлар фарқланади. Охиригача тафтиш ўтказилганда миллий иқтисодиётнинг тармоқлари, бошқармалар, трестлар, акционер жамиятлар, фирмалар ва уларга бўйсунadиган хўжалик субъектлари, филиаллар, ваколатхоналар тафтиш қилинади. У бир вақтда юқори ва қуйи корхоналарда (ташкilotларда) бир хил ва ўзаро боғлиқ бўлган дастурлар асосида амалга оширилади. Локал тафтишлар эса битта корхонада, ташкilotда, муассасада ёки уларнинг бир нечтасида турли ва ўзаро боғлиқ бўлмаган дастурлар асосида амалга оширилади.

Маълумотларни қамраб олиш даражаси бўйича тафтишлар яхлит, танлаб олинadиган, комбинациялашган бўлади. Яхлит тафтиш вақтида тафтиш қилинаётган корхонанинг маълум бир фаолият жабҳасидаги барча операциялар ва маълумотлар бутун тафтиш даврида назорат қилинади. Бюджет ҳисоблари,

ҳисоб-китоблари, валюта, махсус ҳисоблар ва бошқалар бўйича касса операциялари кўпинча яхлит тафтиш объекти ҳисобланади. Молиявий-хўжалик фаолиятининг танлаб олинadиган тафтишини ўтказишда маълум бир вақт учун ҳужжатларнинг бир қисми текширилади (чоракнинг охириги ойи, IV чорак, бюджет жараёнидаги имтиёзли давр), иш ҳақини ҳисоблаш, ёз даврида ўқув юрти педагогик ходимларининг меҳнат таътили пулини ҳисоблаш, товармоддий захираларининг режали инвентаризациясини ўтказиш, иш ҳақи, пенсияларнинг ўз вақтида тўланиши, мукофотларнинг қонунийлиги текширилади.

Яхлит тафтиш – тафтиш қилинаётган объектнинг фаолияти тўғрисида тўлиқроқ маълумот беради. Лекин бу тафтиш жуда қиммат ва меҳнатталаб ҳисобланади, шунинг учун йирик операциялар ва катта ҳужжат айланмаси ўтказиладиган жойларда комбинациялашган тафтиш ўтказилиши мумкин. Бунда айрим участкаларда яхлит тафтиш ўтказилса, айрим участкаларда – танлаб олинadиган тафтиш ўтказилади. Танлаб олинadиган тафтишни ўтказишда тафтиш қилинаётган объектни яхлит тафтиш қилиш зарурати туғилиши мумкин (камомад, ўғрилиқ ва бошқа ҳолларда).

Текшириладиган материалнинг хусусиятига кўра тафтиш ҳужжатли ва фактик бўлади.

Ҳужжатли назорат бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ва унга кўшимча ҳисоб-китоблар ва бошқалар асосида амалга оширилади. Унинг асосий усуллари:

- ҳужжатларни формал ва арифметик текшириш;
- ҳужжатлар ва ёзувларнинг қарама-қарши текшируви;
- амалга оширилган хўжалик операцияларини юридик, иқтисодий ва молиявий баҳолаш;
- ялпи ва танлаб назорат қилиш;
- тесқари ҳисоблаш усули;
- иқтисодий таҳлил усуллари (таққослаш, балансли боғлаш ва бошқалар);
- техник-иқтисодий ҳисоблар.

Ҳужжатли тафтишнинг етакчи усули – ҳужжатларни формал ва арифметик текширишда бланклар ва ҳисоб регистрларининг аниқ тўлдирилиши, уларда зарур бўлган реквизитларнинг мавжудлиги ва суммалар ҳисобланади, яъни ҳужжатларнинг ва уларда акс эттирилган хўжалик операцияларининг тўғрилиги аниқланади. Тафтиш даврида формал-арифметик назоратдан сўнг ноаниқликлар ва операцияларнинг қонунийлигига шубҳа туғилиш ҳоллари ҳам юзага келиши мумкин. Шунда ҳужжатларнинг қарама-қарши текшируви амалга оширилади. Бунда текшириладиган ташкилотнинг ҳужжатларидаги маълумотлар ушбу таш-

килот хўжалик фаолиятига киришган бошқа ташкилотлардаги ҳужжатларнинг маълумотлари билан солиштирилади.

Бюджет назоратида меъёрий текширув ҳужжатли тафтишнинг асосий усулларидан биридир. Унинг асосий мағзи фактик харажатларни меъёрий (режада белгиланган) харажатлари билан солиштиришдан иборатдир. Бу усул моддий ва пул меъёрларини, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларини, жамланма тармоқ сметалари асосида харажатлар сметаларининг тузилишини, харажатлар моддалари бўйича харажатларни ҳисобдан чиқаришнинг тўғрилигини аниқлаш учун фойдаланилади.

Тескари ҳисоблаш усули тафтиш даврида корхона ҳисобида ва омборида мажуд бўлган маблағларни асоссиз равишда ҳисобдан чиқариш мақсадида моддий ва молиявий харажатларни экспертиза усулида баҳолашга асосланади.

Юридик, иқтисодий ва молиявий нуктаи назардан амалга оширилган молиявий-хўжалик операцияларни баҳолаш, умумиқтисодий ва статистик таҳлил усуллари ва ўтказилган операцияларни ва тафтиш қилинаётган корхонанинг тафтиш давридаги фаолиятининг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги, оқилоналиги ва самаралилигини баҳолаш масалаларининг бутун бир мажмуини камраб олади. Ҳужжатли назоратнинг бу усули энг мураккаб ва ўта меҳнатталаб ҳисобланади, лекин факатгина тафтиш органи учун эмас, балки биринчи навбатда (бозор иқтисодиёти ва рақобат шароитида) корхона ва ташкилотнинг ўзи учун муҳим ва зарурдир.

**Фактик назорат усулларига қуйидагилар киради:**

- товар-моддий захираларини ва пул маблағларини инвентаризация қилиш;
- мутахассислар томонидан бажарилган иш ва хизматларнинг фактик ҳажми ва сифатини, хом ашё, материал ва пул маблағлари ҳисобдан чиқарилишининг тўғрилигини, моддий ва пул маблағлари киримини расмийлаштиришни экспертиза усулида баҳолаш;
- назорат ўлчови (экспертиза усулида баҳолашнинг таркибий қисми сифатида);
- бино ва ишлаб чиқариш бўлинмаларини кўз билан кузатиб текшириш (масалан, мактабда иситилаётган майдоннинг назорат ўлчови ва бошқалар);
- меҳнат ва молиявий интизомга риоя қилинишини текшириш.

Фактик назоратнинг муҳим жиҳати қутилмаганлик (тўсатдан амалга ошириш) бўлиб, у камчиликларни ва ташкилот молиявий-хўжалик фаолиятидаги қондабузарликларни ўз вақтида аниқлашга ёрдам беришдан ташқари, пул маблағлари ва товар-моддий бойликларининг камомади ва ўзлаштирилишини аниқлашга ҳам ёрдам беради.


Тафтишларнинг **режалаштирилган** (назорат-тафтиш органларининг тасдиқланган иш режасига асосан амалга оширилади) ва **режадан ташқари** (хукук-тартибот органларининг асосланган қарорларига мувофиқ, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг топшириқларига биноан режадан ташқари амалга оширилади) турлари мавжуд. Биринчиси назорат органларининг йиллик ва чорак иш режаларида назарда тутилади, иккинчиси эса корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятини ва молиявий интизомни қўпол равишда бузганда, шунингдек давлат бошқарув органларининг (масалан, прокуратура) талаблари асосида амалга оширилади.

Айни бир масалаларни ўрганиш навбатига қараб тафтишлар **бирламчи ва қайтарилувчи** бўлади. Бирламчи тафтиш режага биноан биринчи навбатда ўтказилаётган тафтишдир.

Қайтарилувчи тафтишлар қуйидаги ҳолларда амалга оширилади: аввалги тафтиш жараёнида дастурга қўшилган масалалар ёритилмаган бўлса; тафтиш натижалари текширув ҳужжатида аниқ ифодаланмаган ва улар сифатсиз деб топилса; тергов органларининг талабига биноан бирламчи тафтишнинг якуний ҳужжатидаги фактларни тасдиқлаш учун.

Тафтишларни ташкил этиш ва ўтказиш ўта мураккаб, тадрижий жараён бўлиб, уни ўтказиш режалаштириш ва тайёргарликдан бошланади ва тафтиш ҳужжатидаги таклифларнинг бажарилишини назорат қилиш билан якунланади. **Тафтиш жараёнининг** қуйидаги **боскичлари** фаркланади, анно улар ҳам ўз навбатида кичик боскичларга бўлинади: 1) тафтишни ўтказишга тайёргарлик; 2) тафтишни ўтказиш; 3) тафтиш материалларини тизимлаштириш ва расмийлаштириш; 4) тафтиш материалларини амалга ошириш (46-схема).

#### 46-схема. Тафтиш жараёнининг кичик боскичлари



**Тафтишни ўтказишга тайёргарлик.** Дастурга биноан тафтишнинг асосий масалалари рўйхати аниқланади, у назорат-тафтиш органининг раҳбари томонидан тасдиқланади. Тафтиш дастурида тафтиш объекти ва ўтказиладиган даври қайд этилади. Тафтиш дастури тузилишидан олдин тайёргарлик даври бўлиб, унда тафтиш иштирокчилари тафтиш қилиниши режалаштирилаётган ташкилотнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳисоботлар, статистик маълумотлар ва бошқа маълумотларни ўрганишлари мажбурийдир.

Ташкилот молиявий-хўжалик фаолиятининг тафтишни ўтказишда таъсис, рўйхатдан ўтказиш, режа, ҳисобот, бухгалтерия ва бошқа ҳужжатларни шакл ва мазмун жиҳатидан текшириш молия-хўжалик операцияларининг қонунийлиги ва тўғрилигини тасдиқлаш учун амалга оширилади. Бунда бланкаларни тўлдиришда аниқлик назорат қилинади, барча зарур реквизитларнинг мавжудлиги текширилади, ҳисобот кўрсаткичлари бухгалтерия ҳисобининг бирламчи кўрсаткичлари билан таққосланади, бирламчи ҳужжатларнинг арифметик текшируви амалга оширилади, амалга оширилган операцияларнинг бошланғич ҳужжатларга мослиги, шу жумладан пул маблағлари, моддий бойликлар, тугалланиши яқин қолган ишлар ва хизматлар бўйича маблағларни олиш назорат қилинади.



Тафтиш гуруҳи иштирокчилари текширув дастуридан келиб чикиб у ёки бу тафтиш фаолияти, усуллари ва методларини қўллаш имкониятлари ва заруратини аниқлайдилар. Бундан ташқари ахборот олиш усуллари, таҳлил процедуралари, жами маълумотлардан далил бўла оладиганларини ажратиб олиш масалалари хал этилади. Тафтиш натижалари **далолатнома** билан расмийлаштирилиб, у тафтиш гуруҳи бошлиғи, тафтиш гуруҳининг жараёнда иштирок этадиган барча аъзолари томонидан, тафтиш қилинаётган ташкилотнинг раҳбари, бош бухгалтери ва бошқа мутахассислари томонидан имзоланади.

Тафтиш далолатномаси тафтиш давомида аниқланган барча камчиликлар ва қонунбузарликларни ақс эттирувчи асосий ҳужжат бўлиб, унинг асосида тафтиш қилинган ташкилотнинг фаолияти тўғрисида хулосалар чиқарилади, тегишли молиявий, маъмурий-ҳуқуқий қарорлар қабул қилинади. Унга қўйиладиган асосий талаблар – объективлик, аниқлик ва раволик.

Тафтиш далолатномаси уч қисмдан иборат: кириш (**муқаддима**), тавсифий (асосий) ва якуний қисм (**хулоса**).

**Далолатноманинг кириш қисми** таркиби: тафтиш мавзусининг номи; тафтиш далолатномасининг тузилиш вақти ва жойи; тафтиш ким томонидан ва нима асосида ўтказилганлиги; текширув даври ва тафтиш ўтказиладиган муддат; ташкилотнинг тўлиқ номи; юқори турувчи ташкилотнинг номи; кредит муассасаларида очилган барча ҳисоб рақамларининг ҳамда газначилиқда очилган шахсий ҳисоб варақларнинг рўйхати ва реквизитлари; текширилаётган даврда ким биринчи имзо ҳуқуқига эга бўлганлиги ва ким бош бухгалтер бўлганлиги, аввалги тафтиш ким томонидан ва қачон ўтказилганлиги ва унинг натижалари бўйича қандай чоралар қўрилгани ҳақида маълумотлар.

Тафтиш далолатномасининг **тавсифий қисми** тафтиш дастурида кўрсатилган саволларга жавоблар тизимли равишда ва олдинма-кетин ёритилган матндан иборат.

Далолатномани тузишда объективлик ва асослилиқ шартларига риоя қилиниши, матн аниқ, лўнда, содда ва изчил баён қилиниши лозим.

Тафтиш натижалари ҳужжатлар, қарама-қарши текширувларнинг натижалари, экспертиза маълумотлари ва бошқа ҳужжатлар билан тасдиқланган маълумотлар ва фактлар асосида далолатномада ёритилади.

Қонунбузарлик фактларининг тавсифи куйидаги ахборотни ўз ичига олиши шарт: қайси қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бузилган; қонунбузарликлар ва камчиликлар ким томонидан, қайси даврда амалга оширилган ва улар нимада намоён бўлган; келтирилган зарарнинг ҳужжат билан исботланган суммаси.

Тафтиш далолатномасида ташкилот молиявий-хўжалик фаолиятининг тафтиши вақтида аниқланган, лекин ҳужжат билан исботланмаган фактлар бўйича хулосалар ва таклифлар баён этилишига йўл қўйилмайди. Тафтиш далолатномасида текширилаётган ташкилотнинг мансабдор шахслари фаолиятига ҳуқуқий ва ахлоқий баҳо бериш, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари, ниятлари ва мақсадларини тавсифлаш мумкин эмас.

Тафтиш далолатномасига тергов материалларидан маълумотларни киритиш, мансабдор ва моддий жавобгар шахслар тергов органларига берган гувоҳликларга ҳавола қилиш мумкин эмас.

Тафтиш даврида ўз вазифасини суниестемол қилиш, камомад ва ўғрилиқ аниқланганда оралиқ далолатномаси тузилади. Бу ҳужжат прокуратура органларига тақдим қилиниши лозим. Оралиқ далолатномасидаги фактлар тафтишнинг умумий далолатномасига киритилади.

Тафтиш далолатномасига қуйидагилар илова қилиниши шарт: моддий бойликлар ва пул (валюта) маблағларини инвентаризация қилиш ҳужжатлари, назорат ўлчашлар, экспертиза ва лаборатория таҳлили, текшириш ва кузатишлар, карама-қарши текширувлар, оралиқ далолатномалар, текширув маълумотномалари, тафтиш гуруҳи аъзолари томонидан молиявий-хўжалик фаолиятининг тафтиши натижасида тузилган жадваллар.

Тафтишнинг охириги, **яқуний босқичи** – тафтиш ва текширувларнинг натижалари бўйича чоралар кўриш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш ҳисобланади. Тафтиш ўтказишни тайинлаган раҳбар тафтиш далолатномаси билан танишганидан сўнг, икки ҳафта муддат ичида тафтиш материалларини кўриб чиқиши ва тафтиш қилинаётган ташкилотнинг раҳбариятига зарурий кўрсатмалар юбориши керак. Ушбу кўрсатмаларда тафтиш далолатномаси бўйича очилган қонунбузарликлар ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш, давлатга етказилган зарарни (амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ) қоплаш ва айбдор шахсларни қонун билан белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш акс эттирилади.

Назорат-тафтиш органи тафтиш материалларида акс эттирилган камчиликлар ва қонунбузарликларни бартараф этиш чора-тадбирлари амалга оширилишини назорат қиладилар. Тафтиш ва текширувларнинг натижалари материалари бўйича жиддий камчиликлар ва қонунбузарликлар, шунингдек тафтиш қилинаётган ташкилотнинг молиявий-хўжалик фаолиятида ўз мансабини суниестемол қилиш аниқланса, назорат-тафтиш органи тегишли вазирлик, идора ва бошқа юқори инстанцияларга айбдор шахсларга нисбатан таъсирчан чораларни кўриш учун ахборот юборди.

Йирик ҳажмда пул маблағлари ва моддий бойликларни ўғирлаш аниқланган тақдирда айбдор шахсларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш ва етказилган зарарни қоплаш чораларини қўриш учун тафтиш материаллари тергов органларига тақдим этилади.

Молия органлари томонидан бюджетни тузиш ва ижро этиш масалалари бўйича тафтиш ўтказилганида, унинг натижалари тегишли даражадаги маъмурият раҳбариятига (бошлиғига) тақдим этилади.

### 8.3. Ўзбекистон Республикасида бюджет назорати

Бюджет назорати органларининг таркиби ва тузилиши давлатнинг ўз ривожланишининг у ёки бу босқичидаги функциялари, ва вазифаларидан келиб чиқади. Чунки назорат бошқарувнинг самарали функционал элементи ҳисобланади.

Вазифалардан келиб чиқиб, бюджет назорати бюджетнинг даромадлари ва харажатлари шаклланишига жавобгар ҳисобланган вазирлик ва идораларга нисбатан, шунингдек давлат (худудий) мақсадли дастурларни ва буёртмаларни амалга ошириш учун бюджет маблағларини субвенциялар, бюджет ссудалари ва дотациялар кўринишида олган бошқарув органлари, корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга нисбатан қўлланилади. Бюджетдан қайтариб бериш ёки қайтариб бермаслик шarti билан молиялаштириладиган ёки солиқ, божхона ва бошқа имтиёзларга эга бўлган юридик шахслар назорат қилинади. Харажатлар бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишига мувофиқлигини, бюджет интизомининг бузилиш фактларини, бюджет тизими бюджетлари билан ҳисобкитоблар ўз вақтида тўлиқ амалга оширилганлигини аниқлаб, бюджет назорати давлат ва худудий бошқарувнинг таъсирчан воситаси сифатида намоён бўлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган Давлат молиясини бошқаришни ислоҳ этиш<sup>354</sup> давлат молияси бошқаруви тизимини назорат қилишни такомиллаштиришга йўналтирилгандир. Стратегия тadbирлари доирасида қуйидаги оралик мақсадга эришиш режалаштирилган: бюджет ижроси тизимини модернизациялаш, шу жумладан бюджет назоратини такомиллаштириш.

Ўзбекистонда қуйидаги муассасалар бюджет назорати субъектлари ҳисобланади:

- Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси;
- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва худудий молия органлари;

<sup>354</sup> <http://www.adb.org/Documents/RRPs/UZB/41041-UZB-RRP.pdf>

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бон<sup>355</sup> бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги;

Зарур ҳолда бюджет маблағларини назорат қилишга аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар мутахассислар сифатида жалб этилишлари мумкин.

Бюджет назорати субъектларига Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ ва божхона кўмиталари ва уларнинг ҳудудий органлари ҳам қиради. Улар бюджетга даромадлар тўлик ва ўз вақтида тушишини назорат қилади.

Бундан ташқари бюджет назорати бюджет маблағларининг Бош тасарруфчилари ва тасарруфчилари томонидан амалга оширилади. Улар қуйндаги йўналишларда молия-бюджет назоратини амалга оширадilar: бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилиши ва бюджет ссудалари ўз вақтида қайтарилиши, ҳисобот тақдим этилиши ва бюджет маблағларидан фойдаланганлик учун тўловлар (ссуда учун фонз) амалга оширилиши; идоралар қарамоғидаги давлат корхоналари ва бюджет ташкилотлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида бюджет маблағлари мақсадли ишлатилишини назорат қилиш.

Ўзбекистонда амал қилаётган қонун ҳужжатлари доирасида назоратни таъминлашда бюджет назорати органларининг вазифалари, функциялари ва мажбуриятларини кўриб чиқамиз.

**1. Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси** – молиявий назоратни амалга оширувчи олий мустақил орган, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ҳисобдор. Унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисидаги Низом<sup>355</sup> билан тартибга солинади. Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларининг мақсадли ва самарали ишлатилишини, давлат активлари ва пасивлари ҳаракати ва ҳолатини, олгин-валюта захиралари ва ташқи қарздорликни такрор ишлаб чиқариш, бошқариш ва идора қилишнинг мониторинги ва давлат назоратини амалга оширади ҳамда ўз баҳолашларида мустақил ва объективдир.

Ҳисоб палатаси томонидан қабул қилинган қарорлар, унинг ваколатлари доирасида, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, вазирликлар, идоралар, мулкчилик шакли ва бўйсунушидан қатъий назар хўжалик субъектлари ва мансабдор шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

---

<sup>355</sup> Положение о Счетной палате РУз., N УП-3592 от 04.04.2005 г. Приложение №3.

Ҳисоб палатаси ўзига юклатилган функцияларни қонунийлик, объектив-лик, мустақиллик ва ошқоралик принципларига мувофиқ амалга оширади.

Ҳисоб палатасининг асосий вазифалари:

- макроиктисодий кўрсаткичлар ва Давлат бюджети параметрларининг шаклланиш жараёнини чуқур ва диққат билан ўрганиш, уларнинг бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иктисодиётни эркинлаштириш бўйича олиб борилаётган сиёсатга мувофиқлигини аниқлаш, республика иктисодий ва ижтимоий ривожланишнинг мақсадли комплекс дастурларини танқидий баҳолашни амалга ошириш;

- Давлат бюджети даромадлар қисмининг шаклланиши ва ижросини моддалар ва омиллар бўйича тармоқ ва ҳудудий кесимда таҳлил этиш, бюджетнинг даромадлар қисми асосий моддалари прогноз кўрсаткичларининг реаллигини ва танглигини баҳолаш, бунда алоҳида эътиборни ёқилғи-энергетика комплексида, казиб олиш саноатида, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасида ва савдода, иктисодиётнинг бошқа даромадларини яратувчи тармоқ ва соҳаларида захира-ларни аниқлашга алоҳида эътибор бериш зарур;

- агросаноат комплекси хўжалик субъектларининг молиявий ҳолати мониторингини амалга ошириш, кишлок ва сув хўжалигининг ривожланишига ажратилган бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланилишини назорат қилиш;

- маҳаллий бюджетларнинг шаклланиши, уларнинг амалга оширилиши ва мутаносиблигини тизимли таҳлил ва назорат қилишни амалга ошириш,

- маҳаллий бошқарув ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини уларга юклатилган функция ва вазифаларни бажариш учун реал молиявий ресурслар билан таъминлаш вазифасини ечиш мақсадида республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатни оптималлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

- Давлат бюджетининг ижроси ва давлат маблағларини республика ва маҳаллий даражада сарфланиши устидан назоратни ташкил этиш ва таъминлаш. Давлат харажатларини қисқартириш имкониятларини аниқлаш. Бюджет маблағлари қонуний, мақсадли ва самарали ишлатилишини текширишни марказда ва жойларда ташкил этиш, уларни ишлатишда юзага келиши мумкин бўлган қонунбузарликлар ва суниестемолликларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўриш;

- Давлат бюджети таркибида жамланадиган бюджетдан ташқари жамғармалар – Республика йўл жамғармаси, Пенсия жамғармаси, Мактаб таълимининг ривожлантириш жамғармаси, Аҳолини иш билан таъминлашга

қўмаклашиш жамғармаларига тушумларнинг тўлиқлигини, шунингдек уларнинг маблағлари мақсадли, оқилона ва самарали ишлатилишини катъий назорат қилиш;

- ташки қарзларни жалб этиш ҳажми ва мақсадга мувофиқлигини танқидий баҳолаш, олинаётган хорижий кредитлар ва грантларнинг маблағлари самарали ва оқилона ишлатилиши, шунингдек ҳукумат томонидан олинган ёки ҳукумат кафолати остида олинган ташки кредитларга ўз вақтида хизмат кўрсатилиши устидан катъий назорат олиб бориш.

Ҳисоб палатасига юкланган вазифаларга мувофиқ унинг зиммасига назорат, мониторинг ва таҳлилий ишлар куйидаги функциялар билан биргаликда юклатилган:

- макроиктисодий кўрсаткичлар, бюджет-солик ва пул-кредит параметрларининг шаклланиш жараёнларини тизимли ўрганиш, шунингдек уларнинг конун ҳужжатлари талабларига мувофиқлигини кузатиб бориш;

- мамлакат солик ва бюджет сибёатининг асосий йўналишлари бўйича, шунингдек келаси йилга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети лойиҳаси бўйича хулосалар бериш;

- Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботнинг ташки аудитини ва йиллик якуини баҳолашни амалга ошириш;

- Давлат бюджети даромад қисмининг ижроси, шунингдек уни ҳудудлар бўйича манбалар кесимида, солик ва боғхона органларидан тўловларнинг келиб тушиши тўлиқлиги юзасидан мониторингни амалга ошириш;

- ёқилғи-энергетика комплекси, истеъмол бозорлари соҳаси ва савдо корхоналари, қурилиш ва бошқа даромадларни яратувчи тармоқларнинг бюджетга қўшимча маблағларни тушириш имкониятларини аниқлашга йўналтирилган фаолиятини таҳлил қилиш;

- маҳаллий бошқарув ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳудудлар ва бутун жамиятнинг ривожланишидаги ролини ошириш мақсадида республика ва маҳаллий бюджетлар ўртасидаги нисбатни оптимallasштириш бўйича таклифларни таҳлил этиш ёа баҳолаш, маҳаллий ҳокимият органлари томонидан даромадлар ва харажатларнинг шаклланиши бўйича текширувларни амалга ошириш;

- Давлат бюджетининг харажатлар қисми тўлиқ модалари бўйича, тармок ва ҳудудий кесимда ижро этилиши устидан назорат ўрнатиш;

- давлат маблағлари тармоқлар ва корхоналар кесимида самарали ва мақсадли сарфланишини текшириш, конунбузарликлар ва ўз вазифасини сунистеъмол қилишнинг олдини олиш чораларини кўриш;

- давлат бюджетидан молиялаштирилладиган давлат бошқаруви органлари маблағларининг сарфланишини назорат қилиш;

- кишлок ва сув хўжалиги хўжалик юритувчи субъектларининг молиявий ҳолатини, ирригация тадбирларига ва ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ажратилган маблағлар оқилона ва самарали ишлатилишининг мониторингини амалга ошириш;

- бюджет жараёнидаги оғишларни таҳлил этиш ва ўрганиш, уларни бартараф қилиш ва бюджет қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- Давлат бюджети таркибида жамланадиган бюджетдан ташқари жамғармалар – Республика йўл жамғармаси, Пенсия жамғармаси, Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси, Аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармалари даромадларининг шаклланиши, шунингдек уларнинг маблағлари оқилона ва самарали ишлатилишини текширишни ташкил этиш ва назорат қилиш;

- давлат эҳтиёжлари учун сотиб олинадиган кишлок хўжалик маҳсулотлари учун ҳисоб-китоб қилиш Жамғармаси, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги кишлокни кишлок хўжалик техникаси билан таъминлашни рағбатлантириш давлат Жамғармаси ҳисоб рақамлари бўйича пул маблағларининг мақсадли ҳаракатини таҳлил ва назорат қилиш;

- экспорт ва импорт операциялари ўтказилишининг қонунийлигини, экспорт валюта кирими бўйича тушумлар ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишини, шунингдек товарлар (ишлар, хизматлар) импортидан мажбурий тўловлар бўйича бюджетга маблағлар тушишини назорат қилиш;

- давлат ташқи қарзини бошқаришни мониторингини ўтказиш ва унга ўз вақтида хизмат кўрсатилишини назорат қилиш, ҳукумат томонидан олинган ёки унинг кафолати остида жалб қилинган хорижий кредитлар маблағларини самарали ишлатиш масалалари бўйича мавзули текширувларни ташкил этиш;

- хорижий мамлакатлардаги давлат мулкни сотиш билан боғлиқ масалалар бўйича таҳлилни ўтказиш ва назоратни таъминлаш;

- вазирликлар ва идоралар, корхоналар ва ташкилотларнинг Ҳисоб палатаси ваколатларига кирувчи масалалар бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш.

Кўрсатилган функцияларни амалга ошириш учун Ҳисоб палатасига куйидаги ҳуқуқлар берилган:

- давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, қўмиталар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар, банклардан ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ахборот, маълумотлар ва ҳужжатларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

- зарур ҳолларда ўз зиммасига юклатилган вазифаларни амалга ошириш учун текширувлар ташкил этиш ва уларнинг натижалари бўйича ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларни жўнатиш;

- ўз ваколати доирасида текширувлар ўтказиш вақтида давлат органлари ва уларнинг вакиллари, нодавлат аудиторлик хизмати ва айрим мутахассисларни уларда иштирок этиш учун жалб этиш;

- Ҳисоб палатаси билан олдиндан келишилиши зарур бўлган барча масалалар юзасидан тегишли хулосалар бериш;

- конунчиликни такомиллаштириш, давлат органлари, корхоналар ва ташкилотлар фаолиятини яхшилаш мақсадида назорат тадбирлари натижалари бўйича таклифлар киритиш;

- текширилаётган ташкилотнинг мансабдор шахсларидан Ҳисоб палатаси ваколатларига кирувчи масалалар бўйича ёзма равишда тушунтириш хатлари олиш;

- Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкдан давлат маблағларининг Давлат бюджети ҳисоб варақлари ва ягона ғазна ҳисоб варағи бўйича ҳаракатлари тўғрисида маълумотларни талаб қилиш ва олиш.

Ҳисоб палатаси ўзининг фаолиятини йиллик ва ярим йиллик назорат ишлари асосида ташкил этади, бу ишлар Ҳисоб палатаси ваколатларига кирувчи масалалар бўйича тизимли назоратни амалга ошириш заруриятидан келиб чиқади. Ишлар дастури Ҳисоб палатаси раиси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижтимоий-иқтисодий сиёсат ва ташкилий-назорат масалалари бўйича маслаҳатчилари билан келишияган ҳолда тасдиқланади.

Ҳисоб палатасининг фаолияти тўғрисидаги йиллик ҳисобот Ўзбекистон Республикаси Президентига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига тақдим этилади.

**2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги** – республиканинг марказий молия-иқтисодий органи бўлиб, унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.<sup>356</sup>

Низом доирасида Молия вазирлиги бюджет назоратни бўйича куйидаги фаолиятни амалга оширади:

- республика вазирликлари, идоралари ва корхоналари томонидан республика бюджетининг ижро этилишини, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва республиканинг бошқа банклари томонидан бюджетнинг касса ижроси қоидаларига риоя қилинишини, шунингдек банклар томонидан капитал сар-

<sup>356</sup> Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон қарори билан тасдиқланган.



мояларни маблағ билан таъминлашни ва бюджет маблағлари ҳисобидан рўёбга чиқариладиган бошқа тадбирларни назорат қилишни амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишган ҳолда республика бюджети ижросига тегишли масалаларни ҳал қилади;

- вазирликлар, идоралар, корхоналар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари капитал қурилиш бошқармалари ва бўлинмаларининг бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларини кўриб чиқади, уларнинг молиявий фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича талаблар қўяди;

- ажратилган валюта маблағларидан самарали ва мақсадга мувофиқ фойдаланишни назорат қилишни таъминлайди;

- республика Ҳукумати томонидан олинган хорижий кредитларнинг келиб тушишини ҳисобга олиш ва назорат қилишни амалга оширади;


- Ўзбекистон Республикасининг ташқи қарзи ўз вақтида тўланиши ва ташқи қарз билан боғлиқ ишлар амалга оширилишини назорат қилади;

- ўз ваколати доирасида республика молия тизими таркибига кирувчи органлар фаолиятини назорат қилишни ташкил этади ва амалга оширади, улар фаолияти усуллари ва шакллари тақомиллаштиради

Юқорида кайд этиб ўтилган функция ва вазифаларни бажариш учун Молия вазирлиги республика вазирликлари ва муассасалари, бошқа бошқарув органлари, корхоналар, бирлашмалар, идоралар, ташкилотлардан бюджет прогнози ва республика валюта режасининг ижросини назорат қилишни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни олиш ҳуқуқига эга.

Молия вазирлигининг таркибий тузилиши 44-схемада келтирилган.

47-схема. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таркибий тuzилиши



### **3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармалари.<sup>357</sup>**

Назорат-тафтиш бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг таркибий бўлими ҳисобланади ва бевосита Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бўйсунди. Назорат-тафтиш бош бошқармасининг Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида назорат-тафтиш бошқармалари бўлади, улар ўз фаолиятида бевосита фақат Назорат-тафтиш бош бошқармасига бўйсундилар.

Бюджет жараёнининг барча босқичларида бюджет интизомига риоя этилишини назорат қилиш Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг **асосий вазифаси** ҳисобланади.

Қуйидагилар Назорат-тафтиш бош бошқармасининг ҳамда Қорақалпоғистон Республикиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг **вазифалари** ҳисобланади:

- молия органлари ва бюджет муассасалари томонидан бюджет ва молия қонунчилигига риоя этилишини, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг буйруқлари ва йўриқнома кўрсатмалари, бюджет мажбуриятлари ижроси билан боғлиқ бошқа қонун ҳужжатлари бажарилиши таъминланишини назорат қилиш;
- республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг қатъий бажарилиши устидан доимий назоратни таъминлаш;
- молия органлари ва тижорат банкларининг биринчи навбатдаги сарф-харажатлар навбатига, маблағ билан таъминлаш ҳамда бюджет муассасалари ходимларига иш ҳақи, ижтимоий нафақалар, стипендияларни тўлаш муддатларига ва тўлиқлигига риоя қилиш, шунингдек бюджет муассасаларига кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун нақд пул бериш бўйича фаолияти устидан назорат ва мониторингни амалга ошириш;
- ижтимоий нафақаларнинг ўз вақтида маблағ билан таъминланишини ва уларни кам таъминланган оилаларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали берилишини назорат қилиш.

<sup>357</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сон қарорига 2-илова.

Назорат-тафтиш бош бошкармаси ўз зиммасига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги **функцияларни** бажаради:

- бошқармалар ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш бошқармаларининг маҳаллий бюджетларнинг ижро этилишини ҳамда молия ва бюджет интизомига риоя қилинишини тафтиш қилиш ва текширишлар (мониторинг)ни ташкил этиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириб бориш;

- республика бюджет муассасаларининг харажатлар сметасининг ижроси ҳамда молия ва бюджет интизомига риоя этиш бўйича фаолияти устидан мунтазам назоратни ташкил қилиш;

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги назорат-тафтиш муассасалари фаолиятини текшириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг бошқа таркибий бўлинмалари мутахассислари билан биргаликда Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлигининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармаларининг, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари молия бўлимлари ишларини текширишни ташкил қилиш ва ўтказиш;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар аппаратлари харажатлари сметалари ижросини тафтиш қилиш ва текширишлар ўтказиш;

- текширишлар натижалари бўйича ахборотлар, маълумотномалар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг хайъат қарорлари ва буйруқлари лойиҳаларини тайёрлаш;

- тафтишлар ва текширишлар натижалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тақдимномалар тайёрлаш;

- тафтишлар ва текширишлар натижалари бўйича қарорларнинг молия органлари ва бюджет муассасалари томонидан бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- марказлаштирилган топшириқлар бўйича тафтишлар ва текширишлар материалларини умумлаштириш, улар юзасидан тегишли ахборотлар ва таклифлар тайёрлаш;

- молия ва бюджет интизомининг аниқланган характерли бузилишлари бўйича тафтишлар ва текширишлар материалларини умумлаштириш ҳамда келгусида уларни бартараф этиш ва уларнинг олдини олишга доир таклифлар тайёрлаш;

- бюджет ссудаларидан, ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган маблағлар ва кредитлардан хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли фойдаланишини текшириш;

- Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги томонидан аниқланган, ташкилотларнинг бюджет маблағларидан самарасиз фойдаланишини, бюджетдан маблағ олувчиларнинг кредиторлик қарзлар суммасини асоссиз равишда кўпайтирганлигини кўрсатувчи ҳолатлар бўйича текширишлар ўтказиш.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар назорат-тафтиш бошқармаларининг **функцияларига** куйидагилар киради:

- маҳаллий бюджетлар ижросини ҳамда молия ва бюджет интизомига риоя қилинишини тафтиш қилиш ва текширишни (мониторинг) ташкил этиш ва ўтказиш;

- харажатлар сметасини бажариш ҳамда молия ва бюджет интизомига риоя қилиниши бўйича маҳаллий бюджет муассасалари фаолияти устидан мунтазам назоратни ташкил этиш;

- бюджет ижро этилиши ва бюджет интизомига риоя этилиши бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари молия бошқармалари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари молия бўлимлари ишини текширишни ташкил этиш ва ўтказиш;

- Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари аппаратлари харажатлари сметаси бажарилишини тафтиш қилиш ва текшириш;

- текшириш натижалари бўйича ахборотлар, маълумотномалар тайёрлаш;

- тафтишлар ва текшириш натижалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларига кўрсатмалар тайёрлаш;

- молия органлари ва бюджет муассасалари томонидан тафтишлар ва текшириш натижалари бўйича қабул қилинган қарорлар бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

- марказлаштирилган топшириқлар бўйича тафтиш ва текширишларни ташкил этиш ва ўтказиш, улар бўйича тегишли ахборотлар ва таклифлар тайёрлаш;

- молия ва бюджет интизомининг аниқланган характерли бузилишлари бўйича тафтишлар ва текширишлар материалларини умумлаштириш ҳамда уларни бартараф этиш ва келгусида олдини олиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

- бюджет ссудаларидан, ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган маблағлар ва кредитлардан хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли фойдаланишини текшириш;

- газначилик бўлинмалари томонидан аниқланган, ташкилотларнинг бюджет маблағларидан самарасиз фойдаланишини, бюджетдан маблағ олувчиларнинг кредиторлик қарзлар суммасини асоссиз равишда кўпайтирганлигини кўрсатувчи ҳолатлар бўйича текширишлар ўтказиш.

Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларига юкланган вазифалар ва функцияларни амалга ошириш учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- маҳаллий бюджетлар ижроси бўйича ҳудудий молиявий органлар фаолиятини тафтиш қилиш ва текшириш (мониторинг);

- барча даражалардаги бюджет муассасаларини харажатлар сметаси бажарилиши ва бюджет интизомига риоя қилиниши бўйича тафтиш қилиш ва текшириш;

- барча даражалардаги ҳудудий молия органлари ва бюджет муассасаларида пул ва бухгалтерия ҳужжатларини, ҳисоботлар, сметалар ва бошқа ҳужжатларни, моддий бойликлар мавжудлигини текшириш;

- бюджет ссудаларидан, ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган маблағлар ва кредитлардан хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли фойдаланишини текшириш;

- тижорат банк муассасаларидан, солиқ органларидан, бошқа идоралардан тафтишлар ва текширишларни ўтказиш пайтида пайдо бўлувчи масалалар бўйича зарур маълумотлар ва ахборотларни олиш;

- қурилиш, монтаж, тузатиш ишларини, бошқа ишларни назорат тартибида ўлчаш ва бошқа текширишлар учун мутахассисларни белгиланган тартибда жалб қилиш;

- барча даражалардаги ҳудудий молиявий органлар ва банк муассасалари, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ва мансабдор шахслардан тафтишлар ва текшириш давомида пайдо бўлувчи масалалар, молия ва бюджет интизоми бузилиши ҳоллари бўйича тушунтиришлар беришни, шунингдек, маълумотномалар, тафтишлар ва текширишлар далолатномаларини имзоланиш талаб қилиш;


- зарур ҳолларда касса ва касса бинолари, омборлар, архивлар муҳрланишини, қалбаки, сохталаштирилган ҳужжатлар ва бошқа суниестемолликлар аниқланган тақдирда эса ҳужжатларни олиб қўйиш, текширилаётган

объектлар раҳбарларидан асосий воситалар, товар-моддий бойликлар, пул маблағлари ва ҳисоб-китоблар хатланишини талаб қилиш;

- тафтишлар ва текширишлар материаллари бўйича молиявий ва бюджет интизоми бузилишларини бартараф этиш, моддий зарарни ундириш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан тегишли таклифлар киритиш;


- бюджет маблағларини йирик ҳажмларда мақсадсиз ишлатилиши ҳамда пул маблағларининг ўтириланиши ва товар-моддий бойликларини камомати аниқланганда тафтиш ва текширувлар материалларини ҳуқуқ-тартибот органларига бериш.

48-схема. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Назорат-тафтиш бош бошқармасининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛИМАСИ





**49-схема. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги НТБнинг ҳудудий  
назорат-тафтиш бошқармаларининг таркибий тузилиши**



Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар нazorat-тафтиш бошқармалари ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ва Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган йиллик режалар бўйича амалга оширади.

Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар нazorat-тафтиш бошқармалари зарур ҳолларда молиявий органлар ва бюджет муассасалари фаолиятини режадан ташқари тафтиш қилади ва текширади, шунингдек, бюджет ссудаларидан, ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган маблағлар ва кредитлардан хўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли фойдаланишини текширади.

Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар нazorat-тафтиш бошқармалари ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазири ва Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғи томонидан тасдиқланадиган йиллик режалар бўйича амалга оширади.

Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар нazorat-тафтиш бошқармалари зарур ҳолларда молиявий органлар ва бюджет муассасалари фаолиятини режадан ташқари таф-

тиш қилади ва текширади, шунингдек, бюджет ссудаларидан, ҳукумат томонидан ёки унинг кафолати остида жалб этилган маблағлар ва кредитлардан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг мақсадли фойдаланишини текширади.

**4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги** – ўзининг ҳудудий бўлиналари билан биргалиқда Давлат бюджетининг ғазна ижросини амалга оширадиган махсус ваколатли молия органи ҳисобланади. Ғазначилик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.<sup>358</sup>

Куйидагилар Ғазначиликнинг асосий **вазифалари** ҳисобланади:

- бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар) билан шартномаларини, шунингдек, Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш бўйича буюртмачиларнинг шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар ва мақсадларга қатъий мувофиқ равишда тузилиши устидан қаттиқ назорат ўрнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартибини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларининг мақсадга номувофиқ, асоссиз харажатларининг олдини олиш;

- бюджет ташкилотларини, шу жумладан, мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялаштиришга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишни мақбуллаштириш юзасидан мониторинг олиб бориш, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини назарда тутиш ҳамда қондага кўра, воситачилик хизматларидан воз кечиш;

- харажатлар сметаси ва рўйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган қатъий суммалар доирасида товарлар етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар)нинг бевосита ҳисоб рақамларига бюджетдан маблағ олувчилар номидан ва уларнинг топшириғи бўйича тўловларни амалга ошириш орқали тўлов интизомига сўзсиз риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш.

Ғазначилик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги **функцияларни** бажаради:

- бюджет ташкилотлари ва буюртмачиларнинг шартномалари харажатлар сметасида кўрсатилган суммалар доирасида ва мақсадларга мувофиқ тузилиши устидан қаттиқ назорат қилиш асосида шартномаларни рўйхатдан ўтказиш;

<sup>358</sup> Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сон қарорига илова.

- бюджетдан маблағ олувчилар номидан рўйхатга олинган шартномаларда ёки бюджет маблағларини юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳисоб рақамларига ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатларда назарда тутилган суммалар доирасида товарларни етказиб берувчилар (ишларни бажарувчилар, хизмат кўрсатувчилар)нинг бевосита банк ҳисоб рақамларига тўловларни амалга оширади;

- бюджет ташкилотларини, жумладан, мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялаштиришга йўналтириладиган бюджет маблағларидан фойдаланишни макбуллаштириш юзасидан мониторинг олиб боради, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини ҳамда қондага кўра, воситачилик хизматларидан воз кечишни назарда тутати;

- сўёт-фактуралар ва товарлар етказиб берилиши (ишлар бажарилиши, хизматлар кўрсатилиши) ҳолатини тасдиқлайдиган ёки бюджетдан маблағ олувчиларга солиқлар, йиғимлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар учун бюджет маблағларини ўтказиш мажбуриятини юклайдиган бошқа ҳужжатлар асосида бюджет маблағи олувчиларнинг молиявий мажбуриятлари ҳисобини юритади;

- Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашиш воситалари, шу жумладан, номоддий шаклдаги воситаларнинг тўлик ва тизимли ҳисобини юритади.

Ҳазначилик қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- бюджет ташкилотларидан улар томонидан Ҳазначиликка рўйхатдан ўтказишга тақдим этиладиган шартномаларнинг сифатини, мақсадга мувофиқлигини ва нарх ечимларини баҳолаш учун барча зарур ҳужжатларни белгиланган тартибда талаб қилиш;

- бюджет ташкилотлари ва буюртмачиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар)га молия органларида рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаларида, қурилишларнинг адресли ва титул рўйхатларида кўзда тутилган маблағлар ҳажмидан ошиб кетадиган ҳажмда бюджет маблағлари ҳисобига ҳақ тўланишини назарда тутувчи шартномаларини, шунингдек, бюджет ташкилотлари ва буюртмачиларнинг тўлов жадвалисиз, сифати, мақсадга мувофиқлиги ва нарх ечимлари бўйича белгиланган талабларга жавоб бермайдиган шартномаларини рўйхатдан ўтказишни рад этиш;

- бюджетдан маблағ олувчилар ва буюртмачиларнинг сўёт-фактураларсиз ҳамда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш фактини тасдиқловчи ёки бюджетдан маблағ олувчилар зиммасига бюджет маблағларини ўтказишни юк-

ловчи бошқа ҳужжатларсиз тақдим этилган капитал қурилиш юзасидан мажбуриятлари учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул тўламаслик;

- бюджетдан маблағ олувчилар ва буюртмачиларнинг уларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан Ғазначиликда (унинг ҳудудий бўлинмаларида) рўйхатдан ўтказилмаган шартномаларидан келиб чиқадиган капитал қурилиш юзасидан мажбуриятлари тўлови бўйича тўлов ҳужжатларини ижро этиш учун қабул қилмаслик;


- нархларининг асоссиз равишда ошириб юборилишига йўл қўйилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун тўловни бюджет ташкилотлари ва буюртмачиларнинг шартномаларида назарда тутилган сумма доирасида чеклаш, шунингдек, бюджет ташкилотлари ва буюртмачилар шартномалари предметига мувофиқ бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берилган ҳолларда тўловни тўхтатиб туриш;

- бюджетдан маблағ олувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги белгиллаган ҳисоботлар тақдим этилмаган тақдирда, уларнинг бюджет маблағлари ҳисобига амалга ошириладиган харажатлари тўловини молия органлари топширишига биноан тўхтатиб қўйиш, бу тўғрида тегишли вазирликлар, идоралар, бюджетдан маблағ олувчиларни хабардор қилиш;

- бюджет ташкилотларининг Ғазначиликда (унинг бўлинмаларида) рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича молиявий мажбуриятларини ҳисобга қабул қилмаслик, қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан бошқа юридик ёки жисмоний шахслар билан шартнома тузилмасдан, молиявий мажбуриятлар қабул қилиниши мумкин бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Ғазначилик ташкилотлар томонидан бюджет маблағларидан ноқонуний фойдаланилиши, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан сотиб олинмаган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг сунъий кўпайтирилиши, бюджетдан маблағ олувчилар томонидан кредиторлик қарзлар суммасининг асоссиз ошириб юборилиши ҳоллари аниқланган тақдирда мавжуд материалларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармасига ва унинг ҳудудий бўлинмаларига беришга мажбур.

50-схема. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги тарқибий тузилиши<sup>359</sup>



359 Схема Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 28.02.2007 йилдаги N ПК-594-сонли Қарорига 1-илова асосида тузилган.

**5. Аудиторлик ташкилотлари** маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари конун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондларнинг ҳамда устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказадилар.

Зарур ҳолларда аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар, мутахассислар сифатида, бюджет ташкилотларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга жалб этилиши мумкин ёки назорат қилувчи органларнинг буюртмасига ҳамда аудиторлик ташкилоти ва назорат органи ўртасида имзоланган шартномага биноан турли текширувларни амалга оширишда қатнашишлари мумкин.

Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва конун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишни назарда тутди.

Аудиторлик фаолияти<sup>366</sup> мустақиллик, ҳолислик, эркинлик, профессионал малакалилик ва махфийлик **принциплари** асосида амалга оширилади.

Аудиторлик текшируви мажбурий ва ташаббус тарзидаги шаклларда ўтказилади.

Аудитор аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот ҳужжатлари билан олдиндан танишиб чиқиш, текширув ўтказиш шакллари ва усулларини мустақил белгилаш ҳуқуқига эгадир.

Аудитор аудиторлик текшируви ўтказилаётганда хўжалик юритувчи субъект амалга ошираётган молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни тўлиқ ҳажмда олиш, шунингдек, ушбу ҳужжатларда ҳисобга олинган ҳар қандай мол-мулкнинг амалда мавжудлигини ҳамда ҳар қандай мажбуриятларнинг амалдаги ҳолатини текшириш ҳуқуқига эга.

Аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектга унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари зарар етказганлигини аниқ тасдиқлаб турган фактларни аниқлаган тақдирда бу ҳақда хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбариятига (мулкдорига) маълум қилиши ҳамда аудиторлик ҳисоботига тегишли қайдни киритиши шарт. Зарур ҳолларда аудиторлик текширувининг натижаларини маълум қилиш учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда

<sup>366</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” 1992 йил 9 декабрдаги 734-ХП-сон Қонуни (янги таҳрири).

қатнашчиларнинг (акциядорларнинг) умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилиши шарт.

Қуйидагилар ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши керак: маблагларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлмиш бюджетдан ташқари фондлар; устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектлар.

Аудиторлик текшируви якунига биноан аудиторлик ҳисоботи ва аудиторлик ҳулосаси ишлаб чиқилади.

**Аудиторлик ҳисоботи** – аудиторлик текширувининг бориши, бухгалтерия ҳисобини юритишнинг белгиланган тартибидан аниқланган четга чиқишлар, молиявий ҳисоботдаги қоидабузарликлар тўғрисидаги муфассал маълумотлардан, шунингдек, аудиторлик текшируви ўтказиш натижасида олинган бошқа ахборотдан иборат бўлган хўжалик юритувчи субъект раҳбарига, мулкдорига, қатнашчилари (акциядорларининг умумий йиғилишига йўлланган ҳужжат. Аудитор ҳисоботида аниқланган четга чиқишлар ва қоидабузарликларни бартараф этиш бўйича тавсиялар, шунингдек, хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича тавсиялар ва таклифлар мавжуд бўлиши керак. Агар аудиторлик текшируви назорат қилувчи органлари топшириғига биноан аудиторлик ташкилоти томонидан ўтказилаётган бўлса, аудиторлик ҳисоботи аудиторлик текшируви топшириғига биноан ўтказилаётган шахсга ҳам тақдим этилади.

**Аудиторлик ҳулосаси** – молиявий ҳисоботнинг тўғрилиги ва бухгалтерия ҳисоби юритиш тартибининг қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисида аудиторлик ташкилотининг фикри ёзма шаклда ифодаланган, хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботидан фойдаланувчилар учун очик бўлган ҳужжат.

6. Барча даражадаги бюджетлар солиқлар ва мажбурий тўловлар эвазига шаклланади, шу сабабли бюджет даромадларининг шаклланиши устидан назоратни таъминловчи солиқ хизматларининг ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (ДСҚ)** – солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини таъминлаш, давлатнинг иктисодий манфаатлари ва мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида назоратни амалга оширувчи давлат солиқ хизматининг Марказий органи

ҳисобланади. Унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисидаги Низом<sup>361</sup> билан тартибга солинади.

Давлат солиқ қўмитасининг бюджетга маблағлар тушиши устидан солиқ назорати соҳасидаги асосий вазифаларига қуйидагилар қиради:

- солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳақидаги қонунларга риоя этилиши, солиқлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;

- солиқ тўловчилар бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқилган ва амалда тушган солиқларнинг ҳисобини маълумотларнинг ягона компьютер тизимида юритиш, Солиқ тўловчиларнинг ягона реестрини юритиш.

Солиқ тўловчилар томонидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни ДСҚ қуйидагилар орқали амалга оширади:

- хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини солиқ ҳақидаги қонунларга риоя этиш масалалари бўйича ҳужжатлар асосида ва назорат тартибида текширади;

- солиқ органлари томонидан Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши томонидан тасдиқланган хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ҳужжатлар асосида ва назорат тартибида текширишнинг белгиланган тартиби ва режасига риоя этилиши устидан назорат қилади;

- солиқ тўловчилардан тушунтиришлар олади, солиқ тўловчининг мол-мулки мавжудлигини текширади, шунингдек, солиқ тўловчи томонидан даромад олиш учун фойдаланиладиган ишлаб чиқариш, омборхона, савдо бинолари ва бошқа бинолар ва ҳудудларни кўздан кечиради (текширади);

- содир этилган операцияларнинг, ҳужжатларда кўрсатилган пул маблағлари ва моддий бойликларнинг олинаниши ёки берилишининг ҳақиқийлигини, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш амалда бажарилганлигини текширади;

- ҳужжатлар асосида текшириш давомида ҳисобот маълумотларининг тўғрилигини аниқлаш, солиқ органларига тақдим этилган ҳисоб-китобларни бузиб кўрсатувчи қўшиб ёзишлар ва ҳар хил хатоларни аниқлаш ва бартараф этиш учун бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларини сўётлар бўйича текширади;

---

<sup>361</sup> “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон Қарорига 1-илова).



- солиқ ҳақидаги қонунлар бузилиш ҳолларини таҳлил қилади ва тегишли органларга солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга олиб келувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади.

Солиқ солиш базасини кенгайтириш, солиқлар йиғилишини қўлайтириш ва солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларни аниқлаш, бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш мақсадида:

- солиқлар бўйича, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ва Республика йўл жамғармасига муддати ўтказиб юборилган қарзлар ундирилишини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларида назарда тутилган чора-тадбирлар қўлланилишини ташкил этади ва амалга оширади.

Тўловларнинг тўлиқлигини таъминлаш учун Давлат Солиқ қўмитаси муддати ўтказиб юборилган қарзларни йиғади ва юридик шахслар томонидан истёъмол қилинган электр энергияси учун маблағлар тўлиқ тушишини назорат қилади.

Давлат солиқ қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлади:

- Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш Республика кенгаши томонидан тасдиқланган режага мувофиқ мулкчиликнинг барча шаклларидаги хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш;


- солиқ тўловчиларнинг молиявий ҳужжатларини, шартномаларини (контрактларини), бизнес-режаларини, сметаларини, даромадлар тўғрисидаги декларацияларини ва солиқларни ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларини, шунингдек, экспорт-импорт операциялари билан боғлиқ ҳужжатларини ҳужжатлар асосида текшириш (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғлиқ бўлган субъектларни муқобил текшириш), текшириш чоғида пайдо бўлган масалалар бўйича зарур тушунтиришлар, маълумотномалар ва маълумотлар олиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқлар бўйича вақтида тўланмаган тўловларни ҳамда солиқларни тўлаш муддатини ўтказиб юборганлик учун пеняларни сўзсиз ундириб олиш;

Ҳайъат мажлисларида вазирликлар, идоралар, давлат бошқаруви, назорат ва текшириш органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларнинг солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши масалалари бўйича ахборотлари ва тушунтиришлари эшитилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси куйидаги таркибий тузилишга эга (51-схема):

51-схема. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг таркибий тузилиши



7. Давлат солиқ кўмитаси таркибида махсус таркибий бўлинма **Бош назорат-тафтиш бошқармаси**<sup>362</sup> (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси Назорат-тафтиш Бош бошқармаси) ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиб, улар хўжалик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини назорат ва ҳужжатли текширув ва тафтишларини амалга оширадilar. Уларнинг солиқ-бюджет назорати соҳасидаги вазифалари куйидагилардан иборат:

- хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини солиққа оид қонун ҳужжатларига риоя қилиниши юзасидан ҳужжатлар асосида текшириш (тафтиш)ларни ҳамда Ҳукумат қарорлари билан назорат солиқ органларига юкланган масалалар бўйича назорат тартибидаги текширишларини белгиланган тартибда ташкил этиш ва ўтказиш;

- хўжалик юритувчи субъектлардан ундириладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқаришда, ундиришда қонунийликка риоя

<sup>362</sup> “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон Қарорига 4-илова).

қилиниши, тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши ва бюджетга ўз вақтида тўланиши устидан назоратни амалга ошириш;

- Давлат солиқ қўмитасининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда хўжалик юритувчи субъектларни комплекс текширишларнинг истиқболли режаларини тайёрлаш, текширишлар ўтказиладиган объектларни аниқлаш ва уларни амалга ошириш;

- ҳужжатлар асосида ва назорат тартибдаги текширишларни ўтказиш жараёни ҳамда тартиби устидан назорат ўрнатиш, шунингдек, уларни ўтказишда (барча даражадаги солиқ органларига) амалий ва методик ёрдам кўрсатиш;

- давлат солиқ хизмати органлари томонидан текшириш материаллари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қарорлар қабул қилиниши ва молиявий санкциялар қўлланилиши устидан назорат ўрнатиш;

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ҳужжатлар асосида ва назорат тартибдаги текширишлар якунлари бўйича бюджет олдидаги мажбуриятларнинг бажарилиши (қўшимча ҳисобланган суммалар, молиявий санкциялар, маъмурий жарималар ва шу кабиларнинг ундирилиши) устидан назорат ўрнатиш;

- ҳужжатлар асосида ва назорат тартибдаги текширишлар натижасида аниқланган солиқ қонунчилиги бузилишлари ва бошқа фактлар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш.

Бош бошқарма ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги **функцияларни** бажаради:

- солиқ қонунчилигига риоя қилиниши, солиқларнинг тўғри ҳисоблаб чиқилиши, тўлиқлиги ва ўз вақтида тўланиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва солиқ қонунчилиги соҳасидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширади;

- Бош бошқарманинг ҳудудий назорат-тафтиш бўлинмаларининг, солиқ бошқармалари ва солиқ инспекцияларининг ҳужжатлари асосида ҳамда назорат тартибдаги текширишларни ташкил этиш ва ўтказишга доир фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади, ишларни улар билан ҳамкорликда олиб боради;

- белгиланган тартибда, Давлат солиқ қўмитаси иш режасига мувофиқ, Давлат солиқ қўмитасининг бошқа бўлинмалари билан биргаликда вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, компаниялар, уюшмалар, банклар бўлинмаларининг, шунингдек, мулкчилик шакли ва фаолият туридан қатъий назар, бошқа хўжалик юритувчи молия-хўжалик фаолиятини ҳужжатлар асосида комплекс ва назорат тартибдаги текширишларни ташкил этади ҳамда

ўтказади, уларнинг натижалари бўйича тегишли ахборотлар ва маълумотномалар тайёрлайди;

- мулкчилик шакли ва фаолият туридан қатъий назар, солиқ қонунчилигини қўпол равишда бузаётган ва солиқ органларида ҳисобда туришдан ва солиқларни тўлашдан бўйин товлайётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолиятини – белгиланган тартибда ҳужжатлар асосида текширади;

- ҳужжатлар асосида текширишлар давомида содир этилган операцияларнинг қонунийлигини ва тўғрилигини, ҳужжатларнинг аслилигини, улардаги ҳисоб-китобларнинг арифметик жиҳатдан тўғрилигини, ҳужжатларнинг ҳисобот ва бухгалтерия ҳужжатларининг белгиланган шаклларига мослигини аниқлаш учун назоратни амалга оширади;

- ҳужжатлар асосида текширишлар давомида амалга оширилган операцияларнинг амалда содир этилганлигини, ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган пул маблағлари ва моддий бойликларнинг амалда олинганлигини ёки берилганлигини, ишлар, хизматларнинг амалда бажарилганлигини ёки кўрсатилганлигини текширади;

- хўжалик юритувчи субъектларда пул маблағлари ва моддий бойликларни бухгалтерияда ҳисобга олишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини текширади;

- ҳужжатлар асосида текширишлар давомида ҳисобот маълумотларининг ишончлилигини, солиқ органларига тақдим этилган ҳисоб-китобларни бузиб кўрсатувчи қўшиб ёзишлар ва ҳар турли хатоларни аниқлаш ва уларни барга раф этиш учун бухгалтерия ҳисоботлари ва балансларини счётлар бўйича текширади;

- тафтиш қилинаётган ташкилотда мавжуд бўлган ёзувларни, ҳужжатлар ва маълумотларни пул маблағлари, моддий бойликлар ва ҳужжатлар олинган ёки берилган ташкилотлардаги тегишли ёзувлар, ҳужжатлар ва маълумотлар билан солиштириб чиққан ҳолда белгиланган тартибда муқобил текширишлар ўтказади;

- ҳужжатлар асосида текширишлар давомида тафтиш қилинаётган хўжалик юритувчи субъектда мавжуд бўлган тўлов ҳужжатлари нусхаларини мазкур топширикни бажарган банк муассасасида сақланаётган асл тўлов ҳужжатлари билан солиштириб чиқади;

- ҳужжатлар асосида текширишлар давомида хом ашё, материаллар, ярим фабрикатлар ва тайёр буюмларни тартиб кўради ва ўлчайди, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳақиқий таннархини ва тақдим этилган солиқ ҳисоб-

китобларининг тўғрилигини аниқлаш учун хом ашё ва материаллар сарфи нормалари, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш учун тўғри ҳисобдан чиқарилишини, тайёр маҳсулот тўлиқ кирим қилинишини маҳсулот чиқиши нормалари ҳамда моддий бойликларни сақлаш ва ташишдан табиий йўқотишлар нормалари тўғри белгиланишини аниқлаш учун хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришда назорат тарикасида ишлатиб кўради, хом ашё, материаллар ва тайёр маҳсулотларни назорат тарикасида текширади;

- тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва давлатга солиқ тўлашдан, савдо ва хизматлар кўрсатиш, акциз солиғи солинадиган алкогольли ҳамда тамаки маҳсулотларини сотиш ва маркалаш қоидаларига риоя қилишдан бўйин товлайётган хўжалик юритувчи субъектларни аниқлаш юзасидан назорат тарикасида текширишларни амалга оширади;

- ишлаб чиқариш ва тегшилича даромад ҳажмларини яшириш, сотилган маҳсулот, кўрсатилган хизматлар ҳажмларини камайтириб кўрсатиш, моддий харажатларни асоссиз равишда ҳисобдан чиқариш ёки сунъий равишда кўпайтириш ёхуд моддий, ёкилғи-энергетика ресурслари сарфи нормативлари (лимитлари) ва амортизация ҳисобини ногўғри қўллаш механизмларини ўрганади ҳамда аниқлайди;

- хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)ни ҳужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишлар натижалари билан таништиради;

- ҳужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишлар материалларини улар билан қонун ҳужжатларига мувофиқ яна ишлаш учун Давлат солиқ кўмитасининг Солиқ соҳасида ҳуқуқ бузилишларга қарши тезкор курашиш бош бошқармасига белгиланган тартибда беради;

- таҳлилий ишларни олиб боради, ҳужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишлар материалларини умумлаштиради ва аниқланган ўзига хос солиқ бузилишлар бўйича уларни бартараф этиш ва бундан кейин уларга йўл қўймаслик юзасидан белгиланган тартибда таклифлар тайёрлайди;

- ҳужжатлар асосида ва назорат тартибидаги текширишларда иштирок этиш учун Давлат солиқ кўмитаси бўлинмаларининг бошқа ходимларини Давлат солиқ кўмитаси раҳбарияти билан келишган ҳолда жалб этади;

- Бош бошқарма ва унинг жойлардаги таркибий бўлинмалари томонидан қилинган ишлар тўғрисидаги маълумотларни мунтазам умумлаштириб боради ва уларни ҳар чорақда тайёрлайди.

Бош бошқарма ўзига юкланган вазифалар ва бажарадиган функцияларига мувофиқ куйидаги ҳуқуқларга эга:

- солиқ тўловчилардаги молия ҳужжатларини, шартномалар (контрактлар), бизнес-режалар, сметалар, даромадлар тўғрисидаги декларацияларни, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш билан боғлиқ бошқа ҳужжатларни белгиланган тартибда текшириш (шу жумладан, солиқ тўловчи билан боғлиқ субъектлардаги ҳужжатларни муқобил текшириш), текширишлар чоғида пайдо бўладиган масалалар бўйича зарур тушунтириш хатлари, маълумотномалар ва маълумотлар олиш;

- текширишларни ўтказиш вақтида юридик ва жисмоний шахслардан хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) фаолиятига тааллуқли маълумотлар, маълумотномалар, ҳужжатлар олиш ва улардан нусхалар олиш;

- банк ва бошқа кредит-молия муассасаларидан хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)нинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳил счётларида амалга оширилган операциялар тўғрисидаги маълумотларни белгиланган тартибда олиш;

- божхона органларидан ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигидан импорт-экспорт операцияларининг амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотларни ва хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) ҳақидаги бошқа ахборотларни белгиланган тартибда олиш;

- солиқ қонуңчилиги бузилишига йўл қўяётган хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)дан даромад (фойда) ва солиқ олишининг бошқа объектлари, шунингдек, ҳуқуқ бузишлар яширилганлигидан далолат берувчи ҳужжатларни ҳамда ҳуқуқни бузиш ашёларини белгиланган тартибда олиб қўйиш;


- зарур ҳолларда кассаларни ва касса хоналарини, омборларни, архивларни муҳрлаб қуйиш, қалбакиликлар ва бошқа сунистеъмоллар аниқланганда ҳужжатларни олиб қўйиш, текширилаётган хўжалик субъектлари раҳбарларидан асосий воситаларни, товар-моддий бойликларни, пул маблағлари ва ҳисоб-китобларни хатловдан ўтказишни талаб қилиш;

- товарлар, буюмлар, хом ашё, материаллар ва ярим фабрикатлар намуналарини, шунингдек, ҳужжатларни текширишлар, тадқиқотлар ва экспертизалар ўтказиш учун олиб қўйиш;

- хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар) (шу жумладан, алоҳида режимда ишлайдиган корхоналар)нинг даромад (фойда) кўриш учун фойдаланиладиган ёхуд солиқ солиш объектларини саклаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш, омборхона, савдо ва бошқа жойларини ва ўринларини, улар жойлашган жойдан қатъий назар, текшириш, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматларни назорат тартибида ўлчаш ва товар-моддий бойликларни хатлаш;

- хўжалик юритувчи субъектлар (солиқ тўловчилар)дан аниқланган қонун бузилишлари бартараф этилишини талаб қилиш;
- Давлат солиқ хизмати солиқ органлари тизимидаги исталган ҳужжатдан фойдаланиш;
- Бош бошқарма ваколатига тегишли материалларни умумлаштириш, тегишли солиқ органларининг раҳбариятига уларнинг ташкилий амалий фаолиятини янада яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.

**52-схема. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бош назорат-тафтиш бошқармасининг таркибий тузилиши**



8. Бюджет даромадлари шакллантирилиши устидан назоратни таъминлашда **божхона органлари** ҳам иштирок этади. Хусусан, уларнинг функцияларига<sup>363</sup> давлат бюджетига божхона божлари, солиқлар ва бошқа тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ киритилишини таъминлаш қиради.

<sup>363</sup> Положение о Государственном таможенном комитете РУз., ПКМ РУз. N 374 от 30.07.1997. Приложение N 4.

### Назорат саволлари

1. Бюджет назоратининг мазмуни ва аҳамияти қандай?
2. Бюджет назоратининг асосий вазифаларини айтиб беринг.
3. Бюджет назорати тизими элементларини айтиб беринг ва тавсифланг.
4. Бюджет назорати механизми нимани англатади?
5. Бюджет назорати принципларини айтиб беринг ва тушунтиринг.
6. Бюджет назорати субъектлари ва объектларини айтиб беринг.
7. Бюджет назорати предмети нимадан иборат?
8. Бюджет назоратининг асосий турларини айтиб беринг ва тавсифланг.
9. Бюджет назоратининг асосий шаклларини айтиб беринг ва тавсифланг.
10. Бюджет назоратининг асосий методларини айтиб беринг ва тавсифланг.
11. Тафтишнинг мақсади ва вазифаларини айтиб беринг.
12. Тафтиш концепциялари ва таснифлаш белгиларини айтиб беринг.
13. Ўзбекистон Республикасида бюджет назорати субъектларини айтиб беринг ва тавсифланг.
14. Амалдаги қонунчилик доирасида бюджет назоратини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси вазифаси ва функцияларини тушунтириб беринг.
15. Амалдаги қонунчилик доирасида бюджет назоратини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беринг.
16. Амалдаги қонунчилик доирасида бюджет назоратини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вазифаси ва функцияларини тушунтириб беринг.
17. Амалдаги қонунчилик доирасида бюджет назоратини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беринг.
18. Амалдаги қонунчилик доирасида бюджет назоратини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бош бошқармаси вазифаси ва функцияларини тушунтириб беринг.
19. Амалдаги қонунчилик доирасида бюджет назоратини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш Бош бошқармаси ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беринг.
20. Амалдаги қонунчилик доирасида бюджет назоратини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги вазифаси ва функцияларини тушунтириб беринг.
21. Амалдаги қонунчилик доирасида бюджет назоратини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилиги ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беринг.



22. Амалдаги конунчилик доирасида бюджет назоратини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси вазифаси ва функцияларини тушунтириб беринг.

23. Амалдаги конунчилик доирасида бюджет назоратини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беринг.

24. Амалдаги конунчилик доирасида бюджет назоратини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг Назорат-тафтиш Бош бошқармаси вазифаси ва функцияларини тушунтириб беринг.

25. Амалдаги конунчилик доирасида бюджет назоратини таъминлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитасининг Назорат-тафтиш Бош бошқармаси ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб беринг.

## Адабиётлар

### Асосий адабиётлар

1. Государственный бюджет: Учебник /А.В. Вахабов, З.Х. Срожиддинова. 2-е изд., перераб. и доп. – Т.: «IQTISOD-MOLIYA», 2007.

### Норматив ҳужжатлар

2. Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида” 1992 йил 9 декабрдаги 734-ХII-сон Қонуни (янги таҳрири).

3. Указ Президента РУз. N УП-3592 от 04.04.2005 г. Приложение №3, Положение о Счетной палате РУз.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сон Қарори билан тасдиқланган.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий назорат-тафтиш бошқармалари тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 15 ноябрдаги 393-сон қарорига 2-илова.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ҳазначилиги тўғрисида Низом. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги 53-сон қарорига илова.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2007 йил 28 февралдаги ПК-594-сон Қарори.

8. “Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 5 майдаги 180-сон Қарорига 4-илова.

9. Положение о Государственном таможенном комитете РУз. Постановление Кабинета Министров РУз. от 30.07.1997 г. №374. Приложение №4.

## ГЛОССАРИЙ

**Академик лицей** – касбий таълимни амалга оширмайдиган ўрта таълим муассасаси бўлиб, унинг асосий вазифаси юкори синф ўқувчиларини олий ўқув юртларига киришга ихтисослаштирилган тарзда (назарий) тайёрлашдир.

**“Америкача” ёпик аукцион савдосини ўтказиш тизими** – кесиб ташланадиган нархдан юкори даражадаги нархлар кайд этилган буюртмалар буюртма нархлари бўйича, ракобатсиз буюртмалар эса – ўртача нархлар бўйича кондирилади.

**Давлат асосий қарзи** – давлатнинг барча қарз суммаси бўлиб, у бўйича тўлаш муддати хали келмаган ва шу давр давомида тўловга тақдим этилиши мумкин эмас.

**Аудиторлик текшируви** – молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборот тўғрилиги ва конун ҳужжатларига мослигини аниқлаш мақсадида ҳўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботини ҳамда у билан боғлиқ молиявий ахборотни аудиторлик ташкилотлари томонидан текширишдир.

**Балансланган бюджет** – харажатлар ва тушумлар суммаси тенгдир.

**Бошқа мажбурий тўловлар** деганда давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек, ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик харажатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан, муайян ҳўқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳўжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йнғимлар, давлат божи тушунилади (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси).

**Бошқарув персонали** – идора килиш функцияларини амалга оширадиган, персонални бошқарадиган, зарурий қарорларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, корхона, ташкилот ва муассасалар фаолияти жараёнларини режалаштириш, назорат қилиш ва тартибга солиш, тегишли қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган ахборотни тайёрлаш билан шуғулланувчи ходимлар. Бошқарув персонали корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш учун зарур ташкилий-техник шартларни, белгиланган функциялар ва ишлаб чиқариш дастурлари бажарилишини таъминлайди.

**Бюджет** – даромадлар ва харажатларнинг ҳисоб-китоб ва чегараловчи сметалари ва уларнинг маълум бир вақтга тузилган рўйхатини англатувчи умумий терминнинг номи. Бюджет тегишли қарор билан тасдиқланиб, индивидуал ёки жамоа субъекти томонидан ижро этилади.

**Бюджетни тартибга солиш** – бу турли даражадаги бюджетлар ўртасида даромадлар манбасининг конун билан бириктирилган тақсимланиши, яъни давлат бюджети даромадларини тақсимлаш тартиби (турли даражадаги бюджетлар ўртасида молиявий ресурслар қисман қайта тақсимланиши).

**Бюджет даромадлари** – конунчиликда белгиланган тартибга биноан давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий бошқарув органлари (давлатнинг бюджет тизими бюджетларига) ихтиёрига беғараз ва қайтариб бермаслик шартлари бўйича келиб тушаётган пул маблағлари.

**Бюджет дотациялари** – ўз даромадлари ва бюджетни тартибга солувчи бошқа маблағлар етишмаган тақдирда қуйи бюджетнинг харажатлари билан да-

ромадлари ўртасидаги фарқни қоплаш учун юқори бюджетдан куйи бюджетга қайтармаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағлари.

**Бюджет жараёни** – ҳокимият ижро ва вакиллик органларининг фискал сисъатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда бюджет тизимини бошқариш фаолиятининг мажмуи.

**Бюджет йили** – тасдиқланган бюджетнинг ижроси амалга ошириладиган давр.

**Бюджетдан маблағ ажратиш** – турли даражадаги бюджетлардан тасдиқланган харажатлар параметрларига биноан ва давлат олдидан турган ва-зифаларни молиялаштиришга мўлжалланган пул маблағлари.

**Бюджет маблағларининг бош тасарруфчиси** – ижро этувчи ҳокимият органи (вазирлик ёки идора) ҳисоблашиб, у биринчи бўлиб тўғридан-тўғри бюджет маблағларини олади, давлат бюджети маблағларини қарамогиданги идоралар – бюджет маблағларининг тасарруфчилари ва олувчилари ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга.

**Бюджет маблағларининг тасарруфчиси** – ижро этувчи ҳокимият органи бўлиб, бюджет маблағларини уни олувчилар ўртасида тақсимлаш ҳуқуқига эга; уларга бюджет ажратмалари тўғрисидаги билдиришномани етказадан, бюджет маблағларини олувчиларининг сметаларини тасдиқлайди, улар бюджет маблағларини мақсадли ишлатиши устидан назорат ўрнатади.

**Бюджет маблағларини олувчилар** – бюджет рўйхатида биноан жорий йилда бюджет маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлган бюджет ташкилоти ёки бошқа муассасадан.

**Бюджетдан молиялаштириш** – корхона, муассаса, ташкилотларга уларнинг харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплаш учун давлат бюджетидан қайтарилмайдиган маблағларни ажратиш.

**Бюджет назорати:** 1) давлат молиявий назоратининг муҳим қисми бўлиб, бюджет жараёнида амалга оширилади; 2) бюджет тизимининг бюджет маблағлари ташкил этилиши, тақсимланиши ва фойдаланилишининг қонунийлиги, мақсадга мувофиқлиги ва самарали эканлигини давлат органлари томонидан текшириш тадбирлари тизими сифатида қаралади; 3) аниқланган қонунбузарликларнинг олдини олиш, фош этиш ва бартараф қилиш бўйича чораларни кўришга, давлат бюджетини шакллантириш ва харажатларни амалга оширишда янги имкониятларни топишга, солиқ-бюджет интизомини яхшилашга йўналтирилган.

**Бюджетни прогнослаштириш** – асосий бюджет кўрсаткичларининг прогноз ҳисоб-китобларини амалга ошириш, бюджетнинг даромадлар ва харажатлар қисмларининг ривожланиши мумкин бўлган йўллари эҳтимолли баҳолаш мажмуаси.

**Бюджет профицити** – бюджет даромадларининг харажатларидан ошиб кетиши (бюджетнинг ижобий сальдоси).

**Бюджетни режалаштириш** – молиявий режалаштиришнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, давлатнинг молиявий сисъати талабларига бўйсунди. Бундай режалаштиришнинг иқтисодий функцияси марказлашган режалаштириш орқали ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромадни молиявий тизимнинг

бўғинлари орасида мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг умум-миллий дастурини бюджетларни ва турли даражадаги бюджетдан ташқари фондларни тузиш ва ижро этиш жараёнида ишлаб чиқишдир.

**Бюджет ссудалари** – юқори бюджетдан қуйи бюджетга қайтариш шарти билан ёки республика бюджетидан юридик шахс-резидентга ёки хорижий давлатга ажратиладиган маблағ.

**Бюджет субвенциялари** – қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда муайян мақсадларга сарфлаш шарти билан юқори бюджетдан қуйи бюджетга ажратиладиган пул маблағлари.

**Бюджет таснифи** – бюджет тизимининг барча даражаларидаги бюджетлари даромадлари ва харажатларини, шунингдек, ушбу бюджетларнинг тақчилликларини молиялаштириш манбалари ва давлат қарзи турларини бир хил белги бўйича қонунга мувофиқ гуруҳлаш бўлиб, ундан бюджетларни тузиш ва ижро этишда тасниф объектларига гуруҳ кодларини бериш орқали фойдаланилади. Тасниф барча даражадаги бюджетлар кўрсаткичларининг қийёсийлигини, уларни иқтисодий ва статистик таҳлил қилиш имкониятини таъминлайди.

**Бюджет таснифи** – Давлат бюджети тузилмасига қирувчи бюджетлар даромадлари ва харажатларини, шунингдек, унинг тақчиллигини молиялаштириш манбаларини гуруҳлашдан иборат (Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни).

**Бюджет ташкилоти** – ижро этувчи ҳокимият органи томонидан бошқарувчилик, ижтимоий-маданий, илмий-техник ёки бошқа нотижорат тусдаги функцияларни бажариш учун тузилган ташкилот бўлиб, унинг фаолияти даромадлар ва харажатлар сметаси асосида бюджетдан ёки бюджетдан ташқари жамғармалардан молиялаштирилади.

**Бюджетдан ташқари жамғармалар** – бюджетдан алоҳида ташкил этиладиган, мақсадли хусусиятга эга бўлган, умумдавлат ёки маҳаллий аҳамиятга молик тадбирларни молиялаштириш учун мўлжалланган мустақил молия муассасалари тизими; давлат томонидан баъзи ижтимоий эҳтиёжлар учун мустақил равишда комплекс сарфланадиган жалб этилаётган молиявий ресурсларни қайта тақсимлаш ва ишлатиш шакли.

**Бюджет тақчиллиги** – бюджет харажатларининг даромадлардан ошиб кетиши (бюджетнинг салбий сальдоси).

**Бюджет тизими** турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди (Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни).

**Бюджет тузилиши** – бюджет тизимини ташкил этиш, уни тузиш принциплари. Бюджет тузилиши давлат бюджети ва мамлакат бюджет тизимининг ташкил этилишини, унинг алоҳида бўғинлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни, бюджет тизимига қирувчи бюджетларнинг фаолият юритиши ҳуқуқий асосларини, бюджетларнинг таркибий тузилишини, бюджет

маблагларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиб-таомилларини ва бошқаларни белгилайди.

**Бюджет трансфертлари** – бюджетдан бевосита ёки ваколатли орган орқали юридик ёки жисмоний шахсга бегараз ажартиладиган пул маблаглари.

**Бюджет харажатлари** – давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг вазифа ва функцияларини бажариш учун йўналтирилаётган пул маблаглари; давлат пул маблаглари фондиди тақсимлаш ва уни тармоқ, мақсадли ва ҳудудий йўналишларда фойдаланиш юзасидан вужудга келадиган иқтисодий муносабатлар.

**Бюджетнинг касса ижроси** – мамлакат ҳудудида бюджет маблаглари тўпланишини ташкил этиш, уларни саклаш ва сарфлаш, шунингдек, ҳисоб ва ҳисоботини юритиш.

**Бюджетларнинг жорий харажатлари** – давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, бюджет ташкилотларининг жорий фаолиятини таъминлаш учун, бошқа бюджетлар ва иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари жорий фаолиятига ажратмалар, дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар кўринишида давлат томонидан кўллаб-қувватлашни амалга ошириш учун мўлжалланган бюджет харажатлари қисми. Жорий харажатлар бюджет харажатларининг асосий қисмини ташкил этади.

**Бюджетларнинг капитал харажатлари** – инновацион ва инвестицион фаолиятни таъминловчи бюджет харажатларининг қисми бўлиб, тасдиқланган инвестиция дастурига биноан фаолият юритаётган ёки янги ташкил этилаётган корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга инвестициялаш учун мўлжалланган харажатларни ўзида мужассамлаштиради.

**Вертикал тенглаштириш** ўзида ҳар бир ҳокимият органи даражасида унинг даромадлар базаси салоҳияти билан харажатлари ҳажмини баланслашни ифода этади.

**Ветеринария** – хайвонларни касалликлардан муҳофаза қилиш ҳамда уларни даволаш, одамларнинг хайвонга ҳам, инсонга ҳам хос касалликларга чалинишининг олдини олиш тадбирлари мажмуи.

**Геодезия** – Ер шакли ва ҳажмини аниқлаш ва хариталар ва чизмаларда уларни акс эттириш учун ер юзасини ўлчаш тўғрисидаги фанлар тизими. Геодезия астрономия, геофизика, космонавтика, картография ва бошқа шу каби фанлар билан узвий боғлиқ бўлиб, иншоотлар, кемалар юрадиган каналлар, йўлларни лойihalаштириш ва қурилишида кенг фойдаланилади.

**Гериатрик ёрдам** – қариялар ва кекса ёшдаги шахсларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам тури. Гериатрия – кекса ёшда ривожланадиган касалликларни диагностикаси ва даволаш билан, шунингдек, қарияларни умумий даволаш билан шуғулланувчи тиббиёт бўлими.

**Геронтологик ёрдам** – баҳоловчи кўрик ўтказиш, ижтимоий сибсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, соғломлаштириш ва ижтимоий таъминот дастурларини ташкил этиш ва шундай дастурларни бошқариш орқали қарияларга зарур бўлган ёрдамни бевосита ёки билвосита кўрсатиш.

**“Голландча” ёпик аукцион савдосини ўтказиш тизими** – барча буюртмалар ягона минимал рухсат этилган нарх – кесиб ташланадиган нархда қондирилади.

**Горизонтал тенглаштириш** ҳудудларнинг солиқ имкониятлари тенгсизликларини ҳудудий тузилмалар ўртасида пропорционал тақсимлаш орқали амалга оширишни назарда tutади.

**Давлат бюджети** – давлат пул маблағларининг (шу жумладан давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг) марказлаштирилган жамғармаси бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тугилади.

**Давлат бюджетининг харажатлари** – давлат томонидан бюджетдан ўз функциялари ва вазифаларини бажариш учун пул маблағлари оқимини йўналтириш.

**Давлат бюджети харажатларининг иктисодий таснифи** – тўловларнинг иктисодий вазифаси ва турларига кўра харажатларни гуруҳлаш.

**Давлат бюджети харажатларининг ташкилий таснифи** – бюджет ташкилотларининг турлари, хўжалик субъектлари ва бюджет ажратмаларини уларнинг бевосита олувчилари ўртасида тақсимотини ақс эттирувчи тадбирлари бўйича гуруҳлаш.

**Давлат бюджети харажатларининг функционал таснифи** – давлат бошқаруви органлари, жойлардаги маҳаллий ҳокимият органлари, бошқа бюджет ташкилотлари томонидан ижро қилинадиган асосий функциялари бўйича гуруҳлаш.

**Давлат заёмлари** – кредит муносабатларининг тури бўлиб, унда давлат (ёки унинг маҳаллий органлари) заём берувчи ёки кредитор ролида намоён бўлади.

**Давлат мақсадли жамғармалари** – Давлат бюджети таркибида жамланадиган жамғармалар бўлиб, уларнинг ҳар бири учун маблағлар манбалари, ҳар бир манбадан маблағ тушиши нормалари ва шартлари, шунингдек шу маблағлардан фойдаланилиши мумкин бўлган мақсадлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

**Давлат мақсадли жамғармалари** – давлатнинг алоҳида харажатларини молиялаштириш учун ва мамлакатнинг бюджет тизими таркибида жамланадиган, маблағлар тушуми ва мақсадли ишлатилиши устидан давлат назоратини таъминлаш мақсадида амалдаги қонунчилик асосида шакллантириладиган жамғармалар.

**Давлат молиялаштириши** – хўжалик субъектларига бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобига қайтарилмайдиган молиявий ресурсларни тақдим этиш методи.

**Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш** – активларни ички манбалардан (резидент-юрidik ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил

сифатидаги мажбуриятлари вужудга келиши<sup>364</sup> бўлиб, унинг натижасида давлат ички қарзлари пайдо бўлади (Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни).

**Давлат томонидан хориждан маблаг жалб қилиш** – активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятлари юзага келиши бўлиб, унинг натижасида давлат ташқи қарзлари пайдо бўлади (Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни).

**Давлат қарзи** – давлатнинг ташқи ва ички кредит операциялари бўйича қарздорлик суммаси.

**Давлат қарзини бекор қилиш** – давлат томонидан чиқарилган заёмлар бўйича (ички, ташқи ёки умуман ташқи қарз бўйича) мажбуриятлардан бутунлай воз кечиш.

**Дастлабки бюджет назорати** турли даражадаги бюджетларни, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметаларини, дотациялар, субвенциялар ва бюджетдан бошқа маблағлар олингунга қадар ҳисоб-китобларни тузиш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш босқичида, бюджет ва солиқ масалалари бўйича қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш босқичида амалга оширилади. У огоҳлантирувчи хусусиятга эга бўлиб, молиявий ресурслар нотўғри, самарасиз сарфланишининг олдини олишга, даромадларни ошириш имкониятларини аниқлашга ва лойиҳалаштириладиган бюджет кўрсаткичларининг ҳудудлар ва бутун мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши дастурлари билан мувофиқлигини кўрсатишга ёрдам беради.

**Дилер** – юридик шахс, амалдаги қонунчиликка биноан инвестицион институт (қимматли қозғалар бозорининг профессионал иштирокчиси) ёки банк, у Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан облигациялар бўйича операцияларга хизмат кўрсатиш бўйича шартнома имзолайди.

**Директор жамғармаси** – Ўзбекистонда алоҳида хизмат кўрсатган умумтаълим муассасаси ходимлари меҳнатини мукофотлаш жамғармаси.

**Дренаж тармоғи** – сув оқимлари тизими (арик, қувур) бўлиб, улар ёрдамида қишлоқ хўжалиги ерларининг заҳи қочирилади, ер ости сувлари иншоотларидан тармоқ тортилиб, унинг сатҳи пасайтирилади. Дренаж тармоғидаги сувни заҳи қочириладиган майдон участкасидан ташқарига чиқариб ташланади.

**Ер қаъридан фойдаланувчилар** – Ўзбекистон ҳудудида фойдали қазилмалар қонларини қидириш, қазиб олиш, фойдали қазилмаларни қайта ишлаб улардан фойдали компонентларни ажратиш олиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслардир (Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси).

**Жорий давлат қарзи** – тўлов муддати келган мажбуриятлар бўйича давлатнинг қарзи.

<sup>364</sup> Ушв ерда.

**Жорий назорат** – бюджет ижроси, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметалари ижроси шариотида бюджет йили давомида бюджет-солиқ интизомининг бузилишини аниқлаш, молиявий меъёрларга, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларини шакллантириш ва ишлатиш бўйича белгиланган кўрсаткичларга риоя қилинишини қайд этиш мақсадида амалга оширилади.

**Заёмларни унификациялаш** – бир нечта заёмларни биттасига бирлаштириш, олдин чиқарилган заём облигациялари янги заём облигацияларига алмаштирилади.

**Идора ичидаги назорат** – вазирлик ва идораларнинг назорат-тафтиш бўлинмалари томонидан бир вазирлик ёки идора доирасида олиб бориладиган назорат. Бунда бюджетнинг ташкилий таснифи бўйича ажратилган бюджет маблағларини сарфланиши, шунингдек бюджет ссудалари, субсидиялар, субвенциялари ва бюджетдан бошқа молиявий ёрдамни ишлатиши текширилади.

**Ижтимоий таъминот тизими** – давлат бюджетининг ногиронларни ўқитиш ва ишга жойлаштириш; қариялар, ногиронлар ва ногирон болалар учун уй-интернатларни сақлаш ва таъминлаш; протезлаш; ногиронларнинг харажатларини қоплаб бериш; уйда ижтимоий ёрдам кўрсатишнинг худудий марказлари ва бўлинмаларини молиялаштириш; марказлаштирилган бухгалтериялар ва бошқа ижтимоий таъминот тadbирларини таъминлаш харажатларини ўзида муҳассамлаштиради.

**Ижтимоий таъминот** – меҳнат қобилиятини йўқотганларни ўз қарамоғига тўлиқ ёки қисман олиш давлат дастури.

**Ижтимоий ҳимоя** – 1) кенг маънода – ижтимоий сиёсатнинг мақсадлари ва устувор вазифаларини ҳаётга киритиш бўйича, жамиятнинг ҳар бир аъзосига муҳим ижтимоий ҳуқуқларни таъминловчи, қонуний бириктирилган иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий қатламларни амалга ошириш бўйича давлатнинг фаолияти; 2) тор маънода – аҳолининг энг заиф қатламларини қўллаб-қувватлаш учун иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий характерга эга мақсадга йўналтирилган аниқ чора-тадбирлар комплекси.

**Инвестициялар, капитал қўйилма** – 1) давлат секторига нисбатан қўлланилганда узок муддатли капитал қўйилмалар шаклида амалга ошириладиган давлат ресурслари бўлиб, уларнинг мақсади тўлиқлигача ёки асосан жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва унумдорликни оширишдир; 2) хусусий секторда – қўйилмаларнинг мақсади асосий воситаларни такрор ишлаб чиқариш ҳисобига капиталнинг қўшимча ўсиши.

**Инвестицион солиқ кредити** – корхоналарга янги ишлаб чиқариш воситалари сотиб олиш шариотида кредит (қайтарилиш) асосида солиқ органлари ёки давлат ҳокимияти органлари томонидан солиқ тўлови муҳлатини кечиктириш шаклида тақдим этиладиган солиқ имтиёзи. Солиқ кредити корхоналар томонидан ўз маблағларини иқтисодиётга (ишлаб чиқаришга) маълум бир шариотлар мавжуд бўлганда тақдим этилади, шунинг учун унинг муддати мақсадли кечиктирилади.



**Инвестор** – дилер бўлмаган юридик шахс, амалдаги қонунчиликка биноан облигацияларни мулк сифатида сотиб олади ва уларнинг ишлаб чиқариш шартлари ва параметрларини бошқара олади.

**Ирригация** – ободонлаштириш объектларидаги кўкаламзорлаштириш ҳудудини суғориш, шу жумладан сунъий суғориш;

**Иқтисодий таҳлил** – бюджет назоратини амалга оширишнинг муҳим методи бўлиб, барча даражадаги бюджетларнинг даромадлар ва харажатлар қисмлари ижросини, бюджет ташкилотлари харажатлар сметаси ижросини назарда тутди.

**Кадастр** – 1) объектларнинг баҳоланиши ва ўртача даромадлиги бўйича маълумотлар мавжуд реестри; 2) у ёки бу табиат объектлари бўйича тизимлаштирилган асосий маълумотлар жамланмаси; 3) мамлакатнинг иқтисодий ресурслари тўғрисидаги даврий ёки узлуксиз кузатишлар асосида расмий тузилган, тизимлаштирилган асосий маълумотлар жамланмаси. Ер кадастри, сув кадастри, ўрмон кадастри, фойдали қазилма қонлари кадастри, хайвонот дунёси кадастри турлари мавжуд.

**Кадастр тизими** – мамлакат ҳудуди ёки унинг қисми бўйича кадастр асосида яратилган ахборот тизими.

**Камерал текширув** – назорат органи жойлашган жойда, корхона, ташкилот ва муассаса томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва назорат субъектида текширувчилар тўғрисида мавжуд бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар асосида амалга оширилади.

**Капитал қўйилма** – асосий фондлар, бинолар, ускуналарни сотиб олиш ёки такомиллаштириш учун пул маблағлари харажатлари.

**Касб-хунар коллежи** – бошқа турдаги таълим муассасаларидан уларда таълимнинг икки ёклама (дуал) тизими қўлланилиши, яъни ўқув жараёни ҳам коллежда, ҳам корхонада амалга оширилиши билан фарқланади.

**Комплексе тафтишларда** тафтиш этилаётган корхона (ташкилот) фаолиятининг барча қисмлари ва томонлари тафтиш этилади.

**Конверсия** – заёмларнинг даромадлигига тегишли бўлган бирламчи шартларнинг ўзгариши.

**Консолидациялашув** – заём муддати билан боғлиқ шартларнинг ўзгариши.

**Жамланган бюджет** – тегишли маъмурий-ҳудудий бирликлардаги барча даражалардаги бюджетларнинг, давлат бюджет тизимининг жамланмаси. Бюджет кўрсаткичларининг статистик жамланмаси бўлиб, даромадлар ва харажатлар бўйича, маблағлар келиб тушиши бўйича ва улардан мамлакат ҳудудлари ва бюджет тизими бўйича фойдаланилишига доир агрегатланган маълумотларни тавсифлайди.

**Корхона, ташкилот ва муассасанинг хизмат кўрсатувчи персонали** – бино ва ҳудудга техник ва хўжалик хизматини кўрсатиш, уларни кўриқлаш, бошқарув персоналига транспорт хизматини кўрсатиш, шунингдек корхона, ташкилот, муассасаларнинг бошқарув ва асосий (ишлаб чиқариш) персоналига бошқа хизматларни (ҳамда ижтимоий-манший хизмат) кўрсатиш билан шуғулланувчи персонал.

**Кўрик** – бюджет назоратининг методи бўлиб, назорат қилувчининг корхона, ташкилот ва муассаса молия-хўжалик фаолияти иштирокчилари билан шахсан танишувини назарда тутди. Бунда бирламчи бухгалтерия хужжатларини текшириш шарт эмас, ишларнинг, ёқилғи, электроэнергия сарфининг назорат ўлчовлари амалга оширилиши мумкин, сўров, анкета, жойда инспекция, кузатув ва бошқа усуллар ёрдамида яширин молиялаштириш ва солиқ солиш объектлари текширилади.

**Локал тафтиш** – битта корхонада, ташкилотда, муассасада ёки уларнинг бир нечтасида турли ва ўзаро боғлиқ бўлмаган дастурлар асосида амалга ошириладиган тафтиш.

**Маҳаллий бюджет** – Давлат бюджетининг тегишли вилоят, туман, шаҳар пул маблаглари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблаглар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади (Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни).

**Маъмурий-бошқарув персонал** – метъерий хужжатлар (низом, ички тартиб-қоидалар)га мувофиқ маъмурлаштириш, корхона, ташкилот ва муассаса номидан фаолият юритиш, тақсимлаш ҳуқуқи ва ваколати (маъмурий функциялар), бўйсинувчи персонални бошқариш (ишлаб чиқариш вазифалари ва топшириқларни тақсимлаш, персонални жой-жойига қўйиш), корхона, ташкилот ва муассаса ҳамда унинг бўлинмалари фаолиятини ташкиллаштириш ва мувофиқлаштириш, фармойиш, вазифа ва топшириқлар бажарилиши устидан назорат функцияларини бажарувчи корхона, ташкилот ва муассасалар бошқарув персоналнинг бир қисми. Маъмурий-бошқарув персоналга қуйидагилар қиради: корхона, ташкилот ва муассасалар раҳбарлари ва уларнинг муовинлари, таркибий бўлинмаларнинг (мустақил бошқарма ва бўлимлар, цехлар, филиаллар, ваколатхоналар) раҳбарлари ва уларнинг муовинлари, бош муҳандислар, бош бухгалтерлар ва уларнинг муовинлари, дискрецион ваколатга эга (яъни ўз ихтиёрига кўра фаолият юритиш ҳуқуқига эга) бош менежерлар, ишлаб чиқариш участкаларининг усталари (ўқув-ишлаб чиқариш участкалари усталаридан ташқари) ва бошқалар.

**Мелиорация** – ноқулай гидрологик, тупроққа оид ва бошқа ер шароитларини улардан самарали фойдаланиш мақсадида тубдан яхшилаш. Мелиорация турлари: суғориш, ер захини қочириш, кимёвий мелиорация, агроўрмонмелиорация.

**Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди** – таннархга киритиладиган меҳнатга ҳақ тўлаш, мукофотлар тўлаш, пуллик тақдирлаш молиявий харажатларининг мақсадли манбаси.

**Молия йили** – 12 ойдан ташкил топган ҳисобот даври бўлиб, унинг якунида бухгалтерия китоблари ёпилади ва даромадлар ва харажатлар ҳисобга олинади. Молия йили календарь йил билан мос бўлмаслиги мумкин.

**Мустақил назорат** – ихтисослаштирилган аудиторлик фирмалари ва хизматлари томонидан амалга ошириладиган назорат.

**Охиригача тафтиш** – миллий иктисодиётнинг тармоқлари, бошкармалар, трестлар, акциядорлик жамиятлари, фирмалар ва уларга бўйсунадиган хўжалик субъектлари, филиаллар, ваколатхоналар тафтиш қилинади. У бир вақтда юқори ва қуйи корхоналарда (ташқилотларда) бир хил ва ўзаро боғлиқ бўлган дастурлар асосида амалга оширилади.

**Параметрлар** – таҳлилнинг ҳар қандай аниқ бир қисмида мавжуд деб қабул қилинадиган сон кўрсаткичлари.

**Пенсия** – белгиланган (пенсия) ёшга етганида, ногиронлик юз берганда, боқувчиси йўқотилганда, шунингдек белгили муддат хизмат қилгани учун ва давлат олдида алоҳида хизматлари учун фуқароларнинг давлат ёки собиқ ходимларнинг собиқ иш берувчилари томонидан мунтазам пул даромадлари билан таъминланиши.

**Персонал** – корхона, ташқилот, муассасаларнинг ёлланиб ишлайдиган ва ходимларнинг умумий ҳажмига киритилган барча ходимлар мажмуи.

**Персоналнинг умумий чегаравий сони** – корхона, ташқилот ва муассасанинг меҳнатни ташқил этиш ва технологик ривожланишнинг мавжуд даражасида қўйилган мақсадларига эришиш ва вазибаларни бажариш имконини берувчи персоналнинг максимал сони.

**Портфель инвестициялар** – хорижий фирмалар капитални корхоналар акциялари ва бошқа қимматли қоғозларга даромад олиш мақсадида жойлаштириш.

**Реестр** – 1) рўйхат, санок, рўйхатга олиш; 2) иш ҳужжатлари, мол-мулк ва бошқаларни рўйхатдан ўтказиш китоби.

**Республика бюджети** – Давлат бюджетининг умумдавлат тусидаги тадбирларни молиялаштиришда фойдаланиладиган қисми бўлиб, унда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади (Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни).

**Смета** – мақсадга йўналтирилганлиги нуқтаи назаридан пул маблағларининг ташқил топиши ва сарфланиши ҳақидаги ахборотни ўзида муҳассамлаштирувчи молиявий ҳужжат.

**Смета-бюджет молиялаштириши** – бюджет муассасаларига пул маблағларини қайтарилмаслик ва беғараз шартларда ажратиш.

**Сметали молиялаштириш** – муассаса ва ташқилотлар харажатларини тасдиқланган сметага мувофиқ коплаш методи.

**Солиқ** – 1) бюджетга мажбурий бадал бўлиб, қонунчиликда белгиланган тартибда солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан амалга оширилади; 2) солиқлар, ўз моддий мазмунига кўра, миллий даромаднинг хўжалик субъектлари ва аҳолидан умумдавлат эҳтиёжлари учун ундирилган қисмидир.

**Солиқ** – муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари (Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси).

**Солиқ даври** – у туганидан кейин солиқ солинадиган база аниқланадиган ҳамда солиқ ёки бошқа мажбурий тўлов суммаси ҳисоблаб чиқариладиган давр (Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси).

**Солиқ солинадиган база** солиқ солиш объектнинг солиқ ёки бошқа мажбурий тўловнинг ставкаси татбиқан белгиланган кўрсаткичлардаги қиймат, миқдор, физик ва бошқа тавсифларини ифодалайди (Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси).

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича **имтиёзлар** – қонунчиликда назарда тутилган, бошқа солиқ тўловчиларга нисбатан айрим тоифадаги солиқ тўловчиларга бериладиган афзалликлар, шу жумладан солиқ ва (ёки) бошқа мажбурий тўлов тўламаслик ёхуд уларни камроқ миқдорда тўлаш имконияти (Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси).

**Солиқ ва бошқа мажбурий тўловни ҳисоблаб чиқариш тартиби** солиқ даври учун солиқ солинадиган базадан, ставкадан, шунингдек имтиёзлар мавжуд бўлса, шу имтиёзлардан келиб чиқиб, солиқ ва бошқа мажбурий тўлов суммасини ҳисоблаш қондаларини белгилайди (Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси).

**Солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби** – солиқ солишнинг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қондалари қўлланилишини назарда тутuvi алоҳида тартиби.

**Солиқли даромадлар** – солиқ салоҳиятининг амалга оширилган қисми.

**Ставка** – солиқ солинадиган базанинг ўлчов бирлигига нисбатан ҳисобланадиган фонслардаги ёки мутлак суммадаги миқдор (Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси).

**Субсидиялар** – бошқа даражадаги бюджетга, жисмоний ёки юридик шахсга мақсадли харажатларни ҳиссали молниялаштириш шартларида бериладиган бюджет маблағлари.

**Принцип** – асос, негиз, асосий дастлабки тартиб, фаолият юритиш тартиби.

**Таркибий тақчиллик** – ҳукуматнинг иқтисодий ривожланишни амалга ошириш мақсадида давлат харажатларини ошириш ва солиқларни пасайтириш чораларини қўллаш натижасида юзага келадиган тақчиллик бўлиб, у ижтимоий жараёнлар инкирозининг ифодаси эмас, балки давлатнинг ижтимоий тақдор ишлаб чиқариш таркибида прогрессив силжишлар амалга оширилиши натижасидир.

**Тафтиш** – яқуний бюджет назоратининг етакчи шакли бўлиб, бюджет назоратининг чуқур ва кенг қамровли методида намоен этади. Тафтиш – қорхона, ташкилот ва муассасаларнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг, шунингдек молия органларининг бюджетни тузиш ва ижро этиш бўйича ишларининг ўзаро боғланган текширувлари мажмуидир. Тафтиш ҳужжатли ва фактик назорат ёрдамида амалга оширилиб, хўжалик операцияларини, бюджет маблағлари ажратилишининг асосланганлиги, мақсадга мувофиқ ва иқтисодий жиҳатдан самарали эканлигини аниқлайди, молиявий интизомга риоя қилинишини, давлат

мулкнинг сакланишини, ҳисоб ва ҳисобот юритишнинг ишончлилигини текширади.

**Умумдавлат назорати** давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. У давлат ва жамият манфаатларини таъминлайди, солиқ тўловчиларнинг бюджет олдидаги мажбуриятлари бажарилишини ва бюджет ажратмалари мақсадли ишлатилишини текширади.

**Фискал нёсат** – 1) ҳукумат томонидан кўйилган макроиктисодий мақсадларга эришиш учун ҳукуматнинг харажат ва солиқ функцияларини онгли равишда қўллаш; 2) бюджет, солиқ ва бошқа молиявий имкониятларни бошқариш соҳасидаги чора-гадбирлар ёрдамида ҳукумат томонидан тадбиркорлик фаоллигини тартибга солиш.

**Фумигация отрядлари** – ўта хавфли карантинли зарарли объектлар билан курашувчи отрядлар.

**Фуқаролик назорати** – солиқ тўловчилар томонидан амалга оширилади, jisмоний шахслар томонидан солиқ органлари уларга солиқ солганда, солиқ декларациялари тузилганда ва тақдим этилганда, шунингдек бюджетдан маблағ (иш хақи, пенсия, стипендия, нафақа ва бошқалар) олинганда амалга оширилади.

**ФХДЁ** – фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш, фуқаролик ҳолати далолатномалари бўйича ёзма маълумотлар, фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатдан ўтказувчи давлат органлари.

**Харажатлар ва даромадлар сметаси** – нотижорат фаолиятини амалга оширувчи ташкилотнинг мақсадга йўналтирилганлиги нуқтаи назаридан пул маблағларининг ташкил топиши ва сарфланиши тўғрисидаги ахборотни ўзида мужассамлаштирувчи молиявий режас.

**Хўжалик ҳисоби** – харажатларни ўз даромадлари ҳисобидан коплашни назарда тутувчи хўжалик юритиш шакли.

**Хўжаликдаги бухгалтерия назорати** корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг молиявий-иктисодий хизматлари томонидан амалга оширилади. Бу бухгалтерия ҳисобининг муҳим вазибаларидан бири ҳисобланиб, унда бухгалтерия хизмати томонидан амалга оширилаётган бухгалтерия назоратига алоҳида аҳамият берилади. Назорат объекти бўлиб хўжалик фаолияти юритувчи субъектларнинг молиявий фаолияти хизмат килади, унинг таркибига бюджетга тўланадиган солиқлар ва солиқларни режалаштириш, ажратилган бюджет маблағларини ишлатиш ҳам киради.

**Циклли тақчиллик** – ишлаб чиқаришнинг циклли пасайиши натижасида келиб чиқадиган ва иктисодиётдаги инкироз ҳолатларини, ҳукуматнинг молиявий ҳолатни назорат қила олмаслигини ифода этувчи тақчиллик.

**Чикинди қоллектори** – оқова сувларни тўплаш ва четга чиқариш учун ташки чикинди тармоғининг қувур тизими.

**Штаглар жадвали** – доимий ишчиларнинг лавозимлари номлари рўйхати бўлиб, унда бир номдаги лавозимлар ва лавозим бўйича маошлар ҳажми кайд этилади, у мулк эгаси, раҳбар ёки юқори орган томонидан тасдиқланади.

**Эпизоотик касалликларга қарши чора-тадбирлар** – кишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг инфекцион касалликлари олдини олиш, аниқлаш ва тугатишга қаратилган режали чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, у инфекцион касалликлар кўзгатувчи манбалар ва уни тарқалиш омилларини йўқотишни, кишлоқ хўжалик ҳайвонларининг патоген микроорганизмлардан зарарланишга умумий ва ихтисослашган чидамлилигини оширишни назарда tutади.

**Яқуний назорат** молия йили ёки ҳисобот даври тугагандан сўнг амалга оширилади, унда солиқлар, божлар ва бошқа тўловларни тўплаш бўйича режалаштирилган сон ва сифат кўрсаткичларини (даромадлар ва харажатларнинг ҳар бир тури бўйича) бажарилиши, давлат пул маблағларини сарфлаш, бюджет ташкилотлари сметаларининг ижроси текширилади.

**Ўзаро ҳисоб-китоблар** – маҳаллий бюджетларга келиб тушадиган ёки маҳаллий бюджетлардан давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан ва бюджет тузилишида ҳисобга олинмаган ўтказиб бериладиган суммалар (Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни).

**Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси** – молиявий назоратни амалга оширувчи олий мустақил орган, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига ҳисобдор, унинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади. Ҳисоб палатаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағларини мақсадли ва самарали ишлатилишини, давлат активлари ва пасивлари ҳаракати ва ҳолатини, олтин-валюта захиралари ва ташқи қарздорликни тақрор ишлаб чиқариш, бошқариш ва идора қилиш мониторинги ва давлат назоратини амалга оширади, ҳамда ўз баҳолашларида мустақил ва объективдир (Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси тўғрисида Низом).

Ўзбекистон бюджет амалиётидаги **даромадлар контингенти** – бюджетнинг даромадлар қисмини шакллантирувчи барча даромадлар: солиқлар, мажбурий тўловлар ва солиқсиз даромадлар.

**Ўтказиб бериладиган даромадлар** – тегишли ҳудудларда шаклланадиган даромадларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан тегишли бюджетларга; Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри молия бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетидан қўйи бюджетларга ўтказиш.

**Қайта молиялаштириш** – 1) янги заёмлар чиқариш орқали давлат қарзини қоплаш, бунда асосан қисқа муддатли мажбуриятлар ёки қоплаш муддати тугаётган мажбуриятлар, узок муддатли қимматли қоғозлар алмаштирилади; 2) қарз, заём муддатини узайтириш ва (ёки) унинг суммасини ошириш; 3) кредит шартларини ўзгартириш (қоплаш графиги, фоиз ставкаси).

**Қарзга хизмат кўрсатиш** – заём (заёмлар) бўйича қарз мажбуриятларини, шу жумладан қарзнинг асосий қисми бўйича мажбуриятлар, фонзлар, комиссия ва жарима тўлаш бўйича ялпи тўловлар.

**Қарзга хизмат кўрсатиш меъёри (коэффициенти)** – ташқи қарз ҳолатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири. Бу кўрсаткич мамлакатнинг қарзига хизмат кўрсатиш тўловларининг фоиз кўринишини товар ва хизматларнинг экспортдан тушумларга нисбати кўринишида бўлади. Бу кўрсаткич давлат қарзини ва давлат томонидан кафолатланган ташқи қарзни тавсифлайди.

**Қорақалпоғистон Республикасининг бюджети** – Давлат бюджетининг Қорақалпоғистон Республикаси пул маблағлари жамғармасини ташкил этувчи бир қисми бўлиб, бюджетда даромадлар манбалари ва улардан тушумлар миқдори, шунингдек молия йили мобайнида аниқ мақсадлар учун ажратиладиган маблағлар сарфи йўналишлари ва миқдори назарда тутилади (Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет тизими тўғрисида”ги Қонуни).

**Ғазначилик** – Давлат бюджетининг ижросини амалга оширувчи махсус ваколатли молиявий орган.

**Ҳужжатли назорат** бирламчи ҳужжатлар, бухгалтерия ҳисоби регистрлари, бюджет ташкилотлари харажатлар сметалари ва унга қўшимча ҳисобкитоблар ва бошқалар асосида амалга оширилади.

**Ҳайвонларнинг инвазион касалликлари** – эндопаразит-ҳайвонлар (гельминтозалар – гижжа инвазиялари, аскаридозалар, сўналар келтириб чиқарадиган ҳайвонлар касаллиги), ҳамда гетеротроф протист келтириб чиқарадиган (протозой инвазиялар – безгак, трипаносомозалар ва бошқалар).

**Ҳужжатли текшириш** – корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар молия-ҳўжалик фаолиятининг бюджет текширувини амалга ошириш.

**Ҳуқуқий назорат** ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан қўзғатилган жиноят иши асосида тафтиш, суд-бухгалтерия экспертизаси ва бошқа кўринишларда амалга оширилади.

## ҚАЙД УЧУН



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**БЮДЖЕТ ТИЗИМИ ДАРСЛИК**

Босишга рухсат этилди 23.12.2011 й.

Ҳажми А5

Адади 30 дона.

Шартнома № РО/0006/11, РО/0453/11

2011 йил 09 декабр буюртма № 972

МЧЖ «NORI» босмахонасида чоп этилди  
Ўзбекистон Республикаси, 100017, Тошкент шаҳри, Ц-4, 35-уй